

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК,
ТАРИХНАВИСЛИК, ТАРИХ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Республика XV илмий-амалий
конференция материаллари**



Тошкент – 2023

“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” // Республика XV илмий-амалий конференция материаллари. 15-илмий тўплам [Тошкент давлат шарқшунослик университети. Масъул муҳаррир тар.ф.д., проф. М.М.Исҳоқов] Тошкент: 2023.

Ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-Ф-сон фармойиши, Ўзбекистон ОўМТ Вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 97-сон буйруғи, ТДШУ ректорининг 2022 йил 17 мартдаги 79-УМ-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилнинг 21 апрель куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтказилган **“Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”** мавзусидаги анъанавий Республика илмий-амалий конференциясининг 15-навбати материаллари эълон қилинмоқда.

Анжуман ТДШУ илмий-тадқиқотлар режаси асосида шартномавий ҳамкор ташкилотлар – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор М.М. Исҳоқов

Тақризчилар:

*Тарих фанлари доктори, профессор Ж.Ҳ. Исмоилова
Тар.ф.н., доц. Р.Р. Алимова*

Таҳрир гуруҳи:

Алимов З.И., Одилов Б.А., Мадраимов А.А.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2023 йил 27 апрель куни бўлиб ўтган 9-сонли навбатдан ташқари Кенгаши қарорига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

MUNDARIJA	
MANBASHUNOSLIK	
Abdullayev B. N. “AVESTADA ZARDUSHT “GOH”LARINING IJTIMOIIY-MA’NAVIY ASOSLARI”	6
Mahmudov O.V. ROZIY ASARLARINING O’RTA ASR YEVROPA TARJIMA MARKAZLARIDA YARATILGAN LOTINCHA NUSXALARI VA ULARNING HOZIRGI KUNDA SAQLANGAN MAKONLARI	9
Ahmedova D. MAKTUBLAR MANBA SIFATIDA	14
Is’hoqov M., G’oyibov B. SUG’DIY YOZUV CHIZMA SHAKLLARI TARIXINING ARXEOLOGIK TADQIQOTI	17
Boboyorov G’. “FARN-BAG” UNVONLI TURK-SUG’D TANGALARNING YANGICHA O’QILISHI	33
Qodirov Z.M. IBN AL-ASIR VA UNING “AL-KOMIL FI-T-TARIX” ASARI HAQIDA	43
Bobojonov Sh. NARSHAXIYNING “BUXORO TARIXI” ASARIDA ZIYORAT AN’ANASI MASALALARI	47
Jo’rayev N. “AVESTO” – FRIDRIX NITSHE TALQINIDA	50
Saidov S.A. “TARIXI GARDIZIY” ASARINING ISLOM MANBASHUNOSLIGIDA TUTGAN O’RNI	54
Kenjayev S. N. SOHIBQIRON AMIR TEMUR VA XITOYNING MIN SULOLASI MUNOSABATLARI TARIXI MANBALARIGA DOIR	57
Shaydullayev Sh., Xurramov X. OKS SIVILIZATSIYASI NODIR MODDIY MANBALARINING GERMANIYALIK SAN’ATSHUNOSLAR TOMONIDAN O’RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI	61
Isxoqov M., Abdullayev A. ABU RAYXON BERUNIYNING DUNYO TARAQQIYOTIGA QO’SHEGAN HISSASI	66
Kenjayev S. N. SOHIBQIRON AMIR TEMUR VA XITOIY(MIN) DAVLATI TARIXINI O’RGANISHDA OID MANBALAR VA MANBAVIY AHAMIYATGA EGA ADABIYOTLAR XUSUSIDA	71
Sharipov A. A. “BOBURNOMA”DA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBURNING HINDISTON FATHIGA DOIR MA’LUMOTLAR	74
Abdulahobova M.R. TARIXIY HUJJATLARDA BUXORO AMIRLIGI VOBKENT TUMANI	89
Alimova R.R. SIRDARYONING O’RTA OQIMIDA JOYLASHGAN O’RTA ASR SHAHARLARI MANBASHUNOSLIGIGA DOIR	92
Saidusmanov B.A., Ashirova N.X. TARIXIY MANBASHUNOSLIKNING DOLZARB MASALALARI.	100
Mirzayeva M.M. KOROSKON QISHLOG’I TARIXIY MANBALARDA	103
Mo’minov X. M. BUTUN BUXORO XALQ VAKILLARI QURULTOYLARI FAOLIYATINING DAVRIY NASHRLARDA YORITILISHI	105
Marupov Sh. O’ZBEKISTONDA SOVET HOKIMIYATINING AMALGA OSHIRGAN “TOZALASH” SIYOSATI ARXIV HUJJATLARIDA	109
Abdullayeva D.A. BUXKOMSTARIS HISOBOTLARIDA ABDULAZIZXON MADRASASINING TA’MIRLANISH MASALASI	111
Xoshimov S.A. O’ZBEKISTONDA SOVET HOKIMIYATINING AMALGA OSHIRGAN QATAG’ON SIYOSATI TARIXI MANBALARDA	115
Имашева М.М. КУПЦЫ БУХАРСКОГО ДВОРА ИЗМАЙЛОВЫ	118

Асқаров Қ. MIYON RUDAH MUZOFOTI TARIXINING MANBASHUNOSLIK VA TARIXSHUNOSLIK TAHLILI	121
Джуманиязова Ф., Жиянов У. ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ СВЯЗИ ТЮРКСКОГО КАГАНАТА С САСАНИДСКОМ ИРАНОМ	124
Gulyamova N. AVESTASHUNOSLIKNING AYRIM MASALALARI	128
TARIXSHUNOSLIK	
Ziyodov Sh. MARKAZIY OSIYO KUTUBXONALARI TARIXINI O'RGANISH MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI (XVI-XX boshlari)	130
Axundjanov E. A. O'ZBEKISTON MADANIYATI TARIXINING O'RGANILGANLIK DARAJASI	133
Ro'ziqulov Sh. O'ZBEKISTONDA IKKINCHI JAHON URUSHIDAN KEYINGI YILLARDA TA'LIM TIZIMIDAGI O'ZGARISHLAR TARIXINING TARIXSHUNOSLIGI XUSUSIDA	138
Saidov Sh.J. XIVA XONLIGINING ROSSIYA BILAN O'ZARO ALOQALARI TARIXIDAN (XIX ASRNING BOSHLARI)	141
Xo'jayorov A. O. QASHQADARYO VOHASI ALLOMALARI ILMIY MEROSINING O'RGANILISHI	145
Savriyev J. F. O'RTA ZARAFSHON VOHASI ME'MORIY YODGORLIKLARI, O'RGANILISHI HAMDA TA'MIRLANISHIDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR.(MIR SAYYID BAHROM MAQBARASI MISOLIDA)	148
Ulashova S. TADQIQOTLARDA SHARQIY CHIG'ATOY ULUSI TARIXI	151
Tojiyev D.B. SHAYBONIYXON VA UBAYDULLAXONNING BUXORO XONLIGI TASHKIL TOPISHIDAGI TARIXIY O'RNI	156
Xamidov O. BAQTRIYA SATRAPLIGI YO'LLARI BO'YICHA MULOHAZALAR	160
TASAVVUF	
Xolmo'minov J. M. QIYOSIY TASAVVUF SHUNOSLIK: TASAVVUF VA BUDDAVIYLIK DINI	167
Raxmatova X. XOJA AHROR VALIY "RISOLAI HAVROIYYA" ASARINING FALSAFIY TAHLILI	172
Qodirov D. H. ABULQOSIM QUSHAYRIYNING TASAVVUFIIY MEROSI	175
Is'hoqov M AMIR TEMUR TARIXIGA FALSAFIY NAZAR	178
Bobojonov Sh. NARSHAXIYNING "BUXORO TARIXI" ASARIDA ZIYORAT AN'ANASI MASALALARI	180
Mo'minov X. M. BUTUN BUXORO XALQ VAKILLARI QURULTOYLARI FAOLIYATINING DAVRIY NASHRLARDA YORITILISHI	182
G'afforov Sh. S. "TEMUR TUZUKLARI" - MUHIM TARIXIY MANBA	185
Radjapova M. Z. MUHAMMAD IBN MUHAMMAD BAHOUDDIN NAQSHBAND BUXORIY VA UNING TA'LIMOTI	190
Radjapova M. Z., Yunusova B. A. TASAVVUF TA'LIMOTINING MANBAVIY ASOSLARI	194
Bekchanov Z. M. FALSAFANING IRODA, QANOAT VA SHUKRONALIK RUHINI TARBIYALASHDAGI AHAMIYATI	197
Bozorova R. Sh. TASAVVUFDA MEHR-SHAFQAT KONSEPSIYASI	199
Mahmudov O.V. ROZIY ASARLARINING O'RTA ASR YEVROPA TARJIMA MARKAZLARIDA YARATILGAN LOTINCHA NUSXALARI VA ULARNING HOZIRGI KUNDA SAQLANGAN MAKONLARI	202
Eshonqulov Z. S. HOFIZ KO'HAKIYNING TOSHKENT MADANIY-MA'RIFIY HAYOTIDAGI O'RNI	208

ETNOLOGIYA	
Niyazova M.I., Sultonova N.Sh. BUXORO VOHASI AYOLLAR TAQINCHOQLARINING ETNOLOGIK TAHLILI	211
Ashiraliyev A. O‘ZBEK URUG‘LARI NOMLARINING KELIB CHIQISHIGA DOIR MULOHAZALAR (ABULG‘OZIY BAHODIRXONNING “SHAJARAI TURK” ASARI MISOLIDA)	214
Salayev I. XORAZM VOHASI UY-JOY QURILISHIDA DOLON VA UNING O‘ZIGA HOS VAZIFALARI	216
Saydullaev F. U. ETHNOGRAPHY: ISSUES AND PROSPECTS	218
Eshmuhamatov A. Sh. CHORVADORLAR XO‘JALIGINING TARKIB TOPISHI VA UNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI (JIZZAX VOHASI MISOLIDA)	220
UMUMIY TARIX MASALALARI	
Tursunova D. TARIX FANI TARQOIYOTIDA TARIX METODOLOGIYASINING AHAMIYATI	227
Hasanov B. SHARQSHUNOS OLIM OTAJON HOSHIM QISMATI	229
Ahmadov X. S. MILLIY ZIYOLILARNING IMLOVIY O‘ZGARISHLARGA MUNOSABATI	231
Tursunova D. Khaydarova G. REFLECTION OF HISTORY IN MUSEUMS	234
Shahlo N. AMIR TEMUR DAVRIDA AXBOROT UZATISH USULLARI	236
Samatova L.Y. XVIII ASRDA BUXORO XONLIGIDA XALQARO SAVDO MUNOSABATLARI	240
Мараджапова Ф. Э. XVI ВЕК: КОМПАРАТИВНЫЙ ПАНОРАМНЫЙ ОБЗОР ИСТОРИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ МИРА	242
Savriyeva M. X. TURIZM OBYEKTLARINING IQTISODIY SAMARADORLIGI SHARTLARI	245
Fayzullayev A.H. AFG‘ON DAVLATCHILIGIDA LO‘YE JIRG‘ALAR CHAQIRILISH TARIXI VA UNING SIYOSIY AHAMIYATI	248
Ochilova G. SAMARQANDDAGI JADID GAZETASI “MEHNATKASHLAR TOVUSHI” NING IJTIMOIIY MASALALARNI YORITISHDA MANBAVIY AHAMIYATI	253
Bozorova R. Sh. KAMOLOTNING BIR YO‘LI - MYEHR-SHAFQAT	255
Maxkamov A. ABDURAHIM YUSUFZODA – BUXORO RESPUBLIKASINING AFG‘ONISTONDAGI ELCHISI	259
Husanova Sh.A. MINGTEPA YODGORLIGIDA DINIY QARASHLAR HAQIDA	263
Yoqubov F.K. MUSTAQILLIK YILLARIDA O‘ZBEKISTONDA TASHQI MIGRATSIYA JARAYONLARINING VUJUDGA KELISHI VA UNING SABABLARI	266
Sultanov R.A. TURKISTONDA HINDISTONLIKLAR FAOLIYATI TARIXI	268

ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

“АВЕСТАДА ЗАРДУШТ “ГОҲ”ЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ”

Абдуллаев Ботир Нуриллаевич, Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

Авеста асрлар мобайнида шаклланган кўпқатламли китобдир. Унинг мантлари турли даврларга тегишли ва ўзаро мазмунан мутаносиб келмайдиган жойлари ҳам кўп¹. Унга ибтидоий даврлардан бошлаб турли дуолар ибодат қўшиқлари, халқ ижоди намуналари, ижтимоий тартиб қонун қоидалари, ҳуқуқий масалалар, тарихий-асотирий хотиралар бирлаштирилган. Матнлардаги турфалик, уларнинг хилма-хиллиги Авеста мубадлар томонидан маълум манфаатларини кўзлаб тизимга солинган деб ҳисобланади².

Зардуштийликда икки ибтидо тан олинади: эзгулик (Аҳура Мазда), ёвузлик (Ахриман). Улар ўртасидаги доимий кураш ҳаётнинг мазмунини ташкил этади. Зардуштийликда дуализм азалий ҳодиса сифатида Аҳура Мазданинг иродаси билан амал қилади. Аҳура Мазда барча ёвузликларни ўз иродаси билан бир лаҳзада йўқ қилиши мумкин. Лекин у буни қилмайди. Чунки, ёвузлик бўлмаса ибрат қолмайди. Инсоният табиати эса абадий фаровонликдан бепарволик касб этади. Яхшиликнинг қадрини билмай қўяди. Шунинг учун ёвузлик ҳаёт синови майдонларида эзгулик йўлини танлаш учун бир тимсолий ибратдир³.

Авестанинг энг муътабар қисми Ясна таркибига кирувчи, Зардуштнинг даъват қўшиқлари деб тан олинган “Гоҳ”лардир. “Гоҳ”лар тарихий шахс – Зардушт томонидан ўта юқори маҳорат билан бадиҳа йўлида тўқилган ва омма олдида қуйланган.

“Гоҳ”лар бронза даври ажодларимизни ижтимоий адолатга суянган юрт қуриш ғояси атрофида бирлаштиришга хизмат қилган. Авеста илк бора инсоният онгига дунёни яратган якка-ягона зотнинг борлиги, унинг номи Аҳура Мазда экани ҳақидаги фикрни етиштирди, яъни одамзод тарихида илк бора ваҳдоният, якка худолик тушунчаси пайдо бўлди. Қабилалараро қарама-қаршиликлар замонида бу буюк жасорат эди⁴.

Шаҳриёрлик, адолатли сиёсий бошқарув борасидаги Зардуштнинг орзу истаклари “Гоҳ”ларда кўп маротаба таъкидлаб ўтилган ва қўшиқларининг ўзак мазмунига сингдириб юборилган. Бунда Зардушт тузилажак сиёсий ҳокимиятнинг илоҳий бўлишини орзу қилган. Яъни илоҳий давлат структураси, илоҳий ҳокимият тузиш орзу истаги билан яшаган. Илоҳий ҳокимият эса ўз навбатида Аҳура Маздага эътиқод қилиш тамойилларига асосланган бўлиши керак эди.

Давлат сиёсий тизими мустаҳкам бўлиши ва қонун устуворлигини таъминлаш учун Яснада “Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб, яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга

¹ Уразова Р.Т. Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент. 2017. – Б. 46; Яна қаранг: Бабаев Х., Досчанов Т., Хасанов С., Олламов Я. РольАвесты в духовном развитии человечества. Ургенч. “Хорезм”, 2002 - С. 7-8.

² Уразова Р.Т. Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти. – Б. 47.

³ Исҳоқов М.М. “Авесто” – тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси. “Авесто” ва унинг инсоният тариккиётидаги ўрни // “Авесто”нинг 2700 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция. – Тошкент-Ургенч. Фан, 2001. – Б. 7; Яна қаранг; Исҳоқов М.М. Ҳақиқатнинг синов майдонларида. Исломшуносликнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий семинар. – Т.: ТИУ, 2013. – Б. 10-13.

⁴ Исҳоқов М.М. “Авесто” – тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси. “Авесто” ва унинг инсоният тариккиётидаги ўрни. // “Авесто”нинг 2700 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция. – Тошкент-Ургенч. Фан. 2001. – Б. 7.

оширсинлар”, дейилган (Ясна 48). Авестада ёзилишича, кучли марказлашган ҳокимият, ҳар қандай адолатсизлик, зулмат ва ҳақсизликка қарши кураш манбаидир¹.

Зардуштийликда Ахура Маздага берилган олий мақомни жамият моделининг юқори ижтимоий сиёсий мавқеи билан қиёслаш ҳар жиҳатдан тўғридир. Иймонли зардуштий унинг эзгу хислатларига интилмоғи лозим бўлган².

“Гох”лар реал ҳаётдан узилган деб баҳо берувчи тадқиқотчилар ҳам бор³. Лекин, “Гох”ларда реал ҳаёт билан боғлиқ бўлган ҳаётини заруриятга айланган масалалар устида Зардушт захмат чекканини кўрамиз.

“Гох”лар билан юзаки танишган, унга юзаки кўз югуртирган одамда ҳам жамият ижтимоий-маънавий масалалари Зардуштнинг эътибор марказида бўлган, дея олади. Масалан: “Сигир”, йирик тўёқли чорва маъносида, қорамол, “чорвага ғамхўрлик қилувчи”, “Гох”ларда кўп мартаба тилга олинган. Шунингдек, сутга кирган сигир, бузоқлашга тайёр бўлган мол, бия, от, той, буқа, қўй қабилар тилга олинган. Шунингдек, серўт яйловлар, чорвадор, човага дахли йўқлар, чўпон қаби жой ва аҳоли қатламлари келтирилган.

Кўриниб турибдики, Зардушт таълимотининг диққат марказида, шу жумладан “Гох”ларда уша даврнинг жамият ижтимоий масалалари асосий ўрин тутган. Назаримизда “Гох”ларга жамият ижтимоий-маънавий ҳаётдан узилган деб баҳо бериш ўзини оқламайди.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Инжилда келтирилган ижтимоий-маънавий ҳаётга оид атамалар билан “Гох”ларда тилга олинган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиб ўтамыз. Инжилди майда чорва, қўй, қўзи, улоқ (Матто 9.36; 26.31; Марк 6.34; 14.27 ва бошқалар), туя (Матто 19.24), омоч (Луқо 9.62) ер хайдамоқ (Луқо 17.7) ерга экин экмोक (Матто 13.3, 4, 20, 22, 23, 24, 27) тушунчалари келтирилган. Лекин бу тушунчалар ўз ифодаси ўрнида эмас, балки рамзий маънода ишлатилган. Улар аллегорик (киноя, мажозий ўхшатиш) тарзида матнларда келтирилган. Ушбу мажозий ўхшатишлар Инжил таълимотининг мазмун моҳиятига тўғридан тўғри алоқадорлиги мавжуд эмас. Масалан “...чўпонлар (подачилар) туғилган Исони кўргани келдилар” (Луқо 2), ёки оламон чўпони йўқ подага ўхшатиш (Матто 9.36 – Марк 6.34) ёки мажозий маънода “... подани бир подачи етаклар” (Юҳанно 10.16) қаби кўринишда ишлатилган⁴.

“Гох”ларда ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга бўлган тушунчалар аниқ ўз ифодаси ўрнида ишлатилган.

Ушбу ўринда Ясна 29-қўшиққа эътиборимизни қаратамыз. “Буқа нолаши” деб номланувчи ушбу “Гох” Зардуштнинг ислохотчилик фаолиятини мазмунан тушунишга ёрдам берувчи қўшиқлар турига тааллуқли. Ундан биз Зардушт яшаган ва фаолият олиб борган даврда чорва моллари Аэсма (Aesma⁵ – ғазаб деви) нинг, яъни доимий зўрлик билан босиб олиш, қирғин келтириш хавфи остида бўлганлигини кўрамиз. Зардушт яшаган даврда ҳарбий демократик типдаги тузилмалар ҳукмрон бўлиб, унда қароқчилик, босқинчилик чорва молларини хайдаб кетиш, диний маросимлар учун керак бўлганда қурбонлик эвазига чорвани кўплаб қириб ташлаш ҳукм сурган. Шунда ягона яратувчи худо Ахура Мазда Зардуштга масъулиятли ишни топшириб, “кучли кўриқчи, ҳукмдор бошқаруви остида чорва молларига тинч осуда ва эзгу ҳаёт бахшида айлаш” вазифасини юклади. Ушбу “Гох”нинг мазмуни қуйидагича:

29.1. Сенга нола қилибон, сўроқлайди Буқанинг жони

¹ Бобоев Ҳ., Хасанов С. Авестода миллий давлатчилик ва қонунчилик масалалари. “Авесто” ва унинг инсоният тарихидаги ўрни. Авестонинг 2700 йиллигига бағишланган халқаро конференция материаллари. Тошкент-Ургенч., “Фан”. 2001. – Б.10-11.

² Уразова Р.Т. Зардуштийликда маъбудаларнинг функциялари ва ижтимоий-тарихий моҳияти. – Б. 48.; Яна қаранг: Гаты Зарагустры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. СПб. Петербургское востоковедение, 2009. – С.7-12. ;Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992 – С. 5-8.

³ “Un texte aussi eloigne des realites materielles, que l'est celui des Gatha” (A. Meillet, Troisconferences sur les Gatha de l’Avesta. – Paris. 1925. – P. 24).

⁴ Инжил, Тавротдан “Ибтидо” ва Забур. – Стокгольм, Швеция. Библияни таржима қилиш институти. Иккинчи тузатилган нашр. 1993. 613 б.

⁵ Иудаизмда Асмодей – Авестача Аэсма-дев.

Мени нечун яратдинг, кимларгадир бўлай қурбони,
Ана Аэшма, зўрликлару босқин мени айлайди асир
Сендан бўлак чўпоним йўк, эзгу соҳиб, яйлов посбони.

29.2. Буқа жонин яратган зот шунда ундан сўроқлаб деди:

Чорволарнинг Ҳаққи кимдир, ким уларнинг пушти паноҳи

Ким тайинлар ҳукмдорин, парваришлаб бўлик ўтлоғин.

Ғазаб девин ким ҳайдайди, кимдир ўшал ҳодий илоҳий¹.

Ясна 29.9 бандда қуйидаги нола ўз ифодасини топган. Гэуш-Урван (хўкиз руҳи, жони) яратганга нолиш билан мурожаат этмоқда.

29.9. Говшарвон нола қилиб деди: Эй, Худо

Нечун ул ожизу нотавон эрга

Менинг асровимни кўрмишсан раво?

Истагим қудратли кўриқчи, ҳакам,

Ким унга кўмакдош, бўлай хотиржам!²

Матнларнинг анъанавий мазмунидан фарқли равишда бу ерда буқа (буқа руҳи) худога нола қилиб, ундан ҳимоя сўрамоқда. Гэуш-Урван яратганга нолиш билан мурожаат этмоқдаки, нотавон инсон оламни ёвузликлардан ҳимоя қилишга қодир эмас. Шундай экан, оламни асрашга қайси қудратли ҳукмдор кўриқчилик қилади? Ушбу ҳолатда чорва молларига ҳомийлик қилиш, уни ҳимоятига олиш учун бирор бир кўриқчининг зарурияти пайдо бўлганлиги, ҳамда бу кимса Зардушт тимсолида гавадланганлиги. Лекин Гэуш-Урван Зардуштга бу масъулият юклатилаётганидан ишончсизлик ифода этмоқда. Кейинги сатрларда эса Зардушт илоҳий қувват билан таъминланганлиги, пайғамбар этиб тайинланганлиги таъкидланмоқда.

Ясна 48.11 кўшиқда Зардушт Ахура Маздага нола қилиб: Қачон кучли ҳукмдор ёрдамида заминда тинчлик, серхосил ерлару ўтларга бой яйловлар, осуда хаёт таъминланиши сўрамоқда³.

Ривожланган бронза асрида Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари кенгайиш бошлади. Бу жараён юртимизнинг жанубий ҳудудларида ўтроқ манзилгоҳларнинг майдонларига аҳоли сиғмай қолиши билан боғлиқ. Натижада деҳқон жамоалари томонидан Мурғоб воҳаси, Амударёнинг ўрта оқимларида, Қашқадарё воҳаси бўйлаб янги ерларни ўзлаштириш жараёни кузатилади.

Бу даврда Ўрта Осиёда прототуркий ва шимолӣ ғарбдан бу ерга силжиб келган эронийзабон аҳолининг қоришуви ҳам юз берди. Аҳоли сонининг ўсиши, хаёт учун зарур бўлган ҳудудларга мухтожлик, чорва учун бўз ер ва яйловлар, маъдан конлари зарурлиги билан боғлиқ демографик ва иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Ижтимоий ва иқтисодий жараёнларнинг ўзгарувчанлиги ўтроқ зироатчилар билан чорвадорлар ўртасида серхосил ерлар, яйловлар учун рақобатни, курашни келтириб чиқарган бўлиши табиий. Бундай пайтларда харбий куч ва манфаатлар устунлик қилган⁴. Шунинг учун “Гоҳ”ларда кучли марказлашган ҳокимиятга эҳтиёж борлиги такроран тилга олинган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Зардушт реал тарихий шахс сифатида ўз замонасининг (сўнги бронза ва илк темир даври) тараққиёт тенденциясига, ижтимоий-маънавий, тарихий эҳтиёжларига жавоб берувчи диний-дунёвий таълимот асосчиси эди. Унинг бу таълимоти тарихда пассионар аҳамият касб этиб, инсоният тарихий тараққиётининг янги босқичга олиб чиқишга сабаб бўлди.

¹ Исҳоқов М. “Гоҳ”ларнинг ўзбек тилига таржималарининг электрон нусхаси (Гоҳларнинг ўзбек тилидаги вариантларининг электрон нусхаларидан фойдаланишга руҳсат берганликлари учун М.М.Исҳоқовга лутфан миннатдорчилик билдирамиз); Махмудова Г.Т, Исҳоқов М.М., Б.Б. Жалолов Зардуштийлик хрестоматияси. – Б. 157-158.

² Исҳоқов М. “Гоҳ”ларнинг ўзбек тилига таржималарининг электрон нусхаси. – Б. 3.

³ Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. – Б. 26; Яна қаранг: Гаты Авесты. Перевод... - С. 87.

⁴ Сагдуллаев.А. Авестода акс этган илк диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар. – Б. 20-21; Сагдуллаев А. “Авесто”нинг илк диний маросимларини ўрганишда археологик маълумотлар // Ўзбекистон тарихи. 2001. № 3. – Б. 3.

РОЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ЛОТИНЧА НУСХАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДА САҚЛАНГАН МАҚОНЛАРИ

О.В.Маҳмудов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Фарғона давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири

Аннотация. Мақолада буюк қомусий олим Абу Бакр ар-Розийнинг тиббиёт ва кимёга оид асарларини XII–XIII асрларда лотин тилига таржима қилиниши тўғрисида маълумот берилган. Муаллиф ўз тадқиқотлари натижасига таяниб Европа фондларида яратилган лотин тилли манбалар каталоглари ҳамда илмий адабиётларда мавжуд бўлган мавзуга оид чалкашликларга ойдилик киритишга ҳаракат қилган.

Калим сўзлар: ар-Розий, тиббиёт, кимё, асарлар, таржималар, таржимонлар, ўрта асрлар, қўлёзма фондлар.

Аннотация. В статье представлены сведения о переводе на латынь трудов великого ученого-энциклопедиста Абу Бакра ар-Рази по медицине и химии в XII-XIII веках. Основываясь на результатах своего исследования, автор попытался исправить путаницу в отношении темы, присутствующую в каталогах латиноязычных источников, созданных в европейских фондах, а также в научной литературе.

Ключевые слова: ар-Рази, медицина, химия, труды, переводы, переводчики, средневековье, фонды рукописей.

Annotation. The article presents information about the translation into Latin of the works of the great scientist-encyclopedist Abū Bakr ar-Rāzī on medicine and chemistry in the XII-XIII centuries. Based on the results of his research, the author tried to correct the confusion about the topic present in the catalogues of Latin-language sources created in European funds, as well as in the scientific literature.

Keywords: ar-Rāzī, medicine, chemistry, works, translations, translators, medieval, manuscript foundations.

Ўрта аср мусулмон Шарқи алломалари плеядасининг энг ёрқин вакили Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865–925) илмий меросини ўрганиш Шарқда XI асрдаёқ бошланган бўлса, Фарбда бу иш XII асрда юз берган. Аллома асарларининг машриқдаги илк тадқиқ натижаси «Фи фихрист кутуб Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий» [8] («Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий асарларининг рўйхати») номли асар бўлиб, олимнинг таржимаи ҳоли, илмий назариялари ва асарлари ҳақида маълумот келтирилган ушбу китобни Абу Райҳон Беруний (973–1048) қаламига мансуб эканлиги мутахассисларга яхши маълум. Бироқ, аллома асарларини ўрта асрларда Европада таржима қилиниши ва ўрганилишига оид маълумотлар умумий характерга эга бўлиб, бу борада минтақимиз шарқшунослигида «ар-Розий асарлари ўрта асрларда Европада таржима қилинган ва жуда машҳур бўлган... XVI асргача асосий қўлланма сифатида фойдаланилган» деган таърифдан нарига ўтилмайди. Айни жихат, ўз навбатида аллома асарлари Европанинг айнан қайси шаҳарларида, қачон, ким томонидан таржима қилинган ва бу таржималарнинг кейинги тақдири нима бўлган, деган саволни юзага чиқаради. Қуйида биз илмий жамоатчилигимиз эътиборидан четда қолган ана шу масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Европа фан тарихида лотинча Rhazes номи билан машҳур бўлган алломанинг асосий илмий тадқиқотлари тиббиёт, кимё ва фалсафа соҳаларида кечди. Дастлабки вақтда асосан кимё билан жиддий шуғулланган аллома 30 ёшида Бағдодга келиб, тиб илмини чуқур ўрганади ва кейинчалик шаҳардаги «Адудий» номли шифохонани бошқарган. Мусулмон оламида «араблар Жолинуси» деган фахрли номга сазовор бўлган олим қаламига мансуб асарларнинг умумий сони 270 дан ортади [15: 229]. Бироқ улардан фақат 61 таси ҳозирга қадар етиб келган бўлиб, бу асарларнинг 36 таси тиббиётга оиддир.

Тадқиқотлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, Розий асарларининг лотинча матнларидан кўра, уларнинг асл арабча матнларини тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар

амалга оширилган. Алломанинг кимё ва тиббиётга доир асарларини ўрганишда машхур немис шарқшунослари Гейдельберг университети профессори Юлий Фердинанд Руска (1867–1949) ҳамда унинг шогирди Элизер Пауль Краус (1904–1944)ларнинг тадқиқотлари [8, 27, 28] муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, уларда алломанинг икки турли асарлари – «Китоб ал-асрор» («Сирлар китоби») ҳамда «Китоб сирр ал-асрор» («Сирлар сири китоби»)ни аслида битта асар сифатида кўрсатилади. Бу айниқса Ю.Ф.Руска тадқиқотларида [27, 28] яққол кўзга ташланади. Немис олимнинг шарқшуносликдаги катта обрўси сабаб, ушбу чалкашлик ўз даврида Ғарб фан оламида анча кенг тарқалган эди. Айни чалкашлик машхур ўзбек фан тарихчиси Убайдулло Каримов (1920–1997) томонидан 1950 йилда ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланган «Китоб сирр ал-асрор»нинг 1506 йилги қўлёзмасини топилиши билан ўз ечимини топди. 1957 йилда олим асарнинг русча таржимасини, изоҳ ва кўрсаткичлар ҳамда қўлёзма факсимилияси [24] билан чоп қилган. У.Каримов бошлаб берган тадқиқотлар кейинчалик унинг кизи, профессор С.Каримова томонидан [22] давом эттирилди. Жумладан, 1957 йилги нашр олима томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, қўшимчалар билан бирга [23] нашр қилинди. Алломанинг фалсафий қарашлари ҳозирги кунда Мюнхен университети профессори Петер Адамсон [25, 26] томонидан тадқиқ этилмоқда.

Сўнги йилларда республика миқёсида яратилган айрим тадқиқотларда Абу Бакр ар-Розий исми Марказий Осиё олимлари рўйхатида [21: 230-234] киритилмоқда. Бунга асос сифатида уни Бухорога келгани ҳамда Сомонийлар ҳукмдорини фалаждан тузатгани ва олимни бухоролик Муҳаммад ибн Юнус исмли шогирди бўлган [12: 24, 177; 13: 33; 14: 309-321; 15: 229]га оид манбаларда сақланган маълумотлар келтирилмоқда. Бизнингча, бундай ёндашув анчайин мунозараталабдир. Чунки, санаб ўтилган жиҳатларга асосланиб райлик олимни марказий осиелик сифатида кўрсатиш, умрининг асосий қисмини Бағдодда ўтказган ўзбекистонлик олимлар Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийни бағдодлик алломалар, деб аташдек мантиқсиз иш билан баробар бўлади.

Алломанинг XII–XIII асрларда латин тилига таржима қилинган асарларнинг дастлабкиси бу – «Китоб ал-ҳави фи-т-тиб» («Тиббиётга оид билимлар мажмуи»)дир. У олимнинг мазмун жиҳатдан энг муҳим ва ҳажм жиҳатдан энг катта асари бўлиб, 30 жилддан иборат. Муаллиф унда қадимги юнон табобатидан то замонасигача бўлган назарий ва амалий тиббий маълумотларни тўплаган ҳамда ўзининг шахсий тажриба ва кузатишларини тавсифлаган. Асар моҳиятига кўра, табобат тарихидаги нодир қомус ҳисобланади. У ўрта аср Европа таржима марказларидан Толедо ва Палермода латин тилига таржима қилинган. Унинг «*Locorum quorundam tractatum medecinae*» («Тибга оид рисолалар тўплами») номли биринчи латинча таржимаси Толедо мактаби вакили Кремоналик Жерард (1114–1187) томонидан яратилган. Иш тахминан 1160–1187 йиллар оралиғида амалга оширилган. Мазкур таржимага кейинчалик тўлдиришлар киритилган. Жумладан, таржима 1210–1231 йилларда Толедо мактабининг яна бир аъзоси, табиб Толедолик Марк (тах. 1180–1234) томонидан қайта ишланган. Бунда, таржима асарнинг арабча нусхаси билан ўзаро солиштирилиб, таржимага киритилмаган айрим маълумотлар ҳам латин тилига ўгирилади. Бироқ, янги ишланган таржимада Марк муаллиф сифатида ўзини эмас, балки Жерардни кўрсатган. Мазкур таржиманинг 1497 йилда Монпельеда кўчирилган «*Liber Elhaui id est continens artem medicinae*» («Тиб санъатида оид ал-Ҳави китоби») номли қўлёзмаси бугунги кунда Бодлиан кутубхонасида MS. E Mus. 83 хос рақами [6] билан сақланмоқда.

«Китоб ал-ҳави фи-т-тиб»нинг яна бир таржимаси 1274 йилда Палермода яхудий табиб Фараж ибн Салим (XIII аср) томонидан яратилган. Таржима Фараж ибн Салимнинг ҳомийси Сицилия қироли Карл I (1266–1285) топшириғига биноан амалга оширган. Таржима «*De expositionibus vocabulorum seu synonymorum simplicis medicinae. Continens*» («Таркиби яқин ва ўринбосувчи оддий дорилар. Бўлимлар») деб номланади. Таржиманинг асл қўлёзмаси Франция миллий кутубхонасида MS. 6912 хос рақами [7] билан сақланмоқда. У фанда «*Continens Rasis*» («ар-Розий бўлимлари») номи билан машхурдир. Айни сарлавҳа асарнинг

ношир Иоганн Хамман (XV аср охири – XVI аср биринчи ярми) томонидан 1529 йилда Венецияда чоп этилган нашридан [16] олинган бўлиб, у 525 бетдан иборат.

Алломанинг лотин тилига таржима қилинган навбатдаги асари бу «Китоб ал-Мансурий» («ал-Мансурга бағишланган китоб»)дир. Табобат, анатомия, гигиена, фармакология ва соғлиқни сақлашнинг бошқа масалаларига бағишланган асар ўн бўлимдан иборат. Асар сомонийлар сулоласининг вакили, 902 йилда Рай шахрининг волиси этиб тайинланган Абу Солиҳ Мансур ибн Исҳоқга бағишлангани боис шундай аталади. Мазкур асар илк бор ўрта асрлардаги яна бир муҳим таржима маркази ҳисобланган Барселонада Тиволалик Платон (XII аср) томонидан 1136 йилда лотин тилига ўгирилган. Асар ўрта аср лотин таржимачилиги услубига хос равишда воситачи тил – иброний тили асосида лотин тилига ўгирилади. Бунда таржимонга унинг яқин ҳамкори Авраам бар-Ҳия (1065–1136) исмли тилмоч-олим кўмаклашган.

Фанда асарнинг Тиволалик Платон яратган таржимасини икки хил номдаги нусхаси сақланган бўлиб, уни бевосита тиббиётган оид бўлган қисми «*Capitula Almansoris*» («ал-Мансурий боблари») деб номланади. Асардаги инсоннинг туғилиши, вафоти ва буржлар билан боғлиқ маълумотлар эса асрологик матн сифатида «*Iudicia Almansoris*» сарлавҳаси кўйилган. Биз, айни сарлавҳани «ал-Мансур қарорлари» деб таржима қилдик. Бу нусхада жами 150 та асрологик ибора тартиб билан ёзиб чиқилган. Қизиқ жиҳати, асарнинг номланиши сабаб сўнги вақтларгача бу асар Аббосий халифа ал-Мансурга (754–775) бағишланган рисола сифатида эътироф этиб келинган. Бироқ, соҳадаги тадқиқотларимиз натижасида бу асар юқорида қайд этилганидек, Абу Солиҳ Мансур ибн Исҳоқга бағишланган. Бу борада Европа кўлэзма фондлари каталогларида ҳам баъзи чалкашликлар мавжуд. Мисол учун, таржиманинг Оксфорд университети кутубхоналарида сақлаган асл кўлэзмаси MS. Digby 51.10 ҳамда XIII асрда қайта кўчирилган MS. Ashmole 357 – Part 1.4 , XV асрга тааллуқли MS. Bodl. 874. 3 ва MS. Laud Misc. 594. 9 рақамли [3] нусхаларидаги тавсифларнинг барчасида таржима Тиволалик Платон томонидан Италияда яратилганлиги қайд этилган. Бироқ, таржима яратилган 1136 йилда Платон Италияда эмас, балки Испаниянинг Барселона шаҳрида истиқомат қилган.

«Китоб ал-Мансурий» 1160–1187 йилларда Кремоналик Жерард томонидан «*Liber Almansoris*» («ал-Мансур китоби») лотин тилига таржима қилинган. Аввалги таржима каби бу иш ҳам 1210–1231 йилларда Толедолик Марк томонидан қайта ишланади. Айни кўлэзма бутунги кунда Бодлиан кутубхонасида MS.Lat.misc.c.73 – Part 3. fol.94 хос рақами [4] билан сақланмоқда.

«Китоб ал-Мансурий» XIII асрда Италиянинг Палермо шаҳрида ҳам лотин тилига таржима қилинган. Таржима муаллифи ҳаётига оид маълумотлар деярли сақланмаган Саблонеталик Жерард ҳисобланади. Мазкур таржиманинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, Саблонеталик Жерард иш жараёнида ар-Розий асаридаги айрим атама ва тиббий ҳолатларни изоҳлашда Ибн Синонинг «Ал-Қонун фи-т-тибб» асаридан фойдаланган. Таржима «*Liber ad Almansorem*» («ал-Мансур китоби») деб номланади.

Саблонеталик Жерард қаламига мансуб таржима 1500 йилда Венецияда Иоганн Хамман томонидан [17] чоп этилган. Қайд этиш лозимки, мазкур нашрга турли даврларда ижод қилган қадимги юнон, яҳудий ва мусулмон олимларининг тиббиётга оид асарлари ҳам киритилган. «Китоб ал-Мансурий»нинг тўққизинчи бўлими терапияга оид бўлиб, европалик соҳа мутахассислари томонидан алоҳида асар сифатида ўрганилган. Жумладан, италиялик шифокор Жованни Арколани (1390–1458) асарнинг лотинча таржималари асосида мазкур бўлимга шарҳ ёзган. «*Commentaria in nonum librum Rasis ad regem Almansorem*» («ар-Розийнинг ал-Мансурга бағишланган китобини тўққизинчи бўлимига шарҳ») деб номланган китоб [20] 1542 йилда Венецияда Лука Антонио Жунта (1457–1538) босмахонасида чоп этилган. Мазкур нашрнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ар-Розий томонидан таърифланган жарроҳлик асбобларининг расмлари ҳам тасвирланган. Қайд этиш лозимки, Ж.Арколани шарҳи 1480–1557 йиллар оралиғида жами 23 маротаба нашр қилинади.

«Китоб ал-Мансурий»нинг Саблонеталик Жерард яратган таржимаси борасида ҳам фанда айрим чалкашликлар мавжуд. Жумладан, Кремоналик ва Саблонеталик Жерардларнинг исмдошлиги ва уларнинг шимолий Италиядаги ўта яқин шаҳарлар Кремона ва Саблонетадан эканликлари боис, европалик соҳа мутахассислари бу икки исми аслида бир шахсга тегишли, деган ғояни илмгари суришади. Шу сабабдан ҳам замонавий даврда яратилган каталогларда Саблонеталик Жерард яратган таржималар Кремоналик Жерард муаллифлиги остида кўрсатилади. Мисол учун, таржиманинг Оксфорддаги Мертон коллеж кутубхонасида сақланган MS. 228. 3 (fol. 65 – 162) рақамли [5] нусхасига берилган тавсифда ҳам айна хатолик мавжуд. Соҳа оид лотин тилли манбалар таҳлил натижаси бу исмларни турли йилларда бошқа-бошқа худудларда яшаб-ижод қилган таржимонларга тегишли эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Родриго Хименес де Рада (1170–1247)нинг «De rebus Hispaniae» («Испания бўйича саволлар») номли асарида Кремоналик Жерард 1160 йилда то умрини охирига қадар Испанияда яшаганлиги [18: 67] қайд этилган бўлса, Салимбене де Адам (1221–1288)нинг «Cronica» («Йилнома»)сида Саблонеталик Жерард ҳаёти давомида Италия ва Сицилиядан ташқарига чиқмаганлиги [19: 658] таъкидланади.

«Китоб сирр ал-асрор» («Сирлар сири китоби») – Абу Бакр ар-Розийнинг кимё фани ривожига катта ҳисса қўшган мазкур асари, Кремоналик Жерард томонидан «Secretum secretorum» («Сирлар сири») сарлавҳаси остида 1160–1187 йиллар оралиғида таржима этилган. Юқорида қайд этилганидек бу асар немис шарқшуноси Ю.Ф.Руска хулосаларига асосан то XX асрнинг 50 йилларига қадар алломанинг «Китоб ал-асрор» асари билан битта китоб сифатида баҳолаб келинган. Наздимизда, Ю.Ф.Рускани бундай чалкаш хулоса беришига олимни «Китоб ал-асрор»нинг фақат арабча матнларига таянганлиги сабаб бўлган. Ваҳоланки, «Китоб сирр ал-асрор»нинг Жерард яратган таржималари Бодлиан кутубхонасида MS. Lyell empty. 1 хос рақамли қўлёманинг биринчи (fol 1 r.) ҳамда учинчи (fol. 41 v.) қисмларида [1, 2] сақланган. Бу борада, қўлёзмалар билимдони бўлган Ю.Ф.Руска қандай сабаб билан бу қўлёзmani эътибордан четда қолдиргани бизга қоронғу. Тахминимизча, бунга қўлёзда ар-Розийнинг исми лотинчада қабул қилингандек Razes ёки Rhazes тарзида эмас, балки Rasis кўринишида ёзилганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтган, алломанинг тиббиёт ва кимёга оид асарлари ўрта аср Европа таржима марказларида катта қизиқиш билан лотин тилига таржима қилинган. Аллома асарларининг айна лотинча таржималари 1472–1622 йиллар оралиғида 67 мартаба чоп этилган. Бу борада, итальян олимлари Жованни Арколани, Жованни Маттео Феррари (ваф. 1472), Жироламо Салио (ваф. тах. 1503) ва ношир Иоганн Хамманнинг ишлари алоҳида ўрин тутади.

Европа қўлёзма фондлари каталогларининг таҳлили Абу Бакр ар-Розий қаламига мансуб 8 номдаги асарнинг 16 та лотинча нусхаси мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Айна жиҳат, аллома асарларининг лотинча таржималарини янада чуқурак ўрганиш ва уларни илмий муомалага олиб кириш зарурати англатади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

Манбалар

Қўлёзмалар

1. Rasis. Liber diuisionum. – MS. Lyell empty 1. (fol 1 r). || Bodleian Library, Oxford, UK.
2. Rasis. Synonima. – MS. Lyell empty 1. (fol. 41 v). || Bodleian Library, Oxford, UK.
3. Razes. Capitula Almansoris. MS. Ashmole 357 – Part 1.4; MS. Bodl. 874. 3; MS. Digby 51.10; MS. Laud Misc. 594. 9 || Bodleian Library, Oxford, UK.
4. Razes. Liber Almansoris. / tr. magistro Girardo Cremonensi. – MS.Lat.misc.c.73 – Part 3. fol.94. || Bodleian Library, Oxford, UK.
5. Razes. Liber Almansoris. – MS. 228. 3 (fol. 65 – 162). || Merton College, Oxford, UK.
6. Razes. Liber Elhau id est continens artem medicinae. / tr. magistro Girardo Cremonensi. – MS. E Mus. 83. || Bodleian Library, Oxford, UK.

7. Rhazes. De expositionibus vocabulorum seu synonymorum simplicis medicinæ. Continens. / tr. Ferragius [Faraj ben Sâlim]. – MS. 6912. || Bibliothèque nationale de France, Paris, France.

Наирилар

8. Al-Bîrûnî. Fî fihrist kutub Muḥammad ibn Zakariyyā al-Rāzî. / Éditeur P.Kraus. – Paris: Au Calame, imprimerie orientaliste, et G. P. Maisonneuve, librairie orientale et américaine, 1936. – 66 p.

9. Al-Rāzî. Geheimnis der Geheimnisse. / Übersetzer und Bearbeiter von J.Ruska. // Quellen und Studien zur Geschichte der Naturwissenschaften und der Medizin. – Band 4. – Berlin: Verlag von Julius Springer, 1935. – S. 153-239. (– 456 s.).

10. Al-Rāzî. Geheimnis der Geheimnisse. / Mit Einleitung und Erläuterungen in deutscher Übersetzung von J.Ruska. // Quellen und Studien zur Geschichte der Naturwissenschaften und der Medizin. – Band. VI. – Berlin: Springer, 1937. – 246 s.

11. Al-Rāzî. Rāsā'il falsafīyyā: ma'a qīṭa' baqiyat min kutubihī al-mafqūda't = Opera philosophica fragmentaque quae supersunt. / Ed. P.Kraus. // Universitatis Fouadi I litterarum facultatis publicationum. – Vol. 22. – Cairo: Jāmi'at Fu'ād al-Awwal, 1939. P. 4–316. (– 340 p.).

12. Al-Qifṭī Jamāl al-Dīn. Ta'riḫ al-ḥukamā'. / Ed. J.Lippert. – Leipzig: Theodor Weicher, 1903. – 356 s.

13. Andalusī Ṣā'id ibn Aḥmad. Historia de la filosofía y de las ciencias o Libro de las categorías de las naciones (Kitāb Ṭabaqāt al-'Umam) / Eds. E.L.Ruiz, A.M.Lorca. – Madrid: D.L.Trotta, 2000. – 426 p.

14. Ibn Abī Uṣaybi'ah. 'Uyūn al-anbā' fī ṭabaqāt al-aṭibbā'. The best accounts of the classes of physicians. – 5 vol. / Ed. and trans. by E.Savage-Smith, S.Swain, G.J. van Gelder. / in Handbook of Oriental studies. – Leiden: Brill, 2020. – 4513 p.

15. Ibn an-Nadim. Kitāb al-Fihrist. / vorbereiten der Veröffentlichung G.Flügel. – Zwei bände. – Leipzig: Verlag von F.C.W.Vogel, 1872. – 725 s.

16. Rhazes. Continens Rasis. / Trans. Faraj ben Salim in 1279. R-Printer Johannes Hamman. – Venice, 1529. – 525 p.

17. Rhazes. Liber ad Almansorem. / R-Printer Johannes Hamman. – Venice, 1500. – 234 p.

18. Herculani I. Commentaria in nonum librum Rasis ad regem Almansorem. – Venedig: Lucantonus Giuntus, 1542. – 509 p.

Илмий тадқиқотлар

19. Абдуҳалимов Б. А. «Байт ал-ҳикма» ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 264 б.

20. Каримова С. Роль учёных Мавераннахра и Хорасана в развитии химии и фармакологии на средневековом Востоке (по письменным источникам IX – XI вв.) Автореф. дисс ... док. ист. наук. – Ташкент. ИВАН РУз., 2001. – 57 с.

21. Каримов У. Ар-Розийнинг номаълум «Сирлар сири китоби». / Ўзбек тилига таржима С.У.Каримова. – Тошкент: Mashxur-Press, 2020. – 256 б.

22. Каримов У. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн». – Ташкент: Изд. АН Узбекской ССР, 1957. – 186 с.

23. Adamson P. Abū Bakr al-Rāzī (d. 925), The Spiritual Medicine. // The Oxford Handbook of Islamic Philosophy. / Ed. by Kh. el-Rouayheb and S.Schmidtke. – Oxford: Oxford University Press, 2017. – P. 63–82. (– 720 p.).

24. Adamson P. Great Medieval Thinkers: al-Rāzī. – New York: Oxford University Press, 2021. – 262 p.

25. Ruska J. Al-Biruni als Quelle für das Leben und die Schriften al-Razi's. // Isis. – Vol. 5. – Brussels: Weissenbruch, 1923. – P. 26-50. (– 325 p.).

26. Ruska J. Al-Razi (Rhazes) als Chemiker. // Zeitschrift für angewandte Chemie. – Vol. 35 (103). 1922. – S. 719-721.

МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА

Ахмедова Дилафруз, ЎзФА Тарих институти таянч доктаранти

Аннотация. Мақолада дипломатика соҳасининг таркибига кирувчи эпистолография (хат ва мактубларни ўрганиш) масаласига доир маълумотлар ўрин олган. Ўрта Осиё хонликларининг ўзаро алоқаларида мактублар ёзма манба сифатида қимматли аҳамиятга эга. Хонликлар даврининг сиёсий-иқтисодий ва маданий тарихини тизимлаштирилган мактублар асосида ўрганиш тарихимиз саҳифаларини фактик жиҳатдан бойитишига хизмат қилади. ЎзМА фондларида сақланаётган расмий ҳужжатлар тадқиқот доирасига тортилган.

Аннотация. В статье содержится информация по проблеме эпистолографии (учения о письмах), которая является частью дипломатической отрасли. Письма имеют ценное значение как письменный источник во взаимоотношениях среднеазиатских ханств. Изучение политической, экономической и культурной истории ханского периода на основе систематических писем служит фактологическому обогащению страниц нашей истории. В сферу исследования включены официальные документы, хранящиеся в фондах НАУз.

Annotation. The article contains information on the problem of epistolography (the study of letters), which is part of the diplomatic industry. The letters are of great value as a written source in the relations between the Central Asian khanates. The study of the political, economic and cultural history of the Khan's period on the basis of systematic letters serves to enrich the pages of our history with facts. The scope of the study includes official documents stored in the funds of the NAUz.

Манбашуносликнинг ажралмас қисми бўлган расмий ҳужжатларни ўрганувчи – эпистолография [16,236] (мактублар билан ишлаш) дипломатика соҳасининг тармоқларидан бири саналади. Мактублар ёзмалар манба сифатида муҳим аҳамиятга эга [5,14]. Эпистолографик манбалар ўрганилаётган тарихий давр воқеаларини мазмунан бойитиб, фактик жиҳатдан уларни тўлдиришга хизмат қилади. Мактубларни ўрганишда тарих илмининг палеография, сфрагистика соҳалари ютуқларига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ. Марказий Осиё хонликлари ўртасида алоқалар аксар ҳолларда элчилик муносабатлари доирасида амалга оширилган. Шу ўринда мактублар моҳиятига кўра, ахборотлар етказиш ва маълумот алмашинуви вазифасини бажарган.

Мавзуни ўрганиш доирасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган [2] бўлсада, айнан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг ўзаро алоқалари тарихига оид Ўзбекистон Миллий архивида [10], Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида [6] сақланиб келинаётган мактублар тўлиқ равишда тадқиқот доирасига тортилмаган.

Хонликлар даври ёзишмаларини ўрганишга киришиллар экан аввало, ёзишма турларини аниқлаб олиш зарур. Ўрта аср дипломатикасида ёзишмалар махсус *тарассул ёки муросалат* деб номланган жанрда ёзилган [8,94]. Шунингдек, мактублар *мунишаот, мактубот, ишио, нома* каби номлар билан юритилганлиги маълум. Ушбу ёзишмалар сарой котиблари, муншийлар томонидан амалга оширилган. Хонликлар ўртасидаги ёзишмалар уларга юклатилган вазифасига кўра: *халқаро, маҳаллий ва шахсий ёзишма* турларига бўлинган [8,97].

Халқаро ёзишмалар саройнинг энг нуфузли котиблари ва муншийлари томонидан чиройли хуснихатда, сифатли қоғозларга форсий ва туркий тилларда битилган. Расмий ҳужжатларни ўрганишнинг методикаси [4] мактубларни муқаддима (*протокол*), асосий қисм ва хотима (*эсхотокол*) қисмлардан ташкил топганлигини кўрсатади [3,56]. Соҳанинг назарий ва методик асосларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Миллий архивининг И-125 жамғарма остидаги “Хива хонлиги девонхонаси”даги мактуб намуналарини ўрганишга киришилди. Мактубларда Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти, хонликларининг ўзаро алоқалари, минтақда содир бўлаётган воқеалар ва Россия

империясининг босқинчилик ҳаракатларига оид маълумотлар мавжуд. Турли мавзу ва йўналишдаги мактублар тарихий воқеликнинг яхлит ҳолда тўлиқ манзарасини чизиб беролмайди [1,33]. Турдош манбаларга мурожаат этиш тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

Турли мавзуларга оид ҳужжатларни миқдор ва мазмун (контент-таҳлил) жиҳатидан саралаб олиш керак бўлади. “Хива хонлиги девонхонаси” жамғармасида Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари алоқаларига оид 200 яқин мактублар сақланади, албатта бундай рақамлар тадқиқотнинг миқдорий тузулмасини кўрсатиб беради. Ҳужжатларни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва дипломатик қисмларга ажратиб олиш орқали мавзуни мазмунан ёритиш мумкин. Ўрганилаётган ҳужжатлар орасида ҳукмдорлар ўртасида ва махсус вакиллар томонидан ҳукмдорларга юборилган мактублари аксар қисмини ташкил этади.

Ўрта асрлар мактуб ёзиш анъанасига кўра, ҳукмдорлар ўртасида ёзилган мактубларда мазмун акс эттирилмаганлиги кўзга ташланади. Табиийки, хабарларнинг хавфсизлиги таъминлаш мақсадида хабар мазмуни хатни етказувчи элчининг сўзи орқали маълум қилинган. Яширин мазмундаги хатлар давлатлар ўртасидаги алоқаларни таъминлаганлигини англатсада, тадқиқотчига етарли даражада қийинчилик туғдиради. Мактубнинг мазмунини билиш учун иккинчи турдаги яъни махсус вакиллар ёки жосуслик томонидан хабарлари таянилади.

Архив ҳужжатларининг хронологик даври XIX асрнинг 40-70 йилларини ўз ичига олади. Хива ва Бухоро хонликлари муносабатларини ёритувчи мактублар мавзу доирасидан келиб чиқиб қуйидагича таснифланади: 1) *ҳукмдорлар ўртасида ёзилган мактублар*, 2) *Хива хонлиги девонбеги, қушбеги ва меҳтар оғасига Бухоро ҳудудидаги вакиллар томонидан юборилган мактублар* 3) *агентура хабарлари* 4) *Абдумалик Тўранинг озодлик ҳаракатига доир мактублар* 5) *Бухоро ва қўшни ҳудудларда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар ҳақида Хива хонлигига ёзилган мактублар* 6) *Хива ва Бухоро ҳудудларида аҳолининг иммиграция масаласига оид мактублари* 7) *Хива ва Бухоро хонлиги ҳудудларида “қўзғолончилик ва оломончилик” фаолияти тўғрисидаги хатлар*.

Шунингдек, Хива хонлигининг Қўқон хонлиги билан ўзаро муносабатларига доир хатлар йиғиндиси ҳам архив ҳужжатлари йиғмасида ўрин олган. Улар: 1) *ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмалар* 2) *Хива хонлиги вакиллари томонидан Қўқондаги вазиятлар ҳақидаги мактублар* 3) *Хива хонлигида яшовчи қўқонликларнинг Хива хонидан моддий ёрдам сўраб ёзган мактублари* 4) *Хива ва Қўқон хонликлари ўртасидаги муносабатларда элчиларнинг вазифалари хусусидаги хатлардан* иборат.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмалар асосан халқаро аҳамиятга эга бўлиб, моҳир хаттотлар томонидан ёзилган. Мактубнинг *муқаддима* қисмида ҳукмдорларга алқов эпитети ва мақтовлар ёзилганлигини кузатиш мумкин. Мактубда хусусан адресат ўртасидаги ёзишмаларда *“тоғамиз”, “биродаримиз”, “инимиз”* каби сўзларнинг келиши, уларнинг қон-қариндошлик ёки яқин қўшничилик муносабатларини англатади. Архив фондларида ҳукмдорлардан Хива хонлари Раҳимқулихон (1842-1846), Муҳаммад Аминхон (1846-1855) Саййид Муҳаммадхон (1856-1864), Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) нинг Бухоро амирлари Насруллохон (1827-1860), амир Музаффар (1860-1885) лар билан олиб борган ёзишмалари мавжуд [12]. Шулар орасида Хива хони Саййид Муҳаммадхонга Қўқон хони Султон Саййид Муҳаммад (1863-1865) нинг юборган хати чиройли дастхатли бўлганлиги билан ҳамда мактуб қоғозининг сифати аълолиги билан ажралиб туради. Муқаддима қисми заррин ҳарфлару, рангдор бўлганлиги кишини диққатини ўзига тортади [15].

Мактубларнинг сон жиҳатдан кўпчилик қисмини ташкил этувчи “махсус вакиллар”[7] ҳисоботларида давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва мазкур муносабатларга таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар [9] битилган. Ушбу хатларни ёзилиши услубидан келиб чиқиб, *махсус шакллар (формуляр) ва мурожаатларга* асосланган дейиш мумкин. Мактублар матнини ўрганиш натижасида *аморатпаноҳ* титули билан битилган мактуб девонбеги,

парвоначи, инокқа тегишли бўлганлиги маълум бўлади. *Вазоратпаноҳ* титули - оталиқ, кулли қушбеги каби мансабдорларга нисбатан қўлланилганлигини кўрсатади [8,102].

Мактубларда минтақада содир бўлаётган воқеа ҳодисалар тарихига оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Россия империясининг босқинчилик ҳаракатларини ёритувчи мактубларда Бухоро амири Музаффарнинг давлат бошқарувида ўз амалдорларидан Шукурбий инокга маслаҳат солиб фикр сўраганлиги келтирилган. *“Шукурбий инок: Хива, Қўқон ва Қобулга элчи жўнатиб улардан кўмак сўрашни, русларга берилаётган тангаларни кўмакчи лашкарларга сарф қилиш лозимлиги тўғрисида”* тавсиясидан келиб чиқиб, босқинчиликни олдини олиш учун биргалашиб ҳаракат қилиш лозимлигига ундаганлиги маълум бўлади [14].

Архив ҳужжатлари орасида Қўқон хони Султон Саййид Муҳаммадхонинг Хива хони Саййид Муҳаммадхонга йўллаган мактуби учрайди. Русларга қарши ҳарбий ёрдам сўраб ўз элчиларини Рум халифаси хузурига кетаётганлиги ва уларни Хоразм худудидан сиҳат-саломат кузатиб қўйиши тўғрисидаги мурожаатлари мактуб мазмунида ўрин олган [15]. Шу мазмундаги мактублар империя қўшинларига қарши курашган Абдумалик тўра фаолиятида ўз аксини топган [11]. Бухоро амирлиги худудидан чиқиб, аввал Хива, ундан сўнг Қошғарда паноҳ топиб ўзининг ҳарбий ҳаракатларини олиб борганлиги хатларда келтирилган.

Мактубларда ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар билан боғлиқ маълумотлар мавжудки, уларда қўшни давлатлар ўртасидаги иммиграция масалалари бўйича қизиқарли фактларни топиш мумкин. Иқтисодий ҳаёт акс этган маълумотларда озик - овқат масаласи бўйича ушбу маълумотга эътиборни қаратамиз. Унда келтирилишича, *“галла ва жўхори (бир ботмон оғирликдаги ҳисоб бўйича) 11 танга, буғдой уни 15 танга, беренжи (гуруч) 34 танга, кунжут 40 танга”га баробар*” [13] бўлган. Мавжуд маълумотлар ўрта асрлар даври иқтисодий ҳаётини ўзида акс эттирганлиги билан қимматли ҳиобланади. Маълумотларнинг ишончли эканлигини асослаш учун мазкур даврнинг бошқа турдаги манба ва адабиётлари устида иш олиб бориш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шаклига ва мазмунига кўра турли мақсадларда ёзилган мактублар ўрта асрлар даври давлатчилиги тарихини ўрганиш учун энг муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Хабар берувчи ёки ахборот олувчи вазифани ўтовчи мактублар хонликлар ўртасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид янги маълумотларларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Аллаева Н. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар). Тошкент: Академнашр, 2019. – Б. 33.

2. Григорьев Л. П. Дополнение к «Монгольской дипломатике» в кн.: Историография и источниковедение стран Азии и Африки. Вып. VI, изд. ЛГУ, 1982, с. 28-52.; Казаков. Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С 87; Кличев О.А. Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ёзишмалар Россия-Бухоро муносабатлари тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фан.номзоди ... дисс. автореф. – Т.: Бухоро давлат университети, 2017. – 155 б; Кучина Т. Г. К изучению эволюции эпистолярных источников второй половины XIX — начала XX в. // Актуальные проблемы источниковедения истории СССР, специальных исторических дисциплин и их преподавание в вузах: Тезисы докладов III Всесоюзной конференции (Новороссийск, 1979). Ч. 2. М.: Институт истории, 1979. С. 219–224.; Прохоров Е.И. Издание эпистолярного наследия // Вопросы текстологии. М.: Изд-во АН СССР, 1964. Вып.3 С. 6-60; Смирнова Л.Н. Типы и виды изданий эпистолярного наследия // Вопросы текстологии. М.: Изд-во АН СССР, 1964. Вып. 3. С. 182-225; Султонов Ў. “Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси” ўқув қўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. - 188 б. Sultonova G. Insha' collections in Uzbekistan: a comparative analysis (in the context of the international relations of the Bukhara Khanate) // Proceedings of the XIIth Conference of the European Society for Central Asian Studies. Central Asian: A Maturing Field / Editors: A Morrison and S.Saxena. – Cambridge, UK, September 2011. – P.205-217; Султонов Ў. Муборакнома Бухоро амирлиги девони ички ёзишмалар ҳужжати сифатида // Ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар. – Тошкент:

Академнашр, 2019 – Б. 137-146.; Султонова Г. Расмий ҳужжатларда Бухоро ва Хива муносабатларининг акс этиши: талқин ва таҳлил // Мерос. № 1. – Тошкент, 2018. – Б. 72-83; Тилолов Ш. Амир Ҳайдар мактублари тарихий манба сифатида // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. №8. – Б. 11-18; Ўзбек дипломатияси тарихидан. (тарихий очерк ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. - Т., 2003. - 374 б; Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики. – Народы Азии и Африки, 1969, № 6, С. 75-82.

3. Казаков. Б.А Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С 56.

4. Каштанов С.М. Русская дипломатика: Учеб. пособие для вузов по спец. История. – Москва, 1988. – 229 с.; Кобак И. В Письма как исторический источник: задачи и приемы изучения. // Вестник СПбГУ. Сер. 2. 2012. Вып. 2.; Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Вспомогательные исторические дисциплины. Учеб. Пособие для студентов ист. фак-тов пед ин-тов. – Москва, 1973. – 112 с.; Фарсобин В.В. Источниковедение и его метод: Опыт анализа понятий и терминологии. – Москва: Наука, 1983. – 231 с.

5. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. - Тошкент: Фан, 2007. – Б. 14.

6. Мактубот, муншаот ва маншурот. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. №289.

7. Маҳсус вакиллар – ушбу сўз ортида давлат амалдорлари (деворбеги, кушбеги) нинг ишончли вакиллари турган бўлиб, улар ўзга юртдаги хабарларни ўз ватанларига етказиб турган.

8. Султонов Ў. “Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси” ўқув қўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. – Б. 94. Султонов Ў. “Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси” ўқув қўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. – Б. 97. Султонов Ў. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси ўқув қўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. – Б. 102.

9. Ташқи омиллар - Бунда хонликлар алоқаларига таъсир кўрсатган Англия, Россия, Эрон, Афғонистон каби давлатларнинг сиёсий ҳаракатларини келтиришимиз мумкин.

10. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) И-125-фонд, 2-рўйхат, 220-244 йиғмажилдлар.

11. ЎзМА И-125-фонд, 2-рўйхат, 226-йиғмажилд, 1-3-варақлар; 228-йиғмажилд, 1-5-варақлар; 229-йиғмажилд, 1-варақ.

12. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 220-йиғмажилд, 1-24 варақлар.

13. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 220-йиғмажилд, 6-варақ.

14. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 225-йиғмажилд, 18-варақ.

15. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 240-йиғмажилд, 1-3 варақлар.

16. Эпистолагафия- (юн.хат, мактуб, нома) хат, нома шаклида яратилган турли хил асарлар ва ҳужжатлар. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 10 – жилд, Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 236.

СУҒДИЙ ЁЗУВ ЧИЗМА ШАКЛЛАРИ ТАРИХИНИНГ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ

Мирсодиқ Исҳоқов, тарих фанлари доктори, ТДШУ профессори

Бобир Ғойибов, тарих фанлари доктори, СамДУ профессори

КИРИШ. Ёзув инсоният тамаддунининг буюк кашфиёти сифатида тараққиётнинг минг йилларга татигувлик йўлини белгилаб берган. Аввало, ёзув инсон фикрини, қолаверса, ўзининг нутқини тасвир ёки чизма шаклларда акс эттириш, фикрий ва нутқий ахборотни масофа ва замон оша узатиш ва сақлаш имконини берди. Бу ўз навбатида инсон учун ўз дунёсини, ўзлигини намоён қилиш ва маънавий такомилнинг чегарасизлиги каби ҳақиқат кўзини очиб берган эди. Шу билан бирга ёзув инсон учун ўз дунёсини ёзма равишда ифодалашдек ёзма нутқ маданияти, тил имкониятларининг меъёрлашуви учун мисли кўрилмаган имконият майдонини вужудга келтирди.

Ёзувнинг ҳозирги ҳарф-товуш алифбели, белгили тизимлари шаклланганига қадар жаҳон миқёсида инсоният узок машаққатли изланишлар даврларини бошдан кечирган. Бу даврлардаги ахборот имкониятларини асосан икки воситада кўриш мумкин. Бири ашёлар,

иккинчиси чизма, ўйма, ранг-бўёқ воситаларидаги шартли тасвирлардир. Ашёвий даврни ёзув деб аташ қийин. Лекин ашё шартли белги, эслатувчи восита сифатида ахборот узатиш ва қабул қилиш оралиғида хизмат қилган. Белги-тасвир воситалари эса нисбатан олға қўйилган улкан қадам эди. Бироқ тасвирларни исталган тилда шархлаш мумкин ва улар бирор тилга боғлиқ ҳодиса эмас. Инсоният ўз нутқининг моҳиятини англаб етган даврларан бошлаб айрим нутқ товушларининг турли-туман хоссаларини фарқлашга ҳаракат қилган. Натижада сўз таркиби товуш бирликларининг хилма-хил комбинацияларидан иборат эканлиги аён бўла борган. Зеро, айрим товуш бирлиги сўз маъносини ўзгартириши билан инсонда илк фонологик тажриба, эмпирик тасаввур шаклланган. Бу эса дастлаб “сўз белги”, сўз таркибидаги бўғин бирлигини, ниҳоят айрим товушни англашга олиб келган. Айрим товуш мустақил ҳолда мавжудлигини билиш эса ўша товуш учун шартли белги зарур эканини англаган.

Айни шу эҳтиёж инсониятни нутқ жараёнида амал қилган товушлар йиғиндисини ҳисоблашга ундаган. Ниҳоят, одамлар ўз тилларида амал қилган товушларнинг барчасига мос келадиган ва миқдори жиҳатидан тилдаги барча товушлар миқдорига тенг шартли белгилар яратишга киришганлар. Булар бугунги ҳарфлар демакдир. Ҳарфлар эса ҳар қандай ёзувнинг асосидир. Ёзувга айланиши учун ҳарфлар ўзи иштирок этган барча сўзлар учун муштарак функцияга эгаллиги билан муҳимдир. Чунки белги-тасвир бирликлари ёзувда чексиз такрорланувчан ҳолда амал қилади. Бу эса чекланган миқдордаги белгилар орқали ҳажман катта ахборотни ёзма равишда узатиш ёки сақлаш имконини берган. Бу босқичда нутқ бирликларини англаш бошланган.

Ёзувнинг товуш-ҳарф (ёки ҳарф-товуш) мослигига ва буни муайян жамиятда ҳамма учун бирдек тушунарли воситага айланиши мураккаб ва машаққатли изланишлар босқичларини бошдан кечирган. Масалан, Миср иероглифларидаги рамзий тасвирлар кетидан детерминаторлар (грамматик маъно айиргичлари, иероглифларнинг нутқ жараёни билан боғловчи аниқлагич)лар деб аталувчи қўшимча белгилар ишлатилиши сўзларни товуш орқали ўқиш, улар ўртасидаги грамматик боғланишларни тушуниш сари улкан қадам бўлган. Худди шу каби иероглифлардан бошланган хитой ёзуви ҳануз сўз-белги асосини сақлаб келмоқда. Бунинг сабаби хитой тилининг аморф хусусиятидир. Ҳар бир белги бир сўз бирлигини англайди, унинг маъноси сўзнинг талаффузидаги оҳанг товланишлари, товуш баланд пастлиги сингари нутқий вазиятдан англашилади.

Тил ҳодисасидек буюк неъматнинг ибтидосида одамзоднинг жамоалари “бизлар ва бизлар эмас”лар тарзида ҳар бир жамоа ўз доирасида маълум тил тизимини шакллантира борган. Бегоналар тили “БИЗ”лар учун бегона. “Бегоналар” тили ўзлари учун “она тили”. Лекин жамиятдаги демографик ўсиш, кўпайиш, бўлинишлар бир жамоа тилининг турли шева, лаҳжаларини юзага келтира борган. Кейинчалик бу ҳодиса аслида бир илдиздан тарқалиб, қариндош тиллар оиласини ташки қилган. Масалан, Олтой тиллари оиласи, унинг улкан тармоғи туркий тиллар, Европада роман тиллари оиласи, герман тиллари шартли равишда қачонлардир ҳинд-европа тил бирлигидан ажралиб чиққан, Олд Осиё ва Африканинг шимолида шомий тиллар оиласи ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Мил.авв. II минг йиллик ўрталарида ҳинд-европа тиллари деб аталувчи лингвобирликдан ҳиндуарий тил умумийлигига эга қабилалар ажралиб чиққан. Кейинчалик бу қабилаларда ҳам навбатдаги бўлиниш рўй берган. Натижада бир тармоқ ўзини “арянаму”, яъни “арий деб номланувчилар”, ҳозирги Эрон ҳудудларига келиб жойлашган. Иккинчиси эса “арьялар” номи билан Ҳиндистон ярим оролининг шимоли томон миграция қилганлар ва кейинчалик пашту, ҳинд, ўрду сингари халқларнинг аجدодлари бўлиб қолганлар. Бу тафсилот схематик содда тарзда берилмоқдаки, бундан мақсадимиз шарқий эроний тилли қавмларнинг мазкур миграцион жараёнларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон водийси, Қашқадарё воҳаси, Тожикистоннинг Суғд вилояти, Помир, Бадхшон тоғлари бўйлаб тарқалгани ҳақида тасаввур беришдир. Шу жумладаан, ўзларини сғудик ноб, яъни сғудий қавмлар деб атаган сғудий тилли халқнинг тақдири ўзига хос кечган. Бу халқ ўзи келиб жойлашган ҳудудларда туб прототуркий аҳоли билан асрлар оша қарийб икки ярим минг йил давомида ёнма-ён яшаб,

суғдий ва туркий тарихий-маданий симбиози шаклланишида алоҳида роль ўйнаган. Айниқса, мил. авв. I минг йилликнинг сўнгги чорагидан милодий VIII-IX аср лар ораси суғдий халқнинг тақдирида алоҳида даврга айланган. Бу ўртада Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб суғдийлар халқаро савдо-иқтисодий, маданий ва маънавий муносабаатларнинг энг фаол иштирокчиларига айландилар. Суғдий тил эса халқаро муомала тили вазифасини ўтай бошлади.

Суғдийлар ўзларининг тиллари талабларидан келиб чиқиб, мил авв. III-II асрлардаёқ Ҳаҳамонийлар Эрон салтанати ва унга тобе сатрапликларда, жумладан Суғдда ҳам амал қилган орабий ёзуви алифбесининг график шаклларида фойдаланиб ўз алифбеларини яратганлар.

Суғдий алифбенинг чизма шакллари ўзига хослигидан ташқари, ундаги ҳарфларнинг суғдий тил товуш тизими билан функционал боғлиқлигидаги универсалия ёзма ёдгорликларни ўқиш ва талқин қилиш илмий муаммоларга сабаб бўлиб келмоқда. Бунинг устига қарийб барча ҳарфларнинг матнлардаги шакллари бирор стандартга жавоб бермайди. Шакл хилма-хиллиги суғдий ёзувнинг иллоти, камчилиги эмас, балки суғдий ёзув маданиятининг юксаклигидан далолат деб баҳоланади. Чунки, суғдий ёзув оммавий тус олган, халқнинг саводхонлик даражаси баланд бўлган ҳамда эркин равишда ўз индивидуал дастхатига эга одамлар ҳам жамиятда кўп бўлган. Бизгача етиб келган суғдий матнлар орасида касбий котибият хат намуналарида ташқари суғдий хатти муллоий шаклларида кўплиги шундан далолат беради. бир неча кўринишлари мавжуд. Бу ҳолат минг йил аввал муомалот доирасидан чиқиб “ўлик” ҳолатга келган суғдий тилли ёдгорликларни ўқиш ва талқин қилишда мураккаблик туғдиради.

Шу жиҳатдан суғдий ёзувни талқин этишда унинг ўтмишдошлари бўлган орабий ва финикия ёзувларидаги ҳарфларнинг чизма шакллари солиштирган ҳолда талқин қилиш ушбу ёзувни ўқишни ва ҳарфларни эслаб қолишни осонлаштиради. Соҳага доир қарийб барча тадқиқотларда суғдий ёзув орабий ва ўз навбатида орабий ёзув финикия ёзуви асосида шаклланганлиги келтирилган бўлса-да, бу фикрнинг мукамал назарий асосларини кучайтириш лозим. И.Е.Гельб, И.Фридрих, В.В.Струве, Д.Дирингер, Н.А.Павленко, М.Исҳоқов каби олимлар ушбу ёзувларнинг гарфик шакллари кўрсатишган. Лекин мазкур ёзув шаклларида тадрижий ўзгариши, ҳарфларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳамда уларнинг номланишига асос бўлган омиллар, ҳар бир ҳарфнинг хусусиятлари ва ниҳоят суғдий ёзувнинг орабий ёзув асосида шаклланганлигининг назарий асослари ва тарихи тўлиқ очиб берилмаган. Тадқиқотларда суғдий ёзув орабий асосда ва орабий финикия ёзувидан келиб чиққан маъносидаги фикр исбот талаб қилмас ҳақиқат деб қаралиб, унинг назарий асосларига эътибор берилмаган. Аслида, финикияликлардан орабийлар қачон ва қайси омиллар асосида ёзувни қабул қилишган ёки орабийлар қачондан ва қайси сабаблар билан ўз ёзувларини суғдий ёзувга бўшатиш беришган каби саволларнинг моҳияти билан боғлиқ масалаларда ҳали чалкашликлар мавжуд. Бу эса танланган муаммонинг долзарб эканлигини кўрсатади.

ФИНИКИЯ ЁЗУВИ – ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ ИЛК КОНСОНАНТ ЁЗУВЛАРДАН БИРИ

Ёзув бундан беш минг йиллар илгари турли масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжи, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва эстетик хусусиятдаги ахборотларни қайд этиш, сақлаш зарурияти билан вужудга келган. Ёзувлар турли асосларда шаклланганлиги боис уларнинг хусусиятлари турличадир. Баъзи ёзувлар бўғинлаб ифодаланган бўлса, баъзиларида ундош товушлар (консонант ёзув) ёзувни ифодалашда устивор ҳисобланган. Бу каби ёзувлар мил. авв. II мингйиллик ўрталаридан шакллана бошлаган бўлиб, консонант ёзув тизими илмий адабиётда **أبجد** – “абжад” деб ҳам аталади.

Тарихда мавжуд консонант ёзув тизимлари орасида финикия ёзуви алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзувдаги графемалар сони 22 тани ташкил этган¹. Унда фақат ундошларгина ифодаланган, унлилар мутлақо ифодаланмаган. Ушбу ёзув соф консонант ёзув бўлган. Ҳарфлар муайян катъий кетмакетликда жойлашган, яъни, алифбони ташкил этган. Ҳар бир ҳарф белгили акрофоник тамойилда ўз номига эга бўлган ва номлар айна ҳарф билдирган товуш билан бошланган². Масалан, *б* – “бет”, *д* – “далет”, *г* – “гимел” ва ҳ. к.

Финикия алифбоси оддий ва эслаб қолиш учун тушунарли бўлиб, ўзига яқин бўлган семит ва яҳудий халқлари ёзувларидан қарийб фарқ қилмаган. Финикия ёзувидаги графемаларни қадимги яҳудий ҳарфлар асосида номлашган ва у қуйидагича: *алеф* (бука – **א**) – **а**, *бет* (уй – **ב**) – **б**, *гимель* (туя – **ג**) – **г**, *далет* (эшик – **ד**) – **д**, *хе* (хоч/ўзаро кесишган икки чизик – **ה**) – **е**, *вов* (мих – **ו**) – **в**, *зайн* (қурол – **ז**) – **з**, *хет* (тўсиқ (панжара)/ғов – **ח**) – **х**, *тет* (юк – **ט**) – **т**, *йод* (қўл – **י**) – **й**, *каф* (қўл кафти – **כ**) – **к**, *ламед* (тикан, ниш – **ל**) – **л**, *мем* (сув – **מ**) – **м**, *нун* (балиқ – **נ**) – **н**, *самех* (сарлавҳа – **ס**) – **с**, *айн* (кўз – **ע**) – **о**, *пе* (оғиз – **פ**) – **п**, *цадде* (ўроқ – **צ**) – **ц**, *коф* (маймун – **ק**) – **к**, *реш* (бош, калла – **ר**) – **р**, *шин* (тиш – **ש**) – **ш**, *тав* (белги, нишон, тамға – **ת**, **ך**) – **т**. Аксарият ҳолларда ҳарфларнинг шакли уларни номлашга асос қилиб олинган бўлиб, бу ҳарфларни эслаб қолишни ҳам осонлаштирган³. Финикия ёзуви асосида шаклланган орамий ва суғдий ёзувда бўлгани каби ушбу ёзув тизимида ҳам *бет*, *далет*, *хе*, *зайн*, *каф*, *нун*, *цадде* каби ҳарфларнинг бир неча хил шакллари бўлганлиги Ахирам, Асдрубал, Абибал, Елибал, Шифатбал каби финикия ёзма ёдгорликларида кўзга ташланади⁴.

Финикия ёзувининг кашф этилиши инсоният тарихидаги муҳим воқелик бўлиб, бу оддий ёзув орқали сўзлар ҳеч қандай гетерограмма ёки аниқловчиларсиз осон етказила бошланди. Масаланинг муҳим жиҳати ушбу ёзувдан жамиятнинг барча табақа вакиллари фойдалана олган. Финикия ёзуви ўнгдан чапга қараб ёзилган. Финикия ёзувида сўзлар вертикал чизиклар ёки нуқталар билан ажратилганлигини кузатиш мумкин. Финикия ёзувининг осон ўзлаштирилиши ва содда хусусиятлари унинг мил. авв. IX асрларга келиб жадал тарқалишига сабаб бўлган муҳим омил эди⁵ ва бунинг натижаси ўлароқ жаҳонда мавжуд 4/5 қисм ҳарф-товуш алифболи ёзувлар тизими шаклланган.

Таҳлиллар финикия ёзувининг қуйидаги хусусиятлари мавжудлигини ҳам кўрсатади:

Биринчидан, финикия ёзувининг муҳим хусусияти ундаги 22 та ҳарфнинг ҳар инсон нутқи билан узатилишида эди. Яъни, алифбо таркибининг содда ва аниқ тузилганлиги ёзувнинг муҳим устиворлиги ҳисобланган;

Иккинчидан, финикия алифбоси овоз чиқариш тамойилини билмайди. Яъни, барча ҳарф белгилар фақат ундошлар бўлиб, унлилар ҳарф кўринишда эътиборсиз қолган. Баъзи халқлар (масалан, юнонлар) финикия ёзувини ўзлаштираётган вақтда ўзларига мослаштиришга ва бу ноқулайликни бартараф этишга ҳаракат қилишган;

Учинчидан, финикия ёзувидаги барча ҳарфлар аниқ жисмлар номи билан аталган эди. Бу эса ёзувни эслаб қолишда муҳим омил ҳисобланарди. Финикия ёзувидаги барча ҳарфлар учун уларнинг Миср ва Бобилдаги ёдгорликда акс этган тасвирлари асос қилиб олинган. Масалан, *айн* (кўз), *реш* (калла), *далет* (эшик) ва бошқа бир қатор ҳарфларнинг график шакллари юқорида келтирилган ёдгорликларидаги тасвирларга айна мос тушади;

Тўртинчидан, финикия алифбосидаги ҳарфларнинг фонетик маъноси уларнинг номларидан келиб чиққан акрофоник қоида ёрдамида, яъни, ҳарф номининг биринчи товуши

¹ Иоганнес Фридрих. История письма / перевод с немецкого, вступительная статья и комментарии И.М.Дьяконова. Москва: Наука, 1979. С. 103-104, 281.

² Гельб И.Е. Опыт изучения письма (основы грамматиологии) / Перевод с английского языка Л. С. Горбовицкой и И. М. Дунаевской; Под редакцией и с предисловием И. М. Дьяконова. Москва: Радуга, 1982. С. 134-137.

³ Павленко Н.А. История письма. Издание второе, переработанное и дополнение. Минск: Вышэйшая школа, 1987. С. 123.

⁴ Дирингер Д. Алфавит. Москва, 1963. С. 233-258.

⁵ Гельб И.Е. Опыт изучения письма (основы грамматиологии) / Перевод с английского языка Л. С. Горбовицкой и И. М. Дунаевской; Под редакцией и с предисловием И. М. Дьяконова. Москва: Радуга, 1982. С. 269.

харфнинг фонетик эквивалентидир. Масалан, “бет” деб номланган ҳарф “б”, “далет” ҳарфи “д”га тўғри келади, “вав” – “в” ва ҳоказо.

Бешинчидан, ва ниҳоят, финикия ёзувининг охириги ва жуда муҳим хусусияти унинг ўнгдан чапга қараб ёзиш йўналиши бўлиб, ҳозиргача тадқиқотчиларни ҳайратда қолдирган бу хусусият Яқин Шарқдаги замонавий ёзувнинг ўнгдан чапга қараб ёзилганлигида намоён бўлади¹.

Жуллас, таҳлиллар ушбу 5 та хусусиятга эга ёзувлар финикия ёзуви асосида шаклланган бўлиши мумкинлиги эҳтимоли юқори. Шунингдек, финикия ёзувини ўзлаштирган ёки қабул қилган халқлар финикия ҳарфларининг олдинма-кетинлиги, акрофоник тамойиллари ҳамда ёзувнинг ўнгдан чапга қараб ёзилишини сақлаб қолишган. Орабийлар кимлар? Финикия ёзувини нима учун айнан орабий ёзув сиқиб чиқарди? Финикия ёзуви ва орабий алифбо ўртасида шаклий ўхшашликлар нималардан иборат? Бу каби саволлар иккала ёзувнинг боғлиқликларига ойдинлик киритади.

ОРАМИЙ ЁЗУВ – ФИНИКИЯ ЁЗУВИНИНГ ДАВОМЧИСИ

“Орам” ибораси жой номи ёки давлат номи сифатида мил. авв. XXIII асрда вужудга келган бўлиб, бу ҳақда Аккад ҳукмдори Нарамсин (мил. авв. 2237 – 2200) томонидан ёздирилган қоятош суратларида маълумот келтирилади. Тарихий Орам мамлакати Юқори Месопотамияда жойлашган. Кейинчалик мил. авв. 1700 йилларга дахлдор Мари (Месопотамиядаги қадимги давлат номи) давлатини бошқарган ҳукмдор номи сифатида ҳам учрайди. Кейинчалик мил. авв. XI ва X асрларда Оссурия давлати (мил. авв. 2400 – 605 йиллар)нинг инқоризи натижасида орабийлар минтақа халқлари сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнай бошлаган. Мил. авв. VIII аср охирида Месопотамия ва Суриянинг катта қисми орабий тилда гаплашган. Аҳамонийларга қадар орабийлар Месопотамия ҳудудида ташкил топган давлатлар ҳукуматларида юқори лавозимларда ишлай бошлаган. Айниқса, маҳкама ва девон ишлари орабийлар зиммасида эди. Аҳамонийлар давлати даврида орабийлар давлатга ташқи душман ва ички норозиликларни бостириш учун ёрдам беришган². Давлат эса уларнинг хизматлари эвазига ҳокимиятнинг маҳкама ва ҳужжатчилик ишлари билан шуғулланишларига имкон берган. Шу тарзда орабийлар ўзлари тарихан шаклланган Арабистон ярим ороли ҳудудларидан Сурия, Олд Осиё, Эрон Аҳамонийлари давлати ҳудудларига кириб боришган.

Мил. авв. 331 йилга оид Персопол (Эроннинг жануби-ғарбидаги мил. авв. VI – V асрларга оид Аҳамонийлар давлати пойтахтларидан бири)даги ёнғинда кўплаб орабий ва аккад тилида ёзилган Эрон ҳукмдорларининг ҳужжатлари ёниб кетган. Ушбу ёзувлар 1936 – 1938 йилларда топилган эди. Сақланиб қолган маълумотлар таҳлили натижасида маълум бўладики, Аҳамоний ҳукмдорлар ўз буйруқларини оғзаки равишда беришган. Улар орабий тилда ҳужжатлаштирилган. Чунки давлатда бошқарув тили элам бўлгани ҳолда орабий тил Эрон салтанатида маҳкамачилик тили ҳисобланган. Бу ҳолат ҳужжатлардаги бошқарув аппаратида оид орабий атамалар (гетрограммалар) таҳлили орқали аниқлаштирилган³. Бугунги кунга қадар суғдий ёзувларда сақланиб қолган ўттиздан ортиқ орабий гетрограммаларда ҳам бошқарувга дахлдор атамаларнинг сақланиб қолганлиги буни янада ойдинлаштиради⁴. Суғдшунос М.Исҳоқов ўз тадқиқотларида XX аср давомида Персеполь (Эрон), Тель-Халайф (Сурия), Хамат ва Луъаш (Марказий Сурия), Бар-Хадад (Шимолий Сурия), Бар-Ракиб (Туркия), Суджина (Тожикистон), Даскиле (Кичик Осиё), Аребсун (Каппадокия/Кичик Осиё), Элефантин ороли (Миср), Туна-ал-Жабал (Миср), Саккаре (Миср) ва бошқа ёдгорликлардан топилган орабий ёзувларнинг ўрганилиши, дингвистик

¹ Струве В.В. Происхождение алфавита. Петроград, Издательство Время, 1923. С. 10-12.

² Немировский А.А. Арамеи // Российская историческая энциклопедия. Том 1. Москва, 2015. С. 569-571.






³ Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика Ирана. Москва: Наука, 1980. С. 126-127, 158.




⁴ Исҳоқов М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. С. 48-59.



хусусиятлари тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирган¹. Олимнинг орамей манбалар лингвистик хусусиятлари тўғрисидаги фикрлари ушбу соҳадаги бир қатор тадқиқотлар учун йўл очган ва соҳанинг ўрганилишида ушбу йилларда амалга оширилган муҳим тадқиқот сифатида баҳоланади.



Орамейлар мил. авв. XIV – XI асрларда Ғарбий Осиё ерларига келиб ўрнашган (Арабистон ҳудудларидан) ва мил. авв. биринчи мингйиллик бошидаёқ финикия ёзуви билан танишиб уни ўз тилларига мослаштиришга улгурган эдилар. Дастлабки орамей ёзув финикийлар ёзувидан фарқ қилмаган. Мил. авв. биринчи минг йиллик ўрталарида яъни Аҳамонийлар салтанати таркибидаги даврда улар финикия ёзувига айрим ўзгаришлар киритишади, яъни, ҳарфларнинг шаклий тузилишини соддалаштиришди. Лекин орамей ёзув ҳарфлари ҳам ўзининг ўтмишдошидан унчалик катта фарқ қилмаган. Е.И.Гельб тақдим этган жадвалда буни яққол кузатиш мумкин². Бунинг натижасида орамей ёзуви нафақат давлат бошқаруви, балки савдо-сотик ва маъмурий-хўжалик ишларида кенг қўлланилиши учун зарур бўлган. Орамейлар империя таркибидаги савдо муносабатларида жуда фаол бўлиб, Олд Осиё, Кичик Осиё ва Мисрда кўплаб орамей манзилгоҳлар айна шу муносабатлар натижасида вужудга келган эди. Бу эса ёзувнинг янада тармоқ отишига ҳам маҳкама ишларига кириб боришига замин яратган.












Орамейлар мил. авв. I мингйилликнинг бошларига келиб финикияликлардан қабул қилишган эди. Орамей ёзув ҳам финикия ёзуви каби 22 та ҳарфдан иборат бўлиб, унда ҳам худди финикия ёзувидаги каби ундошлардан фойдаланган. Ундош товушлар очиқ ҳолда ифодаланган. Орамей ёзувининг график шакллари куйидагича:



алеф –  ҳарфининг орамейча шакли палеографик жиҳатдан финикия ёзувидаги айна ҳарфга ўхшаш бўлиб, унда буқа тимсоли аниқроқ тасвирланади () , яъни, ҳарфнинг ўнг томонидаги таёқчалар кичрайиб, уларнинг уларнинг туташ жойи ўртадаги устундан чап томонга чиққанлиги кўзга ташланади. Шунингдек, орамейча *алефнинг*  шакли ҳам дастлабки орамей ёдгорликлар орқали маълум³. Ушбу шакл эса юқоридаги варинатлардан бир мунча фарқ қилади. Унда ўртага чизикнинг чапга қараб қиялама ёзилганлиги ва ҳарфнинг бошланиши чап томондаги учбурчакдан бошланганлиги кўзга ташланади. Орамейлар финикия ёзувидаги  шаклли *алефни*  шаклда ёзиш орқали янги алифбода ўзларининг “а” ҳарфларини шакллантиришган;

Орамейча *бет* –  финикийча  ҳарфига шаклан ўхшаш. Орамейчадаги ушбу ҳарф палеографик жиҳатдан кирилча “9” сонига яқин ҳолда ёзилган. Финикийча шаклидан ҳарфни шакллантирган ўнг тарафдаги таёқнинг тўғри ёзилиши билан фарқланади. Орамейча *бет* ҳарфининг юқори думалок қисми ўрамсиз ёзилган шакли  ҳам маълум;

далет –  ҳарфининг орамейчаси унинг финикийчасидан  асосан учбурчакнинг ўнг томон чизигининг пастга тортилгани билан фарқланади. Шунингдек, финикийчада орамейчадан фарқли равишда *далет* ҳарфи учи ўнг томон пастга қаратилган учбурчак шаклида эканлиги билан ҳам ажралиб туради;

хе –  ҳарфи орамейча алифбода чап томонга қиялаб ёзилганлиги билан айна ҳарфнинг финикийча шакли () дан фарқланади. Орамейчада ҳам бир чизикқа чап тарафдан туташган учта кичик чизик ўтмишдошига ўхшаш;

Орамейча *вов* – , *зайн* – , *хет* – , *гимел* – , *тет* – , *йод* – , *айн* – , *коф* – , *пе* – , *шин* – , *тав* –  ҳарфлари палеографик жиҳатдан финикия ёзувидаги ўтмишдошлари билан бир хил шаклга эга;

каф –  ҳарфи финикийча айна ҳарфдан () анчайин фарқли бўлиб, орамейча *каф* ўнг томонга қийшайган чизикнинг юқори чап томонида думи билан тасвирланган;

¹ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. С. 12-19.

² Гельб И.Е. Опыт изучения письма (основы грамматики) / Перевод с английского языка Л. С. Горбовицкой и И. М. Дунаевской; Под редакцией и с предисловием И. М. Дьяконова. Москва: Радуга, 1982. С. 136.

³ Дирингер Д. Алфавит. Москва, 1963. С. 304-305.

ламед – **𐎠** ҳарфи финикия ёзуидаги айни ҳарф (**𐎠**) билан ўнг томонга чўзилган думининг қисқалиги билан фарқланади. Иккала ёзувда ҳам ҳарфнинг дум қисми ўнг томонга қараб ёзилади. Орабийчада ҳарфнинг думи калта тасвирланган;

Орабийларнинг ислоҳотлари натижасида *мем* – **𐎡** ҳарфи чап томонга тўлқинлагани, *нун* – **𐎢** ҳарфининг таёқчаси эса узунчоқ шаклда, *самех* – **𐎣** ҳарфидаги узунчоқ чизиклар орасида қисқаришлар вужудга келгани, *цадде* – **𐎤** ҳарфининг ўнг томондаги тўлқинсимон чизиклари пастга қараб оғани ва *реш* – **𐎥** ҳарфининг ўнг томонга қиялама шаклда ёзилганини кўриш мумкин (И.Е.Гельб орабий ҳарфларнинг график хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот келтиради)¹.

Кейинги йилларда Шимолий Афғонистонда топилган орабий ҳужжатлар ушбу ёзув мавжудлигининг сўнгги даврларида ёзилган бўлиши мумкин. Ҳужжатлар 29 йиллик давр (353 – 324)ни ўз ичига олган бўлиб, Ахамоний ҳукмдорлари Артаксеркс III, Доро III, Бесс, Артаксеркс [V] ва Александр Македонскийлар даврига оид². Ушбу ҳужжатлар Ш.Шакэд томонидан эълон қилинган эди³. Мазкур ҳужжатлар бугунги кунда фанга маълум сўнгги ҳужжатлар ҳисобланиши билан бир қаторда орабий ёзувининг сўнгги даврига оид бўлиши эҳтимоли ҳам юқоридир.

Хуллас, бугунги кунга қадар фанда орабий ёзув айнан қайси даврдан бошлаб ўз ўрнини маҳаллий ёзувларга бўшатиб берганлиги борасидаги фикр ўз ечимини тўлиқ топгани йўқ. Юқорида келтирилган Шимолий Афғонистон топилган мил. авв. IV – III асрларга оид манбанинг орабий ёзувида битилган сўнгги мактуб эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, айни даврдан бошлаб орабий ёзув ўз ўрнини маҳаллий ёзувларга бўшатиб берган деган хулосага келиш мумкин. Жумладан, хоразмий, парфиёний, суғдий ва бохтарий ёзувлар орабий ёзувни давом эттирдилар.

СУҒДИЙ ЁЗУВ – ОРАБИЙ ЁЗУВНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Марказий Осиё халқлари ёзув маданиятининг фонетик алфавитли тизимларига мил. авв. VII – V асрлардан бошлаб ошно бўлдилар. Дастлаб, қадимги халқаро муносабатлар доирасида Олд Осиёга тарқалган орабий ёзуви билан танишганлар. Кейинчалик қадимги Эрон салтанати таркибига кирган ҳолда орабий ёзуви аждодларимиз ҳаётига расмий давлат ёзуви сифатида кириб келган. Мил. авв. IV – III асрларда эса орабий ёзувини маҳаллий хоразмий, парфиёний, суғдий, бохтарий тилларга мослаштириб, янги ёзув тизимлари пайдо бўлган. Ушбу ёзувларда битилган ёдгорликларнинг тарихий талқини ўта мураккаб вазифа бўлиб келмоқда. Гап шундаки, ҳар тўрттала ёзув асосидаги қадимги тиллар унутилган. Улар “ўлик” тилга айланган. Шу сабабли қадимги ёзув ёдгорликларини ўрганиш эроний ва туркий қадимги тиллар соҳасида маълум билим, тасаввур ва кўникмалар бўлишини талаб қилади. Энг муҳими ўша қадимий ёзув ва тил материалларидан керакли тарихий маълумотларни чиқара билиш ва янада жиддий равишда бу маълумотларнинг объективлигини таъминлаш лозим бўлади.

Орабий ёзув асосида шаклланган алифболи ёзувлардан бири суғдий ёзув бўлиб, бугунги кунда бошқа туркум (хоразмий, парфиёний, бохтарий) ёзувларга нисбатан суғдий ёзма ёдгорликлар анчайин кўп топилган. Ушбу ёзма ёдгорликларнинг аксарият катта қисми илк ўрта асрлар (V – VIII)га оид бўлиб, орабий ёзув тугаган мил. авв. IV – III асрларга оид суғдий ёзма манбалар фанга маълум эмас.

Хуллас, орабий ёзувнинг тахминан тугаган даври – мил. авв. II асрларга оид орабий ёзма ёдгорликлар ёки айни даврда орабий ёзувнинг давомидан шаклланган суғдий ёзув

¹ Гельб И.Е. Опыт изучения письма (основы грамматиологии) / Перевод с английского языка Л. С. Горбовицкой и И. М. Дунаевской; Под редакцией и с предисловием И. М. Дьяконова. Москва: Радуга, 1982. С. 136.

² Кошеленко Г.А. Новые письменные документы по истории Центральноазиатского региона в древности / Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган халқаро конференция материаллари. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. С. 52-54

³ Shaked Sh. Le satrape de Bactriane et son gouverneur. Documents araméens du IV e s. avant notre ère provenant de Bactriane (Persika 4). Paris: De Boccard, 2004. 62 p.

намуналари мавжуд эканлиги фанга маълум эмас. Бу ҳолат муаммони ўрганишдаги муҳим ва чигал жиҳат ҳисобланади.

Соҳа мутахассисларининг фикрлари ва илмий адабиётда келтирилган маълумотлар куйидагиларни илгари суриш имконини беради:

Биринчидан, Аҳамонийлар салтанати буткул инқирозга тугаган даврга қадар ораамий ёзув бу давлатда маҳкамада ишлатилган. Фақатгина мил. авв. III – II асрга келиб ораамий ёзув ўрнини маҳаллий ёзувлар эгаллаган. Суғд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган илк тангалар Юнон-Бактрия давлати (мил. авв. 250 – 125) ҳукмдорларига, кўпроқ Евтидем (мил. авв. 235 – 200), Евкратит (мил. авв. 171 – 145) ва Гиркод тангаларига ўхшатиб, уларга тақлидан зарб қилинган¹. Ушбу Суғд тангаларидаги ёзувлар минтақадаги илк суғдий ёзувли тангалар ҳисобланади². В.Б.Хеннинг берган маълумотларга кўра Кўйқирилганқалъа ва илк суғдий тангалари ҳам мил. авв. II асрга дахлдор бўлиб³, бу ораамийдан суғдий ёзувга ўтиш жараёни айна даврдан бошланганлигини англатади;

Иккинчидан, ушбу маълумот фақат Суғд ва унга туташ ҳудудларга дахлдор бўлиб, келиб чиқиши оромий асосда бўлган ўртаэроний гетерографик ёзувларни фундаментал ўрганган В.Б.Хеннинг ўртаэроний ёзувларнинг пайдо бўлишини, ушбу туркум хужжатчиликнинг мил. авв. II асрга келиб ўртаэроний тилга ўтиши билан изоҳлашга ҳаракат қилади. М.Исҳоқов ушбу фикрга қўшимча сифатида Форс ҳукмдорлари (фратарак) томонидан зарб қилинган тангалардаги ораамий жумлаларни асос сифатида келтиради⁴. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу тангалар асосан Аршакийлар (мил. авв. III – милодий III аср) даврида зарб этилган. Тангаларни (I ва II тип) даврий таснифлаган Дж.Хилла ва В.Б.Херцфельд уларни мил. авв. мил. авв. III – II асрга оид деб тахмин қилишади. Тангалардаги ёзувлар палеографик жиҳатдан Аҳамонийлар давридаги империя маҳкамасида ишлатилган ораамийга ўхшаш. III тип тангаларидаги ёзувлар эса мил. авв. II аср охирига оидлиги мутахассислар томонидан аниқланган⁵;

Учинчидан, В.Б.Хеннинг томонидан илгари сурилган ушбу фикр В.А.Лившиц ва В.Г.Луконин томонидан қўллаб-қувватланган бўлиб, олимлар мил. авв. II асрга оид ораамий ёзувидаги тангалардан гетерографик ўртафорсий ёзувга аллоқачон ўтилганлигини эътироф этишади. Улар бу борадаги Р.Гиршманнинг талқинларини ўртафорсий тил орфографик қоидалари ва лексик қоидаларга мувофиқ келмаслигини таъкидлашади⁶. Демак, мил. авв. II асрга келиб минг йил давомида мавжуд бўлган ораамий ёзув ўз ўрнини маҳаллий ёзувларга бўшатиб берган. Айниқса, суғдий ёзма ёдгорликларнинг бевосита айна даврда бошлаб маълум эканлиги, Суғдда айна шу даврдан бошлаб ўзларининг маҳаллий ёзувларига асос солганликлари тўғрисидаги фикрни янада кучайтиради;

Тўртинчидан, археологик тадқиқотлар ҳам ораамий ёзувнинг мил. авв. II асрларга келиб суғдий ёзув минтақа тарихига кириб келганлигига ишора беради. 1973 йилдан Ч.Валихонов номидаги Тарих ва археология институти (Қозоғистон) Туркистон археологияси бўлими томонидан Култўба шаҳри бир неча босқичларда ривожланганлиги археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. Култўбадаги археологик ёдгорликлардан Қанғ давлати ҳукмдорлиги даврига (мил.авв. II – милодий IV асрлар) оид қатлами муҳим материалларни берди. Шулардан бири суғдий ёзувли сополга битилган эпиграфик ёзма манбалар ҳисобланади. Сопол парчаларидаги ёзувлар таҳлили уларнинг оромий эмас суғдий эканлигини кўрсатади. Жумладан, |Ṣ| ҳарфини ифодалашда *t <taw>* ишлатилиши ва *ḍ <lamedh>* ҳарфининг бошқа суғдий манбаларда учраши мисолида ўз тасдиғига эга.

¹ Зеймаль Е.В. Начальный этап денежного обращения древней Трансоксианы (по нумизматическим данным) // Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древность. Москва, 1983. С. 71-76.

² Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. Душанбе: Дониш, 1983. С. 269-273.

³ Henning W.V. *Mitteliranisch // Handbuch der Orientalistik*. 1958, Abt. 1, Bd. 4, Absch. 1. P. 25

⁴ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. С. 25-26.

⁵ Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. Душанбе: Дониш, 1983. С. 283.

⁶ Лившиц В.А., Луконин В.Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах // Вестник древней истории. Москва: Наука, 1964, №3. С. 156-173.

Шунингдек, *g* (*γ*), *y*, *p*, *ʃ* (=č), *ʃ* каби ҳарфларнинг аниқ кўриниши ҳам Култўба эпиграфик манбаларидан оромий эмас балки суғдий эканлигини яққол кўрсатади¹;

Бешинчидан, бугунги кадар амалга муаммога доир амалга оширилган тадқиқотларда эътироф этиб келинган И.Е.Гельб изланишларида ҳам олим ўзининг асосий эътиборини қадимий ёзув тизимларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларга қаратган ҳолда, финикия ёзув асосидаги алифболарни таҳлил қилган ва орамий ёзувнинг шаклланишига қадар бўлган жараёнларни келтириб ўтади. Унинг ишида суғдий ёзув ва алифбодаги ҳарфларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилмаган. Бундан ташқари, ишда суғдий ёзув алифбо тизимидаги ҳарфларнинг орамий ва унинг ўтмишдоши финикия ёзувидаги ўхшашлик ҳақида маълумот берилмайди². Бу эса муаммонинг долзарблиги масаласини янада кучайтиради.

Баъзи ҳарфларини ҳисобга олмаганда суғдий ёзувли ёдгорликларда мавжуд ҳарфларнинг график шакллари уларнинг қарийб бир хил асосли эканлигини кўрсатади. Жумладан, Турфон воҳасидан граф Отани Кудзуй (1876 – 1948) томонидан топилган³ яна бир суғдий алифбо эълон қилинган эди⁴. Алифбо қоғозга битилган бўлиб, таҳлиллар натижасида вояга етмаган ўқувчи томонидан ёзилганлиги маълум бўлади. Унда ҳам ҳарфларнинг аксарият катта қисми бир суғдий алифбодаги ҳарфлар билан бир хил эканлигини кўзга ташланади⁵.

Суғдий алифбо ҳам финикия ва орамий алифбо сингари 22 та ҳарфдан иборат бўлиб, ҳарфларнинг жойлашуви ҳам уларнинг ўтмишдошлари каби жойлаштирилган. Суғдий ёзувдаги ягона ўзгариш 23 ҳарф белгиси сифатида /l/ – “ламед”нинг киритилиши эди. Суғдий ёзувда “ламед” ҳарфининг вазифаси ва ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатларнинг асосан Уйғур хоқонлиги (744 – 848) даври билан чегараланиши ҳамда бунга ёзувнинг уйғурлар томонидан ислоҳ қилиниши (шунинг учун ҳам ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатлар Уйғур хоқонлиги даври – VIII асрнинг иккинчи ярми этиб белгиланган) борасида Ушбу ҳарф Уйғур хоқонлиги даврида суғдий ёзувга киритилган деган мазмундаги фикр Н.Симс-Виллиамс томонидан илгари сурилган эди⁶. 1941 йилда Қизил ирмоқ (Красная речка/Қирғизистон) шаҳар харобаси топилган хум (сополдан ясалган дон, май ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун мўлжалланган) гардишига ўйиб битилган суғдий ёзув намунаси топилган. Ёзув бир қатордан иборат бўлиб, хум гардишига соат милларига қарама-қарши шаклда битилган. Ёзувнинг палеографик хусусияти ва <l> ҳарфи талаффуздан ушбу ёзув намунасини VIII асрнинг иккинчи ярми – IX аср бошларига оид деб талқин қилиш мумкин. Гап шундаки суғдий алифбода <l> ҳарфи уйғур алифбосига киритилган бўлиб, сўнгги даврга оид суғдий матнларда хорижий сўзларни талаффуз қилишда қўлланилган (ёзма ёдгорликлардаги суғдий тил лаҳжасида /l/ фонемаси учрамайди)⁷. **𐰇** – *lesh* [l]. Ушбу ҳарф жуда кам учрайди. А.Пандей ҳарфнинг сўз боши **𐰇𐰇**, ўртаси **𐰇𐰇𐰇** ва охиридаги **𐰇𐰇𐰇** шаклини келтириб ўтади⁸. Лекин унинг бирор шакли мустақил ҳолатдаги шаклига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам келтириб ўтилган ҳолатларни *lesh* ҳарфининг хаттий синишлари натижасида ҳолатлар деб талқин этиш мумкин⁹. Суғдшунос М.Исҳоқов эса ушбу ҳарфнинг генезислари Уйғур хоқонлигидан олдинги даврларга оид деб ҳисоблайди. Хуллас, Панжикентдан топилган сополда 23 та

¹ Лившиц В.А. Старейшая согдийская надпись из Коль-тобе / Вестник древней истории (Journal of ancient history). Москва, Наука, 2015. № 1 (292). С. 59-66.

² Гельб И.Е. Опыт изучения письма (основы грамматики) / Перевод с английского языка Л. С. Горбовицкой и И. М. Дунаевской; Под редакцией и с предисловием И. М. Дьяконова. Москва: Радуга, 1982. С. 132-138.

³ Ҳозирда Киото (Япония)даги Рюоку кутубхонасида сақланади.

⁴ Ушбу алифбо Панжикент алифбосининг яна бир кўриниши бўлиб, ҳарфлар палеографик жиҳатдан фарқ қилади – И.М., Ф.Б.

⁵ Yoshida Y. Sogdian miscellany IV, Studies in the Inner Asian Languages X (1995). P. 75-79.

⁶ Исҳоқов М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. С. 66.
















⁷ Лившиц В.А. Согдийцы дарят хум несторианскому учителю Йаруктегину // Scrinium: Т. 2. Universum Nagiographicum: Mémoial R. P. Michel Van Esbroeck, S. J. (1934-2003). Hardcover – January 1, 2006. С. 365-370.











⁸ Ўша жойда. Р. 5.










⁹ Исҳоқов М., Ғойибов Б. Қадим ва илк ўрта асрларда туркий ва суғдий ёзув яратиш жараёнларининг муштарак тарихий асослари // O‘zbekiston tarixi, Тошкент, 2023, №1. Б.





суғдий ҳарф бўлган. Улар $\beta d h w z x$ (орамийча h) $t y k \delta$ (орамийча l) $m n s ' p c$ (орамийча s) $q r \check{s} t \delta$ ҳарфлари ҳисобланади.

Суғдий ёзувнинг график шакллари орамий ёзув чизма шакллари билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиш ушбу масалага янада ойдинлик киритиши мумкин.

Суғдий  – *aleph* (a, \bar{a}) ҳарфи алифбодаги **биринчи** ҳарф ҳисобланиб, унинг қадим  шаклига яқин ҳолатда ёзилади. Ҳарфнинг иккала ҳолатдаги шакли орамийча ,  *алеф* ҳарфига ўхшаш. Ушбу ҳарфнинг орамий шакли финикия алифбосидаги айни ҳарф () дан ўсиб чиққан. Аслида ҳарфнинг асосий график хусусияти “икки шохли” шаклда бўлгани билан фарқланиб, у “буқа калласи” – ,  ҳарф белсининг даврий градациясидаги ўзгаришлар натижасида шаклланган. Орамий ёзув шаклланишига замин бўлган финикия ёзувидаги *алеф* учун ҳам “буқа” тимсолининг асос қилиб олингани буни тасдиқлайди. Ушбу ҳарфнинг , , , , ,  каби шаклий ўзгаришлари ҳам фанга маълум. Орамий ёзув асосидаги парфиёний ёзувда ҳам ушбу ҳарф ўз ўтмишдошларига яқин ҳолатда ишлатилган. Мил. авв. I асрга оид қадимги Нисо (Марв) шаҳар харобасидан топилган парфиёний хужжатлардаги *алеф* ҳам “икки шохли” шаклда  эканлиги кўзга ташланади¹. Паҳлавийчадаги айни ҳарф ҳам “икки шохли” кўринишда  бўлиб, унга қўшимча равиш чап томонга ҳарфнинг “дум” қисми тортилганини кўрамыз²;



Суғдий алифбодаги **иккинчи** ҳарф *бет* – β ($\beta = f$) ва унинг ўтмишдошлари оромийча ,  ва орамийча  (b) дан бироз фарқли. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Мазкур ҳарф дастлаб қадимги мисрликларда  – “қуёш” шаклида ифода этилган. Бир муддат ушбу ҳарф “ярим қуёш” шаклида – ,  ҳам тасвирланган. Қадимий шарқ халқлари мазкур ҳарфнинг юқорида каби шакллари ҳам бўлганлиги маълум. Финикияликларда эса ҳарф “уй”га киёсланиб, унинг айлана қисмига ўнг томондан пастга қаратиб “дум” қўшилган ҳолда тасвирлаш орқали () ифодаланган. Орамийчада ҳам ушбу шакл сақлаб қолинган. Суғдий ёзувда эса ҳарфнинг қадимги шакллари асос қилинган. Яъни, “қуёш” шаклининг пастги ярим қисми сақланиб, унга қўшилган “дум” қисми пастги ўнг томонга қаратиб бироз тортилганини кузатиш мумкин. Қадим суғдийчадаги  *beth* (β) ҳарфида ҳам буни кўриш мумкин. Ҳарфнинг ,  каби ҳолатларда ҳам акс этганлиги манбаларда намоён бўлади;









Алифбодаги **учинчи** ҳарф –  *гимел* (ғайн) дастлабки (финикия) шаклида “туя”нинг фақат “бўйин” қисми  шакли орқали ифода этилган. Орамийчасида ушбу ҳарф айни шаклда  сақлаб қолинган. Фақатгина ҳарфнинг узун таёқчадан чап томонга қайрилган қисмигина кескин қайтгани билан финикийча шаклидан бироз фарқ қилади. Суғдий ёзувда эса ҳарфнинг гарфик шаклини янада аниқроқ ифода этиш мақсадида унга чап топондан яна бир қўшимча чизик қўшилган ҳолда ,  ёки чап томонга бурилган кўринишда  акс эттиришган. Ушбу ҳарфнинг бир-бирига ўхшаш сўз боши , сўз ўртаси  ва сўз охири  шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларда ҳам ҳарфнинг муҳим график хусусияти ўтмишдошлари каби тўлқинсимон шаклда эканлигида намоён бўлади. Кузатишлардан маълум бўладикки, суғдий ёзувда *гимел* ҳарфини тўғри талқин қилиш учун унинг сурёний ва моний шакллари таққослаган ҳолда талқин қилиш ҳарфни тўғри аниқлаш имконини беради;

















Тўртинчи ҳарф *далет*  (d) (суғдий матнларда орамийча () сўз шаклда ёзилиб, суғдча мукобили шаклида ўқиладиган гетерограммаларда ишлатилади. Чунки суғдий тилда қадимги эроний жарангли d сирғалувчи жарангли δ ва жарангсиз ϑ товушларига айланган. Ҳарфнинг қадим суғдий шакли  суғдий курсив шаклига яқин ҳолатда тасвирланади. Ҳарфнинг финикийча шакли  “эшик” маъносини ифода қилиш учун ишлатилган. Яъни, қадимги финикияликлар мисрликлар каби ғор оғзига қўйилган “эшик” шакли орқали айни ҳарфни тасвирлашган. Ҳарфнинг орамийча ва суғдийча шаклларида ҳарфнинг тарихий шакли ислоҳ қилиниб, пастга тортилган “дум” қисми ва учбурчакнинг “юқори” юқори чап қисмидаги чизикни олиб ташлаш орқали уни фарқлашган. Суғдий ёзма ёдгорликларда ушбу ҳарфнинг









¹ Дьяконов И.М., Лившиц В.А. Документы из Нисы I в. до н.э. Предварительные итоги работы. Москва: Издательство Восточной литературы, 1960. Приложения.

² Pandey A. Preliminary proposal to encode Book Pahlavi in Unicode. August 26, 2018. pandey@umich.edu. P. 3.

айрим ўзгарган шакллари ,  ҳам кўзга ташланадики, уларда ҳам финикийча “учбарчак” шаклининг чап томон чизиғи (девори)нинг юқорига қаратиб тортилгани ҳолда тасвирлангани кўзга ташланади. Ушбу ҳарф аксарият ҳолларда фақатгина идеограммаларни ифодалашда ишлатилади. Н.Сим-Виллиямснинг келтиришича, *далет* фақат идеограмма кўринишда учрайди. Лекин В.А.Лившиц тадқиқотлари натижасида ушбу ҳарф график шакли бошқа манбаларда бир неча ўринларда учраши аниқланган эди¹;

Алифбодаги **бешинчи** ҳарф  – *he* ҳарфи учун суғдий матнларда махсус вазифа йўқ. Ушбу ҳарф гетерограммаларда сомиё орамийча сўз бирликларида учраши мумкин. Ҳарфнинг  шакли ҳам амалиётда маълум. Қадим суғдийда ушбу ҳарф курсив шаклдан  бошқачарок, яъни, чап томонга қаратиб тасвирлангани билан фарқланади. Ҳарфнинг орамийча шакли  бироз қисқа, чап томонга қиялаб ёзилганлиги ҳамда пастдаги “думи” йўқлиги билан фарқланади. Финикия ёзувида ушбу ҳарфнинг график шакли  – бир чизикни туташтирувчи учта чизик ҳолда тасвирланган; Ёзувларда чизиклар орқала тасвирлаш қийинчиликлар ва чалкашликлар чиқарганлиги сабаб ушбу ҳарфга махсус вазифа берилмаган бўлиши эътимоли юқори. Суғдий ёзма ёдгорликларда ҳарфнинг куйидаги шакллари , ,  ҳам мавжудлиги намоён бўлади. *he* ҳарфининг муҳим жиҳати ушбу ҳарф аёллик жинсини ифодалаб келишида эди. Масалан, Муғ тоғи архивидаги Nov 3, Nov 5, A-5 рақамли ҳужжатларда бу билан боғлиқ ҳолатни учратиш мумкин². Ҳужжатда келтирилишича, *-unc* сўзи ёшга нисбатан аёл кишининг вояга етган босқичини кўзда тутди. Турмуш қурган босқичдаги аёл суғдий манбаларда *vathu(h)* [вадух] деб кўрсатилган³. Бу сўздаги *-th-* олд қатор тиш оралиғи сирғалувчи товушдир. Бу товуш ҳозирги эроний тилларда *-d-* товушига мос келади. Сўз охиридаги *-h* грамматик аёллик жинсига ишорат қилади⁴;

Алифбодаги **олтинчи** ҳарф  – *vau* ҳарфи (*vau*) *v* товушидан ташқари *u* - *ū*; *o* - *ō* товушларини ифодалаб келгани тадқиқотлар орқали маълум. Суғдий алифбодаги бошқа ҳарфлардан фарқли ўлароқ ушбу ҳарфнинг сўз бош , ўрта  ва якунида  учрайдиган шаклларида ташқари , , , , , ,  каби график шакллари ҳам мавжуд. Ҳарфнинг ушбу шаклларида унинг “дум”сиз, ўнг томонга қаратилган, ҳарф ясовчи ўрама чизикнинг якунига етмаган, ўнг ва сўл томонга сал қиялаб ёзилган ҳолатлардаги шакллари кўзга ташланади. Финикия ёзувида “мих” –  шаклидаги ушбу ҳарф орамийлар томонидан  шаклда ишлатилиб, қадим суғдийчада ҳарфнинг пастки чизиғи олиб ташланган ва унинг тепа қисмидаги ярим ёйсимон шакли чап томонга тўнкарилган  ҳолда ёзилган. Парфиёний *вов* ҳарфи орамийча каби чап томонга оғдириб ёзилган ҳолат  (“вергул” – нуқта ва унга уланган “дум” шакли)да акс этган⁵. Суғдий алифбода эса доирага ўнг томондан пастга туширилган “дум” қўшиб ёзилган ҳолатда  ишлатилган. *вов* ҳарфининг турли график шаклларида унинг орамийча ва финикийчага яқин ҳолатда ёзилган вариантлари ҳам мавжуд. Баъзан *алеф* ҳарфига ўхшаб ёзилиши унинг чалкаштирувчи жиҳати ҳисобланади;

Еттинчи суғдий алифбодаги  – *zayn* ҳарфи бир-бирига ўхшаб кетса ҳамки мустақил ҳолатидан бир мунча фарқланадиган сўз боши ва сўзнинг ўрта ҳамда якунида учрайдиган уч хил , ,  шакли мавжуд. Ҳар уччала ҳолат ҳам айни товушни ишлатиш учун ушбу ҳарф ишлатилган. *zayn* ҳарфининг суғдий ёзма манбаларда куйидаги шакллари , ,  учраганлиги маълум. Финикия алифбосида “қурол” (**И**) маъносини ифодалаш ишлатилган ушбу ҳарф орамийчада ҳам айни шаклда  ёзилган. Суғдий ёзувнинг қадимий шаклида эса ўзининг ўтмишдошларида бироз фарқли, яъни ҳарфнинг тепа қисмида чизиғи тушириб,







¹ Лившиц В.А. Надписи на фресках Афрасиаба // Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии. Ленинград, 1965. С. 6-7.














² Согдийские документы с горы Муг. Вып. II / Чтение, перевод и коммен. В.А. Лившица. Юридические документы и письма с горы Муг. Москва: Изд. Восточной литературы, 1962. С. 21, 23, 181; Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. Teheran: Farhang Publications, 1995, XXII. P. 87.







³ Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. Б. 45.















⁴ Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. Oxford, 1954. – I–X, 2-ed. Oxford, 1961. P. 73-79.

⁵ Дьяконов И.М., Лившиц В.А. Документы из Нисы I в. до н.э. Предварительные итоги работы. Москва: Издательство Восточной литературы, 1960. Приложения.

пастдагисининг чап томондагиси сақлаб қолинган ҳолатда  ёзилган. Суғдий курсив алифбода эса ҳарфнинг юқори ва пастки чизиқлари унинг пастки икки ён томонига қўшилган ҳолатда ,  ёки чизиқлар туширилган қолдирилган ҳолатда ҳам ёзилганлиги ,  маълум бўлади. Оромий ёзув асосидаги парфиёний ёзувда ҳам *зайн*  ҳарфнинг юқори ва пастки чизиқларсиз, чап томонга қиялаб ёзилганлиги уларнинг бир оилага тегишли эканлигидан далолат беради. *z* ҳарфи ташқи жиҳатдан *-n-*, *-n* ҳарфларига ўхшаш;

Суғдийлар алифбосининг **саккизинчи** ҳарфи  – *het* (*xem*) бўлиб, у асосан гетерограммаларда учрайди. Суғдий матнларда алоҳида функцияси бўлмаса-да¹ сўзнинг бош, ўрта ва якуний шакллари , ,  матнларда учрайди. Шунингдек, *xem* ҳарфининг бир неча хил график шакллари , , ,  ҳам мавжуд. Ушбу шакллари қадимий суғдий ёзувдаги ушбу ҳарфнинг график кўриниши  ҳам юқоридаги шаклларга ўхшаш. Финикийча *xem* (тўсиқ (панжара)/ғов – ) шаклида ушбу ҳарф орамийчада чап томонга қиялаб ёзилганлиги () билан айни ҳарфнинг финикийча шакли ()дан фарқланади. Қарийб барча ҳолатларда икки ёнбошда турган чизиқлар сақланган ҳолда унга қўшимчалар киритиш ва орадаги чизиқларнинг ўзгартирилган ҳолда ёзилганлиги ҳарф тарихий ўхшашликларига ишора беради. Орамий ёзувдаги бошқа ёзувларда ҳам ҳарфнинг асосини ташкил этган икки ён бошдаги чизиқ асос қилиб олинган бўлса ажаб эмас. Чунки парфиёний ёзувда ҳам *xem* ҳарфи икки чизиқнинг қарама-қарши томонга қаратиб бирлаштирилганлигидан ҳосил бўлганлигини  кузатиш мумкин. Бунда дастлаб финикийча ёзувида акс этган “панжара”нинг икки ён бош чизиқлари қолдирилиб, ўрта қисми олиб ташланган ва ихчамлаштирилган. *xem* ташқи кўринишда жиҳатдан *гимел* ҳарфига ўхшайди. Ҳарфнинг “Кўҳна хатлар”даги шакллари таҳлили натижасида унинг ишончли шакли аниқланган;





Алифбода *tem* – , ,  ҳарфи **тўққизинчи** ўринда келади². Бу ҳарф қўлланилмасида унинг юқоридаги каби график шакллари мавжуд. Финикийча ёзувидаги *tem* (юк – ) ва орамийдаги *tem* –  график жиҳатдан ўхшаш ва ҳар иккала алифбода ушбу ҳарфни ифодаловчи товуш бўлган. Ҳарфнинг график шаклидаги асос – бу “доира” ҳисобланиб, суғдийчада унинг олдинги (финикийча ва орамий) шаклидан фақат айлана қисми сақлаб қолинган ва марказдаги кесишган чизиқнинг фақат биттаси чап томондан ҳарфга бириктирилган ҳолда ишлатилган. Суғдий ёзувда ушбу ҳарфни ифода этувчи *tau* –  ҳарфи мавжуд эканлиги боис ушбу ҳарф ишлатилмаган бўлиши мумкин. Чунки бу ҳарф парфиёний ёзувда ҳам учрамайди. Бундан ташқари суғдий ёзувда ушбу икки ҳарфнинг график тузулиши ҳам бир-бирига яқинлиги эътиборга молик. Шунинг учун ушбу асосан ҳарф идеограммаларда ишлатилган дейиш мумкин. Идеограммалар камайган сари *tem* ҳарфининг ишлатилиши камая борган ва умуман ишлатилмай кетган. Бунинг сабаби эса суғдий алифбода орамийча *tem* ҳарфини ифодаловчи товушнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади³;














Суғдий алифбодаги **ўнинчи** ҳарф  – *iod* (*йой*) бўлиб, *i* ҳамда *y* (*й*) дан ташқари *алиф* билан қўшилган ҳолда чўзиқ *i* ҳамда *e* товушларини ифодалашда ҳам хизмат қилган. Суғдий манбаларда *iod* куйидаги , ,  шаклларда сўзларда учрашини кузатамиз. Нисо (Марв)дан топилган парфиёний ёзув матнларида *iod* ҳарфининг куйидаги ,  график шаклларда ҳам тасвирланганини кўриш мумкин. Шу билан бирга суғдий ёзма ёдгорликларда ушбу ҳарфнинг бир неча график кўринишларининг , , , , , ,  мавжудлиги кўзга ташланади. Қадим суғдий ёзувида ҳам *iod* юқоридаги график шаклларга яқин ҳолатда  ишлатилган. Финикийча ёзувида *iod* “қўл” билан номланиши *z* орамийчада ҳам айни шу шаклда *z* ишлатилганлиги маълум. Суғдий ёзувдаги ушбу ҳарф ҳам ўзидан олдинги оиладошлари каби ишлатилган.














¹ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. С. 64.













² Мазкур ҳарф 1965 йилда Панжикент аркида археолог А.Исоқов томонидан топилган кўза сиртига ўйиб ёзилган алифбода келтирилганлиги боис фанда маълум – И.М., Ғ.Б.

³ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. С. 64.

Ҳарфнинг юқори қисмидаги чизиксиз , айна чизикнинг ўнг томонга қаратилган  ёки чизикнинг ҳарфни кесиб ўтган ҳолатлари ,  уларнинг тарихан бир асосдан вужудга келганидан далолатдир;

Суғдий алифбонинг **ўн биринчи** ҳарфи  – *каф* бўлиб, унинг вазифаси асосан *k* эканидан ташқари фонологик вазиятларда *g* товушини ҳам билдириши мумкин¹. Ҳарфнинг сўз боши  ва ўрта  шакллари ҳам мавжуд. Финикийча “қўл кафти”ни англатиш учун ишлатилган график шакл –  “к” деб талқин қилинган бўлса, орабийчасига ҳарфнинг умумий ўрта чизикқа уланган “найза” учини эслатувчи шаклидаги икки чизиғи қисқа кўринишда чизикнинг чап томон юқори қисмида акс эттирилган ҳолда  айна ҳарф тасвирланган. Ҳарфнинг парфиёний () ва қадим шакли () ҳам унинг курсив шаклига яқин ҳолатда ёзилган ҳамда барча ҳолатларда ушбу ҳарф *k*, *g*, *x* (*zanaka*, *zang*), ҳарфларини ифодалаш учун ишлатилган. Шунингдек, суғдий ёзма ёдгорликларда ҳарфнинг бир неча график шакллари , , , , ,  ҳам учраб, улар ҳам ўзининг тузулишига кўра суғдий курсив вариантга яқин ҳолатда ёзилган;

Ўн иккинчи ҳарф суғдий ёзувда  – *ламед* (*лом*) бўлиб, унинг сўз олди , ўрта  ва сўз  якунида шакллари учрайди. Шунингдек, *ламед* ҳарфининг мустақил ҳолатда ҳам алоҳида график шакллари ,  суғдий манбаларда учратиш мумкин. Ушбу ҳарф қадим суғдий тилда ҳам айна шаклда  ёзилган. *ламед* суғдий ёзувда сўл томонга қаратиб ёзилган бўлса, орабий ёзувда ўнгга қаратиб қисқа шаклда  ва финикия ёзувида узунроқ кўринишдаги  график ҳолатда акс эттирилган. Ҳарфнинг парфиёнийчаси иккала ҳолат ,  ҳам кузатилади. Яъни, ҳам ўнг ва ҳам сўл томонга қаратиб ёзилган. Афтидан, *ламед* ҳарфи бугунги кунга қадар мавжуд кўплаб алифболардаги айна ҳарф учун асос қилиб олинган. Турли алифболардаги айна ҳар ўз ўтмишдошига ўхшаш. Масалан, арабий , форсий  ва ҳатто кейинги даврдаги кирил “л”, лотин “l” каби ёзувлардаги ҳарфлар шаклий ўхшашликка эга. Юқорида суғдий ёзувдаги баъзи ўзгаришлар хусусида келтирилган эди²;














Алифбодаги **ўн учинчи** ҳарф ҳисобланган  – *мим* ҳарфи бўлиб, у шаклан орабийча аждодидан бироз узоклашган (орамийча *мем* –  ҳарфи чап томонга тўлқинлаган ҳолда ёзилган). Ҳарфнинг , ,  шакллари ҳужжатларда сўзнинг бош, ўрта ва охирида учраши билан маълум. Унинг шакллантирувчи икки асосий чизиғи – бири ўнгдан чапга қиялама қилиб ёйсион чизилса, иккинчиси биринчи чизикнинг бошланиш нуқтасидан кўра сал пастдан уни кесиб ўтувчи иккинчи ёйсимон чизикдан иборат ҳолда бўлгани кўзга ташланади. Аммо иккинчи ёйсимон тугалланиш нуқтасида биринчи билан кесишмайдиган шакл билан бир қаторда унга туташиб тўхтайдиган вариант ҳам бор. Бу шакл араб ёзувидаги *мим* нинг “тугунча” бош элементини эслатади. Ҳарфнинг қадимий шакли  (*m*) ҳам илк ўрта асрлар давридаги курсив вариантдан график жиҳатдан унча катта фарқланмайди. Баъзан *мим* ҳарфи  – *тау* (*tau*)га ҳам ўхшаб кетади. Бу икки ҳарфнинг фарқи *мим* да кесишувчи нуқтада иккита “шоҳчалар” мавжуд бўлади. *тау* да эса ўнг томондаги ёйча биринчи чизикнинг ўзидан бошланади, “шоҳча” эса битта бўлади³. *Мим* ҳарфининг товуш ифодаси битта, бу ҳам бўлса *m* (*m*). Ушбу ҳарф суғдий сўзларда ҳам, гетерограммаларда ҳам бирдек ишлайди⁴. Суғдий ҳужжатларда *мим* , , ,  шаклларда ҳам учрайди. Ҳарфнинг парфиёний шакли  ҳам суғдий айна ҳарфга ўхшаш бўлиб, фақатгина чап томонга оғдириб ёзилганлиги билан фарқланган;







¹ Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. Москва: Наука, 1981. С. 394-395.






² Батафсил қаранг: Лившиц В.А. Согдийцы дарят хум несторианскому учителю Йаруктегину // *Scrinium*: Т. 2. Universum Hagiographicum: Mémoial R. P. Michel Van Esbroeck, S. J. (1934-2003). Hardcover – January 1, 2006. С. 365-370.







³ Исоқов М., Ғойибов Б. Қадим ва илк ўрта асрларда туркий ва суғдий ёзув яратиш жараёнларининг муштарак тарихий асослари // *O‘zbekiston tarixi*, Тошкент, 2023, №1. Б.

⁴ Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. Oxford, 1954. I-X, 2-ed. P. 6-15.

Суғд алифбосидаги **ўн тўртинчи** ҳарф  – *нун* (*n*) ҳисобланади. Ҳарфнинг юқорида кўрсатилган мустақил ҳолатидан ташқари сўзларнинг бош  ва ўрта  қисмларида келадиган шакллари ҳам мавжуд. Тузулишига кўра, *нун* ҳарфи *зайн* () ҳарфига ҳам ўхшаб кетади. Суғдий манбаларда *нун* ҳарфининг бош қисмининг ўнгга қаратиб ёзилган , *алеф* ҳарфига ўхшаш , ҳарфнинг юқори “шоҳ” қисмининг чапга қаратиб ёзилган узунчоқ , ҳарф ўрта шакли чап томон “дум” қисмининг юқорига қараб чўзилган ҳолатдаги  график шакллари ҳам маълум. Финикияликлар қадимги яҳудийлар каби “балиқ”ни ифодалаш учун *нун* –  ҳарфини ёзишган бўлса, орамейлар эса айни ҳарфни узунчоқ шаклда чап томонга қаратиб тўлқинлатган ҳолда  ёзишган. Парфиёний ёзувда ҳам *нун* ,  орамейчага яқин ҳолатда ёзилган. Парфиёнийда юқори чап томондаги тўлқинсимон шакл йўқ. Суғдий ёзувнинг қадимий алифбо тизимида эса ушбу ҳарф  шаклда “дум”и пастга қаратиб ёзилган кўринишда акс этган. Суғдийлар эса ҳарфнинг чизикларини баъзида пастдан икки томонга қаратиб ёки чап томондан ўнгга қаратиб ёзишган. Ҳарфнинг “тугун” қисми *зайн*га ўхшашлиги уни фарқлашни қийинлаштиради;

Алифбодаги **ўн бешинчи** ҳарф  – *самех* (*sīn*) ҳарфи ҳам аждод орамейча “дабл ю” (*w*) га ўхшаш шаклидан узоклашган. *š*, *γ*, *x* ҳарфларини ифодалайди. Товуш ифодаси асосан *s* ва унинг аллофонлари ҳисобланади. Ушбу ҳарфнинг бош, ўрта ва якуний шакллари суғдий ёзма ёдгорликларда қуйидаги шаклларда намоён бўлади: . Шунингдек, *самех* ҳарфнинг бироз фарқли шакллари  ҳам манбалардан маълум. Ҳарфнинг қадим шакли  ҳам унинг курсив шаклларига яқин ҳолатдаги тасвирга эга. Ҳарфнинг аждодлари ҳисобланган финикий (“сарлавҳа” шаклидаги  ушбу белги сатр қаторларини англаган) ва орамейча (қисқа “сатр”ларда акс эттиришган – ) шаклларида суғдий курсив анчайин фарқланади. Афтидан ушбу шакллари график жиҳатдан анчайин қийин ёзилгани боис суғдийлар ушбу ҳарфни ислоҳ қилган ҳолда ўз алифболарига киритишган;

 – *аьйн* ҳарфи суғдий алифбода **ўн олтинчи** ҳарф ҳисобланади. М.Исҳоқов фикрига кўра, бу товуш сомиё (шом) араб дунёсига хос бўлиб, Марказий Осиё минтақаси халқлари, жумладан, тарихий суғдий тилда ҳам ушбу ҳарф бўлмаган. Суғдий матнларда фақат гетерограммаларда учрайди¹. “Кўҳна хатлар”да ҳам ‘D, гетерограммаси таркибида ишлатилган². Суғдий котибият тажрибаси алфавитда бу ҳарф борлигини билган ва ёзув машқида ўқувчиларга ўргатилган. Турфондан топилган суғдий ёзма ёдгорликларда ушбу артикуляциянинг ,  шакллари мавжудлиги қайд этилган³. Ушбу ҳарф финикия ёзувида “доира” (кўз) шаклида  тасвирланган бўлиб, орамейлар ҳам ўз алифбосида ушбу шаклни  айни ҳарф учун сақлаб қолишган. Афтидан суғдий хаттотлар ушбу ҳарфнинг мавжудлиги билган ва унинг “доира”, “кўз” белгиси шакли қайта ишлаб, уни икки маротаба ўрам айлантириш орқали ҳарф шаклига келтиришган;

Суғдий алифбонинг **ўн еттинчи** ҳарфи  – *ре* (*ne*) бўлиб, *p / b*, баъзан вазиятига кўра *f* ундош товушини ифодалаш учун ишлатилган. Ушбу ўринда ҳарфнинг сўз охиридаги вариантларидан бири кўрсатилган. Сўз бошидаги шаклида  тугаш чизиғи кейинги ҳарфга хат чизиғи бўйлаб уланади. Сўз ўрта шакли эса тиниқ ёзилган пайтда аввалги ва кейинги ҳарфларга доирача бўлиб уланади. Финикийча “оғиз” шакли асос қилиб олинган *pe* –  ҳарфини орамейлар қарийб ўзгартирмаган ҳолда  ишлатишган. Қадим суғдий алифбода ҳам ҳарфнинг график шакли унчалик катта фарқланмайди. Яъни, ҳарфнинг юқори қисмида айлана шаклидаги ўрам ҳосил қилиниб, унга ўнг томондан “дум” улаш орқали тарихий шаклига яқин кўриниши  сақлаб қолинган. Ҳарфнинг парфиёний шаклида эса ҳарф чап ён томонга  қийшайтириб ёзилган. Суғдий ёзма ёдгорликлар *pe* ҳарфининг унинг тарихий

¹ Исҳоқов М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2008. С. 48-58.

² Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. vol. 12. P. 3-4.

³ Pandey A. Revised proposal to encode the Sogdian script in Unicode. 2017. P. 17 (Қаранг: <http://www.unicode.org/L2/L2016/16371r2-sogdian.pdf>).

аждодларига ўхшаш бир неча хил шаклларда ёзилган вариантлари 𐰇, 𐰈, 𐰉, 𐰊, 𐰋, 𐰌, 𐰍 мавжуд;

Ўн саккизинчи суғдий алифбо тизимидаги ҳарф 𐰎 – *tsadde* (č, j) бўлиб, ҳарф ўзининг ўтмишдошларидан шаклан биров ўзгарган. 𐰎 ҳарфининг бу кўриниши сўз охири вариантларидан бири. Мустақил ҳолда ушбу ҳарф 𐰏, 𐰐, 𐰑, 𐰒 шаклларда ҳам учрайди. Сўз охирида тугалланиш ”дум” қисми тепага эмас, горизонтал ёки қиялама шаклда ҳам бўлиши мумкин. Сўз боши 𐰓 ва ўрта 𐰔 шаклларида ушбу ҳарф алиф ҳарфига ўхшаб кетади. Бу жиҳатлар ҳарфни талкин қилишда мураккабликлар келтириб чиқаради. Финикия ёзувида *цадде* – 𐤃 ҳарфи “ўроқ” маъносини англатиш учун ишлатилиб, бу орамийчада 𐤄 ўнг томондаги тўлқинсимон чизиқлари юқорига қараганлиги билан финикия вариантыдан фарқланади. Ҳарфнинг қадим шакли 𐰕 олдингиларидан биров фарқланади. Унда ҳам ҳарфнинг ўроқсимон шакли сақлаб қолинган ва ўнгги қаратилган гажжак мавжуд. Ҳарфнинг ўнгга қараган ва пастга уланган қисми думалоқ доира билан бир-бирига бириктирилган. Бу ҳарф суғдий ёзувдаги 𐰖 – *vaу* ҳарфидан юқори ўнг томондаги чизиғи билан фарқланади. Ҳарфлар қоришиб кетгандай бўлиб, баъзи ҳолатларда уларни фарқлаш қийин. Парфиёний ёзувда *tsadde* (č, j) учун махсус график шакл – ҳарф ажратилмаган;

Суғдий ёзувда **ўн тўққизинчи** ҳарф сифатида қайд этилган *қоф* суғдий ёзма ёдгорликларда фақатгина “Кўхна хатлар” да учраган ва бу ҳарф мазкур мактубда абжад ҳисоби бўйича “100” рақами маъносида ифодалаш учун ишлатилган¹. Лекин орамийча *қоф* дан ўзгача. Шакли *қоф* ҳарфини кўшалок 𐰗 қилиб ёзилгандек. Биринчи *қоф* катта, иккинчиси кичикроқ ва биринчининг ўнг томонига ёпиштириб чизилган ва “дум”и биринчининг қиялама пастга тортилган чизиги туташган. Суғдий тилда *қоф* га тўғри келадиган товуш бўлмаган. Демак, суғдийлар канъон ва орамий даврларидаёқ ишлаб чиқилган абжадни, яъни, рақамларга юкланган сон ҳисоби маъноларини ҳам билишган. Ҳозирда ҳам кўплаб сонларнинг шаклан ҳарфларга ўхшашини кузатиш мумкин. Масалан, “ноль” (0) сони “о” ёки орамийча *айн* (𐰘), суғдийча ҳарфига, “тўққиз” (9) сонининг суғдий 𐰖 – *vaу* ҳарфига ўхшашини каби ҳоллар учрайди. Ёзувнинг тарқалиши жараёнида унинг белги ёки сон кўринишидан ҳарф шаклига ўтиши жараёнида баъзи сонларнинг ҳарф шаклини олиши бошқа ёзув тизимларида ҳам кузатилади. Лекин суғдий ёзувнинг қадим шаклида *қоф* ҳарфи мавжуд эмас²;

𐰙 – *resh* (*resh*) ҳарфи суғдий алифбода **йигирманчи** ҳарф ҳисобланади. Суғдий ёзма манбаларда ҳарфнинг сўз боши (𐰚), ўрта (𐰛) ва охири ўринлардаги (𐰜) график кўринишлари мавжудлиги аниқланган. Нисо (Марв)дан топилган парфиёний ёзувда ҳам *resh* (*resh*) суғдий шаклдаги кўринишга яқин шаклда 𐰝 ёзилганлигини кузатиш мумкин. Баъзи ҳолатларда бўяб ёзилганлиги боис *resh* (*resh*) ҳарфи *аъинга* ва *далет* 𐰞 (*d*) ҳам ўхшаб кетади. Эслаб қолиш учун ҳарфнинг кирилча “у” ҳарфига ўхшашини таъкидлаш лозим. Ҳарфнинг мустақил шакллари 𐰟, 𐰠 билан бир қаторда юқори чизиғининг тўлқинсимон шаклдаги 𐰡, 𐰢 ва бошқа ҳарфларга уланган ҳолатдаги кўринишлари 𐰣, 𐰤 ҳам маълум. Ҳарфнинг қадим шаклида *resh* “дум”и тепага кўтарилган (𐰥) шаклда ҳам учрайди. Ҳарф орамий 𐤆 ва финикия ёзувидаги айни ҳарфдан 𐤇 шаклан биров фарқланади. Суғдийда айни ҳарф финикия ва орамий ёзувларида вариантыдан ҳарфнинг юқори чизиғи олиб ташланган ҳолда ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Суғдий алифбодаги **йигирма биринчи** ҳарф 𐰦 – *shīn* (*u*) ҳисобланади. П.Пеллиот томонидан топилган суғдий ёзувли Турфон ҳужжатларида ушбу ҳарфнинг ўрта 𐰧 ва якуний шакллари 𐰨 ҳам учрайди³. Ҳарфнинг қадим шакли 𐰩 курсив шаклидан биров фарқланиб, унда кўшимча ёйсимон чизиқ кўшилганлигини кўриш мумкин. Ҳарфнинг ушбу шакли “дабл ю” (*w*)га ўхшайди. Чунки *shīn* ҳарфи финикия (𐤈) ва орамий (𐤉) ёзувда ҳам “дабл ю” (*w*)га

¹ W.B. Henning. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. vol. 12. P. 601 – 615.

² Исҳоқов М., Ғойибов Б. Қадим ва илк ўрта асрларда туркий ва суғдий ёзув яратиш жараёнларининг муштарак тарихий асослари // O‘zbekiston tarixi, Тошкент, 2023, №1. Б.

³ Pandey A. Revised proposal to encode the Sogdian script in Unicode. P. 46. (Қаранг: <http://www.unicode.org/L2/L2016/16371r2-sogdian.pdf>).

ўхшаш кўринишда ёзилган. Финикия ва орабийчада ҳарфни ясаган чизиклар кескин (тўғри) бурилиб ҳарф ясалган бўлса, суғдий ёзувда чизик қирралари бироз юмшоқ қайтган. Ушбу ҳарф суғдий алифбода *gāin* (гимел)нинг айниқса сўз охири шаклига (**𐭪**) анчайин ўхшаш. Бироқ *shīn* ҳарфининг хат чизигидан пастга тушган синиқ қирраси *gāin* нинг шу унсуридан узунроқ чизилгани билан фарқланади. Парфиёний шаклида **𐭪** эса ҳарфга пастдан кўшимча чизик қўшилган ва финикия ва орабий шаклларига ўхшаб ёзилган;

𐭪 – *tau* (*t*) ҳарфи суғдий алифбодаги **йигирма иккинчи** ҳарф саналади. Бу ўринда *tau* нинг сўз охиридаги шаклларида бири, яъни, думи вертикал кўриниши берилган. Курсив хатда *tau* дум қисми горизонтал ёки пастга қиялама қилиб чизилган ҳам бўлади. Сўз боши **𐭪** шакли қиялама чизикқа ўнг томондан ёпиштириб чизилган тугунча кўринишида. Ўзидан кейинги ҳарф билан туташади. Сўз ўртасида ҳам асос шакл **𐭪** деярли ўзгармайди. Қадимийроқ шаклларда *tau* нинг чизик остидаги доираси тугалланмай ёйсимон ҳолда тўхтайдди, ҳарфнинг асосий чизигига туташмайди. Буни орабийча аجدод шаклдан қолдиқ деб ҳисобланиши мумкин¹. *tau* ҳарфи финикий ва орабий ёзувда **𐤏** шаклда учраб қуйидаги **𐤏**, **𐤏**, **𐤏** шаклларда ўзгариб шаклланган ҳамда **𐤏**, **𐤏**, **𐤏** кўринишда манбаларда акс этган;

Суғдий матнларда кам учрайдиган алифбонинг **йигирма учинчи** ҳарфи **𐭫** – *feth* [f] ҳисобланади. Ушбу ҳарф Муғ тоғи архивига мансуб ҳужжатларда ушбу ҳарф кўзга ташланмайди. Ҳарф асосан буддавий ҳужжатларда келтирилган². Ҳарфнинг ўрта **𐭫** ва сўзнинг якунидаги **𐭫** шакллари ҳам мавжуд. График жиҳатдан ушбу ҳарф суғдий **β** (**𐭫**) ҳарфига ўхшаш. Ҳарфларни уларнинг юқори қисмидаги тўлқинсимон қисми фарқлайди. **β** ҳарфида битта *f* ҳарфида иккита тўлқинсимон шакл акс этгани уларнинг асосий фарқи ҳисобланади. Финикия ва орабий алифбода *f* ҳарфи учрамайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар қуйидаги мулоҳаза ва хулосаларни олға суриш имконини беради:

– аввало, суғдий ёзув генезиси асосида орабий ҳарфий тизимининг график шаклларига энг яқин қадимий суғдий ёзув намуналари қатлами чегарасини аниқлаш лозим бўлади. Бу босқични мил авв. II-I асрларга оид юнон-бактрия пошолари тангаларига тақлид қилиб зарб қилинган илк суғдий тангаларда фойдаланилган ёзувда кўриш мумкин³;

– юқорида келтирилган ёзув динамикаси умумсуғд “миллий” ёзув мисолида кўрсатилгани эътибори билан масалага бир минг икки юз йил ичида кечган график тараққиётнинг ички хронологик чегараларига аниқлик киритиш учун янги графемологик тадқиқотлар зарурлигини таъкидламоқ лозим;

– расмий маҳкамачилик хат услуби, китобий ҳуснихат шакллари ҳамда индивидуал (хатти муллоий) турлар намуналари асосида суғдий котибият тарихига ва , умуман, суғдий ёзув маданиятига оид маълумотлар захирасини яратиш ва суғд хаттотлиги тарихи бўйича тадқиқот яратиш мақсадга мувофиқдир.

– Суғдий ёзувнинг қаттиқ материал (тош, метал, сопол, ёғоч ва б.)лар юзасида сақланган эпиграфик монументал ёдгорликлари график шаклларини алоҳида ўрганиш янги имкониятларни очади. Зеро, суғдий ёзув графикаси аввал бошданок қисқа лапидар даврдан кейин курсивлашув жараёнига кришиб кетган ҳолда, машҳур олим В.Б.Хеннинг таъбири билан айтганда, монументал мақсадларга у қадар мос келмагани эътиборга олиниши лозим. Бироқ айтиш мумкин, бу масалада олимнинг узил-кесил хулосасига танқидий қарш ҳам янги қирраларни очиши мумкин, деб қараш маъқулдир.

¹ Исҳоқов М., Ғойибов Б. Қадим ва илк ўрта асрларда туркий ва суғдий ёзув яратиш жараёнларининг муштарак тарихий асослари // *O‘zbekiston tarixi*, Тошкент, 2023, №1. Б.







² Pandey A. Revised proposal to encode the Sogdian script in Unicode. P. 48. (Қаранг: <http://www.unicode.org/L2/L2016/16371r2-sogdian.pdf>).юнон-бохтар подшолиги давритангаларига тақлид қилиб

³ Бу тоифа суғдий тангаларда юнон тилли сўзлар орфографик хатолар билан ёзилгани ҳолда, улар билан бирга суғдий ёзувлар ҳам пайдо бўлган. Бу ҳол Суғднинг Юнон-бактрия подшолиги тобеълигидан чиқиб мустақил сиёсий мадонга чиққанидан далолат деб баҳоланади.

“ФАРН-БАҒ” УНВОНЛИ ТУРК-СУҒД ТАНГАЛАРНИНГ ЯНГИЧА ҰҚИЛИШИ

Ғайбулла Бобоёров, т.ф.д., проф.



Кириш

Ўрта Осиёнинг исломдан олдинги турк-суғд тангалари орасида қайси сиёсий уюшмага тегишлилиги бугунгача тўлақонли аниқланмаган турлари учраб, улар орасида айниқса тангашунослар томонидан “Фарн-бағ тангалари” деб аталадиган тури айрича ажралиб туради. Кўлами 2-3,5 см, салмоғи 2-4 гр бўлган, олд юзасида тўғрига ёки сал ёнга қараган бошқарувчи тасвири, тескари юзасида эса  (турлари: , , , ,  ва б.) кўринишидаги тамға ва унинг ёнида суғдий ёзувда *prn βγυ* ... “Илоҳий Фарн (кут) ...” сўзлари ўрин олган ушбу тангаларнинг қачон, қаерда, ким томонидан бостирилгани бўйича бир тўхтамга келинмаган. Шунингдек, ушбу тангалар ёзувининг ўқилиши юзасидан изланувчилар томонидан ўртага ташланган қарашлар орасида бирдамлик йўқ.

Бундан 50 йилча олдин таниқли тангашунос О.И. Смирнова томонидан *prn βγυ* ... деб ўқилиб, “Ўрта Осиёнинг “Фарн-бағ” унволи тангалари” деб атала бошлаган бўлса-да, бу турдаги тангаларнинг бостирилган ери Фарғона, Суғд ёки Чоч экани тўғрисидаги тортишувлар бугунгача сақланиб қолди. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бундай тангаларнинг бир нечтасигина Фарғона водийсидаги эски шаҳар қолдиқларидан топилган бўлса, сезиларли бир қисми Панжикент ва Қанқа (Тошкент вилояти)да аниқланган. Кейинги йилларда эса бу туркумдаги тангалар кўпроқ Жиззах ва Самарқанд вилоятлари орасидаги эски шаҳар қолдиқларидан топилмоқда.

Кейинги йилларда бундай тангаларнинг яна кўплаб нусхалари топилиши улардаги суғдий ёзувларнинг тўлиқ ўқиб чиқилишида қўл келди.

1. Археологик қазилмаларда аниқланган “Фарн-бағ” тангалари






О.И. Смирнова 1981 йилда чоп этилган “Каталог”да “Фарн-бағ” атамаси билан чиқарилган тангаларнинг бостирилган ери тўлақонли аниқланмаганини ёзиш билан бирга, бу турдаги Фарғона тангалари бўйича бирмунча фарқли қарашни илгари сурган эди [Смирнова 1981: 25]. Унга кўра, “Фарн-бағ” тангалари туркуми бир неча турларга бўлинади. Айрим тангаларда, ўрناق учун Самарқанд ўлкашунослик музейида сақланадиган (Н-10185) “башлиқ кўринишида”ги қалпоқ кийган бошқарувчи тасвирли тангада Панжикент тамғаси  /  (“Каталог”да 124- белги) учраб, шу томони билан Панжикент тангаси бошқаларидан бирмунча ажралиб туради. О.И. Смирнованинг ёзишича, ушбу танга 1968 йилда Афросиёб (Самарқанд) ёдгорлигидан Суғд хукмдори Шишпир (VII юзйилликнинг иккинчи чораги) тангаси билан битта қатламдан топилган. “Фарн-бағ” тангаларининг бу турида хукмдор бошининг икки ёнида 2 та хоч белгиси учраб, кўпчилик изланувчилар бунга тўғридан-тўғри Византия тангалари таъсири деб қарайдилар [Ртвеладзе, Ташходжаев, 1973: 232-234]. “Каталог”да 1477 рақами остида берилган бошқа бир танга турида эса бундай белги тамға ичида берилгани кўзга ташланади [Смирнова 1981: 25, 528].











Э.В. Ртвеладзе, О.И. Смирнова ва Л.С. Баратовалар ушбу тангаларни “турк-суғд тангалари туркуми”га киритишган. Бироқ О.И. Смирновадан кейин бу турдаги тангаларга қисқача тўхталиб ўтган айрим тангашунослар уларнинг қачон, қаерда ва ким томонидан бостирилгани ёки танга ёзувининг ўқилиши юзасидан янгича қарашлар билдиришмаган. Айниқса, Ўрта Осиё тангалари бўйича кўплаб мақола чоп қилган Э.В. Ртвеладзе айрим ўринлардагина бундай тангаларга тўхталган.

О. И. Смирнова тангаларда “Фарн-бағ” сўзидан кейин яна битта сўз – учинчи сўз борлигини ёзиб, бу ёзувни тўлақонли ўқиш қийинлигига урғу беради. Унинг ёзишича, бу сўз *δ'r* ёки *N'R* деб ўқиладиган бўлса, унда бу сўзни тўлиғича *prn / βγυ / δ'r* ёки *prn / βγυ / N'R* сўзлари “Фарн-бағ (олови) кўриқчиси” деб очикласа бўлади. Бошқа томондан эса “Каталог”да 1477, 1479 рақамлари билан берилган тангаларга таяниб, бу сўз сўроқ белгиси остида *prn / βγυ / k̄s̄u* деб ўқилса, ундан бирор англам – маъно чиқариш қийин бўлади [Смирнова 1981: 25]. Изланувчига кўра, бу очикламалар – Фарн-бағ (олови) кўриқчиси”

деган сўздан келиб чиқиб, бундай тангаларни бирор топиноқ – ибодатхона билан боғлаш, ўз ўрнида ушбу тангалар бирор шаҳар инончига тегишли деб қараш мумкин. Қисқаси, О. И. Смирнова “Фарн-бағ” тангаларида бундай сўзларнинг ўрин олиши бирор бир шаҳарнинг муқаддас ҳомийси – кўриқчиси саналган илоҳ номидан бостириб чиқарилган, деб қарашга ундашини илгари суради. Унга кўра, “Фарн-бағ” атамаси билан бостирилган бу туркумдаги тангаларнинг турличалиги ўша чоғларда Ўрта Осиёда олов топинчи (культ)нинг кенг ёйилганини ва бундай тангалар зардуштийлик тарқалган турли ўлкаларда бостирилганини кўрсатади. Изланувчининг урғу беришича, Ўрта Осиё чегараларидан ташқаридаги зардуштийлик инончида муқаддас оловни кўриқловчи тўртта қоҳиндан бири “Фарн-бағ” деб аталган бўлиб, тангаларда бу атаманинг учраши Ўрта Осиёда ҳам бу инончининг кенг тарқалганини кўрсатади [Смирнова 1981: 25].

2. “Фарн-бағ” унвонли тангаларнинг ёзув бичими




Юқорида айтиб ўтилганидек, бу туркумадаги тангалардаги ёзувларни илк бор синчиклаб ўрганган О.И. Смирнова  кўринишдаги тамғанинг ўнг томонидаги сўзни *prn* “фарн” (қут), тамға остидаги ёзуви *βyu* “бағ” (илоҳий) деб ўқиган, тамғанинг сўл томонидаги сўзни эса сўроқ остида *δ'r / N'R* “нар” (олов) очиклаган эди. Унинг бу очикламаси кўпчилик томонидан тўғри деб қаралиб, тангашуносликда ушбу тангалар туркумини “Фарн-бағ тангалари” деб аташ кенг ёйилган эди. Бизнинг деярли 15 йиллик изланишларимиз сўнггида бу турдаги тангалардан 50 га яқин яхши сақланган нусхалари билан танишиб чиқишга эришилди. Улар орасида яхши сақланганларининг ёзувини ўзаро солиштириб, тамғанинг сўл томонидаги ёзувнинг чизмасини олишга интилганимизда анча қийинчиликларга дуч келинди. Биринчидан, тангадаги 1-2 сўзлар анча яхши сақланган бўлса-да, учинчи сўзни етарлича тиклаб ўқиш анча қийин бўлди. Деярли барча тангада кўпроқ шу учинчи сўз ёмирилган, ё бўлмаса, ҳарф белгиларининг бир бўлагигина бирмунча яхши сақланган бўлиб чиқар эди. Шунинг учун А. Кубатин билан биргаликда чоп қилинган бир неча мақоламизда бу ёзувни сўроқ белгиси остида *x'y'n* “хоқон” деб ўқиган эдик. Бундай ўқиш учун айрим тангаларда ярми ўчган ҳарф белгиларининг кўриниши бир қарашда “х” ёки “алиф” (‘)ни эслатишига таянган бўлсак, бошқа томондан эса бу туркум тангалардаги тамғалар Фарбий Турк хоқонлигига тегишли “хоқон”, “жабғу”, “жабғу-хоқон” унвонли тангалардаги тамға билан яқин ўхшашликка эгаллиги туртки бўлганди:  - , , . Бир томондан чиндан ҳам ушбу тамғалар ташқи кўринишидан бир-бирига ўта яқин бўлиши, иккинчи томондан эса бу турдаги тангаларда ўрин олган ҳукмдор тасвирининг юз тузилишидаги ўхшашлик уларни Фарбий Турк хоқонлиги тангалари билан боғлашга ундаган эди.

Яқин кунларда бундай тангалардан яна бир нечтасининг аниқланиши ва улардаги ёзувларнинг яхши сақланиб қолгани бизни бу ёзувларни қайтадан кўриб чиқишга ундади. Айниқса, бир неча тангада тамғанинг сўл томонидаги ёзув тўлақонли сақланиб қолган бўлиб, бу эса шу чокқача билдириб келинган ўқишларни ўзгартириб юборди. Қуйидаги II расм, 8-сонли тангада сўз боши *p* (пе)  бир қарашда *β* (бета), *k* (каф) ёки *y* (йот)ни эслатса-да, ундан кейинги сўз ўртасидаги ҳарф белгиси  - *n* (нун), сўнгги учинчи ҳарф белгиси  эса *y* (йот) экани аниқ кўриниб турибди. Бу ва бошқа тангалардаги ҳарф белгиларини ўзаро солиштирилганда ушбу сўзнинг суғдийча  *pru* “танга, пул” эканлиги тўлақонли ўз тасдиғини топди. Айниқса, қуйидаги II расм, 1-сонли тангада сўз боши ва ўртасидаги ҳарф белгиларининг  *pn..*,  (*p*)*n..* кўринишларида учраши бу ўқишимизни қўллаб-қувватлайди. Тўғри, айрим танга турларида учинчи сўз чизмаси олинганда бирмунча бошқа сўзлар бордек кўринади, бироқ синчиклаб қаралганда уларнинг ҳам *pru* сўзининг бирмунча ўзгачароқ ёзилганини сезиш қийин бўлмайди: , , ,  (қар. II расм, 3, 6, 9-11 тангалар). Улар бир қарашда О.И. Смирнова ўқиганидек, *δ'r / N'R* ёки ўзимиз томонимиздан илгари сурилган *x'y'n* “хоқон” сўзларига ўхшаб кетади, бироқ қуйидаги

расмдаги тангаларда бу сўз  кўринишларида учраши, уни шу йўсинда ўқиш тўғри эканини кўрсатди (қар. I расм. 1-3 тангалар; V расм).



Расм I. Яқинда топилган ва “Фарн-бағ тангаси” ёзуви аниқ кўриниб турган тангалар

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, айрим тангаларда  каби кўринишлардаги ёзувлар учраб (II расм, 6, 11- тангалар), уларнинг биринчи ҳарф белгиси сўз боши *k* (каф)ни, учинчиси эса сўз сўнгидагиси эса *y* (йот)ни эмас, кўпроқ *β* (бет) эслатса-да, бироқ синчиклаб қаралганда, улар ҳам *pnu* сўзининг бирмунча фарқли ёзилиши экани кўзга ташланади. Буни исломдан олдинги суғдий ёзувли бошқа танга турларида ҳам *pnu* сўзи шунга ўхшаш ёзилишига таяниб айта оламиз. Ўрнак учун, *pnu 'krt twrk x'y'n* “Турк-хоқон (томонидан) қилинган (ясалган) танга” () сўзлари учрайдиган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида *pnu* сўзи  кўринишида ёзилгани ҳам кўрсатиб турибди [Бабаяров 2003: 59-60].








Қисқаси, бугунга келиб бу туркум тангалардаги ёзув *prn βyu pny* “Илоҳий қут (эгасининг) тангаси” ўлароқ тўлиқ тикланиб ўқилди. Ундаги ҳукмдор тасвири ва тамға эски туркларга хос бўлиб, Турк хоқонлари ёки хоқонликка тегишли бирор бошқарувчи сулола номидан бостириб чиқарилгани тўғрисидаги қарашларни кучайтиради. О.И. Смирнова томонидан айтилган “Фарн-бағ” тангаси бирор топиноқ (ибодатхона) ёки шаҳар ҳомийси саналган бирон бир зардуштийлик илоҳи билан боғлиқ эмас.
























II расм. “Фарн-бағ” унвонли тангаларнинг айримларидан олинган ёзув чизмалари

3. “Фарн-бағ” тангаларидаги тамғалар

Юқорида ҳам қисқача тўхталиб ўтилганидек, бу туркумдаги тангаларда  тамға учраб, улар танга турларига қараб бир-биридан ажралиб турадиган тамғаларга эга: , , , , ,  ва б.. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, “Фарн-бағ” тангаларининг ўнлаб турлари бўлиб, улар ҳукмдор тасвиридаги бирмунча ўзига хосликлар: ўнг ёки сўл томонга қараган киши тасвири, кўзи бодом кўринишида, қисқроқ ёки анча қисик, бошидаги қалпоқ кулоҳга ўхшаган ёки елкагача тушиб турган соч турмаги, соқолсиз думалоқ юз ва бошқа ўзгачаликлари билан ажралиб туради. Тамғаларда эса уст томонидан ўнг ёки сўл томондан битта кўшимча белги қўшилган бўлиб, айрим турларидагина тамға остида хоч белгиси учрайди (қар. 2-3, 6-7 расмлар). Шунга қарамай деярли барча турларида тамғанинг илк кўриниши сақланиб қолгани ушбу тангаларни бир туркумга киритишга ва уларнинг барчасини битта бошқарувчи сулолага тегишли деб қарашга ундайди.


“Фарн-бағ” тангаларидаги  кўринишидаги тамғалар юқорида келтириб ўтилган , ,  кўринишларидаги Чочда бостирилган Фарбий Турк хоқонлиги тангаларидаги тамғалар билан яқин ўхшашликка эга. Бу эса ушбу тангалар ўртасида қандайдир боғлиқлик бўлса керак, деган қарашга туртки беради. Қизиғи шундаки, Ашина сулоласининг Фарғона тармоғига тегишли суғдий ва эски турк-рун ёзувли “хоқон” унвонли тангаларида учрайдиган  кўринишидаги тамға билан “Фарн-бағ” тангаларидаги тамғалар орасида яқин ўхшашлик борлиги кўзга ташланади. Шунингдек, Фарғона Ашина сулоласининг кейинги босқич тангаларида ҳам ,  () / кўринишида тамғалар учраб, улар орасида ҳам боғлиқлик борлигини пайқаш қийин эмас [Бобоёров 2020: 25, 29].

Бундан ташқари, ушбу тамғаларнинг турк-суғд қоришуви Панч ҳукмдорлиги тангаларидаги  /  ва Тўхористоннинг туркий сулолалари тангаларидаги ,  / , / кўринишли тамғалари билан ялпи ўхшашликлари бор. Бошқа томондан эса *trδw MLK'* “ҳукмдор Тарду” унвонли, қаерда бостирилгани етарлича аниқланмаган Фарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиси Тарду хоқон (576-603) тангаси деб қараладиган танга турларидаги тамғалар билан “Фарн-бағ” тангаларидаги тамғаларнинг айрим томонлари яқин ўхшашликка эга:  -  [Babayarov 2019: 12-13].

Бундан келиб чиқадики, “Фарн-бағ” тангаларидаги тамғалар билан Фарбий Турк хоқонлигига тўғридан-тўғри боғлиқ Чоч ва Фарғона тангаларида, бошқарувчилари хоқонликнинг Ашина сулоласи билан қандайдир боғлиқликка эга Панч тангаларида, шунингдек, Тўхористондаги хоқонликнинг бошқарувчи тармоқлари – Тўхористон ябғулари ва бошқа туркий сулолалар тангаларида ўрин олган тамғалар орасида ялпи ўхшашлик борлиги ушбу сулолалар ўртасида сиёсий ва этник томондан яқинлик бўлганини кўрсатади.

4. Тангаларнинг иконографик ўзига хосликлари

“Фарн-бағ” тангаларида бирорта туркий сўз ёки атама учрамаса-да, О.И. Смирнова ушбу тангалардаги тасвирлардан келиб чиқиб, уларни айрим ўринларда “эски турк тангалари”, айрим ўринларда эса ёки “турк-суғд тангалари” туркумига киритган эди. Ундан биров кейин изланишлар олиб борган Э.В. Ртвеладзе ҳам бу турдаги тангаларга “турк-суғд тангалари” деб туркумига киритган. Бошқа бир тангашунос Л.С. Баратова эса “Фарн-бағ” тангаларидаги киши тасвирларининг бошқа эски турк тангаларидаги тасвирлар билан ялпи ўхшашликка – бодом кўринишидаги ёки бирмунча қисик кўзли, соқолсиз, думалоқ юзли, узун сочли эканига қараб, уларни “эски турк тангалари” туркумига қўшган эди [Баратова 1995; Baratova 1999: 219-292]. Бизнинг сўнгги йилларда олиб борган изланишларимизда йиғилган исломдан олдинги суғдий ёзувли эски турк тангаларидаги, айниқса, Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли бўлган тангалардаги киши тасвирларини “Фарн-бағ” тангалари билан солиштирганимизда улар орасида ўта яқинлик борлиги кўзга ташланди. Ўрнак учун юқорида келтириб ўтилган *trδw MLK* “хукмдор Тарду” унвонли тангалар билан ушбу тангаларнинг ҳам чизимида, ҳам тамғасида бир-бирига уйғунликни кўрамиз (қар. III расм. 1-4 тангалар). Қизиғи, шундаки, Ғарбий Турк хоқонлигининг илк бошқарувчиси бўлган Тарду хоқонга тегишли деб қараладиган тангалар билан деярли бир вақтда бостирилган Ғарбий хоқонликнинг илк тангалари бўлмиш Византия тангаларига тақлид тангаларида ҳам шунга ўхшаш томонлар кузатилади (қар. III расм. 1-6 тангалар).

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, кўпчилик тангашунослар “Фарн-бағ” тангаларидаги тасвирларга таяниб, уларда Византия тангалари таъсири борлигига урғу берган эдилар [Ртвеладзе, Ташходжаев 1973: 232-234]. Бизнинг изланишларимизда эса олд юзасида Византия императорлари тасвирининг яқин ўхшаши, тескари юзасида  кўринишидаги “хоқонлик тамғаси” ўрин олган тангалар билан “Фарн-бағ” тангалари орасида шундай яқинлик борлиги илгари сурилган эди.



III расм. “Фарн-бағ” унвонли тангалар (1-2) ва “Тарду-хоқон” (3-4) унвонли ва ёзувсиз (5-6) Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари орасидаги ўхшашликлар

Турк хоқонлигининг, тўғрироғи, Ғарбий Турк хоқонлигининг илк босқич тангалари сирасига кирувчи ушбу учала турдаги тангаларда 3 та ўхшашлик борлигини айта оламиз: 1) бу босқич тангаларида хукмдорнинг туркий унвони деярли учрамайди (ўрн. “Фарн / қут (эгаси) тангаси”); 2) тасвирларда яқин ўхшашлик кўзга ташланади; 3) айрим тангаларда хоқонлик тамғасининг ёлғиз ўзи учрайди ва Византия анъаналари бирмунча яхши сақланган бўлади [Babayarov, Kubatin 2013: 47-68].

Ушбу тангалардан бирмунча кейинги босқичларга тегишли Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида эса эски туркларни эслатувчи кўрсаткичлар етакчилик қилади. Ўрнак учун, “жабғу”, “Турк-хоқон”, “Тун жабғу-хоқон”, “Тўн (тунғич) хоқон” атамалари билан бостирилган тангалардаги киши тасвирларида “миллий белгилар” (соч турмаги, ой-юлдуз тасвири, туркий унвонлар ва б.) етакчилик қилади (қар. IV расм. 1-7 тангалар; V расм).



IV расм. “Фарн-бағ” унвонли тангалар (1-4) ҳамда “жабғу” (5), “Тун жабғу-хоқон” (6) ва “Тўн хоқон” (7) унвонли Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари тасвирларидаги ўхшашликлар

5. “Фарн” ва “бағи” сўзлари бирга учрайдиган Ўрта Осиё тангалари

Исломдан олдинги суғдий тилли Ўрта Осиё тангаларининг кўпчилигида *prn* “фарн (қут)” сўзи учраса-да, *prn βуу* “илоҳий фарн (қут)” сўз бирикмаси минтақа тангаларининг бир неча туркумларидагина ўрин олган. О. И. Смирнова аниқлаган ва ўз изланишларимиз сўнгида ўқиб чиқилган “Фарн-бағ” сўзи учрайдиган тангаларни қуйидагича келтириб ўтамиз:

1) Икки ўрқачли туя тасвирли Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари


Олд юзасида ўннга йўналган икки ўрқачли туя тасвири, тескари юзасида эса ромб кўринишидаги тамға ва унинг теварагида айланасига ёзилган суғдийча *prn βуу* “Илоҳий фарн (қут)” сўзлари ўрин олган тангалар.

Ўз “Катаологи”да О.И. Смирнова бу танга турида иккита сўзни аниқлаган, бироқ учинчи сўзни очик қолдирган эди [Смирнова 1981: 29]. Бизнинг кўп йиллик изланишларимиз сўнгида бу танга туридаги ёзув *prn βуу х’у’н* “Илоҳий фарн (қут эгаси) хоқон” ўларок ўқилди [Бабаяров 2007: 20-21].



2) Ўртаси тўртбурчак тешикли Суғд тангалари

Хитой тангаларидаги каби ўртаси тўртбурчак тешикли ушбу танга турининг олд юзасида исломдан олдинги Самарқанд тангаларида учрайдиган тамға ва унинг теграсида суғдий ёзувда *prn βуу* “Илоҳий фарн (қут)” сўзлари ўрин олган. Танганинг тескари юзасида айланасига ёзилган суғдий бугунгача тўлақонли ўқилмаган [Смирнова 1981: 229-230].



3) От тасвирли Нахшаб тангалари

Олд юзасида сўлга юзланган от тасвири ва унинг теварагида суғдий ёзувда *prn βуу хwβ* “Илоҳий фарн (эгаси) ҳукмдор” сўзлари ўрин олган, тескари юзаси эса бирор ёзув ёки белги учрамайдиган тангалар.



1

4) Ҳукмдор боши тасвирли Еттисув тангалари

Олд юзасида бироз сўлга қараган ҳукмдор боши ва унинг ўнг томонида *prn* “фарн (қут)” ва *βуу* “илоҳий” сўзлари, орқа томонида эса олд ва уст томони илмоқли “х” ҳарф белгисини эслатувчи тамға ўрин олган тангалар [[http: zeno.ru](http://zeno.ru) - Pre-Islamic Central Asia, Semirech'e - 300986].



1

Ушбу тангалардан бошқа Ўрта Осиё тангаларининг яна бир неча турида бу сўз бордек кўринади, бироқ ёзув яхши сақланган нусхаларини топиш бирмунча қийинлигидан уларни бу ерда келтириб ўтмадик. Ўртак учун, олд юзасида барс (қоплон) ёки арслон тасвири ўрин олган Чоч тангаларининг айрим турларида бу сўзнинг излари кўринади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, исломдан олдинги Ўрта Осиё тангаларининг кўпчилигида суғдийча *prn* “фарн” (қут) ёки *βуу* “бағи” (илоҳий) сўзлари айри-айри ҳолда кўп учрайди. Айниқса, Чочда бостирилган Фарбий Турк хоқонлиги тангаларида *prn x'γ'n* “Фарн (қут эгаси) хоқон”, *βуу x'γ'n* “Илоҳий хоқон”, *prn βуу x'γ'n* “Илоҳий хоқон тангаси”, *prn twrk x'γ'n* “Фарн (қут эгаси) Турк-хоқон”, *βуу twrk x'γ'n* “Илоҳий Турк жабғу-хоқон” сўзлари учраши бунинг ёрқин ўрнакларидир [Бабаяров 2007: 20-22; Babayarov, Kubatin 2013: 47-58]. Шунингдек, ҳар иккала сўзнинг айри-айри ҳолда Тўхористон босма ёзувли (контрамарк) суғдий ёзувли туркий тангаларида, Суғднинг бир неча танга турларида, Еттисувнинг Тургаш хоқонлиги ва бир неча ерли сулолаларига тегишли тангаларида учратамиз [Баратова, Лившиц 2002: 21-23; Бабаяров, Кубатин 2009: 80-81].

Тўхтам

“Фарн-бағ” тангалари деб юритилиб келаётган тангалар юзасидан қуйидагича тўхтамларга келинди:

- биринчидан, юзлаб нусхалар ўзаро солиштирилганда ушбу тангалардаги суғдий ёзув узил-кесил *prn βуу prn* “Илоҳий фарн / қут (эгаси) тангаси” деб ўқилди. Бу эса бир вақтлар О.И. Смирнова томонидан сўроқ белгиси остида билдирилган *prn βуу δ'r / N'R* “Фарн-бағ (олови)” очикламанинг янглиш эканини кўрсатди. Шунингдек, бу тангаларни бирор шаҳар ҳомийси саналган зардуштийлик инончи билан боғлиқ илоҳ билан боғлаш ва уни зардуштийлик топиноғи (ибодатхонаси) томонидан бостирилган деб қараш ўз тасдиғини топмади. Бундан ташқари, бундан бир неча йил олдин бизнинг томонимиздан илгари сурилган *prn βуу x'γ'n* (?) “Илоҳий қут (эгаси) хоқон” (?) деб ўқиш ҳам янглиш экани ойдинлашди. Бу эса ушбу тангаларни тўғридан-тўғри турк хоқонлари томонидан Чочда ёки хоқонликнинг бир тармоғи бўлмиш Фарғона Ашина сулоласи бошқарувчилари томонидан Фарғонада бостирилган деган қарашлар етарли асосга эмаслигини кўрсатди;

- бу турдаги тангаларни Чоч ёки Фарғонада бостирилган деб қараш етарлича ўзини оқламади. Улар кўпроқ Самарқанд ва Жиззах вилоятлари туташган, эски шаҳар қолдиқлари (кўпроқ Мингтепа ёдгорлиги / Булунғур теграси)дан топилмоқда. Бу эса уларни ушбу ҳудудда бостирилган деб қарашга туртки бўлади. Шу билан бирга, бундай тангалар Тошкент вилоятидаги Қанқа-тепадан ҳам кўплаб топилиб туриши, Фарғона водийсида ҳам айрим нусхалари аниқлангани уларнинг Ўрта Осиёда бирмунча кенг қўлланилган тангалар экани кўрсатади;

- ушбу тангаларни айрим томонларидан келиб чиқиб “эски турк тангалари” туркумига киритиш ва уларни Турк хоқонлиги тангалари сирасига яқин тангалар деб аташ тўғрироқ бўлади. Бу ушбу тангаларда хоқонлик ва у билан боғлиқ туркий сулолалар тангаларида ўрин олган тамгалар билан деярли бир экани, киши тасвирларидаги ялпи ўхшашликда кўпроқ кўзга ташланади.

Шу билан бирга, ушбу тангаларнинг қайси сулолага тегишлилиги ва қайси тарихий ўлкада қачон бостириб чиқарилгани масаласи келгусида янада аниқлаштирилиши керак бўлган масалалардан биридир.

Қўлланилган адабиётлар

Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). – Ташкент, 2007.

Бабаяров Г. Монеты Чача с согдийской легендой, содержащей титул «Тюрк-каган» // Согдийский сборник. Вып. 11. Новейшие исследование по истории и истории культуры Согда. LAP - Lambert publishing, 2023. – С. 57-74.

Бабаяров Г., Кубатин А. Роль согдийского языка в Западно-Тюркском каганате // *Endangered languages and History. Foundation for Endangered Languages in collaboration with the Academy of sciences of Tajikistan. Proceedings of the 13. FEL Conf. 24-26 Sept. Tajikistan, Horog, 2009.* – Edit. H. Nazarov, N. Ostler. – С. 80-83.

Бабаяров Г., Кубатин А. Очерки по истории и нумизматике Западно-Тюркского каганата (Часть I). – Saarbrücken: LAP Lambert Academic Publishing, 2014.

Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI-X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: ИВАНРУз 1995.

Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских надчеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // *Культурное наследие Средней Азии.* – Ташкент, 2002. – С. 21 – 26.

Бобоёрв Ф. VII–VIII асрларда Фарғонадаги бошқарувчи сулолаларнинг этник келиб чиқиши ҳақида // *Ўзбекистон Археологияси*, 2020, № 3 (22). – Б. 20-44.

Ртвеладзе Э. В., Ташходжаев Ш. С. Об одной тюрко-согдийской монете с христианским символом // «Византийский временник», т. 35, 1973. – С. 232-234.

Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., Наука, 1981.

Babayarov G. Coins of the Western Turkic Qaghanate with a title “Tardu-Qaghan” // *Turkic Studies Journal*, Number 1, Volume 1, 2019. – P. 12-24.

Babayarov G., Kubatin A. Byzantine impact on the iconography of Western Turkic coinage // *Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hung.* Volume 66 (1). Budapest, 2013. – P. 47–58.

Baratova L. Alttürkische Münzen Mittelasiens aus dem 6.-10. Jh. N. Chr. Typologie, Ikonographie, historische Interpretation // *Archalogische Mitteilungen aus Iran und Turan.* Band 31. – Berlin, 1999. – S. 219–292.

[http: zeno.ru](http://zeno.ru) - Pre-Islamic Central Asia



1



2



3



4



5



6



7



8



9



10



11



12



13



14





15



16



17



18



19



20



21



22



23



24



25



26

V расм. “Фарн-бағ” унвонли тангалардан айрим ўрнаклар

ИБН АЛ-АСИР ВА УНИНГ “АЛ-КОМИЛ ФИ-Т-ТАРИХ” АСАРИ ҲАҚИДА

З.М.Қодиров, ТДШУ Туркий халқлар тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Халифалик ва мусулмон давлатларнинг тарихига бағишланган муҳим манбалардан бири бу Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдулвоҳид аш-Шайбоний, яъни Иззадин Ибн ал-Асир ал-Жазарий номи билан машҳур бўлган муаррихнинг “ал-Комил фи-т-тарих” (Комил тарих, Тарихи комил) номли асаридир. Иззадин Ибн ал-Асир ал-Жазарий 13 май 1160 йили (жумод ул-увла ойининг тўртинчи куни, 555 йили) Дажла ва Фурот дарёларининг юқори қисмида жойлашган Жазират Ибн Умар деган мавзеда дунёга келган¹. Ибн ал-Асирнинг отаси Абулкарим Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абдалвоҳид аш-Шайбоний Мосулдаги Зангийлар давлатининг юқори мартабалик амалдори бўлиб, раис уд-девоун унвонида Мосул вазирининг Жазират Ибн Умардаги волийси эди. Давлат хизматидан ташқари буюк муаррихнинг отаси бой тижоратчи ҳамда Жазират ва Мосулнинг жанубида жойлашган Қаср ал-Ҳарбдаги катта ер ва мулкларга эга эди. Абулкарим Муҳаммаднинг учта ўғли бўлгани маълум. Улар ислом оламида буюк ва машҳур олимлар сифатида донг таратган. Улардан Иззадин Ибн ал-Асир ўртанча ўғил сифатида тарих илмида, катта акаси Абусаодат ал-Муборак ибн Муҳаммад ал-Жазарий – Мажаддин (544-606/1149-1210) муфассир, фоқиҳ, муҳаддис ва араб тилининг сарфу наҳви бўйича, укалари эса Абулфатҳ Нусуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Жазарий – Зиёвуддин (558-637/1163-1239) адиб ва филолог сифатида шуҳрат топган². Зиёвуддин ал-Жазарий Дамашқнинг ҳукмдори Али ибн Носир ал-Афзал саройида вазир бўлиб хизмат қилгани ҳам маълум³.

Ибн ал-Асир оиласи билан Мосулга кўчиб келиб, бошланғич билимлар ва ҳадисларни Мосулнинг хатиби Абулфазл Абдуллоҳ ибн Аҳмад Тусий ҳузурида ўрганади. 21 ёшга тўлганда Ибн ал-Асир ҳажга бориб қайтганда Бағдод шаҳрида ҳадис илмини ўрганиб Мосулга қайтади. Мосул ҳукмдорининг махсус элчиси сифатида у бир неча маротаба Бағдодда бўлган ва шу сафарлари давомида Абулқосим Йаъшо ибн Садақа, Абу Аҳмад Абдулваҳҳоб ибн Али ас-Суфи ҳузурларида фикҳни ўрганган⁴. Сурияда эса у Зайн ал-Усмон дарсларига қатнашгани маълум⁵. Илм олиш ниятида Ибн ал-Асир Ироқ, Сурия Фаластин ва Ҳижоз шаҳарлари бўйлаб кўп сафар қилган⁶. 581/1185-86 йили у Мосулда бўлган вақтида султон Салоҳиддин иккинчи марта бу шаҳарга юриш қилади, 584/1188-89 йили тарихчи 28 ёшида мазкур султон раҳбарлигида Сурия ва Фаластиндаги насронийлар билан хочдорларга қарши урушларда қатнашган⁷. 590/1193-94 йили Ибн ал-Асир Дамашқда эди⁸.

Мосулга қайтгач Ибн ал-Асир ҳадислар ривояти билан шуғулланиб, адабиётларни ўрганиб, илмий асарлар ёзиш билан машғул бўлади. У бир муддат Мосул отабекларининг саройида вазир вазифасида ҳам фаолият кўрсатиб, Мосул отабекларининг муҳим топшириқларини бажариб, Бағдоддаги давлат арбоблари ва амалдорлари билан учрашган. Умрининг охирида Ибн ал-Асир бир муддат Ҳалабда шаҳар ҳокими Шихобиддин Тўғрул ал-Ходим Отабек Малик ат-Тавоший саройида фахрий меҳмон сифатида яшаб ижод қилади.

¹ Ибн Халликон. Вафайат ал-а'йан ва анба' абна' аз-заман. Джилд 3. – Байрут: Дор Содир. – С. 349.

² Қаранг: Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введения и указатели Ш.С. Камалиддинова. – Ташкент: Узбекистан, 2006. – С. 9. Ибн Асир таржимаи ҳолига оид маълумотлар асосан шу нашрдаги кириш қисмидан олинди. Кириш муаллифи Ш. Камалиддин – З.Қ.

³ Муфассал қаранг: Ibn al-Athir. / The Encyclopedia of Islam. New edition. I-VI volumes. Leiden: E.J. Brill. 1960-1986. Vol. III. – P. 724.

⁴ Richard D.S. Ibn al- Athir and the Later Parts of the Kamil: A study of Aims and Methods / Medieval Historical Writing in the Christian and the Islamic World. – London. 1982. – P. 76-77.

⁵ Ibn al-Athir. / Islam Enciklopedisi. – Istanbul, jild 5. – S. 852.

⁶ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. – С. 8.

⁷ Brockelman C. Geschichte der Arabischen Literature. I SB. – Leiden, 1937. – S. 587-588.

⁸ Richard D.S. Ibn al-Athir and the Later Parts of the Kamil. – P. 77.

Шу айёмда Ибн ал-Асир билан буюк тарихчи Ибн Холликон (681/1282-83 вафот этган) учрашгани маълум. Бу вақтда Ибн Холликон 18 ёшда бўлган ва у Ибн ал-Асирнинг комил муаррих ва илоҳиётшунос эканини таъкидлаган¹. 627/1229-30 Ибн ал-Асир аввал Дамашққа, бир йилдан кейин эса Ҳалаб, сўнгра Мосулга келади. Ҳалабда бўлганида у билан машхур араб географи ва филологи Ёкут ал-Ҳамавий (ваф. 626/1228-29) учрашган. Ёкут ал-Ҳамавий ал-Асирдан вафотидан кейин кутубхонаси ва қўлёзмаларини Бағдодга қўчиришини илтимос қилган. Ёкутнинг васиятини Ибн ал-Асир номаълум сабабларга кўра бажара олмаган ва 25 шаъбон 630/6 июн 1234 йили 75 ёшида вафот этади².

Ибн ал-Асир муҳаддис ҳамда арабларнинг насабларини мукамал билган олим сифатида шуҳрат қазонган бўлса ҳам уни илм оламида машхур қилган илмий мероси орасида “ал-Комил фи-т-тарих” асари алоҳида ўрин тутади. Бу асардан ташқари Ибн ал-Асир “Тарих Атобака ал-Мосул” (Мосул отабекларининг тарихи) ёки “тарих ад-давлат ал-атабакийя” (Отабеклар давлати тарихи) номли асар ҳам ёзган. Мазкур асарнинг бир нечта қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган ва Мисрда ҳам чоп этилган³ ҳамда мутахассисларнинг фикрича, бу манба Мосул зангийлари давлати тарихини ўрганишда бирламчи манба ҳисобланади. Асар Ибн ал-Асир ва унинг отасининг маълумотлари асосида, гувоҳлар ва воқеа иштирокчилари тилидан битилган. Профессор Шамсиддин Камолиддинов бу асарни Ибн ал-Асир Мосул ҳукмдорлари буюртмаси билан ҳам ёзган бўлиши мумкинлигини таъкидлайди⁴.

Ибн ал-Асирга яна охиригача ёзиб тугатилмаган “Тарих ал-Мосул” (Мосул тарихи) номли асарни ҳам нисбат берадилар⁵. Бундан ташқари Ибн ал-Асир Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (506-562/1113-1162)нинг саккиз жилдли “Китоб ал-ансоб” (Насаблар ҳақида китоб) асари маълумотларидан фойдаланган ҳолда уни уч жилдда мухтасар “ал-Лубоб фи таҳзиб ал-ансоб” (Нисбаларни тўғрилашда Покланиш) номи билан тузади. Шунда у ас-Самъонийнинг баъзи бир хато ва камчиликларини ҳам тузатган. Мазкур асар жумоди-л-увла ойи, 615/июл-август 1218 йили ниҳоясига етган ва ўша даврда нусхалари кенг тарқалган бўлган. Ибн Холликон мазкур мухтасарнинг Самъонийнинг саккиз жилдли нусхасидан ҳам кўпроқ тарқалганини алоҳида таъкидлаган⁶. Ибн ал-Асирнинг “ал-Лубоб”ини 873/1468-69 йили яна бир араб тарихчиси ва филологи Жалоладдин ас-Суйутий (ваф. 911/1505 й.) бир жилдгача қисқартириб, уни “Луб ал-лубоб” (Покланишнинг қалби) деб номлади. Ибн ал-Асир ва ас-Суйутийнинг асарлари бизгача етиб келган ва нашрдан ҳам чиққан.

Ибн ал-Асир қаламига мансуб яна бир асар “Усд ал-ғоба фи маърифати-с-саҳоба” (Саҳобаларни билишда чангалнинг арслонлари) ёки “Усд ал-ғоба фи асмо ас-саҳоба” (Саҳобалар исмларида чангалнинг арслонлари), ёки “Ахбор ас-саҳоба” (Саҳобалар ҳақида хабарлар) бўлиб, у олти жилддан иборатдир. Мазкур асар ҳам бизгача етиб келган ва унда 7554 саҳоба ҳақида маълумот мавжуд. Асар Мисрда (ал-Қоҳира: Дор уш-Шаъб, 1970) чоп этилган.

Ибн ал-Асирнинг илм ал-баён ва илм ал-балоғага бағишланган “ал-Жомиъ ал-кабир” (Катта тўплам) ва ўз замонасининг қизиқарли воқеаларига бағишланган “Тухфат ал-ажойиб ва турфат ал-ғаройиб” (Ажойиб тухфалар ва ғаройиб ҳадялар) асарлари ҳам етиб келган⁷.

Юқорида айтилганидек Ибн ал-Асирга шуҳрат келтирган асари “ал-Комил фи-т-тарих” саналади. Муаллиф мазкур асарининг асосий қисмини ватани Қаср ул-Ҳарба ёзган. Бу ерда

¹ Ибн Холликон. Вафайат ал-а’йан ва анба’ абна’ аз-заман. Джилд 3. – С. 349.

² Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. – С. 9.

³ Ўша жойда. – Б. 9-10.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Тарихчи Ш. Камолиддин бу номдаги асар Ҳожи Халифанинг “Кашф уз-зунун” асарида тилга олинмаганини таъкидлайди. Қаранг: Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С. 10. (Прим. 17 на стр. 410).

⁶ Ибн Холликон. Вафайат ал-а’йан ва анба’ абна’ аз-заман. Джилд 3. – С. 349. Яна қаранг: Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С. 10. (Прим. 19 на стр. 410).

⁷ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С. 11-12.

Ибн ал-Асирнинг катта ва бой кутубхонаси мавжуд бўлган. Баъзи хулосаларга кўра асар ёзишни муаллиф 595/1198-99 йилгача бошлаган ва аввал бошида унинг номи “ал-Мустақса фи-т-тарих” (Тарихни тадқиқ қилувчи китоб) бўлган¹.

Саккиз жилддан иборат бўлган “Тарихи комил” умумжаҳон тарихига бағишланган асар бўлиб, йилнома тарзида тузилган. Асар араб халифалиги ва барча ислом мамлакатлари тарихини “Олам ва Одамни яратилишидан” то 628/1230-31 йилгача бўлган даврни қамраб олиб, “мусулмон солномалари тарихнавислигининг ёрқин намунаси ва энг юқори босқичи” саналади. “Агарда машҳур географ Ёкут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” (Мамлакатлар луғати) асари ўз замонасининг географияга оид барча маълумотларнинг тўплами бўлса, унинг замондоши Ибн ал-Асирнинг “ал-Комил фи-т-тарих” асарини тарихга оид адабиётларнинг тўплами” деса бўлади². Ибн Холликон “ал-Комил фи-т-тарих”ни мусулмон олами тарихини ёрутгувчи маълум асарлар ичида энг сараси эканини айтиб ўтган³.

Академик В.В. Бартольд Ибн ал-Асир асарларининг қийматини юқори баҳолаб, уни ўз асарларига маълумот тўплаш жараёнида улуғ бир виждонийлик ва ўша даврда камдан кам кўзга ташланадиган танқидий ёндашув билан иш тутганини қайд қилади. Муаррих ўз асарида келтириладиган иккита қарама-қарши фикрдан қайсисини танлашда қийналган ҳолда иккаласини ҳам келтирган. Бундан ташқари Ибн ал-Асир сиёсий воқеаларнинг баёни билан чекланмасдан Шарқ халқларининг маданиятига оид маълумотларни ҳам келтиради. У турли давр ва замонларда ҳукм сурган ғоялар ва кадриятлар, тарихий шахслар ва адибларнинг ҳаққоний тавсифини беради⁴.

Ибн ал-Асирнинг асари ўз замонасида маълум бўлган барча ёзма ёдгорликлар асосида ёзилган бўлиб, араб ва мусулмон манбаларининг тарихий маълумотларини кенг қамраб олган. Жумладан, Ибн ал-Асир асарининг олдинги етти жилди, яъни исломгача бўлган давр ва исломнинг биринчи уч асри тарихи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (ваф. 310/923 й.)нинг “Тарих ар-русул ва-л-мулк” (пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи, ёки “Тарихи Табарий”) асари асосида (302 ҳижрий йилгача даври) ёзилган. Шунинг учун ҳам олимларнинг хулосаларига биноан иккала асар ҳам ислом тарихининг илк даврига оид муҳим бирламчи манба саналади⁵.

Ат-Табарий ўз асарида барча муаллифларнинг маълумотларини танқидий ёндашмасдан қайта баён қилиш билан чегараланган бўлса, Ибн ал-Асир унинг маълумотларини қайта ишлаб, қисқартирилган ҳолда келтиради, бизгача етиб келмаган бошқа манбаларнинг ахбороти билан уларни тўлдиради. Шундай илова ва аниқ маълумотлар Марказий Осиё, Миср, Шимолий Африка ва Испания тарихига оид хисобланади.

Ибн ал-Асир асарининг манбалари қаторида бағдодлик машҳур тарихчи Аҳмад ибн Яҳё ибн Жабир ал-Балазурийнинг (ваф. 279/892 й.) “Ансоб ал-ашроф” (Шарифлар насаблари) асарини тилга олиш мумкин⁶. Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг VII асрнинг иккинчи ярмидан то X асрнинг ўрталаригача бўлган тарихини ёзишда Ибн ал-Асир бизгача етиб келмаган Абулхусайн Али ибн Аҳмад ас-Саллабийнинг “Тарих фи ахбори вулот Хуросон” (Хуросон волийлари тарихи) асаридан кенг фойдаланган. Ас-Саллабий сомониёларнинг амалдорларидан бўлган Абу Бакр Чағоний ва унинг ўғли Абу Алининг яқинларидан бўлиб, ўз асарида воқеалар баёнини Абу Али вафотининг санаси бўлган 344/955 йилгача келтирган⁷.

Саффорийлар тарихига оид маълумотларни Саллабий асаридан ташқари Ибн ал-Асир бизгача етиб келмаган, бироқ Ибн Халликон ҳам фойдаланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Азҳар ал-Ахборий (ваф. тах. 325/936-37)нинг китобидан олган. Ибн ал-Асирнинг “Тарихи

¹ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.12. Яна қаранг: Richard D.S. Ibn al-Athir and the Later Parts of the Kamil. – P. 78-79.

² Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.12.

³ Ибн Халликан. Вафайат ал-а’йан. Джилд 3. – С. 348.

⁴ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения в 9 томах. Т. 1. Москва, 1963. – С. 46.

⁵ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.12. Яна қаранг: Бартольд В.В. Туркестан эпоху монгольского нашествия. Сочинения. Т. 1. – С. 46.

⁶ Ал-Балазури, Аҳмад ибн Йаҳё. Ансоб ал-Ашроф. – Ал-Қоҳира: Дор ал-маориф. 1959. (араб тилида).

⁷ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.14.

комил”ида фойдаланган бошқа манбалари маълум эмас, чунки уларни муаллиф ҳам кўрсатмаган.

Ибн ал-Асир асарининг X асрдан XIII асрнинг бошларигача бўлган маълумотлари алоҳида аҳамиятга эга. “Бу давр тарихини ёзишда, у тахминан ат-Табарий асарига қилинган барча иловалар ва маҳаллий тарихий асарлардан фойдаланиши мумкин бўлган¹”.

Ибн ал-Асирнинг “Тарихи комил” асари Хоразмшоҳлар ва муғуллар босқини даврига оид энг муҳим ва бирламчи манба саналади. Зеро унинг муаллифи шу даврда яшаган ва кўп воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган. Мазкур давр араб тилидаги яна икки асарда – Шихобиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насавий (ваф. 647/1249й.) нинг “Сийрат ас-султон Жалолиддин Мункбурний” ва Минҳожуддин Абу Умар Усмон ибн Муҳаммад ал-Жузжоний (ваф. 658/1250 й. кейин)нинг “Табакоти Носирий” асарида ёритилган холос.

Ибн ал-Асир баъзи воқеалар тафсилотини ахборотчилари орқали олганига ишора қилади. У оғзаки маълумотларини бухоролик бир фақиҳ, хоразмлик савдогарлар (12 жилд, 170 б.), дақуқлик бир шахс (196 б.), Алоуддин Муҳаммад ибн Такишнинг амирларидан бири бўлган Абу Бақр Тожиддиннинг хизматкори (139 б.), мадиналик бир саййид (171 б.) ва бошқалардан олган экан.

Ибн ал-Асирнинг “ал-Комил фи-т-тарих” асари X асргача бўлган тарихни ёритишда гарчи компилятив аҳамиятга эга бўлсада, хусусий ва умумий масалаларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир². X асрнинг иккинчи ярмидан XII асрнинг ўрталаригача муаррих Ибн ал-Асир бизга кам маълум бўлган, ёки бизгача етиб келмаган кўпгина манбалардан фойдаланган. XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб 1230-31 йилгача бўлган даврни ёритишда Ибн ал-Асирнинг асари бирламчи манба сифатида хизмат қилади ва унинг маълумотлари ва ахбороти оригиналлиги билан ажралиб туради.

Ибн ал-Асир ал-Жазарийнинг “ал-Комил фи-т-тарих” асари қўлёзма ва тошбосма шаклида, турли тиллардаги таржимаси билан илмда маълумдир. Асарнинг қўлёзмалари турли кутубхона ва хазиначиларда сақланади. Асарнинг тўла илмий-танқидий матни 1851-1876 йй. С. Торнберг тамонидан 14 жилдда чоп этилган³. Асарнинг арабча матни ҳам қайта-қайта нашрдан чиққан. Асарнинг эски ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси 1901-1907 йилларда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний Ферузнинг фармонида биноан бир гуруҳ таржимонлар тамонидан таржима қилинган⁴. Асарнинг бошқа нусхалари ва таржималари ТошДШИ қошидаги Шарк қўлёзмалари маркази фондида сақланади (№№ 824, 825, 6679-6802, 7290-7294, 7423-7425).

Ибн ал-Асирнинг асаридан турли давр ва давлатлар тарихига оид парчалари XIX-XX асрларда қисман рус⁵ ва француз¹ тилларига ўгирилди, алоҳида тадқиқотлар олиб борилди².

¹ Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение. – С. 15. Яна қаранг: Беляев В.И. Арабские источники по истории туркмен и Туркмении // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 1. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. – Москва-Ленинград, 1939. – С. 37-38.

² Ибн ал-Асир. Ал-Комил фи-т-тарих. Полный свод истории. Введение – С.16.

³ Қаранг: Ibn al-Athiri Chronicon quod perfectissimum inscribitur / Ed. C.J. Tornberg. Vol. I-XIV. Upsalae et Lugduni Batavorum, 1851-1876.

⁴ Қаранг: СВР. Т.1. – Ташкент, 1954. – №№ 10-18. СВР (История). – Ташкент: Фан. 19

⁵ Қаранг: Медников Н.А. Палестина от завоевания ее арабами до крестовых походов по арабским источникам. Т. 1-4 / Православный Палестинский сборник. Т. 17. Вып. 2. – Спб., 1897-1903; Крымский А.Е. История арабов и арабской литературы. – С. 1-3. – Москва, 1911-1913; Из летописи Ибн ал-Асира / Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды в переводах В.Г. Тизенгаузена. Т.1. Извлечения из сочинений арабских. – Спб., 1884. Мазкур асарнинг қайта нашрига қаралсин: Золотая Орда в источниках. Том первый. Арабские и персидские сочинения. Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды в переводах В.Г. Тизенгаузена. / Составление, вводная статья и комментарии Р.П. Храпачевского. – Москва, 2003. – С. 11-39; Мазкур асар 2006 йили Алматида тўлдирилган қайта нашр этилган. Қаранг: История Казахстана в арабских источниках. Том 1. / – Алматы:Дайк-Пресс, 2006; Извлечение из «ал-Камил фи-т-тарих» Ибн ал-Асира. Перевод с арабского И.Н.Леманова и С. Волина // Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. 1. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. – Москва-Ленинград, 1939. – С. 358-409; Материалы по истории Азербайджана из Тарих ал-камил (Полного свода истории) Ибн ал-Асира [Перевод с арабского П. Жузе]. – Баку. 1940; Извлечение из «ал-Камил фи-т-тарих» Ибн ал-Асира. Перевод с арабского К.Б. Старковой // Материалы по истории киргизов Киргизии. Вып.1. – Москва, 1973. – С. 52-76; Ибн ал-Асир. Китаб ал-Камил

Ибн ал-Асир асарининг 2006 йилда амалга оширилган рус тилидаги терма таржимаси (Тошкент: Ўзбекистон. Таржимонлар П.Г.Булгаков ва Ш. Камолиддинов) ҳамда Хивада амалга оширилган ўзбекча таржимаси катта аҳамиятга эгадир.

Ибн ал-Асирнинг «Тарихи камил» асари Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний буйруғи билан ҳижрий 1321/1903-04–1325/1907-08 йиллари давомида таржима қилинган. Шунда биринчи жилдини Нуруллоҳ муфти эшон Хивақий ва Мулло Муҳаммадшариф охунд (1321/1903-04 йиллари); Иккинчи жилдини Муҳаммадрафиъ ибн Нуруллоҳ махдум Хоразмий (17 рабиъ ус-соний 1322/1 июль 1904 йили); Учинчи жилдини Мулло Убайдуллоҳ махдум (тахминан шу даврда); Тўртинчи жилдини Домулло Худойберган махдум (таржима 3 зу-л-қаъда 1325/8 декабрь 1907 йили кўчирилган); Бешинчи жилдини Домулло Муҳаммадьякуб охунд Бешариғлик ибн Дўстмуҳаммад Сўфи (таржимани зу-л-қаъда 1321/январь-февраль 1904 йилда бошлаб жумоди ал-аввал 1322/ июль 1904 йили тугатган); Олтинчи жилд таржимони Мулло Отаниёз ибн Хўжа Ниёз (1322/1904-05 йили, котиби Домулло Отажон ибн Муҳаммадкарим); Етинчи жилдни Домулло Ибодуллоҳ хўжа охунд ва Домулло Оллоҳберган ибн Домулло Муҳаммадризо (рабиъ ал-аввал 1325/апрель 1907 йили); Саккизинчи жилдини Домулло Ибодуллоҳхўжа ибн Аваз хўжа ибн Бобо хўжа (1907-1909 йилларда). Таржимани асл матни билан хон буйруғига биноан Ота Ниёз охунд ибн Амон Ниёз Сўфи ибн Нурмуҳаммад Сўфи Хоразмий солиштириб чиққан, муҳаррири эса Домулло Саййид Ниёз ибн Мулло Муҳаммадьякуб); Тўккизинчи жилдни Домулло Ҳабибуллоҳ Хивақий (котиб ва муҳаррири Домулло Рўзмуҳаммад Хоразмий. 1324/1906-07 кўчирган); Ўнинчи жилдни Мулло Жумъа Ниёз 4 муҳаррам 1322/21 март 1904 йили таржимага киришиб, 1323/1905-06 йилда тугатган. Домулло Вайс Ниёз ибн Абдалниёз ўн биринчи жилд таржимасини 7 раби ал-аввал 1325/20 апрель 1907 бошлаб уни 28 жумоди ас-соний 1326/ 28 июль 1908 йили таҳрир қилиб, кўчирган. Асарнинг ўн иккинчи жилди эса Домулло Отажон хўжа махдум ибн Домулло Қаландар охунд Хоразмий қаламига мансуб. Таржимани у 1323 йили рамазон ойида/ноябрь 1905 тугатган³.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, Ибн ал-Асирнинг мазкур асарини ўзбек тилидаги нусхасини табдил қилиб, кириш ва изоҳлар ҳамда кўрсаткичлар билан нашр этилиши долзарб ва муҳим вазифалардан ҳисобланади.

НАРШАХИЙНИНГ “БУХОРО ТАРИХИ” АСАРИДА ЗИЁРАТ АНЪАНАСИ МАСАЛАЛАРИ

Шавкат Бобожонов, Тошкент давлат педагогика университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

***Аннотация:** Мақолада X асрнинг муҳим тарихий манбаларидан бири – Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асаридаги воҳа аҳолисининг зиёрат анъанаси, диний эътиқодий қарашлари, зиёратгоҳлари, уларнинг жойлашган ўрни, хусусиятлари ўрганилиб, илмий таҳлил этилган.*

***Калит сўзлар:** зиёрат, Афросиёб, Сиёвуш култи, Валий, дарвозаи гўриён, оташпарастлар йиғиси, қозон тўлди, гўянда, ҳожатбарор.*

фи-т-тарих (первод с арабского Б.Вахабовой) // Материалы по истории Средней и Центральнoй Азии X-XIX вв. – Ташкент: Фан. 1988. – С. 93-94; Ибн ал-Асир. «Ал-камил фи-т-тарих»(первод со староузбекского Б. Ахмедова) // Материалы по истории тюркских народов Центральной Азии. Ташкент: Фан. 2003. – С. 136-190.

¹ Қаралсин: Ibn al-Athir. Annales du Maghreb et de L’Espagne. Trad. Ed annote par E. Fagnan. // Revue Africaine. XI. XLI. – Alger. 1901.

² Қаранг: Seref ed-din. Ibn Atirler. – Stanbul. 1322/ 1904-05; Фролова О.Б. Источник летописи Ибн ал-Асира (XII в) в разделах посвященных истории народов СССР. Автореферат дисс. канд.филол. наук. – Ленинград: ЛГУ, 1954; Richard D.S. Ibn al- and the Later Parts of the Kamil: A study of Aims and Methods / Medieval Historical Writing in the Christian and the Islamic World. – London. 1982. – P. 76-108; Юлдашев А. Ходжент в «ал-Камил фи-т-тарих» Ибн ал-Асира // Исследование по истории и культуре Ленинабада. – Душанбе, 1986. – С. 101-107.

³ Мазкур таржима нусхаларининг бошқа кодикологик хусусиятлари ҳақида қаранг: СВР (История). – С. 26-30.

Аннотация: В статье, исследуются и научно анализируются такие вопросы, как традиция паломничества, религиозные воззрения, святыни, их местонахождение, характеристика жителей Бухарского оазиса, которые были упомянуты в одном из важных исторических источников X века - «Истории Бухары» Наршахи.

Ключевые слова: паломничество, Афросияб, культ Сиявуш, Валий, ворота Гуриен, клич огнепоклонников, "козон тулди"(узб), гуянда(тадж), хожатбарор(тадж).

Abstract: The article explores and scientifically analyzes such issues as the tradition of pilgrimage, religious beliefs, shrines, their location, characteristics of the inhabitants of the Bukhara oasis, which are mentioned in one of the important historical sources of the 10th century - Narshakhi "History of Bukhara".

Keywords: Afrosiyab, cult of Sioyush, Valiy, Gurien gate, call of fire worshipers, "kazon tuldi" (Uzb), guyanda (taj), khojatbaror (taj).

Маълумки, Бухоро қадимдан муқаддас ва муборак маскан, зиёрат шаҳри бўлиб келган. Сабаби тупроғида минглаб авлиё, уламо, шайх, зоҳид, эшони, имомлар дафн этилган. Қадим воҳанинг зиёратгоҳлари ва қадамжолари ҳақида кўплаб тарихий манбаларда маълумотлар келтирилган. Шундай асарлардан бири Муҳаммад Жаъфар ан-Наршахийнинг Тарихи Бухоро ("Бухоро тарихи") асаридир. Асарда воҳа тарихи ва маданиятининг турли масалалари билан бирга, зиёрат анъанасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. "Бухоронинг турли номлари баёни" номли асарнинг еттинчи қисмида шаҳарнинг нега зиёрат юрти эканлиги баён этилган. Бухоро шаҳрини қиёмат куни ёқут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар, улардан нур чиқиб туради. Шаҳар теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбиҳ, ҳамд ва такбир айтадилар. Келинни куёв уйига олиб боргандек, шаҳарни эъзоз ва иқром билан машҳаргоҳга олиб келадилар. Бухоро шаҳрида етмиш минг байроқ, ҳар бир байроқ тагида етиш минг шаҳид ётган бўлади. Қиёмат куни шаҳарнинг ҳар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва орқаси ўн кўнлик йўл бўлиб, буларнинг ҳаммасида шаҳидлар туради¹.

Бухорода қишлоқлар сони жуда кўп бўлиб, асарнинг "Бухоро ва унга қўшиладиган жойлар" қисмида муаллиф машҳурроқ ва қадимийроқ бўлган бир нечтасини санаб ўтади. Улар орасида аҳоли муқаддас деб ҳисоблаган ва зиёратига борадиган кўплаб қишлоқлар бўлган. Шулардан бири Нур бўлиб, Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухороликлар бу жой зиёратини ўта муқаддаслаштириб юборганлар. Яъни Нур (Нурота – Ш.Б.)² зиёратига борган киши ҳаж қилганнинг фазилатига эга бўлади. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобеинлар³дан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар⁴.

Шарф қишлоғи тавсифини келтирар экан муаллиф, подшоҳлар дафн этилган жой номларини санаб ўтади. Лақаби Кулортегия бўлган амир Тўғрулбек Бухоро шаҳрида "Жўбайи баққолон" - Баққоллик бозори (гўшт сотувчилар – Ш.Б.) яқинида мадраса бино қилади. Мазкур мадраса Кулортегия мадрасаси дея атала бошланади. Амир айна шу мадрасада дафн этилган⁵. Қадимий қишлоқлардан дуо қабул бўладиган жой сифатида Афшина (ҳозирги Афшона⁶) қишлоғи кўрсатилган. Одамлар шаҳардан у жойга борганлар ва табаррук ҳисоблаганлар⁷.

"Тарихи Бухоро" асарида Туронзамин ҳукмдори Афросиёб (Алп Эр Тўнга) ва Эрон шахзодаси Сиёвушларнинг қабрлари ва уларнинг зиёрати ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Афросиёбнинг гўри (қабри – Ш.Б.) шаҳарнинг Маъбад дарвозаси⁸да Хожа

¹ Наршахий М. Бухоро тарихи. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993. – В.27.

² Нурота зиёратгоҳи ҳозирда Навоий вилоятининг Нурота туманида жойлашган.

³ Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)ни ўз кўзи билан кўрган саҳобаларни кўрган кишилар.

⁴ Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.20.

⁵ Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.22.

⁶ Афшона – Бухоро шаҳридан 30 км шимоли шарқда, Пешкў туманида жойлашган.

⁷ Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.23.

⁸ Маъбад дарвозаси Бухоронинг дастлабки етти дарвозасидан бири. Араблар келгандан кейин дарвозалар номлари ўзгартирилган. Ушбу дарвоза Нав, кейинчалик Ҳазрати Имом номлари билан аталган.

имом Абу Ҳафс Кабир тепалигига туташган тепалик устидадир¹. Аввало асарда зикр қилинган ушбу тепалик ҳақида тўхталсак. Халқ томонидан муқаддас жой деб қабул қилинган тепаликда фикҳ илми асосчиларидан бири, Ханафия мазхаби тарғиботчиси, Имом Бухорийнинг устози Абу Ҳафс Кабир Бухорий (IX аср) дафн этилган. Ҳазрати Имом, Ҳожатбарор (ҳожатларни чиқарувчи) мартабаларига эга аллома аҳолини тўғри йўлга бошлаб, оташпарастлик, бутпарастликдан ҳақ дин исломга киришида жонбозлик кўрсатган. Бухоро халқи шайхдан нажот топганлиги учун кейинчалик у дафн этилган жой “Ҳақроҳ” – “ҳақ йўли”, “ҳақиқат йўли” деб атала бошланган.

“Бухоро тарихи” асарининг “Бухоро Аркининг бино этилиши ҳақида” номли қисмида Сиёвуш қабри ва уни зиёрат қилиш қилиш боғлиқ масалалар баён қилинган. Сиёвуш ҳисор пойдеворини чўмич юлдузи туркумида курганлиги, кўзғалмас оғир харсангтошларни ўзи кўтарганлиги таъкидланган. Сиёвушнинг мартабаси ошиб кетганлигини кўролмаган кимсалар Афросиёб билан орасига совуқчилик туширишади. Натижада, Афросиёб Сиёвушни ўзи курдирган ҳисорининг остонасига ўлдиради. Уни ҳисорнинг шарқий дарвозадан кираверишда “Дарвозаи ғуриён” деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига дафн этганлар. Ҳисорнинг икки дарвозаси бўлиб, ғарбий томондагиси “Дари Регистон”, шарқий томондагиси “Дари ғуриён” деб номланган². Ҳозирда сақланмаган шарқий дарвоза ўз даврида “Дари алаффурушон”, “Дари алаф”, “Дари сомонфурушон”, “Дари кохфурушон”, “Дари Сиёвуш” номлари билан ҳам аталган³. Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили наврўз кунини куёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди⁴. Бу одат ҳозирда бироз ўзгартирилган ҳолатда сақланиб қолган. Наврўзда ҳар бир бухоролик биттадан товуқ ёки хўроз қурбонлик қилиб, уни паловнинг тагига ётқизганлар. Бухороликлар буни “Қозон тўлди” деб аташган. 1940 йилгача мазкур одат воҳа аҳолиси орасида кенг тарқалган⁵. Одатни айрим бухороликларгина давом эттираётганини кўриш мумкин.

Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларга машҳурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва кўшиқ қилиб айтадилар. Кўшиқчилар уни “оташпарастлар йиғиси” дейдилар⁶. Шунингдек куйчилар бу кўшиқларни “Кини Сиёвуш” – “Сиёвуш жанги” деб атайдилар⁷. Наршахий бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтган деб хотирлайди. Сиёвуш марсияларининг қолдиғи сифатида ҳозир ҳам вафот этганларнинг яхши ишларини эслаш учун махсус тайёргарликка эга бўлган оймуллолар чақирилиб, марсия айтиш одати сақланиб қолган. Бундай кишиларни Бухорода гўянда деб ҳам атайдилар⁸.

Ҳозирда Сиёвушнинг қабри сақланиб қолинмаган бўлсада, лекин Арк долонида қадимда аҳоли Сиёвуш валининг ҳурмати учун шам ёқадиган девор тоқчаси, яъни қадамжоси сақланиб қолган⁹. Тарихий даврларда Сиёвуш қабри жойлашган шарқий дарвоза бир томондан ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этса, иккинчи томондан, қадамжо сифатида аҳолининг маънавий эътиборида бўлган¹⁰. Бухоро мажусийлари Сиёвушга муқаддас шахс сифатида эътиқод қилганлар. Ислом дини Бухорога кириб келгандан кейин ҳам, гарчи Ислом динида мажусийлар қабрига сажда қилиш бидъат ҳисоблансада ҳам, маҳаллий халқлар,

¹ Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.24.

² Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.29.

³ Йўлдошев Н. Сиёвуш қабри. У Бухоро Аркининг қайси бир дарвозаси яқинида жойлашган // Бухоро ҳақиқати. 1997 йил 21 май.

⁴ Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.28.

⁵ Йўлдошев Н. Бухорода айрим авлиёлар тарихи. – Бухоро: Бухоро, 1993. – Б.15.

⁶ Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.28.

⁷ Наршахий М. Бухоро тарихи... – В.24.

⁸ Йўлдошев Н. Бухорода айрим авлиёлар тарихи... – Б.15.

⁹ Бобожонов Ш. Бухоро воҳасида зиёрат сайёҳлигининг ривожланиш хусусиятлари (антропологик тадқиқот): тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2023. – Б.84.

¹⁰ Жўраева Н. Муқаддас қадамжолар – Бухоро шаҳри тарихий топографиясининг муҳим таркибий қисми: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Бухоро, 2023. – Б.21.

айниқса, Бухоро, Хоразм, Самарқанд халқлари Сиёвушни ноҳақ шаҳид бўлганлар қаторига киритиб, унинг қабрини зиёратгоҳга айлантирганлар, ҳатто унга “Валий” (мадакдор, муқаддас шахс) лақабини берганлар. Аркни бино қилган киши сифатида эъзозлаганлар¹. Сиёвушни Валини зиёрат қилиш XX аср бошларига қадар давом этган.

Ҳозирги кунда нафақат Бухорода, бақли бошқа воҳаларда ҳам, хусусан, Хоразм воҳаси аҳолиси ўртасидаги муқаддас жойлар билан боғлиқ қарашларда исломдан аввалги диний эътиқолат қолдиқлари сақланиб қолган. Сиёвуш култига ҳақиқат ва адолат йўлида жасорат кўрсатувчи баҳодир сифатида қаралади².

Умуман, асарда зиёрат масаласида келтирилган маълумотлар ислом динидан олдинги ва кейинги даврларда аҳолининг эътиқодий қарашлари, зиёрат анъаналари, ўтказадиган маросимлари, даврлар ўтиши натижасида ундаги ўзгаришларни билиш имконини беради.

“АВЕСТО” – ФРИДРИХ НИТШЕ ТАЛҚИНИДА

Илмий-фалсафий эссе

Нарзулла ЖЎРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор.

Нитше файласуф сифатида, айтиш мумкинки, ахлоқий, маънавий ва руҳий жиҳатдан инсон имкониятлари чегарасидан чиқиб кетган, ундан юқори турган онгни мужассамлаштирган Зардушт билан ўзини тенглаштиради. Яъни, кишилиқ тарихида илк марта кайҳоний қарашларни, илоҳий ғояларни илгари сурган Зардушт билан ҳамфикр бўлади. Қалб изтиробларини, иддаоларини, ҳаётий ва фалсафий қарашларини у орқали ифодалайди. Зардушт Нитше учун ғоя ташувчи, фикрни эҳтиросли ва ғоят бетакрор туйғулар орқали баён этувчи воситага айланади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу асарда чуқур психологик ҳолат билан мантикий асос ҳайратланарли даражада уйғунлашган. Нитше изтиробларини, қалб зарбаларини, титроқларини, бесаранжом, беорому беҳаловат туйғулар драмасини фавқулодда кучли руҳий кечинмалар орқали ифода этади.

“Зардушт таваллоси” китобида ҳаёт фалсафаси, инсон тушунчаси, кишилиқ ҳаётининг ёруғ ва зулмат томонлари, зиддиятлар ва изтироблар ўз аксини топган. «Авесто» ғояларини чуқур ўзлаштирган, айна пайтда ана шу ғояларда одам ва олам моҳиятини кўра билган, унда диний ва дунёвий қарашлар уйғунлашганини англаган Нитше ўз фалсафий қарашларини, илмий ғоялари ва муносабатларини Зардушт орқали бетакрор оҳангларда ифодалашга эришади.

Асар услубида Зардушт билан Нитшенинг тенглиги яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, муаллиф илоҳий шахс билан ўзини тенг қўяди, ўзаро мулоқотда бўлади, кўп ҳолларда Зардушт номидан гапиради, Зардушт ғояларини ўзининг қалб кечинмалари билан синтезлаштиради. Гарчи, улар туғилган макон турли минтақаларда жойлашган, жуда улкан, маҳобатли тарихий давр уларни ажратиб турган бўлса-да (улар яшаган давр қарийб уч минг йиллик масофа билан фарқланади), қарашлар уйғунлиги фавқулодда ҳодиса сифатида, айна пайтда ўта табиий ҳолатда юзага келади. Бу шу даражада табиий, шу даражада мусаффо ва гўзалки, уни бир-биридан ажратишга интилиш ёки бир-биридан айро ҳолда тушуниш жиддий хатоликка олиб келади. Асарда муаллиф Зардушт билан замондошдай, яқин дўстдай ёнма-ён туриб гаплашади. Ўзининг ғояларини тўғридан-тўғри Зардушт орқали тушунтиришга ҳаракат қилади ва бунга ўта табиийлик билан эришади.

Зардушт фалсафаси яхлит инсоният тафаккурининг мажмуасидир. У диний тоат-ибодат ва такво доирасидан чиқиб, қомусий характерга эга бўлган илоҳий ҳаёлот, кайҳоний фикрат тизимига айланган. Натижада реал заминда, конкрет ҳаётда инсоният қарашлари ва тафаккур тарзини ўзида мужассам этиб, дунёвий фалсафа, дунёвий тафаккур мақомига эга бўлди.

¹ Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. – Бухоро: Бухоро, 1997. – Б.11.

² Абидова З. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий этнологик тадқиқот): тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. – Тошкент, 2018. – Б.65.

Аслини олганда, Зардушт фалсафасининг ҳаётийлиги ҳам, маҳобати ҳам, ўлмаслиги ҳам ана шунда.

Нитшенинг тахайюл олами кенг, фикрати чексиз. У ўзи яшаб турган оламни яхлитлигича, бус-бутунлигича, барча шодмонлигию ситамлари билан бирга ғоятда чуқур ҳис этади, англайди. Энди унинг “нариги дунёчилар” оламини кўргиси келади, чора излайди ва Зардушт орқали бунга эришади: “Бир куни Зардушт ҳам барча нариги дунёчилар каби ўз хаёлларини одамнинг нариги дунёсига қаратди. Ўшанда менга дунё азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлди”, – дейди у.¹ Ғоят покиза қалб ва ёрқин руҳият кучи билан муаллиф боқий дунёдаги одамлар аҳволидан хабардор бўлади, уларни кўз олдига келтиради, азобланаётганларидан азобланади. Жаннат гаштини сураётганлардан кўнгли таскин топади.

Афсуски, азобли, уқубатли дунё кенгроқ туюлади унга ва фоний дунё унинг кўзига “азоб чекаётган ва абгор бўлган Худонинг аъмоли бўлиб туюлади”. Нега бу дунё абгор? Нега инсон ўз ҳаётини ўзи баъзан билмай, баъзан билиб туриб, онгли равишда азобларга тўлдиради? Аслини олганда Худо инсонга ҳаётга мазмун бериш, роҳат-фароғатли турмуш куриш учун ақл, заковат, туйғу берган. Бироқ, одам лаҳзалик фароғат кўйида бутун умрини муаммоларга тўлдириб ташлайди. Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Туб моҳияти билан қараганда инсоният ҳаётида муаммо бўлиши мумкин эмас. Агар у ўзини ва бир-бирини тўғри тушунса! Одамларнинг бир-бирини тушунмаслиги дунёни абгор, ҳаётни эзгин қилади. Бу якка тартибда одамларнинг ўзаро муносабатидан тортиб глобал маънода бутун инсоният, оламу одам тақдири билан боғлиқ бўлган умумсайёравий муаммоларни қамраб олади. Охир-оқибатда Нитшенинг идеал одам фалсафаси, баркамол инсонни кўриш орзуси, ҳар томонлама етук одам билан мулоқотда бўлиш истаги изтиробга айланади.

“Яхшилик ва ёмонлик, шодлигу азоб, мену сен – бари менга Яратганнинг кўз ўнгидаги ранго-ранг дуд бўлиб кўринади. Яратган ўзидан ўз назирини эвиришни истади ва ўшанда у оламни бино қилди”.²

Демак, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, ишонч ва ишончсизлик, садоқат ва хиёнат, эзгулик ва ёвузлик оламнинг рамзи, яратган унинг эврилишини хоҳлайди. Ўзи бино қилган оламнинг бенуқсон ва кўркам бўлишини истайди. Бу бевосита инсон оламининг қай даражадалигига боғлиқ. Қалбан гўзал инсон гўзаллик яратади. Эзгулик билан яшайдиган киши эзгулик ҳукмрон бўлган турмуш тарзини йўлга қўяди. Мунофиқлар, хиёнаткорлар, жиноятчилар, диёнатсизлар эса унинг тескариси!

Нитше инсон, ҳаёт, дунё атрофида фикр юритар экан, руҳий хаёлот ва фикратдан ҳаётий хулосаларга ўтади, реал воқеликка муносабат билдиради ва шундай дейди: “Мангу зиддиятнинг акси ва нотаом тимсол, мангу нотаом бу дунё – унинг нотаом яратувчиси учун мастона шодиёна, - бир маҳаллар дунё менга шундай бўлиб туюлди”.³ Зиддиятларга тўла олам, нуқсонлардан ҳоли бўлмаган тимсол – одам. У мангу нотаом, етук бўлолмайди, идеал инсонга айлана олмайди. Демак, кишилик ҳаёти ҳам мукамал эмас. Чунки, бу зиддиятли, нотаом оламнинг, ҳамиша бири кам дунёнинг бош муаллифи, ижодқори – нотаом Инсон! Унинг ақли доирасида яратилган, заковати ва маънавий имкониятлари маҳсули бўлган, инсон ички оламининг тимсоли сифатидаги мангу нотаом дунё бу! Бу қадимий ва мўйсафид маъво шундай эди, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Зотан, нотаом ҳаёт нотаом одамлар чекланган тафаккури, кемтик, майиб-мажруҳ олами, синик ва озурда руҳияти маҳсули. Ҳаёт мазмуни, унинг моҳияти бевосита инсон ақл-заковати билан боғлиқ. Айни ана шу инсоният ҳаётининг идеал даражада бўлмаслиги баркамол бўлмаган одамлар учун қайсидир маънода шодиёнадир. Чунки фикрламай яшаш, ақлни ишлатмай умргузаронлик қилиш осон туюлади уларга. Дарҳақиқат, инсон ҳамиша енгил яшашга, меҳнат қилиб топишдан кўра мўмай даромад топишга, барча мақсадларига осонлик билан

¹ Нитше Ф. Зардушт товаллоси. Янги аср авлоди. Т.; 2007. 24-бет.

² Ўша манба. Ўша жой.

³ Нитше Ф. Зардушт товаллоси. Янги аср авлоди. Т.; 2007. 26-бет.

эришишга мойил жонзот. Нитше ҳам, Зардушт ҳам шундай ўйлайди ва чексиз изтироб чекади.

Нариги дунёчилар зикрида давом этар экан, Нитше ўзида кучли оптимистик руҳни ҳис этади, ирода қуввати ошади, юксак маънавий куч энди унга ҳаётга рағбат, келажакка ишонч, янгидан-янги умид куртакларини очади ва “Нима бўлди ўзи, биродарларим? Мен азоб чекаётган ўзлимни енгдим, мен ўзлимнинг хоки туробимни тоққа олиб чиқдим, ўзимга ортиқ нурафшонроқ аланга топдим. Қаранг энди! Шарпа мендан узоқлашиб кетди!”¹ - дейди.

Эзгин хаёллар, кўнгилга таҳдид солувчи қора шарпалар ортда қолди! Нитше ўзида кучли иродани ҳис этди, ўзини-ўзи енгди. Орзу-умидлар тоғига чиқди, нурафшон ҳаётга ёрқин нигоҳ билан қарай бошлади. Бу муаллифнинг ички кечинмаларигина эмас, дунёда қанчаки одам бўлса, барчасининг қалбида ана шундай ҳис, ана шундай туйғу мавжуд. Уларда ички ирода ва ўзини-ўзи бошқаришга қодир бўлган руҳ бор. Фақат у ҳар кимда ҳар хил. Биологик, физиологик ва интеллектуал имконият доирасида кимдадир кўпроқ, кимдадир камроқ, кимдадир қудратли, кимдадир заифроқ. Ҳамма гап мудроқ ирода ва руҳни кўзгата олишда, уйғота билишда, ривожлантира олишда, холос. Умуман олганда, инсон ўзининг табиий, биологик, физиологик ва маънавий тузилиши жиҳатидан мураккаб тизим. Ҳар бир одам алоҳида олам. У ўзини-ўзи бошқара олиши, йўналтира билиши, ривожлантириб, камол топтириш рағбатига эга бўлиши лозим. Ҳар ким ўз инон-ихтиёрининг ҳокими ўзи бўлсин. Ўзини-ўзи рағбатлантирсин, руҳлантирсин, ножўя хатти-ҳаракатлар қилганда ўзига-ўзи танбеҳ бера олсин, ўзини-ўзи жазолай билсин ва кечира олсин.

Нитшенинг инсон фалсафасида қалб ва руҳият категориялари алоҳида мавқега эга. Қалб ҳар бир инсоннинг яхлит ва бир бутун алоҳида олами. У ҳар бир индивиднинг бетакрор, фақат ўзигагина хос бўлган, ўзининг “Мен”ига эга бўлган яхлит олам. Руҳ эса уни бошқаради, йўналтиради. Бу хулоса нафақат Зардушт фалсафасида, балки барча дунёвий динларда турли шаклларда ўз ифодасини топган. Зотан, тақвонинг тури, ибодатнинг шакли хилма-хил бўлса-да, Аллоҳ ягона! Нитше фалсафаси Зардушт орқали ана шундай мақомга эга. Бошқача қилиб айтганда, Зардушт саловоти, дуолари, таваллоси Нитше қалби орқали нитшеёна муножот бўлиб янграйди. Бу муножот ўта жарангдор, ўта файзли, тароватли, чуқур мазмунга ва хулосаларга эга бўлган ғоя. Айни пайтда бироз мискин, тушкун, ғамгин фалсафадир. Ана шу жиҳатдан қараганда уни айрим файласуфлар тушкунликка, пессимизмга берилганликда айблашади. Аслида эса, ушбу тушкунлик, ғамгинлик тагида Нитшенинг ғоятда кучли, қудратли иродаси, ёрқин ва шиддатли руҳияти аниқ сезилиб туради. Бошқача қилиб айтганда, унинг қалбида ғоят кучли, қудратли оптимизм, аччиқ изтироб, баланд руҳ оғрикли дард билан вулқонга айланади.

“Зардушт беморларга шафқатли. Чиндан ҳам уларни бу каби тасалли излашларию бундоқ кўрнамакликларидан озурда эмас. Майли, улар соғаювчию енгиб ўтувчилар бўла қолсинлар. Ва майлига ўзларига олий жисм ярата қолсинлар”²

Зардушт қандай, қайси тоифадаги беморларга шафқатли? Нитше нималардан изтироб чекапти? У кимларга муравватли? Албатта, жисмоний беморлар ҳар қандай меҳр-шафқатга, мурувватга муносиб. Бироқ, ҳаётда жисмоний беморлардан кўра ахлоқий ва маънавий ногирон, руҳияти ва иродаси заиф одамлар кўпроқ. Айни “кўрнамаклик” ана шундай беморларга хос! Уларнинг қалбида ички бир қувват билан соғаювчи руҳий ва маънавий куч йўқ. Аммо, Зардушт ҳам, Нитше ҳам уларнинг “соғайиб” кетишини, маънавий етук, баркамол ва фаол инсон – барча чиркинликлардан “соғаювчию енгиб ўтувчи” бўлишини истайди.

Зардушт ва Нитшенинг ҳам илоҳий, ҳам ҳаётий фалсафаси бу! Зардушт беморларга шафқатли, меҳрибон, раҳмдил. Бироқ, инсон ҳар қандай шароитда ҳам инсон-да. Баъзан меҳру шафқатни билиб-билмай сунистеъмол этиши, кўрнамаклик қилиши мумкин. Аммо буюклик – буюкликдир. У фақат меҳр, шафқат, бағрикенглик, чексиз мурувват ва саховат соҳиби. Кўрнамакликдан, мунофиқликдан, умуман, барча иллатлардан устун турадиган

¹ Ўша манба. 24-25-бетлар.

² Нитше Ф. Зардушт товаллоси. Янги аср авлоди. Т.; 2007. 26-бет.

мақом. Нитше бу ерда реал ҳаёт билан диний тафаккурни уйғунлаштиради, реаллаштиради, ҳаётийлиги ва улуғворлигини исботлайди.

Бу дунё қанчалик улуғвор ва маҳобатли, ранг-баранг ва жозибали, пурҳикмат ва донишманд бўлмасин, у шунчалик ғариб ва нотавон, ожиз ва нотаомдир. Чунки нотавон ва нотаом дунёнинг ижодкори нотавон ва нотаом инсондир. Дарҳақиқат, у ўз ҳаётини, турмуш тарзини ўз ақли доирасида қуради. Ундан ортиғини тасаввур қилолмайди, тушунолмайди. Оламини, ҳаёт моҳиятини интеллектуал имконияти доирасида англайди. Зотан, ҳаёт, борлиқ, олам олдида инсон ақли, заковати ва тафаккури ҳамиша чекланган бўлади. Бу инсоннинг ҳам, унинг ақли ва заковатининг маҳсули бўлган дунёнинг ҳам фожеасидир.

“Яхшиси, биродарларим, соғлом жисм сасини тинглангиз: у ростгўйроқ ва мусаффорок овоздир.

Баркамол ва тўртбурчак жисм, соғлом жисм ҳақ ва соф сўзлайди: у тупроқнинг маъноси ҳақида ҳикоя қилади...

Бу Зардушт таваллоси”¹.

Бу Зардушт таваллосигина эмас. Айни пайтда Нитше муножоти ҳам! Бу Нитше қалбининг туб-тубидан инграиб чиқаётган нидо, инсон руҳиятини покловга даъват ҳамдир. Бунда алломанинг бутун изтироблари-ю севинчлари, қувончлари-ю ташвишлари, шодликлари-ю ситамлари яхлит жамланган.

Шарқ фалсафий тафаккури, хусусан, Зардушт таълимоти ва қадимги Ҳинд фалсафасида инсон тўрт унсурдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, шу тўрт унсурдан яралган. Бу бир-бирига зид тўрт унсур – сув, ҳаво, тупроқ, олов тўртбурчак шаклини ташкил этади ва инсоннинг мутлақ зиддиятли олаmidан далолат беради. Тўрт унсур – тупроқ, сув, ҳаво ва олов етуклик тимсоли. Худди йилнинг тўрт фасли мукамал бўлса, табиат, борлиқ мукамал бўлгани каби. Ана шу тўрт унсур бирлашган нуқта – тўрт бурчак жисм баркамол вужуд, бенуксон маъво. У рост ва тўғри сўзлайди, покиза ҳаёлот ва мусаффо фикрат олами – Олий одам тимсолини гавдалантиради.

Нитшенинг баён услубида, фикрни ифодалаш шаклида Европалик донишмандлар услубидан кўра кескин ва ёрқин ўзига хослик бор. Биринчидан, у ҳар қандай оғир, залворли фикрни, ақлни остин-устун қилиб юборадиган гапни жўшқин ҳиссиёт ва қайноқ эҳтирос билан йўғрилган ҳолда баён этади. Иккинчидан, у бевосита ва тўғридан-тўғри Шарқ феноменига мурожаат қилаяпти, унинг оламида яшаяпти. Ўзини ўзи танлаган, ихлос қўйган Зардушт тимсолида кўрмоқда. Шунинг учун Нитшенинг услуби “Авесто” матнларининг услубига жуда ўхшайди, яқин туради. Нитшега “Авесто”нинг таъсири шу даражада кучли бўлганки, ҳатто фикрни баён этиш услублари ҳам бир-бирига ўхшаш. Яъни, ҳар бир гап кўпинча алоҳида сатрдан бошланади. Ҳар бир гап тўлиқ, бўлиқ, аниқ фикрга йўналтирилган, аниқ хулосани ифодалаган яхлит тизим. Иккинчи гап ўз ўрнида янги сатр бошидан бошланади. Албатта, бу гап ҳам ўз юкига, фикрий салмоғига, тўлиқ маъзига эга. Улар фақат бир-бирини тўлдиради, холос. Ҳар бир гап алоҳида урғу, алоҳида таъкид ва, ниҳоят, алоҳида таъсир кучига эга. Жумлалар оғир ва мағизли, шижоатли ва даъваткор, жозибали ва таъсирчан. Айни пайтда инсонни чуқур ўйлашга, фикрлашга, ақлнинг янгидан-янги қирраларини очишга мажбур этадиган чақирқ. Бу бетакроп услуб.

Нитше фалсафасида онг, инсоннинг ўзини-ўзи англаши масаласи алоҳида мавқега эга. Унинг инсон фалсафасида инсон моҳиятини тушуниш, мавжудот сифатидаги қадриятини белгилаш ва бу қадриятни ҳар бир индивиднинг ўзи қадриятга айлантира олиш ё олмаслиги масаласи чуқур таҳлил қилинади. Зардушт таваллоси орқали Нитшенинг ички нидоси, қалб ҳайқириғи айни ана шу зиддиятли, мураккаб, ранг-баранг олам феноменини яратишга қаратилган. Бу эса инсоншуносликда ўзига хос илмий-фалсафий, бадий-манتيкий, илоҳий-дунёвий қарашлар синтези сифатида юзага келди. Бир қараганда, “Зардушт таваллоси” асари соф илмий фундаментал тадқиқотга ўхшайди. Иккинчи томондан, уни ўқиганингиз сари

¹ Нитше Ф. Зардушт таваллоси. Янги аср авлоди. Т.; 2007. 27-бет.

чуқур фалсафий ва мантикий фикрларга асосланган бадиий асарга гувоҳ бўласиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Нитше Зардушт тимсоли орқали ўзининг ички кечинмаларини, илмий-назарий хулосаларини, инсоншунослик борасидаги фундаментал концепциясини яратади. Асарда илмий бетакрорлик ва бадиий мўъжизакорлик уйғунлашиб кетган.

“Сенинг вужудингдаги онг сенинг олий ҳикматингдан кўра каттароқдир. Ва яна ким билсин, сенинг вужудингга сенинг олий ҳикматинг нимага ҳам керак?”¹. Бир-бирига зид, бир-бирини инкор қиладиган фикр илгари суриляпти. Аслида эса, фалсафанинг моҳияти фикрлар қарама-қаршилигидан, ғоялар зидлигидан, бир-бирини инкор қилишдан иборат. Акс ҳолда, ҳамма файласуфлар бир хил фикрлаган бўлишарди. Нитше эса мазкур ғояси билан инсон моҳиятининг янги қиррасини очяпти. Онг бўлмаса инсон ҳеч нарса эмас. Инсонни инсон қилиб турган нарса онгдир, деган ғояни илгари сурияпти. Яна ўзини-ўзи инкор қилиб, олий ҳикмат, мурувват ва ҳиммат онг бўлмаса, керак бўлармикин, деган саволни ҳам ўртага ташлайди. Бу билан эса ўз-ўзидан барча фазилятларинг, барча имкониятларинг онг орқали намоён бўлади, онг орқали ўзингнинг қудратингни кўрсатасан. Онг бўлмаган тақдирда бу фазилятларинг ҳеч нарсага ярамайди, аниқроғи, бундай фазилятларга эришолмайсан, демоқчи.

Нитшенинг “Зардушт таваллоси” асарини сўз санъати ва фалсафий тафаккурнинг ноёб мўъжизаси дейиш мумкин. Ғоят жозибали, киши қалбини жунбушга келтирадиган, айна пайтда ўта майин ва нафис сўз кутилмаганда ғоят оғир фикр ва маҳобатли ғояни ўзида мужассам этади. Айна ана шундай услуб мавжуд илмий, бошқача қилиб айтганда, Ғарб ва умуман дунё мумтоз фалсафасининг тан олинган, эътироф этилган тамойилларини инкор этади. Бутунлай янги, ғоят жозибали, ҳароратли, шарқона қарашларга асосланган, Шарқ фалсафий тафаккури ютуқларини мукаммал ўзлаштирган тарзда мўъжизакор услубни кашф этади. Акс ҳолда Зардушт сўзлари табиий чиқмаган бўлур эди. Чунки уни европача гапиртириш ўта қўполикка ва сохталикка олиб келар эди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Нитше Шарқ фалсафасининг катта билимдони. Шарқ тафаккур тарзини чуқур ўрганган, унга эътиқод билан қараган ва кенг тарғиб этган дунёвий алломалардан бири. Унинг ҳар бир асари ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам ҳайратомуз ғоялари, кескин фарқ қилувчи ёндошувлари ва бетакрор ифода усули билан жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига тортиб келмоқда. “Зардушт таваллоси” китоби эса, ана шу ҳайратомуз илмий-ижодий фаолиятнинг чўққиси ҳисобланади.

“TARIXI GARDIZIY” ASARINING ISLOM MANBASHUNOSLIGIDA TUTGAN O'RNI

S.A.Saidov – O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi tayanch doktoranti, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi katta ilmiy xodimi

Аннотатсия. Ushbu maqolada buyuk tarixchi va geograf Abu Said Abdulhay Gardiziy haqida ma'lumot berilgan. Shuningdek, Abu Said Abdulhay Gardiziyning “Tarixi Gardiziy” asari Movarounnahr va Xuroson tarixini o'rganishda muhim o'rin tutganligi borasida ma'lumotlar keltirilgan.

Калит со'злар: Gardiziy, tarix, “Zaynul axbor”, islom tarixi, Xuroson, Movarounnahr, Tohiriylar, Somoniylar, G'aznaviylar.

Аннотация. В этой статье рассказывается о великом историке и географе Абу Саиде Абдулхай Гардизи. Также было изучено, что труд Абу Саида Абдулхай Гардизи “Тарихи Гардизи” сыграл важную роль в изучении истории Мовароуннахра и Хорасана.

Ключевые слова: Гардизи, история, “Зайнул Ахбар”, исламская история, Хорасан, Мовароуннахр, Тахириды, Саманиды, Газневиды.

¹ Нитше Ф. Зардушт таваллоси. Янги аср авлоди. Т.; 2007. 28-бет.

Annotation. This article is enlightened about the great historian and geographer Abu Said Abdulhai Gardizi. It has also been studied that Abu Said Abdulhai Gardizi's work "Tarihi Gardizi" also played an important role in the study of history Movarounnahr and Khorasan.

Key words: Gardizi, history, "Zaynul Akhbar", Islamic history, Khorasan, Movarounnahr, Tahirids, Samanids, Ghaznavids.

Bugungi kunda mamlakatimizda islom tarixini o'rganish, o'tmishda hukmronlik qilgan davlatlar tarixiga doir muhim ma'lumotlarni tarixiy manbalar asosida tadqiq etish masalasiga katta ahamiyat qaratilmoqda. Shu maqsadda mamlakatimizda Islom sivilizatsiyasi markazi, Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, Imom Moturidiy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazlari tashkil etilgan bo'lib, ushbu markazlarda islom tarixi, xususan Movarounnahr va Xuroson tarixiga doir qadimiy qo'lyozmalar, tarixiy-falsafiy asarlar tadqiq etilmoqda.

Islom tarixiga doir mana shunday noyob asarlardan biri "Tarixi Gardiziy" (تاريخ گردیزی) asari bo'lib, ushbu asar XI asrda yashagan tarixchi va geograf olim Abu Said Abdulhay Gardiziy tomonidan yozilgan. Abu Said Abdulhay Gardiziy buyuk vatandoshimiz, ensiklopedik olim Abu Rayhon Beruniyning zamondoshidir. "Tarixi Gardiziy"da muallif hindlarning dini, tarixi, urf-odatlar va bayramlari haqidagi ma'lumotlarni Abu Rayhon Beruniydan eshitganligi haqidagi ma'lumotni keltirishi ham uning Beruniy bilan zamondosh bo'lganligidan dalolatdir. Uning tug'ilgan yili to'g'risida manbalarda aniq ma'lumot keltirilmagan. Vafoti hijriy 453-yil (milodiy 1061-yil) deb ko'rsatiladi. Nisbasidan aniqlash mumkinki, Abu Said Gardiziyning asli kelib chiqishi Gardiz (گردیز) degan shahardan bo'lib, ushbu shahar bugungi Afg'onistonning sharqida joylashgan geografik hududdir.

"Tarixi Gardiziy" asarining asl nomlanishi "Zaynul axbor" ("Xabarlar ziynati" – زين الأخبار) bo'lib, muallif nomiga nisbat berilgan holda "Tarixi Gardiziy" nomi bilan ataladi. Ilmiy jamoatchilik o'rtasida ham ushbu asar "Tarixi Gardiziy" nomi bilan mashhurroqdir.

"Tarixi Gardiziy"da fors sulolalari: peshdodiylar, kayoniylar, ashkoniylar, sasoniylar tarixi, Rasululloh sollallohu alayhi vasallamning siyratlari va xulafoi roshidinning hayot yo'llari, muallif yashagan davrga qadar hukmronlik qilgan Xuroson amirlari, Tohiriylar, Safforiylar, Somoniylar tarixiga oid muhim ma'lumotlar, umuman olganda Xurosonning arablar istilosidan to 1041 yilgacha bo'lgan batafsil tarixi yoritilgan¹.

Asarda turli xalqlarning hisob-kitobi va diniy bayramlariga tegishli risolalar ham kiritilgan. Oxirgi boblar nasl-nasab ("Ansob") va ilmga ("Maorif") bag'ishlangan. Asarda keltirilgan tarixiy ma'lumotlar tarkibida O'rta Osiyo geografiyasi uchun ham katta ahamiyatga ega bo'lgan batafsil ma'lumotlar mavjud. Asar G'aznaviylar sultoni "Zaynul millat" – Abdurrashid ibn Mas'ud G'aznaviy davrida G'azna shahrida tugallangan bo'lib, asardagi oxirgi keltirilgan voqea hijriy 432-yilda (milodiy 1041-yil) sodir bo'lgan. Ushbu asar butun jahon tarixiga doir bebaho manba sifatida dunyoning yaratilishidan boshlab, muallif yashagan davrga qadar bo'lgan tarixiy ma'lumotlarni o'z ichiga qamrab oladi.

"Tarixi Gardiziy"ning bugungi kunga qadar ikkita qo'lyozma nusxasi saqlanib qolgan bo'lib, ushbu nusxalarning ikkalasi ham Buyuk Britaniyada saqlanadi. Ushbu nusxalarning bittasi Oksford universiteti kutubxonasida, ikkinchisi esa Kembridj universiteti huzuridagi Kingz kollej kutubxonasida 213 raqami ostida saqlanadi. Asarning Kembridjda saqlanayotgan nusxasi aniqroq va qadimiy nusxa bo'lib, u hijriy 903 yoki 930-yilda ko'chirilgan. Ushbu qo'lyozma nusxasi borasida keltirilgan ma'lumotlarda faqat 93 raqamidan boshqa hech qanday raqam keltirilmaganligi sababli uning ko'chirilgan yili to'g'risida ikki xil faraz mavjud. Ushbu nusxa 418 sahifadan yoki 209 varoqdan iborat bo'lib, nasta'liq xatida yozilgan. Asarning Oksford universiteti kutubxonasida saqlanayotgan nusxasi esa hijriy 1196-yilda ko'chirilgan. Mashhur rus

¹ Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи "Зайн ал-ахбар": Приложение к "Отчету о поездке в Среднюю Азию с научною целью. 1893-1894 г" // Бартольд В.В. Сочинения. М., 1973. Т. VIII.

sharqshunos olimi V.V.Bartold tarafidan ushbu asarning ma'lum bir qismlari rus tiliga ham tarjima qilingan¹.

“Tarixiy Gardiziy” asari XX asrda taniqli eronlik tadqiqotchilardan biri Muhammad Qazviniy tomonidan muqaddima va izohlar bilan to'ldirilgan holda nashr qilingan. Mamlakatimizda bugungi kunda ushbu asar to'liq o'rganilmagan bo'lib, asarni manbashunoslik nuqtai nazaridan tahlil qilish, tarjima qilish orqali islom tarixi, xususan Movarounnahr va Xuroson tarixiga doir qimmatli ma'lumotlarga ega bo'lish mumkin.

O'rta asr klassik tarixshunosligi yondashuvi bo'yicha yozilgan asarlar o'zlari yetkazmoqchi bo'lgan ma'lumotlarning yaxlitligini ta'minlash uchun avvalgi tarixiy voqealar haqida qisqacha ma'lumot berishga harakat qiladi. “Tarixiy Gardiziy” - O'rta asr klassik tarixnavisligi doirasida yozilgan asar. Asarda, yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, dastlab Eron tarixidagi, undan keyin esa islom tarixidagi muhim ijtimoiy-siyosiy voqealar borasida ma'lumotlar keltirilgan. Islom tarixidagi voqealar bayoniga bag'ishlangan qismda avvalo payg'ambarimiz Muhammad sollallohu alayhi vasallam, so'ngra ul zotdan keyin xalifalik taxtiga o'tirgan to'rt xulafoi roshidin, undan keyin esa Umaviylar va Abbosiylar davridagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar, o'zaro ixtiloflar, harbiy yurishlar borasida tarixiy ma'lumotlar keltirilgan. Bu ham ushbu asarning islom tarixidan hikoya qiluvchi muhim va bebaho manbalardan ekanligiga dalolat qiladi².

“Tarixiy Gardiziy” asarida mazmun tahlilidan so'ng tarixiy ma'lumotlar tahlili boshlanadi. Asarda dastlab Eron tarixi tilga olinadi. Bu tarixchining forsiyzabon ekanligi bilan izohlanadi. Asarning bu qismida fors hukmdorlari davri, ularning o'ziga xos xususiyatlari, xalqning o'ziga xos xususiyatlari va iqtisodiy-ijtimoiy hayot haqida so'z boradi. Eron tarixida yuzaga kelgan turli diniy e'tiqodlar haqida so'z yuritiladi.

Asarda Eron tarixidan islom tarixiga o'tilishi sosoniylar hukmdori Yazdigard ibn Shahriyor hukmronligining xalifa Umar ibn Xattob (r.a.) tomonidan tugatilishi voqeasi bilan boshlanadi. Gardiziy bu holatni quyidagicha tasvirlaydi:

“Umar ibn Xattob (r.a.) xalifa bo'lgach, Islom qo'shinini Iroqqa jo'natdi. Xolid ibn Validni qo'shin qo'mondoni qilib tayinladi. Arablar qo'shini yetib kelganligi xabari Yazdigard ibn Shahriyorga yetib kelgach, u qo'shinni jangga tayyorladi. Qo'shin qo'mondoni Rustam Farruxzod edi. Qodisiya cho'lida bo'lgan jangda islom lashkari g'alaba qozondi. Yazdigard Marvga yashirindi. Uni Marvda bir tegirmondan topib olib, qatl qilishdi”³.

Asarning islom tarixiga bag'ishlangan qismi Rasullulloh sollallohu alayhi vasallamning hayot yo'llariga bag'ishlangan ma'lumotlar tahlili bilan boshlanadi. Undan keyin esa xalifalar faoliyati, umaviylar va abbosiylar davri tarixi haqida so'z yuritiladi.

“Tarixi Gardiziy” dunyo xalqalarining madaniyatiga oid ma'lumotlarni ham o'z ichiga olgan noyob manbadir. Bu ma'lumotlar bizga xalqlarning turmush tarzi, tafakkuri va diniy e'tiqodlarini aniqroq tarzda tahlil qilishga yordam beradi. Gardiziy asarda musulmonlar, yahudiylar, nasroniylar, forslar va hindlar uchun muhim sanalarni jadval shaklida keltirib, keyin esa ushbu jadvalda berilgan ma'lumotlarni alohida sarlavhalar ostida tushuntirdi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, “Tarixi Gardiziy” asarida keltirilgan tarixiy voqea-hodisalar, geografik nomlar, turli xalqlar madaniyati, urf-odatlariga oid ma'lumotlar bugungi kun manbashunoslik sohasi uchun muhim bo'lib, ushbu asarni tarixshunoslik, manbashunoslik nuqtai nazaridan tahlil qilish tarix fanini yangi ma'lumotlar bilan boyitishga, qadimgi Eron va islom tarixini batafsilroq o'rganishga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Abu Said Abdulhasan ibn Zahhok ibn Mahmud Gardiziy. Zaynul axbor. – Tehron. 1909. 120 b.

¹ Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи "Зайн ал-ахбар": Приложение к "Отчету о поездке в Среднюю Азию с научною целью. 1893-1894 г" // Бартольд В.В. Сочинения. М., 1973. Т. VIII.

² Martinez A.P. Gardizis Two Chapters on the Turks // Archivum Eurasiae Medii Aevi. 1982. Т. II. P. 109-217.

³ Abu Said Abdulhasan ibn Zahhok ibn Mahmud Gardiziy. Zaynul axbor. – Tehron. 1909. - B.104.

2. Martinez A.P. Gardizis Two Chapters on the Turks // Archivum Eurasiae Medii Aevi. 1982. T. II. P. 109-217.

3. Saidov S. “Tarixi Gardiziy” asarining tarixiy qiymati. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – Toshkent, 2023. – B. 842-847.

4. Бартольд В.В. Извлечение из сочинения Гардизи “Зайн ал-ахбар”: Приложение к “Отчету о поездке в Среднюю Азию с научной целью. 1893-1894 г” // Бартольд В.В. Сочинения. Москва: 1973. Т. VIII. С. 23-62.

SOHIBQIRON AMIR TEMUR VA XITOIY(MIN) DAVLATI TARIXINI O’RGANISHDA OID MANBALAR VA MANBAVIY AHAMIYATGA EGA ADABIYOTLAR XUSUSIDA

Kenjayev Sardor Nurmurod o’g’li, Buxoro Pedagogika Instituti “Ijtimoiy fanlar” kafedrası
o’qituvchisi

Anotatsiya. Ushbu maqolada *Sohibqiron Amir Temur va Xitoy(Min) davlati tarixini o’rganishda oid manbalar va manbaviy ahamiyatga ega adabiyotlar xususida fikr yuritilgan.*

Kalit so’z: *Diplomatiya, savdo-sotiq, elchilik, elchi-savdogar, elchi-sayyoh, Movarounnahr va Min.*

Amir Temur va temuriylar davrida yaratilgan tarixiy manbalarda va keyingi davr tadqiqotlarida ham bu mavzuning ayrim masalalari o’z ifodasini topgan. Shu paytga qadar yozilgan asarlar ularning davriy, hududiy tamoyillariga ko’ra to’rt guruhga bo’lingan. 1) Amir Temur va temuriylar davrida yaratilgan asarlar; 2) Rossiya imperiyasi va sovet hokimiyati yillarida yozilgan ishlar; 3) Mustaqillik yillaridagi tadqiqotlar; 4) Xorijiy adabiyotlar;

Birinchi guruh adabiyotlarning aksariyatini o’zbek tiliga tarjima qilinib, asosan amaldagi krill imlosida nashr etilgan manbalar tashkil etadi¹. Manbaviy ahamiyatga ega bo’lgan asarlarda Amir Temurning Xitoy diplomatiyasi haqida fikr-mulohazalar keltirilgan bo’lib, ular tadqiqot mazmuni bayonida qo’l keldi.

Ikkinchi guruhga oid izlanishlar Rossiya imperiyasining harbiy-siyosiy va iqtisodiy jihatdan XIX asrda O’rta Osiyo hamda Xitoyga kirib borishi jarayonida vujudga kelib, dastlab Xitoyda

¹Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи садъайн ва мажмаи баҳрайн. Қўлэзма (مطلع سعدین و مجمع بحرین). / АҚШнинг Мичиган университети кутубхонасидан олинган электрон нусха.; Богатырские сказания о Чингис-хане и аксаке-Темуре. // перевод с тюркского и джагатайского языков. Вступительная статья и комментарий В.А. Панова – М.: АCADEMIA, 1934. – 352 с.; Рашидадин. Сборник летописей Том I. Книга вторая / перевод с персидского О.И. Смирновой. – М.-Л.: Издательство академии наук СССР, 1952. – 315 с.; Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1960. - 512 б; Хрестоматия по истории средних веков в 3-х т. [Для ун-тов и пед. ин-тов]. Под ред. акад. С.Д. Сказкина. - М.: Соцэкгиз. 1963. Т. 2. X-XV века. 1963. - 751 с.; Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари // Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К. 1. – Т.: Мехнат, 1992. – 326 б.; Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари.//Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўзбошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К. 2. – Т.: Мехнат, 1992. – 192 б; Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. (Б.Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳририда; Форс тилидан Б.Аҳмедов ва бошқ. тарж.) – Т.: Чўлпон, 1993. – 352 б., Ҳофизи Абрӯ. Зубдат ат-таворих. Фотих, [Истанбул] кутубхонаси кулэзмаси ((مكتبة الفاتح (اسطنبول)), № 4371/1.97а варақ;., Шомий Низомиддин. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 527 б.; Ҳавофий Фасих Аҳмад. “Мужмали Фасихий”дан // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида: (Рисола) / Б.Аҳмедов, У.Уватов, Ғ.Каримов ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 194-224.; Ўаздий, Шарафуддин Али. Зафарнома // Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи И. Шоғуломов ва бошқалар// - Т.: Шарқ, 1997. – 384 б. + 16 илова., Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи садъайн ва мажмаи баҳрайн. Ж.II, К.1: 1405-1429 йил воқеалари. / А.Самарқандий; Масъул муҳаррирлар: А.Қаюмов, Мухаммад Али; — Т.: Ўзбекистон, 2008. – 632 б; Мухаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Масъул муҳаррир: академик Азиз Қаюмов // - Т.: «Sharq», 2010. – 720 б. + 32 зарв.; Натанзий Муиниддин Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси) / Муиниддин Натанзий; форс тилидан тарж.; сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ.Каримий; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т.: O’zbekiston, 2011. – 264 б; Фазлуллаҳ Рашид-ад дин. Джами-ат-таварих. – Баку: Нагыл Еви, 2011. – 540 с.

bo'lgan rus elchilari va ishbilarmonlari bu mavzuga qiziqish bildirishidan boshlangan. Xususan, N.Y. Bichurin (Iakinф), D.Pokotilov¹ va boshqalarni keltirib o'tish o'rinli bo'ladi. Rossiya imperiyasi istilosi arafasida O'rta Osiyoga sayohat qilgan H.Vamberi va I Slutsskiy. undan keyingi izlanishlarda bu mavzuga imkon qadar to'xtalib o'tilgan².

Sovet hokimiyati yillarida imperiyachilik tartiblari davom ettirilib, tarixga sinfiylik nazariyasi va komunistik mafkuraga ko'ra yondashish ustunlik qilgan. Bu yo'nalishdagi tadqiqotlar dastlab, G.E. Grum-Grjumaylo, A.M. Belenitskiy, V.V. Bartold, B.D. Grekov, A.Yu. Yakubovskiy, I.M.Mo'minovlar³, tomonidan amalga oshirilgan.

Biroq yuqoridagi mualliflar sovet davridayoq Amir Temur tarixi bilan bog'liq tarixiy hadqiqotni ma'lum manoda etirof etgan edilar. O'rganilgan tarixiy davrga oid biz ko'rib chiqayotgan tarixiy davrda Xitoy va uning qo'shni davlatlar bilan munosabatlariga oid ilmiy izlanishlar A.A. Bokshanin, A.S. Martinov, A.L. Borovkova, A.G. Malyavkinlar⁴ asarlarida ma'lumotlar keltirilgan.

Amir Temur hukmronligi davrida Movarounnahr va Min davlati atrofidagi davlatlar bilan o'zaro diplomatik va siyosiy munosabatlar tarixiga oid izlanishlar A.D. Novichev, S.Zokirov, E.I. Kichanov, Ch.Dalay, I.T. Zograf, K.SH. Xafizova, O.V. Zootov, L.S. Savitskiylar⁵ asarlarida keltirib o'tilgan. SHuningdek, Amir Temur davrida Buyuk ipak yo'li faoliyati va shaharlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, hunarmandchilikning savdo munosabatlaridagi ahamiyatini ochib berishga yorituvchi N.Tursunov, E.A. Davidovich, B.F. Kulikov, V.V. Bukanov, R.G. Mukminova,⁶larning asarlarini alohida ta'kidlash lozim.

¹ Бичурин (Иакинф) Н.Я. Статистическое описание Китайской империи. – СПб.: Типография Эдуарда Праца, 1842. – 280 с; Покотилов Д. История восточных монголов в период династии Мин. 1368-1634. (по китайским источникам) – СанктПетербург. Типография императорской академии наук, 1893. - 230 с.

² Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Издание А.И. Мамонтова 1867. // Туркестанский сборник Том 12; Слуцкий И. В защиту Тамерлана. // Туркестанский сборник. Том 508. – С. 72.

³ Грум-Гржумайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. Исторический очерк этих стран связи с историей Средней Азии. Том. II. – Ленинград 1926. – 896 с.; Беленицкий А.М. Из истории участия ремесленников в городских празднествах в Средней Азии в XIV-XV вв. // Труды отдела истории культуры и искусства Востока Гос. Эрмитажа. Т. 2. – Ленинград: 1940. - С. 185-201.; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В. В. Сочинения. - Т. I. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. - 760 с; Бартольд В.В. Сочинения. Том V. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Наука, 1968. – 757 с.; Бартольд В.В. Сочинения. Т.; VIII. Работы по источниковедению. – М.:Издательство “Наука”. Главная редакция восточной литературы, 1973. – 723 с.; Муминов И.М. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии в свете данных письменных источников. Т.: Фан, 1968. — 45 с.

⁴ Бокщанин А.А. Китай и страны Южных морей в XIV-XVI вв. - М.: Наука, 1968. – 217 с; Мартынов А.С. О некоторых особенностях торговли чаем и лошадьми в эпоху Мин. – С. 236. // Китай и соседи в древности и средневековье. - М.: ГРВЛ. 1970. – С. 234-250; Боровкова А.Л. Восстание “Красных войск” в Китае. – М.: Наука, 1971. – 196 с.; Бокщанин А.А. Императорский Китай в начале XV века. – М.: Наука, 1976. – 202 с.; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследования. - Новосибирск: Наука Сиб. отд-ние, 1989. – 432 с.

⁵Новичев А.Д. История Турции. Эпоха феодализм. (XI-XVIII века). Том I. – М.: Издательство Ленинградского университета, 1963. – 314 с., Зокиров С. Дипломатические отношения Золотой Орды с Египтом (XIII-XIV вв.) – М.: Наука, 1966. – 159 с.; Кычанов Е.И., Савицкий Л.С. Люди и боги страны снегов. Очерк истории Тибета и его культуры. – М.: Наука, 1975. – 301 с; Далай Ч. Монголия в XIII-XIV веках / Отв. ред. Б.П. Гуревич. - М.: Наука, 1983. – 232 с.; Зограф И.Т. Монгольско-китайская интерференция (язык монгольской канцелярии в Китае) / Отв. ред. С.Е. Яхонтов.; Институт востоковедения АН СССР. - М.: Наука (ГРВЛ), 1984. – 148 с; Этика и ритуал в традиционном Китае. Сборник статей. - М.: Наука, 1988. - 331 с.; Хафизова К.Ш. Послание Тимура 1395 г. В Китае // Тез. докл. XX научной конференции “Общество и государство в Китае”. – М.: Наука, 1989. – С. 126-129.; Зотов О.В. Китай и Восточный Туркестан в XV-XVIII вв. (межгосударственные отношения). – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. – 168 с.

⁶ Турсунов Н. Из истории ремесленных цехов Средней Азии (На материалах ткацких промыслов ходжента конца XIX – начала XX в.) // Советская этнография; Давидович Е.А. Денежное хозяйство Средней Азии после монгольского завоевания и реформа Маьсудбека (XIII в.) – М.: Наука, 1972. –175 с; Куликов Б.Ф., Буканов В.В. Словарь камней-самоцветов. - 2-е изд., перерераб. и доп.-Л.: Недра, 1989. - 168 с; Мукминова Р.Г. Традиции взаимосвязей по Великому пути в позднефеодальный период // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Т.: Фан, 1990. – С. 117-125.

Ushbu tadqiqotchilar asarlarida Amir Temur bilan Xitoy o'rtasida asosan savdo aloqalariga tegishli ma'lumotlar uchraydi.

Uchinchi guruhdagi ishlar O'zbekiston Respublikasi milliy mustqillikni qo'lga kiritganidan so'ng, Amir Temur shaxsiyati milliy g'urur va iftixor darajasiga ko'tarilgandan keyin amalga oshirilgan ishlar bo'lib hisoblanadi¹. Amir Temur tuzuklari va uning o'zbek tiliga tarjima qilinishi, tuzuklar ustida ilmiy izlanishlar olib borilganligi diqqatga sazovor bo'ldi². Shuningdek, mustaqillik yillarida chop etilgan Amir Temur saroyiga kelgan elchilar xotiralarini ham keltirib o'tish maqsadga muvofiq³. Mustaqillik yillarida Amir Temur va uning faoliyatiga bag'ishlangan umumiy tasnifdagi izlanishlar⁴, Amir Temurning harbiy faoliyatiga bag'ishlangan⁵, Tarixiy geografiya sohasiga oid⁶, Amir Temur va temuriylar davri savdo-elchilik aloqalari⁷ va diniy munosabatlar¹ va boshqa munosabatlarga oid tadqiqotlarni

¹ Аҳмедов Б. Қирғизистоннинг XV асрдаги сиёсий тарихини ўрганишга доир // Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – С. 211-217.; Файзиёв Т. Темурийлар шажараси. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти – “Хазина”, 1995. – 350 б.; Аскарлов А., Оқилов О. Темур ва Улугбек даври тарихи. – Т.: Qomuslar bosh tahririyati, 1996. – 264б.; Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 1996. – 293 б., Аҳмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур: жизнь и общественно-политическая деятельность. – Т.: Университет, 1999. – 263 с., Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Х-Кароматов. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. — Т.: Шарқ, 2001. – 304 б.; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: Муносабатлар ва тақдирлар – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007. – 280 б.; Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: Шаклланиши ва ривожланиш бошқичлари. Монография. – Т.: Akademiya, 2008. – 431 б., Усмонов Б. Фарғона водийси Амир Темур ва темурийлар даврида: монография; – “Фарғона”, нашриёти, 2019. – 288 б.; Азимов Ж.Ш., Орзиев М.З. Бухоро қорақўли: Ўтмиш ва бугун. // Фан ва технологиялар тараққиёти. 2020. № 1. – Б. 149-155.

² Темур тузуклари // Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж; Б.Аҳмедов таҳрир. остида. - Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. - 144 б., Темур тузуклари / Сузбоши муаллифи ва масъул муҳаррир М. Али, форсчадан тарж. А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: «Шарқ», 2005. - 160 б., Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 б.; Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 184 б. Боймирзаева Р.Х. Уложение Темура - великий политико-правовой источник / Р.Х. Боймирзаева, Хуршида Ахмедова. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2017. - № 43 (177). – С. 218 – URL: <https://moluch.ru/archive/177/46185/> (дата обращения: 18.11. 2022). – С. 217-220.

³ Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Клавио Руи Гонсалес де. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406); Трж., У.Жўраев. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг сройи ҳақида хотиралар. Тарж., Б.Эрматов; Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2007. - 208 б., Гонсалес Руи Де Клавио. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) [Text] Гонсалес, Руи Де Клавио.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али. – Т.: “O'zbekiston”, 2010. – 264 б.

⁴Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати (тарихий очерк). – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. – 160 б., Темур ва Улугбек даври тарихи / Бош муҳаррир Аҳмадали Аскарлов, масъул муҳаррир Оқилхон Одилхон. – Т., 1996. – 264 б. Аҳмедов Б.А., Отахўжаев А. Амир Темур давлати ва Мин империяси: сиёсат, иқтисод ва муносабат // Турон тарихи, 2015. № 2-4. – Б. 22-25.,

⁵ Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул муҳаррир А.Қаюмов /. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 96 б., Орзиев М.З., Ражабов О.И. Амир Темурнинг Хитой сиёсати // Бухоро давлат университети илмий ахбороти, 2008. № 3. – Б. 21-24.

⁶ Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ Баёзи, 1993. – 102 б., Филанович М.И. Ташкент – город на северо-восточных границах империи Амира Темура // Общественные науки в Узбекистане, № 7-10. – Т.: Издательство “Фан” Академии Наук Республики Узбекистан, 1996. – С. 86-89.; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. / Монография. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2017. – 349 б.; Орзиев М.З. Кенжаев С.Н. Ўрта Осиёнинг йиртқич мушуксимонлари (тарих ва манбалар таҳлил). – Бухоро: Дурдона, 2017. – 51 б.; Бўриев О. Турон тарихининг олтин даври. – Т.: Voris nashriyoti, 2019. – 367 б.

⁷Ртвеладзе Э.В. Китайские посольства ко двору Амира Темура и темуридов. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 7-8-9-10. 1996. – С. 54-61.; Ширинов Т., Орзиев М. Икки ҳуқумдор муносабатлари тарихидан // Фан ва турмуш. № 1-2. 2014. – Б.; Кобзева О.П. “Шелковый путь” в эпоху Амира Тимура. // Мавераннахр в эпоху Амир Темура. Археология, история, культура. – Т.: 2017. - 324 с; Каримова Н.Э., Тулибаева Ж.М. Китайские и тимуридские источники о взаимоотношениях Китая и Центральной Азии в конце XIV - первой четверти XV в. // Вопросы истории. - 2019. - № 7. - С. 64-79.; Кенжаев С.Н., Зайниев К.М. Амир Темур ва Хитой (Мин) сулоласи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тарихидан // Маводи анҷумани илмий-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишқандаи

keltirib o'tish mumkin. Mustaqillik yillarida Amir Temur tarixiga bag'ishlangan badiiy-tarixiy asarlar yaratildiki, ularda Xitoy bilan munosabatlarga ham bir qadar to'xtalib o'tilgan. Shu o'rinda, B.Ahmedov, Ismoil Aka, Y.Berezikov, B.Ermatov, H.Hukhmlar ² asarlari sanab o'tish mumkin.

Mavzuning o'rganilganlik darajasining so'nggi *to'rtinchi guruh adabiyotlariga* xorijda yaratilgan ilmiy izlanishlar kiradi³.

Xulosa va takliflar. Amir Temurning Xitoy (Min) davlati bilan olib borgan o'zaro munosabatlari tarixiga doir kompleks tadqiqot olib borilmagan. Mavzuning tarixshunosligiga oid tadqiqotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, Amir Temurning Xitoy (Min) davlati bilan turli yo'nalishlarda olib borgan munosabatlari alohida olingan dissertatsiya doirasida tadqiq qilinmagan. Bu mazkur muammoni yangicha ilmiy qarashlar orqali o'rganishni talab qiladi, deb hisoblashga barcha asoslar borligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. <http://academicsresearch.ru/index.php/ispcttosp/article/view/1300>. _____ | _____ Zenodo
<https://academicsresearch.com/index.php/iditygs/article/view/1817>
2. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7678097>
3. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7675191>
4. <https://academicsresearch.ru/index.php/ispcttosp/article/view/1300>
5. <https://academicsresearch.ru/index.php/trsimw/article/view/1193>
6. <https://scholar.google.ru/citations?hl=en&user=TIZD1hAAAAAJ>
7. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7456181>
8. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7426147>
9. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7426141>
10. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7692302>
11. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7678582>.<https://doi.org/10.5281/zenodo.7678581>
12. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7675192>
13. <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/720>.

omuzgorii Tojikiston dar shaxri Panchakent, ba munosibati 60 solagii doktori fanxoi ta'rix, professor Vohidov Shodmon Xuseynovich – Panchakent, 2021. – S. 292-297.

¹Orziyev M.3., Latipov J.L. Amir Temur va temuriylar davrida dinlararo munosabat. – Buxoro: Durdona, 2018. – 51 b.

² Axmedov B. Amir Temur (tarixiy roman). – Abdulla Qodiri sh nomida gi xalq merosi nashriyati, 1996. – 640 b.; Aka Ismoil. Bуюk Temur davlati (T.Қахқор тарж). – Т.: Чўлпон, 1996. – 152 б; Берзиков Ё. Буюk Temur: РОМАН-БАДИА. - Т.: Шарқ., 1996. – 368 б.; Эрматов Б. Amir Temur Фарбий Европа адиблари нигохида. Монография. Тошкент / «Navro'z», 2019. – 256 б; Хукхэм Х. Етти иклим султони: Хужжатли-тарихий касса/Пер. с рус./ – Т.: Адолат, 1999. – 320 б.

³ Чжан Тинъю. Мин ши. – Пекин: Чжунхуа шуцзюй, 1974. – 8637 頁 Yè бет) 張廷玉。明石。——北京：中華書局，1974。Zhāngtíngyù。Míngshí。——Bèijīng: Zhōnghuá shūjú, 1974.- 8637頁 Yè (бет), Сун Лянь. Юань ши. – Пекин: Чжунхуа шуцзюй, 1975. – Б. 986. (2899 頁 Yè бет) 宋蓮。元氏。-----北京：中華書局，1975。Sòng lián. Yuán shì. - Bèijīng: Zhōnghuá shūjú, 1975. 2899頁 Yè, Edward L. Dreyer. Zheng He: China and the Oceans in the Early Ming Dynasty, 1405-1433. ., Langlois J.D. China Under Mongol Rule. Princeton, N. J.: Princeton University Press, 1981. – 481 p The Cambridge history of China: Alien regimes and border states, 907-1368. - Cambridge University Press, 1994. - 816 p., Louise L. When China Ruled the Seas: The Treasure Fleet of the Dragon Throne, 1405–1433, Oxford University Press, 1997. – 256 p.; Rossabi M. The Ming and Inner Asia // The Cambridge history of China, vol.8. The Ming dynasty 1368-1644, part 2. / ed. by Denis Twitchett and Frederick W.Mote. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – P.248; Chan, Hok-lam. The Chien-wen, Yung-lo, Hung-hsi, and Hsuan-te reigns, 1399-1435 // The Cambridge history of China, vol.7. The Ming dynasty 1368-1644, part 1. / ed. by Frederick W.Mote and Denis Twitchett. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – P.223; Mote F.W., Twitchett D. The Cambridge history of China, vol.7. The Ming dynasty 1368-1644, part 1. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – 860 p; Rajkai Z.T. The Timurid empire and the Ming China: Theories and approaches concerning the relations of the two empires (Doktori Dissertáció). – Budapest, 2007. – 212 p.

OKS SIVILIZATSIYASI NODIR MODDIY MANBALARINING GERMANIYALIK SAN'ATSHUNOSLAR TOMONIDAN O'RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI

Shaydullayev Shopo'lat Bazarovich, Tarix fanlari doktori, Termiz davlat universiteti

O'zbekiston tarixi va manbashunoslik kafedrasini mudiri

Xurramov Hayitmurod Boboqul o'g'li, Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada bronza davrida Markaziy Osiyo janubida mavjud bo'lgan Oks sivilizatsiyasining nodir moddiy topilmalarining germaniyalik tadqiqotchilar tomonidan o'rganilishi tarixshunosligi masalalari xususida so'z yuritiladi.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы историографии изучения немецкими исследователями редких материальных находок цивилизации Окса, существовавшей на юге Средней Азии в эпоху бронзы.*

***Abstract.** This article deals with the issues of historiography of the study of the rare material finds of the Oxus civilization, which existed in the south of Central Asia during the Bronze Age, by German researchers.*

Oks sivilizatsiyasining nodir moddiy madaniyati, ya'ni oltin, kumush, mis va bronzadan tayyorlangan nafis san'at namunalarini o'rganish, ularda ifodalangan tasvirlarni o'rganish Janubiy Markaziy Osiyoning bronza davrida yashagan insonlarning mifologiyasi va diniy qarashlarini o'rganish uchun eng muhim arxeologik manbalardan biri hisoblanadi. Bu manbalarni o'rganish, fanga kiritishda atoqli arxeologlar V.M. Masson, V.I. Sarianidi, I.N. Xlopin, A.A. Asqarov, T.Sh. Shirinovlarning xizmatlari kattadir.

Oks sivilizatsiyasining nodir moddiy madaniyati Hind vodiysidan Balujistongacha yoyilgan Xarappa madaniyati, Eronning Kermon viloyatida shakllangan Kermon va Jiroft madaniyati¹, Suza va Forsdagi Elam (Anshan) madaniyatlarini bilan o'xshashlik uzoq masofali savdo munosabatlari natijasidir².

Bu madaniyatlar Akkad, Yangi Shumer va Qadimgi Bobil bilan bir vaqtda, lekin undan mustaqil ravishda paydo bo'lgan, rivojlangan, alohida va gohida madaniy birlikni ham tashkil etgan. Ushbu birlik tosh va metaldan yasalgan nozik artefaktlar bilan tavsiflanadi, ular o'xshash tipologik shakllarda paydo bo'ladi va o'ziga xos ikonografiya va antropomorf va hayvon xususiyatlarini bog'laydigan aralash mavjudotlarning xarakterli tasvirlaridir. Ushbu ma'daniy birlikdan olingan barcha artefaktlar orasida gliptika uzoq vaqt davomida mustaqil rivojlanish yo'lini eng ajoyib tarzda tasvirlaydi, Qadimgi Sharqqa xarakterli bo'lgan ikonografiya Oks sivilizatsiyasi davrida o'z yakuniga yetadi.

Oks sivilizatsiyasi gliptikasi bo'yicha germaniyalik olimlar ham keng tadqiqotlarni amalga oshirgan. Silviya Vinkelman ana shunday olimlardan biridir. Uning izlanishlarida Qadimgi Sharq va Oks sivilizatsiyalari mifologisi, dini, savdo munosabatlari, gliptikasi hamda sfragistikasi chuqur tahlil qilingan³.

Muhrlar yumshoq yuzaga (loyga, gipsga) bosma qoldirish uchun yaratilgan noyob buyumlardir. Ular to'rt xil usulda qo'llanilgan bo'lib, birinchisi har xil tovarlar solingan savdo konteynerlar, qutilar, sopol idishlar yoki omborxonada eshiklarini muhrlashda ishlatilib, mulkni ifodalash, aniqrog'i tovar egasini aniqlashda qo'llanilgan. Ikkinchidan, sud jarayonlarida, savdo munosabatlarida mixxat harflarida bitilgan konvertlarni imzolash va muhrlash. Uchinchidan, shaxsni tasdiqlash,

¹ Piran, S. Objects from the Jiroft Treasury: Soft Stone and Alabaster Objects (Recovered Collection) from the Halil River Basin. Tehran: Pazineh. 2012.

² Amiet, P. L'âge des échanges inter-iraniens 3500–1700 avant J.-C. Paris: Édition de la Réunion des musées nationaux. 1986.

³ Winkelmann, S. "Transformation of Near Eastern Animal Motifs in Murghabo-Bactrian Art." In Animals, Gods and Men from East to West: Papers on Archaeology and History in Honour of Roberta Venco Ricciardi, ed. A. Perruzetto, F.D. Metzger, and L. Dirven. BAR International Series 2516. Oxford: Archaeopress, 2013. - P. 47–64. Winkelmann, S. "Trading Religions from Bronze Age Iran to Bactria." In Trading Religion: Religious Formation, Transformation, and Cross-Cultural Exchange between East and West, Dynamics in the History of Religions, ed. P. Wick and V. Rabens. Leiden: Brill, 2014. - P. 199–229.

aniqrog'i shaxsiy guvohnoma turi sifatida qo'llanilgan. Mesopotamiyada xudo, ma'bad, jamoa yoki shaharni ifodalovchi muhrlar ham bo'lgan. To'rtinchidan, muhrlar egasini himoya qilish, kasallik, ofat, o'lim kabi salbiy ta'sirlardan himoya qilish uchun, tumor sifatida xizmat qilgan.

Qadimgi Yaqin Sharq muhrlari ikki turdan iborat, biri tamg'a shaklli muhrlar va ikkinchisi silindr shaklli muhr. Tamg'a shaklli muhr yuzaga ega bo'lib, unda cheklangan rasm ifodalangan. Ularning faqat bitta yuzi va orqa tomonida tutqichi mavjud. Shu shaklli muhrlar neolit davridan ma'lum va muhrlarning eng qadimgisidir.

Silindr shaklli muhrlarning sirtiga tasvirlar tushirilgan bo'lib, u sirt ustida aylantirilganda bir xil tasvirlarning cheksiz ketma-ket ifodalarni hosil qiladi. Odatda, silindrli muhrlar uzunasiga teshilgan. Silindr muhrlar Mesopotamiyada mil.avv. IV ming yillikning o'rtalarida paydo bo'ladi. U shuningdek Xett, Suriya, Xarappa dunyosida ham mashhur.

Muhrlar barcha turdagi materiallardan tayyorlanishi mumkin, oddiy, qimmatbaho va yarim qimmatbaho toshlardan, loy, yog'och, fayans, kumush va metaldan tayyorlangan. Eng qadimgi muhrlar loy, terrakota, yog'och kabi yumshoq materiallardan yoki alebastr, xlorit va steatit kabi yumshoq toshlardan yasalgan bo'lsa, mil.avv. III va II ming yilliklarda Yaqin Sharqda qattiqroq toshlardan ham yasalgan.

Tamg'a muhrlar xalqaro fenomen bo'lgan bo'lsa, silindrli muhrlar Mesopotamiyada rivojlangan va u yerdan Eron platosi orqali O'rta Osiyo va Hind vodiysigacha tarqalgan. Ular, shuningdek, Jiroft madaniyati va Kermondagi Shahdodda kamroq miqdorda topilgan¹.

Eron platosidagi muhrlar ham, Turkmaniston janubidagi Kopettog'ining tog'li hududidagi muhrlar ham mil.avv. 2300 yildan boshlab rivojlana boshlagan va Oks sivilizatsiyasi davrida rivojlanishning eng cho'qqisiga chiqqan.

BMAK muhrlari 1960 yillar oxiri va 1970 yillarda Afg'oniston shimolida topilgandan keyingina ma'lum bo'la boshlagan. O'zbekiston va Turkmaniston janubidagi qazishmalardan uchta yangilik ma'lum bo'ldi, birinchisi muhrlar bronza davrining barcha madaniyatlariga tegishli ekanligi aniqlangan bo'lsa, ikkinchisi muhrlar Eron platosida shakllangan an'anaga tegishli, uchinchidan muhrlar son jihatidan nihoyatda ko'p va ularda afsonaviy hayvonlar, marosimlar, xudolar, atrof-muhit, flora, fauna tasvirlari ifodalangan hamda BMAK madaniyatida xo'jayinlarning ijtimoiy mavqeini ko'rsatib beruvchi muhim manbadir.

V.M. Masson va V.I. Sarianidi 1950 yillarda Qoraqum cho'lida o'tkazilgan tadqiqotlar davomida muhrlarning birinchi namunalarini kashf etgan, ammo ularning xarakterini hali tushuna olmagan². Ammo 1970 yillarda V.I. Sarianidi tomonidan o'tkazilgan yangi tadqiqotlar, I.S. Masimov, B. Udeumurovlarining Marg'iyonadagi Taip, Togolok, Adji Kuy va Kelleli vohalarida o'tkazgan tadqiqotlarida ko'plab muhrlar fanga kiritildi.

Marg'iyona muhrlarining aksariyati Gonurtepada olib borilgan 40 yillik qazishmalardan olingan. Marg'iyonadagi barcha muhrlar bugungi kunda Turkmaniston Milliy muzeyida va Ashxobodagi Davlat tasviriy san'at muzeyida, shuningdek, Mari viloyat tarix muzeyida saqlanmoqda. S.Vinkelmann Turkmaniston Madaniyat vazirligi hamda Marg'iyona arxeologik ekspeditsiyasi direktorlari Viktor Sarianidi va Nadejda Dubovalarning xayrixoh yordami tufayli ularni o'rganishga muvaffaq bo'lgan.

Ilmiy qazishmalardan olingan muhrlar bilan bir qatorda, Afg'onistonda noqonuniy qazilgan muhrlar soni ham ortib bormoqda. V.I. Sarianidi 1500 dan ortiq muhrlarni to'plagan va "Qadimgi Baqtriya va Marg'iyonaning muhrlari va tumorlari haqidagi afsonalari" asarida o'sha paytdagi qazishmalar natijasida ma'lum bo'lgan 253 ta muhr bilan birga nashr etgan³. Suzanna Bag'istoni esa Eron, Hindiston va Xitoyning barcha ma'lum bo'lgan muhrlarini o'rgangan⁴. A.Sh. Shaydullaev

¹ Winkelmann, S. "Ein neues transselamisches Siegel." *Archäologische Mitteilungen aus Iran und Turan* № 28, 1997a. – P. 135–146.

² Сарианиди, В.И. Памятники позднего энеолита юго-восточной Туркмении. Свод Археологических источников БЗ–8, IV. Москва: Наука. 1965 год. Masimov I.S. and S. Salvatori. "Unpublished Stamp Seals from the North-Western Murghab Delta." In *The Bronze Age and Early Iron Age in the Margiana Lowlands*, ed. S.Salvatori and M. Tosi. BAR International Series 1806. Oxford: Archaeopress, 2008. – P. 99–110.

³ Sarianidi, V.I. *Margiana and Protozoroastrism*. Athens: Kapon Editions. 1998a.

⁴ Baghestani, S. *Metallene Compartimentsiegel aus Ostiran, Zentralasien und Nordchina*. Rahden: VML. 1997.

esa Sopolli madaniyatining gliptika va sfragistikaga oid 100 dan oshiq manbalarini tipologik asosda o'rgangan¹. Shunday qilib, BMAK muhrlarning umumiy soni 2000 dan oshadi, bu gliptikani kulolchilikdan keyingi eng muhim artefakt turiga aylantiradi.

S.Vinkelmann gliptik materiallarga asoslanib bronza davrida Yaqin Sharq diniy simvollar tizimi Eron orqali Baqtriyaga ko'chganligini o'z tadqiqotlarida asoslashga harakat qiladi². Tadqiqotchining fikrlariga ko'ra, bronza davrida Eron platosi bo'ylab sharqda Hind vodiysigacha, shimolda Afg'oniston, janubiy Turkmaniston va janubiy O'zbekistongacha cho'zilgan hududlar aholisi o'zaro mustahkam aloqada bo'lgan. Bu yerda mil.avv. III ming yillikda yuqori darajada rivojlangan bronza davri madaniyatlari paydo bo'lgan. Jumladan, janubi-g'arbiy Erondagi proto-elam madaniyati (mil.avv. 3000-2600 yillar), Janubi-Sharqiy Erondagi Kirmon madaniyati (mil.avv. 2800-2000 yillar), Seistondagi Helmand madaniyati va Sharqiy Eron va Janubiy Afg'onistonning Qandahor hududlari (mil.avv. 3000-2000 yillar), Hind vodiysida yetuk Xarappa madaniyati (mil.avv. 2600-1800 yillar), Shimoliy Afg'oniston, Janubiy O'zbekiston va Turkmanistonda Murg'ob-Baqtriya madaniyati, bu mil.avv. 2400 yildan keyin boshlangan va mil.av. 1700 yilgacha davom etgan³.

Bular Mesopotamiya dunyosiga parallel va mustaqil ravishda rivojlangan, moddiy madaniyat va ikonografiya nuqtai nazaridan juda yuqori darajadagi bir xillikni ko'rsatadigan madaniy mintaqani tashkil etgan. Ayniqsa, bu ma'daniy birlikdagi ikki, Kirmon va Murg'ob-Baqtriya madaniyatlari arxeologik artefaktlar tipologiyasi bo'yicha ham juda kuchli o'xshashliklarga ega bo'lib, ular o'zlarining yaratgan san'atlarida ham kuchli yaqinliklarni namoyon etadi⁴.

Darhaqiqat, ikkala madaniyat ham o'xshash diniy ramzlar tizimiga ega. Kirmon madaniyati Murg'ob-Baqtriya madaniyatidan qadimiy bo'lgani va ikkala madaniyat xronologik jihatdan qisman bir-biriga to'g'ri kelganligi sababli, Kirmon madaniyati Murg'ob-Baqtriya madaniyatiga din sohasida ham ta'sir ko'rsatgan deb taxmin qilish mumkin. Bundan tashqari, ikkala madaniyat xomashyo, yarim tayyor mahsulotlar va tayyor mahsulotlarning uzoq masofali savdosi orqali ham chambarchas bog'liq bo'lgan⁵. Demak, tadqiqot dinning savdo yo'li bilan tarqalishiga yaxshi uslubiy misol bo'la oladi. Arxeologik jihatdan savdo yo'llari, savdo joylari, savdo markazlari va yo'llari bo'ylab hunarmandlar turar-joylari borligi haqida dalillar mavjud. Tovarlar va diniy

¹ Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданиятининг глиптикаси ва сфрагистикаси. ЎЗР ФА Археология институти. Диссертация автореферати. – Тошкент, 2016. 56 - бет.

² Winkelmann, S. "Transformation of Near Eastern Animal Motifs in Murghabo-Bactrian Art." In *Animals, Gods and Men from East to West: Papers on Archaeology and History in Honour of Roberta Venco Ricciardi*, ed. A. Perruzetto, F.D. Metzger, and L. Dirven. BAR International Series 2516. Oxford: Archaeopress, 2013. - P. 47-64..

³ Winkelmann, S. "Trading Religions from Bronze Age Iran to Bactria." In *Trading Religion: Religious Formation, Transformation, and Cross-Cultural Exchange between East and West, Dynamics in the History of Religions*, ed. P. Wick and V. Rabens. Leiden: Brill, 2014. - P. 199-229.

⁴ Pierre Amiet, *L'âge des échanges inter-iraniens: 3500-1700 avant J.-C.* (Paris: Ministère de la culture et de la communication, ed. de la Réunion des musées nationaux, 1986); Sylvia Winkelmann, "Southeast-Iranian Elements on the Bactrian Iconography," in *South Asian Archaeology 1995*, eds. B. and F.R. Allchin (Cambridge: Oxford & IBH Publishing Co., 1997). – P. 265-277; Sylvia Winkelmann, "Bemerkungen zum Grab 18 und den Silbernadeln von Gonur depe," *Archäologische Mitteilungen aus dem Iran* 30, 1998. – P. 1-16; Sylvia Winkelmann, "Ein baktrischer Edelmetallhortfund und noch einmal zur Frage der Quellen baktrischer Compartimentsiegel," in *Intercultural Relations between South and Southwest Asia: Studies in Commemoration of E.C.L. During Caspers (1934-1996)*, eds. E. Olijdam and R.H. Spoor. London: Archaeopress, 2008, - P. 184-199.

⁵ Lamberg-Karlovsky, C. C. "Urban Interaction on the Iranian Plateau: Excavations at Tepe Yahya 1967-1973," *Proceedings of the British Academy* № 59, 1973. – P. 283-319; Lamberg-Karlovsky, C. C., "Third Millennium Modes of Exchange and Modes of Production," in *Ancient Civilizations and Trade*, eds. J.A. Sabloff and Carl C. Lamberg-Karlovsky. Albuquerque: University of New Mexico Press, 1975, - P. 341-368; Carl C. Lamberg-Karlovsky and Maurizio Tosi, "Shahr-i Sokhta and Tepe Yahya: Tracks on the Earliest History of the Iranian Plateau," *East & West* № 23, 1973. – P. 21-53; Giuseppe Tucci, *La citta' bruciata*. Venezia, Erizzo, 1977; Kohl, P. "The Archaeology of Trade," *Dialectic Anthropology* I. 1975. – P. 43-50; Philip Kohl, *Seeds of Upheaval: The Production of Chlorite at Tepe Yahya and an Analysis of Commodity Production and Trade in Southwest Asia in the Mid-Third Millennium*. Cambridge: Unpublished Dissertation, 1974. Philip Kohl, "The Balance of Trade in South-western Asia in the Third Millennium," *Current Anthropology* № 19. 1978. – P. 463-492; Shereen Ratnagar, *Encounters: The Westerly Trade of the Harappan Civilization*. New Delhi: Oxford University Press, 1981.

buyumlar, balki diniy g'oyalarni ham bir mintaqadan ikkinchi hududga tarqatgan savdogarlar haqida ham ma'lumotlar mavjud.

Ushbu nazariyani isbotlash uchun birinchidan, Oks sivilizatsiyasida Eron xudolari, qahramonlari yoki aralash mavjudotlar uchrashini asoslab berish, ikkinchidan bu mintaqalarda bir xil diniy marosimlar yoki ibodatxonalar mavjudligini o'rganish, uchinchidan bir xil ramzlarning mavjudligiga e'tibor berish, to'rtinchidan xudolarni qabul qilish yoki o'zgartirishning biron bir shakli sodir bo'lganligi, ya'ni xudolar yoki mavjudotlar yangi tashqi ko'rinish va funksiyaga ega bo'lganini asoslash, beshinchidan xudolar tavsifida xronologik uzluksizlik yoki uzilishlar mavjudligini ko'rsatib berish lozim bo'ladi.

Bu savollarga javob berish uchun Janubi-sharqiy Eron va Baqtriyaning moddiy madaniyatini tahlil qilishga to'g'ri keladi. Bu borada xudolar, aralash mavjudotlar, harakatdagi qahramonlar, afsonaviy hayvonlar va marosimlarni aks ettiruvchi, tasvirlarga boy gliptika namunalari qo'l keladi.

Kirmon madaniyatining diniy ramzlar tizimi xloritdan yasalgan idishlarda, shuningdek muhrlarda aks etgan. Kamroq darajada bo'yalgan sopol idishlarda, to'qnog'ich boshlari va kichik haykallarda ifodalangan.

Muhokama qilinishi kerak bo'lgan eng qiziqarli fikrlar uch xil bo'lib, birinchisi, Eron va shimoliy Mesopotamiyada diniy ramzlar neolit yoki eneolit davri yodgorliklarida qayd etilgan. Ular neolit davrining qisqa motivlardan Kirmon madaniyatida davriga xos bo'lgan to'liq tasvirlangan shaklga qadar evolyusion rivojlangan. Ikkinchidan, Kirmon madaniyatida antropomorfik shakldagi xudolarning to'liq rivojlangan tasvirlari xarakterlidir. Uchinchidan, mil.avv. III ming yillikning boshlaridan turli usullarda tasvirlangan ayol xudolariga bag'ishlangan badiiylashgan asarlar mavjud. Ta'kidlash zarurki, biron bir erkak ilohiyli haqida aniq dalillar mavjud emas.

Oks sivilizatsiyasining diniy ramzlar tizimi Erondan topilgan manbalardan biroz farq qiladi. Diniy ramzlar muhrlarda, shuningdek, kundalik hayot buyumlarida, qabr buyumlari sifatida qo'llanilgan shtamp va silindri muhrlarda namoyon bo'ladi va eng xarakterli jihati ular qisqa tasvirlarda ibodalanganligi bilan xarakterlanadi. Ko'p xollarda bitta motiv yuqori ramziy ma'noga ega bo'lgan. Xuddi shu an'ana majoziy boshli to'qnog'ichlarga ham xarakterlidir.

Ushbu topilmalarning aksariyati Afg'oniston va Marg'iyonadagi ilk va o'rta bronza davriga oid bo'lib, xronologik davri mil.avv. 2400 va 1800 yillarga tegishli.

Eslab o'tgan manbalarning tahlili shuni tasdiqlaydiki, ular Eron xudolari bilan ko'plab umumiy xususiyatlarga ega. Eron xudolari bilan har jihatdan bir xil bo'lgan juda ko'p ayol xudolar va aralash mavjudotlarni topamiz. Bu o'xshash yoki bir xil semantik ma'noga ishora qiluvchi motiv ichidagi pozitsiyaga ham tegishli.

Eronda bo'lgani kabi, Baqtriya muhrlarida xudolar panteoni bor, ular asosan shtamp muhrlarda ifodalangan ma'budalardan iborat bo'lib, tik turgan yoki o'tirgan, uzun yubka va tor beli va qo'llari bir-biriga bog'langan nozik ayol kabi ko'rinishda, janubi-sharqiy Eron ma'budalariga chambarchas mos keladi. Ularning atributlarida xudolari bilan bog'liq bo'lgan bir xil hayvonlarni ko'ramiz, jumladan, ilonlar, yirtqich qushlar, mushuksimonlar oilasiga mansub sher va yo'lbarslardir. Bundan tashqari, ko'plab ma'budalar qanotlar bilan, ikki boshli qilib bezatilgan¹. Ilonlar tasviri Sopolli madaniyati gliptikasida ham asosiy motif bo'lib, u gliptikada har xil shakllarda, gohida dunyo hukmdori, gohida kulfat keltiruvchi qora kuch, gohida esa tabiatning eng nozik, eng nafis mavjudoti - gullar bilan birga ifodalangan, bu qadimgi xalqlar dunyoqarashlarining kengligidan, ruhiy dunyosining rang-barangligidan dalolat beradi². Ohular yelkasidan chiqqan, soqolli va shoxli sher-ajdaho ustida o'tirgan va ilonlar bilan o'ralgan ma'buda Kermon hududida tarqalgan ma'budalarning aniq analogidir³. Eron va Baqtriya san'atining o'ziga xos xususiyatlariga ega

¹ Sarianidi, V.I. "The Bactrian pantheon," UNESCO Information Bulletin № 10. 1986. – P. 5–20, fig. 1, 12, 14; Sarianidi, V.I., Myths of Ancient Bactria and Margiana on its Seals and Amulets. Moscow: Pentagraphics, 1998, no. 24, 34, 37, 40. Iranian antecedents: Win-kelmann, "Heimkehr," fig. 3 d, e; Amiet, L'âge, fig. 71, fig. 183.

² Шайдуллаев, А. Сополли маданияти глиптикаси ва сфрагистикаси. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Тошкент, 2017.109-бет.

³ Amiet, L'âge, fig. 71. Bactria: Marie-Helene Pottier, "Un cachet en argent de Bactriane," Iranica Antiqua № 15, 1980. – P. 167–174, pl. 1.

bo'lgan silindrlı muhrda qanotli sher ajdahoning dumida tug'o tutgan shoxli ma'buda o'tiribdi. Qanotli, shoxli va soqolli sher-ajdah Gonurning devor mozaikasida ham uchraydi, lekin boshqa joylarda qanotli sher, qanotli burgut, ilon dumli qanotli arslon, ba'zan odam boshli qanotli sher sifatida tasvirlangan. Bular Baqtriya ma'budalarning hayvonlaridan tashkil topgan aralash zoomorf mavjudotlarning yangi shakllaridir¹.

Baqtriya va Eron diniy ramz tizimlarining bunday ajoyib uyg'unligi mil.avv. III ming yillikdagi iqtisodiy va siyosiy o'zgarishlar bilan bog'liq. Ilk va o'rta bronza davrida Eron platosi va O'rta Osiyoda yirik siyosiy tuzilmalar paydo bo'ladi, ular o'rta va uzoq masofali savdning keng tarmog'i, tabiiy resurslardan umumiy foydalanish va qayta ishlash va ixtisoslashgan hunarmandchilik darajasi ortib borishi bilan xarakterlanadi. Ayniqsa, mis va qo'rg'oshin, yog'och va ko'mir, minerallar kabi asosiy metallarning ekspluatatsiyasi, shuningdek, oltin, kumush, qimmatbaho va yarim qimmatbaho toshlar kabi hashamatli buyumlar uchun materiallarga talabning ortishi Eron, Mesopotamiya bilan aloqalarning faollashishiga olib kelgan. Ayniqsa, Afg'oniston va O'rta Osiyo konlaridan olinadigan oltin, kumush va lapis lazuliga bo'lgan ehtiyojning ortib borishi mil.avv. 2400 yillarda Baqtriya madaniyatining rivojlanishiga va gullashiga olib kelgan, mahsulotlar Mesopotamiya va Misrgacha sotilgan. Natijada, Baqtriya va Marg'iyonada Kirmondan kelayotgan diniy va mifologik idroklarni o'zlashtirishga yuqori moyilligi bilan ajralib turadigan trans-madaniy tizim vujudga kelgan.

Germaniyalik olim S.Vinkelmanning yuqorida keltirib o'tgan Kirmon va Baqtriya gliptikasida ifodalangan diniy ramzlar tadqiqotlariga asoslanib quyidagi xulosalarga kelishimiz mumkin:

1. Ikkala mintaqa ham bir xil yoki o'xshash xudolar, aralash mavjudotlar va mifologik motivlardan iborat o'xshash simvollar tizimiga ega bo'lgan;

2. Ikkala mintaqada ham bir xil yoki o'xshash atributlarga ega bo'lgan ayol xudolardan iborat panteonni topamiz. Ko'pgina Baqtriya ma'budalarining Eronning janubi-sharqiy qismida tarqalganligi ma'lum, ammo Eron ma'budalarining ayrim shakllari hozirgacha Baqtriyada topilmaganligi hayratlanarlidir;

3. Ikkala mintaqada ham harakat qilayotgan hayvon boshli odam, aralash mavjudotlar (qush-odam, buqa-odam) kabi bir xil mifologik motivlarni uchratamiz.

4. Qadimgi davrlar bilan xronologik uzluksizlik bor. Ko'plab xudolar, shuningdek, hayvon boshli aralash mavjudotlar an'anasi eneolit davriga borib taqaladi.

5. Odamning osmonga uchishi haqidagi bir xil afsona ikkala mintaqada ham mavjud bo'lgan.

6. Tafovutlar tasvirlar ifodalangan har xil moddiy madaniyat turlarida mavjud bo'lib, Baqtriya va Marg'iyona qabrlarida zoomorf haykalchalarning uchrashi, gardishlariga har xil hayvonlar terrakotasi qo'yib ishlangan hashamatli idishlarda, to'qnogich boshlari shakli va tasvirlardan farq qiladi. Undan tashqari Baqtriyada qisqartirilgan motivlari xarakterli bo'lib, ko'proq yakka rasmlı tasvirlar ifodalangan va to'liq shakl o'rniga ma'budalarning ikonik atributlari yoki ko'rinishlari tasvirlangan. Bu Baqtriya san'atiga juda ramziy xarakter bag'ishlagan.

7. Baqtriya-Marg'iyona tasviriy san'atida Kirmonga xos bo'lgan an'anaviy gliptikada yangi hayvonlar tasviri paydo bo'ladi, ularda har xil turdagi mahalliy hayvon tasviri qo'llaniladi.

8. Hayvonlarga qanot berish orqali mifologik va diniy tasvirlar o'zgartiriladi, aralash zoomorf mavjudotlarning yangi shakllari yaratiladi.

9. Ma'budalar, ularning atributi hisoblangan hayvonlarning tashqi ko'rinishidagi o'zgarishlar misolida diniy tasavvurlarning, xudolarning vazifasi va ahamiyatining o'zgarganligini anglashimiz mumkin.

10. Baqtriya va Marg'iyonada ba'zi aralash mavjudotlar tasviri va motivlar o'z ahamiyatini yo'qotadi, jumladan yalang'och ayollar tasviri, boshqalarining esa ahamiyati oshib ketadi (qush-odam). Shuningdek, Baqtriyada maymun-odam tasviri uchramaydi, uning o'rniga o'xshash yangi aralash mavjudotlar yaratiladi.

¹ Sarianidi, V.I. Gonur-Depe, City of Kings and Gods. Ashgabat: Turkmenöwlethabarlary. 2005.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Тошкент давлат шарқшунослик институти Т.ф.д. профессор., М. Исмоков
Ажиниёз номидаги НДПИ «Тарих ўқитиш методикаси» кафедраси
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти, А.Абдуллаев .

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада, Абу Райхон Берунийнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси, айрим асарларининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Жаҳон илму-фанининг, маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлиги алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга Абу Райхон Беруний ижодини янада кенгроқ ўрганиш кенг халқ оmmasига ҳам эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: *Кат, давлат, сиёсат, Ўрта Осиё, Беруний, Хоразм, аср, афригийлар, Марказий Осиё, Урганч, Сўғд, Европа, минерология, астрология.*

РЕЗЮМЕ. В данной статье раскрывается вклад Абу Райхана Беруни в цивилизацию, суть некоторых его произведений. Подчеркивалось, что он внес большой вклад в развитие мировой науки и культуры. В то же время более широкое изучение творчества Абу Райхана Беруни также ориентировано на широкую общественность.

Ключевые слова: *Кат, государство, политика, Средняя Азия, Беруни, Хорезм, век, афригийцы, Средняя Азия, Ургенч, Согд, Европа, минерология, астрология.*

SUMMARY. In this article, the contribution of Abu Rayhan Beruni to civilization, the essence of some of his works is disclosed. It was emphasized that he made a great contribution to the development of world science and culture. At the same time, a broader study of Abu Raykhan Beruni's work is also focused on the general public.

Key words: *Kat, state, politics, Central Asia, Beruni, Khorezm, century, Africans, Central Asia, Urganch, Sogd, Europe, mineralogy, astrology.*

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан кейин барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Шу жумладан, жаҳон цивилизациясига ўзларининг катта ҳиссасини қўшган буюк аждодларимиз меросини ўрганишга ҳам эътибор ортди. Айниқса, ҳозирги кунда ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, улар тафаккурида ўзига ишонч ва шижоат уйғотишда маънавиятимизни юксалтириш, ўтмишдаги моддий ҳамда маданий бойликларни чуқур ўрганиш, тарғиб этиш ниҳоятда муҳимдир.

Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биринчи Президент И.Каримов айтганидек, биз фан ривожини учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райхон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср аввал айтган фикрини эслатмоқчиман: «Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади»¹. Жаҳон фанида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ажойиб элдошимиз қомусий олим ҳақида биз ҳалигача тўла маълумотга эга эмасмиз. Ҳолбуки, Берунийдек улғун алломалар ҳамиша ва ҳамма халқлар орасидан ҳам етишиб чиқавермайди. Улғун аждодларимиз яшаб ўтган энг қадим давр тарихини ўрганар эканмиз, биз учун қутилмаган, хайратланарли, аммо жаҳоншумул аҳамиятга эга маълумотларга дуч келаверамиз.

Янги Ўзбекистоннинг ҳаётбахш шаббодалари ўзлигини таниётган, буюклик сари дадил интилаётган юртимизга кун сайин бир-бирдан қувончли, тарихий ва унутилмас янгиликлар, ажойиб воқеликлар бахш этмоқда. Бугун етти иқлимни жалб этган Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллик тўйи ҳам ана шундай воқеликлардан биридир.

Юнеско Ижроия Кенгаши 2021 йил апрел ойида бўлиб ўтган 211-сессиясининг буюк аллома Абу Райхон Беруний туғилган кунининг 1050 йиллигини халқаро миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги Қарори ва 2022 йил 25 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг 1050 йиллигини халқаро миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан, Абу Райхон

¹ Биринчи президентимиз И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1998 й. Т. «Шарқ» нашриёти. 26.б.

Беруний илмий-маърифий меросини янада чуқур ва кенг миқёсда тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан улуғ алломага бағишланган мажмуа барпо этиш, форумлар, кўргазмалар ташкил этиш, кўлёмалар ва бошқа материалларни реставрация қилиш, асарларини қайта нашр этиш режалаштирилган¹.

Ўрта асрнинг буюк комусий олими Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний 973 йил 4 сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида туғилди. Айрим манбаларда Берунийни Кат шаҳрининг ташқарисида туғилган, шу сабабли уни “Беруний”, яъни “ташқарилик” деган тахаллус билан ҳам аташган.

Беруний ёшлигиданоқ илм-фанга бўлган қизиқиши ортиб борган. Беруний кейинчалик машҳур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ кўлида таълим олди. Ибн Ироқ астрономия, геометрия, математикага оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Олимга бағишлайди. Беруний она тилидан ташқари яна бир қанча тилларни: араб, сўғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яхудий тилларини, кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганади.

Беруний инсон ва олим сифатида танилган дастлабки давр X асрнинг охири XI асрнинг биринчи ярми эди. XI асрнинг бошларида, аниқроғи 1017 йилдан бошлаб, Махмуд Ғазнавийнинг Хоразмни босиб олиши бошланади. Бу даврда бутун Ўрта Осиёнинг сиёсий ҳаётида ижтимоий тўқнашувлар, феодал урушлар бошланган. Аммо бундан олдинги ўн йилликлар давомида Хоразм иқтисодий томондан тез юксалган эди. VIII асрнинг бошларидаёқ бу шаҳарлардан энг асосийси Кат шаҳари бўлиб, манбаларда кўпинча Хоразм деб аталиб келган ва у хоразмшоҳлар африғийлар қадимги династиясининг пойтахти бўлган².

Улуғ олимнинг астрономия ва математикага оид мероси яхшироқ сақланган. Олимнинг аксариат асарлари араб тилида ёзилган. Олимнинг «Минерология» асарида тилшуносликка оид маълумотлар ҳам кўплаб келтирилган; Беруний баъзан тошларнинг форсча, лотинча номларини келтириб, бу номларга изоҳлар беради³. Бу билан Беруний кончилик илмига асос солган.

Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, у Хоразмда яшаган даврида, 990-йиллардан бошлаб Кат шаҳрида муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. 22 ёшидан Каспий денгизининг Жануби-Шарқий соҳилидаги Журжон шаҳрида яшайди. Сўнг қадимги Рай шаҳрига боради, 998 йилдан кейин яна Журжонга келади ва бу ерда ўзининг иккинчи устози табиб, астроном, файласуф Абу Саҳл Исо Масихий билан танишиб, ундан таълим олади. Беруний «Осор-ул-боқия анил-курунил-холия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини Журжонда ёза бошлаган ва 1000 чи йилда тамомлаган. «Осор-ул-боқия» Берунийга жуда катта шухрат келтирди, уни фаннинг ҳамма соҳасига қизиқувчи буюк олим эканини кўрсатади. Бу асар катта шухрат қозониб, Беруний 27 ёшидаёқ йирик олим сифатида эътироф этилди. «Осор-ул-боқия»нинг «Пайғамбарликга даъво қилган кишилар ва уларнинг алданган умматлари — уларга оламлар эгасининг лаънати бўлсин — тарихлари устида сўз» бобида исломдан олдинги замонлар ва ислом даврида пайғамбарлик ёки худолик даъво қилган кишилар ҳақида маълумот берилган. Асарнинг Муқаннага бағишланган қисми қисқача. Чунки Беруний Муқанна ва унинг тарафдорлари ҳақидаги батафсил маълумотларни бундан олдин ёзилган «Оқ кийимлилар ва карматийлар ҳақида хабарлар» китобида баён этганини таъкидлайди. Афсуски, бу асар бизгача етиб келмаган.⁴

Бундан ташқари, Олим Журжонда астрономия, метеорология тарихига оид 10 дан ортиқ асар ёзади. Беруний Хоразмнинг янги ҳукмдори Абу Аббос Маъмун II ибн Маъмун томонидан мамлакатнинг янги пойтахти Урганчга чақиртирилади. Беруний Хоразмшоҳ

¹ <https://Lex.uz>.

² М.А.Салъе. Абу Райхон Беруний . Илм-фан классиклари Т.1960 й. 10.б.

³ М.А.Салъе. Абу Райхон Беруний . Илм-фан классиклари. Т.1960 й. 46, 68.б.

⁴ Ш.Улжаева. Муқанна ҳақида.2019. 22 август. Интернет маълумотлари.

томонидан жуда катта иззат-икром билан қабул қилинган. Беруний Урганчда Маъмуннинг бевосита раҳнамолигида вужудга келган илмий марказда фаолият кўрсатади. Олим шоҳ Маъмун II нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакатнинг сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашади.

Тарихшунослик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида олимнинг асарлари билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин, француз, италян, немис, инглиз, форс, турк ва бошқа тилларга таржима этила бошланди. Ўзбекистон олимларидан У.Каримов, С.Олламов, М.Исҳоқов, Ў.Бекбаулов, М.Федеров, М.А.Салье, П.Шермухамедов, А.Расулов, О.М. Акрамхўжаев, А.Зиё, А.Ирисов, Б.Абдуҳалимов ва бошқалар, Осиё олимларидан С.Х.Наср, М.Козим, С.Бараний, М.Низамуддин, Ш.Ялтқай ундан ташқари Европалик олимлардан Ж.Рено, Э.Захау, Г.Зутер, Э.Видеман, К.Наллино, Ж.Сартон, Р.Райт, Г.Матвеевская, А.Венгеро, Б.Розенфельд, Г.Шроммайер, М.Хайруллаев М.Меерхоф кабиларнинг китоблари, таржималари нашр этилган. Бу тадқиқотчилар Беруний ижодига эътиборнинг юқорилигини кўрсатади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Беруний ижодини ўрганишда профессорлар Б.Каримов, Б.Раҳманов, ёш олимлардан А.Алламберганоўларнинг ўрни жуда каттадир.

Берунийнинг фалакиёт соҳасидаги хизмати айниқса, каттадир. Олим астрономия масалалари билан ҳам жуда кўп шуғулланар эди. Ўзининг астрономик кузатишларига асосланиб Беруний осмон экваторига Қуёш эклиптикаси оғишининг катталиги ($23^{\circ} 34'$) ва эклиптика оғиши узунлигининг асрий ўзгаришларини белгилашда, Қуёш апогеяси (авжи) узоқлигини аниқлашга қадимий ва ўзига замондош бўлган астрономларга қараганда анча аниқ натижаларга эришган. Олим 1029 та юлдузнинг координатлари ва юлдуз катталиклари қайд этилган юлдузлар жадвалини ҳам тузган¹. Олим ўз замонасининг улкан математикларидан бири эди.

Бироқ Берунийни нафақат қуёш тутилиши қизиқтирарди. У ерда ва осмонда содир бўлган ҳамма нарсани билишга интиларди. Қолаверса, бирор нарсани билиб, иккиланмай, одамларнинг олдига борар нима учун у ёки бу нарсани билиш кераклигини тушунтирарди, содда тушунтирарди, шунда тинглаганларга осмон ва ер билан чамбарчас боғлиқ бўлган номаълум сирлар очиларди. Агар келаси йил қуёш ерга яқинроқ бўлади десак, курғоқчиликни кутамиз. Демак, ариқ ва каналларни яхшилаш керак². Албатта, бу ва бошқа сирларни билиш осон емас.

Маълумки, Ал Беруний, Носириддин Тусийлар бошланғич меридианни тузиб чиққан шаҳарлар Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Қуддус, Қоҳира, Урганч, Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарлардан то Қурдобагача борганди. Биламизки, Қурдоба Испанияда, араблар Испанияни босиб олган даврларда вужудга келган халифалик шаҳри. Ал Беруний ва Тусийлар тузиб чиққан бошланғич меридианлар Гринвич меридианидан анчагина фарқли бўлиб чиқдики, бу улар Христофор Колумб Американи очмасидан олдин «Янги дунё» ҳақида билишган, деган иддаони беради. Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Тусий Ал Берунийдан жуда кўп нарсаларни ўрганганини айтиб, унга юксак баҳо берган ва шундай экан, биринчи иддао Ал Берунийга бориб тақалади.

Ўзидан етти аср аввал кашф этилган Кратес глобусига қараганда асбобнинг афзаллик томонлари жуда кўп эди. Беруний яратган Кат глобусида битта белги бор, орқа кенгликдаги денгиз ўртасида кафтдек курғоқ материкнинг шакли-шамойили кўзга ташланади. Глобуснинг афсонасида³ ушбу координатда Осиё куруқлигининг бўғоз орқали ажралиб турадиган, бироқ инсон қадами етмаган куруқликдан иборат материк бор. Ушбу материка ҳам етиб борувчи Мафанналар⁴ топилиб қолар деб ёзиб қўйди. Глобус ҳақида фикрини хулосалаб яна «Муайян маконда туриб махсус ҳисоб-китобга таянган ҳолад ҳоҳлаган бир материкни аниқ

¹ С.Олламов.Берунийнинг маънавият боғи. Т. 2011 й. «Тафаккур қаноти».13 б.

² Бекбаулов. У. Аль-Беруни. Изд.»Каракалпакстан» Нукус-1984 г.208-209 б.

³ Афсона-географик атама сифатида харитага ёки глобусга берилган изоҳни англатади.

⁴ Мафанна X асрда Сирафдан Хитойгача бўлган масофани сувда сузиб ўтган аквалент, денгизда сузувчи.

координатларда кўрсатиш мумкин» деган ёзувни битади¹. Берунийнинг ўз қўли билан яратган глобуси афсонаси географ олимларнинг энг сўнги йилларда қўлга киритган янги маълумотларини акс эттиради. Кафтдек кўринадиган материкнинг ҳозирги АҚШ эканлигини тан олмоқдалар. Беруний ўз глобусида бу материкларга ҳам ўрин ажратган.

Берунийнинг ўзидан олдин яшаган географлардан, жумладан Птоломей ёки Страбондан ажралиб турадиган фарқи шундаки, у ўзининг мустақил изланишлари асосида дунё мамлакатлари жойлашган координатларининг жойлашуви ҳайрон қоларли даражада аниқ ва мукамалдир.

Нью-Йорк штатида жойлашган Миддлтаун археологик тадқиқотлар марказининг собиқ директори Салвадор Майкл Трентонинг тадқиқотларига кўра, Колумб Америкага қилган сафарида Рожер Беконнинг географияга оид асарини ёнида олиб юрган. Беконнинг бу асари эса Беруний, Хўжандий, Тусий асарлари ва бир қанча араб манбаларининг маълумотлари асосида ёзилган. Бундан ташқари, Беруний шунчаки бошқа тиллардаги асарларни она тилигина эмас, она тилидаги манбаларни бошқа тилларга ҳам таржима қилгани ва унинг бу ёзувлари Андалусия (ҳозирги Испания)га қадар етиб боргани ҳақида етарли фактлар мавжуд. Христофор Колумб Америкага сафар қилганидаёқ моддий ашёларни топаркан, Гаитида бу ерда олдин Осиёликлар бўлганини билиб бўлганди. Тринидадда ҳам худди шундай бўлди. Гаити ва Тринидадда топилган ашёлар, қуроллар ва матолар VIII асрда Испанияни ишғол этган арабларга тегишли эди. Тринидадда аҳолисининг ахлоқ нормалари эса мусулмонча эди.

— Американинг 565 та яшаш минтақаси ва географик жойлари номи арабча ёзилган. Улар Колумбдан олдин шундай номланарди. Ҳатто ҳиндуларнинг апачи, могиқан, хохокам ва бир нечта гуруҳларининг номлари арабчадир.

Колумб Беатрис Боабадиля билан оила қурган. Боабадиля (Абу Абдулладан келиб чиққан) араблардан бўлган. Колумб Сан-Салвадор номини берган оролнинг олдинги номи “Туанахан” (арабча “Ихвана”дан олинган бўлиб, «қардошлик» маъносини беради) эди. Колумбнинг ўғли отаси Гондурасда кўрган араб ҳиндулари ҳақида ҳам ёзган. Уларнинг гуруҳи Алмамилар бўлиб, Ал-Имомдан келиб чиққан. Колумб илк бор бу ерни мусулмонлар очган бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи далиллар билан тўқнашган жой Гаити эди ва негадир кейинги оролга бориб, яна ортга қайтгунигача Гаитида қолган экспедиция аъзолари, ўнлаб гувоҳлар ғойиб бўлганди. Колумб уларни ҳиндулар ўлдирганлигига Испания қиролини ҳам ишонтирган.

Хуллас, Колумб Америкага сафарга чиққанида ўзи билан Берунийнинг қарашларини ҳам олиб кетгани аниқ. Бир сўз билан айтганда, испанларнинг эркатойи бўлган Колумб Шарқ алломаларининг барча қимматли кашфиётлари ва манбаларини ўзиники қилмоқчи эди, холос. Аслида, у тамаки чекишни ихтиро этишдан бўлак нарса қолдирмаган.

Беруний ўз асарлари рўйхатини тузгандан кейин яна иккита муҳим китобини ёзган. Булардан бири «Минералогия»дир. Бу рисола ўз замонаси учун Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ҳатто Оврўпода ҳам минералогия соҳасида энг яхши, тенги йўқ асар ҳисобланади. Олимнинг охириги асари «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб»ининг қўлёзмаси XX асрнинг 30-йилларида Туркияда топилди. Асар «Сайдона» номи билан машҳур, унда Беруний Шарқ, айниқса, Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тўла тавсифини берган эди.

Олим сўнги авлодларга катта илмий мерос қолдирди. Чунки Берунийнинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум. Юқорида кўрсатиб ўтилган катта ҳажмдаги асарларидан ташқари астрономия, астрология, математика, геодезия, геология, минералогия, география, арифметика, тиббиёт, фармакогнозия, тарих, филология масалаларига оид қатор рисоалар яратди ва санскрит тилидан арабчага, араб тилидан санскрит тилига таржималар қилди, бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб шеърлар эди. «Астрологияга кириш», «Астрономия калити», «Жонни даволовчи қуёш китоби», «Икки хил ҳаракатнинг зарурлиги

¹ Ў.Бекбаулов. БЕРУНИЙ. Тошкент. 2006 йил.37 б.

хақида», «Кўпайтириш асослари», «Птолемей «Алмагест»нинг санскритчага таржимаси», «Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар», «Фарғоний «Элементлари»га тузатишлар», «Турклар томонидан эҳтиёткорлик», «Оқ кийимлилар» ва карматлар ҳақида маълумотлар», «Шеърлар тўплами», «Ал-Муқанна ҳақидаги маълумотлар таржимаси», «Ибн Сино билан ёзишмалар» шулар жумласидандир.

Буюк олим ер юзасининг ҳар бир қисми ўзининг узоқ тарихий тараққиётига эга эканлигини қайд этади. Марказий Осиёнинг баъзи бир минтақалари, шу жумладан, Амударё водийсининг геологик ривожланишини биринчи марта жиддий ўрганишга ҳаракат қилган ҳам Берунийдир. Унинг Амударё водийсининг геологик ўтмиши ва Орол денгизининг пайдо бўлиши ҳақидаги хулосалари ўша замоннинг энг муваффақиятли геологик таҳлилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Олим «Денгизлар курукликка, курукликлар эса денгизга айланади» деган назарияга суянади. Олимнинг фойдали қазилмалар қатламининг пайдо бўлиши, жинслар емирилишининг аҳамияти, тоғ жинсларининг нураши кабилар ҳақидаги хулосалари катта илмий аҳамиятга эгадир. У тоғларнинг пайдо бўлиши ва йўқ бўлиб кетиши табиий омиллар асосида юз беришини талқин этувчи назарияни олға суради. Беруний Аристотелнинг натурфилософияси билан бевосита шуғулланиши натижасида Аристотель қарашларига танқидий ёндашиб, ҳатто заиф томонларини танқид этиш даражасига бориб етди¹.

Биз Иссак Ньютон, Альберт Эйнштейн сингари улуғ алломаларнинг илм-фан соҳасидаги қилган буюк ҳизматларини тан олган ҳолда бутун дунёни лол қолдирган оламнинг тортишиш қонуни, нисбийлик назарияси сингари илмий ихтироларнинг фан оламида тутган ўрнини камситмаган ҳолда бир чин сўзни айтиш лозим. Шарқ ва Ғарбда, Шимол ва Жанубда очилган илмий-назарий кашфиётларнинг илк тамал тошлари буюк аллома Абу Райхон Беруний томонидан қўйилган ва «асослари» топилган. Агар биз бу ҳақиқатни кечикиб бўлса ҳам тан олсак асрлар давомида унутилиб келинган ҳақиқат ўз жойида қарор топган бўлади².

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абу Райхон Беруний томонидан олам тузулишининг геоцентрик ва гелиоцентрик манзаралари баравар эътироф этилиши «араб» олимлари ўртасида ҳукм сурган Птоломей таълимотига нисбатан олға ташланган катта қадам бўлди. Шарқий Европа геграфияси ва этнографиясини ишлаб чиқиш, мусулмон Шарқ мамлакатларини славянлар билан ҳамда Шарқий Европанинг бошқа ҳалқлари билан таништириш ишига Беруний каби буюк даҳо катта ҳисса қўшди, деб бемалол айта оламиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Биринчи президентимиз И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 1998 й. Т. «Шарқ» нашриёти. 26.б.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев. «Юнеско» 2021 йил апрель.
3. М.А.Салье. Абу Райхон Беруний . Илм-фан классиклари Т.1960 й. 10.б.
4. М.А.Салье. Абу Райхон Беруний . Илм-фан классиклари. Т.1960 й. 46, 68.б.
5. Ш.Улжаева. Муқанна ҳақида.2019. 22 август. Интернет маълумотлари.
6. С.Олламов.Берунийнинг маънавият боғи. Т.2011й.«Тафаккур қаноти».13 б.
7. Ў.Бекбаулов. БЕРУНИЙ. Тошкент. 2006 йил.37 б.
8. П.Шермухамедов. Даҳонинг туғилиши ёхуд АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ қисмати. Т. 2009 й. «Voris-nashriyot» й. 308 б.
9. Бекбаулов. У. Аль-Беруни. Изд.»Каракалпакстан» Нукус-1984 г.208-209 б.
10. [https:// e-tarix.uz](https://e-tarix.uz),
11. <https://Lex.uz>.

¹ [https:// e-tarix.uz](https://e-tarix.uz),

² П.Шермухамедов. Даҳонинг туғилиши ёхуд АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ қисмати. Т. 2009 й. «Voris-nashriyot» й. 308 б.

SOHIBQIRON AMIR TEMUR VA XITROY(MIN) DAVLATI TARIXINI O'RGANISHDA OID MANBALAR VA MANBAVIY AHAMIYATGA EGA ADABIYOTLAR XUSUSIDA

Kenjayev Sardor Nurmurod o'g'li, Buxoro Pedagogika Instituti "Ijtimoiy fanlar" kafedrası o'qituvchisi

Anotatsiya. Ushbu maqolada *Sohibqiron Amir Temur va Xitroy(Min) davlati tarixini o'rganishda oid manbalar va manbaviy ahamiyatga ega adabiyotlar xususida fikr yuritilgan.*

Kalit so'z: *Diplomatiya, savdo-sotiq, elchilik, elchi-savdogar, elchi-sayyoh, Movarounnahr va Min.*

Amir Temur va temuriylar davrida yaratilgan tarixiy manbalarda va keyingi davr tadqiqotlarida ham bu mavzuning ayrim masalalari o'z ifodasini topgan. Shu paytga qadar yozilgan asarlar ularning davriy, hududiy tamoyillariga ko'ra to'rt guruhga bo'lingan. 1) Amir Temur va temuriylar davrida yaratilgan asarlar; 2) Rossiya imperiyasi va sovet hokimiyati yillarida yozilgan ishlar; 3) Mustaqillik yillaridagi tadqiqotlar; 4) Xorijiy adabiyotlar;

Birinchi guruh adabiyotlarning aksariyatini o'zbek tiliga tarjima qilinib, asosan amaldagi krill imlosida nashr etilgan manbalar tashkil etadi¹. Manbaviy ahamiyatga ega bo'lgan asarlarda Amir Temurning Xitroy diplomatiyasi haqida fikr-mulohazalar keltirilgan bo'lib, ular tadqiqot mazmuni bayonida qo'l keldi.

Ikkinchi guruhga oid izlanishlar Rossiya imperiyasining harbiy-siyosiy va iqtisodiy jihatdan XIX asrda O'rta Osiyo hamda Xitroyga kirib borishi jarayonida vujudga kelib, dastlab Xitroyda bo'lgan rus elchilari va ishbilarmonlari bu mavzuga qiziqish bildirishidan boshlangan. Xususan, N.Y. Bichurin (Iakinf), D.Pokotilov² va boshqalarni keltirib o'tish o'rinli bo'ladi. Rossiya imperiyasi istilosi arafasida O'rta Osiyoga sayohat qilgan H.Vamberi va I Slutsskiy. undan keyingi izlanishlarda bu mavzuga imkon qadar to'xtalib o'tilgan³.

Sovet hokimiyati yillarida imperiyachilik tartiblari davom ettirilib, tarixga sinfiylik nazariyasi va kommunistik mafkuraga ko'ra yondashish ustunlik qilgan. Bu yo'nalishdagi tadqiqotlar dastlab, G.E.

¹Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи садъайн ва мажмаи баҳрайн. Қўлэзма (عبد الرزاق سمرقندی. مطلع سعدین و مجمع بحرین). / АҚШнинг Мичиган университети кутубхонасидан олинган электрон нусха.; Богатырские сказания о Чингис-хане и аксак-Темире. // перевод с тюркского и джагатайского языков. Вступительная статья и комментарий В.А. Панова – М.: АCADEMIA, 1934. – 352 с.; Рашидаддин. Сборник летописей Том I. Книга вторая / перевод с персидского О.И. Смирновой. – М.-Л.: Издательство академии наук СССР, 1952. – 315 с.; Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1960. - 512 б; Хрестоматия по истории средних веков в 3-х т. [Для ун-тов и пед. ин-тов]. Под ред. акад. С.Д. Сказкина. - М.: Соцэґгиз. 1963. Т. 2. X-XV века. 1963. - 751 с.; Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари // Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К. 1. – Т.: Мехнат, 1992. – 326 б.; Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари.//Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўзбошини У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К. 2. – Т.: Мехнат, 1992. – 192 б; Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. (Б.Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳририда; Форс тилидан Б.Аҳмедов ва бошқ. тарж.) – Т.: Чўлпон, 1993. – 352 б., Ҳофизи Абру. Зубдат ат-таворих. Фотих, [Истанбул] кутубхонаси кулэзмаси ((اسطنبول) مكتبة الفاتح. زبدة الطوارخ. حفيزي عبرو. № 4371/1.97a варақ.;, Шомий Низомиддин. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 527 б.; Ҳавофий Фасих Аҳмад. “Мужмали Фасихий”дан // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида: (Рисола) / Б.Аҳмедов, У.Уватов, Ғ.Каримов ва бошқ. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 194-224.; Йаздий, Шарафуддун Али. Зафарнома // Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи И. Шоғуломов ва бошқалар// - Т.: Шарқ, 1997. – 384 б. + 16 илова., Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи садъайн ва мажмаи баҳрайн. Ж.II, Қ.1: 1405-1429 йил воқеалари. / А.Самарқандий; Масъул муҳаррирлар: А.Қаюмов, Мухаммад Али; — Т.: Ўзбекистон, 2008. – 632 б; Мухаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Масъул муҳаррир: академик Азиз Қаюмов // - Т.: «Sharq», 2010. – 720 б. + 32 зарв.; Натанзий Муиниддин Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси) / Муиниддин Натанзий; форс тилидан тарж.; сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ.Каримий; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т.: O'zbekiston, 2011. – 264 б; Фазлуллаҳ Рашид-ад дин. Джами-ат-таварих. – Баку: Нагыл Еви, 2011. – 540 с.

² Бичурин (Иакинф) Н.Я. Статистическое описание Китайской империи. – СПб.: Типография Эдуарда Праца, 1842. – 280 с; Покотилов Д. История восточных монголов в период династии Мин. 1368-1634. (по китайским источникам) – СанктПетербург. Типография императорской академии наук, 1893. - 230 с.

³ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Издание А.И. Мамонтова 1867. // Туркестанский сборник Том 12; Слущский И. В защиту Тамерлана. // Туркестанский сборник. Том 508. – С. 72.

Grum-Grjumaylo, A.M. Belenitskiy, V.V. Bartold, B.D. Grekov, A.Yu. Yakubovskiy, I.M. Mo'minovlar¹, tomonidan amalga oshirilgan.

Biroq yuqoridagi mualliflar sovet davridayoq Amir Temur tarixi bilan bog'liq tarixiy hadqiqotni ma'lum manoda etirof etgan edilar. O'rganilgan tarixiy davrga oid biz ko'rib chiqayotgan tarixiy davrda Xitoy va uning qo'shni davlatlar bilan munosabatlariga oid ilmiy izlanishlar A.A. Bokshanin, A.S. Martinov, A.L. Borovkova, A.G. Malyavkinlar² asarlarida ma'lumotlar keltirilgan.

Amir Temur hukmronligi davrida Movarounnahr va Min davlati atrofidagi davlatlar bilan o'zaro diplomatik va siyosiy munosabatlar tarixiga oid izlanishlar A.D. Novichev, S.Zokirov, E.I. Kichanov, Ch.Dalay, I.T. Zograf, K.SH. Xafizova, O.V. Zootov, L.S. Savitskiylar³ asarlarida keltirib o'tilgan. SHuningdek, Amir Temur davrida Buyuk ipak yo'li faoliyati va shaharlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, hunarmandchilikning savdo munosabatlaridagi ahamiyatini ochib berishga yorituvchi N.Tursunov, E.A. Davidovich, B.F. Kulikov, V.V. Bukanov, R.G. Mukminova,⁴larning asarlarini alohida ta'kidlash lozim. Ushbu tadqiqotchilar asarlarida Amir Temur bilan Xitoy o'rtasida asosan savdo aloqalariga tegishli ma'lumotlar uchraydi.

Uchinchi guruhdagi ishlar O'zbekiston Respublikasi milliy mustqillikni qo'lga kiritganidan so'ng, Amir Temur shaxsiyati milliy g'urur va iftixor darajasiga ko'tarilgandan keyin amalga oshirilgan ishlar bo'lib hisoblanadi⁵. Amir Temur tuzuklari va uning o'zbek tiliga tarjima qilinishi,

¹ Грум-Гржумайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. Исторический очерк этих стран связи с историей Средней Азии. Том. II. – Ленинград 1926. – 896 с.; Беленицкий А.М. Из истории участия ремесленников в городских празднествах в Средней Азии в XIV-XV вв. // Труды отдела истории культуры и искусства Востока Гос. Эрмитажа. Т. 2. – Ленинград: 1940. – С. 185-201.; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В. В. Сочинения. - Т. I. - М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 с.; Бартольд В.В. Сочинения. Том V. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Наука, 1968. – 757 с.; Бартольд В.В. Сочинения. Т.; VIII. Работы по источниковедению. – М.:Издательство “Наука”. Главная редакция восточной литературы, 1973. – 723 с.; Муминов И.М. Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии в свете данных письменных источников. Т.: Фан, 1968. — 45 с.

² Бокщанин А.А. Китай и страны Южных морей в XIV-XVI вв. - М.: Наука, 1968. – 217 с; Мартынов А.С. О некоторых особенностях торговли чаем и лошадьми в эпоху Мин. – С. 236. // Китай и соседи в древности и средневековье. - М.: ГРВЛ. 1970. – С. 234-250; Боровкова А.Л. Восстание “Красных войск” в Китае. – М.: Наука, 1971. – 196 с.; Бокщанин А.А. Императорский Китай в начале XV века. – М.: Наука, 1976. – 202 с.; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследования. - Новосибирск: Наука Сиб. отд-ние, 1989. – 432 с.

³Новичев А.Д. История Турции. Эпоха феодализм. (XI-XVIII века). Том I. – М.: Издательство Ленинградского университета, 1963. – 314 с., Зокиров С. Дипломатические отношения Золотой Орды с Египтом (XIII-XIV вв.) – М.: Наука, 1966. – 159 с.; Кычанов Е.И., Савицкий Л.С. Люди и боги страны снегов. Очерк истории Тибета и его культуры. – М.: Наука, 1975. – 301 с.; Далай Ч. Монголия в XIII-XIV веках / Отв. ред. Б.П. Гуревич. - М.: Наука, 1983. – 232 с.; Зограф И.Т. Монгольско-китайская интерференция (язык монгольской канцелярии в Китае) / Отв. ред. С.Е. Яхонтов.; Институт востоковедения АН СССР. - М.: Наука (ГРВЛ), 1984. – 148 с; Этика и ритуал в традиционном Китае. Сборник статей. - М.: Наука, 1988. - 331 с.; Хафизова К.Ш. Послание Тимура 1395 г. В Китае // Тез. докл. XX научной конференции “Общество и государство в Китае”. – М.: Наука, 1989. – С. 126-129.; Зотов О.В. Китай и Восточный Туркестан в XV-XVIII вв. (межгосударственные отношения). – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. – 168 с.

⁴ Турсунов Н. Из истории ремесленных цехов Средней Азии (На материалах ткацких промыслов ходжента конца XIX – начала XX в.) // Советская этнография; Давидович Е.А. Денежное хозяйство Средней Азии после монгольского завоевания и реформа Маъсудбека (XIII в.) – М.: Наука, 1972. –175 с; Куликов Б.Ф., Bukanov В.В. Словарь камней-самоцветов. - 2-е изд., перерераб. и доп.-Л.: Недра, 1989. - 168 с; Мукминова Р.Г. Традиции взаимосвязей по Великому пути в позднефеодальный период // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Т.: Фан, 1990. – С. 117-125.

⁵ Ахмедов Б. Қирғизистоннинг XV асрдаги сиёсий тарихини ўрганишга доир // Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – С. 211-217., Файзиёв Т. Темурийлар шажараси. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти – “Хазина”, 1995. – 350 б.; Аскарлов А., Оқилов О. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.: Qomuslar bosh tahririyati, 1996. – 264б.; Амир Темур жаҳон тарихида. – Т.: Шарқ, 1996. – 293 б., Ахмедов Б.А., Мукминова Р.Г., Пугаченкова Г.А. Амир Темур: жизнь и общественно-политическая деятельность. – Т.: Университет, 1999. – 263 с., Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Х-Кароматов. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. — Т.: Шарқ, 2001. – 304 б.; Хўжаев А. Буёқ ипак йўли: Муносабатлар ва тақдирлар – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007. – 280 б., Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: Шақлланиши ва ривожланиш бошқичлари. Монография. – Т.: Akademiya, 2008. – 431 б., Усмонов Б. Фарғона водийси Амир Темур ва темурийлар даврида:

tuzuklar ustida ilmiy izlanishlar olib borilganligi diqqatga sazovor bo‘ldi¹. Shuningdek, mustaqillik yillarida chop etilgan Amir Temur saroyiga kelgan elchilar xotiralarini ham keltirib o‘tish maqsadga muvofiq². Mustaqillik yillarida Amir Temur va uning faoliyatiga bag‘ishlangan umumiy tasnifdagi izlanishlar³, Amir Temurning harbiy faoliyatiga bag‘ishlangan⁴, Tarixiy geografiya sohasiga oid⁵, Amir Temur va temuriylar davri savdo-elchilik aloqalari⁶ va diniy munosabatlar⁷ va boshqa munosabatlarga oid tadqiqotlarni keltirib o‘tish mumkin. Mustaqillik yillarida Amir Temur tarixiga bag‘ishlangan badiiy-tarixiy asarlar yaratildiki, ularda Xitoy bilan munosabatlarga ham bir qadar to‘xtalib o‘tilgan. Shu o‘rinda, B.Ahmedov, Ismoil Aka, Y.Berezikov, B.Ermatov, H.Hukhmlar⁸ asarlari sanab o‘tish mumkin.

Mavzuning o‘rganilganlik darajasining so‘nggi to‘rtinchi guruh adabiyotlariga xoriyda yaratilgan ilmiy izlanishlar kiradi⁹.

монография; – “Фарғона”, нашриёти, 2019. – 288 б.; Азимов Ж.Ш., Орзиев М.З. Бухоро қорақўли: Ўтмиш ва бугун. // Фан ва технологиялар тараққиёти. 2020. № 1. – Б. 149-155.

¹ Темур тузуклари // Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж; Б.Аҳмедов таҳрир. остида. - Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. - 144 б., Темур тузуклари / Сузбоши муаллифи ва масъул муҳаррир М. Али, форсчадан тарж. А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: «Шарк», 2005. - 160 б., Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 б.; Темур тузуклари / Таҳрир хайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 184 б. Боймирзаева Р.Х. Уложение Темура - великий политико-правовой источник / Р.Х. Боймирзаева, Хуршида Ахмедова. – Текст: непосредственный // Молодой ученый. – 2017. - № 43 (177). – С. 218 – URL: <https://moluch.ru/archive/177/46185/> (дата обращения: 18.11. 2022). – С. 217-220.

² Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Клавиho Руи Гонсалес де. Буюк Амир Темур тарихи (1403-1406); Трж., У.Жўраев. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг сройи ҳақида хотиралар. Тарж., Б.Эрматов; Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2007. - 208 б., Гонсалес Руи Де Клавиho. Самарқанд – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) [Text] Гонсалес, Руи Де Клавиho.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али. – Т.: “O‘zbekiston”, 2010. – 264 б.

³Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати (тарихий очерк). – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. – 160 б., Темур ва Улугбек даври тарихи / Бош муҳаррир Аҳмадали Асқаров, масъул муҳаррир Оқилхон Одилхон. – Т., 1996. – 264 б. Аҳмедов Б.А., Отахўжаев А. Амир Темур давлати ва Мин империяси: сиёсат, иқтисод ва муносабат // Турон тарихи, 2015. № 2-4. – Б. 22-25.,

⁴ Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати / Масъул муҳаррир А.Қаюмов /. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 96 б., Орзиев М.З., Ражабов О.И. Амир Темурнинг Хитой сиёсати // Бухоро давлат университети илмий ахбороти, 2008. № 3. – Б. 21-24.

⁵ Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарк Баёзи, 1993. – 102 б., Филанович М.И. Ташкент – город на северо-восточных границах империи Амира Темура // Общественные науки в Узбекистане, № 7-10. – Т.: Издательство “Фан” Академии Наук Республики Узбекистан, 1996. – С. 86-89.; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. / Монография. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017. – 349 б.; Орзиев М.З. Кенжаев С.Н. Ўрта Осиёнинг йиртқич мушуксимонлари (тарих ва манбалар таҳлил). – Бухоро: Дурдона, 2017. – 51 б; Бўриев О. Турон тарихининг олтин даври. – Т.: Voris nashriyoti, 2019. – 367 б.

⁶Ртвеладзе Э.В. Китайские посольства ко двору Амира Темура и темуридов. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 7-8-9-10. 1996. – С. 54-61.; Ширинов Т., Орзиев М. Икки ҳуқумдор муносабатлари тарихидан // Фан ва турмуш. № 1-2. 2014. – Б.; Кобзева О.П. “Шелковый путь” в эпоху Амира Тимура. // Мавераннахр в эпоху Амир Темура. Археология, история, культура. – Т.: 2017. - 324 с; Каримова Н.Э., Тулибаева Ж.М. Китайские и тимуридские источники о взаимоотношениях Китая и Центральной Азии в конце XIV - первой четверти XV в. // Вопросы истории. - 2019. - № 7. - С. 64-79.; Кенжаев С.Н., Зайниев К.М. Амир Темур ва Хитой (Мин) сулоласи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тарихидан // Маводи анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишқадан омӯзгорӣи Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович – Панҷакент, 2021. – С. 292-297.

⁷Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Амир Темур ва темурийлар даврида динлараро муносабат. – Бухоро: Дурдона, 2018. – 51 б.

⁸ Аҳмедов Б. Амир Темур (тарихий роман). – Абдулла Қодириш номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – 640 б.; Ака Исmoil. Буюк Темур давлати (Т.Қаҳҳор тарж). – Т.: Чўлпон, 1996. – 152 б; Берзиков Ё. Буюк Темур: РОМАН-БАДИА. - Т.: Шарк., 1996. – 368 б.; Эрматов Б. Амир Темур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида. Монография. Тошкент / «Navro‘z», 2019. – 256 б; Хукҳэм Ҳ. Етти иқлим султони: Хужжатли-тарихий касса/Пер. с рус./ – Т.: Адолат, 1999. – 320 б.

⁹ Чжан Тинъю. Мин ши. – Пекин: Чжунхуа шуцзюй, 1974. – 8637 頁 Yè (бет) 張廷玉。 明石。 —北京：中華書局，1974。 Zhāngtíngyù。 Míngshí。 —Běijīng: Zhōnghuá shūjú, 1974.- 8637頁 Yè (бет), Сун Лянь.

Xulosa va takliflar. Amir Temurning Xitoy (Min) davlati bilan olib borgan o‘zaro munosabatlari tarixiga doir kompleks tadqiqot olib borilmagan. Mavzuning tarixshunosligiga oid tadqiqotlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, Amir Temurning Xitoy (Min) davlati bilan turli yo‘nalishlarda olib borgan munosabatlari alohida olingan dissertatsiya doirasida tadqiq qilinmagan. Bu mazkur muammoni yangicha ilmiy qarashlar orqali o‘rganishni talab qiladi, deb hisoblashga barcha asoslar borligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

14. <http://academicsresearch.ru/index.php/ispctosp/article/view/1300>. _____ | _____ Zenodo
<https://academicsresearch.com/index.php/iditygs/article/view/1817>
15. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7678097>
16. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7675191>
17. <https://academicsresearch.ru/index.php/ispctosp/article/view/1300>
18. <https://academicsresearch.ru/index.php/trsimw/article/view/1193>
19. <https://scholar.google.ru/citations?hl=en&user=TIZD1hAAAAAJ>
20. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7456181>
21. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7426147>
22. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7426141>
23. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7692302>
24. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7678582>. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7678581>
25. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7675192>
26. <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/720>.

“БОБУРНОМА”ДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ ҲИНДИСТОН ФАТҲИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Шарипов Азизжон Азимович, ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи
“Маънавият ва маърифат” бўлими бошлиғи

***Аннотация:** Панипат жанги нафақат Бобурийлар ҳаётида балки Ҳиндистон тарихида ҳам ўта муҳим воқеа бўлган эди. Жаҳон ҳарбий санъат тарихидан ўрин олган ушбу жанг Бобурнинг буюк саркарда сифатидаги иқтидорини яққол намоён этиб, унга катта шухрат келтирди. Мазкур жанг туфайли Амир Темур ва Темурийларнинг жанг санъатини яна бирбор Бобур мисолида, бутун дунёга намоён этишига хизмат қилди.*

Ушбу мақолада муаллиф томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Деҳли султони Иброҳим Лудий билан Ҳиндистоннинг Панипат шаҳри яқинида бўлиб ўтган тарихий жанги ҳақида батафсил маълумотлар беришга ҳаракат қилган. “Бобурнома” ва бошқа ёзма манбаларга таянган ҳолда, ушбу жангнинг келиб чиқиши тарихи, сабаб ва оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтган. Мақолада келтирилган муаллиф томонидан тузган схематик воситалар, ўқувчи ва тарихга қизиқувчилар учун ушбу тарихий жанг ҳақида тасаввур ҳосил қилиши имконини беради.

Юань ши. – Пекин: Чжунхуа шуцзюй, 1975. – Б. 986. (2899 頁 Yè бет) 宋蓮。元氏。----北京：中華書局，1975。Sòng lián. Yuán shì. - Běijīng: Zhōnghuá shūjú, 1975. 2899 頁 Yè, Edward L. Dreyer. Zheng He: China and the Oceans in the Early Ming Dynasty, 1405-1433. , Langlois J.D. China Under Mongol Rule. Princeton, N. J.: Princeton University Press, 1981. – 481 p The Cambridge history of China: Alien regimes and border states, 907-1368. - Cambridge University Press, 1994. - 816 p., Louise L. When China Ruled the Seas: The Treasure Fleet of the Dragon Throne, 1405–1433, Oxford University Press, 1997. – 256 p.; Rossabi M. The Ming and Inner Asia // The Cambridge history of China, vol.8. The Ming dynasty 1368-1644, part 2. / ed. by Denis Twitchett and Frederick W.Mote. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – P.248; Chan, Hok-lam. The Chien-wen, Yung-lo, Hung-hsi, and Hsuan-te reigns, 1399-1435 // The Cambridge history of China, vol.7. The Ming dynasty 1368-1644, part 1. / ed. by Frederick W.Mote and Denis Twitchett. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – P.223; Mote F.W., Twitchett D. The Cambridge history of China, vol.7. The Ming dynasty 1368-1644, part 1. – Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – 860 p; Rajkai Z.T. The Timurid empire and the Ming China: Theories and approaches concerning the relations of the two empires (Doktori Disszertáció). – Budapest, 2007. – 212 p.

Калит сўзлар: Бобур, Иброҳим Лўдий, Панипат жанги, жанговар тартиб, тактика ва стратегия, Шимолий Ҳиндистон, Дехли султонлиги, Бобурийлар салтанати.

Аннотация: Битва при Панипате была очень важным событием не только в жизни бабуридов, но и в истории Индии в целом. Это сражение, вошедшее в историю мирового военного искусства, ярко продемонстрировало талант Бабура как великого полководца и принесло ему большую славу. Благодаря этой битве военное искусство Амира Темура и Тимуридов еще раз послужило тому, чтобы быть показанным всему миру на примере Бабура.

В этой статье автор попытался предоставить подробную информацию об этой исторической битве Захируддина Мухаммада Бабура с Ибрагимом Лоди, султаном Дели. На основе «Бобурнома» и других письменных источников обсуждаются история возникновения, причины и последствия этой битвы. Схематические инструменты, созданные автором, представленные в статье, позволят читателю и интересующимся историей составить представление об этой исторической битве.

Abstract: The Battle of Panipat was a very important event not only in the life of the Baburids but also in the history of India. This battle, which took place in the history of world military art, clearly demonstrated Babur's talent as a great general and brought him great fame. Thanks to this battle, Amir Temur and Timurids' art of war once again served to be shown to the whole world in the example of Babur.

In this article, the author has tried to provide detailed information about the historical battle of Zahiruddin Muhammad Babur with Ibrahim Lodi, Sultan of Delhi, near Panipat, India. Based on “Boburnoma” and other written sources, the history of the origin, causes and consequences of this battle are discussed. Schematic tools created by the author, presented in the article, will allow the reader and those interested in history to create an idea about this historical battle.

Keywords: Babur, Ibrahim Lodi, Battle of Panipat, Battle Order, Tactics and Strategy, North India, Delhi Sultanate, Babur Empire.

XV асрнинг иккинчи ярми – XVI аср бошларида Дехли султонлиги кучли сиёсий-иқтисодий инкироз даврини бошидан кечираётган эди. Бу даврда Шимолий Ҳиндистоннинг маъмурий-сиёсий харитаси бир нечта майда вилоятларга бўлиниб кетган эди. Декан, Малво, Гужарот, Жўнпур, Бангола худудлари йирик амалдорлар қўлида мустақил бошқариларди. Дехли султониға фақатгина Панжоб¹, Миёни-Дуоб² вилоятлари ва Дехли атрофларигина бўйсунар эди. Бахлулхон Лўдий ҳукмронлиги (1451–1489 йй.) даврида султонликнинг сарҳадлари бир мунча кенгайди. Салтанатнинг сиёсий ҳаётида афғонларнинг мавқеъи ошиб, улар йирик ер эгаларига – *заминдорларга* айланадилар. Бироқ, Искандар Лўдий³ (1489–1517 хукм.йй.) отаси Бахлулхонга содиқ хизмат қилиб келган тарафдорларнинг имтиёзларини чеклаб, баъзиларига шафқатсиз равишда таъқиблар уюштиради. Боз устига, ҳиндларга нисбатан диний мурасасизлик сиёсатини олиб бориб, уларнинг кўпгина ибодатхоналарини вайрон қилдиради. Бу эса, салтанат аҳолисининг катта қисми бўлган ҳиндларнинг кескин норозилиklarига сабаб бўлади ва янги зиддиятларга, қонли қўзғолонларга олиб келади. Бу сиёсат, Искандар вафотидан кейин, унинг ўғли Иброҳим Лўдий даврида (1517–1526) ҳам давом этди. У, салтанатни қаттиққўллик билан идора қилиб, отаси даврида катта имтиёзларга эга ва мустақил сиёсат олиб бораётган афғон ҳарбий зодагонларини марказий ҳокимиятга бўйсиндиришга интилади. Султон Иброҳим, ҳаттоки ўз қариндошларига нисбатан ҳам катагон сиёсат олиб бориб, итоатсизликнинг барча кўринишларини шафқатсизларча бостиришга ҳаракат қиларди. Оқибатда бир қисм амалдорлар Оламхоннинг катта ўғли Жалолхон Лўдий атрофида бирлашиб, уни Калпий вилоятида мустақил султон қилиб

¹ **Панжоб** (форс. Бешта дарё, “*бешсу*”) Покистон ва Ҳиндистоннинг Желам, Чиноб, Равий, Биах ва Сатлаж дарёлари оралиғида жойлашган тарихий вилоят, ўлка.

² Ганга ва Жамна дарёлари оралиғидаги ерлар шундай аталган.

³ Ҳинд манбаларда “*Сикандар*” тарзида келтирилган.

кўтаришади. 1524 йилда, буларга қарши Иброҳим Лўдий кўшин тортиб Калпий ва Жўнпурни эгаллаб олади. Султонни амакиси бўлмиш Оламхон Лўдий Кобулга, Бобур подшоҳ саройига келиб, ундан паноҳ ва ёрдам сўрашга мажбур бўлади.

Шубҳасизки, Иброҳим Лўдийнинг, салтанатдаги кўзга кўринган энг нуфузли вакиллари жисмонан йўқ қилишга қаратилган қатағон сиёсати, султон кутган натижаларни бермади. Гарчи, Панипат жанги арафасида, Султон Иброҳим Лўдий давлатига Бҳирадан¹ Бихаргача² (Бенгалияга чегарадош) бўлган улкан ҳудудлар қарам бўлган бўлсада, лекин салтанатнинг асоси емирилиб бўлинган эди. Султоннинг баъзи амирлари (Диловархон) ва хатто қариндошлари (амакиси Оламхон) ҳам қочиб, Бобур саройидан паноҳ излай бошлайдилар, Исмоил Жилвоний сингари қолган амир ва беклар ҳам вазиятга қараб, Бобур томонга ўтишга тайёр эдилар.

Маълумки, Ҳиндистоннинг Панжоб ўлкаси 1398 йилда Амир Темур томонидан ишғол қилиниб, унинг давлати таркибига киритилган эди. Деҳли султонларининг бу ердаги собиқ мулкларини бошқариш ҳукуки Соҳибқирон томонидан Сайид Хизрхонга³ топширилганди. Кейинчалик, унинг ўғли Муборакшоҳ (1421–1434) ҳукмронлиги даврида ҳам бу ерлардан тушган даромадларнинг бир қисми солиқ сифатида темурийларга тўлаб борилад эди. Шу асосда “Темур забт этган ўлкаларнинг қонуний вориси” сифатида, Бобур бу вилоятларни “ё куч билан ё сулҳ билан” темурийлар тасарруфи остига қайта киритиш ва идора этишни мақсад қилганди: *“Чун ҳаммиша Ҳиндустон олмоқ хотирда эди, бу бир неча вилоятларким, Бҳира ва Хушоб ва Чаноб ва Чанут бўлғай, неча маҳал турк тасарруфида эди, буларни худ мулкимиздек тасаввур қилур едук. Зўр била ё сулҳ била ўзимизнинг мутасарриф бўлушимизга мутаяққин едук”*⁴. Шу сабаб, Бобур бу ердаги маҳаллий аҳолини тинчлантириш ва кўнглини хотиржам қилиш мақсадида, ўз аскарларини бу ҳудудни талон-тарож қилиш ва аҳолисига зарар келтиришни қатъий тақиқлайди: *“Фармон бўлдиким, ҳеч ким буларнинг гала-қораларига, балки ип учи, игна синурларига атроф ва навоҳида зарар ва нуқсон еткурмасун”*. Ушбу мақсадларни кўзлаб, Бҳира вилоятига Бобурнинг вакили Абдурахимбек юборилади. Натижада Бҳира ҳукмдори Алихон (Лаҳор ҳукмдори Давлатхоннинг ўғли) Бобурга шаҳарни қаршиликсиз топширади.

Айни вақтда, Бобур Темур авлодларига тегишли бўлган барча ерларни, яъни Бҳира ва унга туташ бўлган Панжоб вилоятларини қайтариб беришни талаб қилиб, Мавлоно Муршидни Деҳлига, Султон Иброҳим ҳузурига элчи қилиб жўнатади. Бироқ, Давлатхон Бобурнинг мазкур элчисини Лаҳорда, турли баҳоналар билан ушлаб туради. Бҳира вилоятини тасарруфига киритганидан сўнг, Бобур Канар қирликлари орқали Желам ва Чиноб дарёларини кечиб ўтиб, Лаҳорга қараб йўл олади. Деҳли томондан ҳам, Давлатхонга жазо бериш учун Султон Иброҳим Лўдийнинг Баҳодирхон, Муборакхон Лўдий ва Бихархон Лўҳаний бошчилигидаги қўшини ҳам яқинлашиб келаётган эди. Давлатхон кўрққанидан Лоҳорни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бобур Шашкуруҳ номли мавзегга етганда Султон Иброҳимнинг бу қўшини билан тўқнашиб, ғалаба қозонади. Қисқа фурсатда Дипалпур ва Саҳринд (Сарҳинд) ҳам эгалланади.

Бобурнинг Панжобга қилган юриши ўз натижаларига кўра анча муваффақиятли кечган эди, чунки у Бҳира, Хушоб, Чиноб ҳудудини ўз давлати тасарруфига киритиб, барча

¹ **Бҳира** – Желам дарёсининг чап соҳилида жойлашган шаҳар ва туман.

² **Бихар** – Ҳиндистондаги тарихий вилоят. Бенгалия билан чегарадош. Ганг дарёси куйи оқимининг ўнг соҳилида жойлашган.

³ **Сайид Хизрхон ибн Малик Сулаймон** (ваф.1421) – Деҳли султонлигининг 1414–1421 йиллардаги ҳукмдори. Шимолий Ҳиндистондаги Сайидлар сулоласининг асосчиси. Темур даврида Мўлтон вилоятининг ҳокими эди. Ҳиндистон юришида фаол қатнашганлиги учун унга Соҳибқирон томонидан Панжоб ўлкаси берилган эди.

⁴ Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома / Таҳрир ҳайъати: А.Абдурашидов, Б.Алимов ва бошқ.;П. Шамсиев, С. Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрл.: С. Ҳасанов; Масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Тошкент: Шарқ, 2002. 224а варақ; Кейинги ўринларда, ушбу мақолада учрайдиган “Бобурнома”дан олинган иқтибослар мазкур нашрда қайд қилинган бетларга эмас, балки шартли равишда кўлёзма варақларига ҳавола қилишни лозим топдик.

жойларда яқин сафдошлари орасидан вакилларини тайинлайди¹. Бу ҳудуднинг барчаси катта стратегик аҳамиятга эга эди, чунки Бҳира шаҳри “Ҳиндустонга кириш эшиги” ҳисобланарди.

Айни пайтда Қандаҳор ва Бадахшондаги вазият мураккаблашиб, Бобурни Кобулга қайтиб кетишига сабаб бўлади. Бундан фойдаланган Давлатхон эса, Бобурнинг бу ердаги ноибларига қарши қўшин тортиб, Султонпур, Дибалпур, Сиалкот ва Каланжар кўрғонларини қайта эгаллаб олади.

1525 йил охирига келиб, Бобурнинг қўл остида фақатгина Лоҳур вилояти қолган эди. Панжобнинг қолган ҳудудлари яна Давлатхон ва унинг тўнғич ўғли Ғозихонга ўтиб кетганди.

Бобурнинг Ҳиндистон юриши. 1525 йилнинг ноябрида Бобур Ҳиндистоннинг қатъий равишда фатҳ этиш мақсадида Кобулдан йўлга чиқади. Бу Бобурнинг Ҳиндистонга қилган бешинчи ва сўнгги, ҳал қилувчи юриши эди. Ушбу ҳарбий юриш билан боғлиқ воқеалар “Бобурнома”да батафсил баён этилган². 4 ноябрда Бобур Синд (Ҳинд) дарёсидан ўтиб, “Ҳиндустоннинг дарвозалари” бўлмиш Бҳира ва Сиалкот томон ҳаракатланади. Зеро, Бобур даставвал Панжобни бутунлай бўйсиндириш ва Давлатхон масаласини ҳал қилиши лозим эди. Декабр ойларида Бобур қўшинига Бадахшондан ўғли Ҳумоюн мирзо, Ғазна вилоятидан эса, тажрибали амирларидан бири Хожа Калон ҳам келиб қўшилади³. Бадахшон ва Ғазна қўшинларининг қўшилиши билан Бобур қўшинлари сони нисбатан ортади. Ёзма манбаларда Бобур қўшининг умумий сони бўйича қарама-қарши маълумотлар учрайди. “Бобурнома” маълумотида кўра, қўшин сони 12 минг⁴, “Тарихи Рашидий”⁵ ва “Тарихи Фаришта”⁶ асарларида эса 10 мингдан кўп эмаслиги ёзилган.

Бобур Панжобнинг Бикром қалъасирига етиб келгач, маҳаллий ҳукмдор Вали Қизилдан Сиалкотнинг қулаганини, унинг ҳокими Хусрав Кўкалтош эса Давлатхондан енгилгани хабари келади. Бунинг ортидан яна ҳам ташвишли хабар келади: Давлатхон ва унинг ўғли Ғозихон 20–30 минглик қўшин тўплаб, Панжобдаги Каланур шаҳрини эгаллаб, Лаҳорга юришга ҳозирланаётган эди⁷. Бобур зудлик билан у ерга хабарчи юбориб, Лаҳор бекларига токи у келгунига қадар Давлатхон билан жангга киришмасликни буюради ва ўзи ҳам душманни шу ерда ушлаб қолиш умидида Сиалкот яқинидаги Баҳлулпур қалъасига етиб боради. Давлатхон Лаҳор юришини тўхтатиб, ортга чекинади. Зеро, у ҳарбий салоҳиятда тажрибали бўлган Бобур билан юзма-юз тўқнаш келишидан қўрқарди. У, Бобур қўшинининг ҳаракатини кузатиб, қаерда жойлашгани ва у билан қайси жойда тўқнашиши мумкинлиги тўғрисида ахборот тўплаб, қўшин йиғишга киришади⁸. Бироқ, Бобур билан Давлатхон ўртасида умумий жанг содир бўлмайди. Унинг Бобур қўшинидан тўрт баробар катта бўлган қўшини, иттифокчилари ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб, ўз-ўзидан тарқалиб кетади. Давлатхон ўз қароргоҳи Милват (Малўт)га⁹, Ғозихон эса тоғларга чекинади.

Бобур Давлатхон устига юришни давом эттириб, унинг қароргоҳи бўлмиш Милват кўрғонини ҳалқадек маҳкам кўршаб олади, шунингдек, яқин атрофдаги иккита йирик кўрғон – Кутил (Котла) ва Гангутани ҳам эгаллаб олади. Давлатхон нажот умидидан воз кечиб, Бобурга таслим бўлишдан бошқа илож тополмайди. Ғозихонни тириклайин тутиб келтириш учун махсус кучлар илғор қилинади, бироқ у қочиб кетишга муваффақ бўлади. Бобур ваъда

¹ Бобурнома, 228а, 232а варақлар.

² Ҳиндистоннинг фатҳ этилиши, ҳусусан Панипат жанги тафсилотлари билан боғлиқ маълумотлар “Бобурноманинг ” хижрий 932 (1525–1526) йил воқеалари баёнида, қўлёзманинг 250-300 варақларида келтирилган. Қуйида келтирилган иқтибослар, мазкур варақлардан сайланма тарзда олинди.

³ Бобурнома, 252а варақ.

⁴ Бобурнома, 254а варақ.

⁵ Қаранг: Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р. Джалиловой, Л.Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 455.

⁶ Фаришта. Тарихи Фаришта. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси. Инв. № 826. 143, 144, 233 варақлар.

⁷ Бобурнома, 254а варақ.

⁸ Бобурнома, 255б варақ.

⁹ **Милват** (Малўт) – Покистоннинг Панжоб вилоятида, Кохан (Желам дарёсининг ирмоғи) дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган ҳозирги Малот шаҳри.

қилганидек, Давлатхон ва унинг аҳли оиласи ҳаётини сақлаб қолади, лекин унинг хазинаси ва мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилади¹.

Шундай қилиб, 1526 йил 19 февралда Ҳиндистоннинг Панжоб вилояти Бобур давлати таркибига киритилади.

Бироқ, Бобур Панжоб билан чекланиб қолмади. Чунки олдинда хали катта рақиб – Деҳли султони Иброҳим Лўдий турар эди. Муҳаммад Али Жанг-Жангни вақтинчалик Милватга ҳоким этиб тайинлаб, ўзи эса Деҳли томон юришга ҳозирлик кўради: *“Ғозихоннинг устига илғор айиргондин сўнг ҳиммат рикобига оёқ қўюб, таваккул инонига илик уруб, Султон Иброҳим бинни Султон Искандар бинни Султон Баҳдул Лўдий афгоннинг устигаким, ул тарихда Деҳли пойтахти ва Ҳиндустон мамолики анинг тахт тасарруфида эди, ҳозир черигини бир лак² дерлар эди, ўзида ва бекларида мингга ёвуқ фил ченарлар эди, мутаважжжих бўлдук”*³.

Панипат жанги арафасида Бобур аллақачон катта ҳарбий билимга ва етарли жанговар тажрибага эга эди. Зеро, у ўша даврнинг Шайбонийхон, Шох Исмоил Сафавий, Султон Ҳусайн мирзо сингари йирик ҳукмдорларнинг ҳарбий маҳорати – тактика ва стратегиясини яхши ўзлаштирган эди. Бобур кўшинида ўз даврининг илғор ҳарбий қуруллари – милтиқ ва тўфанлар билан қурулланган аскарлар ҳамда замбараклардан фойдалана оладиган Румлик (Туркиялик) мутахассис – артилериячилари ҳам бор эди.

Иброҳим Лўдийнинг кўшини Жамна дарёсининг ўнг қирғоғи бўйлаб, Бобур томон ҳаракатланаётган эди. Бундан ташқари, Деҳли султонига ёрдам тариқасида Ҳисори-Фирузадан⁴ вазир Ҳамидхон бошчилигида кўшимча кўмак кучлари ҳам йўлга чиққан эди.

Бобурга Ҳамидхоннинг Султон кўшини билан бирлашаётгани хабари етиб келгач, ўғли Ҳумоюн мирзони илғор жўнатиб, Ҳисори Феруза қўрғонидан келаётган кўшинни қандай йўл билан бўлса ҳам тўхтатиб қолишга, агар удалай олса мазкур кўшинни мағлуб этишга буюради. Бобурнинг ўн саккиз ёшли ўғли бу вазифани аъло даражада бажаради. Ҳумоюн нафақат бу кўшинни енгишга, балки унинг қароргоҳи Ҳисори Ферузани ҳам эгаллаб олишга муваффақ бўлади. 1526 йил 26 февралдаги бўлган бу кичик жангнинг муваффақиятли якуни Бобурни жуда хурсанд қилади. “Бу Ҳумоюннинг биринчи ажойиб иши ва биринчи юриши эди; келажак учун ажойиб башорат эди”, - деб ёзади у ўз хотираларида⁵.

Бу орада, Бобурга, Султон Иброҳим Лўдийнинг асосий кўшинига кўшилиш мақсадида, Довудхон ва Ҳайтимхон бошчилигидаги 5-6 минглик кўшин ҳам Миёни-Дуобда тўпланиб турганлиги хабари келади. Бобурнинг сара амирларидан ташкил топган илғор қисмлари мазкур гуруҳни ҳам мағлубиятга учратадилар⁶.

Бобурнинг бирин кетин қўлга киритган ғалабалари, афтидан, Иброҳим Лўдийнинг иттифокчилари орасида саросималик, тушкунлик ва парокандалик кайфиятларини уйғонишига сабаб бўлган кўринади. Султон амирларининг баъзилари Бобур томонига ўтиш истагини исҳор қилсалар, айримлари музокара йўлини излай бошлайдилар.

Апрел ойининг бошида Бобур ва душман кўшинлари Панипат майдонига яқинлашиб, саф торта бошладилар: *“Бу қарор била кўчуб, ора қўнуб, панжшанба куни, жумодиулохир ойининг салхи Панипат келдук. Ўнг қўл шаҳр ва маҳаллот бўлди”*. Бобур Иброҳим Лўдийдек кучли ва сон жиҳатидан катта устунликка эга бўлган рақибга бас келиш учун, Ўрта Шарқнинг турли мамлакатларидаги жанговар тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўз кўшинини мураккаб бир тарзда ясол – жанговар тартибга солади. У, жанг олдидан ҳарбий кенгаш тузиб, душман билан қачон, қайси майдонда ва қай тарзда жангга киришиш бўйича пухта режа (тактика ва стратегия) ишлаб чиқишга киришади. Жангдан олдин ўз кўшинини, душман ҳеч бир томондан зарба бера олмайдиган даражада жойлаштиришга интилади.

¹ Бобурнома, 259б варақ.

² Лак – санок ва ўлчов бирлиги. 1 лак = 100 минг (10⁵).

³ Бобурнома, 261а варақ.

⁴ Ҳисори-Фируза – Деҳлидан 160 км шимоли-ғарбда жойлашган ҳозирги Ҳисор шаҳри.

⁵ Бобурнома, 263а варақ.

⁶ Бобурнома, 264а варақ.

Темурийлар кўшининг кайфиятида ҳам ғалабага бўлган ишонч умидлари сезиларли даражада паст, баъзи аскарлар рухий ҳавотирда эдилар. Зеро, Ватанларидан анча узоқда, бегона халқ ва бегона юртда, қолаверса, қаршиларида ҳали яхши ўрганилмаган, жанг услуби номаълум бўлган қудратли рақиб турар эди. Бобур ўз лашкарбоши ва қисм бошлиқларининг масъулиятини ошириб, уларга тайин вазифалар юклайди ҳамда жанг вақтида қандай ҳаракатланиш лозимлигини қатъий белгилаб беради. Аскарларни жанговар рухий тайёргарлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кўрилади. *“Черик эли баъзи хейли мутараддид (қўрқув) ва мутаваҳҳим (хавотир) эдилар. Тараддуд ва таваҳҳум бетақрибдур. Неким азалда Тенгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас. Агарчи аларни ҳам айб қилиб бўлмас, ҳақ алар жониби эди. Не учунким, Ватандин икки-уч ойчилик йўл келилиб эди. Ғариб қавме била элнинг иши тушуб эди. Не биз аларнинг тилларини билтур едук, не алар бизнинг тилимизни”*¹, - деб ёзади Бобур.

Ҳарбий кенгаш қарорига кўра, ҳал қилувчи жанг майдони сифатида Деҳлидан 90 км шимолда жойлашган Панипат шаҳри атрофлари танлаб олинади. Зеро, ушбу шаҳар атрофи асосан текис майдондан иборат эди, ўнг томонда шаҳар кўрғони, чап томонда эса Жамна дарёси оқиб ўтарди. Бундай географик шароит кўшиннинг эркин ҳаракатланиши учун, шунингдек, оғир тўп араваларнинг ҳаракатланиши ва жойлашувига ҳам қулай табиий муҳит сифатида қараларган эди: *“асбоб ва олот тайёр ва мукаммал бўлгондин сўнг, тамом бекларни ва сўз билур ўбдон йигитларни дағи кенгаишга тилаб, ом кенгаиш қилиб, раъйлар мунга қарор топтиким, Панипат шахредур, маҳаллот ва уйлари қалин, ҳар тараф маҳаллот ва уйлар бўлур, яна атрофини ароба ва тўра била беркитиб, туфангандоз ва яёқни ароба ва тўра орқасида таъйин қилмоқ керак”*².

Бобур кўшиннинг ўнг қанотини Панипат шаҳри кўрғони билан имкон қадар яқинроқ жойлаштиришга, унинг деворлари билан туташтиришга қарор қилади. Зеро, шаҳарнинг маҳалла ва иморатлари кўшиннинг ўнг қанотга беришиши мумкин бўлган зарбаларга ўзига хос тўсиқ сифатида хизмат қиларди. Бобур кўшинининг энг заиф томони эса, тўпчи-замбараклар жойлашган марказ ҳамда кўшиннинг чап қаноти эди. Зеро, зарур пайтда чекиниш учун оғир замбаракларнинг ҳаракатланиши ниҳоятда секин, чап қанотдаги кўшинларга эса, тўлиб тошиб оқаётган Жамна дарёси тўсқинлик қилиши шубҳасиз эди. Шу сабабли ушбу тарафлардан келинадиган ҳавф хатарларни бартараф этиш учун бир қатор қурилиш-муҳандислик ишлари олиб борилади. Жумладан, марказдаги тўпчилар ҳимояси учун аравалардан ташкил топган ўзига хос мудофаа чизиғи (истехком) барпо этилади. Мерганларга ана шу аравалар ва тўсиқлар ортидан душманни тинимсиз ўққа тутиш вазифаси кўйилади: *“фармон бўлдиким, жамиъ черик эли фарохўри ҳолига ароба келтургайлар. Етти юз ароба бўлди. Устод Алиқулига фармон бўлдиким, Рум дастури била аробаларнинг орасида занжир ўрнига ўйнинг хомидин аргамчилар ешиб, бир-бирига боғлағайлар. Ҳар икки ароба орасида олти-етти тўра бўлғай. Туфангандозлар бу ароба ва тўраларнинг кейнида туруб, туфанг отқайлар”*. Сўл қанотнинг ёнлари бўйлаб ҳамда аравалар билан тўсилмаган жойларда хандаклар қазилади, шунингдек, дарахт шоҳлари, тўнка ва ғўлалар, тиканли буталар ёрдамида турли сунъий тўсиқлар ҳосил қилинади: *“Сўл қўлда ва баъзи ерларда хандақ ва шоҳ бўлди”*³.

“Бобурнома” маълумотларига кўра, Бобур кўшинининг ясоли, яъни жанговар тартиби куйидагича эди (1-расм):

Марказ (ғул, қалб)да шахсан Бобурнинг ўзи, олий жанговар байроғи билан қўмондонлик қиларди. Марказнинг ўзи ҳам ўнг ва чап “қўл”лар билан мустаҳкамланади. Ҳар бир қўлда 7 та бўлинмадан иборат маҳсус қисм ташкил этилади ва уларга тажрибалари амирлар тайинланади. Жумладан, **Ғулнинг ўнг қўлида** – Чин Темур Султон, Сулаймон мирзо, Муҳаммадий кўкалдош, Шоҳ Мансур барлос, Юнус Али, Дарвеш Муҳаммад сорбон ва

¹ Бобурнома, 264б варақ.

² Бобурнома, 264а варақ.

³ Бобурнома, 264б варақ.

Абдулло китобдор; **Ғулнинг сўл қўлида** – Хожа Халифа, Хожа Мирмирон, Аҳмадий парвоначи, Турдибек, Қўчбек, Муҳиб Али Халифа ва Мирзобек тархонлар жой олади.

Ўнг қанот (баронғор)да – Бобурнинг ўғли Ҳумоюн мирзо, Хожа Калон, Султон Муҳаммад дўлдой, Ҳиндубек, Вали хазиначи ва Пирқули Сийстоний бошчилик қиларди.

Чап қанот (жавонғор)да – Муҳаммад Султон мирзо, Махдий Хожа, Одил Султон, Шох Мир Хусайи, Султон Жунайид барлос, Қутлукқадам, Жонибек, Муҳаммад бахши ва Шох Ҳусайн Ёракий мўғул тайинланади.

Тўлғама маневрини амалга ошириш учун, ҳар икки қанотнинг четида мўғуллардан иборат енгил қуролланган махсус отлик бўлинмалар – *қунбул* (Бобур, бу қисмларга “буронғор ва жавонғорнинг учи” атамасини беради) ташкил этилади. Унинг васифасига “*ганим кишиси ёвуқ келгач, бу икки бўлак тўлғама ўнг қўлдин, сўл қўлдин ганимнинг орқасига еврұлгайлар*” (266б), яъни душман пайдо бўлгач, уни ўнг ва чап томондан четлаб ўтиб, орқа томондан кучли зарбалар бериб, душманни марказга сиқиб бориши лозим эди. Шунга кўра, **ўнг қанотнинг қунбулида** – Вали Қизил, Малик Қосим ва Бобо Қашқа тайинланади.

Чан қанотнинг қунбули (жавонғорнинг учи)да – Қарокўзи, Абулмуҳаммад найзабоз, Шайх Жамол барин, Махдий ва Тенгрикули Пишағий мўғул бошчилик қиладилар.

Провул (авангард)да – Хисрав кўкалдош ва Муҳаммад Али жанг-жанглар қўшиннинг олдинги сафидан жой оладилар.

Тарх (резерв қўшинлари)да – Абдулазиз мирохўр бошчилигидаги заҳира қўшинлари зарур ҳолатларда ҳар иккала қўл ва қанотга кўмак беришга тайёр эди. Бу қўшинларни Бобур ўнг қанотга ёрдамга жўнатганини эслатади: “*Ғанимнинг қораси кўрунганда, буронғор сари майли кўпрак эди, бу жиҳаттин Абдулазизниким, тархқа муайян эди, баронғорга кўмак йиборилди*”.

Мудофаа чизиғи. Қўшиннинг олд қисмини ҳимоя қилиш мақсадида, бутун қанотлар бўйлар 700 та (ароба) аравалардан иборат ўзига хос мудофаа чизиғи, ҳимоя истехкоми ташкил этилади. Араваларнинг олд томони, фил ва отликларга қарши қўйилган узун найза ва тиканли шох ва ёғоч тўсиқлар билан ҳимояланади. Бу тўсиқлар айти вақтда араваларни душмандан яшириш учун ўзига хос ниқоб (маскировка) вазифасини ҳам ўтайди.

Ҳар икки аравалардан кейин 6-7 та ёғоч тўралар яъни тўсиқ (щит) ва темир қалқонлар ўрнатилади, улар бир бирлари билан мол терисидан тўқилган арқонлар билан боғланиб мустаҳкамланади. Зеро, бу арқонлар биринчидан, бостириб келаётган жанговар филлар хужумини мумкин қадар тўхтатиб қўйишга, иккинчидан эса, орқадаги асосий қўшинни сафни бузмасдан, жанг майдонида тартибли ҳаракатланишини таъминлаб беради.

Мудофаа истехкомининг баъзи жойларида, орқадаги қанот қўшинлар ҳаракати учун 100–150 отлик ўта оладиган даражада бўш майдонлар қолдирилган: “*Ҳар бир ўқ отими ерда юз-юз эллик отлик чиққудек ерлар қўюлди*”. Арава ва қалқонлар ортида ўқотор аскарлар – **камончи (тиркаш), милтиқчи, раъдандоз ва тўфангдозлар** гуруҳи жойлаштирилиб, душманни услуксиз ўққа тутишдан иборат бўлган.

Тўпчи-фарангилар (артилерия) бўлинмасига Румлик (яъни туркиялик) мутахасислар Устод Алиқули ва Мустафо Румий бошчилигидаги тўпчилар (“фаранги зарбзанлик аробалари қуриб”) мудофаа чизиғи (аравалар) ортида жойлаштирилади. Улар айти вақтда, милтиқчи ва тўфангдозлар гуруҳига ҳам умумий раҳбарлик қилган. Мазкур тўпчиларга “Рум дастури” (яъни турклар усули) асосида артилерияни жойлаштириш ва жанг мобайнида рақибга мунтазам тўп отиб, душман сафини бузиш орқали лашкарларни тузғитиб юбориш вазифаси қўйилади.

Айтиш мумкинки, Бобурнинг бундай жанговар ясоли, айти вақтда, душманни зарур пайтда қуршаб олишга, уни қопқонга тушириб, пистирмадан туриб яқсон қилишга қаратилган пухта режаси ҳам эди.

Дехли Султони Иброҳим Лўдий қўшинининг жанговар тартиби тарихчилар томонидан таърифланмаган бўлса-да, аммо уларнинг яқдил фикрига кўра, унинг қўшини 1 лак, яъни 100 мингга яқин аскар ва 2 мингга яқин жанговар филларга эга бўлган (2-расм). Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Ҳиндистон қўшинининг сони бир лакдан зиёд эканини қайд

этади¹, Бобурнинг қизи Гулбаданбегим эса ҳиндларнинг 180 минг отлик ҳамда 1500 та жанговар филлар билан жангга кирганини таъкидлайди². Бобур эса, юқорида айтиб ўтилганидек, 10–12 минггача аскарга эга эди, холос.

Ҳиндистон кўшинининг тузилиши, анъанавий тарзда – авангард, ўнг ва чап қанотлар ҳамда марказ кўшинларидан иборат бўлган. Султоннинг энг асосий қуроли унинг **жанговар филлардан** ташкил топган қисмлари ҳисобланарди. Шунинг учун, Иброҳим Лўдий бу жанговар филларни кўшиннинг энг олдинги сафига – авангардга жойлаштиради.

Маълумки, жанговар филлардан Ҳиндистон кўшинларида қадимдан фойдаланиб келинган бўлиб, кўшиннинг асосий оғир ҳарбий бўлинмаси саналган. Бироқ, жанг майдонидан улардан фойдаланиш, кўп ҳолларда филнинг жанговар самарадорлиги билан эмас, балки асосан рақиб томонни кўрқитиш, унга кучли психологик таъсир этиш қуроли сифатида қаралган. Филларнинг кўплиги қўмондоннинг куч-қудратини ифода қилар эди. Шунинг учун аксарият ҳинд солномаларида (шунингдек, “Бобурнома”да ҳам) ҳукмдор кўшинларида жуда кўп филлар борлиги қайд этилган.

Жанговар филлар асосан отликларга қарши ишлатилган, чунки от филлар ҳайқириғидан кўркиб ортга чекинар ва ўз чавандозини ағдаришга ҳаракат қилар эди, шу сабабли жанг майдонида суворийларнинг ҳужумкор шиддати тўхталиб қолинарди.

“Бобурнома”га ишланган миниатюраларда ўша даврдаги Ҳиндистон армиясидан мавжуд бўлган жанговар филларнинг тасвирлари берилган. Жанговар филлар, унинг хартумидан тортиб бутун танаси бўйлаб, одатда, турли ҳашаматли безаклар билан безатилган зирхлар билан қопланар эди. Зирхлар асосан тери-чарм ва темир пластинкалар билан қопланган бўлган. Бундай зирхлар ҳинд манбаларида “*гаджагаха*”, шарқ манбаларида эса “*кажим*” ёки “*хажхул*” деб номланган.

Ҳар бир жанговар фил бўлинмаси қўмондон буйруқларини етказиш учун, бурғу ва ноғора ҳамда бошқа ишора байроқларига эга бўлган. Филлар, ўз устида, найза ва камон билан қуролланган тўрттагача аскарни олиб юришган. Аскарларни мустаҳкам ўрнашишлари учун фил устига ёғоч платформа ёки тўқилган сават боғланган.

Филларнинг заиф томони, уларнинг хартуми ва оёқлари эди, шу сабаб, ерда ҳам яна бир нечта аскар ҳайвонни икки ёнида туриб, ҳимоя қилиб юришга мажбур бўлган. Боз устига, ҳайвон тутун ва оловдан кўрқарди. Кўрққан, ғазабланган ва қочаётган фил эса ўз кўшинлари учун янада хавфлироқ эди.

“Бобурнома”да Ҳиндистон филлари ҳақида қўйидаги маълумотлар келтирилган: *“Ҳайвонотким, Ҳиндустон махсусидур, вухушдин бир филдурким, ҳиндустоний «ҳаатий» дер.... Фил азимул-жусса ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улукдугига ярашадур, қарилаб сотарлар. Ҳар неча улукроқ - баҳоси кўпрак.... Филнинг емак ва ичмаги тамом хартуми биладур, хартуми бўлмаса тирилмас. Хартумининг икки ёнида юққориги енгагида икки улук тиши бор, томга ва йиғочқа ушбу тишларини қўюб, зўрлаб йиқитур. Урушмоқ ва ҳар зўр ишларким бўлса, ушбу тишлар била қилур.... Ҳиндустон элининг қошида филнинг бисёр эътибори бор. **Черикларида ҳар фавжким бор, албатта, бир неча фил ҳамроҳдур.** Филнинг баъзи яхши ҳайсиятлари бор: улук сувлардин ва тунд ва тез сувлардин қалин юк кўтариб, осон ўтадур. Яна тўрт-беш юз киши тортар қазон аробасини уч-тўрт фил осон тортиб борадур, вале бўғузи хейли улуктур, икки қатор теванинг бўғузини бир фил ер”³.*

Филлардан иборат авангард ортидан пиёда аскарлар, ундан кейин суворийлар жойлашган. Кўшиннинг икки четида, қоида тариқасида, ўнг ва чап қанот кўшинлари ўрин олади. Марказда эса, Султон Иброҳимнинг ўзи хос лашкарлари билан қўмондонлик қилар эди.

¹ Қаранг: Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р. Джалиловой, Л.Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 455.

² Гулбаданбегим. Захириддин Муҳаммад кизи. Ҳумоюннома / Форс тилидан А.Қуронбеков таржимаси. – Тошкент, 2015. – Б.12.

³ Бобурнома, 275а варак.

Жангнинг бошланиши. 1526 йилнинг 12 апрелда Бобур қароргоҳида барча ҳарбий тайёргарлик ишлари якунланади, бироқ Бобур наздида, Султон Иброҳим ўрдасида иккиланиш, урушга хозирлик ишлари суёт кечаётгандек туюлади. Душманни фаол ҳарбий ҳаракатларга ундаш мақсадида, Бобур, бек ва амирларининг маслаҳатига кўра, вақти-вақти билан унинг позицияларига кичик-кичик гуруҳларни жўнатиб, ҳужум қилиб кўради. Бу камончи гуруҳлар тунда ҳам фаоллик кўрсатиб, кутилмаганда душман қароргоҳида саросима ва ваҳима уйғотишга ҳаракат қилади: *“Оз-оз кишимиз бориб, доирасигача қалин кишиларига ўқ қўярлар эди... Алар ҳеч ҳаракате ва жунбуше қилмаслар эди. Охир баъзи бекларнинг раъйи била амал қилиб, ... тўрт-беш минг кишини шабихунга йибордук. ... Тонг отиб, ёруқ бўлгунча ганимнинг доирасининг яқинида эдилар, ганим кишиси нақораларини чолдуруб, филлар била ясаб чиқтилар”*¹.

1526 йил 21 апрелда, эрта тонгдан ҳар иккала томон қўшинлари Панипат майдонида жангга тайёр ҳолатда саф тортиб турарди. Ушбу тарихий жанг, карнай ва бурғулар садоси остида, Бобур истаганидек, Султон Иброҳим қўшинининг ҳаракати билан бошланади. Сон жиҳатидан Бобур қўшинидан 10 баробарлик устунга эга бўлган ҳинд қўшинининг энг олдинги сафларида жанговар филлар (*“фил ченарлар”*) марказга қараб ҳаракатланиб кела бошлайдилар, унинг ортидан эса, султоннинг асосий кучлари Бобур қўшинининг марказий қисмига зарба беришни бошлайдилар. Бироқ, Бобурнинг мудофаа чизиғига яқинлашганда, Султон қўшини кутилмаганда, тўхтаб қолади. Бобур вақтни бой бермай, қўшин сардорларига душманга қарата бараварига тўп ва замбараклардан, камон ва милтиқлардан шиддатли равишда ўқ узишни буюради. Замбарак тўпларининг портлашлари бутун жанг майдонини олов ва чанг-тўзонга айлантириб юборади. Камончиларни оловли ўқлари ҳам душман устига ёмғирдек ёғила бошлайди. Бостириб келаётган филлар, сафларини бузиб, ўз аскарларини топтаган ҳолда, тартибсиз равишда ортга чекина бошлайди. Султоннинг ўнг ва чап қанотлари ҳаракатга келиб, ҳужумга ўтади. Асосий зарбалар Бобурнинг ўнг қанотига тушади. Баронғорни мустаҳкамлаш мақсадида, Бобур Абдулазиз мироҳур бошчилигидаги захира (тарҳ) қўшинларини сафарбар қилишга мажбур бўлади: *“Абдулазизниким, тарҳқа муайян эди, буронгорга кўмак йиборилди”*. Чап қанотларда ҳам вазият яхши эмас эди, уни ҳам ортида турган марказнинг чап “қўли” ёрдамида мустаҳкамлашга тўғри келади.

Шу тариқа, Бобур Султон Иброҳим ҳужумини қайтарига муваффақ бўлади ва эндиликда ташаббусни ўз қўлига олиб, ўзи ҳам тезкор қарши ҳужумга ўтишни бошлайди. Тўлғама (ўраб олиш амалиёти)га масъул бўлган ҳар икки қанотнинг кунбули тезликда душманни орқа томонига ўтиб, ўраб оладилар ва кучли зарбалар билан душманни марказга, яъни замбараклар ва милтиқчилар таъсир доираси томон сиқиб кела бошлайдилар: *“Фармон бўлдиким, тўлғамага таъйин бўлгон киши ўнг қўлдин, сўл қўлдин ганимнинг орқасига еврлуб, ўқ қўюб, урушқа машғул бўлгайлар... Тўлғама кишиси орқасига еврлуб, ўқ қўя кириштилар... Мустафо тўпчи ҳам гулнинг сўл қўлидин ароба устидаги зарбзанлар била яхши зарбзанлар отти”*.

Бобурнинг ўнг ва чап қанотлари – баронғор ва жавонғор қўшинлари ҳам душман қанотларига зарба бера бошлайдилар: *“Буронгор, жавонгор ҳам юруб, ганим била тегишгайлар”*.

Чин Темур Султон ва Хожа Халифа бошчилигидаги марказнинг ўнг ва чап “қўл”лари эса қанотларга кўмак бериб, душманнинг марказий қисмига ҳужум қилдилар: *“Жавонгордин Маҳдий Хожжа бурунроқ тегишти. Маҳдий Хожганинг ўтрусига бир фавж бир фил била келди. Булар ҳам қалин ўқ қўюб, ул фавжни ёндурдилар. Жавонгорга кўмак гулдин Аҳмадий парвоначи ва Турдибек Қўчбек ва Муҳиб Али халифани йиборилди. Буронгорда ҳам уруш қойим бўлди. Муҳаммад Али кўкалдош ва Шоҳ Мансур барлос ва Юсуф Али ва Абдуллога фармон бўлдиким, гулнинг олида рўбарўдин юруб, урушқа машғул бўлдилар”*².

Жанг вақтида, Бобур ўз лашкарбошиларига аниқ ва тезкор буйруқлар берар, унинг ўзига ҳам айни вақтда, марказий сафда туриб жанг қилар эди. Темурийлар қўшинининг захирадан

¹ Бобурнома, 2656 варақ.

² Бобурнома, 2666 варақ.

тортиб барча қисмлари уруш майдонида душман қаршилигини синдиришга, матонат ва жасорат билан жангга киришган эдилар. Қамалда қолиб кетган ҳинд қўшини эса, на олға силжиб, қаршисидаги рақибни енгишга ва на жанг майдонидан қочишга имкон топа оларди: *“Буронгор, жавонгор ва гул ва тўлғама ганимнинг гирдо-гирдини олиб, шиба қўюб, бажид урушқа машгул бўлдилар. Бир-икки қатла жавонгор, буронгор сари қисқа-қисқа ҳамлалар қилдилар. Бизнинг киши ўқ қўюб, шиба зарби била яна гулига тиктиллар”*¹.

Султон Иброҳимнинг қўшинларни бошқариш борасидаги тажрибасизлиги туфайли, унинг ўнг ва чап қанотлари асосий марказ қўшинлари билан аралашиб кетади. Жангчиларнинг тартибсиз ҳаракатини жанг майдонида тизимли бошқариш буткул издан чиққан эди. *“Ганимнинг ўнг қўли ва сўл қўли бори бир ерда йиғилиб, андоқ тикилиши бўлдиким, не илгари кела олдилар, не қочғали йўл топа олдилар”*, - деб эслайди Бобур.

Дарҳақиқат, Бобурнинг ўнг қанот, чап қанот, марказ ва тўлғама қисмлари душманни ҳар томондан ўраб олиб, борган сари марказга сиққиб борар, тўпчи ва милтиқчилар гуруҳи эса улар устига тинимсиз тош, олов ва ўқлар ёғдирадди. Шу тариқа жанг тақдири теурийлар фойдасига ҳал қилинган эди. Тонгда бошланган уруш тушгача давом этади ва охир-оқибат Бобурнинг яққол ғалабаси билан якун топади.

Панипат майдонида Бобурнинг тахминича, душманнинг 10-15 минг қўшини ўлади, бироқ, кейинроқ маълум бўладики, 40-50 минг қўшин нобуд бўлганди, омон қолганлари эса теуарак атрофларга қочиб кетишга эришадилар. Бу урушда Султон Иброҳимнинг ўзи ҳам ҳалок бўлган эди. Унинг жасади султоннинг 5-6 минглик хос навкарлари орасидан топилади. *“Офтоб бир найза бўйи чиқиб эдиким, уруш ангизи бўлди. Кун тушгача зарб уруш эди. Кун туш бўла аъдо мағлуб ва мақхур ва аҳиббо мултаҳиж ва масрур бўлдилар. **Тенгри таоло фазл ва карами била мундоқ душвор ишни бизга осон қилди ва андоқ қалин черикни ярим кунда андоқ ер била яқсон қилди. Беш-олти минг киши Иброҳимнинг яқинида бир ерда-ўқ қатлга етибтурлар. Ўзга ҳар ерда ўлганларни бу маъракада ўн беш-ўн олти минг тахмин қилур едук. Сўнгра Аграга келганда, Ҳиндустон эли тақриридин андоқ маълум бўлдиким, қирқ-эллик минг киши бу маъракада ўлган экандур”***, - деб эслайди Бобур.

“Тарихи салотини афғоний” асарининг муаллифи Аҳмад Ёдгорнинг хабар беришича, Бобур Султон Иброҳимнинг ўлиmidан хабар топиб, унинг жасади ётган жойга бориб, бошини эгиб: *“Жасоратингизга шон-шараф бўлсин, Эй Иброҳим!”*, - деб куюнгани, сўнгра уни подшоҳона шараф билан дафн қилишга буюрганини эслатади².

“Тарих-и Довудий”³ ва бошқа айрим манбаларда Сўлтон Иброҳимнинг ўлими ҳақида турлича маълумотлар келтирилган. Жумладан, манбаларда Иброҳим Лўдий жанг майдонидан қочиб, Жамна дарёсида чўкиб кетгани, ёки Панипат жангидан кейин яна бир йил яшагани каби турли хабарлар қолдирилган. Бироқ, бу хабарларнинг барчаси ишончсиздир. “Бобурнома”да келтирилишича, ҳақиқатдан ҳам Султон Иброҳим ушбу жангда ҳалок бўлган эди, унинг жасади Бобурнинг амири Тоҳир Табарий томонидан аниқланиб, подшоҳ ҳузурига келтирилган.

Панипат жангидан сўнг, султонлик ғазнасидаги хазиначарнинг талон-торож қилинишини олдини олиш мақсадида, тезликда Дехли ва Агра ҳам эгалланади. Айни шу даврда Гвалиор ҳокими машхур “кўхинур” олмосини Ҳумоюнга тақдим этади. 1526 йил 24 апрелда Бобурнинг зафарли қўшинлари пойтахт Дехли дарвозасидан тантанали кириб келади. Бу ерда у Шайх Низом авлиё ва Хожа Қутбиддин мазорларини ҳам зиёрат қилади. 27 апрелда эса, шаҳарнинг жомеъ масжидларида устозлари бўлмиш Мавлоно Маҳмуд ва Шайх Зайн томонидан Бобур номига хутба ўқилиб, шукроналик намози адо этилади, маҳаллий аҳолига турли эҳсонлар улашилади. Шунингдек, Бобур бу ерда ўз номидан *“Ал-Султон ал-аъзам вал хоқон ул-мукаррам Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи Султон гозий, ҳоладоллоҳу мулкаҳу*

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: Ahmad Yadgar. Tarikh-I Salatin-I Afaghana. – Б. 23.

³ Абдуллоҳ. Тарихи Довудий. Алигарх, 1954 (форс. тилида).

ва салтанаху” ёзувлари туширилган тангалар ҳам зарб этади. Бу Ҳиндистоннинг фатх этилиши ва эндиликда унинг салтанати таркибига киритилганлигидан далолат берарди¹.

Бобурнинг Султон Иброҳим устидан ишончли ғалаба қозонишининг сабаблари нимада эди? Манба ва тадқиқотларда Деҳли султони кўшинларининг мағлубиятига сабаб бўлган омилларнинг ҳолисона таҳлили йўқ. Бир қатор тадқиқотчилар Панипат жанги натижаларини умумлаштириш билан чекланиб, Иброҳимшоҳ мағлубиятини унинг ҳарбий истеъдод даражасининг пастлиги билан изоҳлайдилар. Шубҳасиз, жанг натижаси, асосан, Бобурнинг ҳарбий санъати, унинг тўғри танланган тактика ва стратегияси, жумладан, кўшинларнинг истехкомлар занжири ортида моҳирона жойлашиши, тезкор қанот зарбалари (тўлғама) ҳамда ўз даврининг илғор замонавий ўқотар қуроллари билан унумли фойдаланганлиги билан боғлиқ. Ҳинд кўшинининг тартиб-интизом борасидаги жанговар фазилатлари бўйича, Бобур кўшинидан яққол пастлиги ҳам сабаб бўлган эди. Иброҳимшоҳнинг ўз кучига ҳаддан ташқари ишониши, манманлик ва туғён ботқоғига тушиши натижасида, рақиби бўлмиш Бобурнинг куч-қудратига етарли баҳо беролмай қолди. Лекин асосий сабаб, шубҳасиз, Деҳли султонлигида юзага келган сиёсий инқироз, олий ҳукмдор ҳокимиятининг заифлашиши ҳам ўз таъсири кўрсатмай қолмади, албатта. Шундай бўлса ҳам Бобур, ҳинд армиясига, ҳусусан Султон шахсиятига баҳо берар экан, агар хоҳласа, Султон Иброҳим янада ҳам кўпроқ аскар ёллаши мумкинлиги, аммо зикналиги ва молу-давлатга берилганлиги туфайли, ҳал қилувчи жанг олдидан ўз кўшинини кўпайтиришга, унга керакли маблағлар ажратишга рози бўлмагани таъкидлайди: *“Ғанимнинг ҳозир черикини бир лак ченарлар эди. Ўзининг ва умаросининг минг-икки мингга ёвуқ фили бор дерлар эди. Икки отасидин қолгон хазина худ нақд илигида эди, Ҳиндустонда бир расме бордурким, мундоқ иш тушганларда ярмоқ бериб, миёд била навкар тутарлар. Бу элни «бадхандий» дерлар. Агар мундоқ хаёл қилса эди, бир лак, икки лак ҳам навкар тута олур эди. Тенгри таоло рост келтурди, не йигитини рози қила олди, не хазинасини улаша олди. Қандин йигитини ризо қила олурким, табиатиға имсоқ кўп голиб эди. Ўзи ярмоқ йиғиштурмоққа беҳад толиб, бетажриба йигит эди. Не келиши саранжомлиқ эди, не туруши, не юруши эҳтимомлиқ эди, не уруши”*². Афтидан, теурийлар кўшинининг камлиги сабаб, шундоқ ҳам кўп сонли кўшинни ёлланма аскарлар – “бадхандий”лар ҳисобига янада тўлдиришга, Султонда зарурат туғилмаган кўринади.

Бобурнинг ўзи ҳам мазкур ғалабасини истеъдоди, шахсий маҳорати ва тажрибасидан эмас, балки камтарона тарзда, “тақдирнинг унга кўрсатган иноятдан” деб билади: *“Бу ҳол ва бу қувват била таваккул қилиб, ўзбакдек юз минг қари ёғийни орқада қўюб, Султон Иброҳимдек қалин чериклик ва васеъ мулклик подшоҳ била рўбарў бўлдук. Таваккулимизга яраша Тенгри таоло ранж ва машаққатимизни зойиё қилмай, мундоқ зўр ганимни мағлуб қилиб, Ҳиндустондек кенг мамлакатни мафтўҳ айлади. Бу давлатни ўзумизнинг зўр ва қувватидин кўрмасбиз, балки Тенгрининг маҳзи лутф ва шафқатидиндур ва бу саодатни ўзумизнинг саъй ва ҳимматидин билмасбиз, балки Тенгрининг айни карам ва иноятидиндур”*³.

Гарчи Султон Иброҳимнинг армияси сон жиҳатдан кўп ва қудратли бўлган бўлсада, бироқ унинг сиёсатидан норози бўлган лашкарбошилар кўп эди, улар тез-тез итоатсизлик кўрсатиб, марказий ҳокимиятга бўйсинишни ишташмас эди. Тинимсиз урушлар оддий халқ турмуш ҳаётини янада оғирлаштириб, уларнинг ҳукуматга қарши норозилик кўзғолонларига ҳам сабаб бўлар эди. Буларнинг бари, охир оқибат, салтанатнинг емирилишига, унинг ҳарбий қудратига путур етказмай қўймади. Бу вазиятда Бобурнинг Панипатдаги ғалабаси Шимолий Ҳиндистонда, Деҳли султонлигининг салкам 300 йиллик тарихига яқин ясаб, Лўдийлар сулоласи ҳукмронлигига чек қўйган сўнгги зарба бўлди.

¹ Sharipov A.A. On Coins Minted in the Kingdom of Zahir al-Din Babur // “New Perspectives for the Study of Islamic Culture, History and Art in Uzbekistan (IRCICA)” Proceeding of the International Dedicated to the Memory of Academician Ubaydulla Karimov (May 2021. Tashkent) – Istanbul, 2021. – pp. 309–314.

² Бобурнома, 265а варақ.

³ Бобурнома, 269а варақ.

Ҳақиқатдан ҳам, Панипат жанги нафақат Ҳиндистон тарихида, балки Бобурийлар ҳаётида ҳам ўта муҳим воқеа бўлган эди. Ушбу жанг Бобурнинг буюк саркарда сифатидаги иқтидорини яққол намоён этди ва унга катта шуҳрат келтирди. Унинг сон жиҳатдан жуда катта душман кўшинини оз сонли лашкар билан тор-мор қилгани жаҳон ҳарбий санъат тарихидан ўрин олган. Бу жангда ўз даврининг замонавий қурол-аслаҳаларидан, хусусан, янги ўточар қуроллар, артилерия ва ҳарбий тактика санъатидан унумли фойдаланилган. Ушбу жанг туфайли Амир Темури ва Темурийларнинг жанг санъатини яна бирбор Бобур мисолида, бутун дунёга намоён этишга хизмат қилди.


Панипат жангидан кейин ҳам, Бобур янада оғирроқ бўлган жанглارни бошидан кечиради. Рона Санго бошчилигидаги Ражпутлар конфедерациясига қарши навбатдаги уруш 1527 йил 16 мартда Агра шаҳридан 60 км ғарбда жойлашган Конва (Кханва) шаҳри яқинида юз берган эди. Тарихда “Конва жанги” билан машҳур бўлган мазкур жанг ҳам Бобурнинг тўлиқ ғалабаси билан якунланади.

Бобурнинг ушбу ғалабалари натижасида, бутун Шимолий Ҳиндистон устидан Темурийлар сулоласининг назорати ўрнатилади, бу ерда узил-кесил янги ҳокимият ўрнатилади ва Амир Темури асос солган Темурийлар давлатининг давомчиси сифатида, янги буюк империяга – Бобурийлар салтанатига (1526–1857) асос солади.


Иловалар:

1-расм

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR QO'SHININING YASOLI (JANGOVAR TARTIBI)



DEHLI SULTONI IBROHIM LO'DIY
QO'SHININING YASOLI (JANGOVAR TARTIBI)



Бобурнинг ўқотар жангчилари



Панипат жанги. Миниатюра



Султон Иброхимнинг ҳалокати. Панипат. 1526 йил.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ahmad Yadgar. Tarikh-i Salatin-i Afaghana. – Б. 23.
2. Sharipov A.A. On Coins Minted in the Kingdom of Zahir al-Din Babur // “New Perspectives for the Study of Islamic Culture, History and Art in Uzbekistan (IRCICA)” Proceeding of the International Dedicated to the Memory of Academician Ubaydulla Karimov (May 2021.Tashkent) – Istanbul, 2021. – pp. 309–314.
3. Абдуллоҳ. Тарихи Довудий. Алигарх, 1954 (форс. тилида).
4. Азимджанова С.А. Государство Бабур в Кабуле и в Индии / Отв.ред. К.З. Ашрафян. – М.: Наука, 1977. – 176 с.
5. Ашрафян К.З. Делийский султанат: К истории экономического строя и общественных отношений (XIII-XIV вв.). – М., 1960.
6. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома / Таҳрир ҳайъати: А.Абдурашидов, Б.Алимов ва бошқ.; П. Шамсиев, С. Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрл.: С. Ҳасанов; Масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 336 б.
7. Гулбаданбегим. Заҳириддин Муҳаммад кизи. Хумоюннома / Форс тилидан А.Қуронбеков таржимаси. – Тошкент, 2015.
8. Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р. Джалиловой, Л.Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. – 727 с.
9. Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Муқим Херавий. Табақоти Акбарий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди қўлёмаси. Инв. № 3341. 138б varaқ.
10. Фаришта. Тарихи Фаришта. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёмаси. Инв. № 826. 143, 144, 233 varaқлар.

TARIXIY HUIJATLARDA BUXORO AMIRLIGI VOBKENT TUMANI

Маҳфуза Равшановна Абдуваҳобова. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти. Таянч докторанти 3- курс

***Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро амирлиги Вобкент туманининг аштархонийлар ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-иқтисодий ва аграр ҳолатини тарихий асарларда ўрганилишини очиб берилишига ёрдам беради. Шунингдек маҳаллий ва чет эл сайёҳларининг эсдалик асрларида туманнинг аҳоли жой номлари ва уларнинг тарихий этник таҳлилини ўрганиши билан бирга, туман маъмурий тизимининг аниқ манзарасини очишига ҳам ёрдам беради. Қолаверса, Вобкент туманидаги археологик ёдгорликларни ўрганиши, эпиграфик материалларни ва архив ҳужжатларини тадқиқ қилиши мазкур туман тарихини мукамал ҳолда ўрганилиши ҳақидаги маълумотлар акс этган.*

***Аннотация.** Данная статья поможет раскрыть социально-экономическое и аграрное положение Вобкентского района Бухарского эмирата в период правления Аштарханиды в исторических трудах. Помимо изучения названий населенных пунктов района и их историко-этнического анализа в памятных историях местных и иностранных туристов, это также помогает получить четкое представление об административной системе района. Кроме того, изучение археологических памятников Вобкентского района, исследование эпиграфических материалов и архивных документов отразили информацию о прекрасном изучении истории этого района.*

***Annotation.** This article will help to reveal the socio-economic and agrarian situation of the Vobkent District of the emirate of Bukhara during the reign of the Ashtarkhanids in historical works. As well as studying the district's settlement names and their historical ethnic analysis in the commemorative centuries of local and foreign tourists, it also helps to open up a clear view of the district's administrative system. In addition, the study of archaeological monuments in the Vobkent district, research of epigraphic materials and archival documents reflected information on the excellent study of the history of this district.*

Бухоро амирлиги аштархонийлар ўрнига келган ўзбек манғитлар сулоласи вакиллари бўлиб, 1756-1920 йилларда ҳукмронлик қилган.

Бухоро амирлигининг маъмурий-худудий тузулиши 10 та вилоят 7 тумандан ташкил топган. Вобкент тумани кичик туманларидан бири бўлишига қарамасдан, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида жуда муҳим рол ўйнаган.

Вобкент Бухоро амирлигининг муҳим туман марказларидан бири сифатида тарихий асарларда ҳам тилга олинган. Бу ҳудуд билан боғлиқ кўплаб тарихий воқеалар, ҳодисалар Бухоро амирлиги даврида яшаб ўтган ва фаолият кўрсатган тарихчиларнинг асарларида ўз аксини топган. Бундан ташқари ҳозирги Вобкент тумани таркибига кирувчи айрим қишлоқлар ва аҳоли турар жойлари ҳам тарих саҳифаларидан ўрин олганлигини эслаб ўтиш лозим.

Вобкент худуди билан боғлиқ тарихий воқеаларни маҳаллий олимлардан Садри Зиё, Муҳаммад Али Балжувоний, Муҳаммад Вафойи Карминагий, Садриддий Айни каби Бухоро амирлигида яшаган маърифатпарварлар, тарихчи ва ёзувчилар асарларида эслаб ўтилган. Бундан ташқари Вобкент ва бу ердаги ер-мулклар билан боғлиқ қонуний ва ҳуқуқий шартномалар вақф ҳужжатларида ҳам тилга олинган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Вобкент ҳақида XIX асрда Бухоро амирлиги худудига саёҳат қилган хорижий сайёҳлар ўз кундаликлари ва саёҳатномаларида фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар.

Вобкентнинг ўзидан ташқари унинг ҳозирги худуди таркибига кирган Комот, Кумушкент, Харгуш, Сарипул, Қалти, Хайробод, Пирмаст, Сўғд каби туман ва қишлоқларни тарихий манбаларда эслатиб ўтилган.

Юқоридаги муаллифларнинг асарларидан айримларида қуйидаги тарихий фактлар учрайди. С.Айний ёзишича, Бухородан 32 км масофада, Вобкент ва Шофиркон ўртасида Сўғд қишлоғи жойлашган. Аҳмад Донишнинг аجدодлари айнан шу қишлоқдан келиб чиққан. Садри Зиё Пирмаст тумани қозиси қози Умар хусусида ўзининг “Наводири Зиёия” асарида ёзган. Садри Зиёнинг ўзи Вобкент қозиси бўлганлиги хусусида ҳам айрим маълумотлар сақланиб қолган Жўйбори шайхларининг Комот туманидаги қозихонада тасдиқланганлиги хусусида вақф ҳужжатларида қайд қилинади. Комот ҳозирги Вобкент таркибига кирган туман ҳисобланади Тадқиқотчилар, Комот билан Вобкентни айнан бир туман санаб, бу унинг фақат турли номларда айтилиши, деб тушунтиришади.

Муҳаммад Али Балжувоний Бухорога тобе шаҳар ва кўрғонлар орасида Хайробод ва Вобкентни тилга олади. {1} Хайробод, шунингдек Садри Зиёнинг “Наводири Зиёия” асарида бу туманда қозилик қилган пасткаш ва саводсиз қози Кароматуллоҳ Ҳожи ҳикояси асносида эслаб ўтилган.

Муҳаммад Али Балжувоний Бухоро шаҳри большевиклар томонидан босиб олиниши жараёнида Амир Олимхоннинг амирлик пойтахтидан қочиб кетишини тасвирлаб бераркан, унинг Вобкент ва Ғиждувон орқали ўтган деб таъкидлайди. Унинг ёзишича, Амир Олимхон бу туманлар орқали ўтиб, кечаси Қизилтепа устидаги темир йўлдан кечиб, Қарши чўли томонга равона бўлган. Амир Олимхон ўз салтанатини тарк этишдан олдин Вобкентга киришига асосий сабаб, бу ерда унинг хонадон аҳли турганлиги бўлган {2}.

Амир Олимхон ўзининг хотира китобида ҳам ҳаёти ва тахт кечинмаларини ёзиб кўп жойларда Вобкент (Комот) ҳақида эслаб ўтган. Хусусан “Шоҳлик боғи саналган Ситорайи моҳи хоссадан чиқиб Тумон Комот ва Ҳирқонруд, яъни Ғиждувон тарафга равона бўлдим.” дейди. Бу мисраларида Амир Олимхон большевиклар истибдодидан қочиб Афғонистон томон кетаётганда айнан Комот туманини ҳам хотирлаб ўтган.

Кейинги хотираларида Амир Олимхон Вобкент ва унинг атрофидаги бошқа туманларни қайд этиб унга йўлланган бир мактуб ҳақида ёзиб ўтган.” Бухоро шаҳри теварак атрофи ва Бухоро туманлиги Иброҳимбекнинг кураши ҳақида хабардор бўлганидан Бухоро шаҳри атрофидаги фуқаролар Ғиждувон, Пирмаст, Вобкент, Хўжа Ориф, Хутфар, Вагонза, Қорақўл туманликлари аҳолиси ва фуқаролари, тахминан ўн беш минг нафар одам тўплаб бу бандайи ожизга таъбилик ва фидокорлик билдирган. {3} Амир Олимхон яна аскарликка Бухоро шаҳри атрофидаги туманлардан жами 6 минг одам йиғганлиги қайд этиб кетган. Олтита туманнинг ичида Вобкент тумани ҳам бор. (Вобкент туманидан жами 2 минг одам бўлган).

Садри Зиёнинг ўтмишда Бухорода мавжуд бўлган лавозим ва мартабаларга бағишланган рисоласида туманлар ва қишлоқлар бўйлаб сув тақсимотида Комот тумани ва Хайробод қишлоғи ва бу жойларнинг аҳолисига қанча сув ажратилиши масаласида айрим ойдинликларни киритган. Ҳозирги Вобкент туманига қарашли ва Ромитан марказига яқин турган ҳамда Зарафшон дарёсининг сўл қирғоғида жойлашган Қалти қишлоғи илгари Қалти ҳазораси деб номланганлигини ва бу ернинг аҳолиси ҳам маълум миқдорда сув билан таъминланиши Садри Зиё асарида эслаб ўтилган. {4}

“Тухфат ул-хони” асари муаллифи Муҳаммад Вафойи Карманаги ўз асарида Хитфар тумани ва Обканд қалъаси хусусида ёзади {5}. Бу ердаги Обканд қалъаси, эҳтимол Вобкент билан алоқадор бўлса керак.

Таниқли шарқшунос В.В.Радлов XIX асрда Зарафшон водийсини ўрганар экан, шундай ёзган эди: «Зарафшон водийсида ва унга туташ ерларда аҳоли мавжуд сувнинг миқдорига мос равишда зичликда жойлашган. Сув охириги томчисигача ишлатилади, шунинг учун бу ерларда илгаридан яшаб келаётган аҳоли манфаатларига зиён етказмай туриб, кичик кўрғон қуришнинг ҳам иложи йўқ...». Бундан 150 йилча олдин ёзилган ушбу сатрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ ва туман ҳудудида турли жараёнларни амалга оширишда, шу жумладан, йирик иншоотларни барпо этишда, биринчи навбатда гидрологик омил ва унга бўладиган таъсир ҳисобга олиниши лозим.

Вақф ҳужжатларига эътибор қаратсак, 1326 йилга оид бир вақф ҳужжати Бухоро қозиси Абу-л Фазл Муҳаммаднинг ўғли Абу л-Ҳамид Муҳаммад томонидан тасдиқланган бўлиб, унга кўра Сайфиддин Бохарзийнинг невараси шайх Абу-л Муфаххир Яҳё Сайфиддин Бохарзийнинг хонақоҳи ва мақбара қошидаги ҳаммоми ҳисобига умумий майдони 100 кв. м бўлган 11 та қишлоқ, жумладан Фатҳобод қишлоғидаги суғорма ерларни, боғларни, суғориш тармоқлари ҳамда бошқа кўчмас мулкларни вақф қилган. {6} Мазкур қурилма ва иншоотлар Бухоро яқинидаги Фатҳобод қишлоғида мавжуд бўлган. Шайх Яҳё вақф учун 11 та қишлоқ, шунингдек унинг бобоси томонидан қурилган Фатҳобод қишлоғини сотиб олган. Фатҳобод қишлоғи таркибида экин ерлари билан бир қаторда боғлар, суғориш шохобчалари ва тармоқлари ҳамда бошқа кўчмас мулклар бўлган. Бу ҳудуд умумий майдони камида 100 кв. км. бўлган. 1333 йилга келиб Шайх Яҳё Вобкент туманидан яна бир неча қишлоқларни сотиб олиб уларни ҳам вақфга айлантирган.

XIX асрнинг 30 йилларида Бухоро амирлигига саёҳат қилган рус офицери И.В.Виткевич Вобкент ҳақида кўпроқ маълумотлар ёзиб қолдирган. У Вобкент шаҳардан кўра кўпроқ қишлоқ мавқеидалигини таъкидлайди ва унинг Бухородан ярим верст масофада туришини ёзади. {7} И.Виткевич ўз ҳамроҳлари билан Вобкентдарё кўпригидан ўтишганда, у дарёнинг эни 10-12 сажени ташкил этиши хусусида маълумот келтирган. {8} Рус саёҳи бу ерда қишлоқ бўлганлиги боис, бир хонадонга ташриф буюрганида кишилар сандали атрофида исиниб ўтиришганига ҳамда уларнинг палов ва кўй гўшти еганлигига гувоҳ бўлади. И.В.Виткевич Вобкент минораси, унинг пишиқ ғиштдан моҳирона қурилганлиги ҳамда минора ёнида масжид йўқлиги хусусида хабар беради. Минора билан боғлиқ ривоятни ҳам у ўз кундалигидан ёзиб қолдирган. Унинг сўзларига кўра, миноранинг баландлиги 40 газ яъни 20 маховий сажень. {9} Вобкент дарёси суви Зарафшон дарёсига Тош кўприқдан қуйирокда қуйилишини эслатиб ўтган.

Рус шарқшуноси Н.В.Хаников Бухоро атрофида доимий ва ҳафтанинг маълум кунлари ташкил этиладиган бозорлар ҳақида ёзар экан, улар қаторида ҳозирги Вобкент туманига қарашли Кумушкенд, Харгуш (пайшанба кунлари), Сарипул (душанба кунлари), Хайробод, Вобкенд ва Пирмаст номларини келтирган 1820 йилда А.Ф.Негри экспедицияси таркибида Бухоро амирлигига саёҳат қилган Е.К.Меендорф шу йил қишнинг декабр ойида Вобкентдан ўтиб шу хусусида қуйидагича маълумот қолдирган: “Вобкентда 300 атрофида тартибсиз қурилган ховли-жойлар мавжуд бўлиб, шу билан бир қаторда анчайин чиройли Минора ҳамда масжид бор” {10}

Хулоса ўрнида Бухоро амирлиги таркибида бўлган Вобкент тумани тарихини чуқурроқ ўрганиш учун кўпроқ манбаларни жалб қилиш лозим. Чунки мазкур туман ва унинг

маркази ҳамда атрофларидаги турли жойлар, қишлоқлар хусусида маълумотлар ва далиллар пароканда ҳолатида. Уларни тўплаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. Вобкент туманидаги археологик ёдгорликларни ўрганиш, эпиграфик материалларни ва архив ҳужжатларини тадқиқ қилиш мазкур туман тарихини мукаммал ҳолда яратишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айни С. Повести, очерки. Душанбе, 1983. – С. 398.
2. Садри Зиё. Наводири Зиёия // Тожик тилидан таржима, кирилча, изоҳлар муаллифи Б.Б.Аминов, исмлар, тарихий-географик номлар кўрсаткичи А.Замонов. – Тошкент, 2017. – Б.118
3. Садри Зиё. Наводири Зиёия .Тошкент, - 2017. – Б.141
4. Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. Ташкент: Узбекистан.
5. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеи (Фойдали тарих) / тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар Ш.Воҳидов, З.Чориевники, Тошкент, 2001. – Б.32.
6. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеи (Фойдали тарих) / тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар Ш.Воҳидов, З.Чориевники, Тошкент, 2001. – Б.87.
7. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеи,– Б. 66.
8. Амир Сайид Олимхон . Бухоро халқининг хасрати тарихи. Тошкент-1991. Б–15.
9. Семенов А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. Ленинград. –1948. – С. 146.
10. Садри Зиё. Наводири Зиёия. Тошкент. – 2017. – Б. 147.

СИРДАРЁНИНГ ЎРТА ОҚИМИДА ЖОЙЛАШГАН ЎРТА АСР ШАҲАРЛАРИ МАНБАШУНОСЛИГИГА ДОИР

*Алимова Р.Р. ТДШУ, Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнологияси кафедраси мудири,
т.ф.н., доцент*

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта аср манбаларида Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Арқуқ, Сигноқ, Саврон ва Ясси шаҳарлари, Туркистон вилоятининг географик ўрни, топографияси, шаҳар аҳолиси, савдо-иқтисодий муносабатлари, унинг муҳим стратегик ва савдо маркази ҳамда Си-нобининг пойтахт бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади.

Калит сўз ва иборалар: Фазлуллоҳ ибн Рузбихон, Рашидиддин, Абдулраззоқ Самарқандий, Зайниддин Васифий, Низомиддин Шомий, Сигноқ, Саврон, Арқуқ, Ясси, Сайхун, Сирдарё, кўчманчилар, савдо маркази.

Аннотация: В данной статье анализируются сведения о городах Аркук, Сигнак, Савран и Ясси и о Туркестанской области, расположенных в среднем течении Сырдарьи, о географическом положении этих городов, топографии, население, торгово-экономических связях, в средневековых источниках. Рассматриваются сведения о важном стратегическом и торговом центре городов, а также как столица города Сыгнака.

Ключевые слова и фразы: Фазлуллах ибн Рузбихан, Рашидаддин, Абдулраззак Самарқанди, Зайниддин Васифи, Низамиддин Шамий, Сыгнак, Савран, Аркук, Ясси, Сайхун, Сырдарья, кочевники, центр торговли, склад.

Annotation: This article analyzes the information about the cities of Arquq, Sighnoq, Savron and Yassi located in the middle reaches of the Syr Darya, the geographical location of the Turkestan region, the topography, the population of the city, trade and economic relations, and the fact that it was an important strategic and trade center and the capital in the medieval sources.

Key words and phrases: Fazlullah ibn Ruzbihan, Rashidaddin, Abdurrazzak Samarqandi, Zayniddin Vasifi, Nizamiddin Shami, Sygnak, Savran, Arkuk, Yassi, Sayhun, Syrdarya, kochevniki, central trading, warehouse.

Ўрта аср муаллифлари асарларида Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Арқуқ, Ўзганд, Саброн ва Сиғноқ шаҳарлари, Туркистон вилояти, уларнинг тарихи, топографияси, гидронимлари, гидрографияси, орографияси, аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи, анъанавий хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, моддий ва маънавий маданияти билан боғлиқ жуда кўплаб маълумотлар берилган. Ўрта аср тарихчиларидан Рашидиндин, Абдурраззоқ Самарқандий, Фазлуллоҳ ибн Рузбихон, Зайниддин Васифийнинг асарларида бу шаҳарлар тарихи ҳақида берилган хабарлар диққатга сазавордир. Айниқса, Фазлуллоҳ ибн Рузбихоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган шаҳарлар ҳақида келтирилган маълумотлар кўплиги, батафсил ёзилганлиги билан қимматлидир. Зеро, муаллиф китобида ўзи кўрган ва шоҳиди бўлган воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қилади.

Сирдарёнинг ўрта оқимида қад ростлаган ўрта аср шаҳарлари тўғрисидаги маълумотларни Шайбонийхоннинг қозоқларга қарши юриши йўналишига қараб даврий кетма-кетликда тавсифлаш мақсадга мувофиқ. Хоннинг ҳарбий йўналишида учраган биринчи шаҳар кўрғони бу Арқуқ қалъаси ҳисобланади. Шайбонийхон лашкари билан 1509 йил 18 февралда Арқуққа етиб келган¹.

Асарда берилган маълумотларга кўра, “Шайбонийхон сафарга чиқиб, беш кундан сўнг қамишзорга дуч келади, у ерда эски кўрғоннинг изларини кўради. Бу кўрғон Бухоро билан Туркистоннинг бошланиши оралиғида жойлашган ва уни Арқуқ кўрғони деб аташади”, - дейилади манбада². Муаллиф Шайбонийхон кўшини билан Арқуқ қалъасига етиб келганида, уни Туркистон вилоятидаги, кўшни худудлар ва шаҳарларнинг машхур уламоларининг катта гуруҳи ва қозилари кутиб олишганлигини баён қилади³.

“Меҳмонномаи Бухоро” асарининг XIV бобида Туркистон кўрғонининг бошланишида жойлашган Арқуқ қалъасига келганлиги тўғрисидаги маълумотда қуйидагилар ёзиб қолдирилган. “Чексиз чўлдан ўтиб, худо марҳамат қилган Арқуқ қалъасига тўққизюз ўн тўртинчи йилнинг ёзида шаввал ойининг йигирма еттисида шанба куни етиб келдик”, деб ёзилади. Бу “Арқуқ қалъаси - Туркистоннинг чегара дарвозаси, шунинг учун Бухоро ва Самарқанддан Туркистон вилоятига йўлга чиққан кишининг биринчи тўхташ манзили ва биринчи турар жойи шу қалъа ҳисобланади – бу бахт билан ёритилган қасаба”⁴, - деб эътироф қилинган.

Фазлуллоҳ ибн Рузбихон Туркистон мамлакатининг тавсифи қисмида “Туркистон мамлақати аҳоли яшайдиган машхур ўлка ва жойлардан биридир. У ўзининг афзаллиги ва хусусиятларига кўра, ҳақиқатда ер юзида камдан-кам учрайдиган (мамлакатдир - Р.А.). Туркистон ўттиз учта қалъадан иборат”⁵.

“Меҳмонномаи Бухоро”да муаллиф вилоят ва шаҳарлар манзарасини ниҳоятда ҳайрат билан таърифлашга ҳаракат қилган. Хусусан, “Туркистон мамлақати баҳор фаслида жаннат боғларига ўхшайди, гулларнинг мўл-кўллигини Эрам боғларидаги тантаналар ўтказиладиган боғга қиёслайди. ...Турфа хил гуллар ва ҳар хил хушбўй ўтларнинг ҳиди ўлканинг у чеккасидан бу чеккасигача таралган бўлиб, уни ернинг безагига айлантирди, худди далалар ва чўллар ҳавонинг ёқимли ва сувнинг ширинлиги билан уни абадият ҳавосига айлантирди. ...”⁶. Умуман олганда, муаллиф Туркистон табиатини рангли тасвирлар билан ифода қилишга ҳаракат қилган. Қушлар ва сайғоқларнинг кўплиги, Туркистон аҳолисининг меҳмондўстлиги тўғрисида батафсил маълумотлар ёзиб қолдирилган.

¹ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 42.

² Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 72.

³ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 78.

⁴ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 73.

⁵ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 73.

⁶ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 74.

Арқуқ қалъаси тавсифида Туркистон шаҳарлари орасида Арқуқ биринчи қалъа бўлиб, хоннинг тўхташ манзили бўлган дейилади. Арқуқ Сайхун дарёсидан бир фарсах узоқликда бўлиб, дарёнинг ғарбий томонида жойлашган. У орқали йўл Туркистоннинг Ясси, Сабрам ва бошқа шарқий қалъаларига ўтади. Аммо Арқуқ бинолар жиҳатидан унча катта бўлмаса ҳам ва бир неча уйдан ташкил топган бўлса ҳам, ободлиги жиҳатидан бошқаларга ўхшамайди¹. Шунчалик ҳайратланарли манзарали шаҳарда савдо пештахталари ва бозорлар йўқлиги, савдо асосан аҳоли уйларида амалга оширилиши, Туркистон кишлоқларининг аксарияти Арқуқ қалъасига ўхшаши, ҳатто унданда гуллаган, деб эътироф қилинади². Арқуқ – Сирдарёнинг чап соҳилида, Туркистон шаҳри рўпарасида бўлган ўрта аср қалъаси деб эътироф қилинади³.

С.Д.Асфандияровнинг ёзишига кўра, Сирдарёнинг чап соҳилида, Сауран шаҳри қаршисида жойлашган Арқуқ шаҳри вайроналари Жанубий Қозоғистон вилояти Туркистон туманинг 21 овули яқинида жойлашган⁴.

Шайбонийхон қозоқлар юртига юриш қилиб, Арқуқдан сўнг 1509 йил 19 февралда Узгандга етиб келган⁵. Фазлуллоҳ ибн Рузбихон “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Узганд шаҳрига кириб борганлиги, бу шаҳар Сайхун дарёси бўйида жойлашганлиги ва шаҳардан Сайхунгача бир фарсах келишини маълум қилган⁶. Шаҳар ободлиги жиҳатидан Арқуққа нисбатан пастроқ даражада эканлиги эътироф қилинган⁷.

Рузбихон Арқуқ қалъасида Сайхун дарёсидан Ясси шаҳрига ўтадиган кечув борлигини маълум қилган⁸. В.В.Бартольднинг фикрига кўра, Ясси бу Туркистон шаҳри. Бу шаҳар XII асрда шайх Аҳмад Яссавий хизматлари билан машҳур бўлган⁹. Фазлуллоҳ ибн Рузбихон Ясси шаҳри ва Туркистон вилояти тўғрисида ҳам маълумотлар қолдирган. Масалан, Ясси шаҳри катта ва унумдор Туркистон вилоятининг пойтахти. Унинг атрофлари гуллаган, гўё гулзорга ўхшайди. Бу вилоят ўзбек ҳудудларининг чети ва Андижондан Хитойга борадиган йўлнинг охири... Ясси шаҳрига товарлар ва қимматбаҳо буюмлар олиб келинади, у ерда савдо бўлади. Шаҳар савдогарлар товарларини бўшатиб ёядиган ва мамлакатлар бўйлаб саёҳатчилар тўпланиб жўнайдиган жойдир. Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси тўғрисида шундай ёзади: У дунёдаги энг диққатга сазовор қурилган бинолардан бири, одам боласининг ажойиб яратувчанлиги ҳосиласидир. Мақбара баланд гумбазли қилиб қурилганлиги эътироф қилинган¹⁰. Рузбихон Ясси шаҳри тўғрисида берган маълумотларидан бирида, Шайбонийхон Ясси шаҳри ташқарисида Чаҳорбоғда дам олганлигини баён қилади. Бу эса, нафақат шаҳар, ҳатто унинг атрофларида боғлар барпо этилганлигидан далолат беради¹¹.

Рузбихон асарда қозоқлар билан ўзбекларнинг ўзаро муносабатлари узоқ йиллар мобайнида оғир кечганлиги, бу муносабатлар аввалом бор иккала халқнинг хўжалик укладига боғлиқлиги билан тавсифланади. Фазлуллоҳ ибн Рузбихон XVI аср бошларида кўчманчи қабилалар билан ўтроқ аҳоли ўртасидаги алоқаларда катта роль ўйнаган баъзи шаҳарлар тўғрисида яхши маълумотлар берган. Унга асосланиб, Ўрта Осиё шаҳарларининг ривожланиш тарихини билиш мумкин бўлади. Асарда Ясси шаҳрининг кенг ва унумдорлиги, Туркистон вилоятининг пойтахти эканлиги қайд этилади. Ясси ўзбек

¹ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 75.

² Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 75

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 104.

⁴ С.Д.Асфандияров. Прошлое Казахстана в источниках и материалах. Москва. С. 259. (Рузбихон. Б. 175).

⁵ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б.42.

⁶ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 81.

⁷ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 81.

⁸ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 92.

⁹ В.В.Бартольд. К истории орошения ., стр. 147.; “Кзыл-Ординский и Сир-дарьинские округа”. Чимкент, 1928. Стр. 79; Ҳ.Ҳасанов Арқуқ – Сирдарёнинг чап соҳилида, Туркистон шаҳри рўпарасида бўлган ўрта аср қалъаси деб эътироф қилган. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1981.

¹⁰ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 141.

¹¹ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 143.

ерларининг шимолий чеккаси ва Андижон орқали Хитой чегараларига борадиган йўлнинг охиридир, деб ёзган¹.

Фазллулоҳ ибн Рузбихон бетоблангандан сўнг, зу-л-каъда ойининг охирида Савронга етиб келганида, шаҳарни кўриб ҳайратланган. Шаҳар очик, текис чўлда қад ростлаган. У ниҳоятда қувноқ, майин, тетиклантирувчи ҳавога эга, ақлга қувонч ва куч беради. Унинг атрофларида қўй каби, ёввойи эчкилар ўтлаб юради ва бутун атрофда турли хил чиройли дарахтлар ўсади. Шаҳар баланд девор билан ўраб олинган, унинг атрофида хандак қазилган².

Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида ҳам Саврон ва Сиғноқ шаҳарлари тўғрисида қисқагина маълумотлар тилга олинади. Асарда Амир Темурнинг Тўхтамишхонга Ўтрор ва Саврон вилоятларини тақдим қилганлиги³, Амир Соҳибқироннинг Ўрисхон томонга лашкар тортиб борганида Ўрисхоннинг лашкари Сиғноққа келиб тушгани баён қилинади⁴. Соврон – Сирдарёнинг ўнг қирғоғида аниқроғи, Туркистоннинг шимолий қисмида жойлашган шаҳар⁵. Сиғноқ – Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган шаҳар⁶.

Ўрта аср муаллифларидан Зайниддин Восифийнинг “Бадоеул вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) асарида Саброн ҳақида илиқ маълумотлар берилган⁷. Шуниси диққатга сазоворки, Зайниддин Восифий бир муддат Сабронда яшаган. Шунинг учун унинг Саброн ҳақидаги маълумотлари ишончли ҳисобланади. Муаллиф Зайниддин Восифий 1585-86 йилларда Ҳиротда туғилган, дастлабки билимини шу ерда олган, кейин Шайбоний Ҳиротни ишғол қилгач, аввал Эронга, кейин Хуросонга кўчиб, у ерда яшириниб яшайди. 1512 й. Мовароуннахрга қочади, Самарқандда бир йилча яшайди, кейин Бухорога ўтади, бироздан сўнг Туркистон шаҳридан 40-50 км. узоқликдаги Саброн мавзесида туради. Бу ердан Фаркат, Тошкент, Шаҳрисабз шаҳарларига сафар қилади. 1522 й. Шоҳрухия шаҳрига келиб, Келдимухаммадхон саройида қарор топади. Келдимухаммадхоннинг отаси, Тошкент ҳокими Севинчхожа 1525 й. вафот этгач, ўрнига ўтирган ўғли билан Тошкентга келади ва 1566 йилда Тошкентда вафот этади.

“Бадоеул вақоеъ”да Убайдуллахон даврида Сабронда бир мадраса қурдирилади, иморат доруғаси ва мутасаддиси қилиб жаноб вазоратмабу Осаф табиат Қавомиддинхожа бинни Султон Иброҳим тайинланади. Бу олий мақом иморат тугагандан кейин Убайдулла Муҳаммад Баҳодирхон саройидаги бир тўда яқинларини ва олампаҳо даргоҳ ноибларини тухфа ва лойиқ ҳадя, инъом ва шарафли соруполар билан Саброн шаҳрига жўнади⁸.

Зайниддин Восифийнинг хонлар томонидан мамлакатдаги бунёдкорлик ишлари, деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида қурдирган ирригация шаҳобчалари тўғрисидаги хабарлари эътиборга лойиқдир. Масалан, “Туркистонда кузатилган ажойиб ишлардан бири шу бўлди: Амир Араб Саброндан бир фарсанг ерда икки кориз қурдирган эдилар.”⁹.

“Бадоеул вақоеъ”да муаллиф Саброн шаҳри тўғрисида қуйидагиларни ёзади: “Оллоҳ йўлбошчилигида у чексиз биёбондан Туркистон вилоятига соғ-саломат етиб келдик. Саброн шаҳрига кириб келдик. У шундай бир шаҳар эдики, мустаҳкамликда кўк тусли фалак биноти билан рақобат қилар, обу-ҳавосининг ёқимлилиги жаннат боғлари билан баробарлашарди...”¹⁰.

¹ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 37.

² Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 140.

³ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 103.

⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 104.

⁵ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 423.

⁶ Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 423; Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1981. – Б. 256.

⁷ Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеул вақоеъ (Нодир воқеалар). – Тошкент, “Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1979. 214 б.

⁸ Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеул вақоеъ (Нодир воқеалар). – Тошкент, “Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1979. – Б. 51-52.

⁹ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 53.

¹⁰ Ўша муаллиф. Ўша асар. – Б. 51.

Ўрта аср муаллифлари асарларида Сиғноқ тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд. Хусусан, XI-XIV аср манбаларида Сиғноқ ҳақида қисқагина маълумотлар учрайди. XIV асрда яшаб ўтган Рашидиддин “Жоме ат-таворих”¹ асарида XIII асрда Сугнак (Сиғноқ) катта ва яхши мустаҳкамланган шаҳар бўлганлигини қайд этади. Мўғуллар Сиғноқни бузиб ташлаган, талаган ва ёқиб юборган². Фақатгина, XIV асрга келиб, Оқ Ўрда улусининг ривожланиши натижасида Сиғноқ пойтахт сифатида қайтадан тикланган. Ўрисхон ва Тўхтамишхон³ (1380-1397 йй.) даврларида шаҳар яна ривожлана бошлаган. Абдураззоқ Самарқандий Ўрисхон Сиғноқда “бир иморат қурдирди”, деб ёзади⁴. Муаллиф 1424-1425 йилларда Сиғноқ шаҳри Улуғбек мирзонинг давлати чегаралари бўлганлигини эътироф қилади⁵.

Сиғноқ шаҳрининг жойлашган ўрни масаласида манбалар ва тадқиқотларда турлича маълумотлар мавжуд. Фазлуллоҳ ибн Рузбихон бетоб бўлиб қолган вақтда Шайбонийхон уни даволаниш учун Сиғноққа жўнашини маслаҳат берган ва унга ҳамроҳ қилиб Мавлоно Амир Самарқандийни кўшиб юборган. Мавлононинг берган маълумотига кўра, Сиғноқ Туркистоннинг чегара пунктидир⁶.

Бу каби маълумотлар муаллифи номаълум “Таворихи гузида Нусратнома” асарида, “Книга Большому чертежу” (“Катта чизилган китоб”) ва А.Левшиннинг асарида ҳам қайд қилинган⁷. Хусусан, “Книга Большому чертежу” (“Катта чизилган китоб”) асарида Сирдарёнинг чап томонида Сунак шаҳри бор дейилади⁸. А.Левшин эса, Сирдарёнинг чап томонида жойлашган Сунак, ҳозирги Сиғноқ шаҳри бўлиб, Саганак шаклида ёзилган, дейилади⁹. Асарда Сирдарёда Сунак шаҳридан 90 верст масофада Ясирван шаҳри кад ростлаганлиги, Ясирван бу Саврон, Сирдарё яқинида Саганак билан Туркистон оралиғида жойлашган Саврон эканлиги қайд этилган¹⁰.

“Таворихи гузида Нусратнома” асарида Сиғноқ шаҳрини Сирдарёнинг қуйи оқимида Ўтрордан пастрокда жойлашганлиги, ўрта асрларда у муҳим стратегик ва савдо маркази бўлганлигини эътироф қилинган¹¹. В.В.Бартольднинг маълумотларига кўра, Сиғноқ мўғуллар босқини даврида Ўтрордан 24 фарсах узоқликда жойлашган¹². Лерхнинг фикрига кўра, Тюмен-Ариқ почта станциясидан 8-10 верстдаги Сунак-Курган ёки Сунак-Ота харобалари ўрнида Сиғноқ шаҳри мавжуд бўлган. Сиғноқ билан Жанд ўртасида Ўзганд жойлашганлиги қайд қилинган¹³.

А.Ю.Якубовскийнинг ёзишига кўра, Сиғноқ Оқ-Ўрда давлатининг пойтахти бўлган¹⁴. Чингизхон 1219 йилда Ўрта Осиёга босқини даврида унинг қўшинлари Сирдарё бўйидаги сиғноқликларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, В.В.Бартольд асарларида Сиғноқ шаҳри Сунак, Саганак каби турли хил кўринишларда келтирилган бўлиб, шаҳарнинг жойлашган ўрни тўғрисида ҳам баъзи маълумотлар мавжуд¹.

¹ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том 1. Кн. I-II. – М.-Л., 1952.

² Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том 1. Кн. II. – М.-Л., 1952. – С. 199-200.

³ Тўхтамишхон Олтин Ўрда ҳукмдори (1380-1397). Жўжи наслидан бўлмиш Тўйхожанинг ўғли.

⁴ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. – Тошкент. “Фан”, 1969. – Б. 347.

⁵ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн... – Б. 347.

⁶ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 92.

⁷ Таворих-и гузида. Нусрат-наме. – Т.: Фан, 1967; Книга Большому чертежу или Древняя карта Российской империи, поновленная в розряд и списанная в книгу 1627 года. Издание второе. – СПб., 1838; Левшин А. Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких орд и степей. – СПб., 1832.

⁸ Книга Большому чертежу. – СС. 72-73.

⁹ Левшин А. Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких орд и степей. – СПб., 1832. – С.129

¹⁰ Книга Большому чертежу. – СС. 72-73.

¹¹ Таворих-и гузида. Нусрат-наме. – Т.: Фан, 1967, – Б. 9.

¹² Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинение. Т. I. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. – 482.

¹³ Бартольд. В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т.1. – С. 236.

¹⁴ Якубовский А.Ю. Развалины Сыгнака. Сообщ. ГАИМК, Т. II. – Л., 1929. – С. 123-159; Греков и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М., 1950.

XV асрда Сирдарёнинг ўрта оқимида Ясси (Туркистон), Ўтрор, Сиғноқ, Сауран, Арқуқ, Ўзганд, Оққўрғон каби йирик шаҳарлар мавжуд бўлган². Арқуқ, Узгенд, Оққўрғон, Сиғноқ, Сузак, Туркистон шаҳарларида хунармандчилик ривожланган³. Шаҳарлар орасида Сиғноқ алоҳида мавқега эга бўлганлиги учун бўлса керак, Фазлуллоҳ ибн Рузбихоннинг асарида жуда кўплаб маълумотлар баён қилинган. Бунинг асосий сабаби асар муаллифи бўлмиш Фазлуллоҳ ибн Рузбихон асли эронлик бўлиб, ўқимишли, билимдон киши бўлган, XVI асрнинг бошларида балоғат ёшида биринчи марта Ўрта Осиёга келган, унинг зийрак кўзларига номаълум халқлар, уларнинг этнографияси, урф-одатлари, ҳудуднинг табиати, фауна ва флораси, топографияси, гидрографияси, ҳайвонот дунёси ва бошқалар жуда қизик кўринганлигидир. Асарда Шайбонийхон давлатининг шимолий-шарқий чегараларида Сирдарё бўйларида жойлашган шаҳарлар, у ернинг табиати, иқлими, аҳолиси, бозорлари хусусида кўплаб маълумотлар берилган.

Шайбонийхон Мовароуннаҳр ва Ҳиротни эгаллагач, Фазлуллоҳ ибн Рузбихон унинг саройида ўз фаолиятини давом эттирган. Шайбонийхон Мовароуннаҳрда ўз давлатига асос солгач, саройга кўплаб тарихчилар, шоирлар ва олимларни жалб қилган. Унинг саройида Камолиддин Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Мирзо Шоди, Фазлуллоҳ ибн Рузбихон кабилар паноҳ топиб, ўз асарларини битишган⁴.

Фазлуллоҳ ибн Рузбихон 1509 йилда Марказий Осиё тарихи учун муҳим бўлган “Меҳмонномаи Бухоро” асарини яратган. У Шайбонийхон саройида фаолият юритиб, ҳамма мажлисларида қатнашган, хонни ҳамма юришларида ҳамроҳлик қилган, унинг маслаҳатчиси бўлган, хон томонидан берилган энг муҳим вазифаларни бажарган.

Ибн Рузбихон “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Сиғноқ ва Сабран тўғрисида ёзар экан, Сиғноқ Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар⁵. Сабран эса Сирдарё бўйидаги шаҳар. Ўрта асрларда бу шаҳар чегара шаҳри ва савдо маркази ҳисобланган⁶, деб эътироф қилган.

Кўчманчи чорвадорлар қишлоқ учун Сайхун дарёси қирғоқларини танлаганлар⁷. Чунки бу ерларда қишда шимолга нисбатан ҳароратнинг бироз кўтарилганлиги, озуқага бой бўлиши, дарё бўйлари қамишзорлар билан қоплангани учун чорваларни совуқдан омон олиб чиқиш омили бўлганлиги туфайли Сирдарёнинг қуйи оқимида кўчиб келганлар.

Б.Аҳмедов “Кўчманчи ўзбеклар давлати”⁸ асарида Сиғноқ шаҳрининг географик ўрни ва пойтахт бўлганлиги масаласида манбаларга таянган ҳолда қуйидаги маълумотларни келтирган. “Сиғноқ Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Туркистоннинг йирик шаҳарларидан бири. Сиғноқ 1446 йилдан то 1468/69 йилгача Кўчманчи ўзбеклар давлатининг пойтахти бўлиб қолган”⁹.

В.В. Бартольднинг ёзишига кўра, ўтроқ аҳолининг кўчманчилар билан савдо-сотик қилиши ҳар доим катта аҳамиятга эга бўлган, кўчманчилардан сўғимлар ва юк ташувчи чорвалар, чарм, мўйна ва куллар кўп миқдорда сотиб олинган. Ўтроқ аҳоли билан савдо

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. // Сочинение. Т. I. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. – С. 236, 482; Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа. // Сочинение. Т. II. Ч. I. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. С. 560

² Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965. – С. 71.

³ Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965. – С. 80.

⁴ Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) // Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр, 2001. – Б. 280.

⁵ П.Лерх. Археологическая поездка в Туркестанский край. – СПб., 1870. – С. 11; А.Н.Бернштам. Археологические работы, – С. 131; В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинение. Т. I. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. – С. 236; Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа // Сочинение. Т. II. Ч. I. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. – С. 560; А.Ю.Якубовский. Развалины Сыгнака. – С. 123-140.

⁶ В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинение. Т. I. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. – С. 232-234, 518.

⁷ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – С. 94

⁸ Б.Ахмедов. Государство кочевых узбеков. – 194 с.

⁹ Б.Ахмедов. Государство кочевых узбеков. – С. 59.

килиш кўчманчилар учун жуда зарур бўлиб, улардан кийим-кечак ва нон маҳсулотларини сотиб олишади ва Мовароуннаҳр, Хитой ва Россияда бўлгани каби, кўчманчилар ҳам ўз подаларини даштга карвонлар келишини кутмасдан қўшни аҳоли қишлоқлари чегараларига олиб боришади. В.В.Бартольд ўрта аср муаллифлари Истахрий ва Гардизийнинг маълумотларига таяниб кўчманчилар билан савдо-сотикдан энг катта фойдани хоразмликлар кўрганлиги, хоразмликлар турклар билан савдо қилганликлари учун турмуши фаровонлиги, Гурганждан карвонлар жанубга Хуросанга ва ғарбга Хазарлар мамлакатига, Орол денгизининг ғарбий қирғоғи бўйлаб қипчоқлар мамлакатига борганлигини қайд қилган¹.

Фазлуллоҳ ибн Рузбихоннинг ёзишига кўра, Сиғноқ Дашт томондан энг охирги бениҳоя обод жой бўлиб, у қадимда жуда ҳам катта ва гуллаган шаҳар бўлган. Бу шаҳар Дашти Қипчоқнинг чегара шаҳри ҳисобланиб, худудининг катталиги ва хавфсизлиги ҳамда тинчлиги билан машҳур бўлган. Қадимда ва ўтган асрларда ҳам бу шаҳар одамлар билан гавжум ва обод бўлиб, бозорида ҳар куни беш минг туя гўшти пиширилган, кечга бориб эса, ундан бир бўлак ҳам қолмаган. Деҳқончилик далаларига келтирилган анҳорлар Сайхун дарёсидан бошланади. Бу мамлакатнинг чўллари ва экин далалари сувга, ўтга, бутазорларга жуда бой. Чўлларида қўй отарлари қатори ёввойи кийик, қулон, чўл кўчқорлари ва бошқа турли жониворлар ўтлаб юради. Бу худуд одамлари ов қилиб, қишга озиқ-овқатларни ғамлаб кўяди. Овда қўлга туширилган ҳайвонлар гўшти нархлари арзон. Бу мамлакатга Дашт томондан, Хожитархон (Астрахан)дан жуда кўплаб семиз қўйлар, отлар, туялар ва бошқа қимматбаҳо моллар келтирилади, хусусан: пўстинлар, сувсар ва олмоҳонлар, таранг тортилган камонлар, оқ қайиндан тайёрланган найза, ипак матолар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар келтирилади. Ўшандай Сиғноқ ободлик маркази эди, Дашти Қипчоқ билан Баҳр ал-Мухит (Каспий денгизи) оралиги Сиғноқ товарлар учун омбор вазифасини ўтаган. Туркистон, Мовароуннаҳр, Кошғар, Хўтондан Сиғноққа товарлар олиб келинган ва бу ерда Дашт аҳолиси билан савдо қилишган ва мол айрбошлашган. Умуман олганда, муаллиф Сиғноқни турли мамлакатларнинг савдогарлари тўпланадиган, товар айрбошлаш амалга ошириладиган шаҳар бўлганлиги, бу ерда турли мамлакатларнинг бойликлари ва товарлари жуда ҳам мўл-кўллигини эътироф қилган. Муаллиф Сиғноқ аҳолиси кўп бўлмаса ҳам улар елкаларига камонларини, белларига қиличларини осиб олган баҳодир жанговор жангчилардир, деб таъкидлаган.

Шунинг учун қозоқлардан ҳеч ким уларнинг ерларига бостириб киришга ва уларни талашга интиқ эмас. Сиғноқ аҳолиси обод жойда осойишта ва хурсандчиликда бой ва серобчиликда яшайдилар².

Фазлуллоҳ Рузбихон 1509 йилда Шайбонийхон билан қозоқлар босқинига қарши юриш қилиб кетаётиб, Сайхун дарёси бўйига етганида, баланд тепаликда туриб, дарёнинг нарёғидаги Сиғноқ шаҳрини кўрганлигини ёзади. Сиғноқ Сайхун дарёсининг нариги томонида жойлашганлиги, бу тепалик Туркистон вилоятининг чегараси эканлиги, ундан у ёғида ўзбеклар худуди жойлашганлигини айтиб ўтади. Сиғноқ ва унинг атрофларида шайбоний ўзбек хонларининг қабрлари ва сағаналари қўйилганлиги, бу шаҳар жуда обод вилоятнинг чеккаси эканлиги, бу ерда шаҳар маҳкамаси, мачит ва бозор борлиги, унинг нариги томонида – ободончиликнинг бирорта нишонаси кўринмайдиган кенг дашт борлигини ёзиб қолдирган. У ёқда шаҳардан нишона ҳам мавжуд эмас. Даштнинг кўзга кўринган хонларидан бирортаси вафот этса, ноилож майитни Сиғноққа олиб келишган ва қабрнинг устидан гумбазга ўхшаш бино қурилган³.

Демак, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган шаҳарлар - Арқуқ, Ўзганд, Саброн ва Сиғноқ ўрта асрларда жуда гавжум жой бўлиб,бу шаҳарлар савдо марказлари вазифасини

¹ В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т.1. – С. 297.

² Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 116-117.

³ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976. – Б. 117.

базарган. Шунинг учун бу шаҳарлар ўрта аср муаллифлари эътиборини ўзига жалб қилган. Бу шаҳарлар орасида Сигноқ алоҳида мавқега эга бўлган. Сигноқ ўрта асрларда муҳим стратегик аҳамиятга эга шаҳар бўлиб, унинг номи Сунак, Саганак шаклларда учраши, Оқ Ўрда давлати ва Кўчманчи ўзбеклар давлатининг пойтахти, Улуғбек мирзонинг давлати чегарасидаги шаҳар бўлганлиги, худудининг катталиги, хавфсизлиги ва тинчлиги билан машхурлиги, Туркистон, Мовароуннаҳр, Кошғар, Хўтон, Дашти Қипчоқ билан бўладиган алоқаларда савдо маркази, товарлар учун омбор вазифасини ўтаганлиги, қадимда ва ўрта асрларда шаҳар одамлар билан гавжум ва обод бўлганлиги каби жиҳатлари билан машхурлиги туфайли ўрта аср муаллифларининг диққатини ўзига жалб қилган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Сигноқ шаҳри тўғрисида маълумот берувчи манбалар қаторида Фазлуллоҳ ибн Рузбихоннинг “Меҳмономайи Бухоро”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъул вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) асарлари алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, муаллифлар бошқа тарихчилардан фарқли ўлароқ, ўзлари бу шаҳарда бўлган ва кўзлари билан кўрганларни ёзиб қолдирган. Маълумотлар орасида шаҳарнинг жойлашган жойи, шаҳар маҳкамаси, мачити ва бозорлари борлиги, обод шаҳар эканлиги қайд этилган. Берилган маълумотларга таяниб айтишимиз мумкинки, Арқуқ, Ўзганд, Саброн ва Сигноқ шаҳарлари ўрта асрларда муҳим савдо маркази, кўчманчилар билан ўтроқ аҳоли ўртасидаги савдо алоқалари мазкур шаҳарда амалга оширилганлигини қайд этиш билан унинг аҳолиси учун шаҳар қанчалик аҳамиятга эга бўлганлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. – Тошкент. “Фан”, 1959.
2. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965.
3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. //Сочинение. Т. I. – М.: Изд-во Восточной литературы, 1963. – СС. 43-597.
4. Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа //Сочинение. Т. II. Ч. I. – М.: Изд-о Восточной литературы, 1963. – СС. 547-623.
5. Бернштам А.Н. Археологические работы, – С. 131;
6. Греков и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М., 1950.
7. Зайниддин Махмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ (Нодир воқеалар). – Тошкент, “Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1979.
8. Книга Большому чертежу или Древняя карта Роосийскаго государства, поновленная в розряд и списанная в книгу 1627 года. Издание второе. – СПб., 1838.
9. Левшин А. Описание киргиз-казачьих, или киргиз-кайсацких орд и степей. Ч. III. – СПб., 1832.
10. Лерх П. Археологическая поездка в Туркестанский край. – СПб., 1870.
11. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) //Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001.
12. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996.
13. Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Том 1. Кн. I-II. – М.-Л., 1952.
14. Таварих-и гузида. Нусрат-наме. – Т.: Фан, 1967.
15. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – М.: Наука, 1976.
16. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 1981.
17. Якубовский А.Ю. Развалины Сыгнака. Сообщ. ГАИМК, Т. II. – Л., 1929, С. 123-159.

TARIXIY MANBASHUNOSLIKNING DOLZARB MASALALARI.

Saidusmanov Baxrom Abdugʻanievich
CHDPU Oʻzbekiston tarixi kafedrası katta oʻqituvchisi
Ashirova Noila Xasan qizi
CHDPU Tarix yoʻnalishi 3 bosqich talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada tarix fanining ajralmas bir tarmogʻi hisoblangan manbashunoslik fanining paydo boʻlishi, uning tarixi, oʻziga xos xususiyatlari, bu fanning muammolari, manbashunoslikka oid adabiyotlar tahlili, yurtimiz manbashunoslari faoliyati hamda zamonaviy muammolari yoritiladi.

Kalit soʻzlar: manbashunoslik, tarixchi, voqealar bayoni, talqin, afsonaviy bayon, oʻrta asr, yangi zamon, hermenevtika, zamon, tamoyil, sharh, nashr, tabdil.

Аннотация: В данной статье освещаются становление источниковедения, являющегося неотъемлемой отраслью исторической науки, его история, особенности, проблемы этой науки, анализ литературы по источниковедению, деятельность отечественных источниковедов, а также современные проблемы.

Ключевые слова: источниковедение, историк, повествование о событиях, интерпретация, мифологическое повествование, средневековье, Новое время, герменевтика, время, принцип, комментарий, публикация, табдил.

Annotation: In this article, the emergence of the science of source studies, which is an integral branch of history science, its history, specific features, problems of this science, analysis of literature on source studies, activities of source scientists of our country and modern problems are covered.

Key words: source studies, historian, account of events, interpretation, legendary account, the Middle Ages, modern times, hermeneutics, time, principle, commentary, edition, translation.

Mutaxassislar tarixiy manbashunoslikni maxsus fan sohasi sifatida XIX asr oxiri — XX asr boshlarida shakllangan deb hisoblaydilar. Ayni shu davrdan boshlab oʻquv yurtlarida ushbu fan oʻqitila boshlanadi hamda tarixchi olimlar tomonidan oʻquv qoʻllanmalari, darsliklar yaratiladi. Tarixiy tadqiqotlarda manbalariga oid maxsus qismlar paydo boʻladi. Ammo zamonaviy tarixiy manbashunoslik ildizlari juda qadim zamonlarda paydo boʻlgan edi. Manbashunoslik fan sohasi sifatida oʻz tarixiga ega boʻlib, unda nazariy va amaliy masalalar ham da manbashunoslikni oʻqitish masalalari oʻrganiladi. Ijtimoiy-siyosiy, ayniqsa, iqtisodiy munosabatlarga oid masalalarni oʻrganishda rasmiy hujjat, moliyaviy-hisobot daftar va yozishmalarning ahamiyati benihoya kattadir. Rasmiy hujjatlar ijtimoiy-siyosiy hayotni maʼlum yuridik shaklda bevosita va koʻp hollarda aynan qayd etishi bilan qimmatlidir. Lekin ularning orasida, ayniqsa, rasmiy yozishmalarda soxtalari ham uchray turadi. Shuning uchun ham ulardan foydalanilganda diqqat-eʼtibor va zoʻr ehtiyotkorlik talab qilinadi. Hujjatlar ustida ish olib borilganda, undan biron ijtimoiy-siyosiy voqea yoki faktni talqin etish uchun foydalanish jarayonida, bittasi bilan kifoyalanmasdan, oʻxshash bir necha hujjat, manbalarni qoʻshib oʻrganmoq zarur. Chunki, bitta hujjatda faqat bir kelishuv yoki fakt ustida gap boradi. Shuning uchun faqat bir hujjat bilan maʼlum ijtimoiy-siyosiy masala ustida qatʼiy fikr yuritib, umumlashtirib qatʼiy xulosaga kelib boʻlmaydi. Manbashunoslik fanini oʻrganishdan maqsad talabalarda ushbu fan sohasi toʻgʻrisida umumiy tushuncha hosil qilish va ularda qiziqish uygʻotish va Oʻzbekiston tarixini manbalar asosida mustaqil oʻrganish malakasini hosil qilishdan iborat. Tarixiy fakt va voqealar bayoni inson xarakteri, maʼlumot beruvchi shaxs, guruh, firqa, sulola, mazhab va mamlakatlar manfaati yoʻlida turlicha talqin qilinishi mumkin. Manbashunoslikning fan sohasi sifatida shakllanishi uchun tarix ilmi taraqqiy etishi va tarixchilarning manbalar ustida ishlashi, tajribalarini umumlashtirish zarur edi. Qadimgi zamon tarixchilari voqea, hodisalarni qissa, afsona, rivoyat sifatida bayon etar edilar. Bunga misol sifatida Abulqosim Firdavsiyning “Shohnoma”, paygʻambarlar toʻgʻrisidagi koʻplab

qissa va rivoyatlarni misol qilib ko'rsatish mumkin.¹ O'rta asr tarixchisi o'zi guvohi bo'lmagan voqea va hodisalarni boshqalar ma'lumotlariga asoslanib qabul qilish yoki rad etishi mumkin bo'lgan. Lekin biz aksariyat tarixiy asarlarda muallif awalgi tarixchilar asarlaridagi ma'lumotlarni aynan bayon etishini kuzatamiz. Lekin ba'zi tarixchilar, xususan Abu Rayhon Beruniy boshqa shaxslar ma'lumotiga tanqidiy munosabatda bo'lganini uning "Osol ul-boqiya" asaridan ko'rishimiz mumkin. Bu davr tarixchilari o'zi guvohi bo'lmagan voqealarni bayon etishda boshqalar fikriga tayanishga, ular asarlardagi ma'lumotlarni o'z asarlarida aynan qaytarishga majbur bo'lganlar. Lekin muarrix o'zi guvohi bo'lgan voqea, hodisalarni yoritishda o'zining jamiyatda tutgan mavqeiga qarab ish ko'rganlar. Tarixchi o'z davrida yuz bergan voqealarni xolis yoritishga harakat qilgan. Bu zamonda tarixnavislik va badiiy adabiyot o'rtasida juda yaqinlik, o'xshashlikni kuzatish mumkin. rtasida juda yaqinlik, o'xshashlikni kuzatish mumkin. Yevropada Uyg'onish davrida, yani XIV-XV asrlarda mutafakkirlarda tarixchilar an'anasiga ishonch susayadi. Insonparvarlar qadimgi dunyo an'analarini davom ettirar ekanlar, o'tmishdagi matnlarga keyinchalik kiritilgan o'zgarishlar, to'ldirishlar va buzishlarga duch kelganlar. Natijada, o'tmishning buyuk shaxslari asarlari matnlarini o'ganishning yangi tamoyillari majmuasi paydo bo'ldi. Asar matnini qayta-qayta o'qish jarayonida uni tushunish va talqin etish malakasi hosil bo'ldi. XX asrning umumiy taraqqiyoti o'zbek manbashunosligini shakllanishiga olib keldi. Toshkentda 1870-yili davlat kutubxonasi tashkil etilib, uning sharq qo'lyozmalari bo'limi ochilgan. XX asr boshlarida ushbu kutubxonada yuzdan ortiq qo'lyozma jamlangan. Samarqandda mqo'lyozmalar kutubxonasi mavjud bo'lgan. Jadidlar tom onidan Toshkentda "Turon" kutubxonasi ochilib, unda turkcha, tatarcha va ozarbayjoncha nashrlar jamlangan. Sho'ro davrida (1917-1990) O'zbekiston tarixi manbashunosligi fan sifatida shakllana boshladi. 1935-yili Toshkent Davlat xalq kutubxonasida 4000 dan ortiq qo'lyozma alar mavjud bo'lgan. Bu yerda mashhur kitob bilimdoni Ibodulla Odilov(1872-1944) o'z faoliyatini davom ettirgan.² Shu paytgacha chop etilgan manbashunoslikka oid qo'llanma, to'plam va rus tilidagi darsliklar ushbu fan sohasidagi zamonaviy yutuqlarni to'liq aks ettirmaydi. Buning asosiy sababi O'zbekiston tarixiga oid barcha yozma manba, toshbosma kitob, bosma kitob, vaqtlı matbuot – jurnal va gazeta materiallari, ularning xususiyatlari jiddiy o'rganilib, ularning hammasi haqida ma'lumotnom ayaratilishi zarur. Bundan tashqari, eng muhim manbalar alohida tadqiq etilib, kitob holida bosib chiqarilishi kerak. Mana shular asosida avval maktab, akademik litsey, kasb-hunar kollejlari, bakalavriat va magistratura talabalariga moslab o'quv qo'llanma, darslik va yordamchi adabiyotlarni chop etish bugungi kun davr talabidir. Mavjud adabiyotlar, shu jumladan ushbu darslik ham ma'lum darajada kamchilik va biryoqlamalikdan holi emas. Bir necha oliy o'quv yurtida, jumladan Mirzo Ulug'bek nomli Milliy univesitet, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, Toshkent Islom Universiteti, Toshkent davlat sharqshunoslik institutlarida manbashunoslik fanidan dars berayotgan pedagoglarning, O'zbekiston Fanlar akademiyasi ilmiy tadqiqot inastitutidagi olimlar manbashunoslik bo'yicha mukammal darslik yaratishadi deb umid bildiramiz. Bizning tariximiz juda boy, yozma yodgorliklarimiz ko'p bo'lishiga qaramay, o'z madaniy merosimizni butun boyligini namoyish etadigan, uning o'ziga xos xususiyatlari va jahon madaniyati xazinasiga hissa bo'lib qo'shilganlarini alohida ko'rsatadigan manbashunoslik fani sohasida yaratilgan mukammal darslik va qo'llanmaga ega emasmiz. Yurtimizda tarix fani sohasida olib boriigan deyarli uch ming yildan uzoqroq davr davomida to'plangan tajriba hali umumlashtirilgani yo'q. Hozircha mavjud darslik va qo'llanmalar ichida akademik B.Ahmedovning " O'zbekiston tarixi manbalari" darsligining ikkinchi nashrini eng mukammal deb tan olishimiz mumkin. A .Habibullayevning "Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik" qo'llanmasida ham qator ijobiy xususiyatlar mavjud bo'lib, ulardan tarixiy manbashunoslik bo'yicha darslik tuzishda foydalanish mumkin. A.A.Madramimov tomonidan tuzilgan "Manbashunoslikdan ma'ruzalar majmuasi"da ilk bor arab, fors va turk tilidagi tarixiy manbalar xususiyatlarini xarakterlashga

¹ Ahmedov B .A . O'zbekiston tarixi manbalari. — Toshkent: O'qituvchi, 2001.

² O'zbekiston tarixi. R.X.Murtazayeva tahriri ostida. — Toshkent, 2003.

harakat qilingan va manbalar to'g'risidagi ma'lumotlar manba nomi ostida berilishi bilan ajralib turadi. A. Madraimov va G. Fuzailova tuzgan "Tarixiy manbashunoslik" (2006) o'quv qo'llanmasi bakalavriat talabalari uchun mo'ljallangan. Qo'llanmadagi manbalar to'g'risidagi ma'lumotlar asosan B.Ahmedovning "O'zbekiston tarixi manbalari" (2001) qo'llanmasidan keltirilgan. Undagi ma'lumotlar ma'lum darajada to'ldirilgan bo'lib, o'quv jarayoni xususiyatlarini hisobga olgani bilan ajralib turadi. Bundan tashqari qo'llanmada birinchi bor manbalarni o'rganish va o'rgatish usullari bayon etilgan, Alisher Navoiyning tarixiy asarlari, Turkistonning Chor Rossiyasi mustamlakachiligi, sho'ro va mustaqillik davri manbalari tavsifi keltirilgan, arab, fors va o'zbek tillaridagi yozma manbalar xususiyatlari alohida alohida tushuntirilgan nusxa ekanligiga qarab turkumlash hollari ham uchraydi.¹ Hozirgi paytda tarixchi manbashunoslar manbalar ustida ishlashning faqat bittasiga, ya'ni ularning turlariga qarab tadqiq etishni maqsadga muvofiq deb hisoblaydilar. Chunki boshqa tadqiqot yo'llari yozma manbani chuqur va atroflicha o'rganish hamda tahlil qilish vazifalariga to'la javob bera olmaydi. Manbashunoslik fani ko'p asrlik an'anaga ega bo'lsa-da, yurtimiz manbashunosligi yuqorida zikr etilgan asarlarda umumlashtirishga harakat qilindi. Sharq yozma manbalarni turkumlashning yagona aniq bir qoidasi hozirgacha ishlab chiqilmagan. Mavjud qo'lyozma manbalar fihristi bir qismi asarlar tili nuqtayi nazaridan kelib chiqib, tuzilgan. Masalan, Angliyaning Britaniya muzeyida saqlanayotgan sharq qo'lyozmalari yirik sharqshunos Charlz Ryo tomonidan, ularning qaysi tilda yozilganiga qarab, arab, fors va turkiy tildagi qo'lyozmalari alohida-alohida tavsifga olib tuzilgan.² Fransiya poytaxti Parijdagi Milliy kutubxonada saqlanayotgan sharq Qo'lyozmalari haqida Edgar Bloshe ham shu tartibda katalog tuzgan. Manbashunoslikni o'rganish uchun birinchi galda tarixga oid ilmiy tadqiqotlar, yozma yodgorliklar nashrlari va birlamchi yozma manbalar bilan bevosita ishlashga to'g'ri keladi. Bu sohada Ya.G'ulomov, B.A.Ahmedov, A.O'.O'rinboyev kabi yirik olimlar asarlari, O'zR FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutida saqlanayotgan qo'lyozmalar tavsifini o'z ichiga olgan jildlik monografik katalog hamda maxsus katalog - tadqiqotlar bo'lg'usi manbashunoslar uchun namuna bo'lib xizmat qilishi mumkin. Talabalar yordamchi manba sifatida ensiklopedik qomuslardan foydalanishi mumkin. Manbashunoslikni yaxshi egallash uchun talaba bir necha til, ayniqsa arab yozuvidagi o'zbek til va g'arb tillaridan ingliz, nemis va fransuz tillaridan birini yaxshi bilishi kerak. Bu sohada rus tili ham ma'lum mavqega ega.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YHATI:

1. Ahmedov B .A . O'zbekiston tarixi manbalari. — Toshkent: O'qituvchi, 2001.
2. O'zbekiston tarixi. R.X.Murtazayeva tahriri ostida. — Toshkent, 2003.
3. Sa'dullayev A. S. Qadimgi O'zbekiston tarixi manbalardan. — Toshkent,
4. O'zbekistonning yangi tarixi. 2-kitob. O 'zbekiston Sovet mustamlakasi davrida / Tuzuvchilar M. Jo'rayev va boshqalar. —Toshkent: Sharq, 2000
5. Habibullayev A. Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik. — Toshkent: TDSHI, 2000.
6. Tarixiy manbashunoslikning dolzarb muammolari (ilmiy-amaliy anjumanlar materiallari)/ Tuzuvchilar: A.A.Madraimov, G.S.Fuzailova - Toshkent:TDPU, 2001
7. Tarixiy manbashunoslik muammolari. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari (2003-yil 25 aprel). — Toshkent: Universitet, 2003.

¹Sa'dullayev A. S. Qadimgi O'zbekiston tarixi manbalardan. — Toshkent

²O'zbekistonning yangi tarixi. 2-kitob. O 'zbekiston Sovet mustamlakasi davrida / Tuzuvchilar M. Jo'rayev va boshqalar. —Toshkent: Sharq, 2000

KOROSKON QISHLOG'I TARIXIY MANBALARDA

M.M. Mirzayeva, O'R FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti
tayanch doktoranti

Annotatsiya: Koroskon Namangan viloyati Chortoq tumanida joylashgan qishloq bo'lib, uzoq tarixga egaligi mahalliy tadqiqotchilar tomonidan amalga oshirilgan ishlar orqali ma'lum. Ammo ushbu tadqiqotlarda toponim haqida tarixiy manbalarda uchragan ma'lumotlar tadqiq etilmagan. Shu jihatdan biz ushbu maqolada Koroskon qishlog'i tarixi, tarixiy yozma manbalarda qayd etilishi tadqiqiga e'tibor qaratdik.

Kalit so'zlar: Koroskon, Chortoq, Axsikent, Namangan, Koroskon sayyidlari.

Abstract: Karaskan is a village in the Chortoq District of the Namangan region with a long history that has been studied by local researchers. However, the information in historical sources about the toponym has not been studied in these works. In this regard, we focused on the history of the village of Karaskan and information about it in historical written sources in this article.

Key words: Karaskan, Chortoq, Axsikent, Namangan, Karaskan sayyids.

Аннотация: Караскан – село в Чартокском районе Наманганской области с многовековой историей, которую изучают местные исследователи. Однако сведения в исторических источниках о топониме в этих работах не изучались. В связи с этим в данной статье мы сосредоточились на истории села Караскан и сведениях о нем в исторических письменных источниках.

Ключевые слова: Караскан, Чартак, Ахсикент, Наманган, Карасканские сеййиды.

Koroskon qishlog'i Namangan viloyati Chortoq tumanida joylashgan qishloqlardan biri. Chortoq tumani g'arbdan Yangiqo'rg'on, janub, janubi-sharqdan Uychi tumanlari, shimol va sharqda Qirg'iziston Respublikasi bilan chegaradosh. Chortoq tumani 1950 yilda tashkil etilgan bo'lib, Koroskon qishlog'i esa tumanning janubiy qismida joylashgan [16:153]. Unga 2009 yilda shaharcha maqomi berilgan. Aholisi 40 mingdan ortiq. Quyida qishloq tarixi, toponim etimologiyasi xususida batafsil to'xtalamiz.

Biz tadqiq etayotgan davr mobaynida Koroskon dastlab Shayboniylar va Ashtarxoniylar davlati tarkibida, 18 asr boshidan Qo'qon xonligi tarkibida bo'lgan. Koroskon qishlog'i Axsikent ba'zan Namangan deb nomlangan viloyatlari tarkibidagi mavze, kent, qarya (qishloq), viloyat ma'muriy biriliklari sifatida tilga olingan.

Qo'qon xonligi 1876 yilda tugatilingandan so'ng, Koroskon hududi Turkiston general-gubernatorligining Farg'ona viloyati Namangan uyezdi tarkibiga kiritilgan. 1897 yilgi aholini ro'yxatga olish qaydlarining e'lon qilingan nashrida Koroskon nomi aks etmagan. Lekin V. Nalivkin va A. Middendorf asarlari asosida 1876 yildan Namangan uyezdi tarkibidagi qishloq bo'lganligini qayd etishimiz mumkin [12:208; 11:31].

1926 yilgi aholini butun ittifoq aholini ro'yxatga olish natijalariga ko'ra alohida uyezd hisoblangan Namangan Andijon okrugi tarkibiga qo'shildi. Namangan uyezdi Chortoq volosti tarkibida bo'lgan Koroskon qishlog'i Andijon okrugi Yangiqo'rg'on tumani tarkibiga kiritilindi [14:94]. Ushbu davrda qishloqda 933 ta xo'jalik istiqomat qilgan bo'lib, shundan 931 tasi o'zbeklar, 2 tasi boshqa millat vakillari bo'lgan [10:225]. Qishloq 1950 yilda Namangan viloyati Chortoq tumani tarkibida bo'lgan. 1959 yilda Chortoq tumani tugatilindi. 1980 yilda qayta tiklandi va Koroskon hozirgi davrgacha shu tuman tarkibida.

Qishloq hududida asrlar davomida Farg'ona vodiysidagi o'troq aholi yashab kelgan. Koroskon asosan tekis, serunum yerga joylashganligi sababli ekin yeri juda qadrli hisoblangan. Aholining ko'p qismi hunarmandchilik va tijorat ishlari bilan shug'ullangan. Qishloqning asosiy sug'orish manbayi hisoblangan Chortoqsoy suvi Koroskongacha yetarli darajada oqib kelmagan yillari aholining kambag'al qismi qiynalgan. XIX asr oxirida ayniqsa Chortoqsoy havzasida aholining ko'payib ketishi natijasida deyarli bir xil hajmda keladigan suv Koroskon aholisini to'laligicha ta'minlay olmagan. Oqibatda bog'lar soni kamayib, tashlandiq holga kelib qoladi. O'sha davrdagi

bosh mirob Mullo Tolib haqida ko‘plab satirik qo‘shiqlar yaratilgan. Mana shunday holat shoir Muxtorxonning “Kelmas Koroskonning suvi” dostonida o‘z ifodasini topgan [15:72; 18:18]:

Mirobboshi bo‘ldi Tolib,
Pulni olib, yonga solib,
Ariqlari qurib qolib,
Kelmas Koroskonning suvi [3:48].

Koroskon toponimiga to‘xtaladigan bo‘lsak, uning etimologiyasi bo‘yicha yagona fikr mavjud emas. Y. Ne‘matovaga ko‘ra Koroskon qishlog‘i nomlanishida Namangan shevalari ta‘sirida uning dialektal varianti yuzaga kelgan, ya‘ni qarluq lahjasining o‘ziga xos fonetik xususiyatlari asosida qishloq hozirda Koroskon va Koroskon shaklida nomlanadi [13:44]. Akademik Yahyo G‘ulomov Namangan shahrining bunyod etilish tarixi haqida yozganda “... Namangan ismi ham Ho‘qand, Marg‘ilon, Andigon (Andijon), Koroskon, Oyoqiron va shu singari juda qadimgi arxaik ismlardan bo‘lib, ularga ma‘no berib bo‘lmaydi.” deb ta‘kidlaydi [13:82]. Shu jihatdan, Koroskon toponimi etimologiyasi borasida turli og‘zaki rivoyatlar mavjud bo‘lsa-da, yozma manbalarda ushbu toponim kelib chiqish tarixi borasida ma‘lumot mavjud emas. Chortoq tumanidagi Ayqiron qishlog‘i tarixi tadqiq etgan O. Suxareva Koroskon, Ayqiron, Laskidon, Pishqiron toponimlari tarkibida tojik tilidagi “on” ko‘plik qo‘shimchasi shakli bo‘lishi mumkinligini ta‘kidlaydi [15:38]. Lekin bu qishloqlar haqidagi rivoyatlarda toponimlar kelib chiqishi borasidagi ma‘lumotlar yuqoridagi fikrga zid keladi [18:19; 2:106]. Xususan, Koroskon toponimi kelib chiqishi borasida ham turli rivoyatlar mavjud bo‘lib, ulardan birida Xuroson bilan bog‘langan. Aytishlaricha, dastlab qishloq hududiga xurosonliklar kelib o‘rnashganlar va ularning nomiga, nisbat berilib qishloqni Koroskon (Xurosonning buzib aytilgan shakli) deb ataganlar.

Yana bir rivoyatda esa Harosgan shaklda qishloq nomlanadi. Unga ko‘ra qadim zamonlarda bir eshonzoda qishloqqa kelibdi-yu, namoz o‘qigani to‘xtabdi va eshagini shamoldan yiqilgan bir daraxtga bog‘labdi. Namoz tugagach qarasa daraxt ko‘tarilib, eshagi esa uning uchida osilib turgan emish u darg‘azab bo‘lib; “xa har osgan!” degan ekan. Shu-shu bo‘libdi-yu qishloqning nomi Harosgan (Koroskon) bo‘lib ketibdi [2:105].

Uchinchi rivoyatga ko‘ra o‘tmishda Koroskon qishlog‘ining ba‘zi kishilari og‘ir mehnat bilan shug‘ullanmaganligi, kori(ishi) oson bo‘lganligi uchun qishloqni Koroson deb nomlashgan. Koroskon qishlog‘i tarixini yozgan M. Azizov bu fikrni qo‘llab-quvvatlagan va qishloq nomi kelib chiqishi shu rivoyatga asoslanganligini ta‘kidlaydi. U A. Juvonmardiyevning kitobida keltirilgan juda ko‘p yorliqlarga asoslangan M. Azizov, Koroskon sayyidlari “Payg‘ambar avlodlari” kori-ishi oson (sayyidlar uchun) bo‘lgan, qishloq nomini esa Koroson (Koroskon) deb atala boshlangan deya xulosa beradi [7:5-6; 18:17]. Z. Madraimov ham yuqorida keltirilgan rivoyatlardan uchinchisini haqiqatga yaqin deb hisoblaydi. Uning fikriga ko‘ra, bu rivoyatda ozmi-ko‘pmi haqiqat bor [2:105]. Lekin sayyidlarning bu yerga qachon ko‘chib kelganligi noma‘lum. Sayyidlarga berilgan yorliqlarning dastlabkisi XVI asrga oid va ularda qishloq nomi *Karaskān* shaklida kelgan.

Hazrat Ali haqidagi rivoyatlardan birida ham ushbu qishloq haqida ma‘lumot olishimiz mumkin. Unda qishloq nomi Qorosqon shaklida tilga olinadi [6:249]. Demak, rivoyatlarda qishloq nomlanishi Xuroson, Harosgan, Koroson so‘zlariga bog‘lanyapti.

Manbalarda qishloqqa asos solingan davr haqidagi ma‘lumot uchramasligi, uning etimologiyasi masalasini uzil-kesil ilmiy asosda hal qilish imkonini bermaydi. Lekin Koroskon toponimi o‘rta asrlarga oid manbalarda uchraydi.

Ibn Havqalning “Kitob surat al ard” kitobida “Farg‘ona viloyati” ta‘rifida Haftdeh nomli joy tilga olingan. XV asrda esa bu yer va uning atorifidagi tog‘lar Yettikent deb atalgan [8:8]. Sh. Kamoliddinga ko‘ra, bu nom XV asr manbasida qayd etilgan bo‘lsa ham, ilk o‘rta asrlarda mavjud bo‘lganligi ehtimoldan holi emas [9:295]. “Hudud ul-olam” asarida Farg‘ona vodiysidagi ekinzorlari ko‘p, lekin aholisi kambag‘al yashagan bir biriga yaqin joylashgan aholi manzilgohlari sanab o‘tiladi. V. Minorskiy tomonidan qilingan tarjimada ushbu ma‘lumot quyidagicha berilgan: *Busht, K.l.s.kon, Yukand, Kukat va Xushkob*. Ularning ekinzorlari ko‘p, lekin aholisi kambag‘al yashagan [1:117]. Mazkur asarning O. Bo‘riyev tomonidan tarjima qilingan “Movarounnahr tavsifi” qismida ushbu qishloq nomlari quyidagicha keltirilgan: *Busht, Kalaskon, Yarkand, Ko‘kas, Xushkob*

shaklida keltirilgan [17:16]. Bizningcha ushbu yetti qishloqdan biri Kalaskon hozirgi Koroskon qishlog‘i bo‘lishi mumkin.

“Ajoyib ut-tabaqot” asarida “*Karaskon – Farg‘ona mamlakatidagi bir shahar bo‘lib, undagi xalqning barchasi deyarli yuqori nisbatlik, Farg‘onaning boshqa xalqlari singari sohibjamol va chiroyli yuzlidirlar*” deb ta‘rif beriladi [4:209b-210a]. Asarning boshqa bir nusxasida Koroskon ta‘ziri quyidagicha keltiriladi: “*Karaskon xalqining barchasi oliy nasabli, keksa-yu yosh, erkak-u ayol, hammasi sohib jamoldirlar. Kimdir boshqa joydan u yerga kelib yashasa, sohibjamol farzandni dunyoga keltiradi, toki ularning xizmatkorlari va xizmatkorlarining avlodlari ham chiroyli yuzli bo‘lsinlar* [5:171b]”. Bu yerda “yuqori nisbatlik” jumlasini uzoq davr bu yerda istiqomat qilgan sayyidlarga nisbatan qo‘llangan bo‘lishi mumkin. Demak, Koroskon qishlog‘i XVI-XIX asrlar davomida Karaskon shaklida nomlanib kelingan. Ushbu davr davomida mavze Axsikent va Namangan viloyatlari tarkibida bo‘lgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Hudud al-Alam: translated and explained by V. Minorsky. – London, 1937. – 544 p.
2. Madrahimov Z. Tarixiy toponimika. – Toshkent, 2017. – 128 b.
3. Safarov O. O‘zbek xalq og‘zaki ijodi. – Toshkent, 2010. – B. 48.
4. Sayyid Muhammad Tohir b. Abu-l-Qosim. Ajoyib al-tabaqot. O‘zRFASHI. Qo‘lyozma № 409. – 209b-210a varaq.
5. Sayyid Muhammad Tohir b. Abu-l-Qosim. Ajoyib al-tabaqot. O‘zRFASHI. Qo‘lyozma № 9042. – 171b varaq.
6. Абдулахатов Н., Ғозиев Т. Шохимардон. – Тошкент, 2010. – 593 б.
7. Азизов М. Короскон. – Чортоқ босмахонаси, 1993. – 97 б.
8. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1989. – 368 б.
9. Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард: араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С.Камалиддин. – Тошкент, 2011. – 400 б.
10. Материалы всесоюзной переписи населения 1926. В Узбекской ССР. Вып. 1. – Самарканд, 1927. – 428 с.
11. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – 532 с.
12. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань. 1886. – 215 с.
13. Неъматова О.Ю. Наманган вилояти ойконимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Фарғона, 2018. – 160 б.
14. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Вып. 3. – Самарканд, 1925. – 55 с.
15. Сухарева О.А. Прошлое кишлака Айкыран. – 149 с.
16. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2006. – 109 б.
17. Худуд ул-олам (Мовароуннахр тавсифи): форс тилидан таржима, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Тошкент, 2008. – 64 б.
18. Чортоқ тумани тарихи. – Тошкент: Университет, 1995. – 222 б.

BUTUN BUXXORO XALQ VAKILLARI QURULTOYLARI FAOLIYATINING DAVRIY NASHRLARDA YORITILISHI

Mo‘minov Xusanboy Madaminjonovich

«O‘zbekiston tarixi» kafedrasini dotsenti, Andijon davlat universiteti

Аннотация. Мақола Butun Buxoro xalq vakillari qurultoylarining faoliyatiga bag‘ishlangan. Buxoro Xalq Sovet Respublikasining tashkil topishi va unda davlat hokimiyatini tashkil etilishi bilan birga 1920-1924 yillarda respublikaning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotiga oid dolzarb masalalarni yechishda bu qurultoylar muhim ahamiyat kasb etgan. Maqolada qurultoylarning faoliyati davriy nashrlar materillari asosida yoritilgan.

Kalit soʻzlar: *Buxoro Xalq Sovet Respublikasi (BXSR), qurultoy, xalq vakillari, konstitutsiya, Xalq Nazirlari Soveti, Markaziy Ijroiya Qoʻmitasi, davriy matbuot.*

Аннотация. *Статья посвящена деятельности съездов народных представителей Всебухары. Наряду с образованием Бухарской Народной Советской Республики и установлением в ней государственной власти эти съезды имели большое значение в решении текущих вопросов социально-экономической и культурной жизни республики в 1920-1924 гг. В статье описывается деятельность съездов на основе периодических материалов печати.*

Ключевые слова: *Бухарская Народная Советская Республика (БНСР), съезд, народные представители, конституция, Совет Народных Назиров, Центральный Исполнительный Комитет, периодическая печать.*

Abstract. *The article is devoted to the activities of the congresses of people's representatives of the All-Bakhara. Along with the formation of the Bukhara People's Soviet Republic and the establishment of state power in it, these congresses were of great importance in solving current issues of the socio-economic and cultural life of the republic in 1920-1924. The article describes the activities of the congresses on the basis of materials of the periodical press.*

Key words: *Bukhara People's Soviet Republic (BPSR), congress, people's representatives, constitution, Council of People's Nazirs, Central Executive Committee, periodical press.*

BXSR tarixida Butun Buxoro xalq vakillarining qurultoylarining faoliyati alohida ahamiyat kasb etadi. Qurultoylar 1920-1924 yillar oraligʻida oliy hokimiyat organi sifatida besh marta chaqirilgan boʻlib, ularning faoliyati Turkiston va Buxoro davriy matbuotida kunning eng dolzarb mavzulardan biri sifatida muntazam ravishda sharhlanib borilgan.

Maʼlumki, 1920 yilning sentabr oyida Buxoroda amirlik tuzumi sovet armiyasi tomonidan agʻdarilib tashlandi. Natijada, amirlikda monarxiyaga barham berildi. 1920 yil 14 sentabr Buxoroda boʻlib oʻtgan yigʻilishda 9 kishidan iborat Butun Buxoro Inqilobiy qoʻmitasi (Markaziy Revkom, raisi Abdulqodir Muhitdinov) va 11 kishidan iborat respublika hukumati - Xalq Nozirlar Shoʻrosi tuzildi.

Siyosiy jarayonlarning jadal tus olishi bilan davlat boshqaruvi tizimida siyosiy hokimiyat uchun mavjud kuchlar oʻrtasida raqobat avj oldi. Natijasida sobiq amirlik zaminida davlat boshqaruvining respublika shaklini joriy qilish va respublikaning oliy hokimiyat organi sifatida mamlakatdagi butun davlat boshqaruvini belgilab beradigan Butun Buxoro xalq vakillarining taʼsis qurultoyini chaqirishga kirishildi. Shu maqsadda birinchi taʼsis qurultoyini chaqirish boʻyicha komissiya tuzilgan. Ushbu komissiyaning 1-majlisi 1920 yil 17 sentabrda boʻlib oʻtdi. Turkiston davriy matbuotida berilgan xabarlarga koʻra, 1920 yil 2 oktabrda ushbu masala Buxoro KP MK tomonidan muhokama qilinib, taʼsis qurultoyini ochish sanasi 1920 yilning 5 oktabr kuniga belgilandi [1]. Ammo qurultoy 6 oktabrda ochilib, unda 2000 ta delegat ishtirok etdi [2].

Shuni aytish lozimki, Butun Buxoro xalq vakillarining qurultoyi faoliyatiga doir muhim xabarlar Buxoro davriy matbuotida, xususan, milliy matbuoti, yaʼni «Buxoro axbori» gazetasining sahifalarida ham oʻz aksini topgan. Shu oʻrinda mazkur gazeta haqida toʻxtaladigan boʻlsak, u BXSR MIQ matbuot organi boʻlib, uning birinchi muharriri Said Ahroriy (1895-1931) boʻlgan. 1920 yil 9 sentabrdan 1923 yilning 12 oktabrgacha chop etilgan. Gazeta oʻzbek tilida, isloh kilingan arab imlosida, sargʻish rangli oʻrtacha sifatdaga qogʻozda, haftada 1-2 marta, 1500-2000 nusxada chiqarilgan. 1923 yil 16 oktabrda gazeta «Ozod Buxoro» nomi olgan. Bu gazeta 1930 yil oktabr oyigacha chiqib turgan.

«Buxoro axbori» gazetasining 1920 yil 5 - sonida «Buxoroning ilk qurultoylari» sarlavhasi bilan nashr etilgan maqolada bu jarayon quyidagicha aks etgan: «1920 yilning 6 oktabriga tasodif etilgan panjshanba kuni amirning «Sitorai Mohi Xosa» nomidagi kashonasida ozod Buxoroning ilk qurultoyi qurildi. Qurultoyda Buxoroning hamma shahar va qishloqlaridan kelgan vakillar hozir edi. ... Majlis: kunduz soat oʻn bir yarimda Buxoro hukumat qoʻmitasining markaziy inqilob qoʻmitasi raisi oʻrtoq Abdulqodir Muhitdinov tomonidin ochiq eʼlon qilindi» [3]. Gazetada berilgan maʼlumotlarga koʻra, qurultoyda jami 1894 ta delegat qatnashgan.

Qurultoyning kun tartibi «Buxoro axbori» gazetasining 1920 yil 9 - sonida nashr qilinib, unga quyidagi masalalar kirgan: 1 - Buxoro inqilobi. 2 - Umumiy ahvol siyosiya. 3 - Tashkilot xususida. 4 - Yangi hukumatning vazifalari [4]. Asosiy e'tibor tashkiliy masalalarga qaratib, davlat hokimiyatini tuzish haqida qaror qabul qildi. Qurultoy Buxoroni Xalq Sovet Respublikasi (BXSR) deb e'lon qilish to'g'risidagi qarorni ham qabul qildi [5: 302]. Bu davlat tuzumi jihatidan xalq demokratik respublikasi edi.

«Buxoro axbori» gazetasining 1920 yil 9 - sonida «Buxoro Sho'rolar Jumhuriyatining ikkinchi qurultoyi»[6] deb nomlangan sarlavhaga ko'ra, 1921 yil 18 sentabr kuni Buxorodagi - Sitorai Mohi Xosada Butun Buxoro xalq vakillarining II qurultoyi kechki soat 4 da ish boshlagan. Qurultoy Buxoro Inqilobiy qo'mitasining raisi A. Muhitdinov (1892 - 1934) tomonidan ochilib, tabrik so'zlaridan so'ng birinchi majlisda qurultoy o'zining 21 deputatdan iborat prezidiumini (hay'at rayosati) sayladi.

Qurultoyning kun tartibi muhokamasiga quyidagi masalalar kiritilgan: mavjud holat bo'yicha ma'ruza, hukumat hisoboti, harbiy sohaga oid masala, maorif masalasi, iqtisodiy siyosat haqida ma'ruza, milliy masala (turkmanlar masalasi), BXSR Konstitutsiyasini qabul qilish, joylardan ma'ruzalar, Butun Buxoro Markaziy Ijroiya Qo'mitasini (MIQ) saylash masalalari qo'yildi [7].

1921 yil 23 sentabrda Butun Buxoro xalq vakillarining II qurultoyi BXSRning birinchi Konstitutsiyasi qabul qildi. Konstitutsiyaning qabul qilinishi respublikada fuqarolarning huquq va erkinliklarini qonun yo'li bilan mustahkamlanishini ta'minladi. Konstitutsiyada o'sha vaqtdagi o'ziga xos mahalliy sharoitni aks ettirib respublika fuqarolariga o'zlari sotib olgan, shuningdek, o'zlariga meros qolgan mollardan cheklanmagan ravishda tasarruf qilish va foydalanish huquqini, ya'ni xususiy mulk shakli saqlanib qolindi, bundan tashqari, respublika fuqarolariga yakka tartibda ham, shirkatlar, jamiyatlar, kompaniyalarga birlashish yo'li bilan ham bemalol shug'ullanish huquqini berdi. Unda erkak va ayollarning, shuningdek, hamma millat fuqarolarining teng huquqligi, co'z, matbuot, yig'ilish, mitinglar erkinligi ham so'zsiz e'tirof qilingan. BXSR Konstitutsiyasining 5-moddasiga ko'ra, respublikaning oliy hokimiyat organi - Butun Buxoro xalq vakillari qurultoyi (Butun Buxoro xalq deputatlari sovetlarining s'ezdi) hisoblangan. Ushbu qurultoy (viloyat qurultoylaridan saylangan) har 2000 saylovchiga bir vakil saylanadigan 350 a'zodan iborat edi (16-modda) [8: 271]. Qurultoy yiliga bir marta chaqirilib, ish faoliyatining yakunlanishi bilan delegatlarning vakolat muddati ham yakun topgan.

Arxiv hujjatlarida qo'rsatilishicha, Butun Buxoro xalq vakillarining III qurultoyi 1922 yil 15 avgust kuni Buxoroda (Sitorai Mohi Xosada) ochildi [9: 3]. Butun Buxoro MIQ raisi Muinjon Aminov tomonidan qurultoyning birinchi majlisi ochildi. M. Aminov majlisga rais, muovinar va kotib saylashni ham taklif qildi. Taklifga ko'ra, Fayzulla Xo'jaev rais, birinchi muovin Aminov, ikkinchi muovin Qori Yo'ldosh va kotiblikka Fitrat saylandi [10]. «Buxoro axbori» gazetasining 1922 yil 97-sonida («Buyuk va tarixiy kunlar. Buxoro Sho'rolar Jumhuriyatining uchinchi umumiy xalq qurultoyi» nomli sarlavhada) qurultoyning kun tartibi yoritilib, unga qo'yidagi masalalar kirgan: 1) Mavjud holat to'g'risida ma'ruza (ma'ruzachi Fayzulla Xo'jaev); 2) Butun Buxoro MIQning hisobot ma'ruzasi (ma'ruzachi Muinjon Aminov); 3) Buxoro Xalq Nozirlar Sho'rosining ma'ruzasi (ma'ruzachi Fayzulla Xo'jaev); 4) Yangi iqtisodiy siyosat haqida (ma'ruzachi Muinjon Aminov); 5) Davlat banki (ma'ruzachi Musajon Saidjonov); 6) Respublika budjeti (ma'ruzachi Musajon Saidjonov); 7) Yer masalasi (ma'ruzachi Xoji Safo Jo'raboev); 8) «Bosmachilik» harakati (ma'ruzachi Qori Yo'ldosh Po'latov); 9) Qizil armiya (ma'ruzachi Yusufzoda); 10) BXSR Konstitutsiyasiga o'zgartirish kiritish masalasi; 11) Sharqiy Buxoroga komissiyani jo'natish; 12) Mukofotlar berish; 13) Butun Buxoro MIQ saylash; 14) Mahallalardan (joylardan) ma'ruzalar; 15) Sog'liqni saqlash ishlari masalasi [11]. Sog'liqni saqlash masalasi Sattarxo'ja G'ofir Xo'jaev tarafidan kiritilib, qurultoy oxirida ko'rib chiqish sharti bilan qabul qilingan.

Butun Buxoro xalq vakillarining IV qurultoyi faoliyatiga doir ma'lumotlar esa «Ozod Buxoro» gazetasining 1923 yil 1, 2, 4 - sonlarida yoritilgan [12]. Gazetada berilgan xabarlarga ko'ra, ushbu qurultoy 1923 yil 11 oktabr Sitorai Mohi Xosada ertalab soat 11 da ochildi. Uning kun tartibi ro'znomasiga: 1. Butun Buxoro MIQning ma'ruzasi (ma'ruzachi Porso Xo'jaev); 2. Favqulodda taftish komissiyasining ma'ruzasi; 3. Buxoro Xalq Nozirlar Sho'rosining ma'ruzasi (ma'ruzachi F.

Xo'jaev); 4. Budget masalasi (ma'ruzachi A. Muhitdinov); 5. Maorif masalasi (ma'ruzachi M. Saidjonov); 6. Yer masalasi; 7. Vaqf masalasi (ma'ruzachi A. Abdusaidov); 8. Soliqlar haqida (ma'ruzachi Hasanov); 9. Qishloq xo'jaligi krediti (ma'ruzachi A. Muhitdinov); 10. Kooperatsiya haqida (ma'ruzachi Arslon Xo'jaev); 11. Turkman masalasi (ma'ruzachi Annageldi Omonov); 12. Qirg'iz-qozoq masalasi; 13. Sharqiy Buxoro haqida ma'lumot; 14. Harbiy ishlar to'g'risida ma'ruza; 15. Sho'rolar tuzish; 16. Butun Buxoro MIQ saylash kabilar kiritildi [13].

«Ozod Buxoro» gazetasining 1924 yil 143 - sonida («5 chi Butun Buxoro sho'rolar qurultoyi» nomli sarlavhada) Butun Buxoro xalq vakillarining so'ngi V qurultoyi faoliyati bilan bog'liq materiallar beriladi. Maqolaga muvofiq, mazkur qurultoy 1924 yil 19 sentabr Buxoroda (Sitorai Mohi Xosada) ertalab soat 9 dan ochilib, uning prezidiumiga 23 kishi saylandi. Uning kun tartibiga qo'yidagi 6 ta masala kiritilgan: 1. Butun Buxoro MIQ ma'ruzasi; 2. Buxoro Xalq Nozirlar Sho'rosining ma'ruzasi; 3. O'rta Osiyo respublikalarining milliy chegaralanishi masalasi; 4. Davlat budjeti; 5. BXSr yerlarini bo'lish; 6. Butun o'zbek qurultoyiga vakillar saylash [14].

Shuni aytish lozimki, Butun Buxoro xalq vakillarining V qurultoyi 1924 yil 19 sentabrda Buxoro Xalq Sovet Respublikasini Buxoro Sovet Sotsialistik Respublikasiga (Buxoro SSR) aylantirish haqidagi qarorni qabul qildi. Buxoro SSRning tuzilishi Buxoro taraqqiyotida demokratiya tamoyillarini tugatilganligini va uning o'miga rasmiy ravishda sotsializm yo'li egallaganligini anglatdi. 1924 yil 18 noyabr Buxoro SSR Turkiston ASSR va Xorazm SSR MIQLari bilan birgalikdagi qo'shma qarori asosida o'z vakolatlarini (F. Xo'jaev rais) O'zbekiston SSR Muvaqqat Inqilobiy Komitetiga topshirdilar. Shu tariqa, O'rta Osiyoda o'tkazilgan milliy hududiy chegaralanish natijasida Buxoro SSR tugatildi va uning hududi yangi tashkil etilgan respublikalarning tarkibiga majburan kirdi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, 1920 yilning oktabridan to 1924 yilning sentabri oralig'ida Butun Buxoro xalq vakillari qurultoylari besh marotaba chaqirildi. Davriy matbuotda berilgan ma'lumotlarga ko'ra, mazkur qurultoylarning kun tartibiga respublikaning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotiga doir ko'plab muhim masalalar qo'yildi va muhokamalar asosida qabul qilingan qarorlar jamiyatning barcha jabhalariga o'zining siyosiy-mafkuraviy ta'sirini ko'rsatdi.

Адабиётлар рўйхати

1. Известия Туркеспублики. № 227. 7 октября 1920 г.
2. Известия Туркеспублики. № 233. 14 октября 1920 г.
3. Вухоронинг ilk qurultoyi // Вухоро ахбори. 5 - son. 1920 yil 11 oktabr.
4. Вухоронинг ilk qurultoyi // Вухоро ахбори. 9 - son. 1920 yil 26 noyabr.
5. Muminov Kh.M. The place and role of the All Bukhara congress of the people representatives in the history of the Bukhara People Soviet Republic (1920-1924) // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). Volume 8, Issue 6, June 2022. –P.302.
6. Вухоро Sho'rolar Jumhuriyatining ikkinchi qurultoyi // Вухоро ахбори. 50 - son. 1921 yil 25 sentabr.
7. Известия (Новая Бухара). 9 июня 1921 г.
8. O'zR MA, R.47-fond, 1-ro'yxat, 1-yig'majild, 271-varaq orqasi.
9. O'zR MA, R.47-fond, 1-ro'yxat, 343-yig'majild, 3-varaq.
10. Известия (Новая Бухара). № 92 (203). 17 августа 1922 г.
11. Вухоро ахбори. 97 - son. 1922 yil 28 avgust.
12. To'rtinchi Butun Buxoro Sho'rolar qurultoyi. Qurultoyning ochilishi // Ozod Buxoro. 1 (214) - son. 1923 yil 16 oktabr; To'rtinchi Butun Buxoro qurultoyi. Muzokaralar // Ozod Buxoro. 2 (215) - son. 1923 yil 19 oktabr; To'rtinchi Butun Buxoro Sho'rolar qurultoyi // Ozod Buxoro. 4 (217) - son. 1923 yil 25 oktabr.
13. To'rtinchi Butun Buxoro Sho'rolar qurultoyi. Qurultoyning ochilishi // Ozod Buxoro. 1 (214) - son. 1923 yil 16 oktabr.
14. Ozod Buxoro. 143 (356) - son. 1924 yil 23 sentabr.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛГА ОШИРГАН “ТОЗАЛАШ” СИЁСАТИ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА

Марупов Ш. Андижон давлат университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Мақолада совет ҳокимиятининг XX асрнинг 20-30 йилларида партия ташкилотларида, давлат аппаратида ҳамда хўжалик ташкилотларида амалга оширган “тозалаш” сиёсатининг архив ҳужжатларида ёритилиши масалаларига тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: архив ҳужжатлари, “тозалаш”, партия, давлат аппарати, хўжалик ташкилотлари, “ёт унсурлар”, “босмачилар”, сиёсий бюро, зиёлилар, маориф ходимлари.

В статье акцентируется внимание на примерах «чисток», проведенных советской властью в партийных организациях, государственном аппарате и хозяйственных организациях в 20-е и 30-е годы XX века в архивных документах.

Ключевые слова: архивные документы, «очистка», партия, государственный аппарат, хозяйственные организации, «иностранные элементы», «басмачество», политбюро, интеллигенция, работники просвещения.

The article focuses on the examples of “cleansing” carried out by the Soviet authorities in party organizations, state apparatus and economic organizations in the 20s and 30s of the 20th century in archival documents.

Key words: archival documents, “cleansing”, party, state apparatus, economic organizations, “foreign elements”, “Basmachism”, political bureau, intellectuals, educational workers.

Ўзбекистонда партия ташкилотлари, давлат аппарати, хўжалик ташкилотларида уч бор “тозалаш” ўтказилди. Биринчиси 1921-1923 йилларда, ВКП (б) МҚнинг 1928 йил ноябридаги пленуми қарорлари асосида, 1929 йилда иккинчи бор умумий “тозалаш” ўтказилди. 1929 йил ноябрида Бухарин ва унинг маслақдошлари сиёсий бюродан чиқарилди. Апрель ойидаги ўн олтинчи партия конференцияси партиядаги иккинчи асосий “тозалаш”ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу сафар (1923-1929 йилларда) кимки Сталинга қарши овоз берган бўлса, улар қайси муҳолифат қатлампидан бўлишидан қатъи назар, “тозалов”га дучор бўлди[1.36-41]. Собиқ Иттифоқда 1933 йилдан давлат аппарати, партия ташкилотлари, хўжалик ходимларига қарши учинчи бор “тозалаш” бошланиб, 1935 йилда тугалланиши белгилаб қўйилди. Бироқ МК зудлик билан партия аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг ҳужжатларини текширишга ва қайта рўйхатга олишга қарор қилиб, 1 февралдан партия ҳужжатларини алмаштира бошлади. 1933 йилдан давлат аппарати, партия ташкилотларининг аъзолари ўзларини микроскоп остида ҳис қила бошлади... 1924 йилдан 1933 йилга қадар партия аъзолари сони собиқ Иттифоқда 472 мингдан 3555338 кишига оширилган эди. 1931 йил январидан 1933 йилга қадар 1 миллиондан ортиқ партия аъзоси партиядан ўчирилди, қатағон қилиш учун объект бўлиб қолди[2.294]. 1934-1939 йиллардаги қатағонда 1220934 коммунист партиядан ўчирилди[3.21].

1929 йилдаги партиядagi “тозалаш” чоғида Ўзбекистонда 232 та партия ячейкаларидан 8511 та партия аъзоси, 1089 та аъзоликка номзод, яъни мавжуд партия аъзоларининг 14,4 фоизи, жами 9600 киши партия сафларидан чиқарилди. Шундан диний маросимларда қатнашган деб 561 киши, миллатчиликда айбланиб 80 киши, аксилинқилобий ҳаракатларда қатнашганликда гумон қилиниб 105 киши, синфий жиҳатдан ёт унсур деб 1070 киши, қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчилари билан алоқада бўлган, уларга ҳамфикр дея 208 нафар партия ходимлари партиядан ўчирилдилар[3.21]. Шу йилги “тозалаш” чоғида 1070 киши синфий “ёт унсур” сифатида партиядан ўчирилган эди. Масалан, Бухоро округида жами 198 киши партиядан ўчирилди. Шулардан 53 кишини синфий ёт унсур деб, 27 кишини улар билан алоқа қилгани учун, 21 кишини эса қуролли қаршилик ҳаракатида (ҳужжатда “босмачилар” дейилади.) қатнашгани учун “тозалаш” чоғида партиядан ўчирилди[4.112].

1929 йилги партиядagi “тозалаш” чоғида, айниқса, зиёлилар, маориф ходимларининг миллатпарвар қатлами ғоявий жиҳатдан “ёт унсурлар” дея партия сафларидан чиқариб ташланди. Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлари советида ўтказилган “тозалаш”

чоғида 37 кишини ғоявий жиҳатдан совет мафкурасига ёт қарашларга эга дея, 12 кишини эса аксилинқилобий ташкилотлар аъзоси деб, 4 кишини эса синфий ёт унсур дея, жами партия аъзоларининг 32 фоизини партиядан ўчирдилар[5.111]. Бу билан уларни қатағон домига тортиш учун ҳозирланаётган рўйхатга тиркадилар. Айнан шу маориф фидойилари 1930-1933 йилларда ОГПУ Мухтор вакиллиги ҳузуридаги учликлар қарори билан турли аксилинқилобий гуруҳлар аъзолари сифатида қатағонга тортилди.

1930 йил 1 августгача Ўзбекистонда 54 та партия ячейкаси қайтадан “тозалаш”дан ўтказилади: 2056 коммунистдан 147 таси ғоявий-сиёсий қарашлари жиҳатдан совет мафкурасига мос тушмайди, аксилинқилобий ташкилотлар аъзоси, қуролли қаршилик ҳаракатининг иштирокчиси ёки уларга кўмак берган, синфий ёт унсур деган айбловлар асосида партиядан ўчирилди.

Ўзбекистон коммунистик партияси ҳам собиқ Иттифокнинг бошқа регионларида бўлгани каби, ўз ижтимоий таркибини синфийлик тамойиллари асосида шакллантира бориб, партия сафларида ишчиларнинг етакчи ўрин эгаллашларини таъминлади. 1930 йил 1 апрелида партия аъзолари 9555 тага кўпайди. Шунинг билан бирга, коммунистлар орасида ишчилар салмоғи 57,5 фоизга, колхозчилар салмоғи эса 1,5 фоиздан 12,2 фоизга етди[6.116-118.128].

Ўзбекистонда “тозалов”нинг учинчи босқичи 1934 йил 1 июнидан 1935 йилнинг 1 апрелига қадар амалга оширилди. Партиядаги “тозалаш” натижасида 12316 киши партиядан ўчирилди. Бу партия аъзолари умумий сонининг 26,8 фоизи деганидир. Шулардан 1870 кишини синфий ёт унсурлар деб, 1714 кишини синфий ёт унсурлар билан алоқа қилган ва уларни қўллаб-қувватлаган деб, 1545 кишини мансабпараст ва иккиюзламачи деб, 2823 киши партия тартиб-қоидаларини бузганликда айбланиб партиядан ўчирилди[7.140-148]. Уларнинг кўпчилиги камокқа олинди, қатағон қилинди.

1934 – 1935 йиллардаги учинчи босқич “тозалов”лари Андижонда ҳам шиддатли кечди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви (ЎЗР ПАА)нинг Андижон вилояти бўлими архивининг турли фондларида сақланаётган 1934-1935 йиллардаги Андижон округининг турли ҳудудларида партия аъзоларига нисбатан қўлланилган “тозалов”лари тарихини очиб берувчи архив ҳужжатларини ўрганиш орқали амин бўлишимиз мумкин.

Архивнинг Марҳамат район партия комитети фаолияти тарихига бағишланган 27-фонди материалларидаги ҳужжатлардаги маълумотларга қараганда Марҳамат районида ўтказилган “тозалаш” чоғида коммунистик партия аъзоларининг 96 аъзосидан 35 таси, партия аъзолигига номзод 97 кишидан 52 таси партиядан ўчирилди. Шунингдек, “тозалаш” чоғида районо мудир Холботиров, район соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Сайфутдинов, Ўзбекистон пахта тайёрлов бошқармасининг райондаги вакили Жўрабоев, Савдо ва кооперация уюшмаси раиси Раҳимов ва бошқалар партия топшириқларини ўз вақтида бажаришда сусткашликлари учун эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилди[8.6-9].

Марҳамат район партия комитети фаолияти тарихига бағишланган 84-фонди материалларидаги ҳужжатлардаги маълумотларга қараганда Балиқчи районидаги Компартия аъзоларидан 101 кишидан 47 нафари, партия аъзолигига номзодлардан 117 тадан 60 таси партиядан ўчирилганини билиш мумкиндир[9.13-16]. Кўриниб турибдики районда партия аъзоларининг қарийиб тенг ярмига яқини “тозалаш” компаниясининг қурбони бўлмоқда. Марҳамат районида ҳам партия сафларидаги “тозалаш” чоғида четлаштирилганлар, совет мафкураси учун “ёт унсурлар” дея четлаштирилган эдилар.

Жалалқудуқ туманида “тозалаш”га қадар Жалалқудуқ компартияси таркибида 236 та партия аъзоси 186 нафар аъзоликка номзод жами 422 киши бор эди. 1934-1935 йил “тозалаш”лардан сўнг 91 партия аъзоси ва 134 та аъзоликка номзод жами 225 киши партия сафларида қолганди холос[10.33]. Партия аъзоларининг қарийиб тенг ярми партия сафларидан ғоявий “ёт унсур”лар сифатида партиядан ўчирилган эди.

Архивнинг Андижон шағар партия комитети фаолияти тарихига бағишланган 1-фонди материалларидаги ҳужжатлар жамламаларидаги Андижон шаҳридаги партия сафларидаги “тозалаш” компанияси дааврига оид ҳужжатлар жамланмаларидаги маълумотларга қараганда

Андижон шаҳар партия комитети сафларидан 1934 йил 1 октябрига қадар ўтказилган “тозалаш” чоғида партия аъзоларининг 507 тасидан 127 таси, аъзоликка номзод 350 кишидан 99 таси партиядан ўчирилди, уларнинг 82 таси, аъзоликка номзодлардан 86 таси ўзбек миллатига мансуб кишилар эди[2-4].

Хуллас, совет ҳокимиятининг XX асрнинг 20-30 йилларида партия ташкилотлари, давлат аппарати, хўжалик ташкилотларида амалга оширган “тозалаш” сиёсати ўша давр архив ҳужжатларида ҳам сақланиб қолган, кўплаб маълумотлар ҳамда ҳужжатлар совет мафқураси руҳида ёзилгани боис, улардан танқидий фойдаланиш лозим.

Манба ва адабиётлар:

1. Хошимов С. Ўзбекистонда партия сафларини “тозалаш” тарихидан. Сам ДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. 2010. №2 (60).
2. Геллер М., Некрич А. История России 1917-1995. В. 4-томах. Книга первая. -Москва, 1996/
3. Қабохат салтанати. – Тошкент, Ўзбекистон. 1996.
4. Гентшке Л.В., Турсунов Х.Т., Юсупов Э.Ю. Развитие коммунистических организаций в условиях перехода к социализму, минуя капитализм. (по материалам Компартии Узбекистана) –Ташкент: Узбекистан, 1985.
5. РИСТДА 62-фонд, 2-рўйхат, 2382-иш.
6. Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг V партия курултойига ҳисобот материаллари.-Самарқанд, 1930.
7. РИСТДА 62-фонд, 2-рўйхат, 3143-иш.
8. ЎзР ПАА Андижон вилояти бўлими 27-фонд, 4-рўйхат, 372-иш.
9. ЎзР ПАА Андижон вилояти бўлими 84-фонд, 1-рўйхат, 19-иш.
10. ЎзР ПАА Андижон вилояти бўлими 24-фонд, 1-рўйхат, 69-иш.
11. ЎзР ПАА Андижон вилояти бўлими 1-фонд, 1-рўйхат, 350-иш.

БУХКОМСТАРИС ҲИСОБОТЛАРИДА АБДУЛАЗИЗХОН МАДРАСАСИНИНГ ТАЪМИРЛАНИШ МАСАЛАСИ

*Д.А.Абдуллаева – Бухоро давлат университети Археология ва
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада Бухоро меъморий обидаларидан бири Абдулазизхон мадрасасининг таъмирланиш тарихи Бухкомстарис (Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар ҳамда санъат ва табиат муҳофазаси бўйича Бухоро қўмитаси) ҳисобот ҳужжатларидаги маълумотлар асосида хронологик изчилликда ёритилган. Шунингдек, XX асрнинг 20-80 йиллари мобайнида мадрасанинг таъмирланиш динамикаси, ажратилган маблағлар тақсими, ёдгорлик эксплуатацияси каби масалалар ўз ечимини топган.*

Аннотация: *В данной статье на основе данных отчетных документов Бухкомстарис (Бухарская комиссия по охране памятников старины и искусства) освещена в хронологической последовательности история реставрации медресе Абдулазиз-хана. Также изучены вопросы связанные как динамика ремонта медресе, распределение выделенных средств, эксплуатация памятника на протяжении 20-80-х годов XX века.*

Annotation: *In this article, based on the data of the accounting documents of Bukhkomstaris (Bukhara Commission for the Protection of Monuments of Antiquity and Art), the history of the restoration of Abdulaziz Khan madrasah is highlighted in chronological order. The issues related to the dynamics of the madrasah repair, the distribution of allocated funds, the operation of the monument during the 20-80s of the XX century were also studied.*

XX асрнинг 20-йилларига келиб юз берган сиёсий ўзгаришлар ўқув муассасалари – мадрасаларга бўлган муносабатда ҳам акс этмай қолмади. Таъмирланиши учун кўпроқ

маблағ талаб этилган ёки шаҳарсозлик ва йўл қурилишларида халақит берган обидаларни бузиб юбориш ҳоллари авж олди.

Таъкидлаш жоизки, бу даврда сақланиб қолган мадрасалар ўзининг бирламчи вазифасини бажармаса-да, тарихий аҳамиятидан келиб чиқиб давлат рўйхатига киритилганлиги, ўлкашунос олимларнинг илмий тадқиқот объектига айланиши, қолаверса, туристик маршрут йўналишида жойлашганлиги сабаб таъмирлаш жараёнига жалб этилди. Ёдгорликлардан турли хўжалик ва маиший мақсадларда фойдаланиш зарурати, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ташкилотларга ижарага берилиши ҳам уларнинг таъмирланишини таъминлаган.

XVII аср Бухоро меъморчилигининг етук намуналаридан бири бўлган Абдулазизхон мадрасасининг таъмирланиш тарихи ҳам мазкур омиллар таъсиридаги жараёнлардан четда қолмади.

Ёдгорликлар муҳофазасига масъул ташкилот ва муассасалар фаолиятига доир ҳужжатлар таҳлили Бухоро меъморий обидалари 1924 йилдан эътиборан махсус техник кўриқдан ўтказилганини кўрсатди. Бу йўналишдаги ишларнинг дастлабкиси шу йилнинг октябрь ойида БССР Маориф нозири Мусо Саиджонов бошчилигида архитекторлар М.Я.Гинсбург ва В.А.Красильников иштирокида амалга оширилади. Аниқланган техник текширув далолатномаларида тўққизта ёдгорликлар, шу жумладан, Абдулазизхон мадрасасининг сақланганлик ҳолати хусусида ҳам атрофлича маълумотлар қайд этилганлиги маълум бўлди.

Мадрасанинг олд (фасад) қисмида мозаика ва майолика безаклари 40-50%, ички ҳовли қисмида эса 20% гача сақланганлиги, киравериш пештоқи бузилган (2 кв.м) ва ҳовлининг чап томонидаги пештоқида эса дарз кетиш ҳолати мавжудлиги қузатилган. Шунингдек, том қисмининг 15% и сувоқлашга муҳтожлиги аниқланди.

Техник кўриқ хулосалари асосида ички ва ташқи деворларни сувоқлаш, ғишт териш, ғиштли мозаикаларни тиклаш ҳамда мавжудларини мустаҳкамлаш каби ишлар кўлами белгиланади[1]. Бу каби чоралар бирламчи таъмир ишлари бўлиб, ёдгорлик вайрон бўлишининг олдини олиш учун аҳамиятли эди. Мазкур таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларида Мусо Саиджонов томонидан бевосита амалий кўмак бериб турилганлиги эътиборга моликдир.

Бироқ таъкидлаш жоизки, совет ҳукмронлигининг айнан XX аср 20-30 йилларида юртимиз меъморий обидалари, тарихий ёдгорликлардан воз кечиш тенденцияси авж олди. Бу каби сиёсат Абдулазизхон мадрасасини ҳам четлаб ўтмади. Фақатгина маҳаллий ўлкашунос олимлар ва илмий жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатлари натижасида мадраса сақлаб қолинди.

Санъат ва қадимий ёдгорликлар муҳофазаси бўлимининг мудир лавозимида фаолият олиб борган И.И.Умняковнинг 1927 йил 22-31 март кунлари Бухорога амалга оширган хизмат сафарига зарурат сифатида Бухкомстарис (Музей ишлари, қадимги ёдгорликлар ҳамда санъат ва табиат муҳофазаси бўйича Бухоро кўмитаси)нинг 19 мартда йўллаган мурожаати бўлди. Чунки, Бухорода шу йилнинг 20 февраль куни Облгорместхоз ишчилари томонидан XVII асрга оид бўлган икки меъморий ёдгорлик Пояндабий ва Абдулазизхон мадрасаларида бузиш ишлари бошланган эди. Зеро, бу ишларни тўхтатиш мақсадида Бухкомстариснинг Бухоро шаҳар ижроия кўмитаси номига йўллаган мурожаатлари ижобий ҳал этилмаган.

Шаҳар ижроия кўмитаси раисининг муовини Мукамилов (исми ҳужжатларда кўрсатилмаган) Бухкомстарис номига йўллаган жавоб хатида Регистон майдонидаги Пояндабий масжиди ҳеч қандай тарихий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлаб, бузиш ишлари давом эттирилишини, Абдулазизхон мадрасасидаги ишлар эса тўхтатилишини билдиради. Аммо И.И.Умняков ташриф буюрганида мадрасанинг ғарбий томонидаги тўққизта аркаси тўлиқ бузиб ташланган эди. Олимнинг Бухорога ташрифи натижасида шаҳар ижроия кўмитасининг ёдгорликларга бўлган муносабати юзасидан тегишли далолатнома тузилиб Халқ маориф кўмитасига юборилади. Бу воқеалар ҳисоботда қуйидаги тарзда баён этилган: *“...Бухорога ташрифим натижасида қайта тиклаш имкони бўлмаган ёдгорликка гувоҳ бўлдим ва уни расмга олишни Буткевич жанобларидан сўрадим. Абдулазизхон мадрасаси бўлса, абгор ҳолатда уни тиклаш даркор. Аммо ўйлайманки, округ ижроия кўмитаси бунга қаршилик қилиши табиий”*[2].

Шу ўринда И.И.Умняков ташаббуси билан шаҳар ижроия кўмитаси масъул котиби У.Юлдашев раислигида, Халқ маорифи вакили М.Саиджонов, Бухкомстарис вакили Б.И.Буткевич, вақф бошқармаси вакили А.Қосимов аъзолигида алоҳида комиссия ташкил этилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Комиссия шаҳардаги аҳамиятли объектларни сақлаш ва уларни Бухкомстарис ихтиёрига топшириш масаласини ўрганиб чиқиши керак эди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга эски Бухородаги шаҳар қурилиши ишлари билан боғлиқ тадбирларни Бухкомстарис билан келишилган ҳолатда амалга ошириш ва иш режаларини комиссияга тақдим этиш мажбурияти юкланади. Энг муҳими, кўмитанинг саъй-ҳаракати натижасида Абдулазизхон мадрасаси тўлиқ бузилишининг олдини олишга эришилди.

Аммо мадраса таъмирталаб аҳволдалигича қолдирилган. Унинг бу ҳолати мадраса эксплуатацияси билан боғлиқ ноўрин фойдаланиш натижасида янада оғирлашган.

Мавзуга доир ҳужжатлар таҳлилидан, Средазкомстариснинг 1927 йил 15 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Абдулазизхон мадрасасини қамоқхона (ҳибсхона) сифатида ижарага бериш масаласи кўриб чиқилгани маълум бўлди. Йиғилишнинг қарор қисмида: “...*Тарихий ёдгорликни фуқаровий аҳамиятга ижарага беришга принципиал қаршилик билдирамиз. Аммо кўмита (Средазкомстарис – Д.А.) Бухородаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда маълум талаб-шартлар асосида рухсат беришни маъқул кўради.*”, - дейилади[3]. Бу талаблар шаҳар ижроия кўмитаси Бухкомстарис ва Средазкомстарис билан келишган ҳолда ёдгорликни таъмирлаш ишларини амалга ошириши, бинонинг асл ҳолатини сақлаш, шунингдек, ижара ҳаққини тўлаш мажбурияти кабилардан иборат эди.

Бухкомстарис ташаббуси билан 1929 йилда Абдулазизхон мадрасасида таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Жараённинг бир қанча хатоликлар билан кечганлиги жорий йилнинг 20 май санасида Узкомстарис вакили В.А.Шишкин ҳамда техник ходим И.Х.Свиринлар иштирокида ўтказилган тафтиш-назорат ишлари натижасида аниқланган[4]. Камчиликлар қайд этилган далолатнома асосида Абдулазизхон мадрасаси бош пештоқидаги оҳақтошли ҳосила(сталактит) ўринларини қайта тиклаш, таъмир ишларини олиб бориш учун ҳавоза қуриш, бўртиб чиққан сувоқли жойларни таъмирлаш, жойидан қўзғалган ғиштларни қайта териш каби ишлар бажарилди.

Бу, албатта, соҳада жорий этилган тафтиш-назорат тартибининг таъмирлаш ишлари сифатини таъминлашдаги ҳиссаси салмоқли эканлигини кўрсатади.

Абдулазизхон мадрасасида навбатдаги таъмир 1934 йилда амалга оширилиб, унда 153.069 рубл 08 тийин маблағ юзасидан жами 70 турдаги ишлар бажарилган[5]. 1936 йилга келиб эса кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Мадраса иккинчи қават деворининг ташқи томони, ички ҳовли пештоқи ва айвон қисми таъмирланганлиги, гумбаз ва том қисмида эса квадрат шаклидаги пишган ғиштлар терилганини мадраса сақловида кўрилган муҳим чоралар сифатида баҳолаш мумкин. Иқтисодий ҳужжатлар ушбу таъмир жараёни 6230 рубл маблағ талаб этганлигини кўрсатади.

Қайта тиклаш ишлари яқунлангач, Абдулазизхон мадрасасида 1937 йил В.А.Шишкин раҳбарлигида “Меъморий сопол безаклар, нақшлар ва ўймакорлик намуналари” номли кўргазма ташкил этилган[6]. Эътиборлиси, унда Мағоки Агтор ва қадимий ҳовлиларнинг деворий безаклари намойиш қилинган.

Мазкур йилларда таъмирлаш ишлари Бухкомстариснинг мавсумий ходимлари бўлган маҳаллий уста-меъморлар Иброҳим Ҳафизов, Уста Ширин Муродов, Абдусалом Абдурахмонов, Абдурахим Ҳаётов, Мажид Солиҳов ва Аминжон Саломовларнинг бевосита иштирокида олиб борилганлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, мадраса бош пештоқидаги муқарнас ва шарафалар уларнинг меҳнати ва маҳорати натижасида қайта тикланган.

Абдулазизхон мадрасасининг XX аср 40-йилларидаги таъмирланиш тарихида Иккинчи жаҳон урушининг бевосита таъсири сезилади. 1941 йил июлда Узкомстарис раиси В.А.Жаҳонгиров билан Бухородаги вакил Булычев(исми ҳужжатларда кўрсатилмаган) ўртасида фронт олдидан кўчирилган аҳолини жойлаштириш масаласида музокара бўлади[7]. Натижада, шу йилнинг 2 август санасида Абдулазизхон, Улуғбек ва Мир Араб мадрасалари

шаҳар Ижроия кўмитаси тасарруфига ўтказилиб, уларда фронт олди аҳолиси жойлаштирилади.

1951 йил сентябрга қадар эса мадраса Бухоро шаҳар ҳарбий комиссариат (горвоенкомат) биноси вазифасини бажарган. Ўрганишлар, Абдулазизхон мадрасасининг 1953 йил 6 майда Архитектура ишлари бошқармаси бошлиғи Р.Р.Абдурасулов рухсати ҳамда Бухоро шаҳар ижроия кўмитасининг ҳулосасига биноан юқумли касалликлар шифохонаси сифатида уч ой муддатга ижарага берилганлигини ҳам кўрсатди[8]. Касаллик (дизентерия)га чалинган беморлар мадраса хужраларида жойлаштирилган.

1954 йилга келиб, сайёҳлар учун асосий кўрсатма йўналиш (маршрут) бўйича Бухоро меъморий обидаларидан ўн бешта рўйхатдаги ёдгорликлар қаторига Абдулазизхон мадрасасининг ҳам киритилиши эндиликда унинг муҳофазаси ва таъмиротига алоҳида ёндашувни тақозо этди.

Махсус илмий-реставрациялаш ва ишлаб чиқариш Бухоро устахонаси (МИРИЧУ) илмий тадқиқот секторининг ҳулосаси асосида 1957 йилда Абдулазизхон мадрасасининг техник ҳолати бўйича кенгайтирилган далолатнома тузиш ва таъмирлаш кўламини белгилаш ишлари бажарилди. 1958 таъмир йилида мадраса ҳовлиси деворларининг қоплама қисми ҳамда айвон безакларини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилди.

1968 йилда давлат бюджети ҳисобидан 20.000 рубл маблағ ажратмаси миқдорида Бухоро МИРИЧУ томонидан навбатдаги таъмир ишлари, хусусан, ҳовлига квадрат шаклдаги ғиштлар ётқизиш, жанубий томондаги хужралар деворини мустаҳкамлаш амалга оширилди. Мадраса ҳовлисининг пештоқидаги муқарнас эса уста-меъмор Очил Бобомуродов бошчилигидаги усталар томонидан асл ҳолига келтирилган[9].

1971 йил 15 октябрда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг “Бухоро ва Хива шаҳарларида тарихий-меъморий ёдгорликларни сақлаш, ободончилик ҳамда қурилиш ишларини яхшилаш ва жадаллаштириш” тўғрисидаги қарорининг ижроси сифатида Абдулазизхон мадрасасида ички ва ташқи фасад қисми, хужра равоқларини қайта тиклаш ҳовли ва муҳофаза ҳудудини ободонлаштириш тадбири олиб борилди.

Кейинги йилларда Абдулазизхон мадрасаси Ёдгорликлар муҳофазаси инспекцияси биносига айлантилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд[10]. Илмий муомалага жалб этилган Бухкомстарис ҳисобот ҳужжатлари, ўрганилаётган даврда мадрасанинг таъмирталаб ҳолга тушишига табиий омиллар билан бир қаторда, муҳофаза ва таъмирлаш ишларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш, таъмир ишлари учун ажратиладиган маблағларнинг пропорционал тақсимланмаганлиги, иш кўламини бажариш ва уни назорат қилишни тўғри йўлга қўйилмаганлиги ҳам сабаб бўлганини кўрсатди.

Шунингдек, XX асрнинг 60-70 йилларига келиб таъмирлаш ишлари мадраса биносининг асосан ташқи фасад қисмини тузатиш юзасидангина олиб борилган. Буни мадрасанинг туристик маршрут йўналишида жойлашганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу мадрасалар таъмирловига бирламчи меъморий ёдгорлик сифатида эмас балки туристик кўرғазма объекти нуқтаи назаридан ёндашилган, деган ҳулосаларга ҳам келишга ундайди.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринда –ЎзМА), Р-394-фонд, 1-рўйхат, 92-йиғмажилд, 4-варақ.
2. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 266-йиғмажилд, 42-варақ.
3. ЎзМА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 266-йиғмажилд, 219-варақ.
4. ЎзМА, Р-2296-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғмажилд, 43-варақ.
5. Бухоро вилоят давлат архиви (кейинги ўринларда – Бухоро ВДА), 836-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғмажилд, 14-варақ.
6. ЎзМА, Р-2296-фонд, 1-рўйхат, 146-йиғмажилд, 8-10-варақлар.
7. ЎзМА, Р-2296-фонд, 1-рўйхат, 198-йиғмажилд, 9-варақ.
8. ЎзМА, Р-2296-фонд, 1-рўйхат, 487-йиғмажилд, 190-варақ.
9. Бухоро ВДА, 1294-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 2-варақ.
10. ЎзМА, Р-2296-фонд, 7-рўйхат, 5-йиғмажилд, 48-варақ.
11. Имашева М. М. КУПЦЫ БУХАРСКОГО ДВОРА ИЗМАЙЛОВЫ

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛГА ОШИРГАН ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ТАРИХИ МАНБАЛАРДА

С.А. Хошимов т.ф.д. доцент. Андижон давлат университети

Мақолада совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30 йилларида амалга оширган қатагон сиёсати тарихини ёритишда нашр этилган ҳужжатлар, материаллар тўпламлари, даврий матбуот материаллари, хотиралар ҳамда эсдаликларнинг муҳим манба сифатидаги ўрни очиб берилган.

Калит сўзлар: қатагон, нашр этилган ҳужжатлар, архив ҳужжатлари, матбуот, хотиралар, қарорлар, декретлар, съезд, революцион трибуналлар, жазоловчи органлар.

В статье раскрывается роль опубликованных документов, сборников материалов, материалов периодической печати, воспоминаний и воспоминаний как важного источника в освещении истории репрессивной политики, проводившейся советской властью в Узбекистане в 20-е и 30-е годы XX века.

Ключевые слова: репрессия, опубликованные документы, архивные документы, печать, воспоминания, постановления, декреты, съезды, ревтрибуналы, карательные органы.

The article reveals the role of published documents, collections of materials, periodical press materials, memories and reminiscences as an important source in elucidating the history of the repressive policy implemented by the Soviet authorities in Uzbekistan in the 20s and 30s of the 20th century.

Key words: repression, published documents, archival documents, press, memories, decisions, decrees, congress, revolutionary tribunals, punitive bodies.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг XX асрнинг 20-30 йилларида амалга оширган қатагон сиёсати ҳамда амалиёти тарихини тадқиқ этишда архив ҳужжатлари ва материаллари, нашр этилган ҳужжатлар, материаллар тўпламлари, даврий матбуот материаллари, хотиралар ва эсдаликлар ҳамда оғзаки тарих материаллари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Манбалар орасида нашр этилган ҳужжат ва материаллар тўпламлари ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Нашр этилган архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиб тадқиқ этиш мумкин. Биринчиси, совет давлати ҳужжатлари ва компартиянинг ҳужжат ҳамда материалларидир. Бу ҳужжат ва материаллар тўпламлари[1.] совет ҳокимиятининг амалга оширган қатагон сиёсатини асословчи қонун мажмуалари, Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда қабул қилган декретлар, қарорлар, кўрсатмалар, съездлар ва пленумлар қарорлари муҳим манбадир.

Ҳужжатлар ва материаллар тўпламларидан иборат иккинчи гуруҳга доир манбалар XX асрнинг 20-30 йиллар ҳамда ундан кейинроқ эълон қилинган. Бу туркумдаги манбалар совет ҳокимияти ҳукмронлигининг мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган қонун, қарорлардир[2.]. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси қабул қилган ҳужжатлар ва материаллар асосий манбалардандир. Уларни ўрганиш тарихий жараёнларнинг асл моҳиятини англаш имконини беради.

Манбаларнинг навбатдаги учинчи гуруҳига 1991 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг қатор архивларида совет ҳокимияти даврига оид махфийлик тамғаси остида сақланаётган ҳужжатлар ва материалларни киради. 1991 йил 26 апрелда Россия Федерациясида “Қатагон қилинган халқларни реабилитация қилиш тўғрисида”[3.] Қонун қабул қилиниши билан қатор ҳужжат ва материаллари тўпламлари нашр этилди[4.]. Улардан собиқ Иттифоқ микёсида ва жойларда мустабид тузумнинг Компартия совет давлати ва куч ишлатиш органларининг махфий ҳужжатлари, қарор ва фармойишлари эълон қилинди. Уларда совет ҳокимиятининг қатагон сиёсатининг ижрочи органлари революцион трибуналлар, ЧК, ГПУ, ОГПУ, НКВД фаолияти тарихини ёритувчи материаллар эълон қилинди.

“Совершенно секретно: Лубянка-Сталину о положении в стране (1922-1934)” номли 8 жилдлик тўпламида 1922-1934 йилларда Совет Иттифоқидаги сиёсий вазиятларни акс

этирувчи ҳужжатлар эълон қилинган[5.]. Ундаги материалларнинг маълум қисми Ўрта Осиё республикаларидаги сиёсий вазият, қуролли ҳаракат қатнашчиларига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, аксилинқилобий чиқишлар, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликнинг диний идоралар фаолиятига доир ҳисоботлари ҳам муҳим манбадир.

Бу босқичда Андижонда 2001 йил ташкил топган “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди ҳам фаолият кўрсатди. Худди шундай иш “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси томонидан ҳам бажарилди[6.]. Ушбу манбаларда совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган қатағон сиёсатининг турли даврларига оид архив маълумотлари жамланган.

1917 – 1923 йилларига оид тарихий воқеаларнинг айрим қирраларини ёритишда “РКП (б) Марказий Комитетининг миллий республикалар ва областлар масъул ходимлари билан ўтказилган тўртинчи кенгаши (1923 йил 8-12 июнь)” материаллари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бироқ совет даврида “махфий”лик грифти остида бу ҳужжат тадқиқотчиларга берилмаган. Кенгаш материалларида Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида 1917 – 1923 йилларда юз берган тарихий воқеалар, раҳбар ходимларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ноёб маълумотлар берилган. Ушбу манба татаристонлик тарихчи олим, профессор Булат Султанбековнинг китобида[7.] илк бор тадқиқот манбаига айланган. Шу китобда эълон қилинган кенгаш материалларини “Водийнома” журнали таҳририяти томонидан ўзбек тилида эълон қилинди[8.].

XX асрнинг 20-30 йилларида совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган қатағон сиёсати тарихига доир манбалар ичида даврий матбуот материаллари саҳифаларидаги маълумотлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Жумладан, ўша давр вақтли матбуотлари “Туркестанский вестник”, “Улуғ Туркистон”, “Иштирокиюн”, “Туркистон”, “Камбағал деҳқон”, “Правда Востока”, “Бухоро ахбори”, “Ишчи-батрак мактублари”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ўзбекистанская правда”, “Известия” (Москва; Тошкент), Курашчан худосизлар иттифоқи марказий шўросининг “Ozbekistan xudasizlari”, “Xudasiz” сингари газеталар ҳамда “За партию”, “Маориф ва ўқитувчи” каби журналлар саҳифаларида босилган хабарлар ҳамда мақолаларда ҳам гарчан совет мафкураси руҳида ёзилган бўлса-да, миллий республикаларда амалга оширилган қатағон сиёсати ва амалиётига оид маълумотлар мавжуддир.

Совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати ва амалиётини очи беришда ёрдамчи материаллар сифатида хотира ва эсдаликлар муҳим манбалардан саналади. 1920-30 йилларда маҳаллий халқ вакилларига қўлланилган қатағон тарихини ёритишда воқеаларнинг бевосита гувоҳи ҳамда иштирокчиларининг хотира ва эсдаликларининг ўрни каттадир[9.]. Уларда ўша даврдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, совет ҳокимиятининг ўлка халқларига қарши олиб борган қирғинбарот қатағон сиёсатига оид маълумотлар берилганки, бу маълумотлар бевосита бу жараёнларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлган кишилар томонидан ёзилгани билан ҳам қимматлидир.

Хуллас, совет ҳокимиятининг 1920-30 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламларига нисбатан амалга оширган қатағон сиёсати ва амалиёти тарихини ёритувчи манбалар талайгина. Бироқ муаммога тааллуқли манбаларни таҳлил қилишда қатор методологик қийинчиликлар ҳам мавжуд. Чунки у ёки бу ҳужжатнинг баёни реал ҳаётнинг жараёнларни тўла таҳлил қилишга имкон бермайди. Чунки улар коммунистик мафкура, ҳукмрон партия мафкураси асосида ёзилгани боис тарихий воқеликни тўласинча, ҳаққоний ёрита олмайди. Совет даври тарихий манбаларини таҳлил қилганда унинг коммунистик мафкурага тўлиқ бўйсундирилганлигини инобатга олиб танқидий руҳда, қўшимча манбаларга солиштирган ҳолда фойдаланиш лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 ноября 1917 г. по 1 июля 1918 г.). – Ташкент, 1918; Резолюции и постановления съездов Коммунистической партии Туркестана (1918-1924 гг) –

Ташкент, Узбекистан, 1968; История законодательства СССР и РСФСР по уголовному процессу и организации суда и прокуратуры. Сб. док. – Москва: Госюриздат, 1955.

2. Сборник указаний по борьбе с басмачеством. – Ташкент, ИЗД. РВС Туркфронта, 1924; Подготовка и проведение Великой Октябрьской Социалистической революции в Узбекистане. Сборник документов. – Ташкент, 1947; Из истории ВЧК (1917-1921 гг.) Сборник документов. – Москва, Госполитиздат, 1958; Резолюции и решения Коммунистической партии Узбекистана. – Ташкент, Госиздат УзССР, 1957.; Коммунистическая партия Узбекистана в цифрах. Сборник стат. материалов (1924-1977гг.) – Ташкент, 1979 и др.

3. Закон РСФСР от 26 апреля 1991 г. №1107-1 «О реабилитации репрессированных народов» - <http://base.garant.ru/10200365/>

4. Сборник законодательных актов о репрессиях и реабилитации жертв политических репрессий.-Москва, 1993; Лубянка. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Архив Сталина. Документы высших органов партийной и государственной власти. Январь 1922 - декабрь 1936 г. / Под ред. Акад. А.Н.Яковлева. Сост. В.Н.Хаустов, В.П.Наумов, Н.С.Плотникова.-Москва, МФД, 2003; Государственный террор в Советском Союзе 1917-1984. Сборник материалов / сост.Е.Л.Магеровский. -Нью-Йорк, 2011 и др.

5. “Совершенно секретно”: Лубянка-Сталину о положении в стране (1922-1934гг.). Том 1-8. Москва, 2001-2008.

6. Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э., Хошимов С., Дустматов Э.П.; - Андижан: изд.-во АндГУ, 2007; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Хужжат ва материаллар. Биринчи китоб. Таҳрир ҳайъати: Ҳасанов Б.В., Аҳмедов С., Дўстқораев Б., Каримов Н.Ф., Собиров А.С. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. – Б. 222., Тарихнинг номаълум саҳифалари. Хужжат ва материаллар. Иккинчи китоб. – Тошкент, 2010; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Хужжат ва материаллар. Учинчи китоб. – Тошкент, 2012; Ўн саккизлар иши. Дело восемнадцати (Архив хужжатларининг изоҳли тўплами). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари: Қ.К.Ражабов, А.Ж.Яхшиев. Изоҳ ва шарҳлар муаллифи: Қ.К.Ражабов. – Тошкент: “Akademiya”, 2012; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий мақолалар. Хужжат ва материаллар. Хотиралар. Тўртинчи китоб. – Тошкент, 2013; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий мақолалар. Хужжат ва материаллар. Хотиралар. Бешинчи китоб. – Тошкент, 2016; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий ахборот ва мақолалар. Хужжат ва материаллар. Хотиралар. Олтинчи китоб. – Тошкент, 2017; Тарихнинг номаълум саҳифалари. Илмий ахборот ва мақолалар. Хужжат ва материаллар. Хотиралар. Еттинчи китоб. – Тошкент, 2018; Шамсутдинов Р., Хасанов Ж., Тожимирзаев Э., Иминов Ж., Хомидов Д. Қатағон қурбонлари хотира китоби Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар) I қисм. Тошкент: Akademyashr, 2021. – 445 б. ва б.

7. Султанбеков Булат Тайны национальной политики ЦК РКП. Стенографический отчет секретного IV совещания ЦК РКП. 1923 г. Масква: ИНСАН, 1992.

8. Шамсутдинов Р.Т, Алимов Б. Туркистон, Хоразм ва Бухоро тарихига оид муҳим манба. // Водийнома – Андижон, 2022 №3(25). – Б.2-29.

9. Мустафо Чўкай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992; Мухитдинов Н. Кремлда ўтган йилларим (Эсдаликлар). 1-китоб. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995; Мунаввар қори Абдурашидхонов. ХотиралариМАН. (Жадидчилик тарихидан лавҳалар). –Тошкент: Шарқ, 2001; Салимхон Тиллахонов. Хотиралар // Шарқ юлдузи.– Тошкент, 2002.-№1.–Б.147-151; Полвонниёз хожи Юсупов. Ёш хиваликлар тарихи. (Хотиралар). Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи М.Матниёзов. – Урганч: Хоразм 2000; Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Биринчи китоб. –Тошкент: Шарқ, 2003; Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи. Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи: М.Абдурахмонов. –Тошкент: Истиклол нури, 2014 ва б.

КУПЦЫ БУХАРСКОГО ДВОРА ИЗМАЙЛОВЫ

Имашева Марина Маратовна, и.и.н., доцент кафедры Истории Татарстана Казанский (Приволжский) федеральный университет, Г. Казань, РФ

В 1810 г. на месте существовавшей еще с начала XVIII в. деревянной мечети, во 2 части города Астрахани в так называемой Татарской слободе, за каналом, на территории Бухарского двора, была построена первая в городе каменная мечеть.

Как и бывшая на этом месте деревянная, новая каменная мечеть назвалась Белой (Ак-мечеть). Это название мечеть носит и поныне. Именно Белая мечеть дала начало архитектурному типу астраханских каменных мечетей, как самая ранняя каменная культовая мусульманская постройка в городе.

Мечеть была построена на пересечении трех улиц, которые в последующей истории астраханской махалли стали центром сосредоточения ее общественной активности: Беломечетной (названной собственно, в честь мечети, с нее она и начиналась; жить на этой улице было очень престижно, здесь строили дома самые богатые татары города), 2-й Мечетной и Адмиралтейской. Ныне это пересечение улиц 3. Космодемьянской, Бэра и Казанской.

В документах Астраханской губернской канцелярии за январь 1809 г. отложилось дело с прошением Астраханского из татар Бухарского двора купца 1 гильдии Давида (Дауда, Даута) Измайлова (Исмаилова) о постройке каменной мечети. В прошении на имя губернатора Льва Александровича Кожевникова значится: «Состоящая во 2 части города Астрахани в татарской слободе деревянная мечеть, называемая Белой, от древности и давней постройки пришла в такую ветхость, что богомолье в ней по закону нашему отправлять опасно. По поводу сему живущие около той мечети татары просят меня из усердия к религии нашей поправить оную починкою. Но я для лучшего благоустройства и красоты в городе, равно и для прочности желаю на том же самом месте построить по имеющемуся у меня архитектурному плану каменную мечеть...»¹. К плану была приложена и смета строительства.

В марте 1809 г. полицмейстер Малышев и архитектор Кулаков осмотрели место занимаемое деревянной мечетью, которое, согласно высочайше конфирмованному в 1801 г. плану г. Астрахани, оказалось предназначенным для застройки. 30 апреля 1809 г. губернское правление постройку разрешило². Получив разрешение, Измайлов сразу же приступил к строительству и вскоре мечеть была построена. К сожалению, ни в одном из изученных нами документов, имя архитектора не упоминается.

Об этом свидетельствует составленный в 1810 г. план г. Астрахани, на котором мечеть показана каменной, в экспликации к плану она значится «вновь выстроенной татарской мечетью»³.

Как следует из документа, средства на строительство мечети были выделены купцом Бухарского двора Даутом Юсуповичем Измайловым. Это был глава большого семейства и большого коммерческого дела. 1810-е гг. были пиком коммерческих успехов этой фамилии, что и позволило Дауту Юсуповичу осуществить строительство каменной мечети. Вместе с тем составить целостное представление о характере торговых операций купца на наш взгляд, весьма затруднительно.

В 1816 г. Астраханская Татарская управа в ответ на требование Казенной палаты предоставить списки торгующих мелочным и оптовым способами татар Бухарского, Гилянского и Агрыжанского дворов, отвечала, что составить такую ведомость без опроса самих торгующих, не в состоянии, так как их очень малое число осталось, «а кто именно и какой именно торг производят, управе не известно»⁴.

¹ ГААО, ф.13. оп.1, д.20097, л.1.

² Там же, л.6.

³ ЦГВИА, ф.349. оп.3. д.2557, л.4.

⁴ ГААО, ф.13, оп.1, д.29503, л.4.

Вместе с тем, властям положение торговавших в Астрахани азиатских купцов совсем не представлялось таким уж бедственным. В конце 1824 г. Городская Дума сообщала губернатору: «...Разноплеменные азиатские народы в Астрахань приезжающие, и во оной живущие, производят торг оптом и по мелочи всеми вообще азиатскими и европейскими товарами, покупая оные в Персии, Индии, Хиве, Бухаре, Грузии, Астрахани и внутри России. Из числа оных много таковых, которые производят торговлю на большие суммы, которую хоть и нельзя с точностью определить, по крайней мере известно, что сии последние, люди капиталисты, преобладая торговлею, неограниченно имеют в Астрахани каменные Гостиные дворы, и деревянные дома и фабрики, коих по оценке депутатского собрания, учрежденного для уравнивания городских повинностей, сочтено до 2,5 млн. руб., сии имения состоят на выгодных местах, доставляют им преимущественные доходы против российских жителей»¹. Именно к таким предпринимателям относился и Д. Измайлов с братьями.

1820-1840-е гг. время банкротств узбекских предпринимателей, что связано было, прежде всего, с падением цен на товары среднеазиатского происхождения. Обанкротилась и фирма Измайловых. Дело о банкротстве, позволяет нам сделать выводы о коммерческих делах семьи и их объемах в Астрахани.

Первоначально Даут Юсупович Измайлов числился татаринном Бухарского двора. С течением времени разбогател и в начале 1800-х гг. записался в 1 гильдию астраханского купечества, вместе с тремя братьями. Измайлов вел обширную внешнюю торговлю. Главным направлением ее стала Средняя Азия. В 1800-1810 г. купец на собственных своих расшивах переправлял товары и пассажиров с Мангышлакской пристани в Астрахань и обратно². С Мангышлака караваны переправляли товары в Хиву, Бухару и другие города. В Астрахани ему принадлежали мыловаренный и салотопенный заводы³. Видимо, главной ошибкой, оборотистого предпринимателя стало большое доверие, которое он оказывал своим братьям и то, что купец «состоял» с ними «в одном капитале».

Первая серьезная коммерческая неудача относится к 1818 г. Это была попытка астраханского купца первой гильдии Нияза Юсуповича Измайлова наладить регулярную торговлю мануфактурой и хлопком-сырцом с иностранными компаниями, торговавшими в Москве и на Макарьевской ярмарке - «Марк и К^о», «и «Давсон и К^о» и «Матисен и К^о». В течение 1818 г. Н. Измайлов выдал этим компаниям векселей на общую сумму 39945 руб. 57 коп. ассигнациями, сроком от 6 месяцев до 1 года. Видимо, купец не рассчитал свои силы и в 1820 г. векселя были предъявлены к оплате.

Так как купец Ниязов «по торговым делам находился в верховых городах», Астраханская Татарская управа, постановила в апреле 1820 г., отложила взыскание до его возвращения. А к ответу пока призвать его братьев Кадрали и Ильяса, также состоявших в 1 гильдии астраханского купечества. Капитал братья имели общий «доставшемся им всем вместе от предков их, торговыми делами заведенным еще родителем их». Так как Нияз был братом старшим, то он и распоряжался всеми делами. И «проживая в Москве перевел капитал в свои руки, а щетов им не доставляет». И также просили управу заставить старшего брата держать перед ними отчет и вести общую коммерцию⁴.

Когда сам Н.Ю. Измайлов прибыл в Астрахань, он заявил в магистрате, что «торговля им производится с давних лет на довольно значительную сумму, которая им переведена в Москву, так как он жительство имеет в Москве, почти без выезда, в собственном доме». На момент дознания у купца в Москве находились товары «в непродаже», да «большая сумма в долгах на разных людях по векселям и счетам». Также «есть по производству частью в Санкт-Петербурге, сверх того отправлено товаров за границу в Бухарию и Кашмир на немаловажную сумму». Счета же все оставлены купцом в Москве и не приведены в порядок, «а как он на сих днях отправляется по коммерции вглубь России, а потом приедет в Москву

¹ ГААО, ф.1, оп.1, д.1070, л.44.

² ГААО, ф.13, оп.1, д.32149, л.1.

³ ГААО, ф.1, оп.1, д.1070, л.71.

⁴ ГААО, ф.13, оп.1, д.35676. л.30.

и приведя там дела свои в порядок» А уж затем вернется в Астрахань и обещает дать всем кредиторам удовлетворение и ввести в курс коммерции своих братьев.

А затем векселя Н.Ю. Измайлова стали предъявлять и астраханцы. Вдова генерал-лейтенанта П.Ф. Левшина просила взыскать по векселю, выданному 4 июня 1818 г. на 12 месяцев, 5000 руб.¹ В 1820 г. братья записались в купечество порознь, а не как прежде. В одном семействе: Кадрали и Ильяс во 2, а Нияз в 3 гильдии купечества «с особым своим капиталом». Раздел произошел в январе 1820 г. Братья отказались отвечать по долгам Нияза и Астраханский Магистрат признал, что они правы².

Нияз, а также Кадрали, Ильяс и Аит Юсуповичи Измайловы были младшими братьями Дауда. Сам Дауд Измайлов в это время, по решению Сиротского Суда состоит опекуном имущества умершего купца Джафарова. Д. Измайлов просит губернатора освободить его от этой обязанности, так как по делам опеки он выехать из Астрахани не может. Из-за этого пропустил Крещенскую ярмарку 1818 г., а теперь может пропустить и Ростовскую ярмарку, «а с тем вместе претерпеть важные по коммерции убытки». Губернатор прошение удовлетворил. Так как, по делам опеки Измайлов «оставил надежное обеспечение»³.

Первые личные неприятности у главы фамилии, начались в начале 1820-х гг. В 1823 г. Дауд Измайлов был привлечен к следствию по делу о фальшивых ассигнациях. Его уличили не только в том, что он расплатился фальшивыми деньгами, но и предупредил некоего Мустагима, торговавшего с казахами Букеевской Орды и приказчика казанского купца Апанаева Бикбая Шафиева. Тем не менее, в сентябре 1824 г. дело в отношении Измайлова возбуждено не было: «...от суда и следствия освобожден, как в делании фальшивых ассигнаций и в промене таковых не признавшийся и не уличенный, Измайлов по следствию оказался невинным, фальшивые ассигнации в полицию принес сам, добровольно»⁴.

Дело о банкротстве многосоттысячного предприятия длилось десятилетия. В августе 1838 г. московская контора Коммерческого банка просила содействия астраханских губернских властей во взыскании долгов с родственников умершего Дауда Юсуповича. Сумма была внушительной – 230000 рублей. Но долги, на самом деле, были гораздо больше.

Согласно рапорту Комиссии «высочайше утвержденной для рассмотрения и решения дел о банковских должниках» в астраханском губернском правлении: «... от Аита Измайлова представлен в контору Коммерческого банка долговой реестр на сумму более 500000 рублей». 15 сентября 1838 г. имущество Дауда Измайлова было продано с торгов⁵.

СПИСОК ИСТОЧНИКОВ

1. Государственный архив Астраханской области (далее – ГААО), ф.1, оп.1, д.1070.
2. ГААО, ф.1, оп.6, т.1, д.350.
3. ГААО, ф.1, оп.7, д.565.
4. ГААО, ф.13, оп.1, д.20097.
5. ГААО, ф.13, оп.1, д.29503.
6. ГААО, ф.13, оп.1, д.32149.
7. ГААО, ф.13, оп.1, д.35676.
8. ГААО, ф.13, оп.1, д.43716.
9. Центральный государственный военно-исторический архив, ф.349. оп.3. д.2557.

¹ ГААО, ф.13, оп.1, д.35676. л.1. 17.

² ГААО, ф.13, оп.1, д.35676. л.31.

³ ГААО, ф.1, оп.6, т.1, д.350, л.1.

⁴ ГААО, ф.1, оп.7, д.565, л.254.

⁵ ГААО, ф.13, оп.1, д.43716, л.24, 47, 82.

МИЁН РУДАҲ¹ МУЗОФОТИ ТАРИХИНИНГ МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

Қаҳрамон Асқаров, Наманган давлат университети
Археология кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

Аннотация Мазкур мақолада Шимолий Фарғонанинг ўрта асрлардаги Норин ва Қорадарё оралигидаги тарихий маскан ҳисобланган Миён Рудаҳ музофотининг манбаларда берилган маълумотлари ва тарихий тадқиқотларда қай даражада ўрганилганлиги ҳақида фикрлар билдирилади.

Калит сўзлар Хайлом, Миён Рудаҳ, Мийон Рувзан, тарихий манбалар, икки дарё оралиги, “Учтепа 2” оташпарастлик ибодатхонаси, диний-мафкура, археологик ёдгорлик, суғорма деҳқончилик, туризм, “Мовий осмон” остида музей.

Маълумки, милодий I минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб ислом дини тарқалиши муносабати билан Марказий Осиёнинг жанубий минтақаси халқлари тарихи, маданияти, маънавий оламида туб бурилиш рўй берди. Қадимий зардуштийлик, буддавийлик, тангричилик, шунингдек барча ибтидоий ишонч ва ибтидоий диний қарашлар барҳам топди. Минтақада исломга қадар эришилган юксак цивилизация жараёнлари даражаси ҳамда илмий ва эмпирик билимлар ислом даврининг мусулмон ренессанси шароитида трансформациялашиб бориши баробарида ислом динининг ўзига хос Марказий Осиёча талқини юзага келди. Бу жараён ислом ақидаларига зид бўлмаган ҳолда, тарихий анъанавий урф-одатлар, турмуш маданияти билан боғлиқ ҳолатларда амал қилинадиган расм-русумлар, экологик маданият ислом дини қобиғида талқин этиш орқали кечди. Айни шу мураккаб ўтиш даврида унутилишга маҳкум этилган диний - мафкуравий ва маънавий умумбашарий қадриятлар, ҳатто тарихий тафаккур қиёфасига ҳам ислом дини руҳи сингиб борди. Бугунги глобал интенсиф иқтисодий, маданий, ижтимоий муносабатлар минтақамиз тарихининг исломгача даври, унда кечган маданий, диний-мафкуравий ва маънавий қарашлар ривож ва тенденцияларини чуқур, атрофлича ўрганишни жиддий заруриятга айлантормоқда. Бу масала минтақамиз халқлари учун тарихий маданий жараёнлар муштарақлигини очиб беришда муҳим ва янги илмий хулосалар бериши шубҳасиз.

Мазкур масалалар жаҳон тарихшунослигида ўз ечимини тугал топган эмас. Айниқса, археологик ёдгорликлар материаллари асосида маданий, маънавий, мафкуравий масалалар ниҳоятда кам ўрганилган. Бинобарин, археологлар турли объектларни ўрганиш асносида аксарият ҳолларда топилмаларга функционал баҳо бериш масалаларида тахминий мулоҳазалар доирасида қоладилар. Ҳолбуки, археологик ёдгорликларнинг функциялари шунчаки маиший масалалардан кўра кенгрокдир. Уларда ўтмиш аждодларнинг маънавий ҳаёти, маданий даражалари, диний мафкуравий қарашлари ҳам мужассамдир.

“Мовий осмон” остидаги музейга айлантиришга режалаштирилган Наманган вилояти Норин тумани худудидаги “Учтепа-2” Булоқмозор археологик ёдгорлиги материаллари Миён Рудаҳ музофотини ўрганиш учун археологик жиҳатдан бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу объект Фарғона водийси учун оташпарастлик ва бошқа диний қарашлар тарихини ўрганиш учун фавқуллодда янги маълумотлар бермоқдаки, булар водий тарихида диний, маънавий, мафкуравий муносабатлар тарихи учун янги саҳифа очади, дейишга асос беради.

Бу объектнинг турфа хил диний культ предметлари ва кўп сонли алтар- ўчоқлари, қора тош култига топиниш мабуда ва санамлари, тошга ишланган мусаввирлик санъатининг намуналари, ибодатхонанинг оригинал планировкаси ва бошқа омиллар томошобин эътиборини ўзига тортувчи ички ва хорижий туристик маршрут ташкил этишни тақозо этади.

Бу ҳол музофот худудларини Республика ва халқаро туризм объектлари қаторига киритиш имконини беради. Бу ўта муҳим масалани ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.

¹Муаллифи номаълум “Худуд ул олам” асарида Мийон Рувзан, Миён Рудаҳ, яъни икки сув оралигида жойлашган музофот деган маънони онглатади. Биз ушбу мақолада “Миён Рудаҳ” атамасини қўллашни лозим топдик.

М. Мирзиёевнинг Республикада ички ва халқаро туризмни ривожлантириш масалаларига қаратилган фармонлари ва бу соҳадаги ҳукумат қарорлари руҳига айнан мос тушади.

Ҳозирги кундаги Норин ва Қорадарё оралиғида жойлашган маскан ўрта асарлардаги бирламчи манбаларда “Мийон Рувзан”, “Мийон Рузан”, “Миён Рудах”, “Икки сув ораси” каби номлар билан номланган.

Тадқиқотчи Р. Т. Худайберганов Истахрийнинг “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарини тадқиқ этар экан, қимматли маълумотларни қўлга киритди. Жумладан, у араб тилидаги Миён Рудах тарихига оид манбаларни қиёсий таҳлил қилди: “Мийон Рузан (Истахрий матнларида), Муқаддасий унинг номини “Мийонрудийа” шаклида қайд этган [6:182]. Бу ном форс тилида дарёлар ораси маъносини билдиради”. Бу вилоятнинг туркча номи “Икки сув ораси” [5:491]. бўлган. Чунки, у Норин ва Қорадарё орасида жойлашган. ...Мийон Рузан дарёлар орасидаги шаҳар, қишлоқлари кўп, бошқа номи Хайлам. Мийон Рузан туман номи, қасабасини Хайлам дейишади.[7:16].

“...Мийон Рузан вилоятининг бош шаҳри Хайлом. Шаҳарнинг номи Хайлом шаҳрининг маҳаллий ҳукмдори Хайр ибн Абул Хайр билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Хайр ибн Абул Хайр – Хайлом шаҳрининг маҳаллий ҳукмдори” [6:317].

Кичик Осиёлик тарихчи Ёқут ал Ҳамавий эса, “Мўжам ал-Булдон” (шаҳарлар луғати) асарида қуйидаги маълумотларни беради: “Хайлом шаҳрига ислом оламининг биринчи халифаси бўлган Абу Бақр Ас Сиддиқ авлодларидан الشريفة حمزة بن علي بن الحسين بن محمد بن جعفر بن موسى الحيلامي Аш Шариф Ҳамза ибн Али бин ал-Муҳсин бин Муҳаммад бин Жаъфар бин Мусо ал Ҳайломий нисбатланади. Аш Шариф Ҳамза фақиҳ фозил бўлган муҳаддис. Ровийлардан ҳадис ривоят қилган. У ҳам ровийларга ҳадис айтган”. [6:182,317].

Шунингдек, муаллифи номаълум “Худуд ул олам” асарида ҳам Ҳайлом ҳақида тегишли маълумотлар учрайди: “Хатлом-шаҳарча, Хуросон амири Наср ибн Аҳмад шу ерда туғилган экан” [7:16].

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, Миён Рудах тарихий музофоти масалалари хориж тадқиқотчиларининг асарларида алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Аммо, хорижий манбашунос олимлар Ўрта Осиё тарихига оид илмий манбаларни тадқиқ қилиш жараёнида бевосита Хайлом округи (Миён Рудах) масалаларига ҳам эътибор қаратганлар. Шулардан бири голландиялик олим, Лейден университетининг профессори Гуге (Goeje), Михаэл Ян де хисобланади (1836-1909 йй). 1886 йилдан Россия Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига қабул қилган олим ўз илмий изланишларида ал-Истахрий, Ибн Хавқал, ал-Муқаддасий, Қудома, Ибн Хордодбех, Ибн Рушд ва бошқаларнинг араб тилидаги тарихий асарларига шарҳлар ёзиб, тадқиқотлар олиб борган [9:25].

Шунингдек, ўрта аср қўлёзмаларини ўрганган хорижлик олимлардан Тишнер [21:31-80], Форет [10], Лурье [11:22-29], Чабби [8:493-506] ўз тадқиқотларида Фарғона водийсидаги, хусусан Хайлом музофотидаги аҳоли пунктларига ҳам тўхталиб ўтганлар.

Фарғона водийсида археологик тадқиқотлар XIX аср охирларидан бошлаб дастлаб соҳа ишқибозларининг кузатувлари ва илк тадқиқотлари шаклида, сўнгра совет даврида илмий асосли изланишлари даври сифатида икки асосий босқичга бўлинади. Бошланғич даврларда археологик ишлар тавсифий, рекогностик характерда, сўнгра ташкилий қозишмалар шаклида борган эди.

Водийда бу давр изланишлари тош асрининг қуйи босқичларидан бошлаб мезолит, неолит даврларигача ибтидоий даврлар тарихий жараёнлари мисолида дастлабки изланишлар тарзида олиб борилди. Уларнинг кўплари замон ўтиши билан қайта ўрганилиб, илгари чиқарилган илк хулосалар янги фактологик маълумотлар билан бойитилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган ўттиз йил давомида водийда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар методологик жиҳатдан янги давр ислом цивилизацияси учинчи даврининг бошланиши деб баҳоланиши мумкин.

Сўнгги йилларда водий археологиясида ёдгорликларнинг тарихий моҳиятини тушунишда янги қадамлар қўйилмоқда. Аввало водий шаҳарсозлик ва урбанистик турмуш тарзи, жамиятда меҳнат тақсимоли соҳасидаги ўзгаришлар масалаларида бир қатор илмий хулосалар назарий

жиҳатдан ўзини оқламоқда. Масалан, интенсив суғорма деҳқончилик маданияти ривожланган водийда қадимий шаҳарларнинг туб қатламлари ҳақида тугал фикрлар олға сурилмай келган. Бугун эса, водий шаҳар маданияти тарихининг илдишлари мил.авв. I минг йиллик ўрталари ва ўша минг йилликнинг сўнгги чорақлари билан белгиланиши мумкин бўлмоқда.

Аммо водийда кенг кўламли археологик қазилмалар олиб борилишига қарамай, археологик ёдгорликлар асосида диний, маънавий, маданий, ижтимоий мафкуравий тарихий жараёнлар билан боғлиқ кузатувлар тизимли олиб борилмаган. Тўғрироғи, бу муҳим соҳада археологик материаллар талқини яхлит шаклда қўйилган эмас. Бу каби масалалар илк ўрта асрларга оид баъзи ёдгорликлар мисолида умум археологик талқин доирасида кўриб чиқилган. Масалан, Кува шаҳри харобаларининг буддавий диний моҳиятига оид чиқарилган хулосалар бунга мисол бўла олади.

Фарғона водийси археологияси ривожига академик А.П.Окладников, профессорлар А.Н.Бернштам ва Ю.А.Заднепровский, академик А.Асқаров, академик Ў.Исломов, Н.Г.Горбунова, академик Б.А.Литвинский, В.А.Булатова, И.Ахроров, М.Исамиддинов каби археолог олимлар катта ҳисса қўшганлар.

Н.Г.Горбунованинг водий археологиясига қўшган ҳиссаси айниқса катта. Олима фаолият доираси деҳқончилик маданияти генезисидан тортиб, илк кўрғонлар, шаҳарлар, турмуш анжомлари, хусусан, сопол буюмлар ва уларнинг ишлов технологияси ҳамда безаш усуллари, метал буюмлар ва уларнинг функционал таҳлили, кўрғонлар, қабристонлар ва бошқалардан иборат жуда кенг бўлган [13].

Академик А.А.Асқаровнинг олтмиш йилдан ортиқ илмий фаолияти Ўзбекистон археологияси тараққиётида алоҳида саҳифадир. Олим кашф этган маданият мажмуалари, жумладан, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона водийси каби тарихий маданий минтақаларда бронза, антик давр, илк ўрта асрларга оид кўплаб археологик ёдгорликларда олиб борган тадқиқотларининг муҳим йўналишларидан бири ёдгорликларнинг маънавий-маданий, диний тафаккур билан боғлиқ жиҳатлари бўлиб келган [1:112; 2:44; 3:231; 4:660]. Бу хулосаларнинг эса бизнинг мавзуимиз учун аҳамияти бирламчи даражададир.

Норин ва Қорадарё оралиғи Миён Рудаҳ музофоти археологик ёдгорликларининг тўлиқ тавсифи ва таснифини яратиш натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

-“Учтепа 2 Булоқмозор” оташпарастилик ибодатхонаси археологик ёдгорлигининг маданий қатламлари ва минтақадаги бошқа ёдгорликлар мажмуи мисолида Норин ва Қорадарё оралиғида мил.авв. I-минг йиллик ўрталаридан бошлаб кечган урбанистик жараён моҳиятини очиб бериш;

-Мураккаб режа асосида барпо қилинган “Учтепа 2” Булоқмозор археологик ёдгорлигининг функционал моҳиятини аниқлаш;

-Ёдгорликда очилган 50 дан ортиқ алтар-ўчоқлар, 20 дан ортиқ тош алтар-қурилмалар, 10 га яқин дафиналар ва уларнинг гуруҳ-гуруҳ, ёнма-ён, асосан бир сатҳда жойлашган манзарасидан келиб чиқувчи моҳиятини очиб бериш ва бу орқали ёдгорликда кечган ижтимоий ҳаётнинг хусусиятларига кириб бориш;

-“Учтепа 2” Булоқмозор оташпарастилик ибодатхонаси мисолида Миён Рудаҳ музофоти аҳолисининг диний дунёқараши хусусиятларини ўрганиш;

-Олов култи ва бу билан боғлиқ эҳтимоллик асосида Фарғона водийсида диний қарашлар, маънавий-маданий ҳаёт динамикасини ўрганиш;

-Миён Рудаҳ музофоти ёдгорликлари бўйлаб ва ўрта аср манбалари бўйича Хайлабий аталмиш ушбу ҳудуд азиз-авлиёлари ҳамда алломалар қадамжолари бўйлаб археологик ҳамда зиёрат туристик маршрути лойиҳасини яратиш ва Республика туристик салоҳияти ривожига ҳисса қўшиш.

Шунингдек, ушбу тадқиқот аввало “Учтепа 2” Булоқмозор ёдгорлиги мисолида археологик жиҳатдан мутлақо ўрганилмаган янги тарихий объектни, унинг тарихий талқини ҳақидаги дастлабки хулосаларни илмий истифодага илк бора олиб кириди. Миён Рудаҳ музофоти археологик ёдгорликлари ҳамда Хайлабий қадамжолар, уларнинг археологик ва бошқа жиҳатдан тафсилотлари, тарихий моҳияти ва аҳамияти илк бора очиб берилади.

Тарихий обидалардан йиғилган материаллар асосида минтақада кечган диний ҳаёт, унинг хилма-хил эътиқод шакллари, шу жумладан қадамжолар мисолида ислом дини билан боғлиқ ёдгорликларнинг исломгача давр мафкуравий генезиси ислом дини орқали трансформациялашуви масаласи илк бора илмий талқин этилади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, “Учтепа 2 Булокмозор” археологик ёдгорлиги тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, айтиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тарихий-археологик ёдгорликни халқаро стандартлар асосида “мовий осмон” остидаги туристик музейга айлантирилиши, Республика бюджетига тегишли валюта киритиш учун, ёш авлодни тарихий тафаккур ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш ишига, тарихий маданий меросга, она ватанга содиқ комил инсон бўлиб тарбияланишга хизмат қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Аскарлов А.А. Поселение Кучуктепа. — Ташкент: Фан, 1979. — 112 с.
2. Аскарлов А. А. Бронзовый век Южного Узбекистана. (К проблеме развития локальных очагов древневосточной цивилизации): Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. — М., 1976. — 44 с.
3. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. — Ташкент: Фан, 1977. — 231 с.
4. Аскарлов А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. -Б. 660.
5. Бартольд В. В. Сочинения. Том III.-Москва: Наука, 1965.-С.491.
6. Истахрий. Китаб ал-масалик вал-мамалик (Тадқиқот, араб тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р.Т. Худайбергенов).-Тошкент: Фан, 2019.-Б.182.
7. Худуд ул олам.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-Б.16.
8. Chabbi N. Ribat //The Encyclopaedia of Islam, vol. 8. – Leiden, 1995. – P. 493 – 506.
9. De Goeje M.J. Die Istakhri – Balkhi frage //Zeitschrift der Deutschen morgenlandischen Gesellschaft. – Leipzig, 1871. – № 25.
10. Forkt P., Kaplony K. The Journey of Maps and Images on the Silk Road. – LEIDEN-BOSTON: Brill, 2008.
11. Lurje P.V. Arabosogdica: Place-names in Transoxiana as written in Arabic script //Manuscripta Orientalia, vol. 7, № 4. – Kecember, 2001 (Sankt-Petersburg). – P.22 – 29.
12. Taeschner F. Zeitschrift der Deutschen morgenlandischen Gesellschaft. – Leipzig. – № 77 (2). – S. 31-80.
13. <https://kronk.spb.ru/library/gorbunova-ng-2001-list.htm>: Н.Г.Горбунова илмий ишлари библиографияси.

ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ СВЯЗИ ТЮРКСКОГО КАГАНАТА С САСАНИДСКОМ ИРАНОМ

Ф.Джуманиязова, ИВ АН РУз, PhD
У. Жиянов, СамГУ, магистр 2-курса

В раннем средневековье регион Центральная Азия превратилась в регион, где столкнулись три политические силы – эфталиты, сасаниды и тюрки (тюрки Ашина). Как известно, в конце V-VI веке состав государства Эфталитов, кроме Восточного Туркестана, входили земли современных государств Центральной Азии – Узбекистана, Таджикистана, Кыргызстана, Казахстана, а также Афганистана, Пакистана и Северо-Западной Индии, которые создали огромную империю на обширной территории, протянувшейся от Северо-Западной Индии до Семиречья и от Хотана до земель Сасанидского Ирана¹. В эту эпоху Сасанидский Иран, преследуя цель сохранить ведущее положение в Хорасане, превратился в

¹ Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. С древнейших времен до начала XVI в. Т.1. – Москва: Наука, 1964. – С. 204-205.

основного противника эфталитов. Сасанидский Иран, достигнув своего наивысшего расцвета в эпоху Хосрова I Анушервана, ждал удобного момента для избавления от обязательства выплачивать дань эфталитам¹. С другой стороны, основанный в 552 году Тюркский каганат, являвшийся крупнейшей империей Центральной Евразии, также заняв ведущее место в геополитических процессах региона, превратился в крупную политическую силу, которая представляла большую опасность для государства Эфталитов.

Тюрки Ашина, объявив примерно в 550-х годах независимость от своих бывших хозяев жуань-жуаней, объединили в скором времени под своей властью ряд племен и покончили с властью жуань-жуаней, в результате чего эфталиты лишились своего самого близкого союзника². Тюрки, победив жуань-жуаней, вытеснили с политического поля самую главную союзническую силу, находящуюся в дружественных отношениях с эфталитами³. Сасанидское государство первоначально находилось в теплых отношениях с Тюркским каганатом и вступило с этим государством в дипломатические отношения. Так как теперь для каждой из сторон нашелся союзник для борьбы с общим противником, которыми являлись эфталиты. Кратко можно сказать, что Сасанидский Иран поставил целью достичь своих политических интересов, состоящих из укрепления своего влияния в Хорасане при помощи тюрков – новой военно-политической силы, появившейся в Центральной Азии.

В общем, выход тюрков на политическую арену в середине VI века в значительной степени изменил политическое положение в Центральной Азии, в частности в междуречье Амударьи и Сырдарьи. В результате похода на запад войск Тюркского каганата под предводительством младшего брата Бумына Истеми ябгу-кагана (ум. 575 г.), который начался в 554 году, был установлен контроль над центральной частью Казахстана, Семиречьем и Хорезмом. Через год, в 555 году, они, захватив средний и нижний бассейн Сырдарьи, приблизились к границам государства Эфталитов⁴.

В результате завоевания основных опорных территорий тюрками, они превратились в соседей эфталитов – мощного государства эпохи раннего средневековья⁵. Первоначально столкновения между новыми врагами произошли не сразу. Активные военные действия произошли через семь лет. На это было ряд причин, во-первых, эфталиты были заняты борьбой в Индии, во-вторых, опасность нападения Сасанидов, в-третьих, преследование тюрками жуань-жуаней и действия по их полной ликвидации⁶. Тюркский каганат расширил свои границы во времена правления одного из первых своих правителей Мукан-кагана (553-572), точнее в результате успешных военных походов 555 года. В частности, этот каган, победив Диншуцзина правителя государства Жуань-жуаней (авар?), которое включало в себя территорию современных Монголии и Северного Китая, подчинил каганату на востоке кытань (каракайтай), на севере ци-гу (Енисейские киргизы), а на западе и-да (эфталитов)⁷. Исходя из упомянутого выше можно сделать вывод, что первое столкновение между тюрками и эфталитами также произошло в эпоху Мукан-кагана, т.е. в 555 году⁸. Второе столкновение, во время которого произошли основные решающие события, имело место в 558 году в эпоху Истеми, одного из талантливых лидеров Тюркского каганата. Э. Экрем делает вывод, что тюркским каганом, который в 563-567 году в союзе с Сасанидами нанес

¹ Litvinsky A. The Hephthalite Empire. History of civilizations of Central Asia. Vol. III. The crossroads of civilizations: A.D. 250 to 750. – Paris: UNESCO Publishing. Multiple History Series. 1996. – P. 143.

² История таджикского народа. Том II. Книга первая. Возникновение и развитие феодального строя (VI-XVI вв.). Под редакцией Б.Г.Гафурова и А.М.Беленицкого. – Москва: Наука, 1964. – С. 40.

³ Kurbanov A. The Hephthalites: Archaeological and historical analysis. Phd thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. – Berlin, 2010. – P. 183.

⁴ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri / Çevri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 69.

⁵ Кляшторный С.Г.; Султанов Т.И. Государства и народы Евразийских степей: от древности к Новому времени. Третье издание, исправленное и дополненное. – Санкт-Петербург: Петербургское востоковедение, 2009. – С. 116.

⁶ Kurbanov A. The Hephthalites: Archaeological and historical analysis... – P. 185.

⁷ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.- Л.: Изд. АН СССР. – том I. – С. 229.

⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-сугд муносабатлари. – Т.: ART-FLEX, 2010. – Б. 33.

удар по эфталитам, являлся не Мукан каган, а Истеми. Французский китаевед Э. Шаванн в своей книге “Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux” приводит следующее сведение из китайских хроник об Истеми: “В одно время Истеми, сопровождая Шань-юя (имеется ввиду стоящий на более высшей, чем он ступени правитель – каган), возглавлял десять крупных военачальников. Имел сто тысяч воинов. [Он] смог подчинить себе различные владения хусцев Западного края. Стал каганом и его государству дали название “Он ок/Десять племен”. Из поколения в поколение его потомки управляют этим народом”¹. По мнению Г. Бабаярова, автора монографии “Государственный строй Западно-Тюркского каганата”, основная часть военно-политической деятельности основателя Западно-Тюркского каганата Истеми, который вел военные действия по подчинению Западного края каганату, приходится, в основном, на период его союзничества и с Мукан хаганом. Исследователь особо отмечает возможность того, что Мукан каган возложил на Истеми обязанность по покорению западных стран².

В то время Хусрав I Ануширван также ждал удобного момента, дабы отомстить эфталитам за невзгоды, которые они нанесли его деду Перозу. Учитывая, что сасанидский правитель Хосров I Ануширван в последний раз чеканил монеты с бактрийскими легендами, подобно эфталитским, в 545- году, то из этого видно, что Сасаниды, начиная именно с этих годов, отказавшись выплачивать дань эфталитам, напротив начали борьбу против них³. Вскоре после этого начались действия по заключению союза между тюрками и Сасанидами для борьбы против эфталитов, являвшихся для них общим врагом. Даже имеются сведения о женитьбе Хосрова I Ануширвана на дочери Истеми с целью дальнейшего укрепления взаимоотношений. Эфталиты попали в трудное положение, с одной стороны создание против них коалиции, а с другой борьба против индийцев в Кашмире и Пенджабе, а также разгром их близких союзников жуань-жуаней, еще более усложнило обстановку. Они, забеспокоившись, в 553 году даже попытались наладить дипломатические отношения с Китаем. Однако это им не удалось. Потому что, император Западной Вэй Юйвынь Тай, являясь союзником тюрков, оставил без внимания предложение эфталитов⁴.

В исследованиях имеются различные точки зрения относительно того, когда был заключен тюрко-сасанидский союз против эфталитов, а также когда тюрки осуществили первый натиск на эфталитов. Например, автор книги “История хазар” М.И. Артамонов, основываясь на сведениях, приведенных в произведении Табари, считает, что создание коалиции против эфталитов и ее закрепление брачными узами произошло примерно в 553-554 годах и это событие относится ко времени полного разгрома жуань-жуаней тюрками под руководством Истеми и начала им западных походов⁵. Данный исследователь, отмечая прагматичность дипломатии Ирана, а также дальновидность его правителей, утверждает, что не прошло и двух лет после образования Тюркского каганата, как Иран сразу же преступил к его использованию в своих политических целях.

В первом томе “История народов Узбекистана”, созданном в 50-х годах прошлого века, также пишется, что Хосров I Ануширван, воспользовавшись нападением тюрков на эфталитов, в 554 году вернул от эфталитов Тохаристан⁶. По мнению, В.П. Мокрынина, брак между Хосровом I Ануширваном и дочерью Истеми ябгу-кагана был заключен в 554 году во время посольства персов к тюркам⁷. С.Г. Кляшторный напротив пишет, что Мукан-каган, отправив в 554/557 годах посольство в Иран, с целью укрепления двухсторонних связей и доверия, выдал дочь

¹ Chavannes E. Çin yıllıklarına göre ... – S. 69.

² Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тизими. Тарих фанлари доктори ... дис. – Тошкент, 2012. – Б. 194.

³ Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. С древнейших времен до начала XVI в. Т. I. – Москва: Наука, 1964. – С. 203.

⁴ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 46.

⁵ Артамонов М.И. История Хазар. – Ленинград: Изд-во Государственного Эрмитажа, 1962. – С. 135.

⁶ Мокрынин В.П. Сирийские и армянские источники // Источниковедение Кыргызстана с древности до конца XIX в.). – Бишкек: Илим, 2004. – С. 72, 64-73.

⁷ Мокрынин В. Сирийские и армянские источники о становлении... [www.http // kghistory.akipress.org/unews/un_post:1846](http://www.kghistory.akipress.org/unews/un_post:1846).

своего дяди Истеми Асну (в арабских источниках Асна или Факим) за сасанидского шаха Хосров I Ануширвана⁵³. Здесь в имени Асна четко проявляется династийное имя тюрков “Ашина”. Армянский историк Себеос приводит в своем произведении имя этой принцессы, как “дочь Хак‘ана, великого царя т‘еталийцев, по имени Кайэн”, Л.Н. Гумилев по этому поводу высказал два различных мнения. Если в одном месте он утверждает, что “по версии Табари, брак и союз были заключены за год до войны против эфталитов, которая началась, по китайским источникам в 555 году”, то в другом пишет что “около 560 г. персы и тюркюты (т.е. тюрки) заключили наступательный союз: первые для того, чтобы “отомстить смерть шаха Пероза”, вторые – чтобы овладеть цветущими городами Согдианы”. В произведении Фирдоуси “Шахнаме” (кон. X – 1-пол. XI в.) можно видеть, что этот брак заключен немного позднее, т.е. после разгрома тюрками эфталитов Тюркский каган отправляет посла к Нуширавану (Ануширван) с предложением женитьбы на его дочери¹.

Л.Н. Гумилев основываясь на сведениях Фирдоуси, сделал вывод, что заключение этого брака относится ко времени после 569 года. Но такая поздняя дата не была принята другими исследователями. Так как, родившийся от этого брака царевич Хормазд IV взшел на трон после смерти своего отца Хосрова I Ануширвана примерно в 579 году и был смещен с трона еще подростком, т.е. 6 февраля 590 года. Именно вопрос о возрасте Хормазда IV вызывает сомнение к выше упомянутой хронологии. По мнению большинства исследователей, данный брак был заключен в 554 году во время посольства персов к тюркам. Кроме того, исследователь Ш.А. Адылов считает, что женитьбы Хосрова I на тюркской принцессе и рождение Хормазда IV относится к 50-годам VI века². После данных событий началась борьба тюрков против эфталитов. Значит, если исходить из упомянутых выше сведений, то получается, что примерно в 554 году был заключен союз между тюрками и Сасанидами, который был закреплен брачным путем, и в этом же году тюрки начали борьбу против эфталитов. В результате натиска тюрков на эфталитов Хосров I Ануширван смог вернуть Тохаристан от эфталитов. Первые военные действия против эфталитов были осуществлены в 554-555 годах. Однако, как видно, серьезные военные натиски не начались сразу же, и только по прошествии определенного времени, т.е. в 562 году были предприняты активные военные походы. Точно не известно, почему в этот 7-летний промежуток союзники серьезно не принялись за уничтожение общего врага, и чем были занята каждая из двух сторон в это время. Кроме того, в письменных источниках не имеется сведений, дающих ответ на вопросы, как в этот период и при каком положении продолжали свою политическую деятельность эфталиты, или же они искали внешнюю помощь для нанесения удара союзникам. Как отмечает, М.И. Артамонов, иранский шах Хосров I Ануширван начал активные военные действия только после того, как он получил от императора Византии Юстиниана возможность для сотрудничества с тюрками для борьбы с общим врагом – эфталитами (562 г.)³.

Из произведения Фирдоуси “Шахнаме” можно узнать, что правителя эфталитов во время похода на них тюрков звали Гатфар (Гатифар). Самое интересное, что кроме “Шахнаме”, ни в одном другом источнике нет сведений об эфталитском правителе Гатфаре. Согласно “Шахнаме” советник правителя эфталитов Гатфара Катульф призывал его не выступать против тюрков⁴. В действительности причиной того, что тюрки начали войну против эфталитов, был сам их правитель Гатфар. Он, обеспокоившись взаимным сближением тюркского кагана и шаханшаха, постарался помешать им, и этим выбрал неверный путь. Как отмечается в “Шахнаме”, когда послы, отравленные тюркским каганом к дворцу Хосрова I Ануширвана, проходили через

¹ Фирдоуси. Шахнаме. Т.6. От начала царствования Йездгерда, сына Бахрама Гура, до конца книги. Том VI. Перевод Ц.Б. Бану-Лахути и В.Г. Берзнева. – Москва: Наука, 1989. – С. 130.

² Адылов Ш.Т. Из политической истории Западного Согда (в свете проблемы «тирании Аброя» и тюрко-сасанидского конфликта) // Ўзбекистоннинг моддий маданияти тарихи. – Самарқанд: 2012. – №34. –10.

Адылов Ш.Т. Из политической истории... – С. 102.

³ Артамонов М.И. История Хазар... – С. 133.

⁴ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар... – Б. 46.

территорию Согда, правитель эфталитов приказал убить посольскую миссию, но, несмотря на это, один из всадников кое-как успел выбраться и сохранить свою жизнь, а затем сообщить своему правителю дурную весть об убийстве. В “Шахнаме” имя тюркского кагана, столкнувшегося с эфталитами, приводится как “Хакан Чина”¹. По мнению Л.Н. Гумилева, в этот период каганом тюрков был Истеми и под “каганом Чина” в действительности подразумевается он. Разгневанный каган с целью отмщения собирает большое войско и отправляется на борьбу против “хайталов”. Первоначально, он, захватив Чач и долину Парака (Чирчик), достигает места Гюлзаррион (Сырдарья). В это время глава эфталитов Гатфар также приступил к сбору войска. На территории Бухары собрались воины, прибывшие из Балха, Шугнана, Хутталаяна, Вашгирда (область на территории современного Южного Таджикистана), Термеза, Амула и Замма, готовые приступить к боевым действиям против тюрков. Однако, Гатфар, подумав о превосходстве тюркских всадников при ведении боя на равнине, посчитал нужным совершить битву с ними в горной местности у Нахшаба (Карши). Война началась после нанесения в 562/563 году сасанидским шахом Хосровом I Ануширваном недалеко от Балха удара по эфталитам. Решающая битва между войсками эфталитов и тюрков произошла в 565 году недалеко от Нахшаба. Жестокая битва, длившаяся восемь дней, закончилась полной победой тюрков. Прошло мало времени после этого поражения и в 567-568 годах государство эфталитов пало².

Сасанидские отношения к тюркам, которые изначально были теплыми, позже стали отрицательными. В частности, спор между Хосрав I Анушерваном и Истеми по поводу наследства побежденных эфталитов привел к открытому конфликту по ряду причин, связанных с интересами обеих империй, ориентированных на разные экономические и стратегические цели. В этот период тюрки, разгромившие эфталитов и правителей Восточного Китая, укрепились не только политически, но и экономически. Теперь переход торгового караванного пути, соединявшего Запад и Восток, под контроль тюрков давал еще большую экономическую выгоду³. После поражения эфталитов согдийцы, которые вели торговые отношения на этом караванном пути, стали подданными Тюркского каганата. Но эта ситуация также работала на согдийцев, потому что у них теперь была удобная возможность посредничать и безопасно торговать на торговом пути в Китай.

АВЕСТАШУНОСЛИКНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

*Наргиза Гулямова, ТДШУ манбашунослик ва тасаввуф
герменевтикаси кафедраси ассистент-ўқитувчиси*

Авеста тадқиқотларида манбанинг бизгача етиб келган қолдиқларида, хусусан “Тоҳ”лар, Ясна ҳамда унинг таркибига жойлашган “Етти боб муқаддас Ясна”да мужассам ғоялар билан Яшт, Видевдот ва Виспарад қисмларининг ўртасидаги тарихий-маданий ҳамда даврий хосликлар ва тафовутларни фарқлаш лозимлигини авесташунос Л.А.Лелеков алоҳида таъкидлаган эди⁴. Бунинг маъноси шуки, Авеста аввал бошданок, яъни илк китоб қилиб тўпланиши вақтидан бошлаб кўп қатламли ёдгорлик бўлган. Шу сабабли авесташуносликнинг Европадаги дастлабки қадамлариданок тил жихатидан Гоҳлар энг қадимги, Ясна наскининг тили ундан кўра “ёшроқ”, Яшт, Видевдот наскларининг тили “кенжа” (Авеста даврига хос ҳисобланиб, мазкур кўп қатламли хусусиятни асослашга ҳаракат қилинган⁵. Айни шу масалада инглиз тилли авесташунослик тадқиқотлари муаллифларининг қарашларини кўздан

¹ Фирдоуси. Шахнаме. Т.6. От начала царствования Йездгерда... – С. 117.

² Golden P.B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden, 1992. – P.127.

³ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар... – Б. 48; Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under... – P. 367.

⁴ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. Москва: 1992. – С.5-7.

⁵ Erhart A. Struktura indoiranskich jazyku. Brno. – St.

кечириш¹ ва бу қарашларни жаҳон авесташунослигининг бошқа мактаблари фикрлари билан солиштириш ҳам баъзи назарий ва амалий масалалар ечимига хизмат қилиши мумкин².

Инглиз ва француз тилларида ижод қилган авесташунослардан Э Бенвенист ўзининг энг муҳим асарлари тўпламида авеста тилининг қатламлари, даврий ўзгаришлари динамикасига алоҳида эътибор қаратган³. Муаллиф масалани хинд-европа тилшунослиги кўламида қўйгани ҳолда Авеста мантларидаги тилнинг Ведаларга энг яқини Гохлар(Зардушт Гаталари)да акс этган деб ҳисоблайди. Шу билан бирга Ясна наски таркибидаги “Етти муқаддас Ясна” матни тили билан Гохлар тили ҳам ўзаро яқин эканини қайд этади.

Авестанинг Зардушт Гохлари туркумининг таркиби, унда акс этган диний концепт масаласи ҳам инглиз тилли тадқиқотларда алоҳида йўналишни ташкил этган⁴. Масалан, қадимги Эрон цивилизацияси ва маданияти мавзусини алоҳида муаммо даражасида кўриб чиққан Ж.К.Катрак бу маданий тарихий даврни кенг маънода эроний дунё миқёсида эмас, ҳозирги Эрон ва форс халқи нуқтаи назаридан туриб таҳлил қилади⁵. Ҳолбуки, Авеста дунёси бугунги кўз билан қараладиган Эрон ва эроний тушунчаларидан фарқли кенг маънода амал қилган. Бу тушунча доирасига Ўрта Осиё (Турон), тарихий Хуросон, Бохтарзамин ҳамда қисман Шарқий Туркистон ҳам кирган. Шу билан бирга бу тушунча мазкур тарихий-маданий муштарак минтақада азалдан прототуркий ва умумтуркий халқлар ҳам эроний халқлар билан бирга, ёнма-ён яшаб келганини инкор этмайди. Зеро минтақа халқларининг, хусусан, туркий ва эроний халқларнинг маданий анъаналари ўзаро сингишиб кетгани бунинг яққол исботидир.

Ўзбек авесташунослигида Авестага унинг гуманистик эзгуликка қаратилган қатлами орқали кириб бориш етакчи ўрин тутгани ҳолда, манбанинг айна шу структурал ва функционал таҳлиliga эътибор бермай келинмоқда. Авестани билиш деган маънода бир қадар оммабоп ва илмий оммабоплик руҳида яратилган изланишларда манбадан фақат маънавий қатламни ажратиб олиш, бу материални ижтимоий ахлоқий-фалсафий феномен қилиб кўрсатиш ва ҳозирги кунда Марказий Осиё халқлари, хусусан ўзбек ва тожик халқлари миллий ментал хусусиятлари орқали таҳлил қилиш тенденцияси яққол кўзга ташланади. Шу маънода ғарб авесташунослигида, айниқса, инглиз тилли авесташунослик анъаналарида йўлга қўйилган функционал матншунослик, тарихий-фалсафий манбашунослик, адабий жабҳалари билан боғлиқ соҳаларни ривожлантириш, соҳа учун янги авлод авесташуносларни етиштириш долзарб вазифадир.

¹ Duchesne-Guillemin J. Zoroastre. P., 1948. 301 p

² Duchesne-Guillemin J. The hymns of Zarathustra. L., 1952. - 162 p.

³ Benveniste E. Indo-European language and society. L., 1973. – 534 p.

⁴ Duchesne-Guillemin J. The hymns of Zarathustra. L., 1952. – 162 p.;

⁵ Katrak J. C. Civilisation and culture of ancient Iran // Indo-Iranica, 21, 1968. —P. 11-26.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ КУТУБХОНАЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ (XVI-XX БОШЛАРИ)

Шовосил Зиёдов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Тарихий ёзма манбалар ҳар доим ишончли илмий далил бўлиб, ўз навбатида Марказий Осие тарихини муҳим сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишда муҳим роль ўйнайди. Бу ўринда Марказий Осиеда кўчирилган қўлёзмаларни салмоқли ўрин эгаллайди. Қўлёзмалар бизгача етиб келишда ўрта аср кутубхоналариинг ўрни катта бўлган. Марказий Осиеда мавжуд бўлган кутубхоналар тарихини тадқиқ қилишда, қандай муаммолар мавжуд ва унинг ечимини топишда қандай усулларни қўллаш керак деган саволларга жавоб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ушбу ҳудудда кўчирилган қўлёзмалар асос қилиб олинди. Чунки аксарият қўлёзмалардаги мавжуд муҳрлар қўлёзмани қайси кутубхонага ёки кимга тегишлилигини, ким томонидан мадраса ёки хонақоҳга вақф қилинганлиги ҳақида муҳим маълумотни ўзида мужассам қилган.

Ўзбекистонда яратилган қўлёзма асарлар борасида, шу вақатгача муҳим қатор саволлар жавобсиз қолиб келмоқда. Хусусан: Марказий Осие ҳудудида қўлёзмалар қаерларда сақланган? Қандай кутубхоналар мавжуд бўлган? Бу кутубхоналарни ким ташкил этган? Кимлар (шоҳ, султон, амирзода, суфий-шайхлар, қози, задагон ёки сарой амалдорлари) китобларни масжид, мадраса ёки хонақоҳ ҳисобига вақф қилган?

Ушбу масалаларнинг таҳлили Марказий Осиеда мавжуд бўлган китобат тарихини ва кутубхоначилик маданиятини тадқиқ этиш, кутубхоналар асосчилари ёки эгалари ҳақида маълумот бериш, мазкур минтақадаги маданий-илмий ҳаёти борасида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ва ечимини топиш имконини туғдиради.

Ушбу масалани ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги мавжуд асарлар таҳлил этилди. Натижада ўрта асарларда Ўзбекистон ҳудудида кутубхоналар бой амалдорлар, дин пешволари томонидан ташкил этилгани, ҳамда минтақа аҳли юқори билим соҳиб бўлганлиги қисман аниқланди. Бу анъана XX асрларга келиб ҳам ўз мавқеини йўқотмаганлиги гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан 1943 йил асос солинган Ўрта Осие ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси асосчиси Эшон Бобоҳон (1943-1957), ҳамда кутубхоначи Нодирхон домла (1899-1975) билан биргаликда ҳозирда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига қарашли қўлёзмалар хазинасини ташкил этганлар. Ҳозирда ушбу ташаббус ҳосиласи бўлиб, у ерда 2 500 минг нодир қўлёзмалар сақланмоқда [11: 75].

Кутубхоналарнинг тарихини ўрганишдаги аҳамиятли томонларидан бири, унда Марказий Осие давлатчилик тарихи ҳақида ҳам муҳим маълумотга эга бўлиш мумкин. Марказий Осиеда мавжуд бўлган ҳамма хонларнинг саройларида кутубхоналар мавжуд бўлган. Айни пайтда ўрта асрларда мавжуд бўлган кутубхоналар изсиз йўқолиб кетмаганлиги, балки давр тақазоси билан бошқа бир кутубхонага кўшилиб кетганлиги ҳақида маълумотлар олинди.

Марказий Осие кутубхоначилик маданияти тарихига оид бир-неча тадқиқотлар олиб борилгандир. Хусусан, мазкур соҳа бўйича узоқ йиллар давомида илмий фаолият олиб борган А.И.Кормилицынинг бир қатор тадқиқотлари мавжуддир [8; 9; 10]. Уларда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган шарқ қўлёзмалари кутубхоналари тарихи ўз аксини топган. Шунингдек мазкур соҳа бўйича Э.А.Охунжонов ўз тадқиқотларини эълон қилган [2;3]. О.Г. Қосимова ҳам ушбу соҳа юзасидан қатор тадқиқотларни муаллифи ҳисобланади, уларга “Туркистон ўлкасидаги кутубхоналар” (1968), “Ўзбекистонда инқилобдан аввалги кутубхоналар” (1966) кабилар дахлдор [6;7]. Шу билан бир қаторда О.Ф.Акимускин “Библиотека Шайбанидов в Бухаре XVI века” [1:325-341]; А.Гаррицкий “Библиотеки в Средней Азии до русского завоевания” ва бошқалардир. Уларда Марказий

Осиёдаги кутубхонлар борасида озми кўпми маълумот беришга ҳаракат қилинган. Бу тадқиқотларда асосий камчилик у манбаларни етишмаслигидир.

Ушбу соҳа бўйича сўнгги йилларда олиб борилаётган тадқиқотларда янги услуб қўлланилиш бошландики, уларни аввалгилардан буткул фарқ қилиб, асосан янги маълумотлар, яъни бевосита қўлёзмаларнинг ўзидаги ёзув ёки муҳрлар ёрдамида қайси кутубхонага тегишли бўлганилигини аниқлаш имконини яратди. Бундай тадқиқотларини бир-нечтаси машҳур Муҳаммад Порсо (1345-1420) кутубхонаси ҳақида бўлиб, (кутубхонага тегишлилигини асосий белгиси унга қўйилган муҳирдир) бу борада 4 та илмий мустақил мақоллар чоп этилди [15:506-519; 12:553-554; 17:77-98; 14:79-111;].

Шунингдек бундай услубда анқланган кутубхоналар борасида яна бир-нечта тадқиқотларга алоҳида эътибор қилса бўлади. Бу тадқиқотлар Ш. Вохидов ва А. Эркинов тегишли бўлиб, уларнинг биринчи «Садир Зиё кутубхонасидаги китоблар рўйхати» [4:141-174], иккинчиси «Муҳаммад Раҳим-хон II қўлёзмалари рўйхати» [16:175-193] деб номланади. Шунингдек 2007 йил Ш. Вохидов ва З. Чориевларнинг “Садр-и Зия и его библиотека” деб номланган монографияси таёрланиб, унда аввалги мақолага тўлдириш ва янги маълумотлар билан тўлдирилган. Бу кутубхонадаги китоблар ёрдамида юқорида тилга олинган шахсларни дунё қараши ва қизиқишлари ҳақида муҳим маълумот берди.

А. Мўминов билан Ш. Зиёдов ҳамкорликда амалга оширилган шу соҳадаги яна бир тадқиқот бу Дукчи Эшон (1856-1898) кутубхонаси ҳақида [5: 344-385]. Ушбу мақола ҳам керагидан ортиқ натижа берди. Ундан Дукчи Эшонни дунёқараши, маънавий дунёси ва унинг ҳонақоҳига тегишли кутубхонасидан фойдалангани ва уни қуршаб турган кишилар ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Юқорида тилга олинган барча тадқиқотларга асос ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмалар эканлигини таъкидлаб ўтиш даркор. Ҳозирги кунга қадар мазкур фонднинг 7 мингдан ортиқ қўлёзма асарларнинг нусхалари тавсиф этилгандир [13]. Мазкур тавсифларда ҳамма доим ҳам қўлёзмалардаги муҳрлар эътиборга олинмаган. Натижада фонддаги қўлёзмалар илгари қайси кутубхоналарда сақлангани, Марказий Осиё кутубхоначилиқ маданияти тарихига оид муҳим маълумотлардан бири ўрганилмай қолган. Фақатгина бир неча хил муҳрлар аниқланиб, улар ҳақидаги маълумотлар каталогга киритилган.

Булардан бири юқорида тилга олинган Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасидаги китобларга қўйилган муҳрлар бўлиб, уни Шарқ қўлёзмалари каталоги (СВР) ёрдамида 1994 йил проф. А.Б. Халидов мақола нашр этди [15:506-519]. Бу мақолада Холидов Порсо кутубхонасидаги 57 та қўлёзмаларни аниқлаган улардан 34 таси Беруний номидаги шарқшунослик институти фондидандир. Ушбу рўйхатга Холидов томонидан эътиборга олинмаган яна 59 та қўлёзмаларни аниқланиб киритилди [17:77-98].

Бухорони машҳур қози калони олим Садр Зиё (ваф. 1932 й.) 1921 йида Бухорони ўзида учта катта кутубхона борлигини айтиб ўтган. Улардан бири Бухоро қозиси Бурҳонаддин (ваф. 1898 й.), кейин Бухоро ҳуқумдори манғитлари сулоласидан бўлмиш Амир Музаффарнинг (1860-1885) ўғли Сиддиқхон Хишматнинг (1857-1927) кутубхонаси ва учинчиси Садр Зиёнинг ўзини кутубхонасидир. Ушбу кутубхоналарнинг тадқири тадқиқотчилар учун номаълум бўлиб келмоқда эди (Садр Зиёдан ташқари). Бу мавзунини ишлаш жараёнида мазкур кутубхонада қандай китоблар борлигини ва уларни сонини аниқланди.

Зикр этилган маълумотларни ўрганишда Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар фонди асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқотга республикамизнинг бошқа қўлёзма фондлари ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Булар: Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон миллий университети, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон миллий кутубхонаси (ноёб китоблар фонди).

Зикр этилганлардан келиб чиққан ҳолда, Шарқшунослик институти қўлёзмалари фонди қўлёзмаларига қўйилган муҳрларни куйидаги икки босқичда ўрганилди. Биринчидан қайси қўлёзмаларда муҳр излари борлиги аниқланди (яъни асосий фонддаги 13 378 дона). Муҳр бор китоблар ажратилиб, унинг рўйхати тузилди. Иккинчидан ҳар бир муҳр ундаги шахс

номлари, унвони, йили, қўшимча матнлари тавсиф қилинди. Шундан сўнг ўхшаш муҳрлар бир ерга жамланади (типолгия).

Тадқиқот давомида турли кутубхоналарда сақланган асарлар, ҳамда уларнинг эгалари аниқланди. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиё тарихига оид янги маълумотларни берди.

Натижада қуйидаги хулосага келинди: кутубхоналар ҳар доим жамият ҳаётининг ажаралмас қисми бўлиб келган ва ундан олимлар, мударрислар, талаблар ва китобхоналар фойдаланганлар. Улар туфайлигина қадимий қўлёзмалар, босма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги манбалар бизгача етиб келган. Уларда диний, дунёвий, тарихий, бадий асарлар ва турли хилдаги ҳужжатлар сақланган.

Кутубхоналарни ўрганиш жарёни маълум бир даврда қайси илмлар ривожланганлиги ҳам кўрсатади. Илк ўрта асрларда аниқ илмларни ривожланиши бу ўша даврдаги кутубхоналар айнан шу соҳадаги китоблар жам бўлганидан далолат берса, кейинчалик диний илмларни ривожини шу соҳадаги асарларни кутубхоналарда сақланганлигидан хабар беради.

Сомонийлар (874-999) даврида Мовароуннаҳрда кўп машҳур қомусий олимлар яшаб ижод этган. Бу ҳудуддаги бой кутубхоналарида юнон файласуфлари, табиблари, қомусий олимларининг араб тилидаги таржималари, ислом динига оид мумтоз асарлар сақланган. Ўз навбатида бу манбалар олимларимиз учун илмий озуқа бўлиб хизмат қилган. Дастлаб, саройлар ва мадрасаларда сақланаб келган қўлёзмалар бу даврда аста-секин кутубхоналарда тўплана бошлайди. Айни вақтда қўлёзмаларни хилларга ажратиш усуллари ишлаб чиқилади, бу иш IX-X асрларга келиб анча юқори даражага кўтарилди.

Кейинроқ Темурийлар (1370-1506), Шайбонийлар (1500-1599) даврларига келиб янги асарлар, янги китоблар пайдо бўлиши натижасида янги кутубхоналар барпо бўлишига олиб келди. Хонлиқлар даврига келиб эса, кутубхоналар ўзига хос жиҳатлари билан ривожланди. Бухорода диний арбоблар кўп бўлгани учун ҳам бу ерда диний мавзудаги китобларга эга бўлган кутубхоналар кўп бўлганини кузатишимиз мумкин. Хива хонлигида сарой кутубхоналари ривож топган бўлса, Қўқон хонлигида адиблар, шахсий кутубхоналари кўп бўлганини шоҳиди бўлишимиз мумкин.

Мазкур регионда мавжуд бўлган кутубхоналар бой меценатлар – амалдорлар, дин пешволари томонидан ташкил этилган. Бу ўқимишли ва билимлилик бўлишлик анъанаси IX-XIII асарларда мусулмон дунёсини гуркираган давридан қолган ажойиб мерос эди.

Кутубхоналарни тарихини ўрганиш ёрдамида биз Марказий Осиё ҳудудидаги илмий маърифий даражани анқлаш имконини беради. Бу ўз навбатида Марказий Осиё тарихи бўйича шуғулланаётган тадқиқотчилар учун муҳим маълумот бериши табиийдир. Биринчи навбатда дин тарихи, сиёсий тарих ва кодикология, умуман Марказий Осиё тарихга оид тадқиқотлар учундир. Шу вақтгача Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди бу соҳадаги мавзу бўйича тадқиқот олиб борилмаган эди.

Мавзунини келажакдаги мукамал тадқиқ этиш Марказий Осиё тарихида фаолият олиб борган турли шаклидаги кутубхоналар тақдирини ўрганиш, янги кутубхоналарни номини ва уларни эгаларини аниқлаш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Akimuskina O.F. Библиотека Шибанидов в Бухаре XVI века // *Islamkundliche untersuchungen*. Band 185. Ingeborg Baldouf, Michal Friedrich (Hrsg). Bamberger Zentralasiestudien. Konferenzatzen. ESCAS IV. Bamberg 8-12. Oktober 1991. – Berlin. 1994. – S. 325-341.
2. Ахунджанов Э.А. “Очерки по истории книги и книжного дела в Средней Азии”. Ташкент. Изд. “Ибн Сины”. 1993. – С. 160.
3. Ахунджанов Э.А. “Книга и книжное дело в Узбекистане”. Ташкент. Изд. “Узбекистан”. 1978. – С. 67.
4. Erkinov A. et Vahidov Sh. L’horizon intellectuel d’un érudit du XVe siècle: Le fihrist (catalogue) de la bibliothèque de Sadr-i Ziya’: une image de la vie intellectuelle dans le Mavarannahr (fin XIXe-début XXe siècles) // *Cahiers d’Asie centrale*, vol. 7 (1999). pp. 141-174;

5. Зиёдов Ш. Муминов А. Библиотека Дукчи Ишана (Library Dukchi Ishan) // Манакиб-и Дукчи Ишан (аноним жия Дукчи Ишана – предводителя Андижанского восстания 1898 года). Пер. с туркий., введения и комментарии Б. М. Бабаджанова. – Ташкент-Берн-Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – стр. 344- 385.
6. Касимова А.Г. Библиотечное дело в Узбекистана. – Ташкент, «Узбекистон» 1968. – С. 119.
7. Касимова А.Г. Дореволюционне библиотеки Узбекистана. – «Учен. Зап. (Ташкентский пед ин-т)», 1966, т. 71. – С. 64-72;
8. Кормилицын А. И. “Судьбы книг” Библиотеки восточных рукописей на территории Узбекистана в древнейших времен. Ташкент, Изд. “ФАН” 1994. – С. 167.
9. Кормилицын А. И. История развития библиотечного дела в дореволюционном Туркестане. (1868-1917 гг.). Автореф. дис. на соискание учен. степени канд. ист. наук. Ташкент, 1969. 31 с. (Ташкентский гос. ун-т. им. В. И. Ленина);
10. Кормилицын А. И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. Ташкент, 1993. – С.63;
11. Мирмахмудов Н. Нодирхон-домла // Ислам на территории бывшей Российской империи, Энциклопедический словарь. Вып. №3 М., 2001. – с.75.
12. Морозов Д.А. Три московских рукописи из библиотеки Мухаммада Парса (Дополнение к статье А.Б.Халидова)//Петербургское востоковедение. 9 (1997). сс. 553-554;
13. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. – Т. I-XI. – Т.: Фан, 1952-1987.
14. Subtelny, Maria Eva. The Making of Bukhara-yi Sharif: Scholars and Libraries in Medieval Bukhara (The Library of Khwaja Muhammad Parsa) // Studies on Central Asian History in Honor of Yuri Bregel. Edited by Devin DeWeese. Bloomington, Indiana, 2001, С. 79-111.
15. Халидов А. Б. Рукописи из библиотеки Мухаммада Парса// Петербургское востоковедение, выпуск 6. Санкт-Петербург, 1994, сс. 506-519;
16. Vahidov Sh. et Erkinov A. Une source méconnue pour l'étude de la production de livres a la cour de Muhammad Rahim Khan II (Khiva, fin XXe s.) // Cahiers d'Asie centrale, vol. 7 (1999). pp. 175-193.
17. Ziyodov S, Muminov A. L'horizon intellectuel d'un érudit du XV^e siècle: nouvelles découvertes sur la bibliothèque de Muhammad Pârsâ // Cahiers d'Asie centrale, vol. 7 (1999). pp. 77-98.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Ахунджанов Эркин Адилевич, Тошкент давлат шарқишунослик университети, манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси профессори, тарих фанлари доктори

Миллий тарих фанимизда ўзбек маданияти тарихини янги илмий усуллар асосида (ўрта асрчилик услуги ва ёндошувларидан фарқли ўлароқ) тадқиқ этилиши туркистон фанининг буюк арбоби, янги замон ўзбек тарихчи олимлари қаторида биринчи ўринда турадиган Профессор Пўлат Мажитович Солиев (1882-1938) томонидан бажарилди. Унинг эски ўзбек, араб ва форс тилларидаги ўрта аср қўлёзма манбалари асосида яратилган “Ўрта Осиё тарихи. 1 қисм.” (1926)¹, “Ўзбекистон тарихи. XV-XIX аср биринчи ярми” (1929)² монографик тадқиқодларида тарихий асар ўзанида маданият тарихининг қатор масалаларига ҳам илмий баҳолар берилган.

1940-1950 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси биринчи президенти (1943-1947), физика-математика фанлари доктори, профессор Т.Н Қориниёзий (1896-1970)

¹ Солиев П.М. Ўрта Осиё тарихи. 1 қисм. Т., Ўздавнашр, 1926.

миллий маданиятимиз тарихи бўйича биринчи махсус тадқиқотлар яратиш йўлида илк тажрибалар олиб борди. 1949 йили олим “Ўзбек халқининг социалистик маданияти”¹ китобини ўзбек тилида нашр этди. Шу санадан олдинги ва кейинги йилларда республика вақтли матбуотида маданий ривожланиш бўйича бир неча илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди. Ва, ниҳоят, кўп йиллик изланишлар натижаси сифатида 1955 йилда шарқшунос проф. И.С Брагинский илмий таҳрири остида Т.Н. Қориниёзийнинг “Совет Ўзбекистон маданияти тарихи очерклари”² номли умумлаштирилган катта китоби жамоатчиликка тақдим этилди. Китобда XX аср ўрталарига келиб Ўзбекистон тарихи фани заҳираларида тўпланган маданий-тарихий йўналишдаги маълумотлар илк бор бирлаштирилиб, монографик тарзда кўриб чиқилиб илмий таҳлилдан ўтказилди. Ўзбек халқи маданий мероси тадқиқотда ёзув, тиллар, таълим, илм-фан, матбуот тарихи, бадиий адабиёт, тасвирий санъат, драматургия, театр ва кино санъатлари, мусиқа санъати ривожланиши аспектида кўриб чиқилган.

1953 й. нашр этилган М. Қорахоновнинг “Ўзбекистон маданияти”³ ва 1962 йилда чиққан Д. Юннинг “История культуры Узбекистана”⁴ китоби Т.Н. Қориниёзийнинг тадқиқотига унча кўп маълумотлар қўшмайди ва маданият тарихи тарихнавислигида кўзга ташланадиган из қолдирмади.

Совет даври сиёсий режимининг мафкуравий чегаралари, илмий муомаладаги маданий-тарихий материаллар ва манбалар базасининг заифлиги, XX аср ўртасида ишлатилган илмий методлар асосида ёзилган Т.Н. Қориниёзий ва Д.Юннинг асарларидан фарқланувчи 2011 й. чиққан У. Қорабоев, Г. Соатовларнинг “Ўзбекистон маданияти”⁵ китоби замонавий фанда маданият тарихига ишлаб чиқилган нуқтаи назар ва тушунчалардан келиб чиқиб, тарих ва у билан турдош ижтимоий фанлар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ёзилган.

Китоб олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан таълим муассасаларининг талабалари учун ўқув қўланма сифатида тавсия этилган. Қўлланмани “Маданият назарияси” қисми очади. Қисм қуйидаги фасллардан иборат: “Маданият тушунчаси”, “Моддий ва маънавий маданият”, “Маданият вазифалари”, “Маданият ва маданий мерос”, “Маданият ва цивилизация”. Муаллифлар ўзбек тарихнавислигида биринчи марта ўзбек маданияти тарихини яхлит ҳодиса сифатида ибтидоий даврлардан бугунги кунгача бўлган ривожини кўриб чиқишга ҳаракат қилишган. Улкан маданий-тарихий материал қуйидаги гуруҳларга қамраб олинган: “Ибтидоий маданият”, “Қадимги давр маданияти”, “Шарқ Уйғониш даври маданияти”, “Темурийлар даври маданияти”, “XVI-XIX асрлар маданияти”, “Мустамлакачилик даври маданияти”, “Мустақиллик даври маданияти”. Албатта, ўқув қўлланма номининг ўзи кўп томлик фундаментал тадқиқот мавзусига арзугулик. Аммо бу ўта мураккаб вазифани, яъни қўлланмада барча маданият тарихи даврларини ёритиш, муаллифлар тарихий тадқиқотларида ўрганилган барча материалларни илмий-оммабоп тил ва тарзда сўзлаб бериш ва матнни ўқув қўлланма тилига ўгириш услуги билан ҳал этишган. Шу билан улар ўзларининг асосий вазифаларини-талабаларга маданиятимиз асосий тарихий даврларда қандай ривожланганлиги ҳақида маълумот беришни тўлиқ бажаришган.

XX асрнинг 50-60 йилларида йирик илмий жамоалар (Тошкентда эвакуацияда бўлган Москва ва Ленинград олимлари билан биргаликда) тайёрланган Ўзбекистон тарихи бўйича ўша давр учун фундаментал ҳисобланган нашрларда ҳар бир тарихий давр тавсифи маданий ривожланиши ҳақидаги маълумот билан яқунланади.

Йирик умумлаштирувчи нашрлардан ташқари мақолалар шаклида илмий ва илмий-оммабоп журналларда босилиб чиққан илмий адабиётлар мавжуд. Уларнинг рўйхати проф. Б.В. Лунин томонидан тузилиб, “Известия АН ЎзССР. Серия общественных наук” (“Общественные науки в Узбекистане”) журналида “Библиографический указатель литературы по археологии, истории, этнографии, философии и праву Узбекистана” номи

² Қориниёзий Т.Н. Ўзбек халқи социалистик маданияти. Т., Ўздавнашр, 1949.-78б.

³ Кары-Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. М., изд-во АН СССР, 1955.-560 с.

⁴ Қорахонов М. Ўзбекистон маданияти. Т., 1953. – 198 б.

⁵ Юн Д. История культуры Узбекистана Т., Узгосиздат, 1962. – 203 с.

⁶ Қорабоев У, Соатов Г. Ўзбекистон маданияти. Т., Тафаккур бўстони, 2011.-193б.

остида чоп этилган (1955-1973 йилларда чикқан адабиётлар). Шу муҳим ва керакли иш давомсиз қолиб кетди.

1969 йили Японияда Марказий Осиё бўйича тарих, тил, адабиёт, фалсафа ҳамда сиёсатга бағишланган чет тилларида нашр қилинган адабиётлар библиографияси инглиз тилида чоп этилган (Classified Catalogue of books. Selection VIII Central Asia in Toyo Buncu (May, 1968). The Toyo Buncu (The Oriental Library). Tokyo, 1969, 179 s). Мазкур библиографияга кирган китоблар Токиодаги Тойо Бунко (Шарқ кутубхонаси) номи кутубхонада сақланади. Китобдаги барча адабиётлар номи лотин ҳарфларда берилган.

2006 йили Токиода Евроосиё ҳақидаги тарих, тил, адабиёт, фалсафа ҳамда сиёсатга бағишланган чет тилларида 1985 дан 2000 йилгача бўлган даврда нашр қилинган адабиётлар каталоги чоп этилган (Research Trends in modern Central Eurasian Studies (18th – 20th Centuries). A Selective and Critical Bibliography of Works Published between 1985 and 2000. Parts 2. Ed. S. A. Dudoignon and H. Komatsu. In cooperation with Abstracta Iranica, Tehran-Paris. Tokyo: The Toyo Buncu, 2006, 197 s.). Унда 1500 адабиётнинг номи ва қисқача мазмуни инглиз тилида берилган. Китобдаги барча адабиётлар номи лотин ҳарфларида келтирилган.

Адабиётлар манзари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон маданияти тарихи ХХ аср 20-нчи йилларидан бошлаб замонавий тадқиқодчиларни қизиқтириб келган. Агар махсус маданият тарихига бағишланган академик Т.Н. Қориниёзий ва Д. Юнларнинг асарларида маданиятимиз тарихи ўтган аср ўргаларига хос услуб ва ёндашувлар асосида ёритилган бўлса, У.Қорабоев ва Ғ.Соатовларнинг 2011 инчи йили нашр этилган ўқув кўланмаси илмий-оммабоп усулда ва ўқув адабиёт тарзида ёзилган.

Фикримизча, замонавий Ўзбекистон маданияти тарихига бағишланган илмий тадқиқот бошқа масалалар қаторида қуйдаги асосий илмий муамоларни тадқиқ этиш кўламида яратилиши даркор.

Ўзбекистон маданияти тарихини ўрганишда асосий илмий муамолар

Ҳозирги замон махсус илмий адабиётларда билимларни мустақил равишда қидириш, топиш, қайта ишлаш ва ўзлаштириш, таълим олиш ва ишлаб чиқариш фаолиятида турли хилдаги ахборотни тўғри баҳолаш ва ундан мақбул фойдаланиш мақсадида ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасида малакалар, кўникмалар, усуллар ва методларнинг шаклланиш жараёнлари, илмий ва бадиий тафаккурнинг, тасвирий санъат, театр ва бошқа санъат турларини, бадиий ва махсус адабиётни, замонавий фанлар ютуқлари натижаларини тушунишнинг юқори даражаси умумлашма ҳолда алоҳида олинган шахс даражасида шахс ахборот (информацион) маданияти тушунчаси билан белгиланади. Умуман жамият даражасида эса кенг ахборотлаштириш ҳамда ахборот технологиялари, оммавий коммуникация воситалари, босма ва электрон ОАВ, глобал Интернет тармоғи, барча санъат турларининг ривожланиши жамият информацион (ахборот) маданияти тушунчасида ўз ифодасини топади. Фақат бунга давлат ва фуқоролик жамияти ахборотни етказиш, олиш ва тарқатиш бўйича барча имкониятларни яратиш берган., илм-фан ва инновацияларнинг ривожланиши учун барча реал демократик эркинликларни тақдим этган тақдирдагина эришиш мумкин.

Жамият ва унинг ҳар бир аъзоси эга бўлган ахборот маданиятининг ривожланиш сифати ва даражаси ҳамма вақт жамият эволюциясининг ҳар бир муайян босқичида халқнинг интеллектуал потенциали, маънавияти ва маданиятининг акси ва аниқ ифодаланган белгиси бўлиб хизмат қилади.

Масалан, ўрта асрларда Туркистонда шахснинг ахборот маданиятини шакллантиришга оид билмлар ва кўникмалар пойдевори аввал мактабда савод эгаллаш даврида ва кейинчалик мадрасада турли тиллар ва фанларни ўрганиш пайтида яратилган. У даврларда танланган сулолавий (сарой) кутубхоналар, шунингдек масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, касалхоналар қошидаги, шаҳар ва маҳаллалар кутубхоналари ва шахсий кутубхоналарда сақланадиган туркий, форсий ва араб тилларидаги кўлөзма китоблар ёзма ахборотни ўзида жамлаган бирдан – бир манба бўлиб хизмат қилар эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ахборот фаолиятининг буржуа шаклларида, миллий нашриётчилик ва даврий нашрларни чоп этишга,

европача таълим олиш усулига, буржуача кутубхоналар ва библиографик нашрларга ўтилганлик туфайли ахборот оқимларидан фойдаланувчиларнинг имкониятлари анча ортди. Кейинги XX асрда эса кинематограф, театр, радио ва телевидениенинг, бошқа оммавий коммуникация ва ахборот технологиялари воситаларининг, глобал Интернет тармоғининг пайдо бўлиши бу имкониятларнинг мислсиз кенгайишига сабаб бўлди.

Ўзбек тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирини ахборот маданияти тарихи билан ва кенгроқ миқёсда–ахборот фаолияти билан боғлиқ масалларнинг илмий тадқиқи ташкил қилади. Бунда ушбу масалалар инсон фаолиятининг даврий ва нодаврий (китоблар) нашрларини чиқариш ва тарқатиш, яъни китоб нашриётчилиги, газета ва журнал иши, кутубхоначилик-ахборот ва библиографик фаолият, ижтимоий-гуманитар, илмий ва илмий-оммабоп характердаги техник ахборотни идрок этишга потенциал жиҳатдан тайёр ва саводли, керакли билимларни онгли равишда излайдиган ўқувчиларни (фойдаланувчиларни) етиштириш, яъни таълимий фаолият, жаҳон ва миллий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида олиб қараладиган бадиий- образли воситалар (театр, радио, кино, телевидение, мультимедиа) ёрдамида қайта ишланган ахборотни узатиш ва уни тушиниш даражаси каби инсон фаолиятининг турли соҳалари билан биргаликда тадқиқ қилиниши керак. Бу каби тадқиқотлар, маънавий ва моддий маданиятнинг бошқа соҳалари тарихини ўрганиш билан бир қаторда, ўзбек миллий маданиятининг фундаментал тарихини яртиш учун асос вазифасини ўтайди.

Куйида Ўзбекистонда ахборот маданияти тарихининг турли ривожланиш босқичларидаги илмий муаммоларнинг баёнига ўтамиз. Ҳар қандай тарихий тадқиқотнинг муаммоларини (проблематикасини) батафсил аниқлаш ва конкретлаштириш, тарихий билиш тараққитининг муҳим белгиси сифатида олиб қараладиган ушбу муаммоларнинг ривожланиш ва кенгайиб бориш йўллари таҳлил қилиш мустақил методологик аҳамиятга эга. Турон – Туркистон-Ўзбекистон қадимги давр, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврлардаги ахборот маданияти тарихи билан боғлиқ муаммолар, назаримизда, куйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1. “Маданият” тушунчасига тизимли ахборот-коммуникатив ёндашув
2. Палеолит даври маданияти
3. Мезолит даври маданияти
4. Неолит ва энеолит даври маданияти
5. Бронза аср маданияти
6. Энг қадимги давр ҳунармандчилиги ва санъати
7. Қоялар ва ғорларга солинган жонли расмлар Турон-Туркистон ҳудудидаги ахборот маданиятининг илк намуналари сифатида
8. Буюк ипак йўлининг маданий аҳамияти.
9. Ўрта Осиё халқлари асосий тиллари эволюцияси.
10. Ўрта Осиё халқларининг этник тарихи
11. Илк давлатлар ва қадимият даври давлатчилик маданияти.
12. Ўрта асрлар ва янги замон давлатчилик маданияти.
13. Туркий тилли ва эроний забон халқлар маданий муштараклигининг тарихий илдизлари.
14. Турон-Туркистон—тангричилик ва зардуштийлик этикодалари Ватани.
15. Турон-Туркистон—автохтон халқларнинг тарихий-маданий Ватани
16. Авесто муқаддас китоби Турон-Туркистон халқлари маданиятининг негизи сифатида
17. Авесто фалсафаси ва эстетикаси.
18. Авесто матнини жамлаш ва китобийлаштиришнинг тарихий жараёнлари.
19. “Туркий тилли ва эроний забон авесто ва тангричилик маданий дунёси” тушинчасини асослаш ва илмий муомилага кириш муоммоси.
20. Ёзув, китобат ва таълим маданиятининг дастлабки пайдо бўлиш шарт-шароитлари
21. Турон-Туркистон қадимги халқларида харф-товуш ёзув тизимлари шаклланишининг генетик асослари муаммоси

22. Турон-Туркистон худуда оромий, хоразмий, парфиён, бохтарий, суғд, ўрта форсий, грек, грек-бохтарий, қадимий туркий, туркий уйғур, сурёний-туркий, кхароштхи, брахми, “иссиқ”, монихей, эфталит ёзув тизимларининг асосий қўлланиш тенденциялари ва тарихий даврлари

23. Энг муҳим ёзма обидаларнинг ахборот маданияти кесимида умумий таърифи

24. Туркистонда қоғоз ишлаб чиқарилишининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи

25. Туркистон халқларининг қадимиятдан ўрта асрларга, маданиятнинг зардуштий ва тангричилик туридан мусулмон турига тарихий ўтиши жараёнида маданий анъаналар ворисийлиги муаммолари.

26. Қадимият ва ўрта асрларда Туркистонда қўлёзма китобларнинг ишлаб чиқарилиши, уларнинг жамият аъзолари орасида тарқалиши, китоб савдоси, кутубхоначилик, ахборот-библиография ишлари тарихий ривожланишининг тадқиқи.

27. Ўрта асрлар жамиятида таълим фаолиятининг тарихий шакиллари, савод ва илмий билимлар тарқалиши даражаси

28. Ўрта асрлар Туркистон маданиятининг уч ўзакчилик хусусияти

29. Китобат маданиятида туркий, форс ва араб тилли қўлёзма китобларнинг ёнма-ён ривожланиши.

30. Фан ва илмий тадқиқотлар эволюцияси ахборот маданияти ривожланишининг омили сифатида

31. Қадамият, ўрта асрлар ва янги замонда китоблар репертуари ва унинг мавзуй ранг-баранглиги

32. Қадимият ва ўрта асрларда архитектура ва шаҳарсозлик

33. Қадимият ва ўрта асрларда тасвирий санъат

34. Ўрта Осиё антик маданиятининг умумий тавсифи

35. Ўрта аср мусиқа ва ашула санъати

36. Қадимият ва ўрта асрларда ҳунармандчилик

37. Илми ислом тизимида туркистонликларнинг қўшган улуши.

38. Ўрта аср халқ маънавий маданиятида мусулмон кадриятларининг трансформациялашиб ўзлаштирилиши

39. Туркистон ўрта асрлар маданияти моҳияти

40. Халқ амалий санъати

41. Ўрта асрлар жамияти социал қатламлари

42. Халқ оғзаки ижоди

43. Бадиий адабиёт.

44. Ўрта асрларда илм-фаннинг ривожланиши.

45. Ўрта аср халқ маънавий маданиятида тангричилик ва зардуштийлик динлари кадрият ва урф-одатларининг трансформациялашиб ўрнашиши.

46. Ўрта аср халқ маънавий маданиятида мусулмон дини кадриятларининг трансформациялашиб ўзлаштирилиши

47. Ўрта Осиё ўрта асрлар маданияти тарихида Ренессанс, Улғайиш ва Сўниш даврлари характеристикаси

48. Миллий китоб чоп этиш ва нашриётчилик иши пайдо бўлиши ва ривожланиши.

49. Мустамлака Туркистон китоб алмашинувида татар, турк, озарбайжон эски босма китоби.

50. Мустамлака Туркистонда рус китоб нашриётчилиги.

51. Туркистон миллий даврий матбуоти.

52. Туркистонда рус даврий матбуоти.

53. Европа андозалари асосидаги Туркистон ахборот-библиография иши.

54. Европа андозалари асосидаги Туркистон ахборот-кутубхоначилик иши.

55. Жаҳидчилик ахборот маданияти.

56. Ахборот маданияти институтларининг давлат тасарруфига ўтказилиши (национализациялаштириш) ва унинг оқибатлари.

57. Жамият бошқарилишида тоталитар маъмурий-буйруқбозлик тизимининг шаклланиши шароитида сўз эркинлиги ва ахборот маданиятининг ривожланиш муаммолари.

58. Совет ва мустақиллик даврларида ўзбек миллий китоб нашриётчилиги тизимининг ривожланиши.

59. Совет ва мустақиллик даврларида ахборот-кутубхоначилик тизимининг эволюцияси.

60. Совет ва мустақиллик даврларида ахборот- библиография ишларининг ривожланиши.

61. Даврий нашрлар чиқариш тизимининг ривожланиши.

62. Миллий театр санъати ривожланишининг асосий босқичлари

63. Миллий радио ва радиоэшиттириш тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

64. Миллий кино санъатининг ташкил топиши ва ривожланиши

65. Китоб ва вақтли матбуот нашрларини жамиятда тарқатиш тизимининг ривожланиши

66. Таълим фаолияти маданият ривожланишининг омили сифатида(жамият ва алоҳида шахс даражаларида).

67. Миллий телевидениенинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

68. Гуманитар фанлар ривожланиши жамият маданияти тарихи контекстида

69. Аниқ техник фанлар ривожланиши жамият маданияти тарихи контекстида

70. Жамиятни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, ахборот технологияларни ҳаётга татбиқ этиш муаммоларининг ҳал этилиши

ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИ ХУСУСИДА

Рўзиқулов Шерзодбек, Андижон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Мақола Ўзбекистон ССРда иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда таълим тизимидаги ўзгаришлар, таълим соҳасига оид ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар ва уларни ҳаётга татбиқ этишидаги ютуқ ва муаммолар масалари тарихшunosлигига бағишланган.

Калит сўзлар: *халқ таълими, мактаб, олий таълим, ўқитувчи, қарорлар, норматив ҳужжатлар, совет таълим тизими, коммунистик мафкура, институт, университет, тарихшunosлик, ижтимоий соҳа.*

Статья посвящена историографии изменений в системе образования в годы после Второй мировой войны в Узбекской ССР, принятым правительством решениям в области образования, вопросам достижений и проблемам их реализации.

Ключевые слова: *народное образование, школа, высшее образование, педагог, решения, нормативные документы, советская система образования, коммунистическая идеология, институт, университет, историография, социальная сфера.*

The article is devoted to the historiography of the changes in the education system in the Uzbek SSR in the years after the Second World War, the decisions made by the government in the field of education, and the issues of achievements and problems in their implementation.

Key words: *public education, school, higher education, teacher, decisions, normative documents, Soviet educational system, communist ideology, institute, university, historiography, social sphere.*

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида Ватанимиз тарихининг совет ҳокимияти йилларида кечган тарихини чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш, ундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш, бутун халқни, айниқса, ёшларни чинакам тарих билан қуроллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у кудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва

авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”[1.29]. Шунингдек, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон таълим тизимида эришилган ютуқ ва муаммоларни ҳам чуқур илмий асосда ҳолисона ва адолат нуқтаи назардан ўрганиш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларидан тегишли хулоса чиқариш бугунги таълим жараёнида кетаётган ислохотлар кетаётган бир даврда янада муҳимдир. Мавзунинг долзарблиги ва масалага янгича ёндошув ҳамда қарашлар асосида ўрганишнинг зарурлиги ҳам ана шундадир.

Ўзбекистонда таълим тизими ва унинг 1946-1990 йиллардаги аҳволига доир бугунга қадар кўплаб монография, рисола, мақола, ҳужжатлар тўплами ва хотира китоблари чоп этилган. Ушбу даврга оида нашр этилган тадқиқотларни уч гуруҳга бўлиб тадқиқ этдик. Биринчи гуруҳга мавзуга доир совет даврида яратилган адабиётлар. Иккинчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида тарихчи, иқтисодчи ва бошқа ижтимоий соҳа вакиллари томонидан яратилган илмий тадқиқотлар. Учинчи гуруҳга мавзунинг у ёки бу жиҳатларига оид хорижлик тадқиқотчиларнинг асарлари.

Биринчи гуруҳга мансуб адабиётлар совет даврида яратилган илмий-тадқиқотлардир, улар кўпроқ коммунистик мафкура измида яратилган бўлиб, уларда совет даври таълим тизимининг авзалликлари, коммунистик партия томонидан таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг натижалари, педагог кадрларни тайёрлаш соҳасидаги ўзгаришларга ижобий жиҳатдан баҳо берилган. Жумладан, И.К.Қодиров, Ш.Н. Улмасов С. Содиқов., Х. Зуфаров, Н. Раҳмонов, Р.А. Мавлонова, Л. Максакова каби тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларида[2.] Ўзбекистон ССРда совет ҳокимияти йилларида таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар тарихини коммунистик мафкура андозасида атрофлича баён этишга ҳаракат қилганлар. Р. Мўйдинов, М.Д. Хаджиева, Н.Б. Қувватовлар томонидан яратилган илмий адабиётларда[3.] Ўзбекистонда таълим соҳасининг тарихи, совет ҳокимияти йилларида, айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар, таълим тизимига малакалий кадрларни тайёрлаш соҳасида эришилган ютуқлар, умум таълим мактабларида ўқитувчилар сонининг ортиб бориши, таълим масканларининг сонини ортиб боришига доир маълумотлар совет даври мафкураси нуқтаи-назаридан таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг совет даври тарихига оид айрим фундаментал тадқиқотларда[4.] иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги ўзгаришлар, халқ таълими соҳасида амалга оширилган ислохотлар масалаларига ҳам тўхталиб ўтилган.

1950 йиллардан кейинги даврда Ўзбекистон ССРда халқ таълими тизимидаги ўзгаришар масаласи, таълим тизимида олиб борилган ислохотларнинг аҳоли турмиш тарзига таъсири масалари юзасидан Э. Турғунов, М. Жамолова, Т. Эгамбердиева, К. Усмонов, И. Турсуновларнинг тадқиқотларидан[5.] кенг ва атрофлича маълумотлар олиш мумкин. Хусусан, ушбу тадқиқотларда Ўзбекистон ССРда халқ таълими тизими, олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар, соҳага оид чиқарилган ҳукумат қарорлари, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш соҳасида амалга оширилган ишлар хусусида ҳам фикр юритилган.

Совет даврида чоп этилган ҳужжатлар тўпламларида[6.] ҳам Ўзбекистон ССРда совет ҳокимияти йилларида халқ таълими, олий таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар, таълим тизимига оид чиқарилган ҳукумат қарорлари ҳамда фармойишлари ўз аксини топган.

Илмий адабиётларнинг иккинчи гуруҳини Ўзбекистон ССРда иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар масалаларига бағишланган мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тадқиқотчилар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар киради. Сўнги йилларда Ўзбекистон ССРда урушдан кейинги йилларда таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар, таълим тизимига малакалий кадрларни тайёрлаш соҳасида эришилган ютуқ ҳамда муаммолар, умум таълим мактабларида ўқитувчилар сонининг ортиб бориши, таълим масканларининг сонини кўпайиши, таълим соҳасига оид ҳукумат чиқарган қарорлари ва уларни ҳаётга тадбиқ этишдаги муаммоларга оид қатор илмий тадқиқотлар яратилди[7.]. Хусусан, ушбу тадқиқотларда совет ҳокимияти йилларида таълимнинг хаддан зиёд мафкуралаштирилиши, бу боғлиқ равишда таълим сифатининг пасайиб бориши билан

боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, бу тадқиқотларда таълим тизимидаги ўзгаришларнинг ижобий натижалари, олий таълим тизимининг шаклланиш жараёнларига ҳам қисман бўлса-да тўхталиниб, мустақиллик арафасида Ўзбекистон таълимида мавжуд муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Мавзуга оид учинчи гуруҳ адабиётлари бир қатор давлатларда Ўзбекистон таълим тизими, таълим соҳаси вакиллари, ўқитувчиларнинг яшаш шароитига бағишланган илмий мақолалар ва тадқиқотлар чоп этилган[8.]. Бу тадқиқотларда таълим тизими, таълимга оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари, мавжуд муаммолар ва соҳа вакилларининг кундалик ҳаёти тарихи ёритиб берилган.

Муаммонинг тарихшунослик таҳлили юзасидан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда 1946-1990 йилларда таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар, соҳа ривожига эришилган ютуқ ва камчиликлар, таълим тизими ривожига тўсиқ бўлган омиллар, таълим соҳаси вакиллари, ўқитувчилар жамиятда тутган ўрни ва роли масаларини ҳар томонлама кенг ва атрофлича ёритувчи махсус илмий тадқиқотлар ҳали ҳануз яратилганича йўқ.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018.

2. Кадиров И.К. Народное образование в Узбекской ССР за 30 лет. – Ташкент: Учпедгиз, 1954. – 126 с.; Унинг ўзи. Ўзбекистон халқ маорифининг 40 йил ичида эришган ютуқлари. – Тошкент, 1957; Унинг ўзи. Успехи народного образования в Узбекской ССР. – Ташкент: Госиздат, 1957. – 129 с.; Унинг ўзи. Ўзбекистон ССРда халқ маорифи. – Тошкент: Ўздавнашр, 1961. – 63 б.; Унинг ўзи. Народное образование Советского Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1964. – 81 с.; Унинг ўзи. Развитие школ УзССР послевоенный период. – Ташкент: Укитувчи, 1965. – 216 с.; Унинг ўзи. Очерки развития общеобразовательной школы в Советского Узбекистана. – Ташкент: Укитувчи, 1974. – 212 с.; Улмасбаев Ш.Н. Промышленное развитие советского Узбекистана. – Ташкент, 1958 Садыков С. Очерки развития высшего образования в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1969. – 229 с.; Раҳманов Н. Развитие педагогического образования в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1976. – 176 б.; Мавлянова Р.А. Опыт перестройки начального образования в Узбекистане. – Ташкент: Укитувчи, 1983 – 120 с.; Унинг ўзи. Развитие начального образования в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1985 – 94 с.; Содиков С., Зуфаров Х. Развитие народного образования в Узбекистане. – Ташкент: Укитувчи, 1988. – 13 с.; Максакова Л.П. Демографические проблемы занятости в УзССР. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – 175 с.; Аъзамов С., Жўраев Т. Қишлоқ дорилфунуни. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. -78 б.

3. Муйдинов Р. История развития вечерных (сменных) средних общеобразовательных школ в Узбекской ССР (1945-1964 гг.). Автореф. дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1968. – 27 с.; Хаджиева М.Д. Социальное развитие села Узбекистана в конце 70-х и начале 80-х годов: опыт и проблемы. Дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1992. – 200 с.; Кувватов Н.Б. Подготовка и воспитание педагогических кадров в Узбекистане (1980-1990 гг.). Дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 24 с.

4. Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. – Тошкент: Фан, 1971. – 624 б.; Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача (ЎзССР ФА акад. И.М.Мўминов таҳрири остида). – Тошкент: Фан, 1974. – 658 б.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000. – 688 б.; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Китоб 2. 1939-1991 йиллар. / Масъул муҳаррирлар Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 576 б.

5. Тургунов Э. Педагогическое образование в Узбекской ССР послевоенные годы (1946-1970). Автореф. дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1973. – 25 с.; Жамолова М. Подготовка педагогических кадров для сельской школы Узбекистана в условиях перехода к всеобщему среднему образованию. Автореф. дисс. на соиск. ...канд. пед. наук. – Ташкент, 1984. – 34 с.; Усманов К. Партийное руководство формированием кадров интеллигенции в

Узбекистане (1961-1985 гг.) Автореф. дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1989. – 39 с.; Турсунов И. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990.

6. Ўзбекистон коммунистик партияси тарихининг очерклари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1964.; Народное хозяйство Узбекской ССР за 1971 г. Стат. Ежегодник. –Ташкент: Узбекистан, 1972.; Народное хозяйство Узбекской ССР за 1987 г. Стат. ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1988; ва. б.

7. Хаджиева М.Д. Социальное развитие села Узбекистана в конце 70-х и начале 80-х годов: опыт и проблемы. Дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1992. – 200 с Эргашев К. Развитие общеобразовательной школы в Узбекистане 70-е-90-е гг.: проблемы и тенденции. –Ташкент, 1996.; Насыров Р. Социальное развитие села Узбекистана (1965-1985). –Ташкент, 1994. Кувватов Н.Б. Подготовка и воспитание педагогических кадров в Узбекистане (1980-1990 гг.). Дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 24 с.; Чориев А.Х. Народное образование и подготовка педагогических кадров в Узбекистане в условиях советского тоталитаризма: противоречия между системами традиционно-национальной и советской (20-30-е годы). Автореф. дисс. на соиск. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 27 с.

8. Ullrich V. Spuren im Alltag. «Barfusshistoriker» — woher sie kommen und was sie wollen // Die Zeit. 1981. 2. Nov.; Ullrich V. Entdeckungsreise in den historischen Alltag // Geschichte in Wissenschaft und Unterricht. 1985. N. 36. — S 403-414; Ludtke A. The history of everyday life: Reconstructing historical ways of life. — USA: Princeton University Press, 1995. - 336 p. International institute for Educational Planning. Educational finance in Central Asia and Mongolia Educational Forum Series no. 7. Paris, IEP-UNESCO, 1996;

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ РОССИЯ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XIX АСРНИНГ БОШЛАРИ)

Саидов Ш.Ж. МОХТ ва Э кафедраси доценти, т.ф.н

Аннотация: Ушбу мақола XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги ва Россия империяси ўртасида муносабаларга бағишланган. Муаллиф Россия ҳукмрон доираларининг Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Хива хонлигига нисбатан олиб борган сиёсатининг геостратегик мақсад ва вазифаларини очиқ беришига ҳаракат қилган.

Аннотация: Данная статья посвящена анализу истории взаимоотношения Хивинского ханства с Российской империей в первой половине XIX века. Автор, старается осветить геополитические цели и задачи Российской администрации в отношении в целом к региону Центральной Азии, в том числе Хивинского ханства.

Abstract: The purpose of this article is to analyze the history of relations between the Khanate of Khiva and Russian Empire in the first half of 19th century. Author by using the primary sources tries to highlight geopolitical goals and tasks of Russian administration related to the Central Asian Region in general, and to the Khanate of Khiva in particular.

Калим сўзлар: Хива хонлиги, Россия империяси, Марказий Осиё, геополитика, ҳарбий авантюра, ўзаро муносабатлар, дипломатия.

Ключевые слово: Хивинская ханства, Российская империя, Центральная Азия, геополитика, взаимоотношения, военная авантюра, дипломатия.

Key words: Khanate of Khiva, Russian Empire, Central Asia, geopolitics, interrelations, diplomacy, military adventure.

XIX асрнинг бошларига келиб Хива хонлиги марказлашган ва иқтисодий жихатдан кудратли давлат бўлган. Жуда катта ҳудуд ва бой ресурсларга эгаллиги, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Бухоро амирлиги ва Хитойга чиқувчи қулай геостратегик нуқтада жойлашганлиги боис, Хива хонлиги Англия ва Россиянинг ўзаро рақобати майдонига айланади. Бу даврда Хива хонлигини ҳарбий куч билан бўйсундиришнинг имконияти бўлмаган. Россия маъмурлари, бўлажак ҳарбий ҳаракатларга пухта тайёргарлик кўришни

режалаштириб, минтақани батафсил ўрганиш, ҳарбий - стратегик аҳамиятга оид маълумотлар тўплаш, иқтисодий ва дипломатик алоқаларни янада яхшилаш мақсадида турли миссия ва экспедициялар юбора бошлаганлар. Чунки, бу вақтда: "...Россия империясининг Шарққа нисбатан стратегик мақсадларида **Хива хонлиги** асосий нуқта, бўғин сифатида қаралган."¹

Маълумки, Россия ва Хива ўртасидаги фаол иқтисодий алоқалар ва мунтазаам дипломатик муносабатлар XVI–XVII асрлардан бошланиб, кейинги асрларда изчил ривожланиб борди.² Масалан, манбаларда, 1616 йилдан 1744 йилгача бўлган ораликда Хивадан Россияга 27 та Элчи келганлиги қайд этилган.³ XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида ўзаро муносабатларда янада жонланиш кузатилади. Шарқ мамлакатлари, жумладан, Хива хонлиги билан муносабатларни бошқариб, йўналтириб туриш вазифаси билан Россия Ташқи ишлар вазирлиги Осиё департаментининг хузуридаги Махсус кўмита шуғулланган.⁴ Осиё департаментининг Марказий Осиё хонликлари билан муносабатларида Оренбург шаҳрида жойлашган чегара комиссияси ҳам муҳим ўрин эгаллаган.⁵ Ўрта Осиё хонликлари билан бевосита чегарадош бўлган Оренбург генерал - губернаторлиги маъмурияти, Кавказда жойлашган рус маъмурлари ва Кавказ қўшинлари кўмондонлигининг ҳарбий амалдорлари доимий равишда Кўмита йиғилишларида қатнашиб, муҳокамаларда иштрок этишган ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий ҳолатига жуда катта таъсир кўрсатишган. Махсус миссиялар Хива хонлигига Каспий минтақаси ва Оренбург орқали кириб келиши мақсадга мувофиқ бўлган. Бунда, иккита муҳим омил ҳисобга олинган: **биринчидан**, Оренбург йўналиши орқали келишда, ушбу минтақада жойлашган ва кўчманчилик билан кун кечираётган қозоқ-қирғиз қабилаларидан Хива хонлигига нисбатан қарши сиёсатда унумли фойдаланиш мақсадида уларнинг ишончларига кириш, **иккинчидан**, Қозоқ даштлари орқали, Каспий денгизи тарафидан Хива хонлиги ҳудудига борадиган йўللарни ҳарбий-стратегик, географик жиҳатдан пухта ўрганиш, бўлажак ҳарбий юришларга мустаҳкам таянч бўладиган истехком ва қаълаларни барпо этишга хизмат қилувчи маълумотларни тўплаш имконияти мавжудлиги ҳисобга олинган. 1800 йилдаёқ Россия империяси томонидан тоғ-муҳандислари Бурнашев ва Пospelовлар бошчилигидаги элчилик миссияси удди шу мақсадда ташкил қилинган дастлабки экспедиция бўлган.⁶ Шунингдек, Каспий денгизидан Марв воҳасигача бўлган ҳудудларда турмуш кечираётган туркманлар Хивага қарам бўлсада, хонликка нисбатан доимо муҳолифатда бўлганлар. Бундан ташқари, рус маъмурлари нафақат Хива, балки Эронга нисбатан қарши сиёсатда туркманлар қабилаларидан унумли фойдаланишни кўзлаганлар. Рус маъмурлари томонидан элчилик миссиялари жўнатилганда ушбу ҳолатлар ҳисобга олинган бўлиб, уларга, Хива хонлигига кирувчи Каспий денгизининг шарқий соҳилларини, Қорақум саҳроси ландшафтини ҳар томонлама ўрганиш вазифаси ҳам топширилган. Бундан ташқари, хонликларнинг асосий сув манбаи бўлган Амударё ва Сирдарёларнинг имкониятларини, Орол денгизи ва унинг атрофларини батафсил тадқиқ қилишни ҳам режалаштирганлар. Масалан, 1805 йилда Кавказ қўшинларининг кўмондони топшириғи билан бир гуруҳ мутахассис-инженерлардан иборат экспедиция Каспий денгизининг шимолий-шарқий қирғоқларини, Тўйин - Қараған қўлтиғи ва Эмба дарёсининг қайир қисмларини ўрганиш ва келажакда истехкомлар барпо

¹ Хондамирмирза Гуломов. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII й первой половине XIX века. – Т.:2005. – С.233.

² Веселовский Н.И. Приём в России послов в XVI-XVIII вв. Журнал министерства Народного просвещения. – С.Петербург, 1884. – С.4.

³ Веселовский Н.И. Приём в России послов в XVI-XVIII вв. Журнал министерства Народного просвещения. – С.Петербург, 1884. – С.4; Кочнев А.В. Политика России в отношении Хивинского ханства в начале XVIII - второй половине XIX в. дисс.на соиск.к.и.н. – Екатеринбург-2018г. – С.106.

⁴ Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ва экспедициялар (XIX-XX аср бошлари) лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир т.ф.д.проф., Д.Х.Зияева. – Т.:2019. – Б.35.

⁵ Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ва экспедициялар (XIX-XX аср бошлари) лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир т.ф.д.проф., Д.Х.Зияева. – Т.:2019. – Б.36.

⁶ Лобысевич Ф.И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическо-военном отношении. – С.Петербург:1900 – С. 64; Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ва экспедициялар (XIX-XX аср бошлари) лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир т.ф.д.проф., Д.Х.Зияева. – Т.:2019. – Б.36.

этиш учун махсус текширув ўтказишни бошлаганлар.¹ Умуман, шу даврда, рус ҳарбийлари ва тадқиқотчилари, козоқ ўрдалари яшайдиган ҳудудларнинг тизимли ўрганиб, Орол денгизи бўйларида Балхаш кўлигача бўлган ерлар тўғрисида батафсил маълумот тўплашга муваффақ бўлганлар.²

Шу билан биргаликда, Кавказдаги рус қўшинлари қўмондони генерал Николай Федорович Ртишев, 1813 йилда, Дербент шаҳрида истиқомат қилувчи Муратов Иван* деган савдогарни Хива хонлиги ҳудудларида яшайдиган туркман қабилалари ҳузурига элчи сифатида юборади.³ Элчи Султон-Хон* деган сардорга Қорақум саҳросида ва унга туташган ерларда яшовчи туркман қабилаларининг етакчиси ёрлиғини инъом қилади. Бунга жавобан туркманлар сардори Кавказга катта элчилик миссияси билан ташриф буюради.

Кавказ қўшинларининг янги қўмондони қилиб тайинланган генерал Ермолов Алексей Петрович туркманлар билан муносабатларни йўлга қўйиш, Хивага борадиган йўللарни, энг асосийси, Каспий денгизининг шарқий қирғоқларини ҳарбий-стратегик жиҳатдан пухта ўрганиш ва Хива хонлиги билан алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида мойор Паномарёв бошчилигида, Россия Ҳарбий вазирлиги Бош штаб амалдори Н.Н Муравьёв, савдогар Иван Муратовлардан иборат махсус ҳайъатни хонликка жўнатади.⁴ Н.Н Муравьёв ҳарбий бўлганлиги учун ҳам Хива хонлигига борадиган йўллари пухта ўрганиш мақсадида туркманларнинг кўпгина қabila сардорлари билан учрашади, уларни Россия билан фаол муносабатлари олиб боришга кўндиришга ҳаракат қилади. Шу билан биргаликда, Каспий денгизининг шарқий қирғоқларида қабилалар қуришга мос жойларни аниқлаш мақсадида картографик тадқиқотлар ўтказишга руҳсат олади.⁵ Ушбу экспедициянинг асосий мақсади Россия империяси билан Хива хонлиги ўртасидаги савдо алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича келишув ишларини амалга ошириш ва янги йўللари, йўналишларни аниқлашдан иборат бўлган.⁶

Худди шу даврда, иккинчи йўналиш, Сибирь томонидан ҳам русларнинг дипломатик фаоллиги кузатилади. Хива билан муносабатларда Оренбург генерал-губернаторлигининг маъмурий маркази ҳисобланган Оренбург шаҳри алоҳида ўрин тутган. Оренбург шаҳрига XVIII асрда руслар томонидан асос солинган бўлиб, Ўрта Осиё хонликлари ва Қозоқ жўзлари билан кенг кўламли алоқаларда муҳим плацдарм, стратегик нуқта вазифасини бажариб келган. Россия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинган тартибга мувофиқ Хивадан келган элчилар аввало Оренбург шаҳрига ташриф буюрганлар.⁷ Мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, зиддиятларнинг умумий ҳолати ва даражаси, элчининг ваколатлари ва кўриб чиқиладиган масалаларнинг муҳимлигидан келиб чиқиб Хива хонлигидан келган вакил Оренбургда маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан қабул қилинган ёки Петербургга, пойтахтга боришига руҳсат берилган.

Россия маъмурулари томонидан Хива хонлигига тегишли мулклар ва унинг атрофларида ҳарбий истехкомларнинг барпо этилиши ўзаро муносабатларда ишончсизлик, зиддиятчи ҳолатларни кучайтишига сабаб бўлган омиллардан бўлган. Хива хонлигининг таъсири ва манфаатлари нуқтасига қиравчи, кўчманчи халқлар истиқомат қиладиган Орол бўйи ва

¹ Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ва экспедициялар (XIX-XX аср бошлари) лойиҳа раҳбари ва масъул муҳррир т.ф.д.проф., Д.Х.Зияева. – Т:2019. – Б.35.

*Лобывичининг асарида ушбу шахс-Астрахлик яҳудий савдогар Иван Петров деб келтирилади (С.Ш)

*Лобывичъда – Саид Муҳаммад Юсуф деб берилган (С.Ш).

² Веселовский Н. Очерки историко-географического сведения о Хивинском ханстве с древнейших времён до наших дней. – С-Петербург, 1877. – С.148; Германь В. Исторический взгляд на сношения России с Хивинскою областью. – Ливны.:1822. – С. 153; Наши соседи в Средней Азии. Т.1, Хива и Туркмения. Издание редакции журнала "Всемирный путешественник". – С-Петербург: 1873. – С. 45.

³ Веселовский Н. Очерки историко-географического сведения о Хивинском ханстве с древнейших времён до наших дней. – С.Петербург:1877. – С.149; Лобывичъ Ф.И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическо-военном отношении. – С-Петербург:1900. – С. 67.

⁴ Веселовский. – С.150; Германь. – С. 153.

⁵ Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ва экспедициялар. – Б.36.

⁶ Веселовский Н.И. Приём в России послов в XVI-XVIII вв. Журнал министерства Народного просвещения. С.Петербург, 1884. – С.5,6.

⁷ Тереньтевь В.А. История завоевания Средней Азии. Том :I – С.Петербург, 1906. – С.98.

Сирдарё этакларида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, бу минтақани картаграфик жиҳатдан синчиклаб ўрганиш учун Россия империяси ҳарбийлардан фойдаланишга ҳаракат қилган. Масалан, 1821 йил инженер - поручик Тафаев ва Артюхов бошчилигида 214 кишилик ҳарбий гуруҳ Хива хонлиги манфаатлари ҳудудига кирувчи, Орол денгизининг шимолий ҳудудларида жойлашган, Хива хонлиги ҳомийлигида бўлган Кичик Жуз қозоқлари истиқомат қиладиган Тўрғай, Иргиз дарёлари атрофларини картаграфик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб боришади.¹ Ермоловнинг фикрича, ушбу ҳудудларда истехкомларни барпо этилиши, **келажакда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини эгаллашда таянч вазифасини** бажариши керак эди.² 1822 йилда, Россия империяси ҳарбийларнинг ташаббуси билан Каспий денгизининг жанубий-шарқий қисмида Красноводск истехкомига асос солинади.

Россия империясидан Хива хонлигига элтувчи шимолий йўналишдаги йўлларни батафсил ўрганиш учун 1823 йилда, полковник Циолковский ва капитан Берг бошчилигида 2374 та ҳарбийлардан ва 6 та артиллериядан ташкил топган, анча кучли қўшин иштрокида Эмба дарёси юқори оқимларига ҳарбий-экспедиция ташкил қилинади.³ Орадан бир йил ўтиб, 1824 йилнинг қишида капитан Берг бошчилигида 2310 киши ва 6 замбаракдан иборат ҳарбий қўшин ҳамроҳлигидаги ҳарбий экспедиция Каспий денгизи бўйлаб, Уст-Юрт платоси орқали Орол денгизининг ғарбий қирғоқларига чиқади, мазкур ҳудуднинг батафсил картографиясини тузади, шу асосда Хивага бориш йўлларни батафсил ўрганиб, муҳим маълумотлар тўплайди ва бир йиллик изланишлардан кейин, 1825 йилнинг феврал ойида Оренбургга қайтиб келади.⁴ Капитан Берг, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб, шу асосда Хива хонлигини босиб олишнинг ҳарбий режасини ишлаб чиқади ва уни амалга ошириш учун Оренбург генерал-губернаторлиги маъмуриятига таклиф билан мурожаат қилади.⁵ Мазкур режада, Хива хонлигига қарши бўлажак ҳарбий амалиётни мувффақиятли амалга ошишини таъминлаш мақсадида Дашти Қипчоқ ҳудудида, яъни, ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий қисмида, Тўнғиз тоғ, Уст Юрт, Орол денгизи минтақасида Хива йўналиши бўйича ҳарбий истехкомлар ташкил қилиш энг муҳим вазифа сифатида белгиланади.⁶ Рус маъмурлари, мазкур ҳудудларни ўз манфаатлари доираси деб ҳисоблаб, 1824 йилда, Ўрта Осиёга юборилган жуда катта савдо қарвони таркибида, полковник Циолковский бошчилигида 625 аскар ва 2 та замонавий тўп билан қуролланган ҳарбий қўшинни Хивага қарши ҳарбий амалиётни бажариш учун жўнатишади. Аммо, хонлик ҳудудига киришда, Янги-дарё бўйида бўлган жангда унинг қўшини хиваликлардан мағлубиятга учрайди, натижада, руслар чекинишга мажбур бўлишади.

Шундай қилиб, XIX асрнинг бошларига келиб Хива хонлиги марказлашган ва иқтисодий қудратли давлатга айланади. Шарқ ва Ғарбни боғловчи қулай геостратегик нуктада жойлашганлиги боис, ўша даврда Осиёда устунлик ва ҳукмронлик учун курашаётган Англия ва Россия империяларининг рақобат майдонига айланади. Россия маъмурлари бу борада фоллик кўрсатиб, Хива хонлигига элчилар ва ҳарбий миссиялар юбора бошлаган. Аммо, бу даврда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишончсизлик ва душманлик кайфияти устун бўлган. Бунга асоосий сабаб сифатида Россия империясининг минтақада олиб бораётган ҳарбий – экспансив сиёсатини кўрстатиш мумкин.

¹ Лобyseвичъ Ф.И. Поступательное движение въ Среднюю Азію въ торговомъ и дипломатическо-военномъ отношеніи. – С.Петербург.1900. – С.67.

² Тереньтевъ В.А. История завоевания Средний Азии. Том:І. – С.Петербург, 1906. – С.98.

³ Ўша жойда. – 99,100

⁴ ¹⁷Ўша жойда. – С.100

⁵ Ўша жойда. –С.100,101

⁶ ¹⁹ Веселовский .Н.Очерки историко-географический свидение о Хивинском ханстве с древнейших времён до наших дней. – С.Петербург:1877. –С.153;Тереньтевъ В.А. История завоевания Средней Азии.Том:І. С-Петербург, 1906. – С. 98

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Хўжаёров Асилбек Отабек ўғли, Қарши давлат университети тузилмасидаги
“Абу-л Муин ан-Насафий” илмий – тадқиқот маркази тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада ўрта асрларда Қашқадарё воҳасида етишиб чиққан алломалар меросининг ўрганилишига доир баъзи бир мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар. Қашқадарё, Насаф воҳаси, алломалар илмий мероси, дунёвий илмлар, диний билимлар, тарихишунослик, “Абу-л Муин ан-Насафий” илмий – тадқиқот маркази.

Annotation. In this article, some comments on the study of the heritage of the scholars who grew up in the Kashkadarya oasis in the Middle Ages are presented.

Keywords. Kashkadarya, Nasaf region, scientific heritage of scholars, secular sciences, religious knowledge, historiography, "Abu-l Muin an-Nasafi" scientific and research center.

Аннотация. В данной статье представлены некоторые комментарии к изучению наследия ученых, выросших в Кашкадарьинском оазисе в средние века.

Ключевые слова. Кашкадарьинская область, Насафский район, научное наследие ученых, светские науки, религиоведение, историография, научно-исследовательский центр «Абу-л Муин ан-Насафи».

XXI асрга келиб турли дин ва маданият вакиллари ўзаро ҳамкорлик қилаётган глобаллашув шароитида ислом цивилизациясида муҳим ўринга эга мутафаккирлар, хусусан, “аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланган” Мовароуннаҳр олимларининг хизматлари ҳам эътироф этилди [1].

Зеро, “буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу масала ёшларда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтириш, барча жамиятларда ислом қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилиш, дунёнинг барча халқларига Ислом динининг ҳақиқий мазмун-моҳиятини етказиш учун муҳимдир. Шунингдек, бугунги кунда халқаро миқёсда конфессиялар, миллатлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тинчлик ва тотувликка эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади”[2]

Қарши – ўрта аср манбаларида Нахшаб (نخشاب), Насаф (نصف) деб номланиб, ақида (калом), тафсир, фикҳ, ҳадис, тасаввуф каби ислом илмлари бўйича кўплаб олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган “Нахшабий” (نخشبي), “Насафий” (نسفي), “Баздавий” (بزوي), “Баладий” (بلدي) каби нисбалар билан дунёга танилган. Уларнинг Туркия, Миср, Сурия, Саудия Арабистони кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалари тавсифи, илмий шарҳлари, манбашунослик таҳлили бўйича тадқиқотларга янгича қарашни тақозо этади. Ўзбекистон шаҳарларида, хусусан, Қашқадарё воҳасида қадимдан маданият шаклланишини турли археологик топилма, қўлёзма манбалар, тарихий ҳужжатлар исботлайди.

Қашқадарё воҳаси тарихи ва унда етишиб чиққан алломаларнинг ҳаёти ва бой илмий мероси бўйича манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчи гуруҳ: IX – XV асрлар тарихчи ва географлари томонидан воҳа тарихи ва алломалари фаолияти бўйича маълумотлар беради. IX – X асрларга оид ал-Балозурий, Ибн Хурдодбех, ал-Яъқубий, ал-Истахрий, ал-Муқаддасий, ал-Масъудий, ат-Табарий, Ибн Ҳавқал каби алломаларнинг асарлари шулар жумласидан [3]. Ушбу асарларнинг аксарияти Марказий Осиё ва ундаги шаҳар, кишлоқлар географияси ва топографияси, ижтимоий-сиёсий тарихига оид бўлиб, уларда Қашқадарё воҳасига тегишли маълумотлар ҳам ифодаланган.

Шунингдек, бу гуруҳ манбаларига Нажмиддин Умар ан-Насафий, Абдулкарим ас-Самъоний, Имом Шамсиддин Муҳаммад Заҳабий, Ёқут ал-Ҳамавий, Ҳожа Халифа, Умар Ризо Каҳҳола кабиларнинг асарларини кўшиш мумкин [4]. Ушбу муаллифларнинг асарларида Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан юзлаб алломаларнинг ҳаёти ва таржимаи

холи ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, бирламчи манба сифати қимматли ҳисобланади.

Иккичи гурурга эса Европа ва Шарқ мамлакатларида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари киради. Ўрта асрларга яшаб фаолият кўрсатган Марказий Осиёлик алломалар илмий меросини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, University of Oxford (Буюк Британия), British Institute of Persian Studies (Буюк Британия), Indiana University (АҚШ), Illinois University (АҚШ), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Голландия), Cairo University (Миср), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies, Suleymaniye Library (Туркия), Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi (Туркия), Marmara University (Туркия), İstanbul Üniversitesi (Туркия), Институт востоковедения РАН, Казанский исламский университет (Россия) каби етакчи илмий муассасаларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Туркиялик шарқшунос олимлардан С.Улуғтож, К.Ишик, Ҳ.Отай, М.Язичиўғли, М.Ўзерварли, Й.Кавакжи, Ф.Сезгин, М.Касталли, М.Шерафеддин, Т.Ешилорт кабилар ўз илмий асарларида Мовароуннаҳрлик алломаларининг ақида (калом), фикҳ илмлари бўйича фаолиятлари ёритишганда Қашқадарё воҳаси алломалари, хусусан Насафий олимлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишган [5].

Европа шарқшуносларидан У.Рудолф, К.Саломма каби олимлар ўз тадқиқотларида Абул Мўйин ан-Насафийнинг мотуридия калом мактабида тутган ўрнини таҳлил қилишган [6].

Мисрлик олим Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад томондан яратилган “Ўрта Осиё алломалари комусида” 100 дан зиёд Қашқадарё воҳасида яшаб фаолият кўрсатган алломалар ва уларни таржимаи ҳоллари келтирилган.

Учинчи гуруҳга мустақиллик йилларида ўзбекистонлик олимлар томонидан яратилган тадқиқот ишлари киради.

Қашқадарё воҳаси алломалари меросини ўрганишда У.Уватов, И.Даминов, С.Оқилов, Д.Раҳимжонов, Н.Насруллаев, С.Муҳаммадаминов, А.Аллоқулов, Д.Махсудов, Н.Муҳаммад илмий изланиларини алоҳида таъкид билан айтиш лозим [7].

2007 – 2013 йилларда Қарши давлат универтитети Тарих факультети қошида “Насафийлар ва Кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази” фаолият кўрсатди. Марказ томонида 2008 – 2010 йилларда бир қатор илмий анжуманлар ташкил этилади [8].

2021 йилда Қарши давлат университети тузилмасида “Абу-л Муин ан-Насафий” илмий – тадқиқот маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу тадқиқот марказига Қарши давлат университети, Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси етакчи олимлари жалб этилган бўлиб, Қашқадарё воҳасидан етишиб чиққан улуғ алломаларнинг меросини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи: Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // Халқ сўзи, 2016 йил 19 октябрь.

3. Балазури. Футух. – Liber expugnationis regionum, auctore Imamo Ahmad ibn Jahia ibn Djabir al-Beladsori quem e codice Leidensi et codice Musei Britanni ed. M. J. De Goeje, Iugduni Batavorum, 1866; Китоб футух ал-булдан та’лиф Аҳмад ибн Йахйя ибн Джабир ал-Багдади аш-шахир би-л-Балазури. – Каир, 1319/1901; Ал-Балозурий. Футух ал-булдон. Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С. Камолиддин. – Т., 2017. – 440 б; Kitab al-Masalik wa’l-mamalik auctore Abu’l-Kasim Ubeidallah ibn Abdallah ibn Khordadhbeh. Accedunt excerpta e Kitab al-Kharadj anct. Kodama ibn Dja’far Lugd Batavorum, 1889 (BGA, VI); Ибн Хурдодбех. Китаб ал-масалик ва-л-мамалик. M.J.De Goeje. – Leiden, 1967; Kitab al-Boldan, auctore Ahmed ibn Abi Jakub ibn Wadhah al-Katib al-Jakubi, Ed. 2, edit M.

J. De Goeje, *Lugh. Batavorum*, 1892 (BGA, VII.); ал-Истахри – Абу-Исҳок ал-Форисий ал-Истахрий. *Китаб масалик вал-мамалик*. М. J. De Goeje. -Leiden, 1873; Истахрий «Китаб ал-масалик вал-мамалик» (Йўллар ва ўлкалар китоби). – Т.: “Фан”, 2019. – 480 б; ал-Мукаддаси. Ахсан ат-такасим фи ма’рифат ал-акалим. Изд. -М. J. Goeje. – Leiden, 1967; al-Mas’udi. *Kitab at-Tanbih wa-l-ischraf* / Ed. M. J. De Goeje. *Lugduni Batavorum apud E.J.Brall*, 1967. *Bibliotheca geographorum arabicorum*. VIII. 508 p; История ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод с араб. В.Беляева. Дополнения к переводу О.Большакова и А.Халидова. -Т.: Фан. 1987; Абу-л-Касым Ибн Хаукаль. Пути и страны / Пер. Е.К.Бетгера. Труды САГУ. Археология Средней Азии, - Т., 1956. Ибн Хавқал. *Китоб суратал-ард*. Мовароуннахр. Араб тилидан таржима ва изохдар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Т., 2011. – 400 б.

4. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. *Китоб ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд*. Назар Муҳаммад ал-Форёбий таҳрири остида. – ал-Мамлака ал-Арабия ас-Суъудия: Мактабат ал-Кавсар, 1412/1991; Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. *Ал-қанд фий зикри уламои Самарқанд*. [Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд (дек ширин китоб)]. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2001. – 304 б.; Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий. *Ал-Ансоб*. Абдуллох Умар Борудий таҳрир остида. – Байрут: Дорул фикр, 1419/1998; Абдулкарим ас-Самъоний. *Насабнома*. – Т.: “Ҳилол Нашр”, 2017. – 336 б.; Шамсиддин Муҳаммад Заҳабий. *Сияру аъламин нубало*. 25 жилд. Қоҳира, 1981-1985; Ёқут ал-Ҳамавий. *Муъжам ал-булдон*. I-V. – Байрут: Дар Байрут, 1977; Ҳожа Халифа. *Кашфуз зунун на асамиъил кутуб вал фунун*. 2 жилдли. – Истанбул: 1360-62/1941-43; Умар Ризо Каҳҳола. *Муъжам ал-муаллифийн*. I-IV. – Дамашк: 1958-1960.

5. Uludağ S. *Kelam İlimi ve Mülim Akridi (Şerhu'l-Akrîd Tercümesi)*. Giriş. 34 vd. İstanbul: 1980; Işık K. *Mâtürîdî'nin kelâm sisteminde İlim, Allah ve Peygamberlik anlayışı*. – Ankara: 1980. 136 s; Atay N. *Ebu'l-Muîn Nesefî ve Tebsiretü'l-edille*. – Ankara: 1993.; Yazicioğlu M. S. *Mâtürîdî kelâm ekolu'nun iki büyük siması: Ebu Mansur Mâtürîdî ve Ebu'l-Mu'in Nesefî / Ankara universitesi basimevi*. – Ankara: 1985. Uzerverli M. S. *Ebu'l-Muîn en-Nesefî'ye ait Tebsiretü'l-edille'nin kaynakları*. (Yüksek lisans tezi). – İstanbul: 1988. 74 s; Kavakci Yusuf Ziya. XI ve XII asırlarda Karahaniylar davrinde Mavara' al-Nahr İslam Hukukçuları. – Ankara: 1976. – 322 s; Sezgin F. *Geschichte des arabischen Schriftums*: T. I. – Leiden: 1967; Kestelli M. *Haşiye el-Kestelli 'ale'l-akaid en-Nesefiyye*. – Ankara: 1928; Şerafeddin M. *Türk kelâmcıları*. – Ankara: 1932. DİFM, V/23.; Bir Hanefî-Mâtürîdî Âlimi Ebü'l-Berekât en-Nesefî // ULUDAĞ ÜNİVERSİTESİ İLANİYAT FAKÜLTESİ DERGİSİ Cilt: 22, Sayı: 1, 2013 s.57-83.

6. Рудолф У. *Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти*. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

7. Уватов У. *Имом Мотуридий ва унинг таълимоти*. – Т.: “Фан”, 2000; Уватов У. *Абу Муин Насафий ҳаёти ва мероси*. – Т.: Манавият, 2003; Даминов И. *Абу Муин Насафий*. – Самарқанд-Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, 2003. – 108 б; Оқилов С. *Абу Муин Насафий ва унинг “Табсиратул адилла” асари // Тарихий манбашунослик муаммолари*. Респ. илмий-амал. конф. мат. – Т., 2003. Б.62-65; Раҳимжонов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” асари асосида). *Тарих ф. ном. дисс...* – Т.: ТИУ, 2003; Насруллаев Н. *Лутфуллох Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари ва унга ёзилган шарҳ, хошиялар таҳлили*. *Тарих ф. ном. дисс...* – Т.: ТИУ, 2012; Муҳаммадаминов С. *Абу Ҳафс Насафийнинг “Матла ан-нужум ва мажма ал-улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири ва XII аср ўрталари)*. *Тарих ф. ном. дисс...* – Т.: ТИУ, 2012; Аллоқулов А. *Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлил*. *Тарих ф. бўйича фал. док. (PhD) дисс...* – Т.: ТИУ, 2018; Махсудов Д. *Абу-л-Барокат ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни*. *Тарих ф. ном. дисс...* – Т.: ТИУ, 2008; Муҳаммад Н. *Насаф ва Кеш алломалари*. – Т., 2006. – 128 б

8. *Насафлик алломаларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни*. Илмий – назарий конференция материаллари. – Қарши, 2008; *Насаф – Кеш тарихи манбаларда*. Республика илмий-назарий конфереция материаллари. – Қарши, 2010

ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ТОПОГРАФИК ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.

*Савриев Жасур Фахриддинович, Кармана туман касб-хунар мактаби директори.
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Мақола Ўрта Зарафшон воҳаси топографик жой номларини ўрганилиш тарихига бағишланган бўлиб, унда айрим манбалар, вилоятлардаги географик жой номларини ўрганган олимларнинг ишлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: географик жой номлари, вилоят топонимлари, ойконимлар, тарихий асар, микротопонимлар, лингвистика, топонимик лугат, топонимик тадқиқот.

Аннотация: Статья посвящена истории изучения топонимии Средне-Зарафшанского оазиса, анализируются некоторые источники и работы ученых, изучавших географическую топонимию в регионах.

Ключевые слова: географические топонимы, региональные топонимы, ойконимы, исторический труд, микротопонимы, языковедение, топонимический словарь, исследование топонимии.

Annotation: The article is devoted to the history of the study of toponymy in the Middle Zarafshan oasis, some sources and works of scientists who studied geographical toponymy in the regions are analyzed.

Key words: geographical toponyms, regional toponyms, oikonoms, historical work, microtoponyms, linguistics, toponymic dictionary, study of toponymy.

Бухоро вилояти Зарафшон водийсининг қуйи қисмида, Қизилқум ва Қорақум чўллари орасидаги ҳудудда жойлашган. Шимоли-ғарбда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, шимол ва шимоли-шарқда Навоий вилояти, шарқда Қашқадарё вилояти, жануб ва жануби-ғарбда Туркменистон Республикасининг Лебоп вилояти билан чегарадош. Вилоят ҳудудининг катта қисмини Кемиреққум, Ёмонқум, Мирзақум, Отамурот ва Сандиқли каби чўллар эгаллайди. Шу билан биргаликда вилоят

ҳудудида Жарқоқ, Қорақўл, Денгизқўл платолари, Кулжуктов, Гужумди, Белтов, Қайнағач, Тузқўй каби тоғлар ҳам мавжуд.

Вилоят иклими қуруқ бўлиб, кескин континентал характерга эга. Бу ерда ерни суғормасдан туриб деҳқончилик қилиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам Зарафшон дарёсининг дельталарида (Бухоро ва Қорақўл воҳаларида) суғорма деҳқончилик қадимдан тараққий этган. Инсонлар ўзлари учун қулай бўлган ҳудудларда ўтроқ ҳолда жойлашиб, деҳқончиликнинг бир нечта тармоқлари билан шуғулланишган. Аста-секин аҳоли тўпланиб, бир қанча аҳоли пунктлари ҳосил бўлган. Улар ўзлари яшайдиган ҳудуд ва ён-атрофдаги турли географик объектларга ном беришган. Шу тариқа вилоят топонимлари шакллана борган.

Бухоро вилоятидаги географик жой номлари, улардан айримларининг маъноси ҳақидаги дастлабки маълумотларни муаллифи номаълум “Ҳудуд ал-олам” асаридан, шунингдек Наршахийнинг “Бухоро тарихи” ҳамда Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” асарларидан топиш мумкин.

Бухоро вилояти топонимларига доир энг қадимги маълумотларни хижрий 372 (милодий 982-983) йилда форс тилида ёзилган “Ҳудуд ал-олам” асарида учратиш мумкин. Асардан вилоят топонимиясига тегишли бўлган Бухоро, Муъкон (Муғкон – ўрта асрларда Бухоро яқинида, ундан ғарбда жойлашган шаҳарча), Хужодий (ўрта асрларда Бухородан Пайканд шаҳрига борадиган йўл ёқасида жойлашган шаҳарча, ҳозирда сақланмаган), Дандўна (ҳозирги Зандон қишлоғи, вилоятнинг Ромитан тумани ҳудудида жойлашган. Тарихда Зандуна, Зандана номлари билан машҳур), Бўмикас (бу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Вобкент шаҳри яқинида бўлган), Жазғанкас (ўрта асрларда Бухородан ғарброкда жойлашган шаҳарча) каби бир қанча географик жой номларини учратиш мумкин. Номаълум муаллиф асарнинг “Дарёлар ҳақида сўз” номли бобида Зарафшон дарёсини қуйидагича таърифлайди: “... Яна

бири Бухоро дарёси¹. Ўрта Бутамон² (тоғларидан) тўрт дарё бошланади, олти фарсанг масофа оқиб боргач, тўрталаси бирлашиб батиха (кўл) бўлади ва уни Дарёжа атайдилар. Ундан бир дарё бошланади; Сарушана, Самарқанд ва Суғд худудидан оқиб ўтади. Бухоро (вилояти) ўртасидан оқиб, (сувининг) бир қисми Бухоронинг экинларига сарф бўлади ва яна бир қисми эса Овозаи Байкандга бориб қуйилади”³. Асардаги “Мовароуннаҳр ноҳияти ва ундаги шаҳарлар ҳақида сўз” номли бобида Бухоро шаҳрига қуйидагича таъриф берилган: “... Бухоро Мовароуннаҳрдаги энг катта ва обод шаҳар, машриқ подшосининг пойтахти⁴. (Ҳавоси) нам жой, мевалар ва оқар сувлар кўп. Одамлари мерган ва зафар қозонувчи. У ерда яхши жун гилам – палос, шолча

ва жойнамоз тайёрланади, пашмин ва шўра (ҳам) ишлаб чиқарилади (ва уни бошқа) жойларга олиб кетадилар. Бухоро худуди ўн икки фарсангга ўн икки фарсангдир ва унинг гир атрофи узлуксиз девор билан ўраб олинган ва унинг ҳамма работларию қишлоқлари ана шу девор ичкарасида”⁵. Бундан ташқари, асардан Бухоро вилоятига тегишли бўлган Байканд, Муъкон, Хужодий, Дандўна, Бўмикас, Жазғанкас каби топонимлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам топиш мумкин.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида Зарафшон дарёси, Бухоро ва унга кўшиладиган ерлар, хусусан Ҳамукент, Севанж, Тавоис, Кармина (Кармана), Нур (Нурота), Харқонруд, Таровча, Сафна, Искажкат, Шарғ, Зандана, Вардона, Афшина (Афшона), Барканд, Ромтин (Ромитан), Варахша, Байканд (Пойкент), Даштак, Бухоро ва унинг атроф ерларидаги анҳорлар тўғрисида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Наршахий ўзининг бу асарида Зарафшон дарёси ва Бухоро воҳасига қуйидагича тавсиф беради: “... Самарқанд томонида бир катта дарё борки, уни “Руди Мосаф” – “Мосаф дарёси” деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йиғилган, у бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойқаларни суриб келган ва натижада, бу ботқоқликлар тўлиб қолган. Сув кўп оқиб кела берди, лойқаларни то Битик ва Фарабгача суриб келтира берди. Сўнг сув тошиб келиши тўхтади, Бухоро ўрнашган жой аста-секин тўлиб, текис ерга айланди ва шундай қилиб у катта дарё Суғд ва бу лойқалар билан тўлган мавзе Бухоро бўлиб қолди; ҳар томондан одамлар йиғилиб, у обод бўлди”. Бу каби маълумотлар орасидан Бухоро ойконимлари тўғрисидаги қуйидаги жумлаларни ҳам топиш мумкин: “... Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур (Нурота), Харқонруд (Харқона), Вардона (Вардонзе), Таровча (Тароб қишлоғи номининг кичрайтирма аталиши) шулар жумласидандир. Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд (Пойканд) эди. Шаҳар “Қалъайи Дабусий” – “Дабусий қалъаси” бўлиб, шаҳар деб шуни атар эдилар. ... деҳқонлар ва бойлар бу вилоятдан қочдилар ҳамда Туркистон ва Тароз яқинида бир шаҳар бино қилиб уни Ҳамукет деб атадилар, ... “Ҳамук” деб, Бухоро тилида гавҳарга айтилади, “кет (кент)” эса – шаҳар, яъни Ҳамукет “Ҳамук – гавҳарнинг шаҳари” демакдир”. Наршахийнинг бу асарида Бухоро вилоятидаги кўплаб топонимлар тўғрисида маълумот топиш мумкин.

Бухоро вилоятидаги географик жой номлари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган яна бир тарихий асар Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асаридир. Бу асарда Мовароуннаҳр, хусусан Бухоро тарихи ёритилган бўлиб, шу билан биргаликда ўлкадаги Бухоро, Вардон (Вардонзе), Ромитан, Байканд (Пойкент) каби бир неча ўнлаб жой номлари ва улардан айримларининг изоҳи ҳам келтириб ўтилган.

В.А.Шишкиннинг “Варахша” (1963) номли монографиясида ҳам Ўрта Зарафшон воҳаси вилоятлари топонимларига доир маълумотлар талайгина. Асарда Бухоро воҳасидаги археологик ёдгорликлар, воҳанинг суғорилиш хусусиятлари билан бир қаторда у ердаги жой номларининг таркиб топиш тарихи ҳам қисқача баён қилинган.

Бугунги кунда бевосита вилоят топонимларини ўрганишга бағишланган ишлар жуда кам. Мавжуд ишларда вилоятдаги географик жой номлари фақат тарихий ва асосан, лигвистик нуқтаи назардан ўрганилган ҳолос. Географик жиҳатдан эса ҳали яхши ўрганилмаган.

¹ Зарафшон дарёсининг ўрта асрлардаги номларидан бири.

² Бутамон – Зарафшон тизмасининг ўрта асрлардаги номи.

³ Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) // Таржимон: Омонулло Бўриев. – Т.: “O’zbekiston”, 2008. - 9-бет.

⁴ Бу ерда Араб халифалиги таркибига кирган Сомонийлар давлати назарда тутилган.

⁵ Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) // Таржимон: Омонулло Бўриев. – Т.: “O’zbekiston”, 2008. - 11-12 бетлар.

Ўзбекистон топонимиясини ўрганиш бўйича етук олим Суюн Қораевнинг бир қанча асарларида Ўрта Зарафшон воҳаси, Бухоро вилояти топонимлари тўғрисида маълумотлар бор. Муаллифнинг “Географик номлар маъносини биласизми?” (1970), “Географик номлар маъноси” (1978), “Топонимия Ўзбекистана” (1991), “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” (2005), “Торонимика” (2006) номли луғат ҳамда қўлланмаларидан Бухоро вилоятидаги айрим жой номлари (асосан макротопонимлар) ва уларнинг изоҳига доир маълумотларни топиш мумкин. С.Қораев асарларида учрайдиган Бухоро вилоятидаги географик жой номларининг асосий қисмини ойконимлар ташкил этади.

Вилоят топонимлари лингвистик нуқтаи назардан дастлаб филологлар –С.Н.Найимов ва қисман Н.Охуновнинг¹ ишларида ўрганилган.

Саъди Найимов 1984-йилда “Бухоро вилояти ойконимлари (Ойконимы Бухарской области)” номли тадқиқот ишини бажарди ва ўзининг “Бухоро области топонимияси (жойлар номлари)” (Тошкент,1984. -23 б.) номли қўлланмасини нашр эттирди. Қўлланмада муаллиф Бухоро вилояти жой номларига доир тарихий манбалар ва улардаги маълумотлар, вилоятдаги айрим жой номлари ҳамда уларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритган. Шу билан бирга қўлланма сўнгида жами 27 жой номини ўз ичига олувчи “топонимик луғатча” ни келтириб ўтган. Кейинчалик муаллиф ўзининг бу борадаги илмий ишларини, мақола ва қўлланмаларидаги маълумотларни умумлаштириб “Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати” (Бухоро, 1997. - 63 б.) номли қўлланмасини нашр эттирди. Бу қўлланма ҳозирги кунга қадар вилоят топонимиясини ўрганиш бўйича тузилган ягона топонимик луғатдир.

Филолог Н.Охуновнинг¹ “Жой номлари таъбири” (Т.: “Ўзбекистон”, 1994) номли географик жой номларининг изоҳли луғатида вилоятдаги 10 дан ортиқ географик жой номлари, уларнинг келиб чиқиши ва қисқача изоҳи келтириб ўтилган.

Филолог олимлардан яна бири, А.Аслонов 2005-йилда “Шофиркон тумани микро-топонимиясининг лингвистик таҳлили” номли тадқиқот ишини бажарди ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Бу ишда Шофиркон туманидаги кичик жой номлари – микротопонимлар ҳамда уларнинг лингвистик жиҳатлари ўрганилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўрта Зарафшон воҳаси топонимларини ўрганиш бўйича тарихий ва лингвистик нуқтаи назардан бир қанча ишлар амалга оширилган – китоблар, илмий мақолалар нашр қилинган, ҳатто номзодлик диссертациялари ҳам қилинган. Аммо, вилоят топонимлари географик жиҳатдан унчалик яхши ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан Ўрта Зарафшон воҳаси топонимларини географик жиҳатдан ўрганиш бугунги кун заруратидир. Сўнги икки йил ичида Х.Тошов ва А.Неъматов, А.Мавлонов ва А.Қодиров, М.Миракмалов ва М.Авезов ҳаммуаллифликларида ҳамда Ю.Раҳматов муаллифлигида нашр қилинган 20 га яқин мақолаларда вилоятлар ва унинг айрим ҳудудлари топонимлари ҳамда уларнинг изоҳи баён қилинган. Ўйлаймизки, бу каби келажак топонимик ва географик тадқиқотлари юқоридаги масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган манбаа ва адабиётлар:

1. Аслонов А. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: “Университет”, 2005.
2. Найимов С.Н. Бухоро области топонимияси. – Т.: 1984. – 23 б.
3. Наршахий. Бухоро тарихи /“Меърос”туркумидан/. – Т.: “Камалак” нашриёти, 1991. - 82-174 бетлар.
4. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар / Тўпл.: С.Аҳмад/. – Т.: “Адабиёт ва санъат” , 1990. – 96 б.
5. Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи) // Таржимон: Омонулло Бўриев. – Т.: “O’zbekiston”, 2008. -64 б.

¹ Носиржон Охунов аслида Қўқон атрофи топонимларини ўрганган.

ТАДҚИҚОТЛАРДА ШАРҚИЙ ЧИГАТОЙ УЛУСИ ТАРИХИ

PhD., доц. Севинч Улашова

Тошкент Амалий фанлар университети

Абстракт. Жаҳон тарихишунослигида Чигатой улуси тарихига бағишланган тадқиқотлар саноқли. Уларда улусни даврлаштириши масаласи турлича келтирилади. Тадқиқотларда Чигатой улуси фаолияти хусусида 1224-1345, 1227-1370, 1260-1678 ва бошқа саналар кўрсатилади. 1335-1340 йилларга келиб Ила водийсида юзага келган тоғжу тахт курашлари натижасида Чигатой улуси иккига бўлинади. Ғарбий Чигатой улуси амалда 1346 йил Қозонхоннинг ўлдирилиши билан якун топди. Шарқий Чигатой улуси 1347 йилдан Туглуқ Темур Ила водийсида ҳокимиятни қўлга олиши билан бошланади. Туглуқ Темурнинг авлодлари Қошғар, Хўтан, Ёркенд, Кошон, Ахсикент, Андижон, Оқсув, Отбоши, Кусон каби йирик шаҳарларни ўз ичига олган шарқий Чигатой улусини 1678 йилга қадар идора қилдилар.

Калим сўзлар: Чигатой улуси, Туглуқ Темур, шарқий Чигатой улуси, Мўғулистон, дуғлотлар, Ила водийси, Султон Саидхон

Абстракт. В мировой историографии имеется всего несколько исследований, посвященных истории племени Чигатай. В них по-разному поставлен вопрос о периодизации улуса. В исследованиях вопрос о периодизации улуса. В исследованиях указываются 1224-1345, 1227-1370, 1260-1678 и другие даты деятельности племени Чигатай. К 1335-1340 годам в результате борьбы за корону в долине Ила род Чигатай разделился на два. Династия Западных Чигатай практически прекратила свое существование в 1346 году с убийством Казанского хана. Восточный Чигатайский улус берет свое начало в 1347 году, когда Туглуқ Темур захватил власть в долине реки Ила. Потомки Туглука Темура правили восточным Чигатайским улусом, в который входили такие крупные города, как Кашигар, Хотан, Ёркенд, Кошан, Ахсикент, Андижан, Аксув, Отбоши, Кусон, до 1678 года.

Ключевые слова: Чигатайским улусом, восточночигатайское улус, Туглуқ Темур, Монголия, дуғлаты, долина Ила, Султан Саидхан.

Abstract. There are few studies on the history of the Chaghatay nation. Those that exist address the issue of ulus periodization differently. The studies indicate the dates of the Chaghatay nation's activities lasting from 1224-1345, 1227-1370, 1260-1678 and more. As a result of struggles to obtain the crown and the throne in the Ila Valley between 1335 and 1340, the Chaghatay domain was divided. The western Chaghatay nation ended with the murder of Kazan Khan in 1346. The eastern Chaghatay nation began with the capture of power in the Ila Valley beginning in 1347. The descendants of Tugluk Timur ruled the eastern Chaghatay Ulus until 1678, which included major cities such as Kashgar, Khotan, Yorkend, Koshan, Akhsikent, Andijan, Aksu, Otbashi, Kusun. This present study will clarify this.

Keywords: Chaghatay ulus, Tughluk Temur, eastern Chaghatay ulus, Mongolia, Ila Valley, Sultan Saidkhan.

Чингизхон ва мўғул улуслари тарихи ўтган икки асрдан буён шарқ ва ғарб олимларини кизиштириб келаётган мавзулардан биридир. Ўтган давр мобайнида мўғуллар тарихи доирасида юздан ортиқ тадқиқотлар амалга оширилди. Ҳозирда ҳам дунёнинг турли илмий муассасаларида бу борада йирик тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Чингизхон ва мўғул улуслари мавзуси Р. Гроуссет, Т.Т. Аллсен, Ж. Аубин, Н. де Бруно, П.Д. Никола, Ж. Чамберс, Ж. Элверског, Р. Хук, С. Тарнбул ва бошқаларнинг тадқиқотларида акс этган¹. Тадқиқотларда асосан Чингизхоннинг

¹ Grousset R. L'Empire des Steppes. – Paris, 1939. – 398 p.; Allsen T.T. Mongol imperialism. The policies of the Grand Qan Monke in China, Russia and the Islamic Lands, 1251-1259. – Berkeley and Los-Angeles: Univ. of California, 1987. – 278 p.; Allsen T.T. Ever Closer Encounters: The Appropriation of Culture and the Apportionment of Peoples in the Mongol Empire // JEMH.– 1997. № 1. – P. 2-23.; Aubin J. Le khanat de Čağatai et le Khorosan (1334-1380) // Turcica. – 1976. № VIII. – S. 16-60.; Bruno de N. Women in mongol Iran. The Khātūns, 1206-1335. – Edinburg, 2017. – x+288 p.; Buell P.D. Historical Dictionary of the Mongol World Empire. – Oxford, 2003. – xlii+337

турк-мўғул халқларини бирлаштириб, янги давлат барпо қилиши, дастлабки Чингизий хукмдорлар (Ўқтой, Қайду, Мунка, Хулагу, Ариқ Буко, Хубилай ва бошқ.), Олтин Ўрда, Элхонийлар давлати, Хитойдаги мўғул улуси тарихи ёритилган. Муаллифлар кам ўринларда, асосан улусларнинг ташкил этилиши, улуслараро муносабатлар ва бошқаларда Чиғатой улуси хусусида ҳам тўхталганлар. Жаҳон тарихшунослигида Чиғатой улуси тарихига бағишланган тадқиқотлар санокли. Хусусан, Р. Амитай, М. Биран, М. Кафали, С. Хизматли, Х. Ким, Л. Енгшенг, Г. Ачилова ва бошқа тадқиқотчиларнинг қатор мақола ва монографияларида у ёки бу жиҳатдан ўрганилган¹. Аксар ишларда Чиғатой улусининг фаолияти даври турлича кўрсатилади. Бир гуруҳ хориж тадқиқотларида бу 1227-1345 йиллар деб кўрсатилса² (амир Қазағон Қозонхонни ўлдириши (Муиниддин Натанзийга кўра, Қозонхон 1346 йилда ўлдирилган³) билан Чиғатой улуси амалда тугатилган дейилса), маҳаллий тадқиқотларда асосан 1227-1370 йиллар сифатида белгиланади⁴. Мўғул улуслари тарихини чуқур тадқиқ қилган М. Биран бошқа улуслар қаторида Чиғатой улуси ҳам 1260 йилда ташкил топиб, 1678 йилгача фаолият кўрсатган, дейди⁵.

Маълумки, Қозонхон хукмронлигини асосан Мовароуннаҳрда ўтказган. Унгача ва ундан кейин ҳам кўчманчи турк-мўғул халқлари учун улуснинг маркази саналган Или водийсида тинимсиз тожу тахт кураши давом этган. Қозонхон ўлимидан сўнг амир Қазағон Мовароуннаҳр ва Хуросонни эгаллагач, Или водийсидаги тўхтовсиз курашларда 1347 йил Туғлуқ Темур ғалаба қозонади. 1346 йил Чиғатой улусининг Мовароуннаҳрдаги ғарбий шаҳобчаси амалда тугатилган. 1347 йилдан улуснинг Или водийсидаги янги шарқий шаҳобчаси ўз фаолиятини бошлади. Чиғатой улуси хукмдорлари Мовароуннаҳр ва Хуросонни бой берган бўлса ҳам, Ила водийсидаги хукмронлиги давом этди. Аксар тадқиқотларда 1347 йилдан бошланган Туғлуқ Темур ва авлодларининг хукмронлиги Чиғатой улусининг мантикий давоми эмас, янги Мўғулистон давлати сифатида тилга олинади⁶. Туғлуқ Темур эса бу давлат асосчиси деб кўрсатилади. Аслида бу янги сулола ёки давлат бўлмай, Чиғатой улуси таркибига кирувчи ҳудудда Қозонхондан кейин хукмронликни кўлга олган навбатдаги хонзода бошқаруви эди.

Чингизхон 1224 йил империяси ҳудудини ўғиллари ўртасида тақсимлаганда, Чиғатойга Қошғар, Етгисув ва Мовароуннаҳр бириктирилади⁷. Дастлабки йилларда улус маркази Или дарёси водийсида эди. Туғлуқ Темур ҳам Чиғатой хукмдорлари орасида мамлакатни Или

p.; The Cambridge History of Inner Asia. The Chinggisid Age. Ed. Nicola de C., Allen J. F., Golden P.B. – Cambridge, 2009. – xxvii+488 p.; Elverskog J. Our Great Qing. The Mongols, Buddhism and the State in Late Imperial China. – University of Hawai'i Press Honolulu. 2006. – xvii+242 p.

¹ Biran M. Central Asia from the Conquest of Chinggis Khan to the Rise of Tamerlane: The Ögödeid and Chaghadaid Realms // The Cambridge History of Inner Asia. Vol. 2: The Chinggisid Age / Di Cosmo N., Golden P.B., Frank A (eds.). – Cambridge: Cambridge University Press, 2009: P. 46-66.; Biran M. Qaidu and the Rise of the Independent Mongol State in Central Asia. – Richmond, Great Britain: Curzon Press, 1997. – x + 198 p.; Biran M. The chaghadaids and Islam: The conversion of Tarmashirin khan (1331-1334) // Journal of the Oriental Society. – 2002. - № 122.4. P. 742-752.; Biran M. The Mongol Transformation: from the Steppe to Eurasian Empire // Medieval Encounters. – 2004. № 10. – P. 338-361.; Amitay R., Biran M. Mongols, Turks and others. Eurasian Nomads and the Sedentary World. – Leiden-Boston, 2005. – 552 p.; Amitay R. Mongols and Mamluks. The Mamluk – Ilkhanid War, 1260-1281. – Cambridge, 1995. – 272 p.; Amitay R., Biran M. Nomads as agents of cultural change. The Mongols and Their Eurasian Predecessors. - University of Hawai'i Press Honolulu. 2015. – 350 p.; Kim H. The Early History of the Moghul Nomads. The Legacy of the Chaghatai Khanate // The Mongol Empire and its Legacy. – Leiden, 1999. – P. 290-318.; Liu Yingsheng. Chahatai hanguo shi yanjiu // Studies on the History of the Chaghadaid Khanate. – Shanghai, 2006. – P. 434-474.

² Kafalı M. Çağatay Hanlığı. – Ankara, 2005. – S. 140.

³ Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. – Б. 45.

⁴ Ачилова Г. Мовароуннаҳрнинг Чиғатой улуси таркибидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти (1227-1370 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 51 б.

⁵ Biran M. Mobility, Empire and Cross-Cultural Contacts in Mongol Eurasia (Mongol) // Medieval worlds. №8. 2018. – P. 137. М. Биран 1260 йилда Улуғ юртда юзага келган танг сиёсий аҳволдан фойдаланган улуслар коонликдан мустақил сиёсат юрита бошлаганини улусларнинг ташкил топиш даври деб ҳисоблайди. Аммо 1260 йилгача ҳам улуслар коонликка бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатган.

⁶ Kim H. The Early History of the Moghul Nomads. The Legacy of the Chaghatai Khanate // The Mongol Empire and its Legacy. – Leiden, 1999. – P. 290-318. Юдин В.П. Могулы. Центральная Азия в XIV-XVIII веках глазами востоковеда. – Алматы, 2001. – С. 129.

⁷ Жувайний. Тарихи жаҳонгушо/ Бойл-Морган. I. – P. 31-32.

водийсидан туриб бошқарган дастлабки ҳукмдор бўлмаган. Унгача Чиғатой, Қора Хулагу, Есун Мунка, Эргана Хотун, Олғу, Бароқхон, Муборакшоҳ, Никбай, Бука Темур, Дувахон, Кунжукхон, Талигухон, Исен-Бука каби ҳукмдорлар ҳам улусни Или водийсидан бошқарган. Улус марказини Мовароуннаҳрга кўчирилиши Кебекхон даврига тўғри келади. Ундан кейин ўғли Элчигидай ва укаси Тармаширинхон ҳам давлатни Мовароуннаҳрдан туриб идора қилган. 1335 йил Тармаширинхон қатл этилгач, кейинги ҳукмдорлар Женкшихон, Бозанхон, Есун Темур улус марказини қайтадан Или водийсига кўчиради. 1335-1340 йилларда Или водийси тожу тахт кураши майдонига айланади. Тадқиқотларга кўра, айти шу йилларда улус иккига бўлинган¹.

1340 йилда ҳокимиятни қўлга олган Қозонхон марказни яна Мовароуннаҳрга (Қарши яқинидаги Занжирсаройга) кўчиради. Юқорида айтилганидек, Қозонхон ўлимидан сўнг Туғлуқ Темур (1347-1362) Ила водийсида ҳокимиятни қўлга олади. Унинг ворислари Мўғулистонда XVII аср охирларига қадар ҳукмронлик қилади².

Шарқий Чиғатой улуси тасарруфида Қошғар, Хўтан, Ёркенд, Кошон, Ахсикент, Андижон, Оксув, Отбоши, Кусон каби йирик шаҳарлар бўлган. Бу улкан ҳудуд Чиғатой давридан Манглай Субе (Кунгай тараф) вилояти деб юритилган ва уни бошқариш ўша пайтдаги *дуғлот* амири Буложининг бобоси амир Уртубуга топширилган³. Туғлуқ Темургача ва ундан кейин ҳам Манглай Субенинг бошқаруви давлат улусбегилари *дуғлот*лар қўлида қолди. Мирзо Ҳайдарга кўра, Қошғар шаҳри ва Шарқий Туркистон ҳудуди (маркази Оксув) Чингизхон давриданок *дуғлот*ларга тегишли эди. Шарқий Чиғатой улусида давлат бошқаруви, ҳукмдорлар фаолияти, хонзодаларни хонликка кўтариш каби масалаларда *дуғлот* улусбегиларининг таъсири сезиларли бўлган. Улусбеги мамлакатда хондан кейинги шахс ҳисобланган. Шунингдек, уларнинг мўғул хонлари тақдим этган наслдан-наслга ўтувчи имтиёзлари бўлиб, натижада *дуғлот*лар Мўғулистонда амалдаги ҳукмдорга айланган⁴. Улусбегиликка *дуғлот* амирлари орасидан энг ёши улуғи тайинланган⁵.

1347-1533 йилларда шарқий Чиғатой улусида ўнга яқин *дуғлот* амирлари (Амир Тўлак (1347-1359), Амир Буложи (1359-1361/1362), Амир Худайдод (1363-1425), Мир Муҳаммадшоҳ кўрагон (1425-1433), Мир Саид Али (1433/34- 1457), Сонсиз Мирзо (1457/58-1464/65), Муҳаммад Ҳайдар (1464/65-1480), Муҳаммад Ҳусайн кўрагон (1488/89-1508), Сайид Муҳаммад Мирзо (1511-1533) улусбегилик қилганлар.

1362 йил Туғлуқ Темур вафот этгач, ўғли Илёсхожа ҳокимиятни қўлга олади. Шу йили амир Буложи ҳам вафот этиб, улусбегиликка ўғли амир Худайдод тайинланади. Аммо амир Буложининг укаси амир Қамариддин *дуғлот* Илёсхожа ҳокимиятини тан олмай, унга қарши ҳаракатлар олиб боради. У Илёсхожани ва яна ўн саккиз нафар хонзодани ўлдириб, давлатни мустақил бошқарган. Амир Худайдод Туғлуқ Темурдан қолган биргина эмизикли бола – Хизр Хожaxonни қутқариб, Қошғар ва Бадахшон оралиғидаги тоғларга жўнатиб юборади. Хизр Хожaxon улғайгач, 1389 йил амир Худайдод ёрдами билан хонликни

¹ Kafalı M. Çağatay Hanlığı. – Ankara, 2005. – S. 135-140.

² Акимушкин О.Ф. Хронология правителей Восточной части Чагатайского улуса (линия Туғлуқ Тимур хана) Восточный Туркестан и Средняя Азия. Под. Ред. Б.А. Литвинского. – М., 1984. – С. 159.; Kim H. The Early History of the Moghul Nomads. The Legacy of the Chaghatai Khanate // The Mongol Empire and its Legacy. – Leiden, 1999. – P. 290-318.; Liu Yingsheng. Chahatai hanguo shi yanjiu // Studies on the History of the Chaghataid Khanate. – Shanghai, 2006. – P. 434-474.

³ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 59-60.

⁴ “Тарихи Рашидий”га кўра, мўғул хонлари билан *дуғлот*лар ўртасидаги муносабатлар Чингизхон замониданок яқин эди. Чингизхон *дуғлот* амири Уртубуга етгита имтиёз берган. Мазкур имтиёзларга Туғлуқ Темур иккита, Хизр Хожaxon эса учта имтиёз кўшиб, ўн иккитага етказган. Бу имтиёзлар 1533 йил Абдурашидхон томонидан *дуғлот* амирлари қатл қилингунга қадар амалда бўлган. Мирзо Ҳайдар имтиёзлар ёзилган ёрликни ўз кўзи билан кўрганини қайд этади (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Б. 121.).

⁵ Яъни улусбегилик отадан ўғилга эмас, акадан укага ёки бошқа ёши улуғ *дуғлот* амирига ўтиб борган. 1347 йил улусбегиликка Туғлуқ Темурнинг тахтга келишига сабабчи бўлган амир Буложи эмас, унинг акаси амир Тулак тайинланган. Амир Буложи акасида сўнг улусбегиликка тайинланган. Аммо бу одатга ҳар доим ҳам амал қилинавермаган. Масалан, амир Буложи вафотидан сўнг ўрнига укаси Қамариддин *дуғлот* эмас, ўғли амир Худайдод улусбеги этиб тайинланган.

Қамариддин *дуглот*дан қайтариб олади. Хизр Хожохоннинг Амир Темурга қарши олиб борган жанглари ва кейинчалик қариндошлик алоқаларини боғлангани Темурийлар даври манбалари ва тадқиқотларда тилга олинган¹. Хизр Хожохондан сўнг қисқа фурсатда биринкетин ўғиллари Шамъи Жаҳоншоҳ, Нақши Жаҳоншоҳ ва Муҳаммадхон ҳокимиятга келади. Мирзо Ҳайдар Муҳаммадхон даврида улуснинг катта қисми мусулмон бўлганини ёзади². Муҳаммадхоннинг Шермуҳаммадхон ва Шерали Ўғлон деган ўғиллари бўлиб, ундан сўнг ҳокимиятни Шермуҳаммадхон эгаллайди. Шермуҳаммадхон хукмронлигидан сўнг Шерали Ўғлоннинг ўғли Увайсхон ҳокимиятга келади³.

Амир Худайдод 1363-1425 йилларда Хизр Хожохондан Увайсхонгача бўлган хукмдорлар даврида давлат улусбегиси бўлган. Мирзо Ҳайдарга кўра, у юқоридаги олтита хонни тахтга ўтказган ва улар амир Худайдоднинг маслаҳати билан давлатни бошқарган⁴. Ундан сўнг ўғли амир Муҳаммадшоҳ кўрагон (1425-1433) улусбегиликка тайинланади.

Увайсхон даврида мўғул хонларининг мавқеи бир мунча ошган. У мамлакат ҳудудини бирлаштириб, улусга бўйсунмай келаётган қалмоқлар билан жанглари олиб боради. Увайсхондан Эсон Буғохон ва Юнусхон исми икки ўғил қолади⁵. Ундан сўнг ҳокимиятга келган Эсон Буғохон даврида мамлакатда бош-бошдоқликлар юзага келиб, улусдаги баъзи қабилалар бошлиқлари мўғул хонларига бўйсунмай қўяди. Хусусан, Эрзан *борин* (*бахрин*) ва Мирак *туркман* 30 минг уйлик мўғулларга бош бўлиб, Юнусхонни асир олиб Самарқандга кетишади⁶. Мирзо Улуғбек қабил бошлиқларини ўлдириб, Юнусхонни қўлга тушганларнинг бешдан бир қисми билан бирга Шохруҳ Мирзо хузурига жўнатади⁷. Юнусхон бу ерда ўз даврининг етук билимдонларидан, жумладан Шарафиддин Али Яздийдан сабоқ олиб, улғаяди.

Эсон Буғохон даврида улусдаги етакчи қабилаларни мамлакатдан турли ҳудудларга кўчиб ўтиши кузатилади. Жумладан, *чурослар* ва *боринлар* қалмоқлар хукмдори Эсон Тойшининг ўғли Амасанжи Тойши хузуридан, *қалучи*, *булғачи* ва бошқа қабилалар Абулхайрхондан паноҳ топади⁸.

Эсон Буға Темурий хукмдор Абу Саид билан бир неча бор урушиб, Андижон аҳолисининг катта қисмини асир олиб, Қошғар ва Мўғулистонга жойлаштиради. Кўчирилганларнинг авлодлари Мирза Ҳайдар даврида ҳам шу ҳудудда истиқомат қилгани манбада таъкидланади⁹.

Эсон Буғохондан сўнг ҳокимиятга ўғли Дўст Муҳаммадхон келади ва етти йил улусни бошқарди. Ундан Кебек Султон исми ўғил қолади¹⁰. Бу даврда хон билан *дуглот* амирлари ўртасида муаммолар юзага келади. Юнусхон бу муаммоларни бартараф этиб, амир Саййид Али *дуглот*нинг ўғли Муҳаммад Ҳайдарни улусбегиликка тайинлайди. Муҳаммад Ҳайдар даврида Турфон ва Хўтан ҳам Қошғарга тобе эди. Амир Саййид Али *дуглот*нинг набираси Абу Бакр *дуглот* хонга бўйсунмаслик йўлини тутиб, Қошғарни 48 йил мустақил бошқаради. Абобакр *дуглот* Қошғар, Ёркенд ва Хўтан шаҳарларини бирлаштириб, 1465 йилда Ёркенд хонлигига асос солади¹¹. Бу даврда Қошғар аҳолисининг аксарияти Андижонга кўчиб ўтади.

Юнусхон Эсон Буғохон давриданок ҳокимият учун бир неча бор натижасиз ҳаракатлар олиб боради. У Мўғулистонга қайтгач, *кунжи* қавми амирлари ва айрим тарқоқ мўғул қавмлари хон хизматига ўтади. Юнусхон улусни Тошкентдан туриб бошқаради. У

¹ Ака Ё. Timur ve Devleti. – Istanbul, 2000. – S. 32.

² Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Тошкент, “Шарқ”, 2010. 122-бет.

³ Ўша асар. – Б. 123.

⁴ Ўша асар. – Б. 131.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Ўша асар. – Б. 136-137.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Ўша асар. – Б. 142.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Ўша асар. – Б. 150-151.

¹¹ Кутлуков М.К. К истории взаимоотношений Яркендского ханства и Китая в XV-XVII вв. // Новое в изучении Китая. – М., 1988. – С. 35-44.

Темурийлар саройида тарбия топган хон сифатида улар билан илиқ муносабатларни сақлаб қолди. У улус ичидаги бошбошдоқликларга чек қўйиш учун Абобакр *дуғлот*га қарши курашади. 1480 йил Юнусхон ва Муҳаммад Ҳайдарнинг бирлашган қўшини жангда енгиледи.

1486 йил Юнусхон вафот этгач, ҳокимиятга бирин-кетин ўғиллари Султон Аҳмадхон ва Султон Маҳмудхон келади. Бу даврда мўғул хонлари ва Темурий ҳукмдорлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Хусусан, Темурий Султон Аҳмадхон мўғул хони Султон Маҳмудхонга қарши 50 минг кишилик қўшин тўплайди. Қўшин сафида Муҳаммад Шайбонийхоннинг 300 навқари ҳам бор эди. Натижасиз жанглар икки сулола ҳукмдорларининг ҳам кучсизланишига сабаб бўлади. Шайбонийхон мустаҳкамланиб олгач, ака-ука мўғул хонларига қарши курашиб, уларни енгади. Хонларни Мўғулистонга қайтариб, уларнинг қўшинини ўзи билан олиб қолади. У мўғуллар қўшинидан кейинги юришларида фойдаланади.

Султон Аҳмадхон билан улусдаги етакчи қабилалар бошлиқлари ўртасида келишмовчиликлар, *қалучилар* ва *қозоқлар* билан давом этган узоқ тўқнашувлар давлат бошқарувини янада кучсизлантиради. 1503 йилда Султон Аҳмадхон вафот этгач, ундан 18 нафар ўғил қолган бўлса ҳам укаси Султон Маҳмудхон хонликка кўтарилади. Султон Маҳмудхон ҳукмронлиги ҳам узоққа бормайди. 1509 йил Шайбонийхон уни оиласи, барча фарзандлари билан бирга Хўжанд дарёси бўйида ўлдиради¹.

Султон Маҳмудхондан сўнг ҳокимиятга Мансурхон ибн Султон Аҳмадхон келади. У давлатга бўйсунмай келаётган қирғизлар ва бошқа элатларни Чалиш ва Турфонга кўчишга мажбур қилади. Унинг ҳукмронлиги ҳам узоқ чўзилмайди. Шайбоний ҳукмдорлар улус ҳудудларини ҳам қўлга кирита бошлайди. 1514-1533 йилларда ҳокимиятга Султон Саидхон келади². Унинг даврида шарқий Чиғатой улуси ўзининг аввалги нуфузини бир мунча тиклашга муваффақ бўлади. 1533 йилда унинг вафотидан сўнг хонликка келган Абдурашидхон *дуғлотларнинг* етакчи амирларини қатл этиб, уларнинг улусбегилик фаолиятига чек қўяди³. У Шайбонийларга сингисини бериб, қариндошлик алоқаларини боғлайди. Ундан кейин ҳокимиятга ўғли Абдуллакаримхон келади.

Мирзо Ҳайдар шарқий Чиғатой улусининг Абдуллакаримхонгача бўлган ҳукмдорлари хусусида маълумотлар келтиради. Тадқиқотларга кўра, Туғлуқ Темурнинг авлодлари улусга XVII аср охирларига қадар ҳукмронлик қилган. Юқорида эслатилган хонлар асосан Мўғулистонда ҳукмронлик қилган бўлса ҳам, улар Мовароуннаҳр билан узвий алоқадорликни сақлаб қолганлар. Хусусан, Тошкент, Ўратепа, Андижон ва унга қўшни ҳудудлар бир муддат шарқий Чиғатой улуси таркибига кирди.

Хулоса қилганда, Чиғатой улуси Тармаширинхон қатлидан сўнг юзага келган тожу тахт кураши натижасида иккига бўлинади. Улуснинг ғарбий шаҳобчаси Қозонхон ўлими билан амалда тугалланган бўлса, шарқий шаҳобчаси XVII асрнинг охирларига қадар давом этиб, унда 20 дан ортиқ хонлар ҳокимиятга келди. Аксар тадқиқотларда Чиғатой улуси фаолиятини даврлаштириш Қозонхон ўлими ёки Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши билан чегараланади. Манбаларда кўрилганидек, Чиғатой улуси хонлари улус ҳудудида XVII аср охирларигача ҳукмронликни сақлаб қолганлар. Асосан ғарб тарихшунослигида Темурийлар сулоласининг мантиқий давоми бўлган Бобурийлар давлатини Буюк Мўғул империяси сифатида киритилиши нотўғри талқин бўлгани каби бизнингча, шарқий Чиғатой улусини алоҳида давлат деб қараш, унинг фаолиятини улус даврий чегарасига киритмаслик ҳам тарихий фактларда ноаниқликни келтириб чиқаради. Шунга кўра, Чиғатой улуси XIII асрнинг биринчи чоракларидан XVII асрнинг охирларига қадар фаолият кўрсатди. Улус 1335-1340 йилларда иккига бўлинди ва ғарбий қисми Қозонхон ўлими билан амалда тугади. Аммо Темурий Абу Саидгача бўлган ҳукмдорлар Чиғатой наслидан “қўғирчоқ хон”ларни расман хонликка тасдиқлашди.

¹ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Б. 186-187.

² Манбанинг бошқа жойида Султон Саид 1511 йил Абобакрдан Қошғарни тортиб олиб, ҳокимиятга келгани айтилади. Ўша асар. – Б. 381.

³ Ўша асар. – Б. 214.

ШАЙБОНИЙХОН ВА УБАЙДУЛЛАХОННИНГ БУХОРО ХОНЛИГИ ТАШКИЛ ТОПИШИДАГИ ТАРИХИЙ ЎРНИ

Тожиёв Достонжон Бекназар ўгли

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада XV аср охири ва XVI аср биринчи чорагида Мовароуннаҳр ҳудудида Бухоро хонлигининг ташкил топиши, бу жараёнда Муҳаммад Шайбонийхон ва Убайдуллахоннинг тарихий хизматлари, амалга оширган ишлари ва ҳарбий юришларининг аҳамияти хусусида баён этилган. Бухоро хонлигининг барпо қилинишида Эрон сафавийларига қарши муваффақиятли қаршилик кўрсатилгани, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг маълум муддатга бирлаштирилишида Убайдуллахоннинг ўрни қай даражада бўлганилиги ҳақида фикрлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Дашти Қипчоқ, Ўзбек улуси, Мовароуннаҳр, Хуросон, Абулхайрхон, Бобур Мирзо, Мавлоно Муҳаммад Хитойи, Шоҳ Исмоил, Маҳмуд Султон, Нажми Соний, Эрон сафавийлари.

Аннотация. В данной статье рассказывается о создании Бухарского ханства в районе Моваруннахра в конце XV века и первой четверти XVI века. Упомянутся успешное сопротивление иранским Сефевидам в создании Бухарского ханства, роль Убайдулла-хана в объединении Моваруннахра и Хорасана на определенный период времени.

Ключевые слова: Мухамед Шейбани-хан, Убайдулла-хан, Дашти Кипчак, Узбекский государство, Мавероунахр, Хорасан, Абул-Хайр-хан, Бабур-мирза, Маулана Мухамед Китайи, Шах Исмаил, Махмуд Султан, Наджми Сони, Сефевиды Ирана.

Abstract. This article describes the establishment of the Bukhara Khanate in the Movarunnahr region at the end of the 15th century and the first quarter of the 16th century. The successful resistance against the Iranian Safavids in the establishment of the Bukhara khanate, the role of Ubaidullah Khan in the unification of Movarunnahr and Khorasan for a certain period of time are mentioned.

Key words: Muhamed Shaibani Khan, Ubaidullah Khan, Dashti Kipchak, Uzbek khanate, Movarounahr, Khorasan, Abul Khair Khan, Babur Mirza, Maulana Muhammad Khitai, Shah Ismail, Makhmud Sultan, Najmi Sani, Safavids of Iran.

XVI асрнинг дастлабки йилларида ташкил топган ва кўпроқ Шайбонийлар давлати сифатида эътироф қилинадиган Бухоро хонлиги бир қатор курашлар, сиёсий низолар, ташқи душманлар ҳужумларига муносиб жавоб қайтаролган шайбонийзодаларнинг ҳаракати билан барпо қилинган. Бу интилишлар асосида мустақил ва марказлашган давлат ғоясининг бош ўринда бўлиши ҳамда ўз вақтида бирлашиб ҳаракат қила олган Шайбонийхон бошчилигидаги Дашти Қипчоқ қабилалари яқунда бош мақсадларини тўла амалга оширганлар.

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий тарқоқлик, боб-бошдоқлик, ўзаро низоларнинг кучайиши мамлакатни инқирозининг бош омили бўлган. Зеро бу даврда ёш теурий шаҳзодалар сиёсий салоҳият жиҳатидан заиф, ҳарбий жиҳатдан кучсиз, дипломатик томондан у қадар тажрибага эга эмасдилар. Бу вақтда Мовароуннаҳр ва Хуросон аслида Амир Теурунинг авлодлари бошқаруви остида бўлса ҳам амалда икки тараф бир-бирлари билан мураса қиладиган аҳволда эмасдилар. Айни шу ҳолат уларнинг бирлашишларига тўсқинлик қилган бўлса, Шайбонийхон ва унинг тарафдорларини янада жипслашувига туртки берган. Бу эса бир қанча вақт Мовароуннаҳрда яшаб, мавжуд ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий аҳволни ўз кўзи билан кўрган, ўрганган Шайбонийхон учун қўл келди. У яхши қуроолланган, яхши ҳарбий тайёргарликка эга қўшин билан Мовароуннаҳрга кириб келган вақтда қарши томонда унинг қўшини билан тенглаша оладиган теурийларнинг кучли қўшини йўқ эди. Бу жараёнлардаги омад Дашти Қипчоқликлар томонида бўлиши эса кейинчалик, эгалланган ҳудудларда Бухоро хонлигининг ташкил топишидаги дебоча вазифасини ўтаган.

Аввало Шайбонийхоннинг Мовароуннахрда давлат барпо қилишга қадар бўлган даврдаги ҳаётига тўхталиш лозим. Ўзбеклар хони Абулхайрхоннинг¹ набираси бўлган Шайбонийхон ёшлигидан ҳокимиятни қўлга киритишга интилди. Бунинг боиси, бобосининг вафотидан сўнг у яратган давлатнинг узоқ яшамагани бўлса, яна бири Бухорода яшаган йилларида темурийларнинг аҳволи, ўзаро алоқалари, қўшини ва ҳарбий фаолиятларини имкон қадар ўрганганлигидир.

Болаликдан лақаб бўлган Шоҳбахт номи сабаб атрофидагиларда ўзининг ёшлигига қарамасдан истиқбол учун, келажак учун порлоқ умидларни туғдирган. Бу умидлар якуни барча тарқоқ кўчманчилар хоҳлагандек тугади. Аммо орада бир қанча синовлар, тўсиқларни енгиб ўтиш мушкулоти бор эди ва улар ҳам тўла ечилади. Шайбонийхон ўзининг кучли салоҳияти ва ҳарбий тажрибаси сабабидан ҳам яқин ўтмишда ҳар тарафга сочилган ўзбек қавмларини нафақат атрофига йиға олди, балким, кейинги порлоқ ғалабалар, зафарли одимлар учун дадил етаклай ҳам олди.

Шайбонийхон ёшлигидан илмга чанқоқ, ислом динига оид кўплаб билимларни кунт билан эгаллашга интилган. Ҳокимиятдан айро бўлиб, яшаш шароити ҳам ўртача бўлган даврда бўлажак ҳукмдор асосий вақтини илм-фанга, ислом таълимотини чуқурроқ эгаллашга қаратган. Унинг “қозоқлик”² йиллари ҳам беҳуда ўтмаган. Ўз вақтида Бухорода таълим олган Шайбонийхон тожу тахтдан йироқ дамларини шеърят билан бирга ўтказгани ҳам маълум. Бу эса унинг ўз даври ижодкор ҳукмдорилардан бири бўлганига далил. Бобур Мирзо ҳам сиёсий рақиби ижодкор шоир, бой тажриба ва ислом дини таълимотлари борасида ҳам ўзига хос билимларга эга бўлганлигини таъкидлаб, китобида баён этган³.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Шайбонийхонга берган таърифларидан бири унинг шоирлик истеъдодига эгаллигидир. Ушбу истеъдод эса Шайбонийхон Мовароуннахрда дарбадарликда яшаган йиллари, ҳарбий ҳаёт, сиёсий жараёнлар ҳамда тожу тахтнинг жафоларидан зерикиб илм-фанга эътибор қилган даврда шаклланган. Ўрта Осиёнинг маданий марказларида илму маърифатнинг йирик намоёндалари билан яқиндан танишув Шайбонийхонга ўзига хос ижобий таъсир кўрсатган. Айниқса, Бухорода ҳаёт кечирган йилларида у бир қатор уламолардан илм олган. Жумладан, “Қуббат ул-ислом”⁴ номи билан машҳур бўлган шаҳарнинг энг яхши Қуръон ўқувчи қориларидан бўлган Мавлоно Муҳаммад Хитойи Шайбонийхонга дарс берган⁵.

Бухорода яшаш Шайбонийхонга келажак учун режалар тузишига имкон бергани эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки Бухоро ҳам темурийларнинг йирик марказларидан бўлиб, мамлакатда содир бўлаётган кўплаб ҳодисаларнинг дараги келиб турарди. XV асрнинг 70-80 йилларида Мовароуннахрдаги сиёсий вазият бир текис ҳолатида кўринсада, аслида бу сокинлик ортидан катта бир силкиниш рўй беришини англаш мумкин эди. Шу сабабдан ҳам Шайбонийхон темурийларнинг қўшини, ҳарбий аҳволи, аҳолининг қандай кайфиятда эканлиги ва бошқа муҳим жиҳатларни ўрганди. Ўзига керакли тарафдорларни излади. Ўз ўрнида улардан манфаатлари йўлида фойдаланишга эришди.

Манбада таъкидланишича, Шайбонийхон бобосининг салтанатини тиклаш йўлида кўплаб жанглар олиб борган. Бу беъжизга эмасди. Чунки кўчманчи ўзбекларнинг азалдан эркинликка ўрганган қавмлари бўйсуннишдан доимо бош тортганлар ва бу эса ҳар сафар қабилавий итоатсизликлар сабаб янги юришлар ташкил этилишининг сабаби бўлган. Шайбонийхон XV асрнинг сўнги чорагида Дашти Қипчоқда ўзи истагандек бирлашган давлатни шакллантиришга эриша олган. Мовароуннахр эса унинг кейинги режасида эди ва

¹ Абулхайрхон (1412 – 1468) – Дашти Қипчоқдаги Ўзбек улусининг асосчиси ва Шайбонийхоннинг бобоси. Ўз вақтида темурий Абусаид Мирзога Мовароуннахр тахтини эгаллашида катта ёрдам берган.

² “Қозоқлик” – XV – XVI асрларда ҳокимият учун курашда мағлубиятга учраб, ўз эл-юртидан ажраб бошқа ерларда юрган шахзодалар “қозоқ”, уларнинг шундай юриш-турмуши эса “қозоқлик” деб аталган.

³ Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015. B. 140.

⁴ “Қуббат ул-ислом” – “Ислом динининг гумбази”. Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайтишида Бухоро шаҳри марказга айланган. Бухоро мадрасаларидан жуда кўп етук фикшшунос олимлар, қозилар, имомлар етишиб чиққан. Шу боисдан Бухоро IX асрдан бошлаб шу ном билан шухрат топади.

⁵ Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) // маъс. мух. М.М.Хайруллаев. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. Б. 262.

асосий иш бажарилгач темурийлар билан тўқнашишга тўсиқ қолмайди. Манбада келтирилганидек: “Ёш шахзода мухалиф лашкари кўплиги ва ёронлар озлигини хаёлига ҳам келтирмади ва сира ҳам чўчимай, ҳеч бир тап тортмай, Аҳмадхон сари кураш ва урушга отланиш мақсадида жасурлик этагини ҳиммат белига маҳкам боғлаб, йўналиш юзини ўша томонга қаратди”¹. Шайбонийхонга Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларини осон эгаллашида XV асрнинг охирига келиб унга муносиб рақибларнинг қолмаслиги ҳам катта ўрин тутади. 1494 йилда Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзо, бироз ўтиб Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад, 1495 йилда Султон Маҳмуд Мирзонинг вафот этишлари ва уларнинг ўрнини эгаллаган ёш ҳукмдорларда ҳарбий-сиёсий тажрибанинг етишмаганлиги, ҳали мустаҳкам ҳокимият туза олмаганлиги ҳамда бир-бири билан ўзаро дипломатик муносабатларни мустаҳкамлаб олмагани ҳам бош сабаблардан бўлди². Шайбонийхон Амир Темурнинг салтанати ерларига қўшин тортиб келган вақтда унга қарши ҳеч ким муносиб курашолмади. Тарқоқликка учраган ҳудудларни эса Дашти Қипчоқ қўшинлари яхшигина бир ҳамла билан ўзларига бўйсундирганлар.

Шайбонийхон ўз ворисларига катта ҳудудларни ишғол этиб, мерос қолдирган. Мовароуннаҳр ва Хуросонни қўл остида жамлагач яна янги ҳудудларни эгаллаш иштиёқи уни Эрон сафавийлари билан тўқнашишга ундаган. Бироқ, Шоҳ Исмоил билан Марв яқинида бўлган сўнгги жанг Шайбонийхоннинг мағлубияти ва шу қаторда ҳалокати билан ҳам тугаган. Манбалардаги фикрлардан хулоса қилсак умрининг охирларида Шайбонийхон анчайин такаббурлик билан сафавийларни менсимаган, ўз кучига ортиқ даражада ишониб, ёрдамчи кучлар билан бирлашишга интилмаган. Бошқа шайбонийзодалар эса бу мағлубиятдан ўзларига хулоса ясаб Эрон сафавийлари билан қайта тўқнашмаслик чорасини кўрганлар. Шу воқеалардан кейин, Хуросон Шайбонийлар давлати таркибидан тўла чиқиб кетиши оқибатида Мовароуннаҳр ва Хуросонни боғлаб турган қадимий анъаналар йўли ҳам бир қадар даражада айрилиб қолган.

Шайбонийлар сулоласининг кучли бошқарувчиларидан бири сифатида эътироф қилинган вакили Убайдуллахон Муҳаммад Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд Султоннинг фарзанди бўлган. Убайдуллахон ҳарбий маҳорат, шухратпарастлик ва жасорат бобида сулоласининг бошқа вакилларида устун эди. Тўлиқ исми Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будоғ Султон ибн Абулхайрхон. Отасининг илтимосига кўра, унга Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўз исмини берган. Унга давлат арбоби ва саркарда амир Абдулла Яманий³ ҳарбий санъатдан сабоқ берган ва ўзига мурид қилиб олган.⁴

Хоразм ва Бухоро ҳокими бўлган отаси Маҳмуд Султон 1504 йили Қундузда вафот этгач, унга Ўрусбек Дўрмон⁵ оталиқ қилиб тайинланган. Убайдуллахон амакиси Шайбонийхоннинг 1505 йилда Хоразмга, 1506 йилда Балхга, 1507 йилда эса Ҳирот ва Машҳадга қилган ҳарбий юришларида қатнашган. Бу юришларда ҳар томонлама тажриба ва маҳорат тўплаган Убайдуллахон амакисининг ўлимидан кейинги воқеаларда сулоланинг муносиб вориси сифатида биринчи ўринга чиқади.

Марвда Шайбонийхоннинг ҳалок бўлиши ортидан у тузган давлатга қарши катта хавф юзага келди. Қолган шайбонийзодалар учун мавжуд вазиятни ўз фойдаларига ҳал этишдаги ягона йўл яна бир маротаба қатъий бирлашиш ва жиддий рақибга нисбатан муносиб қаршилиқ кўрсатиш эди. Сафавийларнинг Мовароуннаҳрга ҳам бостириб кириши аниқ бўлгач Убайдуллахон ва Шайбонийхоннинг ўғли Муҳаммад Темур Султон⁶ шоҳ Исмоил I⁷

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод (Мамлакатларнинг эгалланиши). Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. Б. 31.

² Замонов А.Т. Ўрта аср тарихий шахслари ҳаётининг айрим номаълум саҳифалари. Тошкент: Bayoz, 2019. Б. 77.

³ Бухорода Мир Араб номи билан машҳур бўлган шахс.

⁴ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/ozbekiston-hukmdorlari/ubaydullaxon/>

⁵ 1512 йилда Кўли Маликда бўлган жангда ўлдирилган.

⁶ Шайбонийхоннинг Темур Султондан бошқа Хуррам султон ва Суюнжи Муҳаммад Султон исмли икки ўғли бўлган.

⁷ Исмоил I Сафавий (1487-1524) – 1502 йилдан Эрон шоҳи, Сафавийлар давлати асосчиси, саркарда, шоир. Қизилбошлилар ёрдамида Озарбайжонни (1500-1501), Табризни (1502) эгаллаб, ўзини шоҳ деб эълон қилган. Тез орада Эрон, Арманистон, Ироқ ва Мовароуннаҳрнинг бир қисмини босиб олган (1503-1510). Исмоил I

билан сулҳ тузишга интиланлар. Чунки бу вақтда Мовароуннаҳрда етарли ва жанговар руҳияти баланд кўшин қолмаган, бори ҳам тўла шакллантирилмаган эди. Аммо 1511 йилда дастлабки тўқнашувлардаги мағлубият сабаб Убайдуллахон ва Кўчкунчихон, Самарқанд ҳокими Суюнчўжахон, шунингдек, Муҳаммад Темур Султон ва Жонибек Султон ўз яқинлари билан Туркистон шахрига чекинадилар.

Маълум вақт куч тўплаган Убайдуллахон бошчилигидаги Дашти Қипчоқликлар 1512 йил Кўли Маликда содир бўлган жангда ғалабага эришиб, тезлик билан Бухоро ва Самарқандни ҳам эгаллайдилар. 1512 йил баҳорида Убайдуллахоннинг шижоати натижасида Мовароуннаҳр яна шайбонийлар кўлига ўтди. Убайдуллахон Самарқанд тахтини амакиси Кўчкинчи Султонга топшириб, ўзи ота мерос Бухоро тахтига эгалик қилади. Ота-мерос дейилишига сабаб Шайбонийхон ҳаётлик вақтида: “Бухоро идораси жиловини ўз иниси Маҳмуд Султоннинг иноят кафти ва адолат қабзасига”¹, берган эди. Бироқ Исмоил I юборган Нажми Соний² бошчилигидаги олтмиш минг кишилик сафавийлар кўшинига суянган Бобур Мирзо 1512 йил кузида Ғузур ва Қаршини ўзига бўйсундиради. Нажми Соний кўшини Ғиждувонни қамал қилишга киришди. Убайдуллахон ва Жонибек Султон Карманага; Кўчкунчихон ва Темур Султон Миёнқолга чекиниб, ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўришади. 1512 йил кузида Ғиждувонда содир бўлган жангда Убайдуллахон бошчилигидаги кўшин тарихий аҳамияти улкан бўлган ғалабага эришган³.

1513 йил январига келиб Убайдуллахон бошчилигидаги кўшин ўз устунлигини намоён қилиб Хуросонга ҳарбий юришлар уюштиради. Сафавийларга кучли зарбалар берилиши амалда Шайбонийлар давлатининг куч-қудрати қайта тикланганидан далолат бериб, Эрон кўшинларини Мовароуннаҳрда бошқа устунликка эга бўлолмаслигини кўрсатиб қўяди. 1513 йил март ойида Убайдуллахон Марвни эгаллайди. Бу орада Убайдуллахон Хоразмни ҳам эгаллаб, ўғли Абдулазизхонни у ерга ҳоким қилиб тайинлайди. Узоқ давом этган ҳарбий тўқнашувлардан сўнг 1529 йилга келиб Машҳад, Ҳирот ва бошқа бир қатор шаҳарлар эгалланган. Маълумотларга кўра Убайдуллахон турли вақтларда ва кенг кўламда Эрон ва Хуросонга олти маротаба ҳужум қилган⁴. Бу юришларининг самараси талончиликка интилган кўшиннинг фойдасига хизмат қилган бўлсада аслида бу ҳудудлардаги оддий аҳолининг турмушини бир қадар издан чиқарган.

Убайдуллахон амакиси Шайбонийхоннинг қасосини олиш учун Эрон сафавийларига қарши ҳужумларни умрининг охиригача йилларига қадар амалга ошириб келган. Унинг асосий ютуғи Мовароуннаҳрни сафавийлар босқини ва ҳарбий-сиёсий тазйиқидан тўла халос этганидир. Айнан унинг даврида Бухоро маданий марказ сифатида тараққий топган ҳамда нуфузи ҳам ортиб борган. 1533 йилда амакиваччаси Абусаиднинг вафотидан сўнг сулоланинг ёши улуғ инсони сифатида тахтни эгаллайди. Шу билан бир вақтда пойтахт ҳам Самарқанддан Бухорога кўчирилади. Эндиликда давлат Бухоро хонлиги номини олиб, кейинги давр тарихчилари шу ном билан ўз тарихларига муҳрлаганлар.

Убайдуллахон сиёсий кураш майдонига кириб келган вақтда давлат марказидаги аҳвол оғир бўлиб, ҳарбий кўшин ҳам анча заифлашган эди. Ўзининг муносиб ворис бўла олишини душманлар билан тўқнашувларда намоён қилган Убайдуллахон яқунда Шайбонийлар давлатини ҳалокатдан асраб қолишга ҳам эришди. Исмоил Сафавий бошчилигидаги Эрон кўшинларини тўхтатиб қолиш билан бир қаторда Мовароуннаҳрга шиаликнинг таъсири ортиб кетишига ҳам чек қўйди.

Шайбонийхон ва Убайдуллахон мамлакатдаги ички зиддиятларни барқорорлаштириб, сиёсий тарқоқликка барҳам бера олганлар. Бухоро хонлигини юксалтиришда, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан барқорорлаштиришда муҳим ўринга эгадирлар. Зеро ҳукмдорнинг мамлакат равнақини таъминлай олиши уни халқнинг орзусидаги инсонга айлантиради.

даврида Сафавийлар давлати анча кенгайган. 1512 йил Исмоил I кўшинлари Бобурга Самарқанд тахтини эгаллашга ёрдам беради.

¹ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома (“Шарафномаи шоҳий”). I китоб. Тошкент: ФАН, 1966. Б. 103.

² Нажм ус-Соний – араб тилидан таржима қилинганда Иккинчи юлдуз деган маънони беради. Бу шахснинг ҳақиқий исми Мир Ёрмуҳаммад бўлган.

³ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/ozbekiston-hukmdorlari/ubaydullaxon/>

⁴ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Иккинчи жилд. Тошкент: Info Capital Group, 2019. Б. 77.

БАКТРИЯ САТРАПЛИГИ ЙЎЛЛАРИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР

Хамидов Одилжон Абдувоҳидович, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,
Термиз давлат университети Илмий – тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик
кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

Аннотация. Бактрия сатраплиги мил. авв. VI-IV асрларда Аҳамонийлар давлати таркибида мавжуд бўлган маъмурий вилоят бўлиб, унинг ривожланишида ички ва ташқи савдо алоқа йўлларининг ўрни муҳим бўлган. Баактрия сатраплигида йўллар ривожланишига геостратегик қулай жойлашув орқали “Шоҳ йўли” нинг шарқий қисмининг назорат қилиниши, минерал ва табиий ресурслар конларининг мавжудлиги, аҳамонийлар давлатида тутган муҳим ўрни, гарбий вилоятлардан аҳоли депортация қилинадиган жой сифатида фойдаланилиши каби омиллар сабаб бўлган. Бактрия сатраплиги ички алоқа ва ташқи транзит йўлларини ўрганиш учун ёзма (Персеполис архиви, оромий тилидаги сатраплик архиви ҳужжатлари, қадимги форс битиклари, антик манбалар) ва археологик манбалар (Жанубий Ўзбекистон, Шимолий Афғонистон ва Тожикистонда аниқланган сатраплик даври археологик ёдгорликлар комплекси) таҳлили амалга ошириш орқали йўлларининг реконструкцияси шаклланиш қонуниятларини ва манзилгоҳларини жойлашуви принципларини аниқлаш имкони вужудга келади.

Аннотация. Бактрийская сатрапия была административной областью, существовавшей в составе Ахеменидского государства в VI-IV веках, в развитии которой важная роль принадлежала внутренним и внешним торговым путям. Развитие дорог в Бактрийской сатрапии было обусловлено такими факторами, как контроль над восточной частью «Царского пути» за счёт выгодного геостратегического положения, наличием месторождений полезных ископаемых, важной ролью, которую она играла в государстве Ахеменидов и её использованием в качестве места депортации людей из западных регионов. В деле изучения внутренних коммуникаций и внешних транзитных путей Бактрийской сатрапии посредством анализа письменных (архивы Персеполя, документы архива сатрапии на арамейском языке, древнеперсидские надписи, античные источники) и археологических источников (комплекс археологических памятников периода сатрапии, обнаруженных в Южном Узбекистане, Северном Афганистане и Таджикистане) возникает возможность определения закономерностей формирования реконструкции дорог и принципов расположения поселений.

Annotation. Bactria (satrapy) was an administrative region that existed as part of the Achaemenid Empire in the IV-Vth centuries BC, the internal and external trade communication routes was an important role in its development. The development of roads in the Bactria (satrapy) was caused by some factors such as the control of the eastern part of the “The Royal Road” through a favorable geostrategic location, presence of mineral and natural resource deposits, its important role in the Achaemenid Empire, and it was used as a place for deporting people from the western regions. It becomes possible to determine the principles of road reconstruction and the principles of the location of settlements and to studying of the internal communication and external transit routes in the Bactria (satrapy) through the analysis of written (the Persepolis Fortification Archive, documents of the satrapy archive in Aramaic language, old Persian cuneiform, ancient sources) and archeological sources (a complex of archeological monuments of the satrapy period that were identified in Southern Uzbekistan, Northern Afghanistan, and Tajikistan).

Бактрия сатраплиги мил. авв. VI-IV асрларда Аҳамонийлар давлати таркибида мавжуд бўлган маъмурий вилоят бўлиб, худуди ҳозирги кундаги Шимолий Афғонистон, Тожикистоннинг жануби-ғарби ва Жанубий Ўзбекистон (Сурхон воҳаси) га тўғри келган. Бактрия жанубда Ҳиндикуш, шарқда Помир, шимолда Ҳисор тоғ тизмалари билан чегараланган. Ғарбда Амударёнинг ўрта оқимиғача бўлган худудлар унинг таркибига кирган (Мавлонов, 2008. Б. 72; Сагдуллаев, 2004. 37-39, 46-47).

Бақтрия ахамоний битикларида бир неча марта тилга олинган бўлиб, Доро I нинг (DB, DPe, DNa) ва Ксеркснинг (XPh) шоҳ битикларида келтирилади. Бақтрия сатраплиги жанубида Арейя, жануби-шарқда Гандҳара, шимолда Сўғд вилоятлари билан чегарадош бўлган. Шу билан биргаликда Бақтрия сатраплиги Сўғдиёна, Парфия, Гиркания ва Хорасмия худудларини назорат қилиб турган.

Ў.М.Мавлонов тадқиқотларида ахамонийлар даври Ўрта Осиё ички алоқа ва ташқи транзит йўллари ҳақида маълумотлар келтирилади. Жумладан, Бақтрияни Марғиёна билан боғлаган алоқа йўли Жанубий Бақтрия орқали ўтганлиги, Шимолий Афғонистондан йўл Чўчкагузар, Шўроб кечувлари орқали Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистонга ўтганлиги, шунингдек, сатраплик марказини Сўғдиёна билан боғловчи икки йўналиш (1-йўналиш: Шўроб, Келиф ёки Керкидан чўл орқали Никшапайяга; 2-йўналиш: Шўроб кечуви-Сурхон воҳаси-Темир дарвоза-Оқраот, бу ерда йўл тармоқланиб, бир тармоғи шимоли-ғарбга – Ўрадарё бўйлаб Ерқўрғонга, иккинчиси Ҳисор тоғ тизмаси шимолида жойлашган қадимги Наутака вилояти ва Тахтақорача довлари орқали) мавжудлиги айтиб ўтилган (Мавлонов, 2008. Б. 74).

Ҳозирги кунда Бақтрия сатраплиги ички алоқа ва ташқи транзит йўллари ўрганиш, янги ёзма ва археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлилини амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Бу бўйича хорижда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бақтрия сатраплиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида йўлларнинг аҳамияти юкори бўлган. Албатта, сатраплик ички ва ташқи алоқа йўллари қадимдан Окс цивилизацияси, яъни, бронза даври (мил. авв. 3-2 минг йиллик) дан ривожланган бўлиб, ахамонийлар бошқаруви пайтида мукамал йўл тизимининг таркибий қисми сифатида шаклланган. Ушбу куруклик йўли – Буюк Хуросон йўли деб ҳам аталган. Буюк Хуросон йўли – «Шимолий йўл» деб ҳам аталиб, у Месопотамия шаҳарларини Эрон яситоғлиги, ва ундан Марказий Осиё ва Хитой билан боғлаб турган катта трансминтақавий йўл ҳисобланган (Majidzadeh, 1982. P. 59; Frankfort, 2019. P. 247). Археологик топилмалар шундан далолат берадики, бу йўл мил. авв. III минг йилликдан бошлаб, Марказий Осиё-Эрон-Месопотамия ўртасида асосий савдо йўлига айланган (Frankfort, 2019. P. 248). Ахамонийлар даврига келиб эса, бу йўл империя савдо йўллар тизимининг шарқий қисмини ташкил этган (Briant, 2002. P. 358.).

Ахамонийлар давлатида йўллар империя бошқаруви узлуксизлигини таъминлашда етакчи роль ўйнаган, шу билан бир қаторда империя инфраструктурасининг бир қисми (Swart, 2021. P. 48; Brosius, 2006. P. 53) ҳисобланган. Ахамонийлар мил. авв. II мингйилликдан мавжуд бўлган йўллар тизимидан фойдаланишган, ушбу тизим империя даврида бош шаҳарлар ва сатраплик марказлари боғлаш учун кенгайтирилган (Swart, 2021. P. 48; Graf, 1994. P. 6; Brosius, 2006. P. 53). Ахамонийлар давлати тарихида мил. авв. VI-IV асрларда “Шоҳ йўли” мавжуд бўлганлиги, унинг Суза шаҳридан Кичик Осиёнинг Сарди шаҳарларигача борганлиги маълум (Мавлонов, 2008. Б. 96). Унинг узунлиги 2500 км (Swart, 2021. P. 49; Van de Mieroop, 2007. P. 297), Ҳ.Санчизи-Верденбург тадқиқотида кўра ушбу масофани 90 кунда босиб ўтиш мумкин бўлган (Swart, 2021. P. 49; Sancisi-Weerdenburg, 1995. P. 1043). Парасанг форс ўлчов бирлиги 5-6 км ни ташкил этиб, ахамонийлар 25-30 км да йўл бўйи иншоотлари-карвонсаройлар барпо этишган. Бу ўз навбатида мунтазам коммуникацияни таъминлаган. Ушбу бекатлар ўз навбатида озиқ-овқат билан таъминланган, чопарлар кунлик маҳсулотларни олишган, янги улов олиб сафарини давом эттиришган. Шоҳ ёрлиғига эга шахс ёки амалдорлар ушбу йўл бўйи иншоотлари-бекатлардан фойдаланишган. Дарё кечувлари ва тоғ даралари каби стратегик нуқталарда аскарлар йўлларни кўриқлаб, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашган. Қоровул постлари ва заҳираларни сақлаш сатрапнинг бурчи ҳисобланган, алоқа йўлларнинг мунтазамлиги империя бошқаруви самарадорлигини оширган (Swart, 2021. P. 49).

Бақтрия сатраплигининг “Шоҳ йўли” тармоғида тутган ўрни, шунингдек, унинг ички алоқа-савдо йўллари тўғрисида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, А.Аскарлов (Аскарлов, 1982), Э.В.Ртвеладзе (Ртвеладзе, 1981; 1988; 2002; 2019), А.С.Сагдуллаев (Сагдуллаев, 1978; 1981; 1989), Ш.Шайдуллаев (Шайдуллаев, 1990; 2009), Ў.М.Мавлонов (Мавлонов, 2008), У.Син (Xin, 2018), У.Хенкелман (Henkelman, 2017), А.-

П.Франкфор (Francfort, 1988. P. 165–193), П.Бриан (Briant, 2012. P. 187–201) тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Бақтрия сатраплиги ташқи ва ички алоқа йўллариининг шаклланишида бир неча муҳим омиллар мавжуд бўлиб, улар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган:

Биринчидан, *геостратегик қулай жойлашув орқали “Шоҳ йўли” нинг шарқий қисмининг назорат қилиниши*. Шоҳ йўлининг Ҳиндистонга ўтадиган қисми Бақтрия сатраплиги худудидан ўтган бўлиб, шарқ ва ғарб ўртасида савдо алоқалари ривожланишида муҳим ўрин тутган. Бевосита Бақтра шаҳри “Эфесдан Бақтр ва Ҳиндистонгача” борадиган “Шоҳ йўли” орқали империянинг бошқа марказлари билан боғланган (Пьянков, 2013. С. 110).

Умуман олганда, Бақтрия минтақаси географик жиҳатдан савдо йўллариини бошқаришга қулай жойлашганлиги билан ажралиб турган. Масалан, Кушон салтанати даврида Бақтрия Парфия империяси, Сўғд, Шимолий-ғарбий Ҳиндистон, Ҳиндикуш орқали Тарим ҳавзасига шимолий ва жанубий йўллар орқали дарвоза вазифасини бажарган Кошғар билан боғланган (Coloru, 2009. P. 270; Wiesehöfer, Ruffing, 2022. P. 264.). Ахамонийлар империяси ва унинг ворис-давлатлари, шу жумладан, Юнон-Бақтрия давлати Евроосиё минтақаси савдо алоқаларида муҳим роль ўйнаган (Brosseder, 2015. P. 199-332; Wiesehöfer, Ruffing, 2022. P. 264.).

Иккинчидан, *Бақтрия сатраплиги ва қўшни худудларда минерал ва табиий ресурслар конларининг мавжудлиги*. Бақтрия сатраплиги савдо алоқаларининг ривожланишида унинг худудида лазурит конининг мавжудлиги (Сарианиди, 1968. С. 3-9; Сверчков, С. 119-128.) катта аҳамиятга эга бўлган. Бунда Ҳиндикушдаги Бадахшон конлари, шу жумладан Кўкча водийсидаги Сар-э санг манбаси алоҳида ўрин тутган (Herrmann, 1968. P. 21–57; Morris, 2020. P. 53–93.). Ушбу конлардан қазиб олинган лазурит бир неча йўналишларда тарқалган: Жанубда, Дилмун ва Шумер портлари орқали Моҳенжодаро ва Хараппага, Жануби-ғарбда Ҳилманд цивилизациясининг марказлари томонга: Лутнинг чеккалари, Тепаи Яхё, Аншан ва Сузага, Ғарб томонда Эрон ясситоғлигининг шимолий ёнбағирлари томонга (Тепаи Ҳисор, Сиалк, Шимолий Месопотамия ва Анатолия), Шимоли-ғарбда Жанубий Туркменистонгача борган (Vidale, Lazzari, 2017. P. 19). В.И.Сарианиди археологик манбалар ва қадимги ёзма манбаларни ўрганиб, Шимолий Афғонистонда ляпис-лазур тошини олиш билан шуғулланган “Аратта тоғли мамлакати” (мил.авв. XXVIII-XXVI асрлар) жойлашган деб фикр билдирган (Сарианиди, 1968. С. 3-9). Лазурит мовий тоши қадимдан маданиятлараро кенг тарқалган минерал турларидан бири ҳисобланиб, тахминан мил. авв. 3500 йилдан Месопотамия худудларигача экспорт қилинган (Herrmann, 1968. P. 21–57; Herrmann, 2019. P. 182–187. Moorey, 1999.). Ж.Вийсхофер фикрича, Месопотамияга Янги Бобил подшолиги ва Ахамонийлар империяси даврида Эқбатана орқали сотилган (Wiesehöfer, Ruffing, 2022. P. 265; Briant, 2002. P. 386, 739–740.). Ахамонийлар империясида лазуритдан фойдаланиш давлат мафқураси даражасига кўтарилган бўлиб, Доро I лазуритни Суза саройи асосидаги матнларда тилга олиши (de la Vaissière, 2005.) (DSf § 10) орқали шоҳ мавқеини янада оширишдаги муҳим ўрнини кўришимиз мумкин. Суза саройи битикларида (DSf) қурилиш учун Бақтриядан олтин, Суғдиёнадан лапис – лазурит, сердолик олиб келганлиги битилган (DSf, A Companion to the Achaemenid Persian Empire, 2022. P. 43.).

Суза саройи қурилишида қўшимча материаллар сифатида олтин Миср, Сарди билан биргаликда Бақтриядан, шунингдек, лазурит ва сердолик Суғддан, феруза Хоразмдан келтирилган (DSf, 35-40; Меликов, 2013. С. 138). Албатта бу маҳсулотлар нафақат саройлар қурилишида солиқ сифатида юборилган, балки, бошқа минтақаларда экспорт қилишда ҳам муҳим роль ўйнаган бўлиши мумкин. Биз биламизки, лазуритнинг асосий кони Сар-е Санг (Жанубий Бақтрия) да жойлашган. Шунингдек, Э.Херцфельд тадқиқотида Суғд маҳсулотлари шарқий Бақтриядан келтирилганлиги айтиб ўтилади (Herzfeld, 1968. P. 323).

Учинчидан, *Бақтрия сатраплигининг ахамонийлар давлатида тутган муҳим ўрни* ҳисобланади. Кир II томонидан асос солинган улкан империя Доро I ва Ксеркс тахт ворислари масаласи ижобий ҳал қилинган бўлсада, кейинги ахамоний ҳукмдорлар даврида бу ҳолат аксарият ҳолларда кузатилмайди. 13 нафар ахамоний ҳукмдорлардан 5 таси, агар Гаумата/Бардияни ҳам ҳисобга киритадиган бўлса, унда 6 нафари, шунингдек, юзлаб

шаҳзодалар тахт учун курашлар курбони бўлган. 8 нафари тахтга сарой фитналари орқали тахт эга бўлган (Меликян, 2013). Тахт учун курашларда Бактрия сатраплари даъвогар сифатида қатнашганлигини кўришимиз мумкин. Мил. авв. 464 йилда шоҳ Артаксеркснинг укаси, Ксеркснинг ўртанча ўғли, Бактрия сатрапи Гистасп бактриялик зодагонлар ёрдамида тахтни эгаллаш учун қўзғолон кўтаради (Diod. 11.69.2). Гистасп Артаксеркс томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинади. Бактрия сатраплари ушбу тарихий воқеаларда фаол иштирок этишган, тахт учун даъвогарлик қилишган (Масиста, Бесс). Ахамоний шоҳлари эса бир неча марта шарқий вилоятларга ҳарбий кампания уюштирган бўлиши мумкин. Шу нуқтаи-назарда ахамоний ҳукмдорлар сатраплик билан боғловчи йўллари мунтазам назорат қилган. Ахамонийлар даврида шарқий сатрапликлар билан йўллар тизими жуда яхши қўйилганлигини қуйидаги ҳолатда кўришимиз мумкин: Александр армияси жануби-шарқий Эронда озиқ-овқат тақчиллиги туфайли қийин аҳволда қолганида, Парфия ва Аррейя сатраплари қисқа муддатда кўп сонли туяларда тайёр озиқ-овқат олиб боришган (Arr. *Anab.* VI.27.6; Curt. IX.10.17–18, 22.). Тезлик билан ушбу ёрдамнинг ташкил этилиши империя даврида сатрапликлар орасида юк ташиш тизими ва структураси яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади (Henkelman, Kaniuth, Mohammad, 2023. P. 237.). Шу билан бирга сатрапликларда зарур маҳсулотлар ғамланганлигини билдиради. Бу эса ўз навбатида империя барқарорлиги учун муҳим ўрин тутган.

Тўртинчидан, *Бактрия сатраплиги ҳудудидан зарбий вилоятлардан аҳоли депортация қилинадиган жой сифатида фойдаланилиши*. Баркадан (Киренаике) аҳоли Бактрияга, милетлик бранхидлар Сўғдиёнага сургун қилинган. Иония қўзғолончиларига форслар уларнинг “қизларини Бактрияга жўнатиш” билан таҳдид қилишган (Hdt. 6.9; A Companion to the Achaemenid Persian Empire, 2021. P. 700; Matarese, 2021; Silverman, 2022. P. 320-326).

Бактрия сатраплигининг ички алоқа йўллари реконструкцияси амалга ошириш тажрибаси У.Син томонидан амалга оширилган бўлиб (Xin, 2018), Қизилтепа ёдгорлиги ахамонийлар даври Сурхондарё вилоятларидаги ёдгорликлари орасида алоқа йўллари мавжудлиги масалаларини ёритади. Тадқиқотчи Сурхон воҳасида 7 та оазисда, 5 та тоғ олди ва 2 та Амударё кечувидаги воҳалар (Хаитободтепа, Термиз) ёдгорликлар ўртасидаги алоқа тизимини ёритишга ёрдам беради. Ҳар бир воҳалар катта ва улар атрофидаги кичик ёдгорликлардан иборат. Тадқиқотчи биринчи навбатда ёдгорликлар орасидаги масофани таҳлил қилган. Одатда масофалар 32-39 км (ўртача 35 км) ёки 18 км га яқин масофани ташкил этган. Ёдгорликлар орасидаги масофалар қуйидагича: Қизилтепадан-Бандихон II га, 39 км; Бандихон II дан Жондавлаттепага, 35 км; Бандихон II дан Хаитободтепага, 32 км; Жондавлаттепадан Хаитободтепага, 32 км; Шўртепадан –Добилқўрғонга, 37 км; Хаитободтепадан Термизга, 38 км; Жондавлаттепадан Добилқўрғонга, 32 км; Жондавлаттепадан Таллашқон I га, 18 км; Таллашқон I дан Добилқўрғонга, 18 км; Жондавлаттепадан Шўртепага, 18 км; Обиширтепадан Қизилтепага, 18 км. Бу масофани бир-икки кунда пиёда ёки туяда босиб ўтиш мумкин бўлган. Олима томонидан ушбу масофалар тўғри чизик бўйлаб олинган бўлиб, унинг фикрича, ушбу масофалар турли баҳолаларга кўра, 21-24 ёки 37-43 км ни ташкил этувчи “Шоҳ йўли” даги бекатлар орасидаги масофага тахминан мос келади (Xin, 2018. P. 210-211).

У.Хенкелман тадқиқотларида Персеполи архивида келтирилган бактрияликларга оид маълумотларни умумлаштириб, уларнинг империя ҳаётидаги ўрнини ёритган. Ахамонийлар даврида Қадимги Шарқ асосий ҳудудининг бир давлат қўл остида бирлаштирилиши натижа-сида бактрияликларнинг империя марказларида тарқалишига олиб келган. Персеполи муҳофаа иншооти архивида мунтазам равишда “Шоҳ йўли” дан фойдаланиб, Шарқдан келган *курташ*лар ёки келиб-кетувчи чопарлар тилга олинган (A Companion to the Achaemenid Persian Empire, 2021. P. 45, 699-700; Henkelman and Stolper, 2009. P. 300–306). Персеполи архивида Бактрияга ёки Бактриядан саёҳат қилганлар тўғрисида 9 та ҳужжат аниқланган бўлиб, уларнинг 6 тасида сатраплик номи тилга олинади. Биттасида Доро I ҳукмронлиги даврига тўғри келувчи *Ирдабануш* исмли сатрап тилга олинади. Иккитасида Бактрияга ёки Бактриядан йўлга чиққан бактриялик чопарлар ҳақида маълумот келтирилади. Доро I даврига оид ушбу ҳужжатларда Бактриядан Сузага йўлга чиққан чопарларга берилган

озик-овқат таъминотлари ҳақида маълумот берилган. Ушбу ҳужжатларни ўрганилиши натижасида бактрияликларнинг ташқи алоқа йўллари ҳақида чуқур маълумот олиш мумкин.

Ш.Шакед ва Ж.Навех томонидан Шимолий Афғонистондан топилган, ҳозирда Лондонда Халилий коллекциясида сақланган сатраплик даврига оид 48 та ҳужжатни эълон қилишади (Naveh, Shaked, 2012). Бу ҳужжатлар Аҳамонийлар девонхонасининг тили – оромий тилида ёзилган бўлиб, бу даврга оид Бактрия ҳужжатли ёзувларнинг илк намунаси ҳисобланади. Ҳужжатлар таржимаси амалга оширилган, тадқиқотчилар уларни 4 гуруҳга бўлишган. Ҳужжатларда Бактрия сатраплиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ва бошқарув тизимини тасвирлайдиган муҳим маълумотлар мавжуд. Биринчи гуруҳ ҳужжатларида юқори тоифадаги амалдор Ахвамазда ва Багавант ёзишмалари қайд қилинган. Г.А.Кошеленко ҳужжатларни ўрганиш орқали Бактрия маъмурий бошқарув тизимини қуйидагича тасвирлаган:

- 1 Сатрап (Ахвамазда);
2. Сатраплик доирасида вилоят ҳокими (Багавант?);
3. Шаҳар ва унинг атрофлари ҳокими(Багавант?).

Ушбу ҳужжатларни сатраплик ва қўшни худудлар географиясига доир Нихшапайя-Нахшаб, Киш-Кеш, “Артадатана чўли”, Арайвант, Варайна, Дастакани, Вахумани, Аспараста, Артуки ва ҳ.к. атамалар учрайди. Ушбу ҳужжатлар Бактрия сатраплиги ички коммуникация тизими ҳақида ҳам маълумот берувчи муҳим манбалардан биридир.

Хулоса қилиб айтиладиган, Бактрия сатраплиги ички алоқа ва ташқи транзит йўлларини ўрганиш учун катта ҳажмдаги ёзма (Персеполий архиви, оромий тилидаги сатраплик архиви ҳужжатлари, қадимги форс битиклари, антик манбалар) ва археологик манбалар (Жанубий Ўзбекистон, Шимолий Афғонистон ва Тожикистонда аниқланган сатраплик даври археологик ёдгорликлар комплекси) таҳлили амалга оширилиши керак. Натижада сатраплик йўлларининг реконструкция ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш имкони вужудга келади. Бу бевосита сатраплик манзилгоҳларини жойлашуви принципларини аниқлашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аскарлов А.А. Ешё раз о древних путях на юге Узбекистана // ОНУ, №7. 1982.
2. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланилиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. – Тошкент: Akademiya, 2008.
3. Меликов Р. Древнеперсидские надписи. Транслитерация, перевод, глоссарий. Баку, 2013. 448 с.
4. Меликян А.Т. Институт «Второй после царя» в иранской государственной системе Ахеменидской эпохи // Метаморфозы истории. 2013. №4. С. 88-118.
5. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. Историко-географические очерки. Ташкент, 2002.
6. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Трансоксиане: Походы, историческая география. – СПб.: Евразия, 2019. 368 с. ил.
7. Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия — Средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (По материалам амударьинского правобережья). АДД. – М., 1988.
8. Ртвеладзе Э.В. Ксенина-Паретака. Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековья. – М., 1981.
9. Сагдуллаев А.С. Древние пути на юге Узбекистана // ОНУ, №7, 1981.
10. Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (По материалам памятников района Шурчи-Байсуна). АКД. – Л., 1978.
11. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент, 2004.
12. Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). АДД. – М., 1989.
13. Сарияниди В.И. О великом лазуритовом пути на Древнем Востоке // КСИА. 1968. – Вып. 114. – С. 3-9.

- 14.Сверчков Л. Ляпис-лазурь: исторические сведения, месторождения и археологические данные // История и археология Турана. № 5. – Самарканд, 2020. – С. 119-128.
- 15.Шайдуллаев Ш.Б. Памятники раннежелезного века Северной Бактрии. АКД. – Самарканд, 1990.
- 16.Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бактрия мисолида). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарканд, 2009.
- 17.A Companion to the Achaemenid Persian Empire. Jacobs, Bruno & Robert Rollinger (eds.). 2 vols. Hoboken, NJ: Wiley-Blackwell. 2021.
- 18.Briant, P. From Cyrus to Alexander. A History of the Persian Empire. Winona Lake: Eisenbrauns. 2002.
- 19.Briant, P. From the Indus to the Mediterranean: the administrative organization and logistics of the great roads of the Achaemenid Empire. In S.E.Alcock, J.Bodel, and R.J.A.Talbert (eds.), *Highways, Byways, and Road Systems in the Pre- Modern World*. New York: Wiley, 2012. Pp. 187–201.
- 20.Brosius, M. *The Persians: An introduction*. London: Routledge. 2006.
- 21.Brosseder, U.B. A Study on the Complexity and Dynamics of Interaction and Exchange in Late Iron Age Eurasia. In *Complexity of Interaction along the Eurasian Steppe Zone in the First Millenium CE*, eds. J. Bemman, and M. Schmauder, Bonn: University Press. 2015. 199-332.
- 22.Coloru, O. Da Alessandro a Menandro. Il regno Greco di Battriana (Studi Ellenistici XXI). Pisa-Roma: Giardini editori e stampatori. 2009.
- 23.de la Vaissière, É. 2005. Sogdian Traders. A History (Handbook of Oriental Studies 8.10). Leiden- Boston: Brill.
- 24.Francfort, H.-P. Central Asia and eastern Iran. In J. Boardman, N.G.L. Hammond, D.M. Lewis, and M. Ostwald (eds.), *Cambridge Ancient History: Second Edition, Volume IV: Persia, Greece and the Western Mediterranean (c. 525 to 479 B.C.)*. Cambridge: Cambridge University Press, 1988. Pp. 165–193.
- 25.Frankfort H. Iran and Central Asia: The Grand'Route of Khorasan (Great Khorasan Road) during the third millennium BC and the “dark stone” artefacts // Jan-Waalke Meyer., Vila E., Mashkour M., Casanova M., Vallet R. (Eds) *The Iranian Plateau during the Bronze Age: Development of urbanisation, production and trade*.Archéologie(s), Lyon, MOM Editions, 2019. – P. 247-266.
- 26.Graf, D.F. The Persian royal road system, in Sancisi-Weerdenburg, H.W., A. Kuhrt and M.C. Root (eds.). *Achaemenid history VIII: Continuity and change*. Leiden: Nederlands Instituut voor het Nabije Oosten, 1994. – P. 167-189.
- 27.Henkelman W.F.M., Kaniuth K., Mohammad K. Resilience in Centralized State Systems. The Persepolis Fortification Archive and Achaemenid Institutional Longevity // *Coming to Terms with the Future. Concepts of Resilience for the Study of Early Iranian Societies*, edited by Reinhard Bernbeck, Gisela Eberhardt & Susan Pollock. Leiden: Sidestone Press, 2023. – P. 237.
- 28.Henkelman, W.F.M., Stolper, M.W. Ethnic identity and ethnic labelling at Persepolis: the case of the Skudrians. In P. Briant, M. Chauveau (eds.), *Organisation des pouvoirs et contacts culturels dans les pays de l'empire achéménide*. Paris: de Boccard, 2009. – Pp. 271–329.
- 29.Henkelman, Wouter F.M. “Imperial Signature and Imperial Paradigm. Achaemenid Administrative Structure and System across and beyond the Iranian Plateau.” In *Administration in the Achaemenid Empire: Tracing the Imperial Signature*, edited by Bruno Jacobs, Wouter F.M. Henkelman, and Matthew W. Stolper, 45–256. *Classica et Orientalia 17*. Wiesbaden: Harrassowitz. 2017.
- 30.Herrmann, G. 2019. Kostbarer als Gold: Lapislazuli. In *Die Seidenstraße. Landschaften und Geschichte*, ed. S. Whitfield, 182–187. Darmstadt: Theiss.
- 31.Herrmann, G.. Lapis Lazuli: The Early Phases of Trade // *Iraq*. 30. 1968. – P. 21–57.

32. Herzfeld, E. *The Persian Empire: Studies in Geography and Ethnography of the Ancient Near East*. Edited from the Posthumous Papers by Gerold Walser. Wiesbaden: Steiner Verlag. 1968.
33. Lapis lazuli bead making at Shahr-i Sokhta. Interpreting craft production in a urban community of the 3rd millennium BC. Vidale, M., Lazzari A. (Eds.). ROMA. ISMEO. 2017. 380 pp.
34. Majidzadeh Y. Lapis lazuli and the Great Khorasan Road. In: *Paléorient*, 1982, vol. 8, n 1. – P. 59-69.
35. Matarese, C. Deportationen im Perserreich in tespidisch- achaimenidischer Zeit. (*Classica et Orientalia*, 27). Verlag Otto Harrassowitz, Wiesbaden, 2021. (24,5 cm, XII, 318).
36. Moorey, P.R.S. *Ancient Mesopotamian Materials and Industries. The Archaeological Evidence*. Winona Lake: Eisenbrauns. 1999.
37. Morris, L. Central Asian Empires. In *Handbook of Ancient Afro-Eurasian Economies (Vol. 1: Contexts)*, ed. S. von Reden, 2020. 53–93. Berlin-Boston: de Gruyter.
38. Naveh, J., Shaked, S. *Aramaic Documents from Ancient Bactria (Fourth Century BCE.): From the Khalili Collections*. London: The Khalili Family Trust. 2012.
39. Sancisi-Weerdenburg, H.W. Darius I and the Persian Empire, in Sasson, J. M. (ed.). 1995. *Civilisations of the ancient Near East*. Vol. 2. New York: Simon Schuster, 1995. – P. 1035-1050.
40. Silverman, Jason M. Review: MATARESE, C. — Deportationen im Perserreich in tespidisch-achaimenidischer Zeit. (*Classica et Orientalia*, 27). Verlag Otto Harrassowitz, Wiesbaden, 2021. (24,5 cm, XII, 318). ISBN 978-3-447-11594-0. ISSN 2190-3638. € 78,-. // BIBLIOTHECA ORIENTALIS LXXIX N° 3-4, mei-augustus 2022. – P. 319-326.
41. Swart, Antoinette *The Apadana: Reliefs at Persepolis An iconographic analysis with special emphasis on the Identification and function of the gift-bearing delegations*. Thesis (PhD). Stellenbosch University, 2021. xvii, 283 pages; illustrations.
42. Van de Mieroop, M. *A History of the ancient Near East ca. 3000-323 BC*. Malden: Blackwell. 2007.
43. Van de Mieroop, M. *A History of the Ancient Near East ca. 3000-323 B.C*. Chichester: Wiley-Blackwell. 2016.
44. Wiesehöfer, J., Ruffing, K. The End of the Kushan Empire. In: Gehler, M., Rollinger, R., Strobl, P. (eds) *The End of Empires. Universal-und kulturhistorische Studien. Studies in Universal and Cultural History*. Springer VS, Wiesbaden. 2022.
45. Xin, Wu “Exploiting the Virgin Land: Kyzyltepa and the Effects of the Achaemenid Persian Empire on its Central Asian Frontier,” in J. Lhuillier and N. Boroffka, eds., *A Millennium of History: The Iron Age in Southern Central Asia (2nd and 1st Millennia BC)*, Berlin, 2018. – P. 189-214.

ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК: ТАСАВВУФ ВА БУДДАВИЙЛИК ДИНИ

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич Тошкент давлат шарқшунослик университети
 “Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси” кафедраси доценти,
 фалсафа фанлари доктори (DSc)

Аннотация: Ўрта асрларнинг бошидан Ислом оламида ва ҳатто, ундан ташқарида ривожланиб, буюк бир цивилизация ҳодиса сифати танилган ва ўзидан бебаҳо диний, фалсафий ва адабий мерос қолдирган ТАСАВВУФ таълимотининг вужудга келиши ва шаклланиши жараёнида манба сифатида хизмат қилган ёки иштирок этган, таъсир кўрсатган ёки таъсирланган диний ва фалсафий таълимотлар хусусидаги илмий баҳс-мунозаралар ҳалигача давом этиб келмоқда. Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларининг бу борадаги қараишлари турлича. Баъзи бир Европа шарқшунос олимлари Тасаввуф таълимотининг асл илдизларини Ғарб цивилизацияси – Қадимги Юнон фалсафаси ва Насронийлик динидан излашга интилса, баъзи бир тадқиқотчилар унинг илдизларини Қадимги Шарқ цивилизацияси – Қадимги Ҳинд фалсафаси – Веда динлари ва Буддавийлик, Қадимги Эрон динлари – Маздаяснолик, Зардуштийлик ва Монавийликдан излашга ҳаракат қилишади. Дунёнинг аксарият исломишунос ва шарқшунос оламлари Тасаввуфнинг асл манбаси Ислом дини эканлиги хусусида фикр юритишади.

Ушбу мақолада Тасаввуф таълимоти ва Буддавийлик дини ўртасидаги ўхшаиш ва фарқли жиҳатлар компаративистик тасаввуфшунослик методологияси асосида қиёсий тарзда таҳлил ва тадқиқ этилади.

Калим сўзлар: Ислом дини, Тасаввуф, таълимот, Тасаввуф таълимоти, Буддавийлик дини, қиёсий тасаввуфшунослик, шарқшунос, тасаввуфшунос, Будда, Нирвана, муруқаб, фано, бақо, ўхшаиш жиҳатлар, фарли жиҳатлар.

Abstrakct: *Scientific debate and controversy about the doctrine that served as a source or participated in the process of the emergence and formation of the doctrine of Sufism, which developed throughout the Islamic world and even beyond its borders for almost 1300 years and is known as a great civilizational phenomenon that has left humanity with an invaluable religious, philosophical and the literary legacy is still ongoing. Orientalists and Islamic scholars of the world look at this issue differently.*

While some European orientalists seek to trace the origins of Sufism to Western civilization – Ancient Greek philosophy and Christianity, some researchers trace its roots to the ancient Eastern civilization – Ancient Indian philosophy – Vedic religions and Buddhism, Ancient Iranian religions – Mazdaism, Zoroastrianism and Manakhetiism. Another group of Orientalists and European Orientalists argue that Islam was the original source of Sufism.

In this article, the similarities and differences between Sufism and Buddhism are analyzed and explored in a comparative way based on the methodology of comparative mysticism.

Key words: *Islam, Sufism, teaching, Buddhism, comparativ Sufism, orientalist, Buddha, Nirvana, murokaba, fana, baka, similar aspects, different aspects.*

Аннотация: Научные споры о учения, которая служила источником или участвовала на процесс возникновения и формирования доктрины Суфизма, которая развивалась во всем исламском мире и даже за его пределами и известна как великое цивилизационное явление, оставившее человечеству бесценное религиозное, философское и литературное наследие, все еще продолжают. Востоковеды и исламоведы мира по-разному смотрят на этот вопрос.

В то время как некоторые европейские востоковеды стремятся проследить истоки суфизма до западной цивилизации – Древнегреческой философии и Христианства, некоторые исследователи прослеживают его корни до древней восточной цивилизации – Древнеиндийской философии – Ведических религий и Буддизма, Древнеиранских религии –

Маздаизм, Зороастризм и Манахетизма. Другая группа восточных и западных востоковедов и сламоведов утверждают, что изначальным источником Тасаввуфа является Исламская религия.


В данной статье сходства и различия между суфизмом и буддизмом анализируются и исследуются сравнительным путем на основе методологии сравнительного мистицизма.

Ключевые слова: ислам, суфизм, учение, суфизм, буддизм, сравнительный мистицизм, востоковед, мистик, Будда, нирвана, муракаба, фано, бака, сходные аспекты, разные аспекты.

Асосий баҳс:

Тасаввуф таълимотини шакллантирган манбалар атрофидаги баҳс-мунозараларни XX-асрнинг биринчи яримида европалик шарқшунослар бошлаб берган эдилар. Жумладан, венгер шарқшунос олими И. Гольдциер Исломи Тасаввуфига Насронийлик динидаги монахлик, Буддавийлик, Монийлик ва Зардуштийлик динлари таъсир кўрсатган, деган фикрни ўртага ташлайди.¹

Эронлик таникли шарқшунос олим Саид Нафисийнинг Тасаввуф манбалари хусусидаги қарашлари бошқа олимларникидан бутунлай фарқ қилади. Унинг фарқли жиҳати шундаки, Саид Нафисий Тасаввуфни нафақат учта жуғрофий минтақага ажратади, балки уларнинг ҳар бири учун алоҳида сарчашма ёки манбалар ҳам излайди. Саид Нафисийнинг шартли равишда “Тасаввуф манбаларининг жуғрофий назарияси” деб аташ мумкин бўлган бу борадаги назариясини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Тасаввуф ва Буддавийлик таълимоти ўртасидаги умумий ва жузъий ўхшашликлар бу икки мактабнинг ҳам сайру сулук ва ҳам фалсафий қарашларида яққол кўзга ташланади. Буддавийлик ва Қадимги Ҳинд динларининг Тасаввуфга кўрсатган таъсири масаласи олмон шарқшунос олимлари Ҳортен ва Ҳортманни ҳам ўзига жалб этган эди. Хусусан, Макс Ҳортен Тасаввуфнинг йирик намояндalари – Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож ва Жунайд Бағдодий ақидаларида Қадимги Ҳинд фалсафаси ва Брахманлик динининг таъсири борлигини таъкидлайди. Аммо тасавуфшунослик тарихида бу фикр янги эмас эди. Чунки бу таъсирланишни биринчи марта Абу Райҳон Беруний Мансур Ҳалложнинг Ҳиндистонга қилган сафарлари натижаси, дея изоҳланган эди.²

¹ Гольдциер И. Лекции об исламе. – Брокгауз-Ефрон, 1912.

² بیرونی، ابوریحان، مالهند. - زخاو، ص. ۴۳.

Эронлик тасаввуфшунос олим Манучехр Муртазойнинг фикрича, Буддавийлик таълимотининг баъзи бир унсурлари Ислом Тасаввуфига икки йўл билан кириб келган:

- Ислом динидан олдин фаолият кўрсатган Моний таълимоти орқали;

- Ислом динидан сўнг исломий ирфоннинг ифротий асосчилари, масалан, Мансур Ҳалложнинг Ҳиндистонга қилган сафарлари орқали.¹

Манучехр Муртазойнинг биринчи тахмини ҳақиқатга яқинроқ. Чунки Будда (“огоҳ”, “хабардор”) фалсафаси аввал Моний таълимотига таъсир этиб, у билан омихталлашиб, маҳаллий характер касб этган ҳолда Тасаввуфда қандайдир из қолдирган бўлса ажаб эмас. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний ўзининг “Мо лил-Ҳинд” асарида “Монийни Эрондан бадарға қилишди, у Ҳиндга бориб, таносухни ўрганди ва уни ўз динига киритди”,² деб маълумот беради. Бундан чиқадики, Моний таълимотида нафақат Насронийлик унсурлари, балки Қадимги Ҳинд динларининг таъсири ҳам кучли бўлган экан. Абдулхусайн Зарринқўб эса Мансур Ҳалложнинг Ҳиндистонга қилган сафарларини ва унинг Қадимги Ҳинд таълимотларидан таъсирланишини баъзи бир тадқиқотчилар ўйлаганчалик жиддий масала деб ҳисобламайди.

Тасаввуф сайру сулукида етти даража мавжудлиги Санойининг “Сайр ул-ибод ала ал-маъод” номли асарида осмоннинг етти қаватини руҳоний сайр этиш мисолида ва Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонида ҳақиқат йўловчиларининг кушлар тимсолида етти водийни ўтишлари мисолида кўрсатилган. Саид Нафисийнинг фикрича, “мана шу сайру сулук озгина фарқ билан Буддавийлик тариқатида ҳам мавжуд”.³

Тасаввуф сайру сулукидаги охирги зинани “фано” ва “маҳв” деб атайдилар ва Буддавийликда худди шу даражага монанд ҳолат “Нирвана” (“хомушлик ҳикмати”) номи билан машҳурдир.

Мавлоно Абдурахмони Жомий “мавт”, яъни, “ўлим”нинг тўрт хилини кўрсатиб ўтади: “мавти абяз (оқ ўлим – Ж.Х.) – ва у очликдир. Мавти асвад (қора ўлим – Ж.Х.) ва у халқ маломатларига сабр қилмоқдир. Мавти аҳмар (қизил ўлим – Ж.Х.) – ва у нафс билан курашмоқдир. Мавти ахзар (яшил ўлим – Ж.Х.) – ва у либосга ямоқ тикмоқдир”.⁴

Саид Нафисий ушбу таъбирларнинг Буддавийликда мавжудлигини чайд этган бўлса-да, уларнинг қандай номланиши ва нимани англатишини тушунтириб бермайди.⁵ Унинг Буддавийликни Тасаввуф манбаларидан бири сифатида кўрсатадиган асосий далиллари билан будда ва Иброҳим Адҳам тақдирларининг ўхшашлиги масаласидир. Ривоятларга кўра, Будда (Gautama) шахзода эди ва кунлардан бир куни сайр қилиш мақсадида саройдан чиқиб бир қария чолга рўпара келади. У хизматкоридан: – Нега бу одамнинг юзларини ажин босган ва тишлари тўкилган? – деб сўраганида хизматкор: – Ҳамма одамлар охир-оқибатда шундай аҳволга тушадилар, - дея жавоб қайтаради. Иккинчи марта жуда ҳам оғир аҳволга тушган беморга дуч келади. – Бу ким, нега бундай ҳолатга тушган? – деб сўраганида, – Ҳамма охир-оқибат шу аҳволга тушади, - деб жавоб берадилар. Учинчи марта ўлган одамни тобутда кўтариб бораётган оломонни кўриб нима бўлганлигини суриштирганида – Охир-оқибат ҳаммининг қисмати шудир, - деб жавоб қайтарадилар. Ниҳоят, тўртинчи марта кўлида тиламчилик косасини тутиб, бағоят хотиржамлик ва ажойиб бир кайфият билан юрган бир дарвишни учратади. Будда унинг аҳволига ҳавас билан боқиб, ундан дунёнинг ўткинчи эканлиги, бу ўткинчи дунёда инсон синов учун келганлиги, бу синовлардан ўтиш ва абадий осойишталик топиш учун мол-дунёдан воз кечиб, қаноат ва сабр ила умргузаронлик қилиш лозимлигини билиб олади. Шундан сўнг Будда тожу тахтдан воз кечиб, тарки дунё қилади ва халқнинг руҳоний раҳнамосига айланади.

Бу ривоят озгина тафовут билан Хуросон Тасаввуфининг пешвоси, пири комили, илк сўфийларидин бири Иброҳим Адҳам қиссасига ўхшаб кетади: Иброҳим Адҳам Балх подшоҳи

1 مرتضایی، منوچهر. مکتب حافظ یا مقدمه ای بر حافظ شناسی. - تهران، ۱۳۴۴. - ص. ۳۳۵

2 فلسفه هند قدیم. از کتاب ما للهند ابوریحان بیرونی. ترجمه اکبر داناسرشت. - تهران: موسسه انتشارات امیر کبیر، ۱۳۶۳. - ص. ۶۱

3 ص. ۳۵. - سرچشمه های تصوف در ایران. نفیسی، سعید

4 Абдурахмони Ҷомӣ. Осор. Ҷилди ҳаштум. Нафаҳот ул-унс. – Душанбе: “Адиб”, 1990. – С.14.

5 ص. ۳۵. - سرچشمه های تصوف در ایران. نفیسی، سعید

эди. “Бир кеча тахт устида ухлаб қолди. Ярим кечаси уйнинг томи худди биров юргандек, силкинди. “Ким у?” деб сўради. Деди: Ошнодурман. Туямни йўқотган эдим, шу том устидан қидиряпман.

Деди: – Эй жоҳил, туяни том устидан излайсанми?

Деди: – Эй ғофил, сен Маъбудни заррин тахт устида атлас жомаларга ўранган ҳолда излайсанми?”¹

Иккинчи марта Иброҳим сарой аъёнлари билан ўтирган пайтида шундай бир ҳайбатли одам кириб келдики, сарой ходимларидан биронтаси ҳам “Сен кимсан?” дейишга журъат эта олмади. “Иброҳим сўрадли: – Нима истайсан?

Деди: – Шу работга кирмоқдаман.

Деди: – Бу работ эмас, менинг саройимдур. Девона бўлганмисан?

Деди: – Бу сарой бундан олдин кимники эди?

Деди: – Отамники.

Деди: – Ундан олдин?

Деди: – Отамнинг отасиники.

Деди: – Ундан олдин?

Деди: – Фалон кишининг отасиники.

Деди: – Қани улар?

Деди: – Вафот этдилар.

Деди: – Бири келаяпти, бири кетяпти, демак шу работ эмасми?”²

Бу одам Хизр алайҳиссалом эдики, Иброҳимни тарки дунё қилишга даъват этарди. Унинг сўзларидан таъсирланган Иброҳим тожу тахту мол-дунёдан воз кечиб “бир чўпон олдига борди ва ўз жомасини унга бериб, унинг жомасини кийди ва аҳлу аёлини Худога топшириб, боши оққан томонга йўл олди”.³

Европалик шарқшунос олим Голдсиернинг фикрича, Иброҳим киссаси Будданинг тавба қилиши ҳақидаги ривоят асосида тўқилган.⁴

Аммо Зарринқўб Зеҳнер фикрига⁵ қўшилиб шундай дейди: “Буддани тарки дунё этишга ва ҳикмат нуруни излашга ҳидоят этган нарса қарилик, беморлик ва ўлим мушоҳадаси эдики, отаси уни бу нарсаларни кўриш ва билишдан манъ этганди, ҳолбуки Иброҳим Адҳамни тарки тааллуқотга (моддий оламдан воз кечиш – Ж.Х.) ҳидоят этган нарса ҳам ғайб нидоси ёки Хизр ишорати эди. Дарвоқеъ, сўфия учун инсонни ҳаққа чорлайдиган ҳам Ҳақнинг ўзидир”.⁶

Дарҳақиқат, Тасаввуф ва Буддавийлик ўртасидаги муносабат шундай чигал бир муаммоки, “исломий тасаввуф” назариясини ўртага ташлаган А.Зарринқўбни ҳам холисона фикр юритишга мажбур этади. У Буддавийлик таълимотини Тасаввуф сарчашмаларидан бири эканлигини инкор этса-да, унинг Тасаввуфга кўрсатган таъсирини рад этолмайди: “Исломдан кейин ҳам анча вақтгача Бухоро, Рометан, Самангон, Бомиён ва Қобулда Будда таълимотига эргашувчилар бор эди ва шубҳасмз Будда ойини бу минтақа халқларининг ақида ва одобларига чуқур таъсир етказмасдан кетиши мумкин эмасди ва албатта, бу таъсир минтақа мусулмонларининг Тасаввуфу зуҳд ва ирфонига сезилмас, аммо мулоҳаза қилишга арзигулик даражада бўлиши табиий эди. Аммо шунга қарамасдан, Тасаввуф яратган ҳамма нарсани Буддавийликка мансуб деб билишга ҳеч қандай асос йўқ”.⁷

Эронлик тасаввуфшунос олим Қосим Ғани ҳам бу масалада юқоридаги фикрларни келтиради. Аммо у бу билан кифояланмай, бу икки маслак ўртасидаги бошқа ўхшаш хусусиятларни ҳам таҳлил қилишга киришади: “Ҳар иккала тарика издошлари фикрга

¹ Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Душанбе, 1990. – С.11.

² Ўша манба, ўша жой.

³ مستملی بخاری، امام ابو ابراهيم اسماعيل بن محمد. شرح التعرف لمذهب التصوف. ربع اول. - تهران، ۱۳۴۳. - ص.۲۰۲

⁴ Goldziher, L., Le Dogme et la lot de l'islam. – Pariz, 1958.

⁵ Zaehner R.C., Hindi and Muslim Mysticism. – London, 1960. – P.21-22.

⁶ Абдулхусайн Зарринқўб. Чустучў дар тасаввуфи Эрон. – С.33.

⁷ Абдулхусайн Зарринқўб. Чустучў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: “Ирфон”, 1992. – С.33.

шўнғишга эришадилар, уни сўфийлар “муруқаба” ва буддавийлар “диёно” деб атайдилар ва иккови ҳам ориф ва маъруф (маърифат этувчи ва маърифат бўлгувчи – Ж.Х.) бирлашувини асл мақсад деб биладилар”.¹

Бу икки маслак ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, буддавий фақат нафснинг ахлоқий тарбияси ва ботинни поклашни назарда тутуди, аммо сўфий нафс тазҳибини (тарбияси) Худонинг маърифати ва илохий ишқ орқали қўлга киритади. Яъни, Буддавийликнинг сайру сулуки ўзни қайта яратишдан, сўфийнинг сайру сулуки эса ўзни маҳв этишдан иборатдир. Буддавийнинг мақсади нафс тазкия (тарбия)си ва ботин тасфия(сафо, поклаш – Ж.Х.)си орқали ўзлигини танимоқ бўлса, сўфийнинг мақсади ёр васлига восил бўлмоқ учун қалбни поклаш ва дунёга тааллуқли нарсалардан юз ўгириш орқали Унга (Аллоҳга) фано бўлмоқ ва Унда бақо топмоқдир. Ишқ йўлининг солиги покланиш, яъни, маънавий камолот воситасида “фанофиллоҳ” марҳаласидан ўтиб интиҳосизлик ва абадийлик босқичи – “бақобиллоҳ”га етади.

Буддавийларда Тасаввуфнинг “Фано” тушунчаси “Нирвана” шаклида мавжуд, аммо улар бир-биридан моҳият жиҳатидан фарқ қилади. Зеро, буддавий солик йўл интиҳосида “Нирвана” манзилида қарор топади, аммо Тасаввуфда солик “Фано” марҳаласидан ўтиб энг олий марҳала – “Бақо” манзилига ўтади ва шу тариқа носут умр (инсоний умр) поёнига етиб, лохут умр (илохий умр) бошланади. “Нирвана”нинг асл моҳияти Инсонни Коинот билан абадий боғлаш бўлмай, руҳий осойишталик топмоқ ва дунёнинг ранжу машаққатларидан узлатга чекиниб нажот топмоқдир. Будда фалсафасига биноан “ҳаёт мусибатдир, инсон туғилишидан сўнгги нафасигача руҳий изтироб ва ташвишлар билан умр ўтказди, зеро у саодат кимёсининг толибидир. Ва у бу кимёни уч нарсада кўради: биринчиси ҳаёт, иккинчиси соғлиқ ва учинчиси сарват. Ҳолбуки, ҳаётни ўлим, соғлиқни қарилик ва сарватни кашшоқлик эгаллаши мумкин. Ва у (инсон) бу офатларни қайтариш чораларини излаб тополмагач, изтироб чекиб, тушкунликка тушади. У ўзини қийнаётган бу изтиробу ташвишлардан қутулиш чорасини излайди. Ва бунинг иложини орзуларни тарк этмоқдан топади. Орзу-ҳавасларни тарк этган инсоннинг қалби изтироблардан холи бўлади. Бу дунёда вужудини одамлар муҳаббати, мол-дунё, шахват ва барча моддий орзу-ҳаваслардан тозалаган ва “Нирвана” мақомига етган кишигина осойишта яшаши мумкин”.²

“Исломиий Тасаввуф” назариясига мойил бўлган Манучеҳр Муртазойи ҳам Тасаввуф ва Буддавийлик ўртасидаги муносабатлар масаласида Зарринқўб мавқеидан туриб фикр юритади. Унинг фикрига кўра, янги афлотунийларнинг Ишроқ фалсафасига нисбатан исломий ирфонда Буддавийлик таълимотининг нишонларини эътироф этиш лозим. У ўз фикрининг исботи учун учта далил келтиради:

- “Нирвана” (Nirvana) фано, яъни, соликнинг ўз хоҳиш-истаги билан ўлиши, ўлимдан олдинги ўлим. Бу мартаба буддавийлар учун энг олий даража саналади; Буддавийлик динидаги саккизта мақомот ва сўфийликдаги еттита даража. Шунингдек, Буддавийликдаги “Диёна” (Куапа) ва Тасаввуфдаги “муруқаба” ҳам муқоясага лойиқ;

- Тасаввуфдаги “ошиқ” ва “маъшук”, Буддавийликдаги “ориф” ва “маъруф”нинг бирлиги ё бирлашуви. Шунингдек, Тасаввуфдаги бир қанча шартлар – орзу-истакка йўл қўймаслик, хирқа кийиш, зикру вирд ва хонақоҳда яшаш, сайру саёҳат ва ёру диёрдан қўнгил узиш Қадимги Ҳинд таълимотларидан ўтган бўлиши мумкин.³

Манучеҳр Муртазойи фикрига қараганда, Будда фалсафаси салбий хусусиятга эга эди. Шунинг учун ҳам Тасаввуф шаклланишининг биринчи босқичида салбий жиҳатлар ва таркидунёчилик кайфияти устун турган.⁴ Буддавийликдаги “Нирвана” хомушлик (соқитлик) ҳикматидир. Аммо сўфийликдаги “Фано” маҳв – йўқликни англатади. Чунончи, Мавлоно Жалолиддин Балхий Қутбиддин Шерозийга ўз тариқатини шундай таърифлаган эди: “Бизнинг тариқатимиз ўлмоқдир, то ўлмасанг, қутулмайсан”.

¹ غنى، قاسم. بحثی در تصوف. - تهران، ۱۳۳۱. - ص. ۱۲۵.

² Мухаммад Рашшод. Фалсафа аз оғози таърих. – Душанбе: “Ирфон”, 1990. – С.35-36.

³ مرتضایی، منوچهر. مکتب حافظ یا مقدمه ای بر حافظ شناسی. - ص. ۲۳۳-۲۳۵.

⁴ Ўша китоб, ўша жой.

Тасаввуфнинг Буддавийлик динига бўлган муносабати масаласида тадқиқотчилар назаридан четда қолган масалалардан бири – бу Буддавийликнинг ақлий-манتيкий далилларга таянишидир. Ҳолбуки, Тасаввуф аҳли ҳақиқатни завқу мукошафа асосида маърифат этганлар. Мавлоно Жалолиддин Балхий “Маснавийи маънавий”да айтганидек:

مايرون را ننگريم و قال را
مادرون را بنگريم و حال را

Мазмуни: *Биз зоҳирга ва қилу қолга қарамаймиз (қилу қол – далилу исбот талаб этадиган илмларга ишонмаймиз – Ж.Х.), биз ботинга ва ҳолга қараймиз (ҳол – қалб ва руҳ орқали борлиқни идрок этиши орқал иш тутамиз – Ж.Х.).*

Хулоса:

Ислом дини таркибида вужудга келиб ривожланган ва салкам 1350 давомида нафақат Мусулмон шарқи, балки бутун Ғарбу Шарққа кенг ёйилиб кетган Тасаввуф таълимотининг илдизлари бевосита Буддавийлик динига бориб тақалади, дейиш мутлақо ноўриндир. Нега деганда, Тасаввуф ҳеч қандай шак-шубҳасиз, Ислом тафаккури маҳсулидир. Тасаввуф ва Буддавийлик ўртасидаги маълум бир ўхшашликларнинг бошқа сабаби бор. Гап шундаки, Яҳудийлик, Насронийлик ва Ислом дини, ҳатто, қадимги Ҳинд, Эрон, Хитой ва туркий халқларда расм бўлган диний таълимотлар ўртасида ҳам ўзаро алоқадорлик ва умумий жиҳатлар мавжуд бўлган. Ана шу ўзаро алоқадорлик ва умумий жиҳатлар, табиийки, динлар ўртасида ўзига хос “қариндошлик” масаласини келтириб чиқаради. Иброҳимий динлар, қадимги Маздояснолик, Мехрпарастлик (Митраизм), Зардуштийлик, Буддавийлик, Веда динлари ва Монавийлик таълимотлари мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-бири билан узвий боғланган ҳолда шаклланган ва шубҳасиз, бу таълимотлар таркибида муштарак ёки ўхшаш фалсафий-ирфоний дунёқарашлар тизими ҳам мавжуд бўлган. Турли динлар ўртасидаги “қариндошлик” натижасида ушбу динлар таркибида шаклланган фалсафий-ирфоний ёхуд бошқача таъбир билан айтганда, “мистик” таълимотлар ўртасида ҳам умумийлик ва ўзига хослик кузатилади.

XOJA AHROR VALIY “RISOLAI HAVROIYYA” ASARINING FALSAFIY TAHLILI

Xolida Raxmatova, Buxoro davlat pedagogika instituti

“Ijtimoiy fanlar” kafedrasida dotsenti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Xoja Ahror Valiy ma’naviy merosining Xuroson tasavvuf maktabini asoschisi yirik mutasavvif Abu Said Abul Xayr (vaf. 440/1048) bilan bog‘liq jihatlari o‘rganilgan. Xoja Ahror Valiyning “Risolai Havroiyya” (Hurlar risolasi) asari Abu Said Abul Xayr tomonidan yozilgan, bemor kishiga o‘qilsa sharofatli hisoblangan va shuning uchun juda ko‘p kishi tomonidan sharh etilgan ruboiyning tahliliga bag‘ishlangan.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются аспекты духовного наследия Ходжи Ахрара Вали, связанные с великим мистиком Абу Саидом Абул Хаиром (ум. 440/1048), основателем Хорасанской школы мистицизма. «Risalai Khavroya» («Трактат о хуррах») Ходжи Ахрара Вали посвящен анализу рубаи, написанного Абу Саидом Абул Хаиром, который считался благоприятным при чтении больному человеку и поэтому комментировался многими людьми.*

Annotation: *This article discusses aspects of the spiritual heritage of Khoja Akhrar Vali associated with the great mystic Abu Said Abul Khair (d. 440/1048), the founder of the Khorasan school of mysticism. “Risalai Khavroya” (“Treatise on Khurrah”) by Khoja Ahrar Vali is devoted to the analysis of the rubaiyat written by Abu Said Abul Khair, which was considered favorable when reading to a sick person and therefore was commented on by many people.*

Kalit so‘z va iboralar: *Naqshbandiya ta’limoti, Xoja Ahror Valiy, mutasavvif, Abu Said Abul Xayr, hurlar, rizvon, koinot, mushohada, inson ruhi.*

Ключевые слова и фразы: Учение Накибандия, Ходжа Ахрар Вали, мистицизм, Абу Саид Абул Хайр, Хавраия, ризван, вселенная, наблюдательность, человеческий дух.

Key words and phrases: Teachings of Naqshbandia, Khoja Ahrar Vali, mysticism, Abu Said Abul Khair, Khavria, rizvan, universe, observation, human spirit.

Xoja Ahror Valiyning “Risolai Havroiyya” (Hurlar risolasi)¹ va mutaqqaddamin va mutaaxxirin mashoyixlar naqli bilan bog‘liq 52 ta rashhalarining 39-chisi² Abu Said Abul Xayr ijodini tahlili bilan bog‘liq. Xoja Ahror Valiyning “Risolai Havroiyya” – asarining nusxalari O‘z FA Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar fondida saqlanmoqda.³

“Risolai Havroiyya” (Hurlar risolasi) Abu Said Abul Xayr tomonidan yozilgan, bemor kishiga o‘qilsa sharofatli hisoblangan va shuning uchun juda ko‘p kishi tomonidan sharh etilgan ruboiyning tahliliga bag‘ishlangan. Chunki ilgari sharhlar Xoja Ahrorni qoniqtirmagan va o‘zi bu ruboiyni tahlil etish maqsadida “Hurlar risolasi” nomi bilan mo‘jazzgina, lekin boy tasavvufiy mazmuni o‘ziga olgan asarni yozgan.

“Risolai Havroiyya”da Abu Said Abul Xayrning quyidagi mashhur ruboiysini Xoja Ahror sharhlab, o‘zining insonga oid qarashlarini bayon etadi:

Huro ba nazzorai nigoram saf zad,
Rizvon z-taajjub kafi xud bar kaf zad.
On xoli siyah bar on ruxon mutraf zad,
Abdol zi biym chang bar mus’haf zad.⁴

Bu ruboiyning asosiy so‘zlariga Xoja Ahror tomonidan sharh va izohlar berilgan. Shular asosida ruboiyni o‘zbek tilidagi tabdilini quyida keltiramiz. Xoja Ahror “Risolai Havroiyya” asarining boshida, sharhlardan oldin inson haqida fikr yuritadi. U insonni tana va ruhdan iborat ilohiy mavjudot sifatida ko‘rib tahlil etadi. Ruhlarini Haq o‘z Jamolini muhoshadasi uchun yaratgan, deydi Xoja Ahror. Ruh tanaga kirganda o‘z asli Haq Jamolidan hijoblar bilan to‘siladi. Ammo asl holatda inson ruhida Haq Jamoli bilan muhabbat va unsiyat hosil bo‘ladi. Jaloliddin Rumi aytgandek, nay aslidan uzilib yana unga yetish uchun nola qilgandek, inson ruhi doimo asliga tomon intiladi. Lekin ruhlar asl holatlariga qaytishga intilsalar ham, xohlasalar ham taqdir taqozosi bilan qayta olmaydilar. Odam (alayhissalom) qancha Jamolga intilsa ham farzandlari, badan bog‘lanishlari tufayli hijob-pardalar hosil bo‘lganini misol tariqasida Xoja Ahror yozadi.

Xoja Ahror insonlarni ikki toifaga bo‘ladi. Biri bog‘lanishi va taalluqlar pardasiga o‘ralib o‘z aslini unutib, kufri isyon yo‘liga o‘tadi. Ikkinchi qism payg‘ambar va valiy yordami bilan aslini xotirlaydi va iymon nuri bilan munavvar bo‘ladi. Natijada Haq Jamolini hech unutmaganlaridek ularda kuchli ishtiyoq paydo bo‘ladi. “Muhabbat otashi ularning dillarida shunday o‘rnashdiki, bu otash o‘shal Jamol mushohada yodisiz taskin topmaydi. Agar bu otash ularni qattiq kuydirsayam, lekin bu otashsiz turolmaydilar.”⁵ Ikkinchi toifa- nurli, iymonli, komil insonlar uchun o‘lim asl bilan bog‘lanish, visol sururidir. Shuning uchun o‘lim haqida gapirganda ular shod bo‘ladilar. Xoja Ahror yozadi: “Ular shunday toifaki, biror zahmat-bemorlik yetganda ularga bir kishi shu holatlarida o‘lim haqida gapirsa, ular shod bo‘ladilar, zero, biladilarki, o‘shal Jamol mushohadasini topish o‘limsiz hosil bo‘lmaydi.”⁶ Bu xabardan shod bo‘lgan bemorning badaniga ham yengillik, hosil bo‘ladi, deb yozadi Xoja Ahror “Haqiqiy Jamol mushohadasi lazzati bu olamdan o‘tgandan keyin bo‘ladi” – deb Xoja Ahror payg‘ambarimiz Muhammad (sallallohi alayhi vasallam)ni “kim Menga Safar oyining chiqqanidan xabar bersa, Men unga Jannat bashoratini qilaman” hadisi orqali bu fikrni isbot etadi.

¹ Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Рисолаи Ҳавроиййа/Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоҳ, Ҳ.Амин. – Т.: Адолат, 2004. 21-25-бетлар.

² Фахриддин Али Сафий. Рашахот: (Оби Ҳаёт томчилари). – Табдил ва сўнг сўз муаллифи М.Ҳасаний. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиб-нашр., 2003. 352-бет.

³ Бобохонов Ш., Мансур А. Нақшбандий тарикатига оид қўлғезмалар фикристи. Т.: Мовароуннаҳр, 1993. 22-23-бетлар.

⁴ Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Рисолаи Ҳавроиййа/Табаррук рисолалар. 383-бет.

⁵ Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Рисолаи Ҳавроиййа/Табаррук рисолалар. 22-бет.

⁶ Ўша асар. 23-бет.

Xoja Ahror “o‘limni eslash ulug‘larning shodligi” ekanini, yuqorida tilga olgan Abu Said Abul Xayrning ruboiysi shu ma‘noda bo‘lganligi uchun bemorga muhabbat sururini, Haqqa qaytish zavqu shavqini berishini aytib, har bir ruboiydagi asosiy tushunchani izohlaydi. Xoja Ahror aslini esda tutgan, Ilohiy Jamol ishqida kuyib, unga yetishishni orzu qilayotgan komil inson bemorlik holatiga nisbatan o‘z sharhini yozadi.

Xoja Ahror ruboiyni boshidagi “Huro” so‘zi hurlar va farishtalarni anglatishini yozadiki, ular o‘layotgan ilohiy ishqda kuygan bemor boshiga kelib saf tortib, uni kuzatib turadilar. Birinchi qatoridagi “nigor” Xoja Ahror fikricha mahbublik maqomidagi inson ruhi. Qur‘oni Karimdagi Moida surasining 54-oyati - “U ularni yaxshi ko‘radi, ular ham uni yaxshi ko‘radilar”ni Xoja Ahror asos sifatida keltiradi. Abul Said Abul Xayr ruboiysining birinchi qatori Xoja Ahror sharhi bilan quyidagi ma‘no oladi:

Hurlar, farishtalar mahbublik maqomidagi ruh – nigoroni kuzatib, nazzora etib, saf tortdilar. Xoja Ahror bu holat mahbublik maqomidagi insonda bo‘ladi deb ta‘kid etadi.

Ruboiyning ikkinchi qatoridagi “Rizvon”-dan murod esa dil bog‘i (jannat)ni qo‘riqlovchi aqldir,”¹ deb Xoja Ahror dilni jannat bilan qiyoslaydi, “Ammo dil behishtga tabiat do‘zaxidan o‘tmaguncha yetmaydi”² deb, Xoja Ahror ruh tanaga kirib, moddiy olam, shahodat olamida o‘z o‘rnini topib, bandalikni o‘rniga keltirganidagina qalb jannatga aylanishini yozib, moddiy olamdagi pokiza hayot kechirish ruh kamoloti uchun naqadar muhimligini ta‘kid etadi. “Taajjub” so‘zini Xoja Ahror qalbni o‘zidan uzoq narsalarni bilib qolishi va bu esa aqlni hayratga tushishiga sabab ekanligini aytadi. Bundan kelib chiqib Abu Said Abul Xayr ruboiysini ikkinchi qatorini shu mazmunda tabdil etish mumkin:

Rizvon – qalb, dil jannatini qo‘riqlovchi aql (qalbni) ogohlidan taajjubga tushib, o‘z kaftini kaftiga urdi. Bu holat hayratdan lol bo‘lgan paytda insonga beixtiyor sodir bo‘ladi. Bu go‘zal holat aqlni lol etgan, hayratga solgan. Bu bilan Xoja Ahror qalbni ko‘rishni, anglash, dark etish darajasini cheksizligi va aqlni bilish darajasi chegaralanganligini ham ta‘kid etmoqda.

Xoja Ahror ruboiyni uchinchi qatoridagi “xoli siyox” – qora xolni o‘lim vaqtida zuhurga keladigan xorlik, mazallat va kamtarliklar, deb sharh etadi. Shu qatorida “mutraf” so‘zi bor. Uni mazmuni “yuzni yopuvchi parda, hijob”³-dir. Sharh va izohlar bilan ruboiyni uchinchi qatorini shunday mazmunda yozish mumkin:

O‘shal qora xol – o‘lim holati, ruhlar uchun hijob, pardani olib tashladi. (Ularga vasl bilan qo‘shilish uchun imkon berdi.)

Shuning uchun bo‘lsa kerak tasavvuf ahli “o‘limdan oldin o‘lmoq”ni istaydilar. Shuning uchun bo‘lsa kerak Bahouddin Naqshband: “Gar birem hech motam ne”, ya‘ni “agar biz o‘lsak motam emas” – deb ta‘kid etganlar.

Ruboiy to‘rtinchi qatoridagi “Abdol” va “Mus‘haf”ni Xoja Ahror quyidagicha sharh etgan: “Abdoldan maqsad nafsoniy quvvatdurki, inson mohiyatida har xil o‘zgarishlar yasaydigan narsadir. Mus‘hafdan murod esa Kull mazhari, jam‘lik nusxasi bo‘lgan inson haqiqatidir.”⁴

“Abdol” – Xudoga yaqin, xudoning xos kishilari bo‘lib, ular yetmish kishidan iborat.”⁵ Xoja Ahror shu yetmish quvvatni insonni botinida mavjudligini aytadi. Mus‘haf – Qur‘oni Karimni ham shu nom bilan ataydilar. Bu yerda Mus‘haf – Qur‘on qanday Olloh kalomi bo‘lib, butun Olam mohiyatini aks ettirsa, inson ham – Mus‘haf – Olloh-Kullning zohir bo‘ladigan joyi, jam‘ maqomidagi nusxa bo‘lib, uni Xoja Ahror inson haqiqati deydi. U yerda Qur‘oni Karimdagi “Fussilot” surasidagi 53 oyatni keltirib, uni izohida yozilgan va inson mohiyatini ochib beradigan quyidagi ruboiyni keltiradi:

Ey nusxai nomai ilohi, ki tui,
Va ey oinai jamoli shohi, ki tui.
Berun zi tu nest, har chi dar olam hast,

¹ Ўша асар. 24-бет.

² Ўша асар. 24-бет.

³ Фарҳанги забони тоҷики. Том 1. Москва: 1969. 776-бет.

⁴ Ўша асар. 24-бет.

⁵ Фарҳанги забони тоҷики. Том 1. Москва: 1969. 26-бет.

Dar xud bitalab, har on chi xohi, ki tui.¹

Mazmuni:

Ey ilohiy noma nusxasi, sensan,

Ey Shoh jamoli ko'zgusi, sensan.

Olamda nima bor bo'lsa, senda bordir,

O'zingdan talab qil, har nima istasang, o'zingsan.

Abu Said Abul Xayr ruboiysini to'rtinchi qatorida "chang solish"ni Xoja Ahror "o'zlarining rutbasi pasayib, ruh martabasi oliy bo'lganligidan ruhga yopishishdir"²– deydi. Umuman ruboiyni to'rtinchi qatorini quyidagicha tabdil etish mumkin:

(O'lim holatida ruhiy olam sururini ko'rib) abdol – barcha nafsoniy quvvatlar qo'rqib, asl mohiyat, inson haqiqati bo'lgan Mus'hafga yopishdilar. Xoja Ahrorning Abu Said Abul Xayr ruboiysini sharh, izoh, tahlilidan ma'lum bo'ladiki, inson kamoloti, haqiqiy asl mohiyatni topish, ilohiy ishq ila mahbublik maqomiga yuksalish uchun o'limni eslash, "robitai mavt"³ning ahamiyati kattadir, foniy va boqiy, o'zgaruvchan va abadiy narsalarni bilish inson uchun muhimdir. Xoja Ahrorning bu sharhlari Alisher Navoiyning quyidagi mashhur misralari bilan hamohangdir:

O'z vujudingni tafakkur aylagil,

Har na istarsen, o'zingdan istag'il.

Xoja Ahror rashhalari tufayli biz yana bir bor tasavvufga berilgan ta'riflarning eng yaxshisini angladik. Darhaqiqat, vaqt qadrini bilish har nafas, har onni to'g'ri o'z o'rniga sarflash jamiyat va inson kamoloti uchun zarur.

Xulosa qilib aytilish mumkinki, Xoja Ahror Valiyning Abu Said Abul Xayr ruboiysining sharhiga doir asari va tasavvufga oid hikmatli so'zini ifodalovchi rashhasi uning inson, inson mohiyati, haqiqiy inson, ruh, tana, o'lim, ilohiy ishqga oid tasavvufiy tushunchalarini anglashga imkon beradi. Bularni anglash Xoja Ahror shaxsiyatini chuqurroq bilish imkonini beradi.

ABULQOSIM QUSHAYRIYNING TASAUVUFIY MEROSI

Qodirov Davronbek Hoshimovich, Buxoro davlat universiteti, falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya: Maqolada X-XI asrlarda yashagan, mashhur so'fiy, alloma va mutafakkir Abulqosim Abdulkarim Qushayriyning hayoti, u yashagan davrda xalifalikdagi ijtimoiy-siyosiy muhit hamda madaniy hayot ёрутилган.

Kalit so'zlar: tasavvuf, tushuncha, davlat, islom, tafakkur, shofe'iylik, ash'ariylik, hanafiylik.

Аннотация: В статье описывается жизнь известного суфия, ученого и мыслителя Абулкасима Абдулкарима Кушайри, жившего в X-XI веках, раскрывается общественно-политическая среда и культурная жизнь халифата.

Ключевые слова: суфизм, понимание, государство, ислам, мышление, шафиизм, ашаризм, ханафизм.

Abstract: The article describes the life of the famous Sufi, scientist and thinker Abulkasim Abdulkarim Kushayri, who lived in the X-XI centuries, reveals the socio-political environment and cultural life of the caliphate.

Keywords: Sufism, understanding, state, Islam, thinking, Shafism, Asharism, Hanafism.

Sharq Rennansining mashhur allomasi, islom tafakkurining yorqin namoyandasi, ko'pgina tasavvuf ta'limoti vakillarining ma'naviy ustozlari bo'lgan Abulqosim Abdulkarim Qushayriy shaxsini o'rganishda, avvalo, u yashagan davr, o'sha paytdagi ijtimoiy-siyosiy muhit hamda madaniy hayot to'g'risida tushunchaga ega bo'lishimiz zarur.

Allomaning to'liq ismi Abdulkarim bin Havozin Abdulmalik bin Talxa bin Muhammad an-Naysaburiy Abulqosim al-Qushayriy an-Naysaburiydir. Abulqosim Qushayriy asli xurosonlik

¹ Хожа Убайдуллох Аҳрор. Рисолаи Ҳавроййа./Табаррук рисолалар. 378-бет.

² Ўша асар. 25-бет.

³ Робитай мавт – Нақшбандия тариқатидаги ўлим билан боғланиш ҳолатига мансуб амалиёт.

bo'lib, 376 hijriy yilning rabi' ul-avval oyida (milodiy 986 yilning iyul oyida) Eronning shimoli-sharqida, Nishopurga yaqin joylashgan Ustuvo shahrida badavlat oilada tug'ilgan. Uning ajdodlari arab bo'lganlar. Ustuvo shahri toki XIII asrda mo'g'ullar istilosiga qadar xalifalikning sharqiy qismidagi eng boy madaniy markaz hisoblangan.

Qushayriyning nasl-nasabi Xuroson hududiga kelib qolib o'rnashgan, asli arab bo'lgan Bani Qushayr qabilasiga borib taqaladi. Allomaning onasi arab qabilasi Bani Sulaymdan bo'lib, fozila ayol va ilm sohibasi edi [1:166]. Qushayriyning tog'asi Abu Oqil as-Sullamiy Ustuvo viloyatidagi bir qancha qishloqlarga egalik qilgan, shu bilan birga hadis ilmining taniqli bilimdoni ham bo'lgan. Aynan, uning tog'asi yoshligida birinchilardan bo'lib ilohiyot sohasida unga ustozlik qilgandi.

Mutafakkirning yoshligi haqida ma'lumot kam. Ma'lumki, u yoshligida Abulqosim Olimoniydan arab tili va fasohat, adab ilmlarini mukammal o'rgangan [2:205]. Shu bilan birga u jang san'at, ot minish va kamondan otishni o'zlashtirgan. Qushayriyning otasi yoshligida vafot etgani uchun u bolaligidanoq faqat ichki sezgisi va bilimiga tayangan holda mustaqil qaror qabul qilishga majbur bo'lgan.

Qushayriy o'n besh yoshga to'lganida o'ziga qarashli bo'lgan qishloqdan olinadigan soliqlarni kamaytirish maqsadida hisob va xo'jalik yuritishni o'rganish uchun Xuroson poytaxti Nishopurga keladi. U chekka bir qishloqdan chiqqan o'smir bola bo'lganligi sabab o'sha davrdagi diniy-falsafiy fikr va oqimlardan yiroq edi. Shuning uchun Nishopurda har xil falsafiy, g'oyaviy va diniy qarashlarga ega bo'lgan turli maktablar hamda oqimlar tarafdorlaridan ta'sirlangan va kuchli taassurotdan, navqiron Qushayriy diniy va falsafiy ilmlarga qiziqishi ortib, ularni o'rganishni boshlaydi. U 1001 yilda Abu Ali Daqqoq (1015 y.v.e.) asos solgan mashhur tasavvuf maktabiga qo'shilib, tasavvuf ilmidan ta'lim olishni boshlaydi. Yigitning iste'dodini ko'rgan Daqqoq unga ilm berishda e'tibor qaratadi. Qushayriy ustozining eng sevimli shogirdi va keyinchalik davomchisiga aylanadi. Abu Ali Daqqoq hatto shogirdini qizi Fotimaga (1001-1088 yy.) uylantiradi va Qushayriy uning kuyoviga aylanadi [1:166].

Rus tadqiqotchisi V.A.Drozdov o'z maqolasida R.Gramlich ishiga tayangan holda Daqqoq shogirdlaridan birinchi navbatda islom ahkomlarini o'rganishni talab qilgan. Shuning uchun Qushayriy tasavvuf ta'limotidan ta'lim olmay, balki ko'p vaqtini mashhur fiqhshunos va muhaddislarning asarlarini o'rganish, fiqh va aqid bo'yicha darslarni o'zlashtirish bilan o'tkazdi [3:244]. Shu bilan birga Qushayriy faqih va ash'ariylik maktabining eng ko'zga ko'ringan mutakallimi Boqilloni (1013 y.v.e.) ma'ruzalariga ishtirok etishni boshlaydi.

Qushayriy ustozini Daqqoqning vafotidan so'ng uning maktabidagi so'fiylar majlisi – majlis ut-tazqirga rahbarlik qila boshlaydi. U madrasada dars berishdan tashqari haftaning ikki kunini kitob yozishga bag'ishlaydi. Bundan buyon uning murshidi va ma'naviy ustozini Sullamiy bo'ladi. Abu Abdurrahmon Muhammad bin al-Husayn as-Sullamiy (942-1021yy.) Xuroson tasavvuf maktabining yirik vakili, ko'pgina mumtoz tasavvufiy asarlar, xususan, "Tabaqot us-sufiya" (So'fiylarning darajalari) agiografik asarning muallifi hisoblanadi. Biroq, mutafakkirning yangi murshidi Abu Ali Daqqoqning vafotidan bir yil o'tib bu dunyoni tark etadi. Shuning uchun ham Qushayriy umrining oxirigacha o'zining ma'naviy ustozini va murshidi deb birinchi ustozini biladi. Shunday qilib, Sullamiyning vafotidan so'ng Qushayriy Xurosonning eng ko'zga ko'ringan diniy arboblardan biriga aylanadi.

Qushayriy ustozining maktabini boshqarar ekan, 1019 yilda Qur'on Karimga "Latoif ul-ishorot fil-Qur'on" (Qur'ondagi nozik ishoralar) nomli katta tafsirini yozib tugatadi. Bu tafsir uning ulamolarda yanada olim sifatida obro'ining oshishiga va maktabining mashhur bo'lishiga sabab bo'ladi. Allomaning zamondoshi, shoir Abul-Hasan al-Boxarziy (1075 y.v.e.) uning ma'ruzalarida qatnashgach u haqda "Dumyat ul-qasr" (Saroy qo'g'irchog'i) shunday yozadi: "Agar u o'zining tanbeh beruvchi so'zlarining qamchisi bilan qoyalarni urganida edi, ular erib ketgan bo'lardi; agar Iblis uning xutbalarida eshitganida imon keltirib, haq dinni qabul qilgan bo'lar edi" [3:233].

Qushayriy hadis to'plash maqsadida islomdagi muqaddas qadamzo va ziyoratgohlariga ko'p sayohat qiladi. U Qur'on tafsirini yozib tugatgach shofe'iy faqihi Abu Muhammad Juvayniy (1043 y.v.e.) va olimi Abu Bakr al-Xusravgiriy (1066 y.v.e.) hamrohligida haj ziyoratiga boradi.

Mutafakkir hayoti davomida asosan faqih va mutakallimlar bilan do'stona munosabatlarni ushlab turgan. Uning suhbatdoshlari orasida buyuk tasavvuf allomalari Daqqoq va Sullamiyning bo'lishi bundan dalolat beradi. Shu bilan birga, u shofe'iy-ash'ariylik mazhabidan uzoqroq bo'lgan, konservativ qarashlarga ega diniy ulamolar orasida ham obro'ga ega edi. Qushayriy 1046 yilda hajdan qaytgach hadis ilmidan dars bera boshlaydi va tez orada Nishopurdagi eng nufuzli diniy ulamoga aylanadi.

Tojiddin Subkiy Qushayriyning intuitiv bilishi bilan bog'liq bir voqeani keltiradi. Mutafakkirning o'g'li og'ir kasalga duchor bo'ladi. Qushayriy tushida bir ilohiy ro'yoni ko'radi va unga "Tavba", "Yunus", "Nahl", "Me'roj", "Shuaro" va "Fussilat" suralaridagi olti shifobaxsh oyat kashf bo'ladi. Rivoyatga ko'ra, bu ro'yo tufayli Qushayriyning o'g'li shifo topadi va shundan buyon ushbu suralardagi oyatlar tasavvuf amaliyotida kasallarni davolashda qo'llanila boshlangan.

Rivoyatlarga ko'ra, Qushayriyning asosiy raqibi sakr, ya'ni tasavvufdagi mastlik holi tarafdori bo'lgan xurosonlik so'fiy Abu Said Mayxoniy (1049 y.v.e.) bo'lgan. Mashhur so'fiy Abu Said Xayrning nevarasi Muhammad Mayxoniy tomonidan ta'lif etilgan "Asror at-tavhid fi maqomot shayx Abu Said" (Shayx Abu Said maqomidagi ilohiy vahdat sirlari) maqomotida keltirilishicha 1178 va 1200 yillar orasida Abu Said Nishopurga borib, Qushayriy maktabida ta'lim berib yurganida uni ziyorat qilgan. Ushbu manbaga ko'ra, Qushayriy fikriy ziddiyatlar tufayli shogirdlariga Abu Said ma'ruzalarida ishtirok etishni taqiqlagan. Buning sababi Qushayriy mo'tadil tasavvuf tarafdori bo'lib, u tasavvufni sunniylik ta'limoti va shariat doirasida bo'lishi lozim deb hisoblagan. Uning bu masaladagi qat'iy pozitsiyasi ikki tasavvuf yetakchisi o'rtasidagi qarama-qarshilikka sabab bo'lgan. Bir qancha vaqt o'tgach so'fiylar o'rtasidagi munosabatlar yaxshilanadi va har ikkala tasavvuf maktabi darslariga ishtirok etadigan talabalar paydo bo'ladi.

Yuqorida zikr etilgan, ikki so'fiyning o'zaro munosabati haqidagi bu hikoya Iroqning mashhur mutasavviflari Mansur Xalloy va Junayd Bag'dodiy o'rtasidagi munosabatlar haqidagi hikoyaga o'xshashdir. Bu rivoyatlar qiziqarli tuyulgani bilan haqiqatligi o'ta shubhalidir. R.Gramlichning fikriga ko'ra, Qushayriy va Abu Said o'rtasidagi munosabatlar haqida bu hikoya ularning shaxsiyatini tasvirlovchi go'zal afsonadan boshqa narsa emas. Qolaversa, Qushayriy o'z asarlarida biror marta Abu Saidni tilga olmagan va unga ishora qilmagan.

Qushayriyning ustози Abu Ali Daqqoq, o'z navbatida, Iroq maktabining Xurosondagi bosh vakili, Shibliyning shogirdi Abulqosim an-Nasraboziydan (977 y.v.e.) ta'lim olgan. Abu Bakr Dulaf bin Ja'far ash-Shibliy (861-946 yy.) esa jazbaga asoslangan o'ziga xos iroq tasavvuf maktabining yorqin namoyandasi bo'lib, Junayd Bag'dodiy va Mansur Xalloylarning yaqin shogirdi hamda izdoshi hisoblanadi.

Falsafa tarixida biror bir mutafakkir tafakkuri shakllanishini tahlil qilishda, albatta, uni shaxsi shakllanishida rol o'ynagan o'sha davrga xos tarixiy sharoitni chetlab bo'lmaydi. Binobarin, Qushayriy yashagan arab xalifaligida diniy va falsafiy oqimlarning vakillari davlatda sodir bo'layotgan siyosiy o'zgarish hamda jarayonlar bilan chambarchas bog'liq bo'lishgan. Bundan tashqari, ular aksariyat hollarda aynan siyosiy o'zgarishlarning asosiy mafkurachisi va rahnamolari edilar.

Qushayriy o'ziga qarshi uyushtirilishi mumkin bo'lgan ehtimoliy taqib va ko'ngilsiz oqibatlardan qo'rqmay, 1054 yilda "Shikoyat ahli Sunna" (Sunniylarning boshiga tushgan baxtsizlikdan shikoyati) deb nomlangan risolani yozadi va uni turli mamlakatlarning olimlariga jo'natadi. Ushbu risolada u Ash'ariyning imondan og'ishning barcha ko'rinishlarini qoralaganligini, Qur'onning yaratilmaganligi va uning xudoning kalomi ekanligini ta'kidlaydi. Mutafakkir bu risolada mujasimiylar, qadariylar, karromiylar va mo'taziliylarga qarshi dalillarni keltiradi. U agar odamlarda Kalom ilmi va e'tiqod to'g'risida tushuncha va bilimga ega bo'lmasalar, ular mo'min emas, balki oddiy taqlidchilardir deb uqtiradi. Qushayriy ash'ariylarning g'oyaviy rahnamosi sifatida hibsga olinib, Nishopur yaqinidagi Ko'handiz shahri qal'asiga bir necha haftaga tashlanadi. Biroq, ko'p o'tmay u o'zining tarafdorlari tomonidan ozod etiladi.

Qushayriy ilmiy merosi va falsafiy qarashlarini o'rganish uchun manbalarni tarixiy, falsafiy jihatdan tahlil qilish zarurati mavjud. Mutafakkir qarashlarini falsafa tarixi nuqtai nazaridan o'rganishda, birinchi navbatda, asarlarning aksar qismi yo'qolganligi, borlari ham hali tarjima

qilinmaganligi tadqiqot ishlarini murakkablashtiradi. Bu esa Qushayriy asarlari saqlanadigan jahon kutubxonalaridan ularning nusxalarini olishni talab etadi.

ADABIYOTLAR:

1. Muhammad Ibrohim Xalil, Maral Hoshim Jamil. Al-imom al-Qushayriy – hayatuhunash’atuhu al-ilmiya/Majallat ul-ulum al-islomiya. Qohira, 2009. – S. 166-168.
2. Ibn xallikon. Vafiyot ul-a’yon. – Bayrut, 2001. –С. 205.
3. Дроздов В.А. Абу-л-Касим ал-Кушайри и уего трактат о суфизме // Востоковедение. - №27. – Санкт-Петербург, 2006. - С.244.

АМИР ТЕМУР ТАРИХИГА ФАЛСАФИЙ НАЗАР

{Рустам Сулаймоновнинг “Амир Темур асрининг ибтидоси (тўққиз ёшида “подшо-подшо” ўйинидан то Балхда тахтга ўтиргунича)” номли тадқиқотига шарҳ}

М.М.Исҳоқов, тар.ф.д., профессор

Амир Темур ҳақида кўп ва хўп ёзилган ва ёзилмоқда. Аммо бунақаси ҳали ёзилмаган эди. Номлари мазкур тадқиқотда қайта-қайта эсланган улуғ олимлар ҳам Р.Сулаймонов назари илғаган кўп нарсаларга эътибор беришмаган. Хусусан, Амир Темур давлатининг ташкилий-сиёсий масалалари, ижтимоий асослари нисбатан кенг ўрганилгани ҳолда, тадқиқотчилар масаланинг назарий фалсафий жиҳатига етарли эътибор бермаганлар. Аввало, Амир Темур тузган салтанатнинг генетик асослари, ўзбек давлатчилигининг қандай анъаналарини бирлаштиргани, уларнинг синтезидан ўз даври учун энг мос давлат тузилмасини қай тарзда шакллантиргани каби масалага Рустам Сулаймонов томонидан янги нуқтаи назар ишлаб чиқилганки, буни алоҳида қайд этиш лозим. Биринчи галда бу Соҳибқирон Амир Темур томонидан кўчманчиликка хос **ўрданинг** сақланиши, иккинчидан Марказий Осиё ўтроқ цивилизациясининг азалий давлатчилик анъанаси билан боғлиқ **дарбор**, яъни **саройнинг мавжудлиги**, бир вақтнинг ўзида **сарой ва ўрда марказий ҳокимият сифатида** амал қилиши ва ниҳоят, ислом мафкураси билан туркий халқларда азалдан амал қилган одатнинг ўзаро стнғдирилиши ва бунинг давлат мафкурасига, салтанат рукнига айлантирилиши эди.

Амир Темур салтанатининг моҳиятини очиб бериш учун Р.Сулаймонов жаҳон тарихининг турли воқеалари, айрим аниқ воқеъликлари мисолида улкан тарихий фалсафий умумлашмалар қилади. Хусусан, минтақага хос давлатчилик асосларини ижтимоий жиҳатдан ўтроқ деҳқончилик, шаҳарчилик, хонаки яйлов чорвачилиги ва кўчманчи (номадик) чорвачилик хўжалиги мажмуларининг бир-бирини тақозо этувчи синкрет чатишмаси сифатида талқин этади.

Амир Темур салтанатининг пайдо бўлишидаги тарихий вазият А.Тойнби таъбири билан айтганда, айна ўзининг жавобини кутган “тарихий чақирик, даъват” даври эди. Зеро, Мўғул империясининг сўнгги босқичларида тўрт улус Евросиё микёсида бир-биридан шу қадар узоқлашдиларки, бунинг сабаби ҳар бир улус амал қилган муҳитнинг ижтимоий, тарихий-географик, экологик ҳамда минг йиллар давомида юзага келган цивилизация моҳиятларига кўра турличалиги билан боғлиқ эди. Мўғуллар бундай шароитларда ўзларининг дашт кўчманчилик анъаналарига хос бошқарув тамойилларини ўтказа олмас эдилар. Бундан ташқари улусларда битмас-туганмас ички низолар, тахт талашлари мўғул империясини ич-ичидан емирмоқда эди. Шундай шароитда мўғул ҳукмдорларининг атрофидаги таянч социал кучлар ҳам ишончсизлик оқибатида хожаларига хиёнат йўлига кириш ҳоллари ҳам кўп бўлган.

Амир Темурнинг ҳокимият сари йўли тарихий-маданий ва маънавий илдизларига кўра отаси амир Муҳаммад Тарағайнинг юмшоқ ва мулоҳазакор табиати ва улуғ сўфий алломалар суҳбатлари таъсирида шаклланган **қуръоний, исломий қадриятлар билан**, иккинчи томондан бобоси Бухоролик машҳур факих, туркий зодагоннинг қизи бўлмиш онаси Тегина хотун орқали олган туркий қаҳрамонлақ эпик **анъаналар ҳамда “Шоҳнома” каби эпопеяси руҳидаги тарбияси билан**, учинчидан унинг ҳаракатлари моҳиятида мўғул истибдодидан кутқарувчи кучни пайқаган **турку тожик ўтроқ шаҳар ва қишлоқ меҳнаткаш аҳолисидан**

иборат ижтимоий куч билан боғлиқ эди. Айни шу ижтимоий куч Амир Темур учун болалик чоғларидан бошлаб руҳан яқин ва кадрдон эди. Зеро, унинг ўзи ўртаҳол туркий зодагон хонадон вакили ва унинг учун оддий авомнинг ташвишлари руҳан яқин эди.

Амир Темурнинг ҳарбий ҳаракатлари тактикаси ва стратегияси ҳақида фикр юритар экан, Рустам Сулаймонов бунда қадимги чўл кўчманчиларининг чопқинларида амал қилинган кутилмаганда ўзидан қудратли душманнинг ожиз жойига зарба бериш, шабохун (тунги босқин) усули кабиларни тилга олади. Чиндан ҳам Темур ўз атрофида тўпланган кучлар кам, заҳиралари ожиз пайтларида бу тактик усуллардан унумли фойдаланган. Буни муаллиф Авестада, хусусан, “Видевдот” наскида акс этган кўчманчи чорвадорларнинг ўтрок аҳоли устига кутилмаганда рўй берадиган босқинларига, Эрон шоҳи Доро I билан рўй берган воқеаларга ишоратдек кўринанадиган сак-скифлар давриларида қолган партизанлик тактикасига ўхшатади. Бироқ бу тактика шунчаки талон-торож, қирғин, ўлжа олиб чўлга чекиниш усулидан фарқли ҳодиса экани алоҳида таъкидланади. Амир Темурнинг тактикасида ҳам, стратегиясида ҳам улардан жиддий фарқли жиҳат бўлганки, бу райиятни очкўз талончилар зулмидан озод қилиш, мўғул Ясосининг босқинчилик руҳидан кескин ажралиб турувчи адолатли ҳокимият тузиш мақсади ётган. Амир Темурдаги жаҳонгирлик ғояси шунчаки забт этиш ва ҳукмронлик қилиш эмас, балки бу ғояни ўз отаси Муҳаммад Тарағайдан ҳамда сўфий пир устозлардан ўзлаштирган адолат учун кураш мазмуни билан бойитиш эди. Инсоният тарихида рўй берган урушлар моҳияти Амир Темур урушлари мақсади ва моҳиятидан тубдан фарқ қилади. Масалан, Аҳмоний Кир (ёки Куруш)нинг, Доронинг, Македониялик Александрнинг жаҳонгирлик даъволари, Чингизхоннинг ўз кўчманчилик психологиясини енга олмаган тажовузкор жаҳонгирлиги кабиларга қарама-қарши ўлароқ, Амир Темурнинг асл мақсади залворли сиёсий адолат тимсоли бўлган ҳамда ўзида туркий давлатчиликнинг азалий тамойилларини, маҳаллий ўтрок деҳқончилик ва шаҳарчилик психологияси, исломий сиёсий, ахлоқий-фалсафий тафаккур талабларига жавоб берадиган давлат тузиш эди. Бу чингизийларнинг бобокалони Чингизхоннинг тубанлашган, шунчаки талон-торож, очкўзларча ўлжа кетидан қувиш билан чекланган психологияси олдида давлатчиликнинг ташкили-сиёсий, ғоявий-маънавий мутлақо янги моҳиятини белгилаб берган эди. Қадимда рўй берган улкан урушларнинг мақсади талон-торож, ўлжа, товон ундириш, ўзгалар ҳисобига бойиш бўлган эрса, буни Амир Темур миссияси билан солиштирар эканмиз, унинг мўғул истибдоди оёқ ости қилган аждодлар цивилизациясини қайта оёққа қўйишга қаратилган мақсадини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Амир Темурнинг сиёсий фалсафасини онаси Тегина хотун таъсирида шаклланган Турону Эрон, Авеста, Хвадайномаг, Шоҳномалар ва туркий халқ қаҳрамонлик эпослари сюжетлари билан боғлиқ анъаналар, отаси орқали ва ўзи улғайган маънавий муҳитда тарқалган сўфий алломаларнинг социал адолат ғоялари, ислом дини Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф ғоялари ва, ниҳоят, мўғул Ясоси таъсирида шакллангани синкретик дунёқараш сифатида талқин қилиш мумкин. Бироқ, Ясо мўғул босқини остида қолган Марказий Осиё ва бошқа маҳаллий ўтрок цивилизацияларга бефарқ ва беписанд, хатто ғоявий душман руҳидаги тузук бўлгани сабабли унинг моҳиятига Амир Темур Тузукларида ҳамда Амир Темур ҳақидаги қиссалар каби манбаларда акс этган янгича талқинларни қарши қўйиш мантиқан ўзини тўла оқлайди.

Амир Темур Аллоҳ олдида бандлик, пирларининг башоратлари ва насихатларига содиқлик, адолат йўлида пирларидан олган Ҳақиқати, яъни илоҳий танланган шахс эканига ишонч, худо олдида барчанинг баробарлигига аминлик руҳи билан яшаган ва курашдан мақсади шу ғояларни амалга ошириш бўлган. Аммо ўзини ворисий амир экани, шунга хос ва мос равишда анъанавий ҳарбийлик руҳи туфайли тарихий вазият тақозосига кўра мақсад сари ҳарбийликни асосий йўл деб билгани Амир Темур фаолиятининг замон зарурияти ва даъвати сифатидаги мазмунини белгилаган. Чунки атрофида юзага келган муросасиз сиёсий анархиянинг аниқ ифодаланган на сиёсий, на ижтимоий ва на бошқа тутуми ҳамда таянчи йўқ эканини Амир Темур чуқур англаб иш тутган эди. Будаё вазиятда ҳарбий омилдан бошқа йўл қолмаган эди. Бироқ ҳарбий йўлни Амир Темур охириги чора (ёки восита) сифатида тутгани унинг Тузукларида, “Амир Темур қиссаси”нинг муфассал ва қисқа баёнлари каби

манбаларда ҳам қайд этилган. Чиндан ҳам Амир Темур ҳарбий ҳаракат қарорига келгунича турли усуллар ва кўринишларда дипломатик муносабатларга таянган. Аммо, садоқат ва хиёнат чегаралари шу қадар заиф эдики, Амир Темур буни доимо хушёрлик билан кузатган, керак бўлса эҳтимолга қарши чораларни ҳам тайёрлашни унутмаган. Шу ўринда бир масалага эътибор берсак. Амир Темурнинг хиёнатга муносабати, бу масалада кўрган жазо чораларини тарихчиликда бўрттириш, салбий баҳолаш одатга айланган. Лекин кўплаб эл, элат, халқларни бир давлат атрофида бирлаштириш тарихий зарурат бўлиб турган бир пайтда турли тўсиқларни йўлдан олиш тактик ва стратегик аҳамият касб этиши ҳам муҳим эди. Энг муҳими, Амир Темур ҳар бир вазиятда уруш оқибатида юзага келган ихтиёр ва беихтиёр вайронлик ва бошқа йўқотишларнинг ўрнини тиклаш, янги бунёдкорлик миссиясини ҳам ҳеч қачон унутмаган.

Амир Темурнинг 1370 йилда Балхга юриши мамлакатдаги мутлақ бош-бошдоқлик шароитида юртни бирлаштиришга қаратилган ҳал қилувчи тарихий воқеа бўлди. Бу ўртада асосий душман чингизий амир Хусайн тарафдорларининг ўз хожаларига ишончсизлиги кучайган, кўплаб сиёсий муҳолиф гуруҳлар Амир Темур томонига ўта бошлаган, хатто, Дашти Қипчоқ чингизийларининг ўзаро низолашиб ётган сўнгги қолдиқлари ҳам ўзларининг ўлжапарастлик мақсадларига Амир Темургина шароит яратишига ишониб қолишган эди.

Амир Темур давлати Турон ва Эрон анъанавий давлатчилиги ривожининг энг юқори нуқтаси бўлиб, ўзида, аввало, ўтроқ деҳқончилик урбанистик маданият сўнгра кўчманчи хўжалик маданий типни, учинчи галда энг муҳим ва ҳал қилувчи омил, исломий қадриятлар сингари уч ўзаро синкретлашган заминда шаклланган давлатчилик анъанасини бирлаштирган ноёб тарихий ҳодиса эди.

НАРШАХИЙНИНГ “БУХОРО ТАРИХИ” АСАРИДА ЗИЁРАТ АНЪАНАСИ МАСАЛАЛАРИ

Шавкат Бобожонов

*Тошкент давлат педагогика университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Мақолада X асрнинг муҳим тарихий манбаларидан бири – Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асаридаги воҳа аҳолисининг зиёрат анъанаси, диний эътиқодий қарашлари, зиёратгоҳлари, уларнинг жойлашган ўрни, хусусиятлари ўрганилиб, илмий таҳлил этилган.

Калим сўзлар: зиёрат, Афросиёб, Сиёвуш култи, Валий, дарвозаи гўриён, оташпарастлар йигиси, қозон тўлди, гўянда, хожатбарор.

Аннотация: В статье, исследуются и научно анализируются такие вопросы, как традиция паломничества, религиозные воззрения, святыни, их местонахождение, характеристика жителей Бухарского оазиса, которые были упомянуты в одном из важных исторических источников X века - «Истории Бухары» Наршахи.

Ключевые слова: паломничество, Афросияб, культ Сиявуш, Валий, ворота Гуриен, клич огнепоклонников, "козон тулди"(узб), гўянда(тадж), хожатбарор(тадж).

Abstract: The article explores and scientifically analyzes such issues as the tradition of pilgrimage, religious beliefs, shrines, their location, characteristics of the inhabitants of the Bukhara oasis, which are mentioned in one of the important historical sources of the 10th century - Narshakhi "History of Bukhara".

Keywords: Afrosiyab, cult of Siovush, Valiy, Gurien gate, call of fire worshipers, "kazon tuldi" (Uzb), guyanda (taj), khojatbaror (taj).

Маълумки, Бухоро қадимдан муқаддас ва муборак маскан, зиёрат шаҳри бўлиб келган. Сабаби тупроғида минглаб авлиё, уламо, шайх, зохид, эшони, имомлар дафн этилган. Қадим воҳанинг зиёратгоҳлари ва қадамжолари ҳақида кўплаб тарихий манбаларда маълумотлар

келтирилган. Шундай асарлардан бири Мухаммад Жаъфар ан-Наршахийнинг Тарихи Бухоро (“Бухоро тарихи”) асаридир. Асарда воҳа тарихи ва маданиятининг турли масалалари билан бирга, зиёрат анъанасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. “Бухоронинг турли номлари баёни” номли асарнинг еттинчи қисмида шаҳарнинг нега зиёрат юрти эканлиги баён этилган. Бухоро шаҳрини қиёмат куни ёқут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар, улардан нур чиқиб туради. Шаҳар теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбиҳ, ҳамд ва такбир айтадилар. Келинни куёв уйига олиб боргандек, шаҳарни эъзоз ва икром билан машҳаргоҳга олиб келадилар. Бухоро шаҳрида етмиш минг байроқ, ҳар бир байроқ тагида етиш минг шаҳид ётган бўлади. Қиёмат куни шаҳарнинг ҳар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва орқаси ўн кўнлик йўл бўлиб, буларнинг ҳаммасида шаҳидлар туради.

Бухорода кишлоқлар сони жуда кўп бўлиб, асарнинг “Бухоро ва унга қўшиладиган жойлар” қисмида муаллиф машҳурроқ ва қадимийроқ бўлган бир нечтасини санаб ўтади. Улар орасида аҳоли муқаддас деб ҳисоблаган ва зиёратига борадиган кўплаб қишлоқлар бўлган. Шулардан бири Нур бўлиб, Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухороликлар бу жой зиёратини ўта муқаддаслаштириб юборганлар. Яъни Нур (Нурота – *Ш.Б.*) зиёратига борган киши ҳаж қилганнинг фазилатига эга бўлади. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобеинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар.

Шарғ қишлоғи тавсифини келтирар экан муаллиф, подшоҳлар дафн этилган жой номларини санаб ўтади. Лақаби Кулортегия бўлган амир Тўғрулбек Бухоро шаҳрида “Жўбайи баққолон” - Баққолик бозори (гўшт сотувчилар – *Ш.Б.*) яқинида мадраса бино қилади. Мазкур мадраса Кулортегия мадрасаси дея атала бошланади. Амир айна шу мадрасада дафн этилган. Қадимий қишлоқлардан дуо қабул бўладиган жой сифатида Афшина (ҳозирги Афшона) қишлоғи кўрсатилган. Одамлар шаҳардан у жойга борганлар ва табаррук ҳисоблаганлар.

“Тарихи Бухоро” асарида Туронзамин ҳукмдори Афросиёб (Алп Эр Тўнга) ва Эрон шахзодаси Сиёвушларнинг қабрлари ва уларнинг зиёрати ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Афросиёбнинг гўри (қабри – *Ш.Б.*) шаҳарнинг Маъбад дарвозасида Хожа имом Абу Ҳафс Кабир тепалигига туташган тепалик устидадир. Аввало асарда зикр қилинган ушбу тепалик ҳақида тўхталсак. Халқ томонидан муқаддас жой деб қабул қилинган тепаликда фикҳ илми асосчиларидан бири, Ханафия мазхаби тарғиботчиси, Имом Бухорийнинг устози Абу Ҳафс Кабир Бухорий (IX аср) дафн этилган. Ҳазрати Имом, Ҳожатбарор (ҳожатларни чиқарувчи) мартабаларига эга аллома аҳолини тўғри йўлга бошлаб, оташпарастлик, бутпарастликдан ҳақ дин исломга киришида жонбозлик кўрсатган. Бухоро халқи шайхдан нажот топганлиги учун кейинчалик у дафн этилган жой “Ҳақроҳ” – “ҳақ йўли”, “ҳақиқат йўли” деб атала бошланган.

“Бухоро тарихи” асарининг “Бухоро Аркининг бино этилиши ҳақида” номли қисмида Сиёвуш қабри ва уни зиёрат қилиш қилиш боғлиқ масалалар баён қилинган. Сиёвуш ҳисор пойдеворини чўмич юлдузи туркумида қурганлиги, қўзғалмас оғир харсангтошларни ўзи кўтарганлиги таъкидланган. Сиёвушнинг мартабаси ошиб кетганлигини кўролмаган кимсалар Афросиёб билан орасига совуқчилик туширишади. Натижада, Афросиёб Сиёвушни ўзи қурдирган ҳисорининг остонасига ўлдиради. Уни ҳисорнинг шарқий дарвозадан кираверишда “Дарвозаи ғуриён” деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига дафн этганлар. Ҳисорнинг икки дарвозаси бўлиб, ғарбий томондагиси “Дари Регистон”, шарқий томондагиси “Дари гўриён” деб номланган. Ҳозирда сақланмаган шарқий дарвоза ўз даврида “Дари алаффурушон”, “Дари алаф”, “Дари сомонфурушон”, “Дари кохфурушон”, “Дари Сиёвуш” номлари билан ҳам аталган. Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили наврўз куни куёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бу одат ҳозирда бироз ўзгартирилган ҳолатда сақланиб қолган. Наврўзда ҳар бир бухоролик биттадан товуқ ёки хўроз қурбонлик қилиб, уни паловнинг тагига ётқизганлар. Бухороликлар буни “Қозон тўлди” деб аташган. 1940 йилгача мазкур

одат воҳа аҳолиси орасида кенг тарқалган. Одатни айрим бухороликларгина давом эттираётганини кўриш мумкин.

Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилояларга машхурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни “оташпарастлар йиғиси” дейдилар. Шунингдек куйчилар бу қўшиқларни “Кини Сиёвуш” – “Сиёвуш жанги” деб атайдилар. Наршахий бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтган деб хотирлайди. Сиёвуш марсияларининг қолдиғи сифатида ҳозир ҳам вафот этганларнинг яхши ишларини эслаш учун махсус тайёргарликка эга бўлган оймуллолар чақирилиб, марсия айтиш одати сақланиб қолган. Бундай кишиларни Бухорода гўянда деб ҳам атайдилар.

Ҳозирда Сиёвушнинг қабри сақланиб қолинмаган бўлсада, лекин Арк долонида қадимда аҳоли Сиёвуш валининг ҳурмати учун шам ёқадиган девор тоқчаси, яъни қадамжоси сақланиб қолган. Тарихий даврларда Сиёвуш қабри жойлашган шарқий дарвоза бир томондан ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этса, иккинчи томондан, қадамжо сифатида аҳолининг маънавий эътиборида бўлган. Бухоро мажусийлари Сиёвушга муқаддас шахс сифатида эътиқод қилганлар. Исломи дини Бухорога кириб келгандан кейин ҳам, гарчи Исломи динида мажусийлар қабрига сажда қилиш бидъат ҳисоблансада ҳам, маҳаллий халқлар, айниқса, Бухоро, Хоразм, Самарқанд халқлари Сиёвушни ноҳақ шаҳид бўлганлар қаторига киритиб, унинг қабрини зиёратгоҳга айлантирганлар, ҳатто унга “Валий” (мадакдор, муқаддас шахс) лақабини берганлар. Аркни бино қилган киши сифатида эъзозлаганлар. Сиёвушни Валини зиёрат қилиш XX аср бошларига қадар давом этган.

Ҳозирги кунда нафақат Бухорода, бақли бошқа воҳаларда ҳам, хусусан, Хоразм воҳаси аҳолиси ўртасидаги муқаддас жойлар билан боғлиқ қарашларда исломдан аввалги диний эътиқодлар қолдиқлари сақланиб қолган. Сиёвуш култига ҳақиқат ва адолат йўлида жасорат кўрсатувчи баҳодир сифатида қаралади.

Умуман, асарда зиёрат масаласида келтирилган маълумотлар ислом динидан олдинги ва кейинги даврларда аҳолининг эътиқодий қарашлари, зиёрат анъаналари, ўтказадиган маросимлари, даврлар ўтиши натижасида ундаги ўзгаришларни билиш имконини беради.

BUTUN BUXORO XALQ VAKILLARI QURULTOYLARI FAOLIYATINING DAVRIY NASHRLARDA YORITILISHI

Mo‘minov Xusanboy Madaminjonovich, «O‘zbekiston tarixi» kafedrasi dotsenti, Andijon davlat universiteti

***Annotatsiya.** Maqola Butun Buxoro xalq vakillari qurultoylarining faoliyatiga bag‘ishlangan. Buxoro Xalq Sovet Respublikasining tashkil topishi va unda davlat hokimiyatini tashkil etilishi bilan birga 1920-1924 yillarda respublikaning ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotiga oid dolzarb masalalarni yechishda bu qurultoylar muhim ahamiyat kasb etgan. Maqolada qurultoylarning faoliyati davriy nashrlar materillari asosida yoritilgan.*

***Kalit so‘zlar:** Buxoro Xalq Sovet Respublikasi (BXSR), qurultoy, xalq vakillari, konstitutsiya, Xalq Nazirlari Soveti, Markaziy Ijroiya Qo‘mitasi, davriy matbuot.*

***Аннотация.** Статья посвящена деятельности съездов народных представителей Всебухары. Наряду с образованием Бухарской Народной Советской Республики и установлением в ней государственной власти эти съезды имели большое значение в решении текущих вопросов социально-экономической и культурной жизни республики в 1920-1924 гг. В статье описывается деятельность съездов на основе периодических материалов печати.*

***Ключевые слова:** Бухарская Народная Советская Республика (БНСР), съезд, народные представители, конституция, Совет Народных Назиров, Центральный Исполнительный Комитет, периодическая печать.*

***Abstract.** The article is devoted to the activities of the congresses of people's representatives of the All-Bakhara. Along with the formation of the Bukhara People's Soviet Republic and the*

establishment of state power in it, these congresses were of great importance in solving current issues of the socio-economic and cultural life of the republic in 1920-1924. The article describes the activities of the congresses on the basis of materials of the periodical press.

Key words: *Bukhara People's Soviet Republic (BPSR), congress, people's representatives, constitution, Council of People's Nazirs, Central Executive Committee, periodical press.*

BXSR tarixida Butun Buxoro xalq vakillarining qurultoylarining faoliyati alohida ahamiyat kasb etadi. Qurultoylar 1920-1924 yillar oralig'ida oliy hokimiyat organi sifatida besh marta chaqirilgan bo'lib, ularning faoliyati Turkiston va Buxoro davriy matbuotida kunning eng dolzarb mavzulardan biri sifatida muntazam ravishda sharhlanib borilgan.

Ma'lumki, 1920 yilning sentabr oyida Buxoroda amirlik tuzumi sovet armiyasi tomonidan ag'darilib tashlandi. Natijada, amirlikda monarxiyaga barham berildi. 1920 yil 14 sentabr Buxoroda bo'lib o'tgan yig'ilishda 9 kishidan iborat Butun Buxoro Inqilobiy qo'mitasi (Markaziy Revkom, raisi Abdulqodir Muhitdinov) va 11 kishidan iborat respublika hukumati - Xalq Nozirlar Sho'rosi tuzildi.

Siyosiy jarayonlarning jadal tus olishi bilan davlat boshqaruvi tizimida siyosiy hokimiyat uchun mavjud kuchlar o'rtasida raqobat avj oldi. Natijasida sobiq amirlik zaminida davlat boshqaruvining respublika shaklini joriy qilish va respublikaning oliy hokimiyat organi sifatida mamlakatdagi butun davlat boshqaruvini belgilab beradigan Butun Buxoro xalq vakillarining ta'sis qurultoyini chaqirishga kirishildi. Shu maqsadda birinchi ta'sis qurultoyini chaqirish bo'yicha komissiya tuzilgan. Ushbu komissiyaning 1-majlisi 1920 yil 17 sentabrda bo'lib o'tdi. Turkiston davriy matbuotida berilgan xabarlarga ko'ra, 1920 yil 2 oktabrda ushbu masala Buxoro KP MK tomonidan muhokama qilinib, ta'sis qurultoyini ochish sanasi 1920 yilning 5 oktabr kuniga belgilandi [1]. Ammo qurultoy 6 oktabrda ochilib, unda 2000 ta delegat ishtirok etdi [2].

Shuni aytish lozimki, Butun Buxoro xalq vakillarining qurultoyi faoliyatiga doir muhim xabarlar Buxoro davriy matbuotida, xususan, milliy matbuoti, ya'ni «Buxoro axbori» gazetasining sahifalarida ham o'z aksini topgan. Shu o'rinda mazkur gazeta haqida to'xtaladigan bo'lsak, u BXSR MIQ matbuot organi bo'lib, uning birinchi muharriri Said Ahroriy (1895-1931) bo'lgan. 1920 yil 9 sentabrdan 1923 yilning 12 oktabrgacha chop etilgan. Gazeta o'zbek tilida, isloh kilingan arab imlosida, sarg'ish rangli o'rtacha sifatdaga qog'ozda, haftada 1-2 marta, 1500-2000 nusxada chiqarilgan. 1923 yil 16 oktabrda gazeta «Ozod Buxoro» nomi olgan. Bu gazeta 1930 yil oktabr oyigacha chiqib turgan.

«Buxoro axbori» gazetasining 1920 yil 5 - sonida «Buxoroning ilk qurultoylari» sarlavhasi bilan nashr etilgan maqolada bu jarayon quyidagicha aks etgan: «1920 yilning 6 oktabriga tasodif etilgan panjshanba kuni amirning «Sitorai Mohi Xosa» nomidagi kashonasida ozod Buxoroning ilk qurultoyi qurildi. Qurultoyda Buxoroning hamma shahar va qishloqlaridan kelgan vakillar hozir edi. ... Majlis: kunduz soat o'n bir yarimda Buxoro hukumat qo'mitasining markaziy inqilob qo'mitasi raisi o'rtoq Abdulqodir Muhitdinov tomonidin ochiq e'lon qilindi» [3]. Gazetada berilgan ma'lumotlarga ko'ra, qurultoyda jami 1894 ta delegat qatnashgan.

Qurultoyning kun tartibi «Buxoro axbori» gazetasining 1920 yil 9 - sonida nashr qilinib, unga quyidagi masalalar kirgan: 1 - Buxoro inqilobi. 2 - Umumiy ahvol siyosiya. 3 - Tashkilot xususinda. 4 - Yangi hukumatning vazifalari [4]. Asosiy e'tibor tashkiliy masalalarga qaratib, davlat hokimiyatini tuzish haqida qaror qabul qildi. Qurultoy Buxoroni Xalq Sovet Respublikasi (BXSR) deb e'lon qilish to'g'risidagi qarorni ham qabul qildi [5: 302]. Bu davlat tuzumi jihatidan xalq demokratik respublikasi edi.

«Buxoro axbori» gazetasining 1920 yil 9 - sonida «Buxoro Sho'rolar Jumhuriyatining ikkinchi qurultoyi»[6] deb nomlangan sarlavhaga ko'ra, 1921 yil 18 sentabr kuni Buxorodagi - Sitorai Mohi Xosada Butun Buxoro xalq vakillarining II qurultoyi kechki soat 4 da ish boshlagan. Qurultoy Buxoro Inqilobiy qo'mitasining raisi A. Muhitdinov (1892 - 1934) tomonidan ochilib, tabrik so'zlaridan so'ng birinchi majlisda qurultoy o'zining 21 deputatdan iborat prezidiumini (hay'at rayosati) sayladi.

Qurultoyning kun tartibi muhokamasiga quyidagi masalalar kiritilgan: mavjud holat bo'yicha ma'ruza, hukumat hisoboti, harbiy sohaga oid masala, maorif masalasi, iqtisodiy siyosat haqida

ma'ruza, milliy masala (turkmanlar masalasi), BXSР Konstitutsiyasini qabul qilish, joylardan ma'ruzalar, Butun Buxoro Markaziy Ijroiya Qo'mitasini (MIQ) saylash masalalari qo'yildi [7].

1921 yil 23 sentabrda Butun Buxoro xalq vakillarining II qurultoyi BXSРning birinchi Konstitutsiyasi qabul qildi. Konstitutsiyaning qabul qilinishi respublikada fuqarolarning huquq va erkinliklarini qonun yo'li bilan mustahkamlanishini ta'minladi. Konstitutsiyada o'sha vaqtdagi o'ziga xos mahalliy sharoitni aks ettirib respublika fuqarolariga o'zlari sotib olgan, shuningdek, o'zlariga meros qolgan mollardan cheklanmagan ravishda tasarruf qilish va foydalanish huquqini, ya'ni xususiy mulk shakli saqlanib qolindi, bundan tashqari, respublika fuqarolariga yakka tartibda ham, shirkatlar, jamiyatlar, kompaniyalarga birlashish yo'li bilan ham bemalol shug'ullanish huquqini berdi. Unda erkak va ayollarning, shuningdek, hamma millat fuqarolarining teng huquqligi, co'z, matbuot, yig'ilish, mitinglar erkinligi ham so'zsiz e'tirof qilingan. BXSР Konstitutsiyasining 5-moddasiga ko'ra, respublikaning oliy hokimiyat organi - Butun Buxoro xalq vakillari qurultoyi (Butun Buxoro xalq deputatlari sovetlarining s'ezdi) hisoblangan. Ushbu qurultoy (viloyat qurultoylaridan saylangan) har 2000 saylovchiga bir vakil saylanadigan 350 a'zodan iborat edi (16-modda) [8: 271]. Qurultoy yiliga bir marta chaqirilib, ish faoliyatining yakunlanishi bilan delegatlarning vakolat muddati ham yakun topgan.

Arxiv hujjatlarida qo'rsatilishicha, Butun Buxoro xalq vakillarining III qurultoyi 1922 yil 15 avgust kuni Buxoroda (Sitorai Mohi Xosada) ochildi [9: 3]. Butun Buxoro MIQ raisi Muinjon Aminov tomonidan qurultoyning birinchi majlisi ochildi. M. Aminov majlisga rais, muovinar va kotib saylashni ham taklif qildi. Taklifga ko'ra, Fayzulla Xo'jaev rais, birinchi muovin Aminov, ikkinchi muovin Qori Yo'ldosh va kotiblikka Fitrat saylandi [10]. «Buxoro axbori» gazetasining 1922 yil 97-sonida («Buyuk va tarixiy kunlar. Buxoro Sho'rolar Jumhuriyatining uchinchi umumiy xalq qurultoyi» nomli sarlavhada) qurultoyning kun tartibi yoritilib, unga qo'yidagi masalalar kirgan: 1) Mavjud holat to'g'risida ma'ruza (ma'ruzachi Fayzulla Xo'jaev); 2) Butun Buxoro MIQning hisobot ma'ruzasi (ma'ruzachi Muinjon Aminov); 3) Buxoro Xalq Nozirlar Sho'rosining ma'ruzasi (ma'ruzachi Fayzulla Xo'jaev); 4) Yangi iqtisodiy siyosat haqida (ma'ruzachi Muinjon Aminov); 5) Davlat banki (ma'ruzachi Musajon Saidjonov); 6) Respublika budjeti (ma'ruzachi Musajon Saidjonov); 7) Yer masalasi (ma'ruzachi Xoji Safo Jo'raboev); 8) «Bosmachilik» harakati (ma'ruzachi Qori Yo'ldosh Po'latov); 9) Qizil armiya (ma'ruzachi Yusufzoda); 10) BXSР Konstitutsiyasiga o'zgartirish kiritish masalasi; 11) Sharqiy Buxoroga komissiyani jo'natish; 12) Mukofotlar berish; 13) Butun Buxoro MIQ saylash; 14) Mahallalardan (joylardan) ma'ruzalar; 15) Sog'liqni saqlash ishlari masalasi [11]. Sog'liqni saqlash masalasi Sattarxo'ja G'ofir Xo'jaev tarafidan kiritilib, qurultoy oxirida ko'rib chiqish sharti bilan qabul qilingan.

Butun Buxoro xalq vakillarining IV qurultoyi faoliyatiga doir ma'lumotlar esa «Ozod Buxoro» gazetasining 1923 yil 1, 2, 4 - sonlarida yoritilgan [12]. Gazetada berilgan xabarlarga ko'ra, ushbu qurultoy 1923 yil 11 oktabr Sitorai Mohi Xosada ertalab soat 11 da ochildi. Uning kun tartibi ro'znomasiga: 1. Butun Buxoro MIQning ma'ruzasi (ma'ruzachi Porso Xo'jaev); 2. Favqulodda taftish komissiyasining ma'ruzasi; 3. Buxoro Xalq Nozirlar Sho'rosining ma'ruzasi (ma'ruzachi F. Xo'jaev); 4. Budget masalasi (ma'ruzachi A. Muhitdinov); 5. Maorif masalasi (ma'ruzachi M. Saidjonov); 6. Yer masalasi; 7. Vaqf masalasi (ma'ruzachi A. Abdusaidov); 8. Soliqlar haqida (ma'ruzachi Hasanov); 9. Qishloq xo'jaligi krediti (ma'ruzachi A. Muhitdinov); 10. Kooperatsiya haqida (ma'ruzachi Arslon Xo'jaev); 11. Turkman masalasi (ma'ruzachi Annageldi Omonov); 12. Qirg'iz-qozoq masalasi; 13. Sharqiy Buxoro haqida ma'lumot; 14. Harbiy ishlar to'g'risida ma'ruza; 15. Sho'rolar tuzish; 16. Butun Buxoro MIQ saylash kabilar kiritildi [13].

«Ozod Buxoro» gazetasining 1924 yil 143 - sonida («5 chi Butun Buxoro sho'rolar qurultoyi» nomli sarlavhada) Butun Buxoro xalq vakillarining so'ngi V qurultoyi faoliyati bilan bog'liq materiallar beriladi. Maqolaga muvofiq, mazkur qurultoy 1924 yil 19 sentabr Buxoroda (Sitorai Mohi Xosada) ertalab soat 9 dan ochilib, uning prezidiumiga 23 kishi saylandi. Uning kun tartibiga qo'yidagi 6 ta masala kiritilgan: 1. Butun Buxoro MIQ ma'ruzasi; 2. Buxoro Xalq Nozirlar Sho'rosining ma'ruzasi; 3. O'rta Osiyo respublikalarining milliy chegaralanishi masalasi; 4. Davlat budjeti; 5. BXSР yerlarini bo'lish; 6. Butun o'zbek qurultoyiga vakillar saylash [14].

Shuni aytish lozimki, Butun Buxoro xalq vakillarining V qurultoyi 1924 yil 19 sentabrda Buxoro Xalq Sovet Respublikasini Buxoro Sovet Sotsialistik Respublikasiga (Buxoro SSR) aylantirish haqidagi qarorni qabul qildi. Buxoro SSRning tuzilishi Buxoro taraqqiyotida demokratiya tamoyillarini tugatilganligini va uning o'rniga rasmiy ravishda sotsializm yo'li egallaganligini anglatdi. 1924 yil 18 noyabr Buxoro SSR Turkiston ASSR va Xorazm SSR MIQLari bilan birgalikdagi qo'shma qarori asosida o'z vakolatlarini (F. Xo'jaev rais) O'zbekiston SSR Muvaqqat Inqilobiy Komitetiga topshirdilar. Shu tariqa, O'rta Osiyoda o'tkazilgan milliy hududiy chegaralanish natijasida Buxoro SSR tugatildi va uning hududi yangi tashkil etilgan respublikalarning tarkibiga majburan kirdi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, 1920 yilning oktabridan to 1924 yilning sentabri oralig'ida Butun Buxoro xalq vakillari qurultoylari besh marotaba chaqirildi. Davriy matbuotda berilgan ma'lumotlarga ko'ra, mazkur qurultoylarning kun tartibiga respublikaning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayotiga doir ko'plab muhim masalalar qo'yildi va muhokamalar asosida qabul qilingan qarorlar jamiyatning barcha jabhalariga o'zining siyosiy-mafkuraviy ta'sirini ko'rsatdi.

Адабиётлар рўйхати

15. Известия Туркеспублики. № 227. 7 октября 1920 г.
16. Известия Туркеспублики. № 233. 14 октября 1920 г.
17. Vuxoroning ilk qurultoyi // Buxoro axbori. 5 - son. 1920 yil 11 oktabr.
18. Vuxoroning ilk qurultoyi // Buxoro axbori. 9 - son. 1920 yil 26 noyabr.
19. Muminov Kh.M. The place and role of the All Bukhara congress of the people representatives in the history of the Bukhara People Soviet Republic (1920-1924) // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). Volume 8, Issue 6, June 2022. –P.302.
20. Vuxoro Sho'rolar Jumhuriyatining ikkinchi qurultoyi // Buxoro axbori. 50 - son. 1921 yil 25 sentabr.
21. Известия (Новая Бухара). 9 июня 1921 г.
22. O'zR MA, R.47-fond, 1-ro'yxat, 1-yig'majild, 271-varaq orqasi.
23. O'zR MA, R.47-fond, 1-ro'yxat, 343-yig'majild, 3-varaq.
24. Известия (Новая Бухара). № 92 (203). 17 августа 1922 г.
25. Vuxoro axbori. 97 - son. 1922 yil 28 avgust.
26. To'rtinchi Butun Buxoro Sho'rolar qurultoyi. Qurultoyning ochilishi // Ozod Buxoro. 1 (214) - son. 1923 yil 16 oktabr; To'rtinchi Butun Buxoro qurultoyi. Muzokaralar // Ozod Buxoro. 2 (215) - son. 1923 yil 19 oktabr; To'rtinchi Butun Buxoro Sho'rolar qurultoyi // Ozod Buxoro. 4 (217) - son. 1923 yil 25 oktabr.
27. To'rtinchi Butun Buxoro Sho'rolar qurultoyi. Qurultoyning ochilishi // Ozod Buxoro. 1 (214) - son. 1923 yil 16 oktabr.
28. Ozod Buxoro. 143 (356) - son. 1924 yil 23 sentabr.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» - МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

Фаффаров Шокир Сафарович, тарих фанлари доктори, профессор, Самарқанд Давлат университети

Аннотация: Мақолада буюк давлат арбоби, машхур аскарбоши, Ватанимизда мўғуллар хукмронлигига барҳам бериб, марказлашган давлат барпо этиб, унга қонунлар берган – Амир Темурбекнинг Тузуклари ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилади. Тузуқлардаги ахлоқий гоялар темурийлар даври илм-маърифат, маънавият ва маданият ривожига муҳим ўрин тутганини ҳамда бой тарбиявий-ахлоқий аҳамиятига эга эканлигини кўрсатади. Жаҳон тарихида одил ҳукмдор ва моҳир саркарда сифатида ном қолдирган, бадиий асарларда ҳам буюк салтанат ва тахт соҳиби деб тилга олинган Амир Темурнинг ҳаётий тажрибалари, ахлоқий, фалсафий қарашлари кўрсатиб берилган “Тузуқлар”да

бошқарув одоби, дипломатик этикет, муомала одобига доир масалалар тизимли таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: Маънавият, маданият, тарих, ҳукмдор, саркарда, давлат, асар, тузуқлар, ижтимоий-сиёсий, асар, салтанат, тинчликсевар, ташаббускор, ҳуқуқ, давлатчилик. давлат арбоби, урф-одатлар.

Аннотация: В статье с социально-экономической точки зрения исследуются «Уложения Темура» Амира Темура, великого государственного деятеля, известного полководца, положившего конец господству монголов в нашей стране, создавшего централизованное государство и давшего ему законы. Этические идеи в тузуках показывают, что тимуридский период занимает важное место в развитии науки, духовности и культуры и имеет богатую воспитательную и нравственную ценность. В «Уложении Тимура», в которой системно анализируются вопросы, связанные с управленческим этикетом, дипломатическим этикетом.

Ключевые слова: Духовность, культура, история, правитель, полководец, государство, дело, конституция, общественно-политическое, дело, царство, миролюбие, инициатор, закон, государственное дело, государственный деятель, таможня.

Summary: From a socio-economic point of view, the article examines Temur's Codes by Amir Temur, a great statesman, a well-known commander who put an end to the rule of the Mongols in our country, created a centralized state and gave it laws. Ethical ideas in tuzuks show that the Timurid period occupies an important place in the development of science, spirituality and culture and has a rich educational and moral value. In the Code of Timur, which systematically analyzes issues related to managerial etiquette, diplomatic etiquette

Key words: Spirituality, culture, history, ruler, commander, state, business, constitution, socio-political, business, kingdom, peacefulness, initiator, law, state affairs, statesman, customs.

Маълумки, ўзбек халқи қадимий халқлар қаторида минг йиллар аввал тараққиёт эшикларини очиб, доврўғи дунёга танилган йирик давлат тузилмаларини бунёд этди. Бу давлат тузилмаларида миллий давлатчилик асослари мавжуд. Улуғ аждодларимизнинг қадимий тажрибаларини ўрганиш миллий давлатчилик анъаналари тикланаётган бугунги даврда муҳим аҳамият касб этади. Қадимда аждодларимиз Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Довон, Қанғ, Қушон каби жуда кўплаб юксак тараққиётга эришган жаҳонда, ўз даврида кучли саналган давлатлар туздилар. «Қатъий қонунлар» деган маънони англатувчи «Авесто» китоби миллий тарихимизга оид энг қадимий сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий таълимотлар мажмуидир. Муғ тоғидан топилган қадимги Сўғдиёна давлати тарихига тегишли манбалар ҳам азалдан бизда кучли ва мукамал давлатчилик асослари яратилганидан далолат беради.

Миллий тарихимизда залворли, миллий давлатчилигимиз ҳар тарафлама тараққий этган даврларидан бири - Амир Темур ва темурийлар давридир. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Амир Темурнинг давлатчилик тажрибасига юксак баҳо бериб, жумладан: «Буюк стратегик, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохатчиси, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлатни барпо этди», - деб унинг мустаҳкам давлат тузганлигини алоҳида таъкидлади.

«Темур тузуқлари» илмий жамоатчиликни деярли 500-600 йил мобайнида қизиқтириб келмоқда. Шу боис, Биринчи Президентимиз И.Каримов ўз асарлари ва чиқишларида «Соҳибқирон тузуқлари» ва «Ўғитлари» га тез-тез мурожат қилади, зеро келажаги буюк давлат кураётган эканмиз, ўтмишнинг маънавий тамойиллари бизни адолатли йўллардан юксак тараққиётга олиб бориши, шубҳасиз. Худди шу маънода Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ёзувчилар билан бўлган суҳбатида бу ҳақда зўр мамнуният билан қуйидагиларни таъкидлади: «Амир Темур тузуқларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муоммоларига жавоб топгандек бўламан, шунинг учун стратегияни жуда пухта

ўйлаш керак. Балки ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади».

«Темур тузуклари» да Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан ташқари, давлат ва қўшинлар тузилиши, уларни бошқариш, шунингдек, Чиготой улусининг 50 йилдан ортиқ давр (1342-1405) даги тарихига доир қимматли маълумотлар келтирилган. Амир Темурнинг ўз фарзандлари ва набираларига, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятларига насиҳат сифатида баён этилган. Бу асар тарбиявий характерга эга бўлиб, дастлаб эски ўзбек тилида ёзилган. «Темур тузуклари»да асар халқаро миқёсида кенг жамоатчилик эътиборига тушганлиги туфайли, 1783 йил инглиз, 1785 ва 1791 йилларда ҳинд, 1868 йилда форс, 1787 йилда француз, 1830 йилда яна инглиз, 1845 йилда урду, 1894, 1934 йилларда рус ва 1835, 1857 йилларда (аммо тўлиқ эмас) эски ўзбек тилида, 1991, 2011 йилларда ўзбек тилида нашр этилган.

«Темур тузуклари» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми Амир Темурнинг давлат бошқарувини ташкил этиш, уни мустаҳкамлаш ҳамда мукамал қуролланган қудратли қўшин тузиш борасидаги режалари ва қарорларидан иборатдир. Асарнинг 13 кенгаш (қисм) дан иборат иккинчи қисмида эса Соҳибқироннинг давлат ва қўшин қудратини ошириш, душманларни бартараф этиш юзасидан ўтказган кенгашлари ва амалга оширган ишлари ўз ифодасини топган.

«Тузукларда» баён этилишича, Амир Темур давлатининг асосини 12 та ижтимоий тоифа ташкил этган бўлиб, бу тоифалар қуйидагилардан иборатдир; 1. Сайидлар, уламо, шайхлар; 2. Билимдон, фозил кишилар, 3. Дуоғўй, тақводорлар, 4. Амирлар, қўшин бошлиқлари; 5. Сипоҳ ва райят (қора халқ); Салтанат ишлари бўйича кенгашишга лойиқ кишилар; 7. Вазирлар, саркотиблар ва девон битикчилари; 8. Хақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9. Муҳаддислар (ҳадис олимлари) ва ровийлар (тарихшунослар); 10. Сўфийлар ва орифлар; 11. Хунар ва санъат аҳли; 12. савдогар ва сайёҳлар.

«Тузуклар» да таъкидланишича, давлатни идора қилишда вазирлар, олимларнинг роли катта бўлган. Шунинг учун ҳам Амир Темур уларни танлашга алоҳида эътибор берган. Улар садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускор бўлиши лозим эди. «Тузук» га кўра, вазирлар тўрт сифатга эга бўлиши шарт эди: 1. Тоза наслик ва улуғворлик; 2. Ақлу фаросатлилиқ; 3. Сипоҳ ва райят аҳолини, улардан хабордор бўлиш ва ғамхўрлик қилиш; 4. Сабру бардошли, хушмуомалали бўлиш.

«Тузуклар» да таъкидланишича, Амир Темур бир чети Чину Мочинга, иккинчи чети Шомга бориб тақалган улкан мамлакатни қуйида вазифалари кўрсатилган 7 нафар вазири ёрдамида бошқарган. 1. Мамлакат ва райят вазири; 2. Сипоҳ вазири; 3. Даромад ва харажатлар вазири; 4. Салтанат ишларини юритувчи вазир; 5. Қози калон; 6. Жалол ул-ислом-фавқуллода ҳуқуқларга эга бўлган вазир; 7. Вазири девони иншо – бошқа мамлакатлар билан ёзишмалар девони бошлиғи. Эл-юрт ободлиги, халқнинг фарованлиги, салтанатнинг устиворлиги кўп жиҳатдан шу вазирларнинг ишбилармонлиги ва раҳбарлик қобилиятларига боғлиқ бўлган.

«Тузуклар» да кўрсатилишича, Амир Темур солиқ тизими ва ободончилик ишларига ҳам алоҳида эътибор берган. «Амир қилдимки, -деб ёзади соҳибқирон, - ҳосил пишиб етилмасдан бурун райятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, ҳосилни учга бўлиб олсинлар. Агар райят солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олишга юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак арқон ишлатиб, ишни уриш, сўкишгача олиб бормасинлар... амр этдимки кимда-ким бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер ости сувларини тортиб чиқарадиган иншоат) қурса, ёки бирон боғ кўқартирса, ёхуд бирон хароба бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили ўз розилиги билан берган нарсаларни олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож олсинлар». Амир Темур солиқ солиш тартиби, миқдори ва уни ундириш ишларини ҳам кузатиб борган. Солиқ ва ўлпон йиғувчиларнинг фаолияти устидан доимий назорат ўрнатган.

Амир Темур кўшинлари яхши қуролланган, ташкилий жиҳатдан мукаммал, жанг пайтида тактика ва стратегия усулларидан яхши хабардор бўлган. У ташкил қилган кўшинлар тизими Ўғизхон ва Чингизхон кўшинлариникига ўхшасада, давр талабига кўра анча такомиллашган эди. Кўшинлар отлик ва пиёда аскарлардан иборат бўлиб, ҳарбий сафарбарликка чақирилган пиёда сипоҳ ўзи билан қалқон, қилич, болта, найза камон, 30 дона ўқ ва бир ойга етарли озуқа билан келиши лозим бўлган. Отлик суворийлар ҳарбий сафарбарлик даврида ўзлари билан бирга иккитадан от, соябон, бел, ўроқ, арра, болта, жуводиз, 100 дона игна, арқон, чарм меш, қозон олишган. Ҳар 10 кишига битта чодир олинган.

Амир Темурнинг олижаноб хислатларидан бири бошқаларнинг гуноҳларини кечира билиши эди. «Менга ёмонликлар қилиб - дейилади «Тузуқлар» да, - бошим узра шамшир кўратиб, ишимда кўп зиён-зарар етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб, келгач ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотиримдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим, улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўркув бўлса, бутунлай унут бўларди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, Амир Темур гуноҳ қилган кишиларни фақат уч мартабагача кечирган.

Амир Темур хиёнаткор, очкўз, нафси бузук, зикна ва хушомадгўй кишилардан нафратланган. «Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, - дейилади «Тузуқларда – хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, минг олдинга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим». «Тузуқларда» дўстлик, вафодорлик, иймон ва эътиқод, инсонпарварлик ва бошқа инсоний фазилатларга риоя қилиш, фуқороларнинг шарият қонун-қоидаларига бўйсунуши уқтириб ўтилади. Қозиларнинг қонунларга тўла амал қилиши, тартиб бузарларни жазолаш, сипоҳлар ва аскарларни сақлаш, уларни озиқ-овқат ва маош билан таъминлаш масаласи, вазирлар ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва бошқаларнинг хизматларини тақдирлаш тартиблари каби турли масалалар бўйича муфассал маълумотлар берилади. Хулоса қилиб айтганда, «Темур тузуқлари» Амир Темурнинг оғир ва мураккаб ҳаёти, ўзининг ҳукумронлиги даврида халқ ва жамият манфаати учун жон куйдириши, қудратли давлати ва кўшинларини бошқариш ҳақида маълумотлар билан бир қаторда жамиятни идора қилиш ҳақида зарур сабоқлар беради.

Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, халқига мурувватли бўлган соҳибқирон бемаврид, бўлар-бўлмасга мол-хирож каби солиқлар солинишига қарши бўлган ва имконият даражасида халқни солиқлар тўлашдан озод қилиб турган. Бу ҳақда «Тузуқлар»да шундай дейилади: «Амир этдимки раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинани камбағалланишга олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради».

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон савдогарлари Осиё мамлакатлари, айти замонда Буюк ипак йўли орқали Европа мамлакатлари билан ҳам савдо алоқалар ўрнатишган. Савдо-сотик алоқаларида Темур ва темурийлар томонидан забт этилган қумуш, мис тангалар катта аҳамиятга эга бўлган. Улар Мовароуннаҳрда савдо-сотик муомаласини тартибга солишга ижобий таъсир кўрсатган.

Темурийлар даврида цивилизация янги босқичга кўтарилди. Аввало давлатчилик қонун-қоидалар пухта шаклланди. Соҳибқирон фан, маданият, санъат, маъморчиликнинг ибратли ҳомийси бўлди. Самарқанд, Бухоро, Туркистон, Хирот ва бошқа шаҳарларда расадхоналар, масжиду мадрасалар қурилди, мактаблар очилди. Санъат ва адабиётга эътибор кучайди. Айниқса, кутубхоначиликни ривожлантиришга, нодир қўлёзмаларни сақлашга доир ишлар эътиборга лойиқдир. Темурий шаҳзодаларидан Мирзо Улуғбек, Мирзо Шохруҳ, Мирзо Бойсунғур ва Ҳусайн Бойқароларнинг кутубхоналари ҳам ноёб турли адабий-бадий, илмий китобларга бойлиги билан Амир Темурнинг Самарқанддаги кутубхонасидан қолишмаган. Биргина Улуғбек расадхонаси қошидаги кутубхонада қарийиб 15 минг китоб сақланган.

Мирзо Улуғбек ва унинг атрофида жипслашган олимлар – Қозизода Румий, Жамшид ал-Коший, Муҳаммад Ҳавофий, Али Қушчи каби олимлар астрономия, математика ва бошқа

аниқ фанлар соҳасида муҳим кашфиётлар қилдилар. Улуғбек илмий мактабининг энг катта ютуғи, аввало, астрономия, математика, геометрия каби фанлар соҳасида муҳим кашфиётлар қилади. Улуғбек расадхонасида 1018 та юлдузнинг каталоги тузилиб, уларнинг харақати ўрганилди. Улуғбекнинг юлдузлар жадвали жaxon астраномлари учун муҳим манба сифатида кўп маданий марказларда, хусусан Лондон, Париж, Данчигда, 1917 йили Вашингтонда ва бошқа шаҳарларда илмий изоҳлар билан чоп этилди.

Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Саккокий, Лутфий, Кошифий, Беҳзод каби ноёб истеъдод эгалари буюк гуманистик асарлар яратган бўлсалар, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Йаздий, Ҳафизу Абру, Мирхонд, Хондамир ва бошқалар ватанимиз тарихига оид муҳим маълумотлар қолдирдилар.

Улуғ донишманд, давлат арбоби сифатида шуҳрат қозонган Алишер Навоий ўзининг бутун ижодий фаолиятини ўзбек адабий тилини такомиллаштириш билан бир қаторда, жамият фаровонлиги, инсон бахт-саодати, юрт ободлиги, билимли, ақлли ва заковатли кишиларни етиштиришга бағишлади, кўплаб шоғирдлар етиштирди. Унинг асарларида салтанатни ҳалокатга олиб келувчи сабаблар кўрсатилган. Алишер Навоий ҳукмдорлар ва амалдорларнинг мамлакат ободонлиги ва фаровонлигини таъминлашга ундаган.

Амир Темур ва Темурийлар давридаги моддий, маданий ва маънавий тараққиётнинг ўлка халқлари бирлигини таъминлаш ва халқимиз ҳаётида тутган ўрнини инobatга олиб, бу даврни асосли равишда мамлакатимиздаги иккинчи ренессанс (уйғониш) даври деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз лозимки, Амир Темур томонидан ёзилган «Тузуқлар» Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчиликни ривожланишида муҳим аҳамият касб этган ва бу муҳим асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмасдир.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» кўргазмасининг очилиши маросимида сўзлаган нутқ. 1996 йил, 24 апрель, Париж // Амир Темур фаҳримиз, ғуруримиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 1998.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент: «Шарқ», 1996.
4. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (Қадимги ва ўрта асрлар). Т., «Ўқитувчи», 1991.
5. Амридин Бердимуродов. Гўри Амир мақбараси. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1996.
6. Ҳамид Зиёев. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири., Тошкент, 2010.
7. Зиядулла Муқимов, Худойёр Маматов. Амир Темур тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Тошкент, «Янги аср авлоди», Т.2001.
8. Зиёдулла Муқимов. Амир Темур тузуқлари (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Самарқанд, 2008.
9. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), Тошкент, «Меҳнат», 1992 йил.
10. Темур тузуқлари. Форсчадан Алихонтўра Соғуний ва Хабибулло Кароматов таржимаси, Б.Аҳмедов таҳрири остида. Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
11. Темур тузуқлари. Тошкент, Ўзбекистон НМИУ, 2011.
12. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад. Ҳайдарбек Бобобеков. Масъул муҳаррир: Барнобек Эшпўлатов. «Шарқ» нашриёт-матбаа бош таҳририяти, Тошкент, 1997.

МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД БАҲОУДДИН НАҚШБАНД БУХОРИЙ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ

М. З. Раджапова, Андижон давлат университети, Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий ва унинг таълимоти баён этилган. Нақшбандия тариқатида ўн бир асосга эга бўлган дастури ва улардан саккизтасини хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний қуддиса сирруҳу ва учтасини хожа Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳи алайҳ йўлга қўйганлиги хусусида фикр юритилган.

Аннотация: В этой статье описывается Мухаммад ибн Мухаммад Бахауддин Накибанд Бухари и его учение. Накибандийский тарикат имеет одиннадцать основ, восемь из которых были установлены Ходжей Абдулхаликом Гиждувани Қуддисой Сирруҳу, а три – Ходжей Бахауддином Накибандом раҳматуллаҳи алайҳ.

Abstract: This article describes Muhammad ibn Muhammad Bahauddin Naqshband Bukhari and his teachings. The Naqshbandiyya tariqat has eleven foundations, eight of which were established by Khwaja Abdulkhaliq Ghijdivani Quddisa Sirruhu and three by Khwaja Bahauddin Naqshband rahmatullahi alayh.

Калим сўзлар: *Хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, ёд кард, боз гаит, нигоҳ дошт, ёд дошт, вуқуфи замоний, вуқуфи ададий, вуқуфи қалбий.*

Ключевые слова: *хуш дар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуман, йод кард, боз гаит, нигоҳ дост, йод дост, вуқуфи замани, вуқуфи адади, вуқуфи қалби.*

Key words: *Hush dar dam, nazar bar kadam, safar dar vatan, khilvat dar anjuman, yod kard, boz gasht, nigoh dost, yod dost, wuqufi zamani, wuqufi adadi, wuqufi qalbi.*

Нақшбандия тариқатида ўн бир асосга эга бўлган дастур бўлиб, улардан саккизтасини хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний қуддиса сирруҳу ва учтасини хожа Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳи алайҳ йўлга қўйганлар. Сайри сулукка кирган ҳар бир кишига бу дастурни билиш жуда ҳам зарур ҳисобланган.

1. Хуш дар дам. [1,51]

“Хуш” сўзи “ақл-хуш”, “хушёрлик” маъноларини, “дам” сўзи “нафас” маъносини билдиради. Бу шиорда ҳар бир олинган ва чиқарилган нафасда хушёр бўлиш, Аллоҳ таолони эсдан чиқармаслик маъноси ўз аксини топган. Яъни сўфий ҳар нафасида Аллоҳ таолони ёд этиб туриши, хаёли дунёвий ишларга сочилиб кетмаслиги керак. Солик ҳар бир нафасни олиш ва чиқаришда Ҳақ субҳанаҳу ва таоло билан бирга бўлиши лозим.

2. Назар бар қадам.

“Қадамга назар солиш”. Бу шиорга биноан, сўфийга юрганида доимо оёғининг учига назар солиб юриш тавсия қилинади. Яъни турли ҳаром нарсаларга назари тушишининг олдини олиш лозим. Шунда солиқнинг хаёли сочилмайди, ақли ва фикри Аллоҳ таоло билан бўлади ва дунёнинг жамоли ҳамда матоҳи билан боғланиб қолмайди.

Имоми Роббоний раҳматуллоҳи алайҳ ва бошқа баъзи нақшбандий машойихлар “Назар бар қадам”нинг маъноси ҳақида: “Назар бар қадам” - сайри сулукдаги ҳоллардан бири бўлиб, солиқнинг бир мақомдан иккинчи мақомга ўтишда қалб кўзи билан ўша мақомга назар солишидир”, дейдилар.

3. Сафар дар ватан.

“Ватанда сафар қилиш”. Бу шиорда ҳар одимда аслига ва Ҳаққа сафар қилиш маъноси бўлиши кераклиги илгари сурилган.

Нақшбандийлар таълимотида сафарнинг уч хил маъноси бор:

Биринчи маъно: ер юзида ибрат учун сафар қилиш. Ер юзида сафар қилиш махлуқотларга назар солиш ила тушунчани кенгайтиради ва ибрат олишга сабаб бўлади. Шу билан бирга, банданинг назар орқали Аллоҳ таолонинг буюклигини англаб етишига ёрдам беради.

Иккинчи маъно: етук муршидни ахтариб, сафар қилиш. Бу борада кўпчилик машойихлар ўзларига етук муршид ахтариб, диёрларни кезганлари мисол қилиб келтирилади.

Учинчи маъно: солиқнинг башарий сифатдан малакий сифатга ва ёмон сифатдан яхши сифатга сафар қилишидир. Махлуқотлар оламидан Ҳақ субҳанаҳу ва таоло томон сафар қилишидир. Бир ҳолдан ундан аълороқ бўлган ҳолга сафар қилишидир.

4. Хилват дар анжуман.

“Анжуманда хилват қилиш”. Бу шиорда сўфийнинг ўзи халқ ичида турган бўлса ҳам, Ҳақ билан холи бўлиш малакасига эга бўлиши кўзда тутилган. Яъни ташида халқ билан бўлса ҳам, ичида Ҳақ билан бўлади.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади: **“...бир кишиларки, уларни тижорат ҳам, олди-сотди ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни тўқис адо этишдан ва закот беришдан машғул қила олмас. Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган Кундан қўрқарлар” (37-оят).** [1.52-54]

Бу оятда Аллоҳнинг нурини идрок этишга ва унинг файзидан баҳраманд бўлишга ҳақли кишиларнинг сифатлари келтирилмоқда. Аллоҳ таоло неъматини, нурини кўринганга ато қилавермайди, албатта. Балки маълум сифатларга эга бўлган зотларгагина ато этади. Ана ўша инсонларнинг сифатларидан бири Аллоҳ таолони эртаю кеч поклаб ёд этиш - тасбеҳ айтиш бўлса, яна бир сифати тижоратга ҳам, олди-сотдига ҳам машғул бўлмасдан, Аллоҳни зикр этишларидир. Яъни улар иш вақтида ҳам Аллоҳни унутмайдилар. Тижорат ва олди-сотди билан машғул бўлиб, намозни, хусусан, жамоат намозини қолдирмайдилар. “Ўзим тижорат қилиб, зўрға топдимку” деб, закот беришдан ҳам қочмайдилар. Чунки

“Улар қалблар ва кўзлар изтиробга тушадиган Кундан қўрқарлар”. [1.54-55]

5. Ёд қард.

“Ёд эт” – “зикр қил”. Зикр нафсни поклайдиган ва ахлоқни сайқаллайдиган энг кучли омиллардан бири ҳисобланади.

Қуръон тиловатидан кейин банданинг тили учун энг афзал ибодат Аллоҳ таолонинг зикридир. Зикр ила банда Аллоҳ таолога ихлос билан дуо қилади ва ҳожатларини сўрайди.

“Зикр” сўзи луғатда эслаш, хотирлаш, сўзлаш, тилга олиш, баён этиш, шархлаш, тавсифлаш каби маъноларни англатади. Аммо умумий маънода зикр икки хил бўлади: тил билан ва дил билан зикр қилиш. Буларнинг ҳар бири ҳам икки турли бўлади: унутганини эслаш ва унутмаса ҳам, ёдидаги нарсани хотирлаш.

Уламолар истилоҳида: “Зикр - банданинг Роббини тили ва дили билан эслашидир. Бу У Зотнинг Узини, сифатларини, амалларини, ҳукмларини зикр қилиш ёки Китобини тиловат қилиш ёхуд У Зотга дуо қилиш, У Зотдан бирор нарсани сўраш, У Зотга ҳамду сано ай тиш, У Зотни улуғлаш ва У Зотга шукр келтириш каби нарсалар ила бўлади.

Зикр ҳар бир бандадан талаб қилинган ва ҳар бир бандага махбуб қилинган нарсадир. Зикр ҳар доим қилиниши керак бўлган марғуб ишдир.

Фақат шариат истисно қилган, қазои ҳожат ва хутба эшитиш пайтига ўхшаш ҳолатлардагина зикр қилинмайди”. [1.56]

Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримдаги кўплаб оятларда биз бандаларга зикр қилишни амр этган. Зикрни кўп қилиш ва бунда бардавом бўлиш нажот учун шарт қилинган. Аллоҳ таолонинг Ўзи зикр қилувчиларни мақтаган, уларни Ўз оятларидан баҳраманд бўладиганлар деб атаган ва зокирларнинг ақл эгалари эканини таъкидлаган. Баъзи уламоларимиз мазкур оятларнинг сони бир юз етмиш тўртта эканини таъкидлаган. [1.57]

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эртаю кеч Уни поклаб ёд этинглар» (41-42-оятлар). [1.57-58]

Аллоҳни зикр қилиш қалбни Унга боғлаш ҳамда «У мени кузатиб турибди» деган доимий сергакликда туришдир. Аллоҳнинг буйруқларини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармай, холис амал қилишдир.

6. Боз гашт.

“Сўнгра ўт”. Бу шиорда мақсад ва матлаб фақатгина Аллоҳ таолонинг розилиги бўлиши кўзда тутилган. Бунда солиқ зикр қилиб бўлгач, “Илоҳий анта мақсуди ва ризока матлуби”, дейди ва бу жумланинг маъносини хаёлидан ўтказди. Унинг маъноси эса “Илоҳим, Сен мақсудимсан ва розилигинг матлубимдир” деганидир.

7. Нигоҳ дошт.

“Нигоҳ сол”. Бу шиорда қалбни хавотирдан сақлаш кўзда тутилган. Бу орқали қалбга Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан бошқа нарса кирмаслиги таъминланади. Мурид қалбига бир лаҳза бўлса ҳам ҳақми, ботилми, ҳеч нарса кирмаслиги чорасини кўриши керак. Агар қалбига бирор хотира кирса, дарҳол зикрни тўхтатади. Хотирани қувади ва зикрни янгитдан бошлайди. Бу тўхташ ила солиқ давомли зикр ила эришган баракаларнинг ҳосилини муҳофаза қилади, зикрда мустақим бўлиш ила ҳосил бўлган ҳузур ва мушоҳада даражаларини муҳофаза қилади. Қалбига турли хотираларнинг суқилиб киришига йўл қўймайди. [1.70-71]

Шайх Фаридуддин Аттор раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Албатта, хаёл ва хотиранинг қалбга суқилиб киришини ман қилиш жуда ҳам оғир ва машаққатлидир. Аммо сизлар уларни ҳайдашга ва боқий қолмаслигига ҳаракат қилинглар. Мен қалбимни хотира ва хаёллардан йигирма йил кўриқладим. Шунга қарамасдан, улар қалбимга мазкур муддатдан кейин ҳам суқилиб кирдилар. Аммо қарор топа олмадилар». [1.72-73]

8. Ёд дошт.

“Ёдга ол”. Бу шиорда ҳар лаҳзада Аллоҳ таолони ёдда тутиш кўзда тутилган. Бундан Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан доимо завқ йўли билан огоҳ бўлиб туриш ирода қилинади. Ушбу шиорни мушоҳада ва ҳузурни муҳофаза қилиш ҳам дейилади. Бунда Аллоҳ таолонинг Зотини мушоҳада қилишга хос юзланиш бордир. Уни мушоҳада ва айнул яқийн ҳам дейилади.

“Ёд дошт” солиқнинг амали самарасидир. У муриднинг ғоятига етганидан кейинги ҳолидан иборатдир. Гоҳида у зикр, муроқаб ва муршиднинг кўмаги самараси бўлиши ҳам мумкин. Солиқ унга барча тўсиқларни ошиб ўтиш орқали етишади. [1.74]

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (р.а.)нинг юқорида зикр қилинган саккиз қондасига хожа Баҳоуддин Нақшбанд (р.а.) қуйидаги учтани қўшганлар.

9. Вуқуфи замоний.

“Замондан воқиф бўлмоқ”. Бу шиорда солиқ ўзи яшаётган замонни билмоғи ва ундан унумли фойдаланмоғи кўзда тутилган. Бундан солиқ доимо ўзининг ҳолини билиб туриши ирода қилинган. У турган замон шукр замоними ёки узр замоними, яхши билсин. Қабз - торлик ҳолатида истиғфор айтади ва баст - кенглик ҳолатида шукр қилади. Бу икки ҳолга риоя қилиш вуқуфи замонийдан иборатдир.

Вуқуфи замоний ўзини ўзи қалбий тергашдан иборат бўлиб, унда солиқ ҳар икки ёки уч соатда мазкур соатларда қалбининг ҳолати қандай бўлганини текшириб кўради. Агар ўша вақт ичида қалби Аллоҳ таоло билан ҳозир бўлса, бунинг учун Ҳақ субҳанаҳу ва таолога шукр қилади. Агар ўша вақт ичида ғофиллик ҳолатида бўлса, истиғфор айтиб, тавба қилади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (р.а.) айтадилар: “Вуқуфи замоний - солиқнинг ўз ҳолини англамоғи ва ўзи турган замонни яхши билмоғидир. Шукр келтириш керакми ёки узр айтиш лозимлигини ажратмоғидир. Агар яхши бўлса, шукр қилади, бошқача бўлса, узр келтиради”. [1.74-75]

10. Вуқуфи ададий.

“Ададдан воқиф бўлмоқ”. Бу шиорда сўфийнинг зикр қилишда талаффуз қилинадиган лафзларнинг ададига алоҳида эътибор бериши кўзда тутилган.

Қалб билан зикр қилишда ададни риоя қилиш фикрни бир жойга жамлаш учун хизмат қилади. Зокир бир нафасда калимаи тоййибани уч, беш, етти маротабадан то йигирма бир ва ундан зиёда ададда айтсин ва тоқ бўлишини таъминласин.

Машойихлар: “Зикрни кўп айтиш шарт эмас, воқифлик ва ҳузур билан айтиш шартдир, ана шундан фойда бўлади”, дейдилар.

“Вукуфи ададий” асосан нафий ва исботда, яъни “Лаа илаҳа иллаллоҳ”ни зикр қилишда ишлайди. Зикр тоқ сонда - учдан йигирма биргача бўлади. Зикр ҳам, санаш ҳам қалб билан бўлади, тил билан эмас. Бундай зикрнинг улкан самараси бордир. Буни барча машойихлар тажрибадан ўтказганлар. [1.80]

11. Вукуфи қалбий.

“Қалбдан вокиф бўлмоқ”. Бу шиорда қалбни Аллоҳнинг зикри, фикри ва амри ила машғул қилиш ҳақида сўз боради. Зокир ўз қалбининг ҳолини, яъни қалб Аллоҳ таолонинг зикридами-йўқми эканини доимо кузатиб туриши лозим. Зокирнинг қалби Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Зотига қаратилган бўлиши керак. Вукуфи қалбий қалбнинг Аллоҳ таолони доимо зикр қилиб туришини кузатиб боришдан иборатдир. Зикрдан мурод сўз эмас, зикр қилинаётган Зот бўлиши керак. Солик зикрнинг баракасини Аллоҳ таолонинг Ўзидан кутади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳи алайҳнинг таъкидлашларича, вукуфи қалбий вукуфи замоний ва вукуфи ададийдан афзалдир. Чунки барака ҳосил бўлишида аҳамиятли бўлган вукуфи замоний ва вукуфи ададий мабодо ғойиб бўлса ҳам, зокирнинг сулукига таъсир қилмайди. Аммо вукуфи қалбий зарурийдир. Агар зокирда вукуфи қалбий бўлмаса, унинг зикри қуруқ тилнинг қимирлашидан иборат бўлиб қолади ва бунда ҳеч қандай барака бўлмайди. [1.81-82]

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Мустақиллик берган имкониятлар туфайли буюк аждодимиз, йирик файласуф, дин пешвоси, авлиёлар султони, нақшбандия тариқати асосчиси, хожагон тариқати давомчиси атоқли аллома Баҳоуддин Нақшбанд меросини ўрганиш бўйича жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Биринчи Президентимизнинг саъйи ҳаракатлари билан 1993 йилда табаррук зот таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди, зиёратгоҳлари қайта таъмирланиб, обод гўшага айлантирилди. 2003 йили 685 йилликлари жаҳон микёсида Бухорода нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 1994 йили 18 мартда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “...Биз яхши биламизки, дин, давлатдан ажратилгани билан, жамиятдан ажратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлантириш тақозо этилади. Назаримда, улуғ аждодларимиз, Бухорои Шарифнинг буюк фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг: “Аллоҳ дилинда, қўлинг ишда бўлсин”, -деган хикматли шиорини биз бу соҳада дастуриламал қилиб олсак янглишмаган бўламиз, деб ўйлайман. [2,5]

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Нақшбандия музейи ташкил этилди, Бухоро давлат университети ҳузурида Нақшбандия илмий маркази иш бошлади. У ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Бир қанча асарлар чоп этилди.*

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказининг “Нақшбанд” илмий журнали 2008 йилдан буён нашр қилина бошлади.

Ислоҳ Каримов бошлаган хайрли ишлар бугунги кунда ҳам бардавом бўлиб келмоқда. 2017 йилнинг 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Ислоҳ академиясини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай сўзлар бор: “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл – заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу илмсизликдир!” ...Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислоҳ динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илмий асосчиси Абду Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абду Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилди.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги улуғ мақомига мос равишда мутлақо янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишларини ҳам бошлаймиз.

Шунингдек, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак”. [3]

Дарҳақиқат, Ислом дини – миллий меросимизнинг таркибий қисми ҳисобланади. Жаҳон тамаддунини ислом маданиятисиз тасаввур қилиб бўлмагани каби, ислом маданиятини Ўзбекистонимиздаги бой маънавий меросиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни миллий маънавий меросга бўлган муносабатнинг янги босқичи деб баҳоласак муболаға бўлмайди албатта. Миллий-маънавий меросни эса халқ, унинг вакиллари яратади. Бунда буюк-буюк зотларнинг ҳиссаси ҳамиша катта бўлган. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам ана шундай буюк-буюк зотларнинг биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия вазифалар зикрлар.- Тошкент, 2018.- Б. 51

2. Нақшбандия // №1(12). 2014.-Б. 5

3. “Халқ сўзи” // 2020 йил 25 январь, №19 (7521)

*Садриддин Салим Бухорий Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир Т., “Ёзувчи” 1993; Насафий Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Т., 1993; Хожа Муҳаммад Ориф ар – Ревгарий Орифнома Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси Т., “Наврўз” 1994; Ғойиблар ҳаёлидан ёнган чироқлар (тўплам). Т., “Ўзбекистон” 1994; Муҳаммад Сиддик Рушдий Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Табдил этиб, нашрга тайёрловчи И.Остонакулов Т., “Камалак” 1995; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи 1-китоб Т., “Ёзувчи” 1996; Султонмурод Олим Нақшбанд ва Навоий Т., “Ўқитувчи” 1996; Комилов Н. Тавҳид асрори иккинчи китоб. Т., “Ўзбекистон” 1999; Баҳоуддин Нақшбанд Аврод (Авроди баҳоия) Г.Наврўзова таржимаси Бухоро “Бухоро” нашриёти 2000; Ориф Усмон Бухорои шарифнинг етти пири Т., 2003; Фахруддин Али Сафий Рашаҳот айни ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) Форс тилидан Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ Т.,Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти 2003; Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний Сўз боши ва таржима муаллифи Маҳмуд Ҳасаний Т., “Ўзбекистон” 2003; Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси Т., “Фан” 2005; Наврўзова Г.Н. Нақшбандия –камолот йўли Т., “Фан 2007” С.С.Бухорий Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Дилда ёр) Т., “Ўқитувчи” 2007; Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти Бухоро “Бухоро” нашриёти 2008; Донишмандлар тўхфаси (Рубойилар) таржимон, нашрга тайёрловчи, Сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. Т., “Ўзбекистон” 2009; Сайфиддин Сайфуллоҳ Ҳазрати Нақшбанд Рубойилари Т., Тошкент ислом университети нашриёти, 2009. ва б.

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ.

М. З. Раджапова, Б. А. Юнусова, Андижон давлат университети, Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчилари

Аннотация: Мақолада тасаввуф таълимотининг манбавий асослари ёритиб берилган бўлиб, тасаввуф “қалб”, “руҳ”, “ақл” ва “нафс” каби маъноларини алоҳида эҳтимом ила тушунтиради ва уларнинг ҳар бирига мусулмон банд қандай муносабатда бўлиши зарурлигини баён қилиб, ўша баённинг татбиқ қилинишини тўғрисида баён этилган.

Аннотация: В статье разъясняются основы суфизма, разъясняется значение суфизма с особым вниманием к «сердцу», «духу», «уму» и «нафсу» и разъясняется, как мусульманину следует относиться к каждому из них, и реализации этого явление.

Annotation: The article explains the fundamentals of Sufism, explains the meaning of Sufism with special attention to "heart", "spirit", "mind" and "nafs" and explains how a Muslim should treat each of them, and the implementation of that statement. stated about.

Калим сўзлар: тасаввуф, эҳсон, тариқат, сулук, қалб, руҳ, ақл ва нафс, шариат, адл, адолат, ақоид.

Ключевые слова: мистицизм, ихсан, тариқат, пиявка, душа, дух, разум и душа, шариат, справедливость, вера.

Key words: mysticism, ihsan, tariqat, leech, soul, spirit, mind and soul, shariah, justice, belief.

“Дин” сўзи араб тилидан “ҳисоб”, “жазо”, “мукофот” деган маъноларни билдиради[7,135]. “Илм” сўзи эса араб тилидан “бир нарсани бошқасидан ажратиб турадиган белгиси” маъносини англатади [4,29]. Ислом дини буйруқ майлидаги “Иқроъ” – “Ўқи!”, “Қироат қил!” маъносидаги сўзлар билан бошлангандир. Унинг илоҳий, мўжизаси “Қуръон”, яъни “ўқиш” ёки “ўқилмиш” деб номаланишида ҳам катта маъно бор, “Бу дин илмга, маърифатга асосланган диндир, бу Калом илмга, маърифатга асосланган Каломдир” деган маъно бор бунда [7,48].

Ислом дини 3 та катта илмдан иборат бўлиб, буларнинг биринчиси Ақоид илми, иккинчиси Шариат илми, учинчиси Эҳсон илмидир.

Имом Ғаззолий ўзларининг машҳур “Ихёу улумид-дийн” номли китобларида: “Ақоид” тавҳид идрок этиладиган, Аллоҳ субҳанаху ва таолонинг зоти ва сифатлари билинадиган илмдир” деганлар[1,206].

“Ақийда” сўзи арабча “ақада” феълидан олинган бўлиб, “бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш” маъносини англатади. Ислом ақийдаси мусулмон инсонни маълум бир наралар билан маҳкам боғлаб турадиган эътиқодлар мажмуасидир. Қачонки маълум бир илм бизнинг фикримизга, ҳис-туйғуларимизни йўллайдиган ва ҳаракатларимизни бошқарадиган холга етганда, ақийдага айланган бўлади. Демак, ақийда илмга асосланган бўлиши лозим[6,10].

Шариат сўзи арабча сўз бўлиб, остона ва сув ичиш жойи, тўғри йўл, ислом ҳукмлари, қонун қоидалари қонунчилиги, Аллоҳ таолонинг Каломи асосида жорий қилган ва шаклланган амалий ҳукмлар мажмуаси, ислом ҳуқуқи тизими каби маъноларни англатади. “...Шариат-Аллоҳ томонидан ўрнатилиб ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) орқали инсонларга юборилган сўзсиз бажарилиши шарт бўлган меъёрлар ва кўрсатмалар йиғиндиси” –“Аллоҳнинг қонуни”, “Фалакнинг ажрими ва амри” [2,567].

“Эҳсон” арабча сўздан олинган бўлиб – яхшилик, самимийлик, мурувват, бирор нарсани ҳадя қилиш, ҳайр-садақа маъноларини англатади. [2.586]

Қуръонда диний мажбуриятларни ўташдаги самимийлик, риёкорликнинг зидди Умар ибн Ҳаттоб (р.а)дан келтирилган ҳадислардан бирида: “Эҳсон – Роббинга ҳудди уни кўриб тургандек ибодат қилишингдир. Агар сен Уни кўрмаган тақдирингда ҳам, У сени кўриб турганидек ибодат қилишингдир”, дейилади. Ғаззолий “Эҳсон” атамасини “адл-адолат” сўзи билан бирга қўллаганки, булар биргаликда “адолат ва виждон” мазмунини касб этган.

Эҳсон сўзи ақидавий тушунча сифатида ислом ва имон тушунчалари билан бир қаторда умумий диний тушунчани ташкил қилади. Бунда эҳсон барча диний ақидаларни тўлиқ, шак-шубҳасиз ва қайта талқинсиз қабул қилишни билдиради, яъни унинг барча кўрсатмаларига чуқур садоқатни англатади. Эҳсон тушунчасидан диндор маъносидаги муҳсин сўзи келиб чиққан. Кундалик истилоҳда эҳсон атамаси – ихлос: қалб тозалиги, фикр ва хатти-ҳаракатларда самимийликнинг маънодошидир.

Тасаввуфда эса Эҳсон эътиқоднинг олий босқичи бўлиб, ундан кейин иймон, сўнг ислом туради, бу шариат-тариқат-ҳақиқат тушунчаларига мос келади.

Эҳсон одатда, тасаввуф тушунчаси билан чамчарчас боғлиқ. Яъни, -бу руҳий тарбия, покланиш, гўзал хулқ, нафсни сайқаллаш, гўзал ахлоқ (ва х.) демакдир. Муҳаммад (с.а.в.) ва сиддиқлар –хулафои рошидинлар, илк саҳобалар йўлидан оғишмай борган, парhezкор, ўта

тақводор, тарки дунё қилган, зоҳидликка юз бурган Аллоҳнинг азиз бандалари –“сўфий”, улар юрган йўлга эса “тасаввуф” дейила бошланди.

Тасаввуф сўфийликнинг гўзал таълимоти бўлиб, унинг турли йўллари “тариқат” “сулук” деб аталади. Тасаввуф Қуръон ва Суннат ҳақиқатига етиб, унга бутун вужуд билан амал қилишни ўргатади.

Тасаввуф Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарийнинг “Тасаввуф сирлари” асарида шундай таърифланади: “Инсоннинг маънавий оламини ислоҳ этадиган, бузилган қалбларнинг муолажаси учун энг таъсирли бўлган, инсонни ҳақиқатлар атрофига тўплайдиган ўта фойдали ва мустақил илмдир”. [3,4]

Тасаввуф “қалб”, “руҳ”, “ақл” ва “нафс” каби маъноларини алоҳида эҳтимом ила тушунтиради ва уларнинг ҳар бирига мусулмон банда қандай муносабатда бўлиши зарурлигини баён қилиб, ўша баённинг татбиқ қилинишини ҳам йўлга қўяди. [5,66]

Машойиҳлар, мутасаввуфлар тасаввуфга хилма-хил, бир-биридан гўзал таърифлар беришган. Куйида Шайх ҳазратларининг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” асарида келтирилган бир қанча таърифларни баён этамиз.

Тасаввуф У бир мазҳаб бўлиб, мақсади қалбни Аллоҳдан бошқадан холий қилиш, Холиққа ихлос ила ибодат қилиш ҳамда Ундан бошқасидан ажралиш ила руҳни қудсият оламига олиб чиқишдир.

Тасаввуф нафсни ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиш ҳиссига олиб боради. Шунингдек, ундан завқ ва ақл ила маърифат ҳосил қилишга олиб боради.

Тасаввуф бир илм бўлиб, у ила нафснинг аҳволи –яхши ва ёмони, унинг ёмонини поклаш йўли, яхшисини зийнатлаш йўли, Аллоҳ таолога томон юриш кайфияти ва Унга томон қочиш услуби ўрганилади. Яъни, Ўзидан бошқадан паноҳ сўрамаслик. [5. 31-32]

Тасаввуф Аллоҳга муҳаббат қўймоқ ва унинг васлига етиш йўлида риёзат чекмоқдир. Тасаввуф ақлдан устун турувчи илмдир. Тасаввуф илми Аллоҳдан келадиган илм, илҳом, кашфу холдир. Тасаввуф ботин ила ғайб олами билан ошноликдир. Тасаввуф бу руҳий тарбиядир.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, тасаввуфнинг ғояси-Жаноби Ҳақнинг розилигига эришмоқ учун нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилоқ, яъни Аллоҳ ва унинг Расулининг хулқи билан ахлоқланишдир. Инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали бўлиши мумкин, бу эса руҳнинг тана устидан ғалаба қозониши учун чора –тадбирлар кўришга боғлиқ бўлади.

Ислом тасаввуфи ҳеч қандай ташқи таъсирга асосланмаган ҳолда бевосита исломий тамойиллар заминида қурилган бир йўлдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Имом Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. –Тошкент, 2015.
2. Ислом энциклопедия. Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида.- Тошкент, 2017.
3. Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари .- Тошкент, 2000.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия .Покланиш 1-жуз. - Тошкент, 2010.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур.- Тошкент, 2011.
6. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф .Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар .- Тошкент, 2013.
7. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Қуръон ва суннатдаги илмий мўжизалар .- Тошкент, 2019.

* Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бирдан, устимизда оппоқ кийимли, сочлари қоп-қора одам пайдо бўлди. Унда сафарнинг асари кўринмас эди. Уни биронтамиз танимас ҳам эдик. У келиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг тўғриларига ўтирди.

Икки тиззасини у зотнинг икки тиззаларига тиради. Икки кафтини сонлари устига қўйди ва: “Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер”, -деди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Ислом: Ла илааҳа иллalloҳу ва анна Муҳаммадан Расулulloҳ”, деб шаҳодат келтирмоғинг, намозингни тўқис адо қилмоғинг, закот бермоғинг, Рамазон рўзасини тутмоғинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилмоғинг”, -дедилар. “Тўғри айтдинг”, -деди у. Биз ундан ажабландик. Ўзи сўрайди, ўзи тасдиқлайди. “Менга иймон ҳақида хабар бер”,-деди. Ул зот соллalloҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Расулларига ва охират кунига иймон келтирмоғинг, яхшию ёмон қадарга иймон келтирмоғинг”, дедилар. “Тўғри айтдинг”, -деб тасдиқлади ва: “Менга эҳсон ҳақида хабар бер”,-деди. Ул зот соллalloҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилмоғинг”, -дедилар. “Менга (қиёмат) соатидан хабар бер”,-деди. Ул зот соллalloҳу алайҳи васаллам: “Сўралувчи бу ҳақда сўровчидан билимлироқ эмас”,-дедилар. “Унинг аломатларидан хабар бер”,-деди. Ул зот соллalloҳу алайҳи васаллам:”Чўри ўз хожасини туғиши, ялангоёқ, яланғоч, камбағал ва чўпонларнинг бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларини кўрмоғинг”, -дедилар. Сўнгра ва қайтиб кетди. Бас, мен анча пайт (Расулulloҳнинг хузурларида) бўлдим. Сўнгра у зот соллalloҳу алайҳи васаллам менга: “Эй Умар, сўровчи кимлигини билдингми?”-дедилар. “Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ”, -дедим. Ул зот соллalloҳу алайҳи васаллам: “Албатта, у Жаброилдир. Сизларга дийнларингиздан таълим бергани келибди”, -дедилар. Бешовлари ривоят қилишган. Оятга амал қиладиган бўлсак, Куръон тўлиқ нозил бўлгандан сўнг дийнга заррача бўлса ҳам янгилик олиб киришга ҳеч қандай ҳожат қолмаган. Бунга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам йўқ. Мусулмонлар юқоридаги ҳадисда айтилган уч асосга, яъни илм-иймон, амал –ислом ва ихлос –эҳсонга риоя этсалар, бас. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонлардан фақат битта нарсани – Ўзига ва яратган нарсаларига тўлиқ иймон келтирган ҳолда ихлос билан ибодат қилишни талаб этган. Иймонимиз-илмимиз. Исломимиз- амалимиз ва эҳсонимиз –ихлосимиз тўғри ва гўзал бўлиши учун йўл кўрсатувчи комил бир инсонни Ўзининг элчиси сифатида танлаб, бизга раҳбар этиб қўйган. (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Тасаввуф ҳақида тасаввур Т., 2011 58-60-бетлар)

FALSAFANING IRODANI CHINIQTIRISHI VA INSONDA BORIGA KO'NIKIB YASHASHGA O'RGATISHI

Bekchanov Zufarbek Madrimovich, Urganch davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

Pragmatizmning asl mohiyati, R.Sharmaning quyidagi qisqa, lo'nda da'vatida ochib berilali. U yozadi: “Harakatchan va Xudoning nazari tushgan shaxsni o'zingizda kamol toptirishni maqsad qilib qo'ying!”. “Harakatchanlik”ni ijtimoiy faollik, “Xudoning nazari tushgan shaxs” deganni oliyjanob, yuksak axloqiy fazilatlarga, o'zini mudom rivojlantirish ustida izlanadigan inson ma'nosida tushunmoq kerak. Pragmatizmning ikkinchi yo'nalishi biznes, tadbirkorlik, menejment va marketing bilan bog'liq faoliyat turlaridadir. G'arb pragmatizm falsafasi insonni ijtimoiy iqtisodiy munosabatlarning faol ishtirokchilari bo'lishga, sarmoya tikib, tavakkal qilib, boylik orttirishga, puldor bo'lishga, innovatsion izlanishlari orqali badavlat yashashga da'vat etadi. Pul topish, sarmoya tikib uni ko'paytirish G'arb uchun uyatli hisoblanmaydi. Intellect egalari bo'lgan yirik biznemen va tadbirkorlar kuchli irodasi orqali katta boylik, mulk, sarmoya orttirganlarini yashirmaydilar, balki, aksincha, o'z tajribalari va sirlarini boshqalarga aytishdan tortinmaydilar. Iroda fenomeni bo'yicha mutaxassis, tadqiqotchi Kelli Makgonikalning, Stendford universiteti professori (AQSh)ning yozishicha, “Iroda, kuchi diqqat, tuyg'ular va istaklarni boshqaradi, jismoniy salomatlikka, moliyaviy ahvolga, yaqin munosabatlarga va professional yutuqlarga ta'sir qiladi”. Hatto muallif “Iroda kuchi nazariyasi” hamma uchun, shu jumladan, bines va tadbirkorlikni boshlamoqchi bo'lgan uchun ham, foydali maxsus fan ekanini ta'kidlaydi. Biznes va tadbirkorlik mohiyatan insonning ijtimoiy iqtisodiy munosabatlarda faollik ko'rsatib, o'ziini o'zi ish bilan band etish, daromad topish, moddiy ne'matlar vamadaniy xizmatlarga bo'lgan ehtyojlarini qondirishga

qaratilgan faoliyat turlaridandir. Unda sub'ekt o'zining moddiy, iqtisodiy va moliyaviy qiziqishlarini kun tartibiga qo'yadi va barcha xatti harakatarini, intilishlari va imkoniyatlarini ishga solib, foyda ko'rishga intiladi. Mehnatiga yarasha foyda ko'rish, mulk orttirish va badavlat yashash strategiyasi biznes va tadbirkorlikni boshqa mehanat turlaridan farqlab turadi. Unda shaxsning ijtimoiy iqtisodiy faolligi, xizmat ko'rsatish turlarini kengaytirishi va iste'mol mollarini ko'paytirishga qo'shadigan ulushi muhimdir. Shaxs o'z ixtiyori va tashabbusi bilan, jamiyatning iqtisodiy rivojlanish talablaridan kelib chiqib, mehnat jarayonlarida qatnashadi, agar yollanma ishchilari bo'lsa, ularni ish va mablag' bilan ta'minlaydi, ularning ijtimoiy iqtisodiy faoliyatini uyushtiradi. Biznes va tadbirkorlik shaxsda pragmatik qobiliyat va ko'nikmalarni shakllantiradi. Insonlarni va ularning ehtiyojlarini o'rganish va bilish tadbirkorning vazifasi hisoblanadi, bu esa uni falsafaga, fikrlash san'atiga yaqin qiladi. Tanqli tadbirkor, venchur investori R.Xoffman fikriga ko'ra, "falsafaning fundamentini tushungan tadbirkor uchun u kuchli instrumentdir. Falsafa shunchaki abstrakt mushohada emas, u tadbirkorga kishini yaxshi tushunish, jamiyat va shaxs qanday rivojlanayotganini anglashga yordam beradi....Falsafa sizni fikrlashga undab, fikrlashingizni yaxshilaydi". Shunday ekan, biznes va tadbirkorlik shaxsni falsafiy bilimlardan xabardor qiladi, uni inson va jamiyat o'rtasidagi aloqalar qonuniyatlari bilan tanish bo'lishga undaydi. Ammo bu hol ommaviy emasligini kuzatamiz, respublikamizdagi tadbirkorlar va biznesmenlar ichida falsafiy bilimlarga qiziquvchilar bo'lsa, bordir, ammo ularning ijtimoiy fikrlarga qo'shayotgan hissasi deyarli sezilmaydi. Falsafaning irodani chiniqtirishi, insonda boriga ko'nikib yashashga o'rgatishi orqali unda jamiyat uchun joy kuydirishni, fidoiylilik xislatlarini shakllantirishi kabilar mavzumizga bevosita taalluqlidir. Pragmatizm negizidagi ijtimoiy faollik, fidoiylilik, mehnat, tavakkal qilib yangi narsalar yaratishga intilish, mudom kishilar va jamiyat ehtiyojlarini qondirish uchun izlanish, orom bilmay ter to'kish biznes va tadbirkorlikka ham xosdir. Shu o'rinda pragmatizm biznes va tadbirkorlikning nazariy asosida sifatida keladi. Shuni aytish zarurki, hamma ham biznesmen yoki tadbirkor bo'lavermaydi, ular kishidan ma'lum bir nafaqat falsafiy qarashlarni, shuningdek, iqtisodiy, huquqiy, sotsiologik va boshqaruvga oid bilimlarni talab etadi. Ayniqsa, ular bilan shug'ullanmoqchi bo'lgan shaxsga iroda, ishchanlik, dadillik, matonat, o'z kuchiga ishonish zarur. Dunyodagi yirik biznesmen va tadbirkorlar, avvalo Genri Ford, Robert Kiosaki, Bill Geyts, Larri Peydj, Mark sukerberg, Maykl Blumberg, Elon Mask, Donald Tramp, Bernar Arno, Uorren Baffet, Rey Krok biografiyasi va hayot yo'llari ko'rsatadiki, ular bir necha marta mag'lubiyatga uchragan, ba'zilarining haptto restorianga kirib ovqatlanishga puli qolmaydigan darajada bankrotga uchragan. Ammo ular tiklanishni istashgan va, barcha qiyinchiliklarni o'z zimmasiga olib, sabr, matonat va topqirlik bilan sarmoyasini ko'paytirgan. Ulardagi kuchli iroda biznesga, tadbirkorlik sohasida iz qoldirishga qaratilgan edi. Masalan, AQShning sobiq prezidenti, yirik tadbirkor, magnat D.Tramp o'zining "Chempiondek o'yla" ("Дума́й как че́мпиион") asarida ikki marta bankrotga uchrab, hatto olasini oziq-ovqat bilan ta'minlashga puli qolmaganini, ammo o'zining kuchli irodasi orqali biznesini qayta tiklagani, Manxettanda ko'p qavatli binolar qurib, o'zining hayotiy maqsadlari uchun yirik innovatsion loyihalarni amalga oshirganini tasvirlaydi. Demak, mag'lubiyatlarga qaramay, tushkunlikka berilmay, olg'a intilish shaxsning kuchli irodali ekanini tasdiqlaydi. Yuqori samarali kishilar, tadbirkorlar tarjimai holi va innovatsion o'zlanishlari ko'rsatadiki, ular to'siqlar va mag'lubiyatni tan olmay, o'zining hayotiy maqsadiga erishishi uchun bor kuchini sarflab yashagan. Hayot va mehnat ular uchun kurash maydoni, unda hayot va mamot kurashi ketadi. Ular yengilishni xayoliga keltirishmaydi, o'jarlik va sabr bilan olg'a talpinishadi. Bu egoizm emas, balki o'z iqtidori, kuchi va qobiliyatini sinab ko'rish, hayotning bir marta berilishini anglab, bor kuchini yaratishga sarflashdir. Ular kimnidir mag'lub qilish, mulkini tortib olish yoki fitnalar uyushtirib, undan o'ch olish uchun emas, balki topqirligi va ishchanligi orqali o'zining nimaga qodir ekanini tasdiqlash uchun jon kuydiradilar. Fidoiylilik, mardlik, tavakkal qilish, dadil olg'a intilish, adashib yiqilganida esa mag'rurona o'rnidan turib qaytadan olg'a intilish, harakat va yana harakat ularning asosiy shiorlari, fazilatlaridir. G'arb pragmatizmi, umuman, inson irodasini faollashtirishga imkoniyat yaratib bergani bilan qadrlanadi. U har kimning qobiliyatiga, ishchanligiga va fidoiligiga yarasha imkoniyat beradi, bu imkoniyatdan uning bizdagidek ota onasi yoki yaqin kishisi emas, balki uning o'zi foydalanadi. Shaxsning o'zi ishlashni, muomalani, pul topish va uni sarflashni o'rganadi. U

adashishni, bankrotga uchrashni, goho hayotiy maqsadiga erisholmay qolishini ham biladishuning uchun u o'z kelajagiga javobgarlikni o'z zimmasiga oladi. Sharq kishilari uchun bu individualizm bo'lib ko'rinadi, ammo ushbu individualizm tagida o'z hayoti va izlanishlari uchun mas'ullik yotishini unutib bo'lmaydi.

ТАСАВВУФДА МЕХР-ШАФҚАТ КОНЦЕПЦИЯСИ

Бозорова Рўзигул Шарофовна, “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Ижтимоий-гуманитар фанлар ва жисмоний маданият кафедраси доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мақолада тасаввуф фалсафасида меҳр-шафқат концепцияси, унинг моҳияти, жумладан, тасаввуф ва футувват, тариқат ва меҳнат, илоҳий башорат ва ишорат, зоҳирий ва ботиний илм, комил инсон, зикр, қалб, руҳ, поклик, нафс, ахлоқ шунингдек, яссавийлик, нақшбандийлик тариқатларининг хусусиятлари фалсафий дунёқараши сифатида ҳозирги даврда инсоннинг маънавий-руҳий камолотига таъсири ҳар томонлама ўрганилган.

Калим сўзлар. Тасаввуф, меҳр-шафқат, мурувват, футувват, қаҳр-газаб, нафрат, жоҳиллик, адолатсизлик, бепарқлик, лоқайдлик.

Аннотация. В статье понятие доброты в философии суфизма, его сущность, в том числе суфизм и футуват, тариқат и работа, божественное пророчество и знак, внешнее и внутреннее знание, совершенный человек, память, душа, дух, чистота, самость, нравственность, а также практичность, дизайн Характеристики сект как философского мировоззрения всесторонне изучены в современный период, и их влияние на духовную и духовную зрелость человека.

Ключевые слова. Суфизм, сострадание, милосердие, футувват, гнев, ненависть, невежество, несправедливость, равнодушие, равнодушие.

Abstract. In the article, the concept of kindness in the philosophy of Sufism, its essence, including Sufism and Futuwat, sect and work, divine prophecy and sign, external and internal knowledge, a perfect person, memory, soul, spirit, purity, self, morality, as well as practicality, design The characteristics of sects as a philosophical worldview have been comprehensively studied in the modern period, and their influence on the spiritual and spiritual maturity of a person.

Keywords. Sufism, compassion, mercy, futuvvat, anger, hatred, ignorance, injustice, indifference, indifference.

Тасаввуф таълимотини ўрганиш мамлакатимизда тараққиётнинг асосий бўғини бўлган ёш авлодни ҳалол, пок, руҳий баркамол, маънавий мустаҳкам қилиб тарбиялашда яссавия, кубровия, нақшбандия тариқатларини янада чуқур ўрганиш, уларни ёш авлод онг-у шуурига асл ҳолида етказиб бериш энг долзарб вазифаларимиздан бири эканлигини кўрсатмоқда. Буюк истиқлол туфайли Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд сингари буюк мутасаввуфларнинг поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу-инсоф, иймон, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умумбашарий меросларидан халқимиз баҳраманд бўла бошлади. Шу билан бирга тасаввуф фалсафаси фан сифатида инсоннинг атроф-муҳитда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларга бўлган муносабати ва уни била олиш хусусиятларини акс эттирувчи категорияларга ҳам эга. Тасаввуф фалсафасининг бошқа ижтимоий фанлар, категориялардан фарқи улар ўзларининг ниҳоятда умумийлиги билан фарқланади. Тасаввуф фалсафаси категориялари инсоннинг маънавий-руҳий камолоти пағоналари ва таянч марказларини ифодалайди. Тасаввуф фалсафасининг категориялари ўзининг асосий муаммоси бўлган инсон тафаккурининг етуклигига ва ташқи олам билан муносабат даражасига боғлиқ бўлади. Бошқа категориялар каби тасаввуф фалсафасининг категориялари ҳам мазмун жиҳатдан ташқи олам қонуниятларига мос келади. Тасаввуф фалсафасининг категориялари ўз манбаи мазмуни жиҳатдан объектив, лекин шакл жиҳатдан

субъективдир. Чунки, тасаввуф фалсафаси категориялари тафаккур категориялари сифатида фақат кишилар миясидагина мавжуддир. Бундай категориялар жумласига ботин ва зоҳир, тариқат ва шариат, комил инсон, ваҳдат ул-вужуд, меҳр-шафқат, тасаввуф ва футувват, зикр, тариқат ва меҳнат, илоҳий башорат ва ишорат, қалб, рух, тажаллий, валийлик, орифлик, зоҳидлик, зикр, зоҳирий ва ботиний илм, поклик, нафс, ахлоқлардир. “Ҳикмат” асарида яссавия таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, камсуқумлик ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнат билан кун кечириш, имонли бўлиш каби инсоний фазилатлар ва Аллоҳ таоло висолига етишиши учун инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадриятлар ифода этилган. Илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва морифик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Золимлик, порахўрлик, мутаассиб, жоҳиллик ва нодонлик қаттиқ қораланган. Яссавий назарида ҳикмат “илми ладуний”, яъни илми ғайбу ҳақойиқ ва илоҳий сирларни кашф қилиш мазмунига эга. “Девони ҳикмат” номли шеърий асарида поклик, тўғрилиқ, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечириш, нафсни тийишга интилиш, имонли бўлиш каби асл инсоний фазилатларни куйлаган. Илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати. Фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Золимлик, тамагирлик, мутаасиблик, жоҳил ва нодонлик қораланади.

Шу билан бирга тасаввуф фалсафаси фан сифатида инсоннинг атроф-муҳитда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар бўлган муносабати ва уни била олиш хусусиятларини акс эттирувчи категорияларга ҳам эга. Тасаввуф фалсафасининг бошқа ижтимоий фанлар, категориялардан фарқи улар ўзларининг ниҳоятда умумийлиги билан фарқланади. Тасаввуф фалсафаси категориялари инсоннинг маънавий-руҳий камолоти пағоналари ва таянч марказларини ифодалайди. Тасаввуф фалсафасининг категориялари ўзининг асосий муаммоси бўлган инсон тафаккурининг етуқлигига ва ташқи олам билан муносабат даражасига боғлиқ бўлади. Бошқа категориялар каби тасаввуф фалсафасининг категориялари ҳам мазмун жиҳатдан ташқи олам қонуниятларига мос келади. Тасаввуф фалсафасининг категориялари ўз манбаи мазмуни жиҳатдан объектив, лекин шакл жиҳатдан субъективдир. Чунки тасаввуф фалсафаси категориялари тафаккур категориялари сифатида фақат кишилар миясидагина мавжуддир. Бундай категориялар жумласига ботин ва зоҳир, тариқат ва шариат, комил инсон, ваҳдат ул-вужуд, меҳр-шафқат, тасаввуф ва футувват, зикр, тариқат ва меҳнат, илоҳий башорат ва ишорат, қалб, рух, тажаллий, валийлик, орифлик, зоҳидлик, зикр, зоҳирий ва ботиний илм, поклик, нафс, ахлоқлардир.

“Ҳикмат” асарида яссавия таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, камсуқумлик ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнат билан кун кечириш, имонли бўлиш каби инсоний фазилатлар ва Аллоҳ таоло висолига етишиши учун инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадриятлар ифода этилган. Илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва морифик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Золимлик, порахўрлик, мутаассиб, жоҳиллик ва нодонлик қаттиқ қораланган.

Яссавий назарида ҳикмат “илми ладуний”, яъни илми ғайбу ҳақойиқ ва илоҳий сирларни кашф қилиш мазмунига эга. “Девони ҳикмат” номли шеърий асарида поклик, тўғрилиқ, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечириш, нафсни тийишга интилиш, имонли бўлиш каби асл инсоний фазилатларни куйлаган. Илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати. Фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Золимлик, тамагирлик, мутаасиблик, жоҳил ва нодонлик қораланади.

Ғиждувоний Бухоро вилоятидаги Ғиждивон қишлоғида 1103 йилда туғилиб, шу ерда 1179 йилда вафот этган. У имом оиласида туғилиб, исломий тасаввуф муҳитида шаклланган. У аввал ўз қишлоғида йирик донишманд Имом Садруддиндан таълим олади ва кейин Бухорога бориб Шайх Юсуф Ҳамадонийга шогирдликка тушади. Устози билан Бағдод, Исфохон, Балх, Марв, Самарқандда бўлиб тасаввуф илмининг барча сирларини ўрганади Абдуҳолик Ғиждувоний

Аҳмад Яссавийдан кейин Ҳамадонийнинг мансабига ўтириб, кўплаб шогирдлар тарбиялайди, ҳалойикни Ҳақ йўлига, поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, меҳр-шафқат йўлига даъват этади.

Абдуҳолиқ Гиждувоний Бухорода Ҳожагон кейинроқ “Нақшбандия” таълимотига асос солади ва бир неча қонун ва айниқса ахлоқ қоидаларини мукаммал ишлаб чиқади. Бу таълимотни Гиждувоний аввало ўз яқинларига тарғиб қилади ва шу йўлга чорлайди. Буни биз Фахруддин Али ас-Сафийнинг “Рашаҳат айн ул-ҳаёт асарида” келтирган унинг ўз ўғлига қилган панд насиҳатидан ҳам билиб олсак бўлади. Биз ушбу насиҳатни тўлалигича келтирамиз: “Эй писарак (ўғилча), сенга насиҳат қилиб айтаманким, илм-маърифат, ахлоқ-одоб, тақво учун ҳамиша саъй ҳаракат қил, вақтида намозингни ўқи, лекин имомлик ва муаззинлик қилма, ўзингдан кейин қимматбаҳо осор ва таълифот ёзиб қолдир, суннат ва жамоа мулозимати учун интил, фикҳ ва ҳадис илмларини тўхтовсиз ўрганиб бор, ҳаргиз шуҳратталаб бўлма, чунки шуҳратталаблиқдан доимо офат келади, мансабга муқайид бўлиб қолма (мансабпараст бўлма), доимо гумномликка ҳаракат қил (камтар бўл маъносида) подшоҳ ва ҳукмдорлардан, зўровонлардан, қози ва амалдорлардан ўзингни узоқда сақла, хонақоҳлар қурма ва хонақоҳларда яшама, кўп самъо қилма (кўшиқ мусиқага берилма), чунки кўп самъога берилиш кишилар орасида нифоқ туғдиради, ҳаддан зиёд самъо дилларни вайрон этади, лекин самъони инкор ҳам қилма; кам гапир, каме, оз ухла, ўз хилватингда бўлиб, аҳоли ила кам суҳбат қил, тавонгирлар (пурқудрат кишилар) ҳамда омийлар ила суҳбатдош бўлма, ҳамиша ҳалол ва пок яша, ҳалол е, нашадан (тарёқдан) парҳез қил, иложи бўлса уйланма (хотин олма) чунки аёл туфайли толиби мол-дунё бўлиб қоласан, молпараст ва дунёпараст бўлгач, дину-имондан ажраб қоласан; ҳадеб хандон ташлаб кулаверма, қаҳ-қаҳ отиб кулиш дилни вайрон этади, ҳар бир кишига меҳр-шафқат кўзим билан боқ (меҳрибон бўл), ҳеч кимни фақир ҳисоблама, ҳеч кимни ўзингдан паст ҳисоблаб уни таҳқир этма, зоҳиринг (ташқи кўринишинг) оройишига кўп аҳамият берма, чунки бундай аъмолдан ботининг (ички кўринишинг) расво бўлади, ҳалойиқ ила мужодалага борма, бировдан асло бирор нарса таъма қилма, бировни хизматга буюрма (яъни хизматкор тутма); машойихларга молу жонинг билан сидқидилдан хизмат қил, мол-дунёга мағрур бўлма, ўшанда дилинг ором олади, молу-дунё туфайли доимо дилинг вайрон, чашминг гирён бўлади; аъмолинг доимо холис, рафиқинг дарвиш, моянг фақр, хонанг масжид, мунисинг ҳамиша Ҳақ Субҳанаҳу бўлғай”.

Тасаввуфда ишқ қуроли деганда, фақат, меҳр, севги каби туйғулар эмас, улардан ташқари ирода, сабот, илм, ибодат, оқиллик, ҳоксорлик, сабр, қаноат, ғайрат, камтарлик, адолат, сахийлик, ҳалимлик, мардлик, ҳаё, покизалиқ, ширинсўзлик, шафқат, умуман, инсон қалби ва руҳини поклашга хизмат қиладиган, уни Аллоҳга яқинлаштирадиган барча эзгуликлар, покликлар йиғиндиси тушунилади. Ишқнинг жойи кўнгилда, деб таълим беради тасаввуф, кўнгил ишқ туфайли покланади, кўнгил покланса ишқ ўтли, алангали бўлиб илоҳий моҳият касб этади. Кўнгилни поклаш инсондан руҳий- маънавий ислоҳлар талаб қиладиган илмдир. Кўнгилни поклаш ва руҳий ислоҳлар фақатгина устозлардан ўрганиш орқали амалга ошади. Ана шундай покланиш даражасига эришган инсон юксак ахлоқ ва одоб тимсолига айланади.

Чунки, муҳаббат аҳлининг муҳаббат ўтида куйишига тоқати йўқ. Ва уларнинг Маҳбуб висолдан бошқа хурсанд бўладиган нарсалари йўқ. Ҳижронда маҳзун ошиққа ҳаргиз марҳам кўнгил бўлмайди. Ошиқ муҳаббатда ихтиёрсиздир, чунки, унинг бошидан маъшук савдоси асло кетмайди. Ва ҳеч бир далил ошиқни маъшукқа ишқчалиқ мустаҳкам етаклай олмайди. Ошиқнинг мунис жонига Маҳбуб висолдан бошқа дам-бадам учрашиб турадиган улфат йўқ. Ошиқнинг ғам чекиши ва ҳижрон азоби, шу сабабдан, унга меҳнат ва алам эмас. Чунки, висолдан кейин, ошиқнинг қарори Маҳбубдан бошқаси билан ҳамдам бўлмаслиқдир. Чунончи, иноят билан айтарлар, ғазал: Эй маҳи бас меҳрубон, дар ғам масъун беҳадам, Зуд васли худ равон, ношод сози бо худам. (Мазмуни: Эй меҳрибон ой гўзалим! Ғамда беҳад куйдирма! Тезда васлингга етказ, мени ўзбошимча маҳзун қилма.) Улуғ авлиё ўзининг яна бир ғазалида шундай ёзади: Ҳажри ту меҳнат марову, васли ту осойишам, Бе ту ман нолону зор, бо ту ман бас хуррамам.

Тасаввуф аҳли ўз ғояларининг аксарини Қуръони карим ва Ҳадислардан келтириб чиқарадилар. Дарҳақиқат, Қуръонда мол-дунёга меҳр қўйишининг, шайтоний нафс ва ҳирсу-ҳавасга берилишнинг ёмонлиги ҳақида оятлар кўп. Бир неча жойларда Тангри таоло ўз

бандаларини фоний дунёга алданишдан огоҳлантиради, чунки дунёни севган одам Тангрини унута бошлайди. Қуръонда насронийларнинг зоҳидона ҳаёти, тарки дунё қилиб, калисо (манастир)ларда умр ўтказиши танқид қилинади, исломда роҳиблик йўқ деб кўрсатма берилади: “Ло раҳбониюн фи исломи”- Исломда роҳиблик йўқ. Бу ҳадис ислом аҳли орасида машҳур. Мусулмон кишиси Аллоҳ томонидан инъом этилган неъматлардан баҳраманд бўлмоғи керак.

Мовароуннаҳр жавонмардларининг жамият ҳаётида тутган ўринлари ва хизматларини юқори баҳолаб яна бир араб олими Ибн Хавкал шундай ёзиб қолдирган: “Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги шу даражадаки, гўё барчаси, бир хонадонда яшаётгандайдирлар. Бирортаси бошқасининг уйига борса, ўз уйига киргандай бўлади. Жуда меҳмондўстдирлар ва кечаси келадиган меҳмондан хижил бўлмайдилар, мусофирни танимасалар ҳам ҳеч бир музд мукофат кутмай, меҳрибонлик кўрсатадилар”. Халқимизнинг саховатпешелиги, мусофирни сийлаш, камбағалларга, ғариб ва мусофирларга ёрдам кўрсатиш одабийлик сифати даражасида қараганлиги миллий кадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлганлигининг амалий даражаси эканлигини исботловчи ҳодиса сифатида қаралмоғи лозим. Айнан жавонмардларнинг бу ҳаракатларининг ижтимоий тус олганлиги халқимизнинг ўзига хос кадриятларини шаклланиши учун замин тайёрлади десак, хато бўлмайди. Бу ижтимоий сифат билан халқимизнинг ҳеч бир миллатда ёки халқда учрамайдиган ахлоқий кадриятларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Айнан ана шу кадриятлар ҳозирги кунда ҳам Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошканд, Марғилон сингари шаҳар халқларининг бутун дунёга таралган меҳмондўстлигида ўзини намаён қилаётганлида яққол кўриш мумкин.

Олимнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмадлик тариқати” номли рисоласи шу билан эътиборлики, унда футувватни ижтимоий оқим сифатида эмас, балки тасаввуф таълимотининг бир бўлаги сифатида талқин қилинади. Бунинг сабаби шуки, футувват билан тасаввуф таълимоти ўртасида муштараклик ва ўхшашликлар кўп. Хусусан, ислом дини қонун-қоидаларига эътиқод қилиш, футувват аҳли ёки муриднинг пиру устозга эга бўлиши, инсоннинг покланиши, хулқ-одоб қоидалари, саховат, олийҳимматлик, фидоийлик, меҳр-шафқат, мардлик, ҳаллолик, меҳнатсеварлик каби ғояларга футувватда ҳам, тасаввуфда ҳам кенг ўрин берилади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф жумладан, нақшбандия тариқати тасаввуфдаги ҳаддан ташқари ҳолатларни ислоҳга келтириб, риёзат ва покланиш камолотини жисмоний ва ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжлар билан мувофиқлаштиришга интилиб келди. Моддий дунёга кескин муқобил туриш ўрнига раҳнамолик ва тарбияни биринчи ўринга қўйди. Ёмонлик ва ёвузликни нафрат ва ўч олиш билан қарши олмай, шафқат ва меҳр орқали уни эзгуликка айлантириш пайида бўлди. Футувват- ўзаро ёрдам мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш фидоийлик илмини ўзида мужассамлаштирган мардлик тариқатидир. Масалан, жавонмардлар фазилатларини миллий ахлоқимизнинг асосига айлантиришдир.

Фодаланилган адабиётлар рўйхати

1. Соҳибназар Каримов Тасаввуф фалсафаси. Самарқанд 2021. 232-234 бетлар.
2. Раҳматуллоҳ Сафуддинов “Ҳалол касб фаровонлик омили” -Тошкент:, “Мовароуннаҳр”, 2013.86-87-бетлар.
3. “Меҳр кўзда”, 2005. Сентябрь.
4. Раҳматуллоҳ Сафуддинов “Ҳалол касб фаровонлик омили” -Тошкент:, “Мовароуннаҳр”, 2013.20-бет.
5. Фаҳриддин Али Сафий. “Рашоҳот айн-ул- ҳаёт”. 20-бет.

РОЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ЛОТИНЧА НУСХАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДА САҚЛАНГАН МАҚОНЛАРИ

*О.В.Маҳмудов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Фарғона давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири*

Аннотация. Мақолада буюк қомусий олим Абу Бакр ар-Розийнинг тиббиёт ва кимёга оид асарларини XII–XIII асрларда лотин тилига таржима қилиниши тўғрисида маълумот берилган. Муаллиф ўз тадқиқотлари натижасига таяниб Европа фондларида яратилган лотин тилли манбалар каталоглари ҳамда илмий адабиётларда мавжуд бўлган мавзуга оид чалкашликларга ойдилик киритишга ҳаракат қилган.

Калим сўзлар: ар-Розий, тиббиёт, кимё, асарлар, таржималар, таржимонлар, ўрта асрлар, қўлёзма фондлар.

Аннотация. В статье представлены сведения о переводе на латынь трудов великого ученого-энциклопедиста Абу Бакра ар-Рази по медицине и химии в XII-XIII веках. Основываясь на результатах своего исследования, автор попытался исправить путаницу в отношении темы, присутствующую в каталогах латиноязычных источников, созданных в европейских фондах, а также в научной литературе.

Ключевые слова: ар-Рази, медицина, химия, труды, переводы, переводчики, средневековье, фонды рукописей.

Annotation. The article presents information about the translation into Latin of the works of the great scientist-encyclopedist Abū Bakr ar-Rāzī on medicine and chemistry in the XII-XIII centuries. Based on the results of his research, the author tried to correct the confusion about the topic present in the catalogues of Latin-language sources created in European funds, as well as in the scientific literature.

Keywords: ar-Rāzī, medicine, chemistry, works, translations, translators, medieval, manuscript foundations.

Ўрта аср мусулмон Шарқи алломалари плеядасининг энг ёрқин вакили Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (865–925) илмий меросини ўрганиш Шарқда XI асрдаёқ бошланган бўлса, Фарбда бу иш XII асрда юз берган. Аллома асарларининг машриқдаги илк тадқиқ натижаси «Фи фихрист кутуб Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий» [8] («Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий асарларининг рўйхати») номли асар бўлиб, олимнинг таржимаи ҳоли, илмий назариялари ва асарлари ҳақида маълумот келтирилган ушбу китобни Абу Райҳон Беруний (973–1048) қаламига мансуб эканлиги мутахассисларга яхши маълум. Бироқ, аллома асарларини ўрта асрларда Европада таржима қилиниши ва ўрганилишига оид маълумотлар умумий характерга эга бўлиб, бу борада минтақимиз шарқшунослигида «ар-Розий асарлари ўрта асрларда Европада таржима қилинган ва жуда машхур бўлган... XVI асргача асосий қўлланма сифатида фойдаланилган» деган таърифдан нарига ўтилмайди. Айни жихат, ўз навбатида аллома асарлари Европанинг айнан қайси шаҳарларида, қачон, ким томонидан таржима қилинган ва бу таржималарнинг кейинги тақдири нима бўлган, деган саволни юзага чиқаради. Қуйида биз илмий жамоатчилигимиз эътиборидан четда қолган ана шу масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Европа фан тарихида лотинча Rhazes номи билан машхур бўлган алломанинг асосий илмий тадқиқотлари тиббиёт, кимё ва фалсафа соҳаларида кечди. Дастлабки вақтда асосан кимё билан жиддий шуғулланган аллома 30 ёшида Бағдодга келиб, тиб илмини чуқур ўрганади ва кейинчалик шаҳардаги «Адудий» номли шифохонани бошқарган. Мусулмон оламида «араблар Жолинуси» деган фахрли номга сазовор бўлган олим қаламига мансуб асарларнинг умумий сони 270 дан ортади [15: 229]. Бироқ улардан фақат 61 таси ҳозирга қадар етиб келган бўлиб, бу асарларнинг 36 таси тиббиётга оиддир.

Тадқиқотлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, Розий асарларининг лотинча матнларидан кўра, уларнинг асл арабча матнларини тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар

амалга оширилган. Алломанинг кимё ва тиббиётга доир асарларини ўрганишда машхур немис шарқшунослари Гейдельберг университети профессори Юлий Фердинанд Руска (1867–1949) ҳамда унинг шогирди Элизер Пауль Краус (1904–1944)ларнинг тадқиқотлари [8, 27, 28] муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, уларда алломанинг икки турли асарлари – «Китоб ал-асрор» («Сирлар китоби») ҳамда «Китоб сирр ал-асрор» («Сирлар сири китоби»)ни аслида битта асар сифатида кўрсатилади. Бу айниқса Ю.Ф.Руска тадқиқотларида [27, 28] яққол кўзга ташланади. Немис олимнинг шарқшуносликдаги катта обрўси сабаб, ушбу чалкашлик ўз даврида Ғарб фан оламида анча кенг тарқалган эди. Айни чалкашлик машхур ўзбек фан тарихчиси Убайдулло Каримов (1920–1997) томонидан 1950 йилда ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланган «Китоб сирр ал-асрор»нинг 1506 йилги қўлёзмасини топилиши билан ўз ечимини топди. 1957 йилда олим асарнинг русча таржимасини, изоҳ ва кўрсаткичлар ҳамда қўлёзма факсимилияси [24] билан чоп қилган. У.Каримов бошлаб берган тадқиқотлар кейинчалик унинг кизи, профессор С.Каримова томонидан [22] давом эттирилди. Жумладан, 1957 йилги нашр олима томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, қўшимчалар билан бирга [23] нашр қилинди. Алломанинг фалсафий қарашлари ҳозирги кунда Мюнхен университети профессори Петер Адамсон [25, 26] томонидан тадқиқ этилмоқда.

Сўнги йилларда республика миқёсида яратилган айрим тадқиқотларда Абу Бакр ар-Розий исми Марказий Осиё олимлари рўйхатида [21: 230-234] киритилмоқда. Бунга асос сифатида уни Бухорога келгани ҳамда Сомонийлар ҳукмдорини фалаждан тузатгани ва олимни бухоролик Муҳаммад ибн Юнус исмли шогирди бўлган [12: 24, 177; 13: 33; 14: 309-321; 15: 229]га оид манбаларда сақланган маълумотлар келтирилмоқда. Бизнингча, бундай ёндашув анчайин мунозараталабдир. Чунки, санаб ўтилган жиҳатларга асосланиб райлик олимни марказий осиелик сифатида кўрсатиш, умрининг асосий қисмини Бағдодда ўтказган ўзбекистонлик олимлар Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийни бағдодлик алломалар, деб аташдек мантиқсиз иш билан баробар бўлади.

Алломанинг XII–XIII асрларда латин тилига таржима қилинган асарларнинг дастлабкиси бу – «Китоб ал-ҳави фи-т-тиб» («Тиббиётга оид билимлар мажмуи»)дир. У олимнинг мазмун жиҳатдан энг муҳим ва ҳажм жиҳатдан энг катта асари бўлиб, 30 жилддан иборат. Муаллиф унда қадимги юнон табобатидан то замонасигача бўлган назарий ва амалий тиббий маълумотларни тўплаган ҳамда ўзининг шахсий тажриба ва кузатишларини тавсифлаган. Асар моҳиятига кўра, табобат тарихидаги нодир қомус ҳисобланади. У ўрта аср Европа таржима марказларидан Толедо ва Палермода латин тилига таржима қилинган. Унинг «*Locorum quorundam tractatum medecinae*» («Тибга оид рисолалар тўплами») номли биринчи латинча таржимаси Толедо мактаби вакили Кремоналик Жерард (1114–1187) томонидан яратилган. Иш тахминан 1160–1187 йиллар оралиғида амалга оширилган. Мазкур таржимага кейинчалик тўлдиришлар киритилган. Жумладан, таржима 1210–1231 йилларда Толедо мактабининг яна бир аъзоси, табиб Толедолик Марк (тах. 1180–1234) томонидан қайта ишланган. Бунда, таржима асарнинг арабча нусхаси билан ўзаро солиштирилиб, таржимага киритилмаган айрим маълумотлар ҳам латин тилига ўгирилади. Бироқ, янги ишланган таржимада Марк муаллиф сифатида ўзини эмас, балки Жерардни кўрсатган. Мазкур таржиманинг 1497 йилда Монпельеда кўчирилган «*Liber Elhaui id est continens artem medicinae*» («Тиб санъатида оид ал-Ҳави китоби») номли қўлёзмаси бугунги кунда Бодлиан кутубхонасида MS. E Mus. 83 хос рақами [6] билан сақланмоқда.

«Китоб ал-ҳави фи-т-тиб»нинг яна бир таржимаси 1274 йилда Палермода яҳудий табиб Фараж ибн Салим (XIII аср) томонидан яратилган. Таржима Фараж ибн Салимнинг ҳомийси Сицилия қироли Карл I (1266–1285) топшириғига биноан амалга оширган. Таржима «*De expositionibus vocabulorum seu synonymorum simplicis medicinae. Continens*» («Таркиби яқин ва ўринбосувчи оддий дорилар. Бўлимлар») деб номланади. Таржиманинг асл қўлёзмаси Франция миллий кутубхонасида MS. 6912 хос рақами [7] билан сақланмоқда. У фанда «*Continens Rasis*» («ар-Розий бўлимлари») номи билан машхурдир. Айни сарлавҳа асарнинг

ношир Иоганн Хамман (XV аср охири – XVI аср биринчи ярми) томонидан 1529 йилда Венецияда чоп этилган нашридан [16] олинган бўлиб, у 525 бетдан иборат.

Алломанинг лотин тилига таржима қилинган навбатдаги асари бу «Китоб ал-Мансурий» («ал-Мансурга бағишланган китоб»)дир. Табобат, анатомия, гигиена, фармакология ва соғлиқни сақлашнинг бошқа масалаларига бағишланган асар ўн бўлимдан иборат. Асар сомонийлар сулоласининг вакили, 902 йилда Рай шахрининг волиси этиб тайинланган Абу Солиҳ Мансур ибн Исҳоқга бағишлангани боис шундай аталади. Мазкур асар илк бор ўрта асрлардаги яна бир муҳим таржима маркази ҳисобланган Барселонада Тиволалик Платон (XII аср) томонидан 1136 йилда лотин тилига ўгирилган. Асар ўрта аср лотин таржимачилиги услубига хос равишда воситачи тил – иброний тили асосида лотин тилига ўгирилади. Бунда таржимонга унинг яқин ҳамкори Авраам бар-Ҳия (1065–1136) исмли тилмоч-олим кўмаклашган.

Фанда асарнинг Тиволалик Платон яратган таржимасини икки хил номдаги нусхаси сақланган бўлиб, уни бевосита тиббиётган оид бўлган қисми «*Capitula Almansoris*» («ал-Мансурий боблари») деб номланади. Асардаги инсоннинг туғилиши, вафоти ва буржлар билан боғлиқ маълумотлар эса асрологик матн сифатида «*Iudicia Almansoris*» сарлавҳаси кўйилган. Биз, айти сарлавҳани «ал-Мансур қарорлари» деб таржима қилдик. Бу нусхада жами 150 та асрологик ибора тартиб билан ёзиб чиқилган. Қизиқ жиҳати, асарнинг номланиши сабаб сўнги вақтларгача бу асар Аббосий халифа ал-Мансурга (754–775) бағишланган рисола сифатида эътироф этиб келинган. Бироқ, соҳадаги тадқиқотларимиз натижасида бу асар юқорида қайд этилганидек, Абу Солиҳ Мансур ибн Исҳоқга бағишланган. Бу борада Европа кўлэзма фондлари каталогларида ҳам баъзи чалкашликлар мавжуд. Мисол учун, таржиманинг Оксфорд университети кутубхоналарида сақлаган асл кўлэзмаси MS. Digby 51.10 ҳамда XIII асрда қайта кўчирилган MS. Ashmole 357 – Part 1.4 , XV асрга тааллуқли MS. Bodl. 874. 3 ва MS. Laud Misc. 594. 9 рақамли [3] нусхаларидаги тавсифларнинг барчасида таржима Тиволалик Платон томонидан Италияда яратилганлиги қайд этилган. Бироқ, таржима яратилган 1136 йилда Платон Италияда эмас, балки Испаниянинг Барселона шаҳрида истиқомат қилган.

«Китоб ал-Мансурий» 1160–1187 йилларда Кремоналик Жерард томонидан «*Liber Almansoris*» («ал-Мансур китоби») лотин тилига таржима қилинган. Аввалги таржима каби бу иш ҳам 1210–1231 йилларда Толедолик Марк томонидан қайта ишланади. Айти кўлэзма бутунги кунда Бодлиан кутубхонасида MS.Lat.misc.c.73 – Part 3. fol.94 хос рақами [4] билан сақланмоқда.

«Китоб ал-Мансурий» XIII асрда Италиянинг Палермо шаҳрида ҳам лотин тилига таржима қилинган. Таржима муаллифи ҳаётига оид маълумотлар деярли сақланмаган Саблонеталик Жерард ҳисобланади. Мазкур таржиманинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, Саблонеталик Жерард иш жараёнида ар-Розий асаридаги айрим атама ва тиббий ҳолатларни изоҳлашда Ибн Синонинг «Ал-Қонун фи-т-тибб» асаридан фойдаланган. Таржима «*Liber ad Almansorem*» («ал-Мансур китоби») деб номланади.

Саблонеталик Жерард қаламига мансуб таржима 1500 йилда Венецияда Иоганн Хамман томонидан [17] чоп этилган. Қайд этиш лозимки, мазкур нашрга турли даврларда ижод қилган қадимги юнон, яҳудий ва мусулмон олимларининг тиббиётга оид асарлари ҳам киритилган. «Китоб ал-Мансурий»нинг тўққизинчи бўлими терапияга оид бўлиб, европалик соҳа мутахассислари томонидан алоҳида асар сифатида ўрганилган. Жумладан, италиялик шифокор Жованни Арколани (1390–1458) асарнинг лотинча таржималари асосида мазкур бўлимга шарҳ ёзган. «*Commentaria in ponum librum Rasis ad regem Almansorem*» («ар-Розийнинг ал-Мансурга бағишланган китобини тўққизинчи бўлимига шарҳ») деб номланган китоб [20] 1542 йилда Венецияда Лука Антонио Жунта (1457–1538) босмахонасида чоп этилган. Мазкур нашрнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ар-Розий томонидан таърифланган жарроҳлик асбобларининг расмлари ҳам тасвирланган. Қайд этиш лозимки, Ж.Арколани шарҳи 1480–1557 йиллар оралиғида жами 23 маротаба нашр қилинади.

«Китоб ал-Мансурий»нинг Саблонеталик Жерард яратган таржимаси борасида ҳам фанда айрим чалкашликлар мавжуд. Жумладан, Кремоналик ва Саблонеталик Жерардларнинг исмдошлиги ва уларнинг шимолий Италиядаги ўта яқин шаҳарлар Кремона ва Саблонетадан эканликлари боис, европалик соҳа мутахассислари бу икки исми аслида бир шахсга тегишли, деган ғояни илмгари суришади. Шу сабабдан ҳам замонавий даврда яратилган каталогларда Саблонеталик Жерард яратган таржималар Кремоналик Жерард муаллифлиги остида кўрсатилади. Мисол учун, таржиманинг Оксфорддаги Мертон коллеж кутубхонасида сақланган MS. 228. 3 (fol. 65 – 162) рақамли [5] нусхасига берилган тавсифда ҳам айтилган хатолик мавжуд. Соҳа оид лотин тилли манбалар таҳлил натижаси бу исмларни турли йилларда бошқа-бошқа ҳудудларда яшаб-ижод қилган таржимонларга тегишли эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Родриго Хименес де Рада (1170–1247)нинг «De rebus Hispaniae» («Испания бўйича саволлар») номли асарида Кремоналик Жерард 1160 йилда то умрини охирига қадар Испанияда яшаганлиги [18: 67] қайд этилган бўлса, Салимбене де Адам (1221–1288)нинг «Cronica» («Йилнома»)сида Саблонеталик Жерард ҳаёти давомида Италия ва Сицилиядан ташқарига чиқмаганлиги [19: 658] таъкидланади.

«Китоб сирр ал-асрор» («Сирлар сири китоби») – Абу Бакр ар-Розийнинг кимё фани ривожига катта ҳисса қўшган мазкур асари, Кремоналик Жерард томонидан «Secretum secretorum» («Сирлар сири») сарлавҳаси остида 1160–1187 йиллар оралиғида таржима этилган. Юқорида қайд этилганидек бу асар немис шарқшуноси Ю.Ф.Руска хулосаларига асосан то XX асрнинг 50 йилларига қадар алломанинг «Китоб ал-асрор» асари билан битта китоб сифатида баҳолаб келинган. Наздимизда, Ю.Ф.Рускани бундай чалкаш хулоса беришига олимни «Китоб ал-асрор»нинг фақат арабча матнларига таянганлиги сабаб бўлган. Ваҳоланки, «Китоб сирр ал-асрор»нинг Жерард яратган таржималари Бодлиан кутубхонасида MS. Lyell empty. 1 хос рақамли қўлёманинг биринчи (fol 1 r.) ҳамда учинчи (fol. 41 v.) қисмларида [1, 2] сақланган. Бу борада, қўлёзмалар билимдони бўлган Ю.Ф.Руска қандай сабаб билан бу қўлёзmani эътибордан четда қолдиргани бизга қоронғу. Тахминимизча, бунга қўлёзмада ар-Розийнинг исми лотинчада қабул қилингандек Razes ёки Rhazes тарзида эмас, балки Rasis кўринишида ёзилганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтган, алломанинг тиббиёт ва кимёга оид асарлари ўрта аср Европа таржима марказларида катта қизиқиш билан лотин тилига таржима қилинган. Аллома асарларининг айтилган лотинча таржималари 1472–1622 йиллар оралиғида 67 мартаба чоп этилган. Бу борада, итальян олимлари Жованни Арколани, Жованни Маттео Феррари (ваф. 1472), Жироламо Салио (ваф. тах. 1503) ва ношир Иоганн Хамманнинг ишлари алоҳида ўрин тутади.

Европа қўлёзма фондлари каталогларининг таҳлили Абу Бакр ар-Розий қаламига мансуб 8 номдаги асарнинг 16 та лотинча нусхаси мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Айтилган жихат, аллома асарларининг лотинча таржималарини янада чуқурак ўрганиш ва уларни илмий муомалага олиб кириш зарурати англатади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар

Манбалар

Қўлёзмалар

8. Rasis. Liber diuisionum. – MS. Lyell empty 1. (fol 1 r). || Bodleian Library, Oxford, UK.
9. Rasis. Synonima. – MS. Lyell empty 1. (fol. 41 v). || Bodleian Library, Oxford, UK.
10. Razes. Capitula Almansoris. MS. Ashmole 357 – Part 1.4; MS. Bodl. 874. 3; MS. Digby 51.10; MS. Laud Misc. 594. 9 || Bodleian Library, Oxford, UK.
11. Razes. Liber Almansoris. / tr. magistro Girardo Cremonensi. – MS.Lat.misc.c.73 – Part 3. fol.94. || Bodleian Library, Oxford, UK.
12. Razes. Liber Almansoris. – MS. 228. 3 (fol. 65 – 162). || Merton College, Oxford, UK.
13. Razes. Liber Elhauī id est continens artem medicinae. / tr. magistro Girardo Cremonensi. – MS. E Mus. 83. || Bodleian Library, Oxford, UK.

14. Rhazes. De expositionibus vocabulorum seu synonymorum simplicis medicinæ. Continens. / tr. Ferragius [Faraj ben Sālim]. – MS. 6912. || Bibliothèque nationale de France, Paris, France.

Наирилар

27. Al-Bīrūnī. Fī fihrist kutub Muḥammad ibn Zakariyyā al-Rāzī. / Éditeur P. Kraus. – Paris: Au Calame, imprimerie orientaliste, et G. P. Maisonneuve, librairie orientale et américaine, 1936. – 66 p.

28. Al-Rāzī. Geheimnis der Geheimnisse. / Übersetzer und Bearbeiter von J. Ruska. // Quellen und Studien zur Geschichte der Naturwissenschaften und der Medizin. – Band 4. – Berlin: Verlag von Julius Springer, 1935. – S. 153-239. (– 456 s.).

29. Al-Rāzī. *Geheimnis der Geheimnisse. / Mit Einleitung und Erläuterungen in deutscher Übersetzung* von J. Ruska. // *Quellen und Studien zur Geschichte der Naturwissenschaften und der Medizin.* – Band. VI. – Berlin: Springer, 1937. – 246 s.

30. Al-Rāzī. Rāsā'il falsafiyyaī: ma'a qīṭa' baqiyat min kutubihī al-mafqūdaī = Opera philosophica fragmentaque quae supersunt. / Ed. P. Kraus. // Universitatis Fouadi I litterarum facultatis publicationum. – Vol. 22. – Cairo: Jāmi'at Fu'ād al-Awwal, 1939. P. 4–316. (– 340 p.).

31. Al-Qifī Jamāl al-Dīn. Ta'rīkh al-ḥukamā'. / Ed. J. Lippert. – Leipzig: Theodor Weicher, 1903. – 356 s.

32. Andalusī Šā'id ibn Aḥmad. *Historia de la filosofía y de las ciencias o Libro de las categorías de las naciones (Kitāb Ṭabaqāt al-'Umam)* / Eds. E.L. Ruiz, A.M. Lorca. – Madrid: D.L. Trotta, 2000. – 426 p.

33. Ibn Abī Uṣaybi'ah. 'Uyūn al-anbā' fī ṭabaqāt al-aṭibbā'. The best accounts of the classes of physicians. – 5 vol. / Ed. and trans. by E. Savage-Smith, S. Swain, G.J. van Gelder. / in Handbook of Oriental studies. – Leiden: Brill, 2020. – 4513 p.

34. Ibn an-Nadīm. Kitāb al-Fihrist. / vorbereiten der Veröffentlichung G. Flügel. – Zwei bände. – Leipzig: Verlag von F.C.W. Vogel, 1872. – 725 s.

35. Rhazes. *Continens Rasis.* / Trans. Faraj ben Salim in 1279. R-Printer Johannes Hamman. – Venice, 1529. – 525 p.

36. Rhazes. Liber ad Almansorem. / R-Printer Johannes Hamman. – Venice, 1500. – 234 p.

37. Herculani I. Commentaria in nonum librum Rasis ad regem Almansorem. – Venedig: Lucantonus Giuntus, 1542. – 509 p.

Илмий тадқиқотлар

38. Абдуҳалимов Б. А. «Байт ал-хикма» ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 264 б.

39. Каримова С. Роль учёных Мавераннахра и Хорасана в развитии химии и фармакологии на средневековом Востоке (по письменным источникам IX – XI вв.) Автореф. дисс ... док. ист. наук. – Ташкент. ИВАН РУз., 2001. – 57 с.

40. Каримов У. Ар-Розийнинг номаълум «Сирлар сири китоби». / Ўзбек тилига таржима С.У. Каримова. – Тошкент: Mashxur-Press, 2020. – 256 б.

41. Каримов У. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн». – Ташкент: Изд. АН Узбекской ССР, 1957. – 186 с.

42. Adamson P. Abū Bakr al-Rāzī (d. 925), The Spiritual Medicine. // The Oxford Handbook of Islamic Philosophy. / Ed. by Kh. el-Rouayheb and S. Schmidtke. – Oxford: Oxford University Press, 2017. – P. 63–82. (– 720 p.).

43. Adamson P. Great Medieval Thinkers: al-Rāzī. – New York: Oxford University Press, 2021. – 262 p.

44. Ruska J. Al-Biruni als Quelle für das Leben und die Schriften al-Razi's. // Isis. – Vol. 5. – Brussels: Weissenbruch, 1923. – P. 26-50. – (325 p.).

45. Ruska J. Al-Razi (Rhazes) als Chemiker. // Zeitschrift für angewandte Chemie. – Vol. 35 (103). 1922. – S. 719-721.

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙНИНГ ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

*Эшонқулов Зайниддин Садриддинович, Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти*

Аннотация: *Ҳофиз Кўҳакий (Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий) Улугбекнинг шогирди 'Али Қушчининг (XV аср) ўғил тарафдан набирасидир. Олим Шайбонийлар давридаги етук тарихчи, тилишунос ҳамда матиқ ва фикҳ илми билмдони эди. Ҳофиз Кўҳакий 1528 йилда Ҳиндистонга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг саройига, кейин хаж зиёрати учун Маккага, Усманийлар султони билан танишади ва уни вазир бўлиб ишлашга таклиф этади. 1563 йил Тошкент қайтади ва 1584 йил вафот этади.*

Калим сўз: *Ислом тарихи, муаррих, фақиҳ, манба, илм, мантиқ, тафсир, қўлёзма, Тошкент, Ҳиндистон, Бобур.*

Аннотация: *Хафиз Кухаки (Султан Мухаммад Хафиз Ташканди) был внуком Али Кушчи, ученика Улугбека. Он был талантливым историком, логиком, юристом и лингвистом эпохи Шейбанидов. В 1528 г. он отправился к Захириддину Мухаммаду Бабуру в Индию, затем совершил хадж в Мекку, знакомится с султаном Османской Турции, который приглашал Кучаки работать министром. В 1563 г. возвращается в Ташкент и в 1584 г. умирает.*

Ключевые слова: *история ислама, муаррих, повествование, факих, источник, ученый, хадис, логика, тафсир, рукопись, Ташкент, Индия, Бабур.*

Annotation: *Hafiz Kuhaki (Sultan Muhammad Hafiz Tashkandi) was the grandson of Ali Kushchi, a student of Ulugbek. He was a talented historian, logician, lawyer and linguist of the Sheibanid era. In 1528, he went to Zahiriddin Muhammad Babur in India, then made a hajj to Mecca, got acquainted with the Sultan of Ottoman Turkey, who invited Kuchaki to work as a minister. In 1563 he returned to Tashkent and died in 1584.*

Keywords: *history of Islam, muarrih, narration, faqih, source, scholar, hadith, logic, tafsir, manuscript, Tashkent, India, Babur.*

Тошкент шахрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий муносабатлари ривожланишининг босқичларидан бири - XV ҳамда XVII асрнинг бир неча ўн йилликларига тўғри келади [5: 43]. Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳакий ҳам айнан мана шу XV ва XVI асрларда яшаб ижод қилган. XIV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда мўғуллар (1236-1370) ҳокимияти тугаб, темурийлар (1370-1501) ҳокимиятга келиб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бораётган эдилар. Табиийки, бундай сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ўша даврда яшаб ижод этган алломалар фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Соҳибқирон Амир Темур бутун Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгач, Сирдарё ортидаги чегара минтақаларини ҳам ўз қўл остига олди. Унинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги йилларида Тошкент ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади. Марказлашган кучли ҳокимият ўрнатилиши билан Тошкент шаҳри ушбу вилоят ҳокимига қарши сиёсий кучлар ва бу мансабга даъвогарлар ҳужумларидан халос бўлди. Айни пайтда, шаҳар Темур ва темурийлар қўшини учун Дашти Қипчоқ ҳамда Мўғулистонга қарши ҳаракатларида таянч нуқта, стратегик тўхташ жойи сифатида хизмат қилган.

Аллома Ҳофиз Кўҳакий ҳаёти ва илмий фаолиятида Мовароуннаҳрдаги темурийзодалар салтанати ва саройи ҳамда мазкур ўлкаларидаги турли ҳокимликларга бўлиниб кетиш муҳим аҳамият касб этган.

XV асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, ушбу юз йиллик охирида Темурийлар давлати, асосан, Темур авлодлари бошқарган улкан мамлакат мустақил сиёсий бирликлар - майда давлатларга бўлиниб кетди.

Тошкент ва унинг атрофидаги ҳудудлар бир қанча вақт тархон бекларидан бири қўл остида бўлган. Сўнги Темурийлар даврида Тошкент гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро ҳукмдорларига, гоҳ Фарғонадаги темурий Умаршайх Мирзо (ваф. 1494 й.)га бўйсунган [1:9].

XV асрнинг 70-йилларида Тошкент ва Шохруҳия Султон Абу Саиднинг ўғиллари, ака-укалар Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад ва Фарғона ҳукмдори Умаршайх Мирзо ўртасида низо чиқишига сабаб бўлди.

Тарихчи Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг хабар беришича, ўша даврнинг машҳур арбоби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) сиёсий қарама-қарши кучларни яраштиради ва натижада Тошкент шаҳри ҳукмронлиги Юнусхонга берилади.

Академик Азизхон Қаюмов ушбу тарихий воқеани шундай изоҳлайди: «XV асрнинг охири. Тошкент шаҳри ўша вақтда Фарғона ҳукмдори Умаршайх Мирзога қарашли эди. Унинг қайнотаси Юнусхон Сайрамда бўлган. Энди Самарқанд ҳукмрони Султон Аҳмад Мирзо йигирма минг қўшин билан Тошкентни қўлга олмақ учун йўлга чиқади. Унга қарши Умаршайх Мирзо ўн беш минг қўшин билан Андижондан урушга отланади. Юнусхон эса ўғли Султон Маҳмудхонга ўшанча минг аскар бериб, Умаршайхга ёрдам учун жўнатади. Қўшинлар Чиноз яқинида бир-бирларига қарши урдуларда (лагерларда) йиғила бошлайдилар. Бундан хабар топган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор олдин бу шахзодаларни хабардор этиб, сўнг ўзи жадал Самарқанддан Чиноз яқинидаги Султон Маҳмудхон тўхтаган жойга етиб келади.

Ҳожа Аҳрор Валий уч шахзодани ўртага олиб, улар билан суҳбат бошлайди. Хожанинг маслаҳатлари билан шундай келишувга келинди. Тошкент шаҳри Султон Аҳмад Мирзога ҳам, Умаршайх Мирзога ҳам берилмайди. Бу икки ака-ука шахзодаларнинг қайнотаси бўлмиш Юнусхонга[7:4] берилади».

Тошкент хони Юнусхоннинг невараси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, «ўша даврдан то ҳижрий тўққиз юз саккизинчи (милодий 1502-1503) йилгача Тошкент ва Шохруҳия Чигатой хонлари ҳукми [1:18] остида бўлди». Юнусхоннинг ўғли Султон Маҳмудхон (ваф. 1508 й.) даврида Тошкент Мўғулистон вилоятининг пойтахти ҳисобланган.

XVI асрнинг охириги ўн йилликларида Тошкент аҳолиси кўп воқеаларни бошдан кечиради. 1578 йилда марказлашган давлат барпо этишни мақсад қилган Бухоро ҳукмдори Абдуллахон Тошкентни эгаллайди. Мовароуннаҳр шимоли-шарқий дарвозаси ҳисобланган, шунингдек, жуда муҳим савдо-сотик, хунармандчилик ва маданият маркази Тошкент шаҳри Абдуллахон II даврида тўлик эгалланди [5:54-55].

XV аср сўнги ва XVI асрда Тошкентда маданият ривожидан сезиларли силжишлар бўлади. Айни шу даврда Тошкентнинг ҳозирги кунимизгача етиб келган меъморий обидалари барпо этилган. Улар қаторига пишиқ ғиштдан қурилган гумбазли Кўкалдош, Бароқхон мадрасаси (XVI), Хожа Аҳрор масжиди ва мадрасаси, Юнусхон мақбараси ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, XVI асрда Қафқол Шоший мақбараси қайта тикланди. Зайниддин Восифий Тошкент ташқарисидаги Кайковус чорбоғини ҳам ўша давр маҳсулига киритади. Унинг айтишича, бу чорбоғ шайбоний ҳукмдор Суюнчихожахон буйруғи билан қурилган [5: 76-77].

Меъморий обидалар ва аҳоли турар-жойларининг қурилиши, бадий шакли тошкентлик уста-қурувчилар, меъморлар ва рассомларда геометрик, математик ҳисоб-китоб ва қурилиш техникаси бўйича юксак маҳорат ва билим бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирда ҳам бу қадимий обидаларни қурилишидаги маҳорат, ўта нозик математик ҳисоб китоблар ва геометрик шакллар, биноларни бўяшда ишлатилган бўёқлар, шунингдек, уларнинг жойлашуви, бугунги кун қурувчиларини ҳайратга солмоқда.

XVI аср 20-30-йилларидаги Тошкентдаги адабиёт, шеърят ва санъатнинг тарихи тўғрисида Зайниддин Восифий эсдаликларидан маълумотлар олиш мумкин. Муаллиф шаҳарнинг маданий ҳаёти, олимлар, мусаввирлар ва адабиёт арбобларининг ижоди ҳақида хабар берган. Зайниддин Восифийнинг айтишича, Кайковус боғи Тошкентнинг жуда кўп олимлари, шоирлари ва маърифатли инсонларнинг тўпланадиган маскани бўлган [5:77].

Тошкент шаҳри Самарқанд, Хирот, Бухоро ва Шохруҳия каби маданият марказлари билан мустаҳкам алоқада бўлган. Тошкентда таълим, миниатюра санъати ва каллиграфия ҳам жуда ривожланган. Келди Муҳаммад Султон Муҳаммад (ваф. 1532-1533 й.)нинг ўзи бошчилик қилган илмий ва адабий мунозараларда мусаввирлар ва каллиграфлар ўзларининг асарларини олиб келишлари шарт бўлган. Жумладан, 1521 йил сентябрь ойида мусаввир Жалолиддин Юсуф Келди Муҳаммадга йўлбарсга найза билан ҳамла қилаётган қуролланган ёш шахзода тасвирланган сурат совға қилган. Шунингдек, Восифийнинг хабар беришича, Обид Хаттот ушбу ҳукмдорга машҳур хаттотлар хатлари битилган альбомни тақдим қилган [2: 876-879, 894-895].

Мавлоно Обид хаттот XVI асрда Тошкентда Севинч хожохон ва Султон Муҳаммад замонида яшаган. Бу ҳақда Восифий ўзининг «Бадойи ал-вақоийи» асарида маълумотлар келтирган. Унинг ёзишича, Мавлоно Обид настаълиқ хатини ёзишда машҳур бўлган. Райҳоний сулс хатларини яхши билган. Мавлоно Обиднинг қўлида машҳур хаттотлар Ёкут, Мирали, Султон Али Машҳадийнинг шогирди – мавлоно Маҳмуд хаттот, Мавлоно Азҳар томонидан ёзилган китъалар бўлиб, 928/1522 йили Тошкент ҳокими Султон Муҳаммад ҳузурига ўзи ёзган китъалар ва юқорида айтилганларини келтиради. У мажлис аҳлларига ва султонга манзур бўлади.

Тошкентда яшаб ижод этган йирик давлат арбоби, аллома ва тадқиқотчи сайёҳ Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг иқтидорли олими ва тарихчиси бўлган. У 896/1490 йили Паркентда мавлоно Мирзо Камолiddин ибн Алоуддин Али Кушчи оиласида дунёга келди. Яъни, у «Ўз даврининг Батлимуси» деб танилган, Самарқандда туғилиб ўсган [4:217] ҳамда илмий фаолият билан шуғулланган математик ва астраном Султон Мирзо Улуғбекнинг (1394-1449) шогирди Алоуддин Али ибн Муҳаммад Али Кушчининг (XV) набирасидир.

XVI асрда Тошкентда Ҳофиз Кўҳакий номи билан машҳур бўлган Ҳофиз Султон Муҳаммад яшаб фаолият кўрсатган. У Тошкент олимларининг фаҳри саналган. У Абдурахмон Жомийнинг «Шарҳи мулла» асарига шарҳ ёзган ва бир қатор бошқа асарлар муаллифидир.

1528 йилда Ҳофиз Кўҳакий Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Аградаги саройига юборилган Тошкент ҳокими вакили сифатидаги элчилар қаторида бўлган. Бобур уни «Ҳофиз», «Хожа Ҳофиз», «Ҳофиз Тошкандий» деб номлайди. Мовароуннаҳрнинг бошқа элчилари қатори унга Бобур чакмон, тилла, кумуш ҳадя қилади.

Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг илмли ва обрўли кишиси бўлгани учун бўлса керак, 935/1528 йили Тошкентдан тўй муносабати билан Ҳиндистонга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига юборилган эди. Ҳофиз Кўҳакийнинг бу тўйда қатнашганлиги «Бобурнома»да келтирилган [3; 424.].

«Сижил Усманий» китобида айтилишича, Султон Муҳаммад икки марта Ҳиндистонга боради. Биринчи марта Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1528 йили Ҳиндистонни фатҳ этиб, бу оламшумул зафарни тантанали нишонлаганида, ўз она юртидан, Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларидан, Хуросондан, Дашти Қипчоқдан ҳатто, Сибир хони Кўчимхондан ҳам нуфузли меҳмонлар чорлатган эди. Шундай меҳмонлар қаторида Самарқанддан ҳукмдор Убайдуллохоннинг мухтор элчиси Ҳофиз Тошкандий ҳам Ҳиндистонга ташриф буюрган.

«Мазкур боғ, - деб ёзади Ҳофиз Тошкандий, -худди Боғи Эрамнинг ўзгинасидур, деб айтса бўлади, бу боғнинг бир томони Жамна дарёсига туташган бўлиб, бу ҳол ҳам бамисоли олтин узукка қўйилган олмос кўздай унинг ҳусни жамолини янада очар ва бағоят кўркамлаштирар эди» [6:11-12].

Дехли ҳақида ҳам у худди шундай дил сўзларини баён этади. Ҳофиз Кўҳакий мазкур шаҳардаги масжидлар, мадрасалар ва работларни бориб кўрган. Жумладан, у ердаги авлиё Низомиддин, улуғ шоир Хисрав Дехлавий ва бошқа сиймоларнинг қабрларини зиёрат этган.

Ҳофиз Кўҳакий Шош воҳасининг улуғ алломаларидан бири бўлиб, нафақат ўз юртларида машҳур бўлган, балки турли Шарқ мамлакатларида ҳам жуда катта шуҳрат қозонган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ҳофиз Кўҳакий фаолияти тарихини ўрганиш ёрдамида Марказий Осиё тарихида фаолият олиб борган алломалар тақдирини ўрганиш ва аниқлаш имконияти яради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бабурнаме. Записки Бабура. - Т.: Фан, 1958.
2. Зайниддин Васифи. Бадаи ал-вақоийи. Критический текст, введение и указатели А.Н. Болбыраева. Тошкент. II. М.: 1961.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1960.
4. Котиб Чалабий. Кашф аз-зунун. Истанбул, 1892-1893.
5. Мукминова Р., Филанович М. Ташкент на перекрестке истории. - Т.: Фан, 2001. .
6. Муҳаммад Солиххўжа ўғли. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фонди. Инв. № 11073. 11-12 варак.
7. Қаюмов А. Улуғлар дўстлиги // Тошкент ҳафтаномаси. - Тошкент. 2003 йил 6 февраль.

БУХОРО ВОҲАСИ АЁЛЛАР ТАҚИНЧОҚЛАРИНИНГ ЭТНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

М.И.Ниязова т.ф.н., дотцент, Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Н.Ш.Султонова Бухоро давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада аёллар тақинчоқлари ва уларнинг шакллари, элементлари хусусида сўз юритилади. Шу билан бирга тақинчоқларда халқнинг этник тарихидаги маҳаллийлашган анъана, ижтимоий муносабат ва мафкуранинг айрим элементлари ўз аксини топганлиги таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: аёллар тақинчоқлари, бозубанд, тилла туморча, арабак, тилла баргак, булоқи.

Аннотация: В статье рассматриваются женские украшения, их формы и детали. Автор проводит анализ отдельных традиционных элементов украшений, их социальной установки и влияния на этническую историю нации.

Ключевые слова: женские украшения, бозубанд - разновидность украшения, золотой тумор – амулет, арабак – серьга для носа, тилла баргак – налобное украшение, булоки – термин для обозначения украшения.

Annotation: The article is devoted to the women's jewelry, their forms and details. The author of the article is analyzing some elements of the local traditional elements of the jewelry, their social attitude and worldview on the ethnic history of the nation that reflected in the decorations.

Key words: women's jewelry, bozuband- type of the jewelry, golden amulet, arabak – earring for nose, headdress jewelry, spring – type of the jewelry.

Юртимиз ўз мустақиллигига эришгач тарихий қадриятларимизга эътибор янада ортди, айниқса ўзлгимизни англаш учун ўтмиш маданиятимиз ва санъатимизни, ота боболаримизнинг тафаккури маҳсули бўлмиш маънавий меросни, диний ва дунёвий тафаккур эволюциясини билиш ва чуқур тушуниш зарурати кучаймоқда. Ҳозирги кунда юртбошимиз сайл-харакатлари билан юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг кўлами кундан кунга кўпайиб бормоқда. Ташриф буюраётган меҳмонларимизни нафақат гўзал меъморий обидаларимиз, шу билан бирга бизнинг бой ўтмишимиз, миллий урф одатларимиз, динимизга ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кийимларда эл-элат тарихига бориб тақаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, маърифий, дин ва эстетик шаклларнинг айрим унсурлари ифодаланади. Жамият турмуши иқтисодиёти ва сиёсатида бўлаётган айрим ўзгаришлар баробарида кийим шакллари ва ундаги безаклар ҳам ўзгариб боради. Унда халқнинг моддий аҳволи, кишиларнинг диди, гўзаллик тўғрисидаги идеаллари, хўжалик юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда оилавий турмушнинг баъзи томонлари ҳам кўзга яққол ташланади. Бундан ташқари, уларда инсон яшаган жой ва замон, унинг ҳаётидаги қувончли ёхуд қайғули воқеалар ҳам намоён бўлади. Айниқса анъанавий миллий маданий урф-одатлар таъсири кузатилади, унинг асосий шакллари ва элементлари асрлар давомида яратилиб шаклланиб боради.

Ҳар бир халқнинг кийиниш маданиятида умумийлик бўлиши билан бирга унда ўзига хос фарқланишлар ҳам мавжудлигини кўрсатувчи локал хусусиятлар мавжуд. Бу кўпинча маданий алоқалар таъсири, ўтмиш аجدодлар анъаналари ёки иноэтник кўринишлар билан боғлиқдир.

Бухоро воҳаси аёллар миллий либослари ва уларни безаб турган тақинчоқлар ҳам умумўзбек либослари сингари асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган. Унинг шаклланиш жараёнига халқнинг турмуш тарзи ва ижтимоий шароити, бошқа халқлар билан ўзаро алоқалари бевосита таъсир кўрсатган.

Аёллар кийим-кечагининг нафислиги, уларнинг хилма-хил ва гўзал бўлишига мохир ўзбек заргарлари томонидан тайёрланган зеб-зийнатлар ҳам янада кўрк кўшиб турган. Бухоро воҳаси анъанавий, миллий кийим-кечакларининг ажралмас қисми тақинчоқлар бўлиб, улар этнология фанида ўрганилган. Тарихий либосларда безаклар нафақат ўз эгасининг ижтимоий келиб

чиқиши, яъни табақасини англаган, шунингдек, маъжозий маъно касб этиш билан бирга, кишиларнинг эстетик дидини ҳам ифодалаган. Улар вақт ўтган сари такомиллашиб, турлари кўпайиб, шакллари мураккаблашиб борди. Хусусан, уларнинг ечиб кийиладиган, танага маҳкамланадиган (билакузуклар, узуклар, зираклар) турлари пайдо бўлди.

Анъанавий кийимларга хос тақинчоқ ва безаклар яқин даврларгача сақланиб келган. Илгари кўпчилик аёлларнинг бош ва уст кийимлари заргарлик зеб-зийнати буюмлари билан безатиларди. Кийим кечақларнинг янгилиниши тақинчоқларнинг йўқолишига сабаб бўлган. XIX аср охиригача аёллар учун заргарлар ишлаб чиқарган зеб-зийнат буюмлари жуда ҳам кўп ва турлича бўлган ва ҳар бир худуднинг ўз услуби ажралиб турган.

Масалан, Фарғона водийсида безак-ашёлар энг кўп тарқалган. Уларнинг ҳар бири бир неча шаклда махсус номга эга: бўйин ва кўкракка тақиладиганларадан пайконча, арпа жевак, зеб гардон, нозигардон, танга жевак, тумор, бозбанд, тилла туморча, бўйин тумор, кўкрак тумор, сочининг икки томонига тақиб, икки елкага тушириб оладиган заркокил, орқага тақиладиган танга чўлпи, пешонага тақиладиган тилла баргак, тилла қош, жаға ва ҳар хил соч попук, кўлтиққа тақиладиган кўлтиқ тумор ва бурунга тақиладиган аравак ва латива. Сурхондарё кишлоқларида эса кўкракка тақиладиган рангли майда мунчоқлардан тизилган безаклар кенг тарқалган. Кўп жойларда ипга тизилган маржон шодаси, Тошкентда, дурдан ясалган мунчоқ, маржон ва шишадан ишланган исирға, узук ва билагузук тақиш одат бўлган. Кўйлак ёқасига ҳар хил тўғнағичлар осганлар ёш болаларга ҳам кўз тегмасин деб қора мунчоқ тақанлар. Бухорода олтин исирға шибирмак япроксимон шаклда катта ёқут кўзли марварид ёки дур билан безалган. Барча безаклар бой табақаларда тилла, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан, қамбағал табақаларда эса мис, жиз ёки талла суви берилган металллардан ясалган. Айниқса, тиллақош, осмондўзи, тиллабаргак ва бошқа зеб-зийнатлар жуда қимматбаҳо бўлган.

Бухоро анъанавий заргарлик буюмлари ҳам худуди Тошкент ва Самарқанд заргарлик буюмлари сингари шокилаларнинг кўплиги, нафислиги билан ажралиб турган. Тақинчоқларни ясашда тилла, кумушдан, маржон, феруза, садаф сингари ноёб ва қимматбаҳо тошлардан фойдаланилган. Самарқанд заргарлари ясаган буюмлар Бухоро заргарлик мактабига хос услуб кўзга ташланади.

Бухоро қадимдан заргарлик санъатнинг йирик марказлардан бири бўлиб келган. “Тилла-баргак”, “тиллақош”, “тажак”, “тавқ”, “маржон”, “зебигордан”, “нозигардон”, “сирға”, “билакузук” каби барча турдаги тақинчоқларни келинлар безак сифатида тақишган. Шу билан бир қаторда, у аёлларни турли хил балоқазолардан, ёмон кўз, назардан асраш вазифасини бажарган. Шундай тақинчоқлардан бири келинлар пешонасига тақиладиган тиллақош бўлиб, у маъданга худди қошга ўхшатиб шакл бериш асосида ясалган. Унинг пастки қисми худди япроқ кўринишидаги шокилдалардан иборат бўлиб, юқори қисми нафис нақшлар билан безатилган ва тошлар қадаб чиқилган. Тиллақош нафақат Бухоро балки, Самарқанд, Тошкент, Қўқонда ҳам ясалган. Тиллақошнинг тепа қисми нақшинкор бўлмаган тури “боло-абру” деб юритилган. Д.Фахриддинованинг таъкидлашича, баъзан тиллақошларнинг юқори қисми мураккаб кўп фигурали композициялардан иборат бўлиб, уларда антропоморф, зооморф ва ўсимликсимон нақшлар тасвири ифодаланган. Вақт ўтиши билан шаклларнинг асл рамзий моҳияти ўзгариб, фақатгина чиройли нақш сифатида қарала бошланган. Тақинчоқлардан яна бири тилла баргак бўлиб, у ҳам пешонага тақилган. Тилла баргак бир-бирига уланган квадрат тангалардан иборат бўлиб, юқори қисмида маржон, феруза тошлар билан безатилган гулсимон тангагачалар қатори жойлашган. Пастки қисмини эса барг кўринишидаги майда шокилалар тўлдирган. Бухоро тиллабарглари тузилиши жиҳатидан Хоразм аёлларининг “манглай тузи” тақинчоғига жуда ўхшашдир. Кўпгина заргарлик буюмлари бежиз барг кўринишли безаклар билан безатилганмаган. Қадим замонлардан одамлар баргни ҳаёт ва табиатнинг уйғониши рамзи деб тушунишган. Тиллақош, чаккага тақиладиган моҳи тилло (бибишак) ва гажак, зебигардон ва нозигардон, барг, кундалсоз, ҳалқа каби сирғалар, узуклар, ислимий (шабак) усулида панжарасимон нақш солинган билагузуклар ва бошқа безаклар аёллар либослари тўпламига кирган. Чакка ва пешонага тақиладиган ярим ой шаклидаги моҳи тилло қадимий аёллар

салласига мўлжалланган. Ушбу безаклар шундан далолат берадики, моҳи тиллода ҳосилдорлик маросимларига оид архаик белгилар акс эттирилган.

Бухоро заргарлари аёлларининг кўкракка тақиладиган зебигардон ва нозигардон номли тақинчоқларини безашда Самарқанддан фарқли равишда сирлаш услубидан фойдаланишган ва ислимий нақшларни тўқ ранг (асосан, кўк ранг)ли фон ичига туширишган. Бу эса тақинчоқнинг жозибadorлигини янада кучайтирган.

Тақинчоқлар ҳам, худди кийимлар сингари узоқ асрлар давомида шаклланган бўлиб, уларнинг тарихида ўзига хос миллий маданият хусусиятлари, бир халқнинг бошқа бир халқ билан ўзаро иқтисодий алоқалари сиёсий тузумнинг миллий маданиятга таъсири намоён бўлади. Аёллар тақинчоқлари ҳам давр талабига, ижтимоий муҳитга, табиий шароитга қараб ўзгариб, унинг сафи йилдан-йил янги бўлақлар ва шакллар билан бойиб борган. Шу билан бирга тақинчоқ ўзининг энг қадимий анъанавий шаклини сақлаб қолиб, авлоддан авлодга мерос тариқасида ўтиб келган.

Аёллар тақинчоғининг тўлиқ қисмини сочга, кулокка, бўйинга, кўкракка ва кўлга тақиладиган безаклар ташкил этади. Бой хотинлар ва ёш келинчақлар байрамларга, тўй-ҳашамларга бурунга тақадиган тақинчоқ – “аробак” ҳам таққанлар. Мазкур тақинчоқ воҳада яшовчи ўзбек-туркманларда ҳам мавжуд бўлиб “латипа”, Нурота воҳасининг айрим қишлоқларида эса “булоқи” деб ҳам аталган. Зарафшон водийсининг марказий қишлоқларида бурун тақинчоғи “натабини” деб аталади. Мазкур тақинчоқни Б.Х.Кармышеванинг асарида ҳам қайд этилганини кўришимиз мумкин. Н.Азизованинг таъкидлашича, бурун тақинчоғи хисобланган “аробак”ни Бухоро заргарлари тайёрлаганлар.

Ўзбек халқида бирор тўй, тантана йўқ-ки унда турли мавсум ва маросимга мос кундалик тақинчоқлар тақилмайдиган бўлсин. Келин-куёвларга, суннат қилинган тўй болага хатто бешикдаги чақалоқ учун ҳам муайян тақинчоқлар тақилган.

Қиз-жувонлар, момо-ю, бувилар албатта ўз ёшларига муносиб тақинчоқлар тақадилар. Тақинчоқлар тақиш ҳам ҳар бир миллат маданияти таркибига кирадиган умри боқий удумлардан биридир. Кийиниш одати сингари тақинчоқ тақиш одати ҳам инсоният пайдо бўлиб, такомил топиб бизнинг кунларимизгача етиб келгунга қадар унга бир умрлик ҳамроҳ сифатида ривож топиб рангбаранглашиб келмоқда.

Бугунги кунда Бухоро хотин-қизларининг замонавий кийимларида юқорида қайд этилган анъанавий либосларимизнинг янгиланиб, ўзгартирилган шакли намоён бўлмоқда. Хусусан, кийим-кечаклар бичим андозаси янгиланиб бош кийим ва зеб-зийнатларда қадимий анъаналардан фойдаланиш шакллари кўзга ташланади. Миллий қадриятларимиз кундан кунга тикланиб бориши натижасида анъанавий, миллий либос ва тақинчоқларга қизиқиш ва талаб ошиб бормоқда. Шунга мувофиқ, Бухоро воҳасининг анъанавий, миллий либос ва тақинчоқларининг эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарблиги ошиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари Т.:Фан 1978. Б-16
2. Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма Самарканд (2-я половина XIX-начало XXв) Москва 1982. С-17
3. Фахритдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана Ташкент 1988 год
4. Йўлдошева Г. Нурота аёлларининг анъанавий тақинчоқлари(XIX аср охири- XX бошлари)/Ўзбекистонда ижтимоий фанлар 1995 й № 5 Б-82
5. Мукимов Р.С. Материальная культура таджиков верховьев Зеравшана.Душанбе 1973. С.227
6. Кармышеванинг Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Сталинабад 1954.С-156
7. Азизова Н.К. Ювелирные изделия Узбекистана. Ташкент. 1968. С-10

**O‘ZBEK URUG‘LARI NOMLARINING KELIB CHIQISHIGA DOIR
MULOHAZALAR (ABULG‘OZIY BAHODIRXONNING “SHAJARAI TURK” ASARI
MISOLIDA)**

Akrom Ashiraliyev, TDPU magistranti

Annotatsiya: O‘zbek xalqi tashkil topish jarayonida bir qancha etnoslarning yurtimizga kirib kelishi va mahalliy aholi bilan qorishish jarayoni kuzatiladi. Ushbu maqolada to‘qson ikki urug‘dan iborat o‘zbek xalqining shakllanishida ishtirok etgan qorluq, qipchoq, qo‘ngirot va qoloch urug‘lari ishtiroki haqida to‘xtalib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Abulg‘oziy Bahodirxon, Shajarai turk, qorluq, qipchoq, qoloch, qo‘ng‘irot.

Аннотация: В период формирования узбекской нации в нашу страну проникли и смешались с местным населением несколько этносов. В данной статье основное внимание уделяется участию родов горлуq, кыпчак, кунгиrot и калач, принимавших участие в формировании узбекской нации, состоявшей из девяноста двух родов.

Ключевые слова: Абулгази Бахадырхан, Шажари турк (Родословная тюрок), Карлуq, Кыпчак, Калоч, Кунгиrot.

Abstract: We know that during the formation of the Uzbek nation, several ethnic groups entered our country and mixed with the local population. This article focuses on the participation of the Gorluq, Kipchak, Kungirost and Kalach clans, which participated in the formation of the Uzbek nation, consisting of ninety-two clans.

Keywords: Abulghazi Bahadir Khan, Shajarai Turk, Karluq, Kipchak, Kaloch, Kungirost.

O‘rta Osiyo tarixi bo‘yicha bir qancha yaratilgan asarlarning har biri o‘z davri uchun qimmatli ma‘lumotlar berishi bilan ajralib turadi. Bunga misol tariqasida Sharofiddin Ali Yazdiyning “Zafarnoma”, Binoiyning “Shayboniynoma”, Hofiz Tanish Buxoriyning “Abdullanoma” kabi asarlarni keltirishimiz mumkin. Shunday asarlar qatorida Abulg‘oziy Bahodirxonning “Shajarai turk” asari davrning tarixiy, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, etnografik ma‘lumotlarni bayon qilgani bilan ahamiyatlidir. Asarda bir qancha o‘zbek urug‘lari nomlarining kelib chiqishi borasida qimmatli ma‘lumotlarni berib o‘tadi. Quyida qorluq, qipchoq, qoloch, qo‘ng‘irot urug‘lari va ularning nomlari bilan bog‘liq masalalarga to‘xtalib o‘tamiz.

Qorluq eli nomining kelib chiqishi borasida asarning “O‘g‘uzxonning Turon va Hindustong‘a yurganining zikri” qismida quyidagi ma‘lumotlarni keltirib o‘tadi: “O‘g‘uzxon bu aytilg‘an viloyatlarning barchasig‘a dorug‘alar qo‘yib, Samarqand sari yuradi. Taqi Samarqandni olib, dorug‘a qo‘yib Buxorog‘a bordi. Buxoroni ham olib, Balx bordi. Balxni ham olib, G‘uru viloyatining ustiga yuradi. Qish erdi, kunlar yomon sovuq erdi. G‘urning tog‘larig‘a ko‘p qor tushib erdi. Lashkar xalqi yurumakka qiynaldilar. Xon hukm qildi kim: “Hech kishi mendin qolmasun” deb, borib G‘urni oldi ersa, yil kelib yoz bo‘ldi. Lashkarning sonini oldi. Bir necha kishi kam keldi. Onlarni so‘radi. Hech kim bilmadilar. Bir necha kundan so‘ng ul kishilar xizmatig‘a bordilar. Xon onlarning ahvolini so‘rdi ersa, aytdilar kim, bir necha kishi lashkarning so‘ngg‘i eldin kela turur erdik, tog‘ ichinda bir kecha ulug‘ qor yog‘di. Andin so‘ng yuriy bilmay, o‘shul yerda yottuq. Otlarimiz va tevalarimiz barchasi o‘ldi. Bahor bo‘lg‘andin so‘ng piyoda kela tururmiz dedilar. Xon hukm qildi: “Ul jamoatg‘a Qorluq tesunlar”, deb. Barcha qorluq eli onlarning naslindin turur”.

Demak, Qorluqlar qadimiy turkiy qabilalardan biri bo‘lib, ular Oltoyning g‘arbi, so‘ngra Irtish daryosining o‘rta oqimida yashaganlar. Dastlab turk xoqonligi, so‘ngra VIII asr o‘rtalarida Yettisuv o‘lkasida o‘z davlatlarini qurganlar. K.Shoniyo‘zov fikricha, Qoraxoniylar davlati Qorluqlar davlati bilan bevosita uzviy bog‘liq va uning tadrijiy davomi hisoblanadi.

1924 yilgi ma‘lumotlarga ko‘ra, O‘zbekiston hududida 10 mingdan oshiqroq, Tojikiston hududida esa 7 mingga yaqin qorluqlar yashagan. Keyinchalik esa o‘z nomlarini unutib, o‘zbek va tojik millatlari tarkibiga singib ketganlar. Qorluq lahjasi o‘zbek va uyg‘ur tillarining rivojlanishida katta ahamiyat kasb etadi. O‘zbek va uyg‘ur tillari birgalikda Turkiy tillar guruhining qorluq ost guruhiga kiradi.

Qipchoqlarning kelib chiqishi, qaysi hududlarda istiqomat qilganligi va urug' atamasi haqida asarning "O'g'uzxonning xon bo'lg'anining zikri" hikoyasida keltirib o'tiladi". Ulug' podshohlarning odatlari turur. Uzoq safarg'a borg'anda ko'chlarin olib bormoq. Navkar xalqining ham ba'zilari olib borurlar. O'g'uzxonning bir begi ko'chin olib borib erdi. O'zi urushda o'ldi. Xotuni qurtulib ikki suvning orasinda xon keyinidin etdi. Yukli erdi. To'lg'ag'i tutdi. Kun sovuq erdi. Kirmakka ev yo'q, bir chirik yog'ochning ichinda o'g'lon tug'urdi. Muni xong'a ma'lum qildilar ersa xon aytdi: "Muning otasi bizning oldimizda o'ldi. G'amxo'ri yo'q", teb. O'g'ul o'kundi, otini Qipchoq qo'ydi. Qadim turk tilinda ichi qo'sh yog'ochni qipchoq derlar erkandur. Aning uchun ul o'g'lon yog'och ichinda tug'di teb, otin Qipchoq qo'ydilar. Bu vaqtda ham ichi qo'sh yog'ochni qipchoq dey tururlar. Qora xalqning tili kelmasligidin qofni chim o'qiy tururlar. Shul Qipchoq turur kim, chipchoq dey tururlar. Ul o'g'lonni xon o'z qo'lunda saqladi. Yigit bo'lg'andin so'ng urus va uloq va machar(majar)va boshqurd ellari yog'i erdilar. Qipchoqg'a ko'p el va navkar berib, ul yoqg'a Tin va Atil(Itil) suvining yoqasina yubordi. Tin va Atil ikkisi ham ulug' suvlarning oti turur. Uch yuz yil Qipchoq ul yerlarda podshohlik o'lturdi. Barcha Qipchoq eli aning naslindin tururlar".

Yuqorida asarda keltirib o'tilgan ma'lumotlardan shu narsa ma'lum bo'ladiki, qipchoqlar qadimiy turkiy qavmalardan sanalib, ular haqida dastlabki ma'lumotlar XI asrda arab va fors manbalarida "Dashti Qipchoq" deb ataluvchi geografik hudud tilga olingan. Dashti Qipchoq aholisi rus manbalarida poloveslar, Vizantiya manbalarida esa kuman hamda Sharq manbalarida esa Qipchoqlar deb atalgan. Geografik jihatdan, asosan bu hudud Sirdaryoning yuqori oqimi va Tyanshanning g'arbiy yon bag'ridan Dnepr daryosining quyi oqimigacha bo'lgan hududga nisbatan ishlatilgan. Keyinchalik Dashti Qipchoqning sharqiy qismi aholisi umumiy nom bilan O'zbeklar deb atalgan.

Yana bir etnik turkiy urug'lardan biri sanalgan Qolochlar haqida "O'g'uzxonning Eron va Shom va Misr sari yurganining zikri" hikoyasida ma'lumot beriladi. "Bir yil yurtinda turub, ikkinchi yil elga jar qildurdi: "Eron sari yuruytururman. Necha yilliq gamlarin yesunlar" teb. Ikkinchi yili otlandi. Taqi Talosh shahriga keldi. Xonning lashkar keyinida quyg'an kishilari bor erdi. Orig'an va ochqan va adashg'an va yitganni olib kelsun teb, ul kishilar lashkar so'nqinda qolg'an bir evlik kishini xon oldig'a olib keldilar. Xon ul kishidin so'rdi kim, ne uchun keyin qolib erding, teb. Ul aytdi kulukimning ozliqindin lashkarning so'nqindin kela turur erdim. Xotunim homila erdi, tug'urdi. Ochliq sababindin onasining suti o'g'long'a yetishmadi. Kela turur erdim, suvning yoqasinda ko'rduмки bir shag'al bir qirg'ovulni oldi.Yog'och birlan shag'alni urdum ersa qirg'ovulni tashlab qochdi. Ani olib kabob qilib xotuning'a berib turib erdim, so'ngda qo'yg'an kishilaringiz yo'luqub, olib keldilar. Xon ul faqrg'a ot va ozuq va mol berib, bu cherikka bormog'il teb, "Qol,och!" -tedi. Barcha Qoloch eli shul kishining naslindin tururlar. Ani bu vaqtda Xalaj deytururlar. Movarounnahrda ko'p bo'lur. Aymoq Elina qo'shila tururlar, Xuroson va Iroqda ham ko'p bo'lur".

Qolochlar yoki Xalaj haqida manbalardagi ma'lumotlarga qaraydigan bo'lsak ular turkiy qabila ekanligini bilib olishimiz mumkin. Taniqli olim K.Shoniyozovning ta'kidlashicha, ular qarluqlar tarkibidagi urug'dosh qabilalardan biri bo'lgan.

"Xalajlar va chigillar kabi Qorluq qabila uyushmasi va davlati tarkibida qadimiy turkiyzabon etnoslardan hisoblanadi. Ayrim tadqiqotchilar (Longvord, Daymes, I.Markvort) Vizantiya va Suriya manbalarida 544 yilga oid axborotlarda uchraydigan xaliay, qulas atamalarini pesh qilib, xalajlar dastavval xulaj deb nomlangan alohida xalq bo'lgan deb ta'kidlaydilar. Xalajlar qarluq qabila ittifoqidagi (Xitoy manbalarida qayd etilgan) uchta qabilaning biri bo'lishi kerak".

Bizning fikrimizcha ham, Xalajlar turkiy qabilalardan biri bo'lib Qoshg'ar, Yettisuv, Talos vodiysi, Movarounnahr, Xuroson va Iroqqacha cho'zilgan hududlarda yashagan hamda o'troqlashib o'sha hududlarda yashovchi mahalliy xalqlar bilan qorishib ketgan va ayrim guruhlar o'z etnik nomlarini bizgacha saqlab qolganlar. Fikrimizni yuqoridagi manbalar ham tasdiqlaydi.

O'zbek urug'lari ichida yirik birliklardan biri Qo'ngirotlardir. Ushbu urug' haqida "Qo'ngirat elining zikri" hikoyasida quyidagi ma'lumot keltirib o'tilgan: "Qayon naslindin bir kishi bor erdi. Aning uch o'g'li bor erdi. Avvalg'ining oti Cho'rliq mergan, ikkinchisining oti Qubayshira,

uchinchisining oti Tusbuday. Cho'rliq anday otar erdi o'qni kim, bir kun inisi Qubayshira birlan urushti. Ikkisi ham ot ustinda erdi. Yoyin olib o'qin kezladi. Qubayshira engashib boshini otning bo'ynig'a panoh qildi. Bir zamon turg'andin so'ng, boshini ko'tardi. Cho'rliq inisini ayadi. Taqi ko'nglindin aytdi: "Muni andag' otayin qo'rqsun, ammo zarar topmasun". Quloqinda ulug' xalqasi bor erdi. Ani qasd qilib otdi. O'q xalqaning ichindan o'tub ketdi. Cho'rliq merganning bir o'g'li bor erdi. Qo'nqirat otli. Barcha Qo'nqirat eli aning nasli tururlar".

Qo'ng'irotlar urug'i va uning kelib chiqishi borasida bir qancha rivoyatlar mavjuddir. Akademik A.Asqarov quyidagicha ta'kidlaydi: "O'zbek xalqi tarkibiga kirgan Dashti Qipchoq ko'chmanchi o'zbeklaridan yana biri qo'ng'irotlardir. Manbalarda xabar berilishicha, qo'ng'irotlar ilk o'rta asrlarda Oltoy, Mo'g'ulistonning shimoliy qismida yashaganlar". Bugungi kunda qo'ng'irotlar yurtimizning deyarli barcha viloyatlarida istiqomat qiladilar va boshqa xalqlar bilan qorishib o'zlarining o'zbek ekanliklaridan faxrlanadilar.

Xulosa o'rnida ta'kidlab o'tmoqchimanki, Abulg'ozni Bahodirxon "Shajarai turk" asarida yana bir qancha xalqlarning kelib chiqishi haqidagi afsona va rivoyatlarni keltirib o'tadi. Adib asarni yaratar ekan, voqealarni xolis yoritishga harakat qiladi, bu esa asarning qiymatini yanada oshishiga olib kelgan. Asarning qiymati haqida taniqli sharqshunos olim A.G.Vamberi: "Abulg'ozining ko'pchilik ishlari Zahiriddin Boburni xotiraga tushiradi, jahon uning "Shajarai turk"i uchun minnatdordir", deb bejizga ta'kidlamagan edi.

ХОРАЗМ ВОҲАСИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ДОЛОН ВА УНИНГ ЎЗИГА ҲОС ВАЗИФАЛАРИ

*Салаев Ихтиёр, Янги аср университети "Умумтаълим фанлар" кафедраси ўқитувчиси
PhD*

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм воҳаси миллий меъморчилигида турар-жойларни муҳим қисми бўлган долон ва унинг функционал вазифалари ҳақида маълумотлар ўрин олган.

Калим сўзлар: Долон, уй тузилиши, хона, йўлак, омборхона, архитектура, мехмонхона, ошхона.

Аннотация: В данной статье содержится информация о коридоре, являющемся важной частью жилых домов в национальной архитектуре Хорезмского оазиса, и его функциональных задачах.

Ключевые слова: Далан, структура дома, комната, коридор, склад, архитектура, гостиница, кухня.

Abstract: This article contains information about the corridor, which is an important part of residential buildings in the national architecture of the Khorezm oasis, and its functional tasks.

Key words: Corridor, house structure, room, corridor, warehouse, architecture, guest room, kitchen.

Хоразм архитектурасининг тараққиётида кенг уй-жой қурилиши тажрибаси салмоқли ўринни эгаллайди. Уйлар ташқи томондан бир хиллик касб этса-да, уларнинг ички режалаштирилишида хонадонда истиқомат қилувчи оиланинг таркиби билан боғлиқ бўлган маълум фарқ ва қонуниятларга амал қилинган. Ушбу фарқ ва қонуниятлар оиланинг бойлик даражаси ва хонадон аъзолари сонига қараб уй режасининг мураккаблашувида намоён бўлган. Уйнинг ички тартиби ва хоналар қуйидаги икки тамойилга асосан белгиланган: Хўжалик-функционал ва ижтимоий-маиший. Биринчиси, чорва моллари, отлар, ем-хашак, уй-рўзғор буюмлари, ошхона ва бошқалар учун биноларнинг жойлашишини ўз ичига олса, ота-оналар ва болалар учун жой ажратиш, уйнинг икки қисм (эркак ва аёл)га бўлиниши, кичик оилалар учун алоҳида уйлар ажратилиши иккинчи тамойилни тавсифлайди.

Уйларнинг тузилиш тартиби (айрим истиснолардан ташқари) қуйидагича бўлган: уйга кириш катта дарвоза орқали бўлиб, ундан анча кенг ва баланд ёпиқ ўтиш жойи – долон*га кирилган. Унинг икки томонида ёрдамчи хоналар (*хараз, омборхона, жувозхона, жиловхона,*

сейсхона) ва меҳмонларни қабул қилиш учун *меҳмонхона* бўлган. Уйга ташқаридан келган меҳмонлар шу ердан қайтишган, уйнинг ичкари қисмига ўтишмаган. Уйнинг ички қисмида хонадон бошлиғининг оила аъзолари ва фарзандлари яшаган. Уй эгаси ҳунармандчилик билан шуғулланадиган хонадонларда, уйнинг ушбу (дешон) қисмида устахоналар ҳам қурилган. Шу ўринда Хоразм турар жойларида дешон қисмининг асосий бўлимларидан бири ҳисобланган долоннинг тарихи ва аҳамиятига қисқача тўхталиб ўтсак.

Воҳанинг уй-жой қурилишида долоннинг ўзига ҳос вазифалари бўлиб, жойлашуви жиҳатидан уйнинг эркаклар қисмида бўлган. Археологик қазилмалар натижасида маълум бўлишича, марказий йўлакки уй-жойлар Хоразмда қадимги даврларда ҳам мавжуд бўлган. Илк ўрта асрларга келиб тўлиқ шаклланган. Хоразмшоҳлар ва ундан кейинги Олтин Ўрда даврида долонли уйлар кенг тарқалган. Ўрганилаётган даврда долонлар жойлашуви ва таркиби жиҳатдан икки хил бўлган:

1) Оила аъзолари тўпланадиган асосий жой.

2) От-улов ва уй анжомлари қўйиладиган жой.

Уйнинг ушбу қисми ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши долоннинг оила аъзолари тўпланадиган асосий яшаш хонаси сифатидаги аҳамиятини белгилаб берган. XX асрнинг 70-80 йилларига келиб ўз аҳамиятини йўқота бошлаган долоннинг иккинчи тури яшаш жойи сифатида аҳамият касб этмаган. Уйнинг чеккасига жойлаштирилган бу қисм от-улов ва уй анжомлари қўйиладиган жой ҳисобланган. Бундай долонлар бир арава сиғадиган кенгликда бўлиб, катта дарвоза орқали кўчага очилган. Дарвозадан от ёки туя тортган арава ичкарига ўтиши мумкин бўлган. Сабаби, кўпгина ҳолларда долоннинг ўнг томонидан уй эгаси ва хонадонга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг отларини боғлаб қўйиш учун *жиловхона* бўлган. Бой хонадонларда жиловхона учун махсус жой ажратилган. Ўртаҳол хонадонларда эса бу вазифани *сейсхона* ва *молхона* бажарган.

Турар жойлар ривожланишининг дастлабки босқичларида чорва учун ажратилган жой ва оила аъзоларининг яшаш хоналари бир том остида жойлаштирилган бўлса, кейинчалик иқтисодиёт ва маданиятнинг ривожланиши натижасида уй-жой қурилиши яхшиланиб, чорва учун жой алоҳида қисм ажратилган. Хоразм воҳаси тарихида биз бундай тўғридан-тўғри ривожланишни кузатмаймиз. Агар XII–XIV асрларда бир қатор қишлоқларда уйга қўшилган ёки чорва моллари учун алоҳида турар жой бинолари қайд этилган бўлса, XIX–XX асрларда улар яшаш жойи билан бирга умумий том остида бирлаштирилган. XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин қурилган турар жойлар тарҳида барча коммунал хоналар (чорва моллари, озуқалар, турли хил захиралар ва бошқалар учун) яшаш хоналаридан ажратилиб, ҳовлига чиқарилганлигини кўриш мумкин.

Бундан келиб чиқадики, долон фақатгина хоналарга ўтувчи ёпиқ йўлак бўлиб қолмасдан, от-улов сақланадиган жой вазифасини ҳам бажарган. XX асрнинг охирига қадар бўлган даврда долоннинг ушбу хусусиятини замонавий кўринишда намоён бўлиб, уй эгасининг мотоцикл ва автомобиллар учун гараж вазифасини бажарган. Дала маълумотларини тўплаш давомида Хива шаҳри Янгиҳаёт маҳалласи Фурқат кўчаси 17 уйнинг долон қисми автомобиллар учун гараж вазифасида ишлатилишини ҳам гувоҳи бўлдик. Бугунги кунга келиб, трансформацион жараёнлар натижасида долон ўзининг ушбу хусусиятини тўлиқ йўқотган.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, халқ урф-одатларини инобатга олмаслик туфайли йиллар давомида юзага келган ўнлаб меъморий қонуниятлар ва Хоразмга ҳос анъанавий қурилиш (традиционий застройки) усуллари асосиз унитилиб юборилмоқда. Халқ меъморчилигида кўриб ўтилган анъаналар замонавий уйларда ҳам ўз ифодасини топиши керак. Унда халқимизнинг турмуш тарзи, миллий таомил ва ижтимоий ҳолатлари эътиборга олиниши лозим. Ана шундагина замонавий уйлар халқ талабига жавоб бера олиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жилина А.Н. Типы традиционного жилища сельского оседлого земледельческого населения Средней Азии (XIX – начало XX в.). // СЭ. 1997. № 2. – С.53.

2. Жилина А.Н. Традиционные черты в современном жилище Хорезма // СЭ. 1969, № 3 – С. 35-38.
3. Худайбергенов Х. XIX аср охири XX аср бошларида Хоразм воҳаси анъанавий маданияти ва унинг ўзгариш тенденциялари. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2017, № 3. – С. 59.
4. Сазонова М.В. К этнографии узбеков южного Хорезма. – Москва: АН СССР, 1952.ТХАЭЭ. Т. I. – С. 285.
5. Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв). – Москва: Наука, 1976. – С. 197.

ETHNOGRAPHY: ISSUES AND PROSPECTS

Saydullaev Farrux Umedullo o'g'li, senior researcher of international relations Department of International scientific Research Center of Imam Termizi. Intern Researcher, Faculty of History, Termiz State University

Annotation: *This article reviews various complex issues currently facing ethnographic research and offers some reflections on them.*

Аннотация: *в данной статье рассматриваются различные сложные проблемы, стоящие в настоящее время перед этнографическими исследованиями, и предлагаются некоторые размышления над ними.*

Annotasiya: *Ushbu maqola hozirda etnografik tadqiqotlar oldida turgan turli murakkab masalalarni ko'rib chiqadi va ular bo'yicha ba'zi mulohazalarni taqdim etadi.*

In this article, I want to review some aspects of the current state of ethnography, focusing on areas of tension and conflict. While the selection of issues, and especially the comments made about them, reflect my own commitments, the problems identified are common ones. Their importance would be hard to deny, even though there is little consensus about how to deal with them.

Of course, the debate begins with what the term ‘ethnography’ actually means. The problem is that, like many other methodological terms used by social scientists, ‘ethnography’ does not form part of a clear and systematic taxonomy. In addition, as a result, it used in different ways on different occasions to mark off work of one kind from that of another. There is probably not much point in trying to draw tight boundaries around its meaning, but we do need to recognize the range of variables involved, and on each occasion of use, it is necessary to give some indication of how the term being used. Obviously, a key dimension relates to the kind of methods employed. Ethnography often seen as a specific form of qualitative inquiry, to be compared or contrasted with others, for example, with life history work or discourse analysis; though even the boundaries with these neighbors are somewhat fuzzy. Yet ethnographic work sometimes includes the use of quantitative data and analysis, so that it may not be purely qualitative in character. This was true within anthropology during much of the twentieth century. Similarly, Chicago School sociologists often combined ‘case study’ with quantitative data, and so did early ethnographic work on schools in the UK (see Hargreaves, Citation1967; Lacey, Citation1970; Woods, Citation1979; Ball, Citation1981). This indicates a degree of eclecticism on the part of many who call themselves ethnographers. Indeed, some commentators have emphasized the use of multiple data collection methods as a key feature of ethnography.

Despite all this, we can identify a methodological orientation that can reasonably be treated as central to ethnography, and for the purposes of this discussion I will take the term to refer to a form of social and educational research that emphasizes the importance of studying at firsthand what people do and say in particular contexts. This usually involves lengthy contact, through participant observation in relevant settings, and/or through relatively open-ended interviews designed to understand people's perspectives, perhaps complemented by the study of various sorts of documents—official, publicly available, or personal.

Also crucial to ethnography, it seems to me, is a tension between what we might call participant and analytic perspectives. As ethnographers, we typically insist on the importance of coming to understand the perspectives of the people studied if we are to explain, or even to describe accurately, the activities they engage in and the courses of action they adopt. At the same time, there is usually an equal emphasis on developing an analytic understanding of perspectives, activities and actions, one that is likely to be different from, perhaps even in conflict with, how the people themselves see the world. As I will suggest later, some of the current debates arise from this tension, with the differential emphasis placed on one side or the other.

On the uses and limitations of interviews

As I indicated at the beginning of the article, interviewing has always been a part of what ethnographers do. However, in recent times an increasing amount of work, self-labelled as ethnographic or as qualitative, has relied very heavily, or even *entirely*, on interviews. Moreover, this has stimulated questions about whether such work can be called ethnographic, and even more importantly about whether it is methodologically sound.

As regards the first issue, there are those who insist that ethnography must involve, should perhaps even primarily be based on, participant observation. In these terms, exclusive reliance on interview data cannot be ethnographic, even if the interviews are relatively open-ended ones. Others, however, insist that what is essential to ethnography is a concern with capturing participant perspectives, or even giving voice to the people studied. Moreover, they argue that interviews are a peculiarly effective means for realizing this ethnographic principle. Furthermore, emphasis is often placed upon the importance of interpreting what people say in the context of their distinctive biographical experiences, which can probably only be accessed through interviews or elicited documents.

More recently, though, ethnographers and other social researchers have expressed some radical doubts about the two standard uses to which interview data have put. These doubts are central to what has been labelled 'the radical critique of interviews' the standard uses of interviews are as follows:

1. as a source of witness accounts about settings and events in the social world, that the ethnographer may or may not have been able to observe her or himself; and
2. As supplying evidence about informants' general perspectives or attitudes: inferences made about these from what people say and do in the interview situation.

These traditional uses are declared illegitimate by the radical critique, because they make questionable inferences from what is said in particular interview contexts to events, attitudes and/or behavior beyond those contexts. Also denied is that interviews display the genuine, individual voices of informants. Instead, it is argued that what informants say in interview contexts is always socio-discursively constructed in a context-sensitive fashion, and indeed that it is only through such local processes of social construction that informants are themselves constituted, or positioned, as having particular identities.

Interestingly, this radical critique of interviews can lead off in at least two rather different directions. One is that research should be restricted to observational data collected in naturally occurring situations, ruling out the use of interviews completely. An example is conversation analysis. Alternatively, interviews may be used as sources of data, but only in order to explore the discursive strategies and resources deployed there, perhaps on the assumption that these will be used in other contexts as well. This orientation is characteristic of much discourse analysis, especially that influenced by Potter and Wetherill.

Now, neither of these two options is true to the spirit of ethnography, it seems to me. The first either ignores the traditional ethnographic commitment to understanding people's perspectives, or assumes that these can be inferred from observed behavior. The second strategy abandons the sorts of inference usually applied to interview data by ethnographers, and undermines the links that ethnographers typically make between interview and observational data, for example, in terms of a contrast between what people say and what they actually do.

Some of the arguments that underpin the radical critique of interviews also carry implications for how ethnographers analyse data and write up their work. This is particularly obvious if one

pushes the skepticism that is a key element of the radical critique to its logical conclusion. This would mean that the task of the ethnographer becomes either to try to represent the incommensurable discourses that are circulating within the situation studied; or, alternatively, to produce a research report that continually subverts its own claim to knowledge, in much the same way that some modern literature subverts its own presence of realism. The second of these strategies is encouraged by some of the literature on the discursive or rhetorical strategies used by ethnographers that emerged during the 1980s and 1990s, and exemplified by a few of the so-called ‘experimental’ ethnographic texts that have appeared. This amounts to what we might call a literary turn in ethnographic writing.

Conclusion: In this article, I have outlined a number of important and difficult issues that currently face ethnographers. These concern the spatial and temporal parameters of data collection and the nature of socio-cultural phenomena, how context should be taken into account, what can and cannot be inferred from particular sorts of data, and indeed issues about the very purpose of ethnographic work. Many fellow ethnographers will disagree with at least some of the views I have expressed here. However, we can probably all agree that being an ethnographer today is neither an unproblematic nor a very comfortable role. The very character of ethnography has come to be contested. I have outlined here some of the debates that are taking place, and the issues involved.

References.

1. Ashmore, M. 1989. *The reflexive thesis*, Chicago: University of Chicago Press. [Google Scholar]
2. Atkinson, P. 1991. *The ethnographic imagination*, London: Routledge.
3. Atkinson, P. and Coffey, A. 2002. “Revisiting the relationship between participant observation and interviewing”. In *Handbook of interview research*, Edited by: Gubrium, J. F. and Holstein, J. A. Thousand Oaks, CA: Sage.
4. Ball, S. J. 1981. *Beachside comprehensive*, Cambridge: Cambridge University Press.
5. A., Georges., Gille,Z.,Gowan, and Thayer, M. 2000. *Global ethnography: forces, connections, and imaginations in a postmodern world*, Berkeley: University of California Press.
6. Clifford, J. & Marcus, G. (Eds) (1986) *Writing culture: the poetics and politics of ethnography* (Berkeley, CA, University of California Press).
7. Connolly, P. 1992. Playing if by the rules: the politics of research in ‘race’ and education. *British Educational Research Journal*, 18(2):133–148.
8. Delamont, S. and Atkinson, P. 1980. The two traditions in educational ethnography: sociology and anthropology compared. *British Journal of Sociology of Education*, 1(2): 139–152. [Taylor & Francis Online], [Web of Science ®]

ЧОРВАДОРЛАР ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (Жиззах воҳаси мисолида)

Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович, Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси,
PhD

Аннотация: Мақолада Жиззах воҳасини тоғ, тоғ олди ва чўл минтақаларида чорвачилик хўжалигининг тараққий этиши учун яратилган шарт-шароитлар, воҳанинг бошқа ҳудудлардан фарқли томонлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, Жиззах воҳасида анъанавий чорвачиликнинг қадимдан шаклланган меридионал, вертикал ва стационар тарзда кўчиш турлари натижасида яйлов чорвачилиги, ҳайдов, қўра (огил) яйлов усуллари ривожланиб, бу анъаналар аҳолининг турмуш тарзига айланиб борганлиги хусусидаги қайдлар муаллифнинг илмий таҳлиллари ва этнографик дала тадқиқотлари асосида очиб берилган.

Калим сўзлар: Мирзачўл, Қорасой, Желли-гулли, Сайхонсой, Равот, товбеги, хонаки чорвачилик, яйлов чорвачилиги, огил, огил – яйлов, ҳайдов – яйлов, қўра (огил) яйлов усуллар.

Аннотация: В статье рассматриваются условия, созданные для развития животноводства в горных, предгорных и пустынных районах Джиззакского оазиса, отличия оазиса от других регионов и его особенности. Также в результате давно сложившихся меридионального, вертикального и стационарного типов миграции традиционного скотоводства в Джиззакском оазисе развились методы пастбищного скотоводства, распашки, черного (самцового) выпаса, и эти традиции стали образом жизни населения. были выявлены на основе авторских научных анализов и этнографических полевых исследований.

Ключевые слова: Мирзачол, Карасой, Джелли-гулли, Сайхонсой, Равот, товбеги, домашний скот, пастбищный скот, огил, огил-пастбище, пашенно-пастбищный, кора (огил) пастбищные приемы.

Abstract: The article discusses the conditions created for the development of livestock farming in the mountain, sub-mountain and desert regions of the Jizzakh oasis, the differences of the oasis from other regions and its specific aspects. Also, as a result of long-established meridional, vertical and stationary types of migration of traditional cattle breeding in the Jizzakh oasis, the methods of pasture breeding, plowing, black (male) grazing developed, and these traditions became the lifestyle of the population were revealed based on the author's scientific analyzes and ethnographic field research.

Keywords: Mirzachol, Karasoy, Jelli-gulli, Saykhonsoy, Ravot, tovbegi, domestic livestock, pasture livestock, ogil, ogil-pasture, plowing-pasture, kora (ogil) pasture methods.

Жиззах воҳасининг тоғлари ва чўл минтақаларида чорвачилик хўжалигини тараққий этиши учун қулай шароит мавжуд. Яйловларнинг қулайлиги, чорва учун турли – туман ўтлоқларнинг, сув ҳавзаларининг кўп бўлиши чорвачиликнинг ривожига имкон берган.

Жиззах вилояти ҳудудининг жанубий ва ғарбий томонлари тоғ ва тоғолди минтақаларидан иборат бўлиб, овчи ва чорвадор аҳоли яшаши учун қулай бўлган. Моргузар тизмасига қарашли ўнлаб тоғ водийлари ва Нурота тоғи этаклари ҳамда Мирзачўлга тутатиб кетган пасттекистиклар қадимдан ўзининг ўт-ўланларга бой яйловлари билан машҳур бўлган[1]. Бу ерда дуккакли ўсимликлардан: шувок, янтоқ, ковул, гулхайри, қашқа йўнғучқа, буғдойик, чалов, гулсапсар, кўзиқулоқ, чирич (ширач), сутлама, каррак, латта каррак, кийикўт, бўйимодарон ва бошқалар; мавсумий ранг ўтлардан: нўхатак, чучмома, шивит, чўчкапиёз (анзур пиёз), қўнғирбош, қоқикул, куён, такасоқол, исмалоқ, тортмоқ, ғозоёк, печак, кўзигул ва майса ўтларининг ўнлаб турлари; ўрмон дарахтларидан: арча, дўлана, заранг, учқат, ирғай, наматак, чия, ёввойи бодом, писта, олмурут, бодомча ва бошқалар ўсади ва улар чорва учун сеvimли озуқа ҳисобланган.

Шунингдек, Фориш тумани Нурота тоғи ва Қизилқумга туташ ҳудуд бўлганлиги учун ҳам бу ерларда “... рангўт, ёввойи ялпиз, лола, лола қизғалдоқлар чўлни қоплайди. Итқовун, юлғун, янтоқ, шўра, шувок каби ўсимликлар қорақўл қўйлари учун муҳим озуқа. Тоғларда ёввойи олма, бодом, жийда, арча, хандон писта, ёнғок, наъматак, зира, зирк ва бошқалар ўсади”[4:9]. Тоғ гиёҳларини, айниқса, тоғ арчасини еб семирган қўйларнинг гўшти дашт ва чўл минтақасида боқилган қўйларнинг гўшtidан ўзининг хуштаъмлиги ва мазалиги билан ажралиб турган.

Жиззах воҳасида чорвачилик ўзининг узоқ йиллик эволюцияси мобайнида хонаки чорвачилик, яйлов чорвачилиги, доимий кўчиш ҳудудлари аниқ бўлган, илк баҳордан кеч кузгача давом этадиган мавсумий ихтисослашган кўчманчилик каби босқичларни босиб ўтган.

Чорвачилик анъанавий хўжалик юритишнинг энг қадимий кўринишларидан ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлиб, у билан боғлиқ урф – одатлар ёзма манбалар ва этнографик материаллар асосида маълум даражада ўрганилган[5:336]. Жиззах воҳасининг дашт ва чўл минтақаларидан ташқари, Туркистон

тоғларига туташ баланд тоғликларида ҳам чорвачилик хўжалигини ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд бўлган[6:46]. Этнографик маълумотлар шимолий чўл минтақалари ва Сирдарё оқими бўйлаб мавсумий кўчманчи чорвачилик хўжалиги ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатмоқда. Мавсумий тарзда кўчувчи чорвадорлар узоқ шимол ўлкаларигача борар, қишда эса қишловларига қайтиб воҳанинг деҳқончилик воҳалари ва ҳатто жанубий минтақалар билан ҳам боғланиб турарди.

С. Поляковнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачиликнинг меридионал, вертикал ва стационар шакллари мавжуд бўлган”[7:25]. Жиззах воҳасида ҳам чорвачиликнинг барча шакллари учратиш мумкин бўлиб, асосан стационар чорвачикка урғу берилган.

Жиззах воҳасининг тоғ олди ва тоғ – яйлов худуди ўсимликлар дунёсининг бойлиги – воҳа чорвачилиги ривожда муҳим омил саналади. Воҳада истиқомат қилган аҳоли кўчманчи, ярим кўчманчи, ярим ўтроқ ва ўтроқлашган ҳолда ҳаёт кечирган. Ўтроқ аҳоли чорвачиликни деҳқончилик билан бирга қўшиб олиб борган, аммо деҳқончилик етакчи ўрин тутган. Ярим ўтроқ аҳоли хўжалигида деҳқончилик чорвачилик билан қўшиб олиб борилган, бунда чорвачилик етакчи ўринда турган. Кўчманчи ва ярим кўчманчилар хўжалигида чорвачилик асосий роль ўйнаган.

Марказий Осиё аҳолисида чорва хўжалигининг тарихан шаклланган учта тури: *кўчманчи* (*кўчма ва ярим кўчма*) *чорвачилик*, *яйлов чорвачилиги ва қўра (оғил) чорвачилиги* кенг оммалашган[7:44]. Жиззах воҳасида ҳам бу хўжалик тури бошқа ердагилардан кўп фарқ қилмайди ва ярим кўчманчи, ярим ўтроқликка асосланган яйлов чорвачилиги кенг тараққий этган.

Тоғ ва тоғ олди адирлари, кенг чўл – дашт мавзеларида чорва боқиш билан кўчманчилик ҳаёт тарзида яшовчи аҳоли шуғулланган. Улар мавсумга ем–хашак, сув захираларига қараб бир ердан иккинчи жойга кўчишган, қишлоғни об – ҳавоси нисбатан илиқроқ ҳисобланган, изғирин шамоллардан ихоталанган тоғ унгуллари, даралари атрофидаги яйловларда ўтказишган [10:108].

Жиззах воҳасида яйлов чорвачилиги мавсумий характерга эга бўлиб, аҳоли асрлар давомида ўтга бой манзиллар бўйлаб кўчиб юрган. Улар қишда пастга, водий томонга қараб кўчса, ёзда тепага тоққа томон кўчиб, ўрнатилган тартиблар асосида фаолият юритган. Аҳолининг камбағал қисмида чорва ҳайвонлари кам бўлганлиги боис уларни узоқ яйловларга олиб бормай, қишин – ёзин ўзларининг қишлоқлари яқинидаги адир ўтлоқларида боққан. Ўртаҳол хўжаликлар эса чорваларини ёзги яйловларда озиклантирган. Қишда бу оилалар яна овулларга қайтиб, қўйлар тоғолди адир ўтлоқларида, отлар тоғ ўтлоқларида, қорамоллар эса оғилхоналарда сақланган.

Бу аҳоли ҳозир кунда ҳам ярим ўтроқ турмуш тарзини чорвачилик билан бирга қўшиб олиб бормоқда. Хўжаликнинг икки хил тури билан шуғулланувчи ярим ўтроқ (ярим кўчманчи) аҳоли асосан воҳанинг тоғ водийлари ва тоғолди худудларида жойлашган. Мазкур этник жамоаларнинг ҳар бири маълум бир жойдаги қишлоғ (қишлик турар жой) манзилларига эга. Агар қайси аҳоли гуруҳида чорвачилик деҳқончиликдан устун турса у ярим кўчманчи, аксинча бўлса ярим ўтроқ ҳисобланган[11]. Бу яшаш тарзи аҳолининг бугунги кундаги турмуш тарзига таъсир кўрсатмасдан қолмаган.

XX аср бошларида Жиззах воҳасининг тоғли туманларида ярим кўчманчи чорвачилик хўжалиги оғил, оғил – яйлов, ҳайдов – яйлов каби чорвачилик типларига ажралган. Бахмал, Зомин, Фориш туманларида кўчманчи, ярим ўтроқ ва ўтроқ чорвачилик хўжалигини ташкил этиш принциплари чорва билан таъминлаш даражасига қўра хўжаликни ташкил қилишда фарқланган[12:4]. Аҳоли аралаш хўжалик тарзи, яъни чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Жиззах воҳаси чорвадорларининг қишки қишлоғ (қишлоқ)лари асосан сув манбалари мавжуд бўлган тоғ водийлари ҳамда қишнинг қаҳратон кунларидан табиий ҳимояланган тоғ олди текисликлари ва сойликлари бўйлаб жойлашган. Кунлар иссиши билан чўпонлар чорвани ҳайдаб, ўз қишлоғлари атрофидан тоғ ёнбағирларига, Мирзачўл томонга ёки

Сирдарёнинг куйи ва юқорисига қараб – ёзги яйловларига томон ҳаракатлана бошлаган. Ёз бўйи ҳайдаб боқиб семиртирилган чорва кузда қишлоққа томон қайтарилган[6:50]. Бу усулда хўжалик юритиш Мирзачўл чўлларида яшаган қозоқларга ҳам тааллуқли бўлиб, XX асрнинг 50 – 60 йилларида Мирзачўлни ўзлаштирилиши туфайли кескин қисқарган ва ўз фаолиятини қисман Фориш туманининг Қизилқум чўлларига туташ даштликларида сақлаб қолган.

Кўп сонли чорвани боқиш учун зарур бўлган яйловлар ўзининг табиий шароити ва фойдаланиш характериға қараб қуйидаги турларға бўлинган:

- биринчиси, тоғ бағри ва чўл яйловлари, яъни пастки тоғ олди ва чўл зонаси районларидаги кузги, қишги, баҳорги яйловлар;

- иккинчиси, ўрта тоғ районларидаги баҳорги, ёзги, кузги, яйловлар;

- учинчиси, юқори тоғ районларидаги ёзги яйловлар.

Бундан ташқари, ҳар бир қишлоқнинг чорва туриға кўра алоҳида – алоҳида яйловлари бўлган. Масалан, Шароф Рашидов туманининг Сайхон, Қораянтоқ қишлоқлари яйлов майдони Моргузар тоғларининг шу қишлоқлар чегараси бўйлаб белгиланган тоғ водийлари бўлган. Моргузар тоғи ва тоғ ён бағирларида жойлашган Қорасой, Желли-ғулли, Сайхонсой, Равот, қишлоқлари аҳолиси кўкламда кўйларни ўз уруғига мансуб баҳорги ва ёзги яйловларида боққан[13].

Чорвадорларнинг йил фасллариға қараб махсус яйловлари бўлиб, чорвадорлар шу ўтлоқлардан усталик билан фойдаланганлар. Масалан, Зомин туманидаги Пшағор, Ғулбо, Шўрча, Аччи, Бешкуви қишлоқларининг аҳолиси чорвасини ўз қишлоғига тўғри келадиган, тоғ водийлариға қараб боққан[14]. Бу яйловлар тоғ тепасига чиқиб туташиб кетган. Табиийки, бу ҳолат қишлоқлар аҳолиси ўртасида низоларға сабаб бўлади. Бу низолар бўлмаслиги учун қадимдан ҳар бир қишлоқнинг тоғ яйловларидаги майдони аниқ белгиланган. Бунда табиий чегаралар (сойлик, жарлар, тош қоялар) асос қилиб олинган. Яйловлардан бутун қишлоқ аҳолиси жамоа бўлиб фойдаланади. Бу жойларға бошқа ҳудудлардан чорвани олиб келиб боқиш ёки яйловни ўзлаштириш қишлоқ жамоасининг розилиги билан бўлади. Аксарият ҳолларда бунга йўл қўйилмаган. Бу яйловлар қадимдан қишлоқ аҳолисиға авлоддан – авлодға ўтиб келган.

Қишлоқларнинг чорваси ёз охирлаши билан тоғдан пастға қайтарилган. Энди баҳорги ва ёзги яйловлардан, чўлга – кузги яйловларға боқиш бошланган. Кузги яйловлар ҳам қишлоқлар йўналиши бўйлаб чўл томон давом этган. Демак, ҳар бир қишлоқнинг тоққа ва чўлга томон чорвасини боқиш йўналишлари аниқ бўлган. Бугунги кунда чўл яйловлари қисқариб, лалми ва суғорма деҳқончилик ерлариға айлантирилган. Шунинг учун чўпонлар, бу ердаги деҳқонлар билан шартнома асосида чорвасини чўл далаларида боқмоқда.

Яқин вақтларғача чўл – дашт яйловлари махсус амалдор – элбеги назоратида бўлиб, у яйлов олган қабилалар чорваси чегараларни бузмаслигини, шунингдек, чорвадан закот солиғи ва яйлов учун хас пули йиғишни назорат қилган. Элбеги вилоят ҳокими – бекка бўйсунган[15:71]. Тадқиқотлар натижасида бу аънананинг ҳозир ҳам баъзи ўзгаришларға учраган ҳолда давом этаётганлигиға гувоҳ бўлинди. Масалан, Бахмал тумани тоғ олди қишлоқлари аҳолиси чорвасини қадимдан ота – боболари фойдаланиб келган тоғ яйловлариға боқтириш учун чўпон орқали тоғдаги “яйловлар эгаси” – фермерға баҳорда пул йиғиб бериш орқали, солиқ тўлайдилар. Бу солиқ “тов беги” солиғи деб аталар экан[16].

Ёз охирлаб бошлагач, тоғдан қишлоққа ҳайдаб тушилган чорва қишлоқ атрофидаги яйлов ва экинзорлар ўрнида боқилган. Чорвани деҳқончилик далалари ўрнида боқиш учун тўлов мавжуд бўлган. Масалан, чўпон Савурбой Йўлдошевни таъкидлашича, “чорвани Зарбдор тумани ҳудудидаги суғориладиган буғдой пояларига боқиш учун фермерға бир кўй, пахта ёки боғзорларни даласига боқиш учун икки кўй берар экан”[17].

Жиззах воҳаси аҳолиси чорвачилик хўжалик юритиш шаклини яйлов чорвачилиги деб аташ мумкин. Мазкур усулда чорванинг асосини кўйлар ташкил этсада, бироқ туя ва йилқичилик ҳам яхши ривожланган. Уларнинг чорваси йил давомида мавсумий яйловларда боқилган. Чорвадорлар чорванинг орқасидан бир яйловдан иккинчи яйловға кўчиб юрган. Баланд тоғ минтақаларида яшовчи қирғизларнинг чорвасида йирик (от, туя, қорамол)

хайвонлар кўпчиликни ташкил этган бўлса, тоғда яшовчи турклар, воҳа ўзбек қабила (қирқ, юз ва сарой каби)лари ва козоқларнинг чорвасида қўйлар кўпчиликни ташкил этган.

Жиззах воҳасининг тоғ ва тоғолди худудлари аҳолиси баҳор келиши билан чорвани тоғларга ҳайдаб, кузда яна пастга, тоғ водийларидаги қишлоғига тушиб келган ва шу ерда қишлоқларда [6:50]. Мазкур усулда чорва йил давомида мавсумий яйловлар (тоғ – текислик шакли)да ҳайдаб боқилган, чорва эса асосан чўпонларнинг назорати остида бўлган. Бу усул кўпроқ ярим кўчманчи (ярим ўтрок) аҳолига тегишли бўлиб, у яйлов чорвачилиги дейилади. Чорва асосини қўйлар ташкил этган. Қишда чорвадорлар ўзларининг (ҳозирги пайтда қишлоқлари) водийдаги қароргоҳлари (ёки уйлари)да қишлаб атрофдаги яйловлар ва захира озуқалар билан чорвани қишдан чиқарган. Бу усулда ушоқ моллар ва қора моллар эрта баҳорда адирларда боқилган. Апрель – май ойларидан чорва қишлоқ атрофидаги экин майдонларидан узоқроққа, тоғ томонга олиб кетилган.

Воҳанинг Зомин, Бахмал, Фориш туманари худудидagi тоғ ва тоғ олди адирларда чорва молларини шу шаклда боқиш имконияти мавжуд бўлган. Бунда, ёзги яйловларга аҳолининг маълум қисми кўчиб, чўпонлар эса ўз оиласи билан кетган. Оиланинг баъзи эркак аъзолари ёз мавсумида қишлоқда қолиб экинларга қараган, қишга ем – хашак йиққан, лалми деҳқончилик билан шуғулланган. Йирик чорвадорларнинг лалми деҳқончилик билан шуғилланишига энг аввало чорвани ем – хашак билан таъминлаш зарурати сабаб бўлган. Чорвани тоғ томонга олиб кетиб боқиш тартиби, экинларнинг пайҳон бўлмаслигини кафолатлаган ва узоқ яйловлардан унумли фойдаланиш имконини берган [9:51]. Нурота тоғига туташ худудларда эса хўжаликнинг учта тури: *тоғ ва тоғолди чорвачилиги, лалми деҳқончилик ва сугорма деҳқончилик* шаклланиган [15:69].

Ўзбекистон худудининг жанубий минтақаларини тадқиқ этган этнограф Б. Х. Кармишева чорвачиликнинг мазкур худудга хос тўртта турини ажратиб кўрсатади. Булар: кўчма усул, ҳайдов – яйлов усули, ҳайдов усули ва кўтон – ҳайдов усуллари [18:86]. Олима томонидан таъкидланган кўчма усулда майда шохли чорва йил давомида барча мавсумий яйловларда боқилган. Ҳайдов – яйлов усулида чорва йил давомида барча мавсумий яйловларга ҳайдаб боқилиб, улар асосан чўпонларнинг назорати остида бўлган. Ҳайдов усулида асосан йирик шохли чорва аҳолининг доимий турар жойлари, яъни қишлоқлар атрофида, экиндан бўшаган ерларда чўпонлар томонидан боқилган. Кўтон – ҳайдов усулида эса йирик шохли чорва эрта баҳорда адирларда боқилган [18:86]. Б.Кармишева томонидан аниқланган чорвачиликнинг ўзига хос турлари Жиззах воҳаси аҳолиси анъанавий хўжалик турмуш тарзига ҳам мос келади.

Воҳада кенг ёйилган чорвачилик тури стационар (атрофдаги яйловларга) кўчиш кўринишида бўлиб, улар минтақанинг кўпроқ деҳқончилик воҳаларига яқин худудларида кенг ёйилган. Уларда яйлов чорвачилигининг ҳайдов усули кенг тарқалган. Бунда чорва молларини боқишнинг икки хил усули мавжуд:

Биринчиси, чўпонларга чорвани топшириб, қишлоқ атрофидаги яйловларда кунлик (эртадан кечгача) боқиш;

Иккинчиси, асосан чорваси кўп хонадонларнинг ўз молларини тоғ яйловларида боқиши учун чўпонларга бериб юбориши.

Бундай аҳоли чорвасининг асосини ушоқ моллар (кўй, эчки) ва қора моллар ташкил этган. Чорва қишлоққа қарашли доимий яйловлар ва қишлоқлар атрофида экиндан бўшаган ерларда чўпонлар томонидан боқилган [19:52]. Маҳаллий аҳоли асосан деҳқончилик ва хўжалик ишлари билан шуғулланган.

Воҳада чорвачиликнинг кўра (оғил) яйлов усули кенг оммалашган бўлиб, бугунги кунда воҳа чорвадорларининг катта қисми шу усулда ўз молини сақламоқда. Бу усул ҳозирги пайтда тўлиқ ўтроклашган аҳоли яшаш тарзига асосан тааллуқли бўлиб, ундан чорва учун яйлов етарли бўлмаган жойларда фойдаланилган.

Бугунги кунда аҳоли орасида *уй чорвачилиги* ҳам кенг ёйилмоқда. Натижада чорва молларининг нафақат сонига балки, наслига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, қишлоқларда яшовчи аксарият аҳоли учун чорвачиликнинг ушбу тармоғи озиқ – овқат

манбаи эмас, балки асосий даромад манбаига айланган. Уй шароитида кўчқор ва буқа боқиш, соғин сигирлар сонини кўпайтириш аҳолига йилдан йилга кўпроқ даромад келтирмоқда.

Агар воҳа чорвачилиги тарихида меридионал ва вертикал кўчувчилар учун ер – яйловлар қимматли ҳисобланган бўлса, иссиқ иқлимли дашт аҳолиси учун ер–яйлов унчалик аҳамият касб этмаган. Чунки дашт, чала чўлли яйловлар улкан бўлсада, ўт – хашак озукаси мўл бўлмаган. Шунинг учун уларда яйлов танқислидан кўра сув муаммоси катта аҳамиятга эга бўлган[6:51]. Чорвадорлар сувли яйловлари бор жойларни ҳамиша юксак қадрлаган.

Жиззах воҳасида чорвачиликнинг кўтон қамов усули ҳам мавжуд бўлиб, ундан асосан аҳоли гавжум ва чорва учун яйлов етарли бўлмаган жойларда фойдаланилган. Бу каби усулда унча кўп бўлмаган чорва далаларга ва яйловларга доимо чиқарилмай, аксарият ҳолларда уй шароитида боқилган.

Бугунги кунда яйловларни тиклаш, асл ҳолича ва анъанавий хўжаликларни сақлаб қолиш бўйича ҳукумат томонидан бир қатор ишлар амлга оширилмоқда. Хусусан, “Яйловлар тўғрисида қонун”нинг[20] қабул қилиниши орқали яйловлар ва улардаги озукка бўлган ўсимликларнинг табиий қопламга эга ерларни давлат томонидан муҳофаза қилиш дастури ишлаб чиқилди.

Бу лойиҳа доирасида чўл, тоғ олди ва тоғлардаги яйловлардан мавсумий йилнинг фақат муайян вақтида фойдаланиш орқали атроф–муҳитга ва яйловларга зарарни камайтириш чоралари ишлаб чиқилган. Бу орқали чорвачиликни сақлаб қолиш ва яйловларни тартибга солиш, чорва маҳсулотларини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштиришда чорвадорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб олган[21:3].

Хулоса қилиб айтганда, асрлар мобайнида Жиззах воҳаси ижтимоий – иқтисодий ва маиший ҳаётида чорвачилик муҳим ўрин эгаллаб келган. Айниқса ўтган аср бошларида чорвачилик ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳоли хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чорвадорлар иқтисодий манфаатдорлик келтирувчи мазкур хўжалик йўналишини узоқ даврлар мобайнида тўплаб, сақланиб қолган амалий тажриба, билим ҳамда кўникмаларини авлоддан – авлодга етказишга ҳаракат қилганлар. Сўнгги йилларда воҳада кўйларни ва қорамолларни хонаки усулда бўрдоқи қилиб боқиш кенг тарақалиб бормоқда. Бу усул ўз навбатида асрлар давомида ота – боболаримиз асраб – авайлаб келган чорвачилик билан боғлиқ урф – одат ва маросимларни йўқолиб кетишига замин яратмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳайдарова С.А. Жиззах вилояти тоғли ҳудудлари қишлоқларининг ривожланиш хусусиялари // [www. ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz).

2. Тожиева З., Астанақулов З., Асқархўжаев Р. Жиззах вилояти тоғ ва тоғолди туманлари геодемографик вазиятидаги баъзи муаммолар // Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари (илмий – амалий конференция материаллари). Т., 2002. Б. 119 – 120;

3. Ҳайдаров Ҳ.Ҳ. Жиззах вилояти тарихи. Т., “Меҳнат”, 1996. Б. 11.

4. Фориш тумани (Фориш туманининг 60 йиллигига бағишланади). [Нашрга тайёрловчи Нобўта Худонов]. Т.: “Қомуслар”, 1996. Б. 9.

5. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент, 2007. Б. 145–158.; Снесаров Г. П. Реликты до мусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: “Наука”, 1969. С. 336.

6. Toshboyev F.E. Ustrushona chorvadorlarining antik davrdagi madaniyati. “Tafakkur qanoti”. Т., 2014. Б. 46-50.

7. Поляков С. П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. М.: МГУ. 1980. С. 25-51.

8. Тошбоев Ф.Э. Уструшона чорвадорларининг антик давр маданияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Самарқанд, 2017. Б. 13.

9. Поляков С. П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. Москва, 1980. С. 44-51.
10. Тўйчибоев Б., Гулбоев Б., Маматов А. Уструшонанинг ҳудуди хусусида // Уструшона Буюк Ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни, мавзусидаги Республика илмий – амалий анжумани материаллари. Гулистон, 2016. Б. 108.
11. Сейткулова Ж.Б. Обычаи и обряды казахов, связанные с традиционным скотоводством.: Автореф. дис... канд. истор. наук. Алмата, 2002.
12. Бабабеков А.Д. XX асрда Ўзбекистон тоғли туманларида этноиктисодий жараёнлар (Сангзор – Зомин минтақаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т., 2021. Б. 4.
13. Дала ёзувлари. Ш. Рашидов тумани, Бахмалсой қишлоғи.
14. Дала ёзувлари. Зомин тумани, Еттিকেчув қишлоғи.
15. Салимов Т. Нурота ва нуроталиклар... – Б. 69-71.
16. Дала ёзувлари. Бахмал тумани, Алами қишлоғи.
17. Дала ёзувлари. Зомин тумани Аччи қишлоғи.
18. Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Ўзбекистана и Таджикистана // СЭ вып. – Москва, 1969. – № 23. – С. 86.
19. Жабборов И.Ж. “Ўзбеклар”. – Тошкент, 2008. – Б. 52.
20. <https://lex.uz/docs/4344714>. 20.02.2022.
21. Икромов Т.Х. Чорвачилик асослари. Тошкент, 1996. Б. 3.

TARIX FANI TARQQIYOTIDA TARIX METODOLOGIYASINING AHAMIYATI

Tursunova Dildora, Jizzax davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada tarix fani metodologiyasining o'ziga xos xususiyatlari, tarixni tadqiq qilishda, o'rganishda metodlarni ahamiyati, tarixiy tadqiqotlarning samarali shakllanishida metodologiyaning muhimligi, tarix metodologiyasi haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: Metodologiya, tarix metodologiyasi, ilmiy bilish usullari, tarixiy tadqiqotlar.

Аннотация: В данной статье говорится об особенностях методологии истории, значении методов в историческом исследовании и познании, значении методологии в эффективном формировании исторического исследования, методологии истории.

Ключевые слова: Методология, историческая методология, методы научного познания, историческое исследование.

Abstract: This article talks about the specific features of the methodology of history, the importance of methods in historical research and learning, the importance of methodology in the effective formation of historical research, the methodology of history.

Key words: Methodology, historical methodology, methods of scientific knowledge, historical research.

Har qanday fanni chuqur o'rganishda, uning dolzarb muammolarini tadqiq qilishda va fanning amaliy ahamiyatini oshirib borishda metodologiya muhim ahamiyatga ega.

Tarix fani asrlar davomida qo'lyozma asarlarda ifodalangan maishiy hayot, voqea-hodisalar, tarixiy personajlar va shaxslar haqida hikoya qilishdek oddiy bayonchilikdan, muayyan-tarixiy kontekstda tarixiy hayot yo'lining shakllanishi, bosqichlari va umumiy qonuniyatlarini aniqlash, umumlashtirish, tahlil qilish va nazariy xulosalar chiqarish kabi murakkab ilmiy yo'lni bosib o'tdi.

Ijtimoiy fanlar jamiyatning u yoki bu sohalarini, masalan, faylasuflar, sotsiologlar, lingvistlar, iqtisodiy fan sohasi vakillari, siyosatshunoslar yoki adabiyotshunoslar alohida-alohida tadqiqot sohasi sifatida o'rgansalar, tarix fani jamiyat hayotini to'lig'icha, bor ko'lami bilan o'rganadi va shu jihati bilan jamiyat hayotini o'rganuvchi ijtimoiy fanlar qatorida alohida muhim o'rin tutadi.

Tarix fanining o'ziga xos xususiyatlarini tushunish uchun tarixni tushunish ijodiy va chuqur individual jarayon ekanligini doimo yodda tutish juda muhim, shuning uchun har qanday yaxshi tarixchi, albatta, o'ziga xos, sof shaxsiy narsa keltiradi, tarix va uning vazifalarini o'ziga xos tarzda sharhlaydi va o'z faoliyati davomida o'tmishni o'rganishning muayyan tafsilotlari va tamoyillariga e'tibor qaratadi. Shuning uchun tarix fanining boyligi Fukidid va Karamzin, Matyes va Pavlov-Silvanskiy, Solovyov va Ten, Mommsen, Pokrovskiy va boshqa ko'plab mualliflarning asarlaridan iborat. Buni hech bo'lmaganda tarixning o'zi M. Blok, va Kollingvud kabi turli olimlar tomonidan qanday tushunilishi bilan ko'rsatish mumkin.

“Hozirgi vaqtda tarixchi mutaxassislarni tayyorlashda va ularning ilmiy tadqiqot malakasini shakllantirishda tarix fanining turli tadqiqot uslublari va yondashuvlari haqida yetarli bilim berish va ularning tarixiy tadqiqotlar jarayonida to'g'ri va ilmiy, tarixiylikka asoslangan xulosalarni chiqarishga yo'naltirish bugungi kun tarix o'qitishning asosiy vazifalaridan biriga aylandi.”

“Tarix fani metodologiyasi ilmiy bilish faoliyati bolib, tarixiy tadqiqotlarning amalga oshirilishi, tahlili va o'rganilishiga qaratilgan faoliyatdir. Metodologiya ilmiy muammolarning qo'yilishi xarakterini belgilaydi, ularning yechilishidagi eng maqbul prinsiplar va yo'nalishlarni aniqlaydi, tadqiqot metodlarini tanqidiy baholaydi va tahlil qiladi. Tarix fani metodologiyasi (yunon. metodos — usul, bilish yoli, logos — so'z) — mustaqil fan sohasi bo'lib, tarixni bilish, anglash uslublari haqidagi tarix fani tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Bunda uslub (metod) tarixiy tadqiqot vositasi sanaladi. Uslub (metod)lar yordamida tarixchi yoki tadqiqotchi yangi bilimlarni o'zlashtirishi yoki tarixiy jarayonlar haqida amaldagi qarashlarni aniqlashi va ayni vaqtda ularga aniqlik kiritishi mumkin. Bu qarashlar tarix fani metodologiyasi tushunchasi haqidagi dastlabki qarashlar bo'lsa,

zamonaviy tarix fani sohasida fanning metodologiyasi tushunchasini tarixiy bilishning nazariy asoslarini to'raligicha, uning nazariy xususiyatga ega bolgan muammoviy jihatlarini ko'rsatib berish sifatida qo'laniladi."

Tarix metodologiyasi - tarix fanining predmeti va obyektini, ilmiy tarixni bilish maqsadini belgilaydigan tarix faning, ilmiy va ijtimoiy holatini, uning intizomiy tuzilishini o'rganuvchi, tarixiy bilish nazariyasini ishlab chiqadigan maxsus tarix fani. (jumladan, umumiy falsafiy, gnoseologik va gnoseologik asoslari, tamoyillari, darajalari, turlari, bosqichlari, tarixiy bilish usullari va tarixiy bilimlar natijalarini taqdim etish usullari, shuningdek tarixiy bilim shakllari).

Metodologiya - tadqiqotchining nazariy va amaliy faoliyatini tashkil etish, tiklash tamoyillari va usullari tizimi hamda bunday tizim haqidagi ta'limotdir. Metodologiya metodlar haqidagi ta'limot yoki yalpi umumiy bilish metodi, deb ham ta'riflanadi. Metodologiya umumiy voqelikka qanday yondashish yo'lini o'rgatadi.

Tarixiy tadqiqotlarga o'zaro yaqin fanlar usullarini "to'g'ridan-to'g'ri" ko'chirmasdan, ularni qo'llashda ijodiy yondashish zarur, tarixiy tadqiqotning maqsadi va mantiqiga mos kelishi zarur. Shunday qilib, har bir aniq holatda tarixchi o'z tadqiqot maqsadidan kelib chiqqan holda ijtimoiy va gumanitar fanlardan qaysi konsepsiya, atama va usullarni olishini aniqlab olishi kerak.

"Ijtimoiy gumanitar fanlarning obyekti inson bo'lib, inson hayotining barcha jihatlarini o'rganiladi. Shu bilan birgalikda tadqiqot usullari turlicha ekanligi ham ijtimoiy gumanitar fanlar predmetining o'ziga xos xususiyatini tashkil etadi."

"Tarix fanining rivoji, uning metodologiyasi rivojiga bog'liq bo'lganidek, tarix fani metodologiyasi yuksak darajada takomil topishi tarix fani qay darajada ekanligiga ham bog'liq."

Tarixchi tadqiqotchilar mavzu doirasida ilmiy bilish usullariga ham murojaat qiladi. Ilmiy bilish usullari - bu ilmiy tadqiqotlarni tartibga soluvchi va tadqiqot muammosini hal qilishni ta'minlovchi texnikalar, me'yorlar, qoidalar va tartiblar yigindisidir. Ilmiy usul - bu ilmiy qo'yilgan savollarga javob topish usuli va shu bilan birga, ilmiy muammolar shaklida tuzilgan bunday savollarni qo'yish usuli. Shunday qilib, ilmiy usul - bu ilmiy muammolarni hal qilish uchun yangi ma'lumotlarni olish usuli.

Tarix fan sifatida tarixiy metodologiyaga asoslanadi. Agar boshqa ko'plab ilmiy fanlarda bilishning ikkita asosiy usuli, ya'ni kuzatish va tajriba mavjud bo'lsa, tarix uchun faqat birinchi usul mavjud. Har bir haqiqiy olim kuzatish ob'ektiga ta'sirni minimallashtirishga harakat qilsa ham, u ko'rgan narsasini o'ziga xos tarzda izohlaydi. Olimlar tomonidan qo'llaniladigan uslubiy yondashuvlarga qarab, dunyo bir xil voqea, turli ta'limotlar, maktablar va hokazolarni turlicha talqin qiladi.

Bilishning ilmiy usullaridan foydalanish tarix fanini tarixiy xotira, tarixiy ong va tarixiy bilish kabi sohalarda ajratib turadi, albatta, bu usullardan to'g'ri foydalanish sharti bilan.

"Tarixiy tadqiqotlarning samarali shakllanishining yana bir muhim sharti, manbalar bilan ishlash malakasidir. Nazariy manbashunoslik manbalarni tartibga solish va turkumlarga ajratish asoslarini ishlab chiqadi, ularning umumiy va maxsus turlarini tarixiy nuqtai nazardan tadqiq qilish uslubini belgilab beradi, ularni ilmiy muomilaga kiritilishining, amaliy o'rganilishining eng maqsadga muvofiq asosiy usul va yo'llarini aniqlaydi."

Demak har qanday fan taraqqiyoti bevosita metodologiyaga bo'g'liq. Tarix fanlari doirasida olib borilayotgan tadqiqotlar, ularning natijasida shakllangan yangi bilimlarning ham ahamiyatini metodologik jihatdan to'g'ri yondashuvlar tashkil etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. AlimovaD, Ilxamov Z. Tarix fani metodologiyasi. O'quv qo'llanma. T., 2018.
2. Shadmanova S. Tarix tadqiqotlarining metodologiyasi va zamonaviy usullari. Darslik - T.,2018.
3. Maxkamov A. Manbashunoslik va tarixshunoslik. Darslik. T., 2021.
4. Raimova S. Tarixi fanining metodologik ilmiy-nazariy asosi va usullari. "Talqin va tadqiqotlar" Respublika ilmiy-uslubiy jurnali №7

ШАРҚШУНОС ОЛИМ ОТАЖОН ҲОШИМ ҚИСМАТИ

*Бахтиёр ҲАСАНОВ, ЎзР ВМ Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори,
т.ф.д., профессор*

Аннотация: Ушбу мақолада адабиётшунос ва олим, қатагон қурбони Отажон Ҳошимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти таҳлил этилган. Шу билан бирга мақолада олимнинг қатагон этилиши тарихи ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Боту, Маннон Рамз, Файзулла Хўжаев, Ғози Олим Юнус, “Алпомиш” достони, Шарқшунослик институти.

Аннотация: В данной статье анализируется жизнь и научная деятельность Отайона Хашима, литературоведа и ученого, ставшего жертвой репрессий. В то же время в статье описывается история репрессий ученого.

Ключевые слова: Боту, Маннон Рамз, Файзулла Ходжаев, Гази Олим Юнус, эпос «Алпомиш», Институт востоковедения.

Annotation: This article analyzes the life and scientific activities of Otayon Hashim, a literary critic and scientist who became a victim of repression. At the same time, the article describes the history of the scientist's repressions.

Key words: Botu, Mannon Ramz, Fayzulla Khodjaev, Gazi Olim Yunus, Alpomish epic, Institute of Oriental Studies.

Ўтган асрнинг 1937–1938 йилларида бўлиб ўтган “Катта кирғин” собиқ шўро давлати худудларида яшаган барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқининг ҳам ҳаётига мислсиз даражада улкан талофат келтирди. Шу йилларда юз минглаб бегуноҳ кишилар шўро давлатининг жазо органи – НКВД томонидан қириб ташланди. Ана шундай инсонлардан бири Отажон Ҳошим эди.

Отажон Ҳошим 1905 йил Тошкент шаҳрида дунёга келди. У жаид таракқийпарварлари таъсирида улғайиб, аввал жаид мактабида, сўнг мадраса ва рус-тузем мактабларида таҳсил олди. 1919 – 21 йиллар ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқиди. 1922 йил “Кўмак” уюшмаси томонидан Москвага юборилиб, Бухарин номидаги ишчилар факультетига ўқишга қиради. 1923 йил уни тугатгач, ўқишни Қизил профессорлар институтининг тайёрлов бўлимида давом эттиради. Ўзбек талабалари орасида ўзининг юксак иқтидори билан ажралиб турган Отажон Ҳошим 1924– 27 йиллар Қизил профессорлар институтида ўқиш билан бир пайтда Москвадаги ўзбек драма студияси тингловчиларига дарс берди. Бироқ, тўсаттан соғлиги ёмонлашгани боис институтни тугатмай, Ўзбекистонга қайтади.

Отажон Ҳошим 1926-29 йиллар ўзбек ёзувчиларининг биринчи адабий уюшмаси – “Қизил қалам” ташкилотига раҳбарлик қилди. 1928-1929 йилларда унинг ташаббуси билан “Қизил қалам” жамиятининг икки жилдлик мажмуаси нашр этилди. Отажон Ҳошим Фитратнинг ҳаммаслаги эди. У талабаларга маъруза қилиш учун Самарқандга таниқли олим Чўпонзодани таклиф этди. Маориф халқ комиссарлиги хузуридаги илмий кенгаш раиси Отажон Ҳошим 1927 йил январда Самарқандда Олий педагогика институти - ҳозирги Самарқанд давлат университетини ташкил этиш ишига бош-қош бўлди. Ёш олим 1927 йилда ГУСга раис бўлди ва шу йили сингорманизм ҳақида мақоласи билан кўпчиликнинг тилига тушди.

Айнан мана шундай ижоди гуллаган даврда, Совет давлати ўзининг мустабид сиёсатини амалга ошириш борасида турли хил ғайриинсоний усулларни қўллаш бошлади. Жумладан, шароити оғир худудлардаги “Беломорканал”, “Белбалтлаг”, “Дмитлаг” ва бошқа улкан қурилишларни қисқа муддатларда ниҳоясига етказиш учун маҳбуслар меҳнатидан аёвсиз фойдаланилди.

Шу мақсадда минг-минглаб бегуноҳ кишилар, хусусан, Ўзбекистон маориф ходимларининг кўпчилиги “миллатчилик”, “аксиланкилобчилик”, “миллатчиларга оғиш” каби сохта айбловлар билан турли лагерларга сургун қилинган. Тарихда бу жараён “Халқ

маориф комиссарлиги иши” деб аталган. Аслида, бу кейинчалик амалга оширилган катта катагоннинг муқаддимаси эди, холос.

1929 йил “Халқ маориф комиссарлиги иши” очилиб, Отажон Ҳошимнинг дўстлари Боту ва Маннон Рамзийлар қамоққа олинади. Мазкур вазиятни англаган Ўзбекистон ҳукумати раҳбари Файзулла Ҳўжаев Отажон Ҳошимни Ленинград шаҳридаги Шарқшунослик институтининг аспирантурасига, Абдулҳай Тожиевни Москвага йўллаб, уларнинг жонини сақлаб қолди.

СССРнинг энг нуфузли илм даргоҳларидан Ленинград Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институтининг аспирантурасини тугатган Отажон Ҳошим дастлаб, ўша институтнинг ўзида илмий котиб сифатида ишга олиб қолинади. 1933 йил декабрь ойида у ҳукумат раҳбари Файзулла Ҳўжаев томонидан Тошкентга чақириб олинди, Тил ва адабиёт илмий тадқиқотлар институтига директор этиб тайинланади. Отажон Ҳошим 1934 йилдан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси танқид ва адабиётшунослик шўъбаси раиси, 1937 йилдан янги ташкил этилган Фан комитети раиси вазифаларида қизғин илмий-ташкилий фаолият билан шуғулланади.

Мазкур даврда олимнинг ташаббуси билан иккижылдлик “Ўзбек фольклоридан намуналар”, шунингдек, “Ўзбек халқ эртақлари”, “Алпомиш”, “Маликаи айёр” ва бошқа кўпгина мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётига бағишланган илмий асарлар, бир қанча терминологик луғатлар нашр этилади.

Отажон Ҳошимнинг адабиётшунос ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти айти қизиган вақтида – 1937 йил 2 июл куни ЎзССР ИИХК Загвоздин уни “капитализм ғояларига мойил”, “Туркия типидagi бир мустақил давлат тузмоқчи”, Ўзбекистонда мавжуд бўлган “Миллий истиқлол” аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси каби айбловлар билан қамоққа олишга қарор қилади. 1937 йил 2 август куни битилган ордер асосида у Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, 1-уйдан “халқ душмани” сифатида қамоққа олинади. Унинг шахсий анкетасига кўра 27 ёшли турмуш ўртоғи Зайнаб Валиевна бу пайтда стенография курсида ўқиган.

1937 йил 13 август куни сўроқда “мен ҳеч қачон аксилинқилобий ташкилотда бўлган эмасман” деган Отажон Ҳошим, 1937 йил 16 август куни даҳшатли қийноқлар исқанжасида ўзига қўйилган барча айбловларни “тан олади”. 1937 йил 5 декабрь куни Агабековнинг Отажон Ҳошимга нисбатан ЎзССР ЖКнинг 57-1, 63-, 66-1 моддалари қўллаган қарори пайдо бўлди.

Отажон Ҳошим 1937 йил 7 декабрь куни имзолаган сўроқ баённомасида айборлигимга қисман розиман дейди. 1937 йил 19 декабрь куни эса “бошқа қўшимча қилмайман, ишни ёпинглар!” деб ўтинади. Шундан сўнг Отажон Ҳошим ишига Анқобойнинг 1937 йил 10 август куни, Қажом Рамазоннинг 1937 йил 29 август куни “имзолаган” сўроқ баённомаларидан кўчирмалар тикилади.

Отажон Ҳошим 1938 йил 30 сентябрь куни Ғози Олим Юнусов билан, 1938 йил 1 октябрда Фитрат билан юзлаштирилди. У ўзига қўйилган барча айбловларни тўлиқ рад этди. Бироқ, бу Отажон Ҳошимнинг айблов баённомасида аксини топмади. Аксинча, уни ЎзССР ЖКнинг 58-, 64-, 63-, 67-моддалари билан айблашди. 1938 йил 5 октябрь куни бўлган машъум “учлик” суди соат 16 25 – 16 50 гача давом этди. Суд баённомасида ёзилишича, унинг сўнгги сўзи “мен ҳеч қачон миллатчи бўлмаганман, аксилинқилобчи бўлмаганман” дейиш бўлган ва ўзига қўйилган барча айбловларни рад этган. Ваҳоланки, у 4 октябрь тунида отиб юборилган эди...

Отажон Ҳошим 1957 йил 9 май куни СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланади ва бу хабар унинг турмуш ўртоғига етказилди. Бунинг эвазига Зайнаб Ҳошимова ўзининг советлар давлатига ҳеч қандай мулкий даъвоси йўқлиги ҳақида ёзиб, имзо чекади... Лекин аслида қандай бўлган эди?

1937 йил 2 августда Отажон Ҳошимов бехосдан Ўзбекистонда аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида қамоққа олинади. Орадан бирор ой ўтгач, Зайнаб опа ҳам эрининг миллатчилик ташкилоти аъзоси эканлигини била туриб

яшириб келганликда ва шу йўл билан эрининг аксилинқилобий фаолиятига кўмаклашганликда айланиб қамалди. Уйдаги бор мол – мулки НКВД ходимлари томонидан олиб кетилди, унинг ўзидан эса эри Отажон Ҳошимовнинг аксилинқилобий фаолияти ҳақида кўрсатма беришни талаб қилдилар. Зайнаб опа эрининг аксилинқилобий ҳаракати ҳақида ҳеч нарса билмаслиги, унинг олдига келувчи олимларнинг ҳам фақат иш юзасидангина сўзлаганларини айтади. Зайнаб Ҳошимова ҳеч қандай асоссиз Тоштурмада бир ярим йилча камалиб, азоб чекиб ётди. Гуноҳсизлиги аниқланиб, қамокдан озод қилинди. Шунга қарамадан, Зайнаб опа кейин ҳам доимо таъқиб ва тазийқлар остида яшади, уй жойи, ишидан четлатилган аёл турли жойларда сарсон саргардорлик билан ҳаёт кечирди. У хатто 1957 йили эри оқланганидан кейин ҳам рўшнолик кўрмади. Отажон Ҳошимовнинг қариндош – уруғлариникида яшаб, нафақага чиқди, охири бир хоналик уйга эга бўлиб ёлғизликда умр кечирди. Зайнаб опа Отажон Ҳошимовнинг 85 йиллиги муносабати билан унинг 1937 йили тинтув пайтида олиб кетилган кўлёмаларини қайтаришни сўраб, Давлат Хавфсизлиги Кўмитасига мурожаат қилди.

1988 йил 15 мартда Ўзбекистон орган бўлими ходимларидан бири Зайнаб опани суҳбатга чорлаб, Отажон Ҳошимовнинг барча кўлёмалари ва ҳужжатлари йўқ қилиб ташланганини хабар қилди. Зайнаб опа ушбу кўп йиллик қийноқ ва қувғинлар, тазийқ ва таъқиблар оқибатида соғлиғини йўқотди, кўп вақтларини касалхоналарда ўтказди, кўзлари заифлашиб, бир неча бор жарроҳлик амалиётларини бошидан кечирди. Лекин бу охириги юкни кўтара олмади. Шундай қилиб, унинг охириги орзуси, эри Отажон Ҳошимовнинг олиб кетилган асарларини кўриши, уларни юбилей кунларида элга кўз – кўз қилиб, чоп этиш орзуси ушалмай, ўша йилнинг охириларида оламдан кўз юмди.

MILLIY ZIYOLILARNING IMLOVIY O`ZGARISHLARGA MUNOSABATI

Ahmadov Xurshid San`atovich, Buxoro Davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya. *Ushbu maqolada XX asr birinchi yarmida O`zbekiston hududida til va imloviy islohotlarga o`zbek milliy ziyolilari: Abdurauf Fitrat, Elbek, Ashurali Zohiriy, Botu, Shokirjon Rahimiy va boshqalarning munosabatlari haqida ma`lumotlar keltirilgan. Mazkur davrdagi til va imlo qurultoylarida milliy imloni shakllantirishda o`zlarining qarashlari bilan ishtirok etgan ziyolilar haqida ayrim lavhalar keltirib o`tilgan. Shuningdek, Abdurauf Fitrat tomonidan Toshkentda tashkil etilgan "Chig`atoy gurungi"ning (1919-1921 yy) imlo masalasiga yondashuvlari qisqacha bayon etilgan.*

Kalit so`zlar: *"Chig`atoy gurungi", imlo, Abdurauf Fitrat, Ashurali Zohiriy, Botu, Elbek, qurultoy, yozuv, konferensiya, o`zbek yozuvi.*

ATTITUDE OF NATIONAL INTELLECTUALS TO SPELLING CHANGES

Abstract. *This article provides information about the attitude of Uzbek national intellectuals: Abdurauf Fitrat, Elbek, Ashurali Zahiri, Botu, Shokirjon Rahimi and others to language and spelling reforms in the territory of Uzbekistan in the first half of the 20th century. At the language and spelling congresses of this period, some pictures about the intellectuals who took part in the formation of the national spelling with their views were mentioned. Also, the approaches to spelling problems of "Chigatoy Gurungi" (1919-1921), organized by Abdurauf Fitrat in Tashkent, are briefly described.*

Key words: *"Chigatoy Gurungi", spelling, Abdurauf Fitrat, Ashurali Zahiri, Botu, Elbek, convention, writing, conference, Uzbek script.*

ОТНОШЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ К ПРАВОПИСАТЕЛЬНЫМ ИЗМЕНЕНИЯМ

Аннотация. *В данной статье представлена информация об отношении узбекских национальных интеллектуалов: Абдурауфа Фитрата, Эльбека, Ашурали Захири, Боту, Шокиржона Рахими и других к языковым и орфографическим реформам на территории*

Узбекистана в первой половине XX века. На языковых и орфографических конгрессах этого периода упоминались некоторые картины об интеллигенции, принимавшей участие в формировании национальной орфографии своими взглядами. Также кратко описаны подходы к проблемам правописания «Чигатой Гурунги» (1919-1921), организованной Абдурауфом Фитратом в Ташкенте.

Ключевые слова: «Чигатой Гурунги», орфография, Абдурауф Фитрат, Ашуралы Захири, Боту, Эльбек, конвенция, письмо, конференция, узбекская письменность.

O`zbekiston hududida XX asrning birinchi yarmida o`zbek imlosida juda katta o`zgarishlar bo`lib o`tdi, mazkur davrda 3 marta asosiy o`zgarishlar amalga oshirildi. Ya`ni 1923-,1929-,1941-yillarda o`zbek imlosi o`zgartirildi, bu o`zgarishlar millat savodxonligida albatta o`zining salbiy ta`sirini namoyon etgan bo`lsa ham bu o`zgarishlar ma`naviyat-ma`rifat sohasida juda zarur edi.

Mavjud manbaa va hujjatlardan ma`lum bo`lishicha, o`zbek yozuvining XX asr tarixi to`rt davrni o`z ichiga oladi:

1-davr. Arab grafikasiga asoslangan yillar (1900-1929-yy)

2-davr. Lotin grafikasiga asoslangan yillar (1929-1940-yy)

3-davr. Rus grafikasi ya`ni, krilitsaga asoslangan yillar (1941-1993-yy)

4-davr. Ikki yozuvlik ya`ni, ruz-o`zbek va lotin-o`zbek alifbolariga asoslangan yillar (1993-2010 va hozirgi davrda ham ayrim hujjatlar krill alifbosida olib borilmoqda)

Birinchi davrning 1916-1917 yillargacha bo`lgan bosqichida yozuvni isloh qilishga qaratilgan jiddiy harakatlar kuzatilmaydi. Bu davrda ko`pinchi yangi usul maktablariga e`tibor qaratilib, ular uchun turli o`quv dasturlar, darsliklar va kitoblar yaratilgan[1].

XX asrning birinchi yarmida imloviy o`zgarishlar tarixiga oid juda ko`p manbalar,ilmiy risolalar, davriy nashrlarda maqola, tezislar, monografiyalar yozilgan. Ayniqsa, milliy ziyolilarimiz tomonidan o`zbek imlosiga munosabat o`gacha kechgan. Dastlabki mloviy o`zgarishlarga Abdurauf Fitrat o`zining asarlari va o`sha davr nashriyotida bergan maqolalarida o`zining munosabatini bildirib o`tgan. Masalan, Abdurauf Fitrat “ Chig`atoy gurungi” ni tashkil qilish haqida shunday yozadi: “ Turk tillarini, turk adabiyotini birlashtirish shiori ostida ish ko`rildi. Maktablarda usmonli tili, usmonli adabiyoti ona tili o`rnida qabul qilindi. Mana shu harakatga qarshi “ Chig`atoy gurungi” tashkiloti tashkil qilindi” [2].

Bundan ko`rinib turibdiki, Abdurauf Fitrat turk tili va imlosini ya`ni, eski o`zbek tilini qaytib maktablarda o`qitishni joriy qilishga harakat qilgan, shu munosabat bilan maktab o`quvchilari uchun yangi darsliklar yaratishga harakat qilgan va o`z atrofida yig`ilgan jadid safdoshlarini ham shunday o`z ona tilida darsliklar yaratishga chorlaydi. Lekin sal keyin sovet davlati bu harakatni “panturkizm” deb baholaydi. Chunki, sovetlar turk tili, turk madaniyatini usmonli turklarga nisbatan yaqinlashish deb tushungan. Vaholanki, XX asr o`zbek milliy ziyolilari turk tili, turk madaniyati deb eski o`zbek madaniyati ya`ni, Alisher Navoiy, Bobur, Sa`diy Sheroziy, Lutfiy va boshqa buyuk allomalar hissa qo`shgan tilni qayta “tiriltirmoqchi” edilar. Abdurauf Fitrat tomonidan tashkil etilgan “Chig`atoy gurungi”ning maqsadlaridan biri: arab imlosini isloh qilish, o`zbek tilining tovush xususiyatlariga mos keladigan yangi yozuv tizimini yaratish edi. Ularning milliy imlo to`g`risidagi g`oyalari 1921-yilgi anjuman va 1923-yilgi anjumanda ma`qullandi. Fitrat o`zining “Tilimiz” maqolasida turkcha tilning o`tmishi boy ekanligini, lekin hozirga kelib baxtsiz, ya`ni e`tiborsiz qolganini aytadi va maqolada shunday deydi: “Shul choqda tilingizdagi arab, fors so`zlarining turkchasi topilmaydur demoqchi bo`lsangiz, so`zingiz yanglishdir. Turkchani bilmas ekansiz. O`rganing. Hozirgi so`zlarimizdagi arabcha, forshalardan bir nechasi uchu turkcha topilmaydir, desangiz to`g`ridir. Biz ham ularn chiqarmoqchi emasmiz. Unlarni olurmiz, lekin o`zi mizniki qilurmiz. Turkchalashturmiz. Qoidaning turkchasi yo`qdur. Sarfningda turkchasin topolmadik Ikkisin dahi olurmiz. Lekin, siz kabi Qavoidi sarfiya demasdan, Sarf qoidalari dermiz: ye) chunki, ilmiy istilohlarning turkchasi yo`qdir. Kim dedi buni? Shamsning turkchasi quyoshdir. Kavokibning turkchasi yulduzlardir. Me`onorining turkchasi suyuq o`tdir. Sahobi ma`ni— yorug` bulut, handasa — o`lchov xat chiziq, zoviya — burchak, puchmoqdir. Kavohi sobita turg`uvchi yulduzdir. Kavkabi zuzaib — quyruqli yulduzlardir”[3].

Yuqorida aytilgani dek, XX asr boshlarida Abdurauf Fitrat, Shokirjon Rahimiy, Ashurali Zohiriy, Qayum Ramazon, Elbek, G'ozim Olim Yunusov kabi Turkiston jadidlari milliy tilni asrash, uni rivojlantirish uchun kurashlar olib borgan. Bular orasida Ashurali Zohiriy o'zbek tilining imlo qoidalarini ishlab chiqish borasida qilgan xizmatlari bilan ajralib turadi. U "Sadoyi Farg'ona" gazetasida chop etilgan "Ona tili" maqolasida: "Qachonki, o'z tilimizni yaxshilab bilmadikmi, boshqa tilni albatta durust bilmaymiz", deb yozadi[4].

Zohiriy XX asr birinchi yarmidagi til, imlo va alifboning o'zgarishiga bag'ishlab o'tkazilgan anjumanlarda o'z ma'ruzalari bilan ishtirok etgan. Til-imlo qurultoyi (Toshkent,1921), Turkiyot qurultoyi (Boku,1926), lotin alifbosini qabul qilishga bag'ishlangan O'rta Osiyo ilmiy anjumanlarida (Samarqand,1927) faol ishtirok etgan. Marifatparvar olim o'z maqola va risolalari, qo'llanma va lug'atlari bilan o'zbek tili ilmiy terminologiyasining tarkib topishi va rivojlanishiga o'zining munosib hissasini qo'shdi. Xususan, Ashurali Zohiriyning "Til va imlo masalasi" maqolasida adabiy til haqida ilgari surgan qarashlari ko'p jihatdan hozirgi o'zbek adabiy tili misolida o'z ifodasini topgan. Unda adabiy til xalq jonli tili zaminiga qurilishi zarurligi alohida ta'kidlangan. Imloni xalqchillashtirish- milliy til tabiatiga muvofiqlashtirish Ashurali Zohiriyning asosiy g'oyasi bo'lgan[5].

Tilshunos, adabiyotchi va tarixchi olimlar tomonidan Ashurali Zohiriyning ilmiy meroslari va hayot yo'li batafsil o'rganilgan bo'lsada, milliy ziyolilarning imloviy o'zgarishlarga munosabati tarixi tarixiy tamoyillar va manbalarni qiyosiy tahlil qilish o'z yechimini to'liq topganicha yo'q.

Ashurali Zohiriy XX asr boshida yangi usul maktabi o'quvchilari uchun bir nechta darsliklar tayyorlagan. Masalan, 1916-yili boshlang'ich maktablarning to'rtinchi sinf o'quvchilari uchun "Imlo" darsliklarini yaratgan. Zohiriy "Imlo" kitobining so'z boshida turkiy tilning uzoq davr arab va fors tillari tazyiqi ostida qolib kelganidan, so'nggi paytda esa uning butunlay arab imlosi tartibida yoziladigan, o'ndan bir kalimasini ham odamlar anglamaydigan darajaga yetib kelganidan qayg'urib: "Buning bilan kundan-kun, yildan-yil o'tgan sari tilimiz oqmay qolg'an suvdek muzlamoqqa boshladi. Hatto ba'zi kishilarimiz arabiyg'a xeyli iqtidorli bo'lsa, o'z tilimizning eng kerakli qoidalarini ham bilmaydurg'on bo'ldilar", deb ta'kidlagan[6].

XX asr birinchi yarmida milliy ziyolilardan yana biri Elbek (Mashriq Yunusov, 1898-1939 yy) hisoblanadi. Elbek mazkur davrdagi imloviy o'zgarishlarga o'zining qarashlarini bayon etib borgan.

Elbek 1921-yilgi alifbo va imlo islohoti orqali mamlakat va millatning asrlar bo'yi o'z yechimini topmagan muammolarni hal qilishni amalga oshirilganini yozadi: "Elimizda shu kungacha "yozuv yo'llari" (imlo qoidalari) yo'qligidan yozuvlarimiz bir turli yozilmasdan, har kimning yozg'ichi istagan yoqqa burilib, istagan yo'l bilan ketgan va shul yo'l orqasida bir necha turli yo'lsiz yozuvlar yuzaga chiqib qolg'on edi. Bu yo'lsiz yozuvlarni bir to'g'ri yo'lga solib, bir negizdir yo'sin ostiga olmoq kerakmidi. Buni eng oldin qayg'urgan va tushungan "Chig'atoy gurungi" muchalari bo'ldilar Tabiiy, buning bilan bizning yozuvimiz anchagina yo'lga solindi. El bolalari anchagina bundan foydalandilar. 1921-yil boshida bo'lgan til va imlo qurultoyi so'ngidagi imlomizga yana yangiliklar qo'shildi" deb yozilgan[7].

Elbek 1921-yilgi va keying yillarda bo'lib o'tgan qurultoylarda Fitratning qarashlarini ma'qullab, uning yonida turganligi tarixiy manbalarda o'z aksini topgan. O'zbek milliy alifbosini taraqqiyot bosqichlariga chin dildan xizmat qilgan yana bir olimlardab biri Botu-Mahmud Maqsudovich Hodiye (1904-1938 yy) hisoblanadi. Botu o'zining "Til va imlo konferensiyasi yakunlari" nashrida imloviy o'zgarishlar haqida ko'plab ma'lumotlar keltirib o'tgan.

1921-yil Toshkentda chaqirilgan til va imlo qurultoyida eski arab tilini va imlosini shundoq holicha saqlab qoluvchi jadidlar fikriga qarshi chiqdi va madaniyatga orqa burganlar yaxshi emas, xar bir harf yozishda qiyinchilik bor, misol bosh harf bilan yozish ko'p vaqt ketadi, harf ajratish uchun qavs qo'yish va ustda hamda ostda nuqta qo'yish odamni chalg'itadi. Keyinchalik qurultoydan keyin Botu fikri o'zgarib, lotinchilik harakatining faol a'zosiga aylanadi[8].

Xulosa qilib aytganda, XX asrning birinchi yarmida BSSR, XXSR va Turkiston ASSR, BSSR, XSSR va O'zbekiston SSRda bo'lib o'tgan til va imlo qurultoylarida o'zbek milliy ziyolilari o'zlarining o'tkir nutqlari va ilmiy qarashlari bilan ishtirok etdilar. Yangi usul maktablari uchun yangi darsliklar yozdilar, bu darsliklarning ko'pi imlo masalariga bag'ishlangan bo'lib, yangi

maktab o`quvchilarini yangicha imloga o`rgatishga harakat qilingan. Garchi, qadimchilar tomonidan qarshiliklar bo`lgan bo`lsa ham o`zlarining islohotchilik harakatlaridan qaytmasdan, milliy alifboning shakllanishida alohida hissa qo`shdilar. O`zbek milliy ziyolilari dastlab arab alifbosini isloh qilishga harakat qildilar va keyingi davrda lotin alifbosini joriy qilishga ijobiy fikr bildirdilar. Mazkur davrda amalga oshirilgan imloviy o`zgarishlar mustaqillik yillarida amalga oshirilgan til, imlo, alifbo islohotlariga mustahkam poydevor va ijobiy tarixiy bosqich sifatida xizmat qildi.

Adabiyotlar ro`yxati

1. Olloyorov Q. Imlo muammolari. O`quv-uslubiy majmua.-Urganch:-2021 y.6 bet
2. Boltaboyev H. Jadidlar, Abdurauf Fitrat:risola.-Toshkent: Yoshlar nashriyoti uyi, 2022.-144 b, 8-bet
3. Abdurauf Fitrat.Tilimiz. "Ishtirokiyun" ro`znomasi.1919-yil 12-iyun 32-soni.Ziyouz.com kutubxonasi
4. Jamolova D. "Kundan-kun, yildan-yil o'tgan sari tilimiz oqmay qolg'an suvdek muzlamoqqa boshladi" – bir asr oldingi og'riq. <https://oyina.uz/uz/article/1159>
5. Тоғаев Т. Ашурали ЗоҳирийҒжадид курашчиси. «Ұлы Дала». IV-ші халықаралық гуманитарлық ғылымдар форумының материалдары (Екінші бөлім) – Нұр-Сұлтан: «Ғылым» баспасы, 2019. – 976 бет.(418-419 б).
6. Jamolova D. "Kundan-kun, yildan-yil o'tgan sari tilimiz oqmay qolg'an suvdek muzlamoqqa boshladi" – bir asr oldingi og'riq. <https://oyina.uz/uz/article/1159>
7. Eltazarov J.D. O`zbekistonda XX asrda amalga oshirilgan yozuv va imlo islohotlari tarixidan (sotsiologiyistik tahlil). –Samarqand: SamDU nashri, 2017 . -120 bet (39 b).
8. Akramov D. Sovetlar hukmronligi davrida alifboning o'zgartirilishi // Фундаментал тадқиқотлар. № 1 (2023) Б. 103-107

REFLECTION OF HISTORY IN MUSEUMS

Dildora Tursunova, Gavkhar Khaydarova, Jizzakh State Pedagogical University

Annotatsiya: *Maqolada bugungi kunda muzeylar faoliyatining ahamiyati, mamlakatimizda tashkil etilgan muzeylar tarixi, yosh avlod tarbiyasida muzeylarning o'rni haqida so'z boradi.*

Kalit so'zlar: *Muzey, muzey fondi, ekspozitsiya, ko'rgazmalar, muzey turlari.*

Аннотация: *В статье говорится о значении музеев сегодня, об истории создания музеев в нашей стране, о роли музеев в воспитании подрастающего поколения.*

Ключевые слова: *музей, музейный фонд, экспозиция, выставки, музейные виды.*

Abstract: *The article talks about the importance of museums today, the history of museums established in our country, the role of museums in the education of the young generation.*

Key words: *Museum, museum fund, exposition, exhibitions, museum types.*

The activities of museums are important in studying the history of our country, showing the culture of our people, which has been polished for centuries, to our youth and to the world. Museum (from the ancient Greek musion - "a place dedicated to museums") is a scientific, scientific and educational institution that collects, preserves, studies and promotes historical, material and spiritual monuments. The treasury of the museum mainly collects material and visual objects, as well as works of art and written sources (manuscripts, printed documents, books of historical value from antiquity to the present).

The museum carries out extensive research and educational work: collects and studies collections; prepares scientific documents, creates the order of preservation and repair of museum objects, publishes monographs, catalogs, guides; conducts scientific campaigns in expositions based on the scientific method and methodology developed by modern museology.

The museum was established in Uzbekistan in the second half of the 19th century. At the beginning of the 20th century, there were only 3 museums in Uzbekistan: the Tashkent Museum of Local History (1876, now the Museum of the History of Uzbekistan), the Samarkand Folk Museum (1896, now the Museum of the History of Culture and Art of the Peoples of Uzbekistan named after Akmal Ikramov), the Fergana Folk Museum (1899, now the Fergana Regional Museum of Local History museum) there was. They possessed few collections, and most of their expositions consist of random materials. Since the 20s of the 20th century, museums in various fields have been established. Museums and cultural monuments were transferred to the state and began to be protected. Scientific expeditions were organized, collections for the museum were collected, many museums were established. Major museums: the Museum of the History of Uzbekistan, the State Museum of the History of the Timurids, the Museum of Art of Uzbekistan (1918), the Museum of the History of Culture and Art of the Peoples of Uzbekistan named after Akmal Ikramov, the Museum of Nature of Uzbekistan (1876) and others. Almost all regions of the republic have local history museums and world-class memorial museums.

There are objective needs for the development of the museum system. USA, Italy, France, Great Britain, Germany, Russia and other countries have the most developed museum system. As the museum enters the international arena, their sphere of influence is expanding. Exchange of exhibitions is in the first place. Museums send their treasures to different countries of the world, at the same time they receive exhibitions from foreign countries and display them in exhibitions and museums. Museums help to expand international cultural relations, make a great contribution to the mutual enrichment of national cultures and the development of understanding between peoples.

The World Museum is part of an international organization, the International Council of Museums (ICOM) within UNESCO, which includes national museum committees.

The work of the museum, as a unique part of public activity that is in contact with science, education and culture, has not been excluded from the general trends of the development of society. It is impossible to achieve the experience gained in raising the level of museum work, which is important for the comprehensive development of a person, without theoretical understanding, without studying its characteristics and rules. The complex of knowledge that summarizes the problems of museum work, is used in museum practice and is reflected in special literature is called museology or museology.

Historical-ethnographic museums have changed a lot in connection with the economic and political reforms that took place in the life of society in the XIX-XX centuries. In the future, such changes will be felt more in Eastern Europe and especially in Russia.

The establishment of new museums in our country, the history of the Timurid period, the largest and most prestigious in the capital, the memory of the victims of repression, the opening of the Archaeological Museum in the city of Termiz, located in the south of our country, indicate that our government is doing great work in the field of museums and museology. In addition to the establishment of new museums, special attention is being paid to the issue of radical improvement of the activities of all small and medium-sized museums, which have been operating until now, and reorganization in the spirit of national independence. In particular, the re-opening of the Museum of the History of Uzbekistan, the equipping of the exhibition halls of the museum based on new projects and plans is a clear proof of our opinion. It is noticeable that steps are being taken towards renewal and improvement in the activities of other museums located in all regions.

Historical-ethnographic museums contribute to the formation of social identity and intercultural tolerance in the younger generation in a multinational environment through museum and pedagogical programs. 1. Results and effectiveness of educational programs of historical and ethnographic museums are determined by the national and confessional characteristics of the audience. 2. The effectiveness of museum pedagogical programs on the formation of intercultural and ethnic tolerance depends on the level of approval of the technologies used for the development of the consciousness of tolerance. 3. The development of intercultural and ethnic tolerance problems by historical and ethnographic museums is possible only in the general conditions of regional cultural policy development. 4. The educational activity of historical and ethnographic

museums is a priority today and should be implemented within the framework of targeted programs aimed at various social groups. The practical application of these rules should help to strengthen the role of historical-ethnographic museums as socio-cultural institutions, such as the formation of ethnic and intercultural tolerance and social adjustment of the young generation in modern society.

The museum system of our republic consists of the following museums: 1. Historical museums - museums based on the system of historical sciences (archaeology, ethnography, military-historical, educational history) 2. Art museums, museums related to the history of art and art studies 3. Natural-historical museums museums that rely on natural sciences in their activities. 4. Technical museums 5. Literary museums 6. Complex museums - museums combining several fields, such as museums of local history, can be an example of such museums.

REFERENCES:

1. O 'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
2. Xudoyberdi Nurnazarov, Shuxrat Normatov. Etnografik muzeylarning bugungi kundagi o'rni. Journal of Physics and Technology Education. Tom 1. №1ю 2022.
3. Robidinova SH. O'zbekistonning ma'naviy yangilanishida muzeylarning tutgan o'rni. //2014.
4. Bekenova A. Muzey yordamida etnik va millatlararo bag'rikenglikni shakllanrish (O'zbekiston tarixi davlat muzeyi faoliyati misolida) International Journal of Intellectual and Cultural Heritage Volume: 1 Issue: 01 | 2021

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА АХБОРОТ УЗАТИШ УСУЛЛАРИ

Шахло НУР, журналист, ЮНЕСКО нинг Халқаро “Антик Дунё” Илмий Академияси профессори. Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими

Аннотация: *Мазкур мақолада Амир Темуր даврида ахборот узатишнинг ва хабар етказишнинг тарихий шакллари ҳамда савдо ва дипломатия муносабатларида ахборотнинг ўрни хусусида тарихий маълумотлар келтирилган .*

Аннотация: *В статье представлены исторические сведения об исторических формах передачи и коммуникация информации во времена Амира темура и роли информации в торгово-дипломатических отношениях.*

Abstract: *This article provides historical information about the historical forms of information transmission and communication during the time of Amir Temur and the role of information in trade and diplomatic relations.*

Калим сўзлар: *Амир Темуր, дипломатия, ёмчилик, ёмчи, анчо, тарихий ахборот, хабар.*

Ключевые слова: *Амир Темура, дипломатия, ёмчик, ёмчи, анчо, историческая справка, сообщение.*

Key words: *Amir Temur, diplomacy, yomchic, yomchi, historical, information, message.*

Марказий Осиё, хусусан, Мовароуннахр ва Хуросон халқлари тарихида XIV-XV асрлар улуғ саркарда, давлат арбоби Амир Темура ва унинг авлодлари–Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ катта сиёсий ўзгаришлар ва айни бир вақтда иқтисодий ва маданий, фанний ва маънавий–жамиyat ҳаётининг барча соҳаларига даҳлдор ривожланишлар даври бўлди. Шунинг учун ҳам бу даврни дунё илмий тадқиқотларида Марказий Осиё тарихидаги буюк юксалиш даври деб ҳисоблаб келинади. Темура даври тадқиқотлари XV-асрда ва ундан кейин ҳам таниқли муаррихлар томонидан давом эттирилган. Ушбу тадқиқотларда Амир Темуранинг Мовароуннахрда марказлашган давлатни барпо этиш учун олиб борган курашлари, ҳарбий юришлари, давлатчилик сиёсати ҳамда халқаро дипломатик ҳамда савдо алоқаларини мустаҳкамлашга, деҳқончилик ва ҳунармандчиликни, маданий қурилишларни ривожлантиришга қаратилган тадбирлари ва бошқалар тадқиқ этилган.

Оммавий коммуникация ва замонавий ахборот етказишнинг тарихий илдишлари ҳам бевосита Амир Темура давридан ривожланганлигини тарихий манбалардан қўриш мумкин. Хат

ва хабарларнинг етказилиши, воситалари, муддати, таъсир доираси, тарихда ахборот етказишнинг усуллари ва самараси Амир Темур даврида бошқа соҳаларнинг юксалгани каби тараққий топган. Хусусан, бу жараённинг қандай кечганлигини Амир Темур давридаги халқаро муносабатлар, дипломатия ва ташқи савдо алоқалари орқали ҳам билиш мумкин. Бу ҳақда Руи Гонзалес Клавихонинг “Кундалик” асари орқали ҳам кўпгина тарихий маълумотларга эга бўлишимиз мумкин, албатта.

Ўрта асрларда савдо билан дипломатия уйғунлашиб кетган эди. Савдо ва дипломатия муносабатларини кенгайтириш мақсадида Амир Темур карвон йўлларини ободонлаштирган. Манзиллар ва карвонсаройлар барпо этган. У пойтахтга ёки ҳарбий урдуга кетаётган савдогар ва элчиларнинг бетўхтов юриши учун шароит яратилишини талаб қилар эди. Шу мақсадда карвон йўлларида жорий этилган ёмчилик (аравакашлик) хизмати ҳарбий интизомга бўйсўндирилди. Чунончи, ҳар 30 чақирим масофа бир неча ём отлари билан ёмчи (аравакаш) турган.

Тарихий манбаларда Клавихонинг шохидлик беришича, агар бирор сабаб билан ём отлари бўлмай қолса, у ҳолда элчи исталган йўловчининг, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини олиб кўйиш ҳуқуқига эга эди. Келтирилган бу далил Амир Темур давлатининг ҳамма ерида ёмчилик яхши йўлга қўйилганлигини ҳамда алоқа ва ахборот йўллари ишончли ва хавфсиз бўлганлигини кўрсатади: “Уларга (кастилия элчиларига) тез юриш учун ҳар куни янги отлар беришарди, чунки (буюк) сеньорнинг (Амир Темурнинг) буйруғи билан ҳар бир кунлик йўлда от сақланадиган жойлар ҳозирланган. Бир жойда-юзта, бошқа ерда икки юзта от бўлиб, унинг ортидаги барча йўллар то Самарқандгача шундай тартибда бўлган.

Агар сеньор кимдир бирон ерга юборадиган бўлса ёки кимдир унинг ҳузурига келаётган бўлса, улар бу отлардан фойдаланиши ва отлар кеча-ю кундуз фавқулудда тез чопиши керак эди. Одамсиз йўлларда ҳам, аҳоли зич яшайдиган жойларда ҳам отлар тайёр турарди. Кимсасиз жойларда сеньор яқинроқдаги шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси от ва озиқ-овқат келтирсин, деб катта карвонсаройлар қурдирган. Отларни парваришлаб турувчи махсус одамлар бўлиб, улар анчо (ёмчи) деб юритилади.

Подшоҳга хабар келтирган чопарларнинг отлари эгар-жабдукларидан ечилиб, бошқа, дам олиб турган отлар билан алмаштириларди. Чопарлар кетаётганларида анчолардан бир-икки киши уларнинг отлари қараб борарди. Улар подшо отлари турган навбатдаги бекатга етиб келганларида илгари алмаштирган ўз отларини олиб қайтишади ва йўловчига бошқа анчо ҳамроҳлик қилади...

Айтадиларки, агар керак бўлса, нафақат оддий одамларнинг, балки ҳатто сеньорнинг катта ўғлининг ҳам отини олиш мумкин бўлган. Элчиларга айтдиларки, аввал шундай бир воқеа бўлган: буюк сеньорнинг ҳузурига кетаётган элчилар унинг катта ўғлини отидан тушишга мажбур қилганлар. Фақат бу йўлдагина эмас, балки унинг бутун мамлакатдаги йўллар шундай отлар билан таъминланганки, шундай тез юриш туфайли подшо бир неча кундаёқ ўзининг барча мулкларидан ва теварак атрофдан хабардор бўлиши мумкин”.

Соҳибқирон Амир Темур давлатининг барча ҳудудларида қаттиқ интизомга бўйсўндирилган аниқ ва тезкор йўл алоқа-ахборот хизмати жорий қилинган. Муболағасиз айтиш мумкинки, бундай хизмат Амир Темур ва Темурийлар давлатининг илдам тараққиётига олиб келди.

Узоқ мамлакатлардан қатнайдиغان карвон йўллари бўйлаб келган савдогарлар ўзлари билан фақат молларни эмас, балки, бошқа мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи, турмуш тарзи ва одатлари ва дини ҳақида янгидан янги хабарлар келтирганлар. Улар айна вақтда ахборот билан бирга маданият тарқатувчилар ҳам бўлганлар. Чунки қўлёзма китоблар, қоғоз олиб келишар, бошқа халқлардан эшитган ахборотлар, ҳикоя, афсона ва ривоятларни сўзлаб берардилар.

(“Ҳио. Туркиядан келган хабар”).—“Кичкина Ҳио оролида генуяликлар яшарди. Оролдаги шаҳар иккига бўлинган, бири оролнинг бир тарафида, иккинчиси бошқа тарафида жойлашган, турли гўзал боғлару узумзорлардан иборат. Шу оролга яқин жойда Туркияга тегишли орол ҳам кўзга ташланади. Оролда бир қанча қишлоқ ва қалъалар бўлиб, худди шу ерларда “алмастига”- (каучук ёки бўёксимон модда) ишлаб чиқарилган. Буни улар қандайдир бир дарахтлардан ажратиб олишган. Шаҳар ва қишлоқлар тевараги баланд девор ҳамда миноралар билан

ўралган. Элчилар шу ердалигида Темурбек ҳақида янги хабар эшитдилар. Хабар Туркия султонининг тўнғич ўғли билан Темурбекнинг шу ерда олиб борган жангги ва бу жангда Темурбекнинг ғалаба қозонгани, турк султонининг ўғли тахтдан кетганидан сўнг, унинг укалари ўртасида тахт учун кураш бошланиб, бир-бирлари билан жикқамушт бўлганлиги ҳақида эди”.

Амир Темур даврида асосий ахборот коммуникация воситаларидан бири мактублар ва номалар бўлган. Масалан, “1388 йил охирларида Амир Темур қўшинлари Табриздан чиқиб кетганларида Қора Юсуф Миср султони Барқуққа мактуб йўллаб, Табризда унинг номи билан пул зарб этиб, масжидларда унинг номи билан хутба ўқиладиганлигини билдирди ва ўзини Султоннинг Табриздаги ноибни этиб тайинлашини сўради”.

Тарихий манбаларда воқеалар жараёнида Амир Темур Мордин ҳокими Мажиддин Исога мактуб йўллаб, уни ўз хузурига келишга даъват қилади. Лекин Мордин ҳокими Миср султонининг қўллаб-қувватлашидан умид қилиб, унинг рухсатисиз Амир Темур хузурига бора олмаслиги тўғрисида ўз узрини билдирган.

Бундай жавобдан ғазабланган Амир Темур унга иккинчи маротаба хат йўллаб: “Сенинг ерларинг устидан ҳукм юритишга Миср султонининг ҳеч бир ҳаққи йўқ”-деган узил-кесил фикрни билдирган ҳамда хат йўллашдан мақсад Мордин ҳокими билан дўстона муносабатлар ўрнатиш эканлигини уқтиради. Амир Темур бу холис ниятли мактуб билан бирга қимматбаҳо сарпо, олтиндан ишланган буюмлар, жавоҳирлар ва кўпдан кўп динорлар ҳам юборган.

Мордин ҳокими юқоридаги мулоқотлар ҳақида Миср султони Барқуққа хабар етказиш тараддуида бўлганида 1393 йили Амир Темур кутилмаганда орқага қайтиб ғарб томондан Бағдод устига ҳужум қилади.

Амир Темур билан Султон Барқуқ ўртасидаги расмий алоқалар 1385 йилдан бошланган эди. “Нисбатан қисқа муддатда—1386 йилдан то 1405 йилгача Амир Темур ҳамда Миср султони Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта мактуб ва элчилар алмашинуви бўлган”.

Қоҳирага Мордин ҳокимининг чопарлари келиб, Амир Темур Табризни эгаллагани, Султон Аҳмад ибн Увайс пойтахт Бағдодга чекингани ҳақида хабар етказдилар...Хатарли воқеалардан кейин Султон Барқуқ ўз қозилари, фақиҳлари ва амирларини йиғиб машварат қилди.Узоқ давом этган тортишувлардан кейин қўшиннинг зарурати учун вақф ерларидан бир йиллик ҳосилни йиғиб олиш ва ахборот тўплаш учун Сурияга йирик амирлар бошчилигида уч юз киши жўнатиш хусусида қарор қабул қилинди. Қўшиннинг асосий қисми йўлга тушишидан олдин шу тариқа илғор гуруҳ жўнатиш мамлукларнинг одати эди”

Манбалардаги хариталарда Хитой ва Ҳиндистон элчиларини йўлига назар солсак, XV-асрда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик йўли қадимги Буюк Ипак йўли билан туташганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бунда Егтисув, Фарғона ва Қоратегин йўналишлари асосий ахборот тармоқлари бўлган. Ҳирот ва Самарқанд эса ана шу йўналишдаги бош шаҳарлар бўлган.

Доминикан ордени монахи Франциск Амир Темурнинг ишончли кишиларидан бири бўлган. Унинг номи Амир Темурнинг Византия императори муовинига йўллаган мактубларида ва Француз қироли Карл VI, инглиз қироли Генрих IV номларига юборилган икки мактубида эслатилган. Бу монах Амир Темурнинг дипломатик вазифасини бажариш билан бирга унга Ғарб ҳақида маълумотлар келтирган. У ҳақда бошқа маълумотлар сақланмаган.

Европа қироллари билан бўлган ёзишмалардан очиқланадики, Амир Темурнинг қудратли оламшумул давлатнинг ҳукмдори сифатида обрўси ғарбда жуда юксак бўлган. Европа монархлари унга чуқур эҳтиром билан “энг шавкатли ва энг ғолиб подшо Темурбек”, дейдилар.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ҳам, ундан сўнг Шоҳруҳ ҳукмдорлиги чоғида ҳам Марказий Осиё билан Хитой ўртасида савдо-элчилик муносабатларининг ривожини, аввало, Мўғулистондаги сиёсий аҳвол билан бевосита боғлиқ бўлганлиги манбаларда кўрсатилади.

Мўғулистондаги ички низолар кўпинча карвонларнинг мунтазам қатновига тўсқинлик қилган. Гиёсиддин Наққош бу ҳақда, жумладан, шундай ёзади: “(Элчилар) Мўғул юртига қадам қўйдилар... Шу пайтда, Вайсхон Шермухаммад ўғлонга қасд қилиб, уни қатл этмоқчи

бўлганлиги ва шу сабабдан, Қулмуҳаммад ва яна баъзи бир мўғул амирлари Вайсхондан юз ўтирганлари, уларни қўллаб бутун улус оёққа турганлиги ҳақида хабар етди...Саккизинчи жумод ал-охирда (1420 йил 20 июнь) Вайсхоннинг элчиси бўлмиш Дожини Муҳаммадбекнинг ўғиллари талаганликлари ҳақида хабар келди. (Темурийлар) элчилари бундан ваҳимага тушиб,– биз шошилишимиз керак, токи тезроқ Хитой чегарасига етиб олайлик, деди”.

Бундан кўришиб турибдики, ахборот узатишнинг тарихий илдизлари ҳозирги кунда ахборот-технологиялари ҳамда ижтимоий тармоқлар тараққий этган бир даврда жамиятга ва аудиторияга сифатли ахборот узатиш тизимини яратишга асос бўлиб хизмат қилади. Тарихий манбаларга таянган ҳолда бунда қуйидаги таклифларимизни келтирамиз:

Биринчидан: ахборот узатишнинг ишончлилиги ва хавфсизлиги томонларини таъминлаш учун Амир Темур даври ахборот етказиш усулларини замонавий тадрижини ишлаб чиқиш. Ахборот узатувчи объект ва субъект бинобарида. Ваҳоланки, ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда ноҳолис ахборот оқими кўпайиб кетган. Мазкур методлар ахборот ҳолислигини таъминлаб, оммавий аудиториянинг хавфсиз ахборотлардан хабардор бўлишини юзага келтиради;

Иккинчидан: ҳар қандай ахборотнинг аниқ ва тезкорлиги муҳим аҳамиятга эга экан, Амир Темур давридаги ахборот узатиш усулларидаги аниқлик ва тезкорлик бинобарида хабарларни тезкорлигини ошириш тизимини яратиш. Ҳозирги кунда айрим хусусий телеканалларимиз ижтимоий тармоқлар ахборотни узатиб бўлганидан сўнг ҳам орадан икки ёки уч кун ўтиб кенг жамоатчиликка ҳудди ўша ахборотни тақдим этмоқда. Мазкур янги тизим ахборот узатишдаги оқсоқликларга чек қўя олади;

Учинчидан: Амир Темур даври ахборот узатиш усулларини алоҳида тадқиқ этиб, бўлғуси оммавий ахборот вакилларига қўлланма сифатида чоп этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, ёш кадрлар билими ва уларнинг дунёқарашининг кенглигида тарихий манбалар энг зарурий восита бўлиб хизмат қилади;

Тўртинчидан: Соҳибқирон Амир Темур даври ахборот узатиш технологияларининг йўл харитасини тузиш зарур. Мазкур харита тарихий даврда ахборот коммуникация тизимларини нечоғлик тараққий этганлиги хусусидаги янги маълумотлар тадқиқотларини тақдим этади;

Бешинчидан: Амир Темур ва темурийлар даври ахборот алмашинувларини дипломатик муносабатлар тадрижида ўрганиш методикасини яратиш. Хат ва мактублар, уларнинг ахборот алмашинувидаги ўрни, ҳолати, таъсири ва ўз навбатида буюк темурийлар империясидаги дипломатик муносабатларнинг ахборот узатиш усулларининг тараққиётига турткисини аёнлаш манбаларини юзага келтиради.

Амир Темур карвон йўлларининг хавфсизлиги учун ҳаракат қилиб, доимо ҳам яқин, ҳам узоқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга интиларди. У улкан ҳудудлар ва кўплаб мамлакатларни бир давлатга бирлаштириб, улар орасида узвий алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилган. Карвонлар қатнаб турган савдо йўллари эса қадимги Буюк Ипак йўли тармоқлари билан мос тушган. Ва бу ўз навбатида Амир Темур даврида ахборот узатиш усулларининг айна шу ҳудудларда раванқ топганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Клавихо. Кундалик, 88-90-бет.
2. Руи Гонзалес Де Клавихо “Амир темур Испания элчиси нигоҳида”.Таржимон У.Жўраев.-Тошкент.:”Замин нашр” нашриёти, 2019.-31-бет.
3. Ал-Мақризий. Ас-Сулук, 3-ж.,495-бет.
4. Муҳаммад Асадуллоҳ Сафёв. Темурланг, 155-б.; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 1-ж, 137-б.
5. Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений Средний Азии с Египтом, с.126.
6. Ал-Мақризий. Ас-Сулук, 564-бет.

XVIII ASRDA BUXORO XONLIGIDA XALQARO SAVDO MUNOSABATLARI

Samatova Lola Yusupovna, Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti Sharq sivilizatsiyasi va tarix fakulteti 1-kurs magistranti

Annotatsiya: Mazkur maqola Buxoro xonligining XVIII asrda kuzatilgan og‘ir siyosiy vaziyatga qaramay Sharq davlatlari va Rossiya imperiyasi bilan olib borgan tashqi savdo-iqtisodiy masalalariga bag‘ishlangan. Zero, boshqa asrlarga nisbatan aynan XVIII asrda Buxoro xonligining tashqi savdo aloqalariga oid ma‘lumotlar kam yoritilganligi mazkur masalani kengroq o‘rganishni talab etadi. Shu maqsadda rus tilidagi ayrim arxiv hujjatlarining yuqoridagi mavzuga tegishli ma‘lumotlari to‘planib, qisqacha talqin etilgan.

Kalit so‘zlar: savdo munosabatlari, Orenburg shahri, Rossiya imperiyasi, Hindiston, Eron, Afg‘oniston, Xitoy, “eskport” va “import” tovarlar, karvonsaroy.

Аннотация: Данная статья посвящается внешним торгово-экономическим отношениям Бухарского ханства, установленным в XVIII веке с Восточными государствами и Российской империей вопреки тяжелой политической обстановки. На основе русскоязычных источников собраны, а также кратко освещены сведения о совершенных ханством международных торговых связей.

Ключевые слова: торговые отношения, город Оренбург, Российская империя, Индия, Иран, Афганистан, Китай, “экспортные” и “импортные” товары, караван-сарай.

Abstract: This article is devoted to external trade and economic relations established by the Bukhara Khanate in the 18th century with the Eastern states and the Russian Empire despite the difficult political situation. On the basis of Russian-language sources, information about international trade relations was collected, as well as briefly covered.

Key words: diplomatic relations, trade relations, Orenburg city, Russian Empire, India, Iran, Afghanistan, China, “export” and “imported” goods, caravanseraï.

Asrlar davomida O‘rta Osiyo davlatlari o‘zining tarixiy, siyosiy, iqtisodiy va madaniy taraqqiyoti bosqichida qo‘shni davlatlar bilan o‘zaro aloqalarni o‘rnatishi muhim ahamiyat kasb etgan. Xususan, XVII asrdan XIX asrning 1-yarmigacha Buxoro xonligi Rossiya va Sin imperiyalari ta‘siri ostiga tushib, og‘ir siyosiy vaziyatni boshdan kechirgan bo‘lsada, diplomatik missiyalar, ekspeditsiyalarning o‘tkazilganligi hamda xalqaro savdoning keng yo‘lga qo‘yilganligi alohida e‘tiborga molikdir.

XVIII asr tarixini yoritib beruvchi bir qator sharq tillaridagi qo‘lyozmalar va rus manbalari (*elchilik hisobotlari, elchi va savdogarlarning ma‘lumotlari, shoh va xonlarning bir-birlariga hadyalari, tarixchi olim va tadqiqotchilarning asarlari*) dagi ma‘lumotlarga ko‘ra, Buxoro xonligi shu davrda Rossiya, Hindiston, Eron, Xitoy, Afg‘oniston bilan savdo va diplomatik aloqalarni keng yo‘lga qo‘ygan¹. Masalan, kelib chiqishi asli italiyalik bo‘lgan Rossiya elchisi Florio Benevini Buxoroning Eron bilan aloqasiga doir ma‘lumotlarni keltirgan bo‘lsa, uning xizmatkori Minerni esa Balx va Badaxshon bozorlarida buxoriy mollar bilan bir qatorda rus tovarlari hayron qoldirgan². Rus geografi P.I.Richkov Buxoroning Hindiston bilan savdo aloqasida Orenburg shahrining ahamiyatiga alohida urg‘u berib, mahalliy xalqlarning Orenburg va Buxoro orqali rus va boshqa tovarlarini to‘g‘ridan-to‘g‘ri va arzon narxda sotib olishi mumkinligini ta‘kidlaydi.

Shu o‘rinda qo‘shimcha qilish lozimki, XVIII asrning 1-yarmida Rossiyaning O‘rta Osiyo bilan savdo aloqalari kengayishida Orenburg shahrining qurilishi katta xizmat ko‘rsatgan. Zero, yangi Orenburg savdo yo‘lining ochilishi Orenburg shahrini Rossiya va O‘rta Osiyo o‘rtasida ayirboshlashning markaziga aylantirdi hamda to‘g‘ridan-to‘g‘ri rus-hind savdosini yo‘lga qo‘yishga imkon berdi. Rossiyada diplomatik topshiriqlarni bajarib yurgan buxorolik savdogar Irnazar

¹ Saidov A. Politicheskoye i sotsialno-ekonomicheskoye polojeniye Buxarskogo xanstva v XVII – pervoy polovine XVIII vv. Avtoreferat. Dushanbe, 2007. 30 b.

² Alimova R.R. O‘rta Osiyo xonliklarining qo‘shni davlatlar bilan diplomatik va savdo-iqtisodiy munosabatlari. T, 2017. 26 b.

Maksutov ko'plab tovarlarni Orenburgga olib borib, buxorolik va hind savdogarlarni Orenburg savdosiga jalb etishga muvaffaq bo'lgan.

Umuman olganda, ko'rsatilgan davrda Rossiyaning Buxoro xonligi bilan savdo munosabatlarining yaxshilanishi ushbu ikkala davlatning iqtisodiy va siyosiy sohalarda yaqinlashuviga olib keldi. Buxoro xonligining Hindiston bilan munosabati qo'shniçilikka asoslangan edi, Eron bilan esa uning o'z hududlarini kengaytirish uchun olib borgan qonli kurashlari sababli ancha murakkab bo'lgan.

Shunga qaramay, Buxoro xonligida savdo ishlarini olib borish uchun Afg'oniston, Eron Hindistondan vakillar tashrif buyurgan va turli savdo yarmarkalari o'tkazishgan. Hattoki Buxoroda hind savdogarlari istiqomat qilgan bir qator mavzalar ham mavjud bo'lgan. Buxoro va balxlik savdogarlarning o'zlari mol olib kelish uchun ko'pincha Hindistonga yo'lga chiqishgan. Hindistonga sayohat qilgan Fransua Berne ismli sayyohning so'zlariga ko'ra, Dehlining mevalar bozorida Eron, Balx, Buxoro va Samarqanddan keltirilgan quritilgan mevalar sotilardi¹. Shuningdek, hozirgi zamonaviy tilda ko'pgina va xilma-xil tovarlar "eksporti" va "importi" amalga oshirilgan². Jumladan, Buxorodan "eksport" qilingan tovarlar:

- Rossiyaga (xususan Orenburgga) – O'rta Osiyo va hind tovarlari, ipak va yarim ipak, ip gazlamalar, bo'z, qimmatbaho metall (*oltin, kumush*) va toshlar (*lazurit, olmos, yoqut, la'l, zumrad*), paxta va yigirilgan ip, xom teri va quruq mevalar;

- Eronga – Xitoydan keltirilgan kumush va reven (*quritilib kunchilikda ishqor sifatida ishlatiladigan ravoch*);

- Hindistonga – ipak, qunduz mo'ynali paltolar, xom teri, baliq tishlari, xom teri, har xil o'lchamdagi yoqutlar, noyob va betakror tovarlar, chinni idishlar, lochin qushlarini ushlab uchun qo'lqoplar, xilma-xil mevalar³.

Buxoro bozoriga "import" qilingan tovarlar:

- Rossiyadan – rus tovarlari, qimmatbahr metall (*oltin, kumush, temir, mis, po'lat, cho'yan*), mo'yna, charm, movut⁴;

- Erondan – qimmatbaho metall (*oltin, kumush, mis, qalayi, temir*) va toshlar (*marjon*), barxat, kamar, ipak, parcha matolari, zarbop, paxta matolari, Konstantinopol va Bombay shaharlarining "ambarbuy" ro'mollari, Angliya va Avstriya manufakturasida mahsulotlari, bodom, quruq mevalar⁵;

- Hindistondan – hind mollari, ipak va ip gazlamalari, naqshli va gulli matolar, parcha va paxta matolari, zarbop, ro'mollar, chodirlar, qimmatbaho metall (*oltin, kumush, mis, qalayi, temir*) va toshlar (*dur, zumrad, yoqut*), oltin va kumush quymalar, tilla suvi yurgizilgan xanjarlar, ziravor, yetmak ildizlari, hind shafrani (*zafaron guli*), shashka taxtasi bilan, sovuq qurollar, fillar tilla suvi yurgizilgan va kumushdan yasalgan egari bilan, oltin zanjirlar, qo'lda ko'tarib yuriladigan aravalar;

- Xitoydan – qimmatbaho metall (*mis, qalayi, temir*), choy⁶.

Shu yerda ma'lumot o'rnida aytish joizki, buxoroliklar tog'lardan ma'danlarni qazib olishning yangi texnologiyasi sirlarini bilmasliklari tufayli chetdan qimmatbaho metallarning keltirilishiga ehtiyoj sezganlar.

Rus soldati F.Yefremov o'zining "Devyatiletneye stranstvovaniye" kitobida Buxoro xonligida paxta yetishtirish va chorva mollari savdosiga ham o'z qiziqishini bildirgan. Bunda zotdor Buxoro otlari, tuyalar, ov itlari, ov qushlari Hindistonga, Qirg'izistonning tuya va qo'ylari, qorako'l terisi Eronga, Buxoro va Sheroz qorako'li terisi esa Rossiya bozoriga yetkazib berilgan. Buxoro qorako'l terisi eksport orqasidan shuhrat topgan va xon xazinasiga katta daromat keltirgan. Rus tadqiqotchisi

¹ Saidov A. Politicheskoye i sotsialno-ekonomicheskoye polojeniye Buxarskogo xanstva v XVII – pervoy polovine XVIII vv. Avtoreferat. Dushanbe, 2007. 47 b.

² Alimova R.R. O'rta Osiyo xonliklarining qo'shni davlatlar bilan diplomatik va savdo-iqtisodiy munosabatlari. T.2017. - 28 b

³ Saidov A. Politicheskoye i sotsialno-ekonomicheskoye polojeniye Buxarskogo xanstva v XVII – pervoy polovine XVIII vv. Avtoreferat. Dushanbe, 2007. 30 b

⁴ Muhammadjonov A.R., Ne'matov T. Buxoro va Xivanning Rossiya bilan munosabatlari tarixiga doir ba'zi manbalar. T, 1957. 11-13 b.

⁵ Remez I.A. Vneshnyaya torgovlya Buxari do mirovoy voyni. T, 1922. 18 b.

⁶ Remez I.A. Vneshnyaya torgovlya Buxari do mirovoy voyni. T, 1922. 18 b.

I.G.Georgi hindlar Buxoro otlarining har birini 30 dan 80 buxoro chervonigacha narxda sotib olishganini yozib ketgan.

Bundan tashqari, rus geografi I.Kirilov Buxoroni Osiyoning muhim savdo markazi ekanligiga to'xtalib, 200 savdogarlarning Buxoro va Eron orqali Rossiyaga borib savdo qilishgani haqida ma'lumot beradi. O'z navbatida, tashqi iqtisodiy aloqalarning o'sib borishi va Buxoro zaminiga turli mamlakatlar savdogarlarining oqimi xonlik hududidagi karvonsaroylar sonining oshishiga olib keldi. Bunga misol qilib, F.Benevenining 1722 yili ko'p savdo karvonlari Mashhaddan Buxoroga, Hirot va Isfaxonga jo'natilganligi haqidagi ma'lumotini keltirish mumkin. Shu bilan birga, Buxoroda xivalik, qo'qonlik, afg'on va rus savdogarlari bilan bir qatorda hindlar ham o'zlarining karvonsaroylariga ega bo'lishgan. F.Yefremovning sayohati davrida Buxoroda 4 ta g'isht karvonsaroylar borligi ta'kidlansa, rus sayyohi va ofitseri T.S.Burnashev davrida ularning soni 9 tagacha yetgan¹.

XVIII asrning oxirida Rossiya-Buxoro savdosining hajmini 1787-1796 yillarda ikki tomon o'rtasida olib borilgan tovar oborotidan ham ko'rish mumkin, ya'ni Rossiyadan Buxoroga 3 mln 680 ming 900 so'mlik mol chiqarilgan bo'lsa, Buxorodan Rossiyaga esa 4 mln 150 ming 900 so'mlik mahsulot chiqib ketgan².

Garchi Rossiya imperiyasi va Buxoro xonligi o'rtasidagi savdo aloqalari jonlanib borayotgan bo'lsada, lekin XVIII asr oxirida uning normal holda olib borilishiga xonliklarning o'zaro olib borgan feodal urushlari va savdo yo'llaridagi talon-tarojliklar ancha to'sqinlik qilardi³. Shu sababli savdo yo'llarining xavfsizligini ta'minlash va savdo munosabatlarini yanada mustahkamlash masalalari bu ikki davlat o'rtasidagi diplomatik aloqalarning asosiy vazifalaridan biriga aylandi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, XVIII asr Buxoro xonligi tarixining og'ir davrlaridan biri bo'lgan va bu xonlikning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotiga birmuncha salbiy ta'sirini ko'rsatgan bo'lsa ham, qadim zamonlardan beri qo'shni davlatlar bilan davom etib kelayotgan o'zaro manfaatli aloqalari uzilgani yo'q. Aksincha, Buxoro xonligi xalqaro savdo-iqtisodiy munosabatlarda O'rta Osiyo davlatlarining Sharq davlatlari va Rossiya imperiyasi bilan savdo aloqalarini olib borishi uchun vositachi rolini bajardi.

Shu bilan birga, O'rta Osiyoni egallash va u orqali dunyo bozoriga qulay yo'ldan chiqish maqsadida Rossiya imperiyasi tomonidan Buxoro xonligiga ko'p marotaba elchilik missiyalari va maxsus harbiy ekspeditsiyalari amalga oshirilgan. Buning natijasida sayyohlar, elchilar, harbiylarning yozib qoldirgan va qayd etgan ko'pgina yozma esdaliklari XVIII asrda xonlikning boshqa davlatlar bilan xalqaro savdo munosabatlari rivojlanganligini hamda savdo-iqtisodiy aloqalari keng yo'lga qo'yilganligini tasdiqlaydi.

XVI VEK: КОМПАРАТИВНЫЙ ПАНОРАМНЫЙ ОБЗОР ИСТОРИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ МИРА

Мараджанова Ф. Э., Старший преподаватель ТГПУ имени Низами

Мое знакомство с профессором Исхаковым М. М. состоялось в далеком 2000 году, когда я начала свою деятельность в качестве преподавателя в ТГПУ имени Низами. Судьба свела нас во время преподавания предмета «Археология». Мирсадык Мирсултанович читал лекции, а я вела семинары. В 2004 году началось мое научное изыскание по теме «Бухарское ханство во второй половине XVI века», руководителем которого стал профессор Исхаков М. М. Основным направлением работы, было раскрытие исторической личности Абдуллахана II Шейбанида. Интерес к значению исторической личности в жизни государства, ее влияние на социальные, экономические и культурные процессы страны,

¹ Alimova R.R. O'rta Osiyo xonliklarining qo'shni davlatlar bilan diplomatik va savdo-iqtisodiy munosabatlari. T.2017. 26-34 b

² Muhammadjonov A.R., Ne'matov T. Buxoro va Xivaning Rossiya bilan munosabatlari tarixiga doir ba'zi manbalar. T, 1957. 11 b.

³ Jukovskiy S.V. Snosheniya Rossii s Buxaroy i Xivoy za posledneye trexstotletiyе. Petrograd, 1915. 62 b.

появился у меня после прочтения книги «Сравнительные жизнеописания» Плутарха, рекомендованной профессором. На протяжении вот уже почти четверть века, личность крупного государственного деятеля, ее сравнение с другими деятелями, продолжает вызывать интерес и привлекает мое внимание.

Данная статья, это попытка провести параллель между правителями крупных государств мира XVI века, рассмотреть общее и различное в развитие стран, проследить взаимоотношения между государствами. И, естественно, обзор начну с Бухарского ханства и его правителя Абдуллахана II Шейбанида.

Чтобы положить конец политической раздробленности, в Бухарском ханстве необходимо было восстановить и усилить центральную власть. Этого нельзя было достичь без кровопролитной борьбы. В этой ситуации на политическую арену выходит сын шейбанида Султана Искандерхана, правитель Мианкаля Абдуллахан (1534-1598).

Большую поддержку Абдуллахану II в этой борьбе оказал влиятельный шейх Мухаммад Ислам (1493-1563), живший в селении Джуйбар близ Бухары. Мухаммад Ислам и его потомки по отцовской линии являлись потомками пророка Мухаммеда, а по материнской линии — Чингизхана и Джучихана. Благодаря высокому происхождению и влиянию в среде суфистов, джуйбарские шейхи занимали высокие государственные посты со времен Саманидов. Во второй половине XVI века шейх Мухаммад Ислам, а затем его сын шейх Абубакр Саид занимали в Бухаре пост шейх ул-ислама.

В 1556 году при поддержке Мухаммада Ислама Абдуллахану удалось занять бухарский трон. Мухаммад Ислам от имени Аллаха дал согласие действиям Абдуллахана. Хотя формально он объявил ханом сначала дядю Пирмухаммада, правителя Балха и Бадахшана, позже отца Искандерхана, государственные же дела вел сам Абдуллахан II. Официально правителем Бухарского ханства Абдуллахан стал после смерти отца в 1583 году.

Вся эпоха правления Абдуллахана II прошла в военных походах. Так, он завоевал и присоединил к своему государству Балх в 1574 году, Самарканд в 1578 году, Ташкент и Фергану в 1583 году, Бадахшан в 1584 году, Хорезм в 1595 году. Позже территория его государства расширилась на юге от Герата до Мешхеда, на севере — от Аральского моря и Каспия до Иссык-Куля. Таким образом, весь Мавераннахр, Хорезм и Хорасан объединился под властью единого правителя. К концу XVI века Бухарское ханство превратилось в централизованное государство. Недаром, в исторических записках того времени Абдуллахана II называли «собирателем земель».

Во внутренней политике Абдуллахан II ставил своей целью укрепление экономики и торговли. Денежная реформа, проведенная в несколько этапов, была успешной. Ликвидировала кризис денежного обращения, приостановила утечку за границу, создала условия для всех видов торговли: внутренней, транзитной, междугородной.

Абдулла-хан II был не только талантливым воином, но и выдающимся государственным деятелем. Он заботился об укреплении широких торговых связей Бухары (особенно с Россией и Индией), уделял большое внимание строительству монументальных зданий — медресе и ханака, торговых рядов и караван-сараяв, сардоба – водохранилищ и мостов. За годы его правления на территории ханства было возведено около тысячи строений. Абдуллахан был покровителем просвещения, при дворе жили и работали поэты, писатели, летописцы.

При Абдуллахане II узбекская государственность достигла высокого уровня своего развития.

Параллельно с Абдуллаханом II правили Акбар шах в Индии, Иван Грозный в России, Елизавета I в Англии, Султан Сулейман Великолепный в Османской империи, Ода Нобунага в Японии, шах Аббас I Великий в Иране, Генрих IV во Франции.

Проводя параллель с политической деятельностью Абдуллахана II вышеперечисленных правителей, следует отметить одну общую закономерность – это борьба за централизованное управление государством, завоевательные походы, с целью расширения своих владений, прекращение междоусобиц, экономические реформы, развитие внутренней и внешней торговли.

Владения Великих Моголов в начале правления Акбар шаха включали области вокруг Агры и Дели, восточную часть Пенджаба и район Кабула в Афганистане. К началу XVII века они охватили всю Северную Индию и другие области.

Основным соперником Ирана была Османская империя. Шах Аббас I в результате наступления на Турцию захватил Тебриз, Джульфу, Нахичевань и Ереван, затем отвоевал Азербайджан, Восточную Армению и Восточную Грузию. В годы его правления Иран стал могущественным государством.

Целями внешней политики Ивана Грозного было пробиться к Балтийскому морю, обеспечить безопасность южных границ Руси от набегов татар и расширение границ государства. Результатом такой политики стало превращение России в огромную державу, включившую земли Казанского и Астраханского ханств, Западной Сибири от Ледовитого океана до Каспийского моря, хотя выхода к Балтийскому морю царь так и не добился.

Правитель Османской империи Сулейман I всегда мечтал о военной славе. За время правления он провел 13 военных походов, 10 из которых в Европе. Сулейман полностью подчинил себе Венгрию, Боснию и Герцеговину, Словению и Трансильванию, Австрия платила дань империи.

Основной задачей реформ Оды Нобунаги была подрыв материальной базы и сепаратизма феодалов и провинций Японии, развитие внешней и внутренней торговли, политическое объединение и обеспечение единства страны.

Франция в этот период времени не могла вести завоевательные войны из-за религиозной войны внутри страны, конец кровопролитию положил Генрих IV Наваррский, подписав в 1598 году Нантский эдикт. Королева Англии Елизавета I не ходила в военные походы, но это была эпоха развития торгового флота и английского пиратства. В царствование Елизаветы был дан мощный толчок строительству флота, активизировалась деятельность Англии на морях.

Создание централизованного государства, прекращение междоусобиц в свою очередь приводили к подъему экономики и развитию науки и культуры. Практически во всех перечисленных государствах были проведены денежные реформы.

Абдуллахан II провел денежную реформу в несколько этапов. Централизовал чекан серебряных монет, наладил чекан медных монет для городской торговли, организовал регулярный выпуск золотых монет и контролировал их чекан в Бухаре, уделяя особое внимание сохранению высокой пробы.

Акбар шах тоже принимал меры для развития торговли. Во всем государстве были введены единые меры и денежные единицы, налажен чекан серебряной монеты с шахадой.

В Иране Аббас I провел монетную реформу. Новая монета – аббасий- содержала 1 мискаль (4,6 гр) серебра и равнялась 200 динарам; 1 туман = 10 000 динаров или 50 аббасий. Так же в стране продолжали ходить монеты разной чеканки и ценности.

Ода Нобунага наряду с завоевательными походами против сепаратистов страны, проводил реформы, в том числе и финансовую. В годы его правления было урегулировано денежное обращение, рис перестал выступать в качестве единицы (предмета) обмена. Ввел в обращение систему золотых, серебряных и медных монет, право чекана монет переходило правительству сёгуна. Между золотом, серебром и медью было установлено соотношение.

Отмечая государственную деятельность правителей, следует обязательно отметить их вклад в развитие культуры и науки. Надо сказать, что все перечисленные правители были великими полководцами, государственными деятелями и покровителями культуры. Абдуллахан II, Султан Сулейман сами писали стихи, Акбар шах занимался переводами стихов с персидского на санскрит, Аббас шах интересовался европейской культурой и техникой. Впервые в истории Иран посылал молодых живописцев в Италию для изучения «франкского» искусства.

Обобщая вышеизложенное, следует отметить тот факт, что XVI век подарил миру великих правителей своего времени, внесших огромный вклад в становление и развитие своего государства, установлению межгосударственных политических, экономических и

торговых связей. Было построено огромное количество крупных архитектурных сооружений, дошедших до наших дней, красота и величие которых восхищают до сих пор. Каждый правитель получил в истории высокое звание. Султан Сулейман Великолепный, а годы его правления Великолепный век Османской империи. Абдуллахана II летописцы назвали «собирателем земель». Акбар Великий или «национальный падишах». Аббас I Великий из династии Сефевидов. Генрих IV Великий, основатель династии Бурбонов. Елизавета I получила звание «Великая правительница церкви и мирских дел». В истории Японии Ода Нобунага считается одним из выдающихся самураев японской истории.

ТУРИЗМ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАРТЛАРИ

Савриева Мадина Хакимовна, Бухоро Осие Ҳалқаро университетини иқтисод йўналиши магистри

Аннотация: Туризм сиёсати давлатнинг умумиқтисодий ва ташиқи алоқалар сиёсатида муҳим рол ўйновчи омилдир. Чунки давлатлар ўртасидаги барча алоқаларни ривожлантиришида туризм муҳим рол ўйнайди. Давлатнинг туризм соҳасига қизиқишига ва эътибор беришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар иқтисодий, ижтимоий, моддий ва атроф - муҳит омиллари. Республикамизда ушбу омилларнинг ривожланиши учун ҳукумат томонидан бир қанча қонунлар, фармонлар чиқарилган.

Калит сўзлар ва иборалар: минтақавий туризм, сармоя, координация, стратегик сектор.

Аннотация: Туристическая политика - это фактор, играющий важную роль в политике общих и внешних отношений государства. Потому что туризм играет важную роль в развитии связей между государствами. Несколько факторов влияют на интерес и внимание к туристическому сектору государства. Это экономические, социальные, материальные и экологические факторы. Для развития этих факторов в нашей республике правительством издано несколько законов и постановлений.

Ключевые слова и понятия: региональный туризм, капитал, координация, стратегический сектор.

Annotation: Tourism policy is a factor that plays an important role in the politics of public and foreign relations of the state. After that, tourism plays a vital role in the development of the world economy. Neskolko faktorov vliyayut na interes i vnimanie k turisticheskomu sektor gosudarstva. These are economic, social, material and ecological factors. Dlya razvitiya etikh faktorov v nashey respublike pravitelstvom izdano neskolov zakonov i postanovleniy.

Key words and concepts: regional tourism, capital, coordination, strategic sector.

Жаҳонда минтақавий туризмни инновацион ривожлантириш, туристик хизматларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, туризм хизматлар бозорида минтақавий туризмнинг ривожланиш йўналишларини белгилаш, миллий иқтисодиётда унинг ривожланиш кластери моделини ишлаб чиқиш, минтақаларнинг инвестицион туристик жозибадорлигини ошириш, замонавий туризм инфратузилмаларини шакллантириш, минтақаларда туризм хизматлари самарадорлигини ошириш услубиётини такомиллаштириш зарур бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида туристик хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида “...туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш...” белгиланди. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши макродаражада туризм соҳасини ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш,

аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида минтақавий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда “минтақа” ва “минтақавий туризм” тушунчаларининг таърифлари ижтимоий-иқтисодий география, минтақавий иқтисодиёт, давлат бошқаруви назариялари, сиёсатшунослик каби адабиётларда тадқиқотчи олимлар томонидан турлича изоҳланган. Таъкидлаш лозимки, “минтақавий туризм” тушунчасини ўрганиш жараёнида мамлакатимиз минтақаларидаги туризм салоҳиятини тадқиқ қилиш, бевосита минтақалар бўйича туризмнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмагани маълум бўлди. Бизнингча “минтақавий туризм” - бу туристик хизматлар тақдим этиладиган, турист учун алоҳида қизиқиш уйғотадиган, табиий-иқлимий, маданий ва тарихий ресурслар, кўнгилочар ёки бошқа мажмуалардан фойдаланган ҳолда туристлар эҳтиёжларини қондириш имкониятларига эга бўлган ўзаро чегарадош, бир гуруҳ мамлакатлар ёки вилоятлардан иборат бўлган худуд туризми ҳисобланади. Туристлик минтақа туристлар ёки туристлар гуруҳи томонидан танланган, диққатга сазовор жойлар ва туристик объектлар ҳамда уларга мослашган хизматлар тўплами тақдим қилинадиган жой ҳисобланади.

Бугунги кунда давлатнинг туризм билан қизиқиши ва туризм соҳасига қилаётган зарурий эътиборининг иқтисодий, ижтимоий, атроф - муҳит ва маданий омиллари мавжуд:

1. Иқтисодий омиллар. Туризм, шахсий истеъмолда муҳим ўрин тутди; туризм ишлаб чиқариш ҳажмини оширади; туризм, мамлакатнинг ривожланиш ҳолатлари фарқли бўлган худудлар ўртасида бир мувозанат қуришга имкон яратади; туризм соҳаси инсонларга фойдали ва фойдасиз иш ўринлари яратиб беради ҳамда мамлакатга валюта оқимини олиб келувчи фаолиятдир.

2. Ижтимоий омиллар. Туризм; ишлаб чиқариш омили бўлган инсон кучининг дам олишига шароит яратиб бермоқда; сармоя, табиий бойликлар ва бошқа ишлаб чиқариш омилларининг қўлланилишига муҳит яратмоқда; инсонларнинг тушунчаларини, дунёқарашини ривожлантирувчи, бўш вақтларидан унумли фойдалантирувчи бир фаолиятдир; ҳаёт шароитлари турли бўлган давлатларда, бир давлатнинг фарқли вилоятларида яшовчи инсонлар ўртасида, танишиш, бир-бирини тушунишга имкон берувчи бир хабарлашиш кўпригидир; турист қабул қилган давлат, вилоятнинг ижтимоий туризмини, урф-одатларини ўзгартиришга таъсир кўрсатади.

3. Атроф-муҳит билан боғлиқ омиллар. Туристлик фаолиятлар: турист қабул қилган давлатнинг атроф-муҳитига ижобий ва салбий таъсир кўрсатмоқдадир; бино, йўл каби сабаблар билан макон тугатувчи фаолиятдир; табиий муҳитнинг сифати, тарихий асарлар, табиат гўзалликлари бузилиши мумкин.

4. Маданий омиллар. Туризм зиёрат қилувчи кишиларнинг маданиятларига таъсир кўрсатади; маданий бойликларга ютуқлар келтира олиши ёки маданий бойликларга зарар келтириши мумкин; кишиларнинг хулқ-атворини ва хатти-ҳаракатларига бир қанча ўзгартиришлар юзага келтирувчи инсонларнинг тушунчаларига таъсир қилиши мумкин; туризм режаси; ташкилот; авторитет; координацион; ўзгарувчанлик; атроф-муҳит алоқалари; мувозанат; инсон алоқалари; назорат; иқтисодий, рационал ва глобал вазифалардан иборат.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши жаҳон бозорларида туризм соҳасидаги кескин ўзгаришлар даврига тўғри келди. Жаҳонда туризм иқтисодиётнинг аҳамиятли тармоқларидан бирига айланди. Туризм индустрияси миллионга яқин ишчи ва хизматчиларни иш жойлари билан таъминлаб, улар касб маҳоратининг ўсишига имкониятлар яратиб бермоқда. Шунини айтиб ўтиш керак ки, бу соҳада иш билан таъминланиш бошқа соҳаларга қараганда икки баробар тез ўсмоқда.

Ички ва халқаро туризм ривожланиши тартибсиз равишда содир бўлмайди. Бу бошқарилиши керак бўлган инсон фаолиятининг махсус шаклидир. Туризм индустриясида бошқарувнинг ривожланишига ижтимоий-иқтисодий, техник ва технологик омиллар таъсир

қилади. Масалан, иқтисодиёт берадиган даромадларсиз туризмнинг оммавийлигига эришиб бўлмайди, демак бошқарилиш воситаси ҳам мавжуд бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ва бозор муносабатлари ривожланиши натижасида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар юзага келаётганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграцияланиши мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, туризм соҳаси мамлакат хазинаси учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан бирга аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Республикамиз халқаро туризм бизнесидаги имкониятларининг катталиги билан қўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг географик ўрни ниҳоятда қулай, ажойиб табиий иқлим шароитига эгаллиги инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутади. Ўзбекистон нодир тарихий архитектура ёдгорликларига, ширин-шакар мевалар, хилма-хил таомлар, ажойиб миллий анъана, урф-одатга эга бўлган меҳмондўст халққа эга. Буларнинг барчаси хорижий туристлар эътиборини ўзига жалб этади ва кишиларни лол қолдиради. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистонда мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Аммо халқаро туризм тараққиёти даражасини юқори босқичга олиб чиқишда ҳали кўп ислохотларни амалга ошириш, кечиктириб бўлмас чораларни белгилаш ва уларни жадаллик билан ҳаётга татбиқ этиш лозим.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида туризм бизнесини ривожлантириш чора-тадбирлари давлат томонидан белгиланган бўлиб, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Шу билан бир вақтда халқаро туризмни ривожлантиришда амалга оширилиши муҳим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат:

- туризм бизнесида кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятдан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорларга чиқишга интилиш;

- маҳаллий ахборот агентликлари орқали ривожланган мамлакатларни Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини таништиришга ҳаракат қилиш;

- туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни бир йилда камида бир марта хорижда малака оширишга юбориш, ўқитиш, улар учун барча имкониятларни яратиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

- республикамиз вакилларининг Европа мамлакатларида ўтказиладиган туристик ярмаркаларда доимий равишда иштирок этишини таъминлаш;

- халқаро туристик ташкилотлар билан ахборот алмашишни яхшилаш, биргаликда фаолият юрита оладиган давлатлар билан қўшма корхоналар, компаниялар тузиш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш;

- ички туристик бозорда ўзаро рақобатни янада кучайтириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоятда зарур бўлиб, унинг имкониятларидан келиб чиқиб, туризм соҳаси орқали аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш учун янги иш ўринларини ташкил қилиш мумкин бўлади. Бу мақсадга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами жуда кенг.

Туризмни иқтисодий самарадорлиги давлат миқёсида туризм ташкилотларидан, минтақа аҳолисини туристик хизмат кўрсатишдан, туристик фирмаларни ишлаб чиқариш фаолиятдан олинadиган иқтисодий самарани ифодалайди. Туризм жаҳон бозорида хизматлар савдоси каби мамлакат тўлов балансида мос равишда ҳисса қўшувчи кўринмас экспорт деб ҳисоблаш мумкин. Туристлар томонидан тушадиган валюта миқдори мамлакатдан олиб чиқиладиган валюта сўммасидан ортиқ бўлса бу ижобий жараён ҳисобланади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда доллар юқори харид қобилиятига эга бўлиб турмоқда, табиийки бу хол чет эл туристларини жалб қилишга ва туристик экспортни оширишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида ялпи миллий маҳсулотни ортишига имконият

яратади (ЯММ). Ўзбекистонга чет эл туристларини жалб қилиш бўйича амалга ошилаётган сай-ҳаракатлар тўлов баланси ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади.

Туризм сиёсати давлатнинг умумқисодий ва ташқи алоқалар сиёсатида муҳим рол ўйновчи омилдир. Чунки давлатлар ўртасидаги барча алоқаларни ривожлантиришда туризм муҳим рол ўйнайди. Давлатнинг туризм соҳасига қизиқишга ва эътибор беришга бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар иқтисодий, ижтимоий, моддий ва атроф - муҳит омиллари. Республикамизда ушбу омилларнинг ривожланиши учун ҳукумат томонидан бир қанча қонунлар, фармонлар чиқарилган. Лекин уларнинг аксарияти ҳанузгача ҳаётга татбиқ қилинганлари жуда камдир. Шунинг учун асосий эътиборни малакали ходимларни тайёрлашга эътибор қаратиш зарурдир.

AFG‘ON DAVLATCHILIGIDA LO‘YE JIRG‘ALAR CHAQIRILISH TARIXI VA UNING SIYOSIY AHAMIYATI.

Fayzullayev Aziz Husan o‘g‘li, Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti Sharq mamlakatlari tarixi va antropologiyasi kafedrasida tayanch doktoranti

Аннотация Jirg‘alar mavzusi Afg‘oniston tarixida muhim o‘rin tutadi. Biz bu mavzuni o‘rganar ekanmiz, butun bir xalqning urf-odat, madaniyati va an‘analariga murojaat qilamiz. Chunki, Afg‘oniston davlatchiligi, uning siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy hayotida ularning an‘analari va urf-odatlarini muhim o‘rinni egallaydi va qabila rahbarlarining muhim qarorlari ham aynan shu odatlarga asoslanishini ko‘rsatadi. Bu maqolada xalqning kundalik turmushidan tortib to siyosiy masalalargacha bo‘lgan savollar muhim kengash bo‘lmish jirg‘alarda hal etilgani Afg‘on davlatchilik tizimining o‘ziga xosligini va uzoq o‘tmishga borib taqalishini isbotlaydi.

Kalit so‘zlar. Jirg‘a, Lo‘ye jirg‘a, Konstitutsiya, urug‘, qabila, partiya, AXDP

Annotation. The topic of jirgas occupies an important place in the history of Afghanistan. When we study this topic, we refer to the customs, culture and traditions of an entire people. Because their traditions and customs occupy an important place in the statehood of Afghanistan, its political, economic, and social life, and it shows that the important decisions of the tribal leaders are based on these customs. The fact that the questions were resolved in jirgas, an important council, proves the uniqueness of the Afghan state system and its long history.

Keywords. Jirga, Loya jirga, Constitution, clan, tribe, party, PDPA

Аннотация. Тема джирг занимает важное место в истории Афганистана. Когда мы изучаем эту тему, мы обращаемся к обычаям, культуре и традициям целого народа. Потому что их традиции и обычаи занимают важное место в государственности Афганистана, его политической, экономической и общественной жизни, и это свидетельствует о том, что важные решения племенных вождей основываются на этих обычаях. То, что вопросы решались на джиргах, важный совет, доказывает уникальность афганской государственной системы и ее долгую историю.

Ключевые слова. Джирга, Лойе джирга, Конституция, клан, племя, партия, НДПА

Kirish. Lo‘ye Jirg‘a atamasi ikki o‘zakdan iborat bo‘lib, Loyi so‘zi pushtun tilida “buyuk”, “bosh” degan ma‘nolarni anglatadi. Jirg‘a esa – dariy tilida “guruh”, “qavm”, “elat” ma‘nolarini bildiradi. Demak, Lo‘ye Jirg‘a “buyuk qurultoy”, “milliy kengash”, “oliy kengash” ma‘nolarini anglatadi[1]. Buning tarjimasi borasida ham ko‘pgina fikrlar bor. Rus olimlarining fikricha, bu so‘zlarning ma‘nosi “asosiy guruh”, “asosiy to‘da” degan ma‘nolarni anglatadi[2]. Jirg‘alar uzoq tarixiy ildizga ega bo‘lsa-da ko‘pchilik olimlar XVIII asrdan jirg‘alar davlatchilikning ajralmas siyosiy elementiga aylanganligi ta‘kidlaydilar. Jirg‘alar mamlakat va millatning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy taraqqiyotini, davlat taqdirini uning ichki va tashqi siyosiy yo‘nalishini belgilab berish, mamlakatning harbiy va huquqiy muammolarini hal qilish uchun shoh tomonidan chaqirilgan. Loyi jirg‘ada mamlakatning barcha viloyat va okruglarining rahbarlari, qabila diniy rahnamolari, ko‘zga ko‘ringan ulamolar, siyosat va davlat arboblari ishtirok etadi. Mamlakatda asosiy qonunchilikni

yaratish va uni shakllantirishda jirg'alarning ahamiyati beqiyosdir. Afg'onistonda Konstitutsiya bo'lmagan vaqtlarda asosiy qonunchilik ro'lini jirg'alar bajarar edi.

Tadqiqot usullari. Mavzuni o'rganish jarayonida yangicha fikrlash hamda ilmiy tafakkurning umumbashariy tamoyillariga, bo'lib o'tgan voqealarni o'zaro dialektik aloqadorlikda deb qarashga asoslanildi. Mavzuni yoritishda milliy va umuminsoniy qadriyatlar uyg'unligiga, milliy mafkura nuqtai nazaridan yondashishga alohida e'tibor qaratildi. Tadqiqotda tarixiylik, xronologik uzviylik, tarixiy-qiyosiy tahlil metodlariga amal qilindi. Jirg'alarni o'rganishning nazariy asoslariga e'tibor berishda asosan, tarixiy-falsafiy qarashlar va uslublarga ham jiddiy e'tibor berildi.

Natija. Rasmiy ma'lumotlarga ko'ra, hozirgi paytda ham mamlakatning deyarli 2,5 million aholisi ko'chmanchi va yarim ko'chmanchi hayot kechirishadi. Bu ko'chmanchilar hayotlarida jirg'alarning roli juda ham muhimdir. Afg'oniston hududida ko'chmanchi tarzda yashovchi aholi o'z muammolarini sabha jirg'alarda hal etar edilar. Jirg'a chaqirilishi bir necha kun oldin aytib qo'yilar va unga urug' oqsoqollari tayyorgarlik ko'rar edilar. Jirg'alar odatda kunning ertasida boshlanib, muammo hal etilmaguncha davom etar, agarda muammo to'liq hal etilmasa, jirg'aning keying majlislari chaqirilar edi. Ko'chmanchi tarzda yashovchi qabilalar uchun bu kabi jirg'alarning ahamiyati katta edi. Ular nima desalar shunga bo'ysunar edilar. Bu afg'on jamiyatidagi jirg'alarning o'ziga xos xususiyati edi.

Lo'ye Jirg'aning Afg'oniston davlatchiligidagi tarixiy ahamiyati ham beqiyosdir. Aynan birinchi afg'on davlati ham 1747-yilda Lo'ye Jirg'a majlisidan so'ng tuzilganligi e'lon qilingan edi[3]. Mamlakat siyosiy hayotiga oid asosiy masalalar aynan shu jirg'ada hal etiladi. Endilikda butun boshli mamlakat inqirozli holatga tushib qolsa yoki muhim vazifa bajarilishi zarur bo'lgan davrda jirg'alarning bu turiga murojaat etamiz.

Afg'onistonda urug'-qabilachilik strukturasi hozirgacha saqlanib qolgan. Ko'pgina elatlar qabilalarga, qabilalar esa, o'z navbatida, jamoalar, urug'-aymoq, avlodlarga bo'linadi. Uyushgan qabilalar va qabila guruhlar ham bor. Mamlakatning iqtisodiy jihatdan qoloqligi, deyarli yoppasiga savodsizlik, din ta'sirining kuchliligi aholi orasida qoloq an'analarning feodal qoldiqlari va urug'-qabilachilik munosabatlarining saqlanib qolishiga sabab bo'ldi. Bu yerda urug'chilik-qabilachilik aloqalari va eskilik sarqitlarining barqarorligi deyarli barcha millatlar va elatlarga xosdir. Dehqonchilik, chorvachilik va savdo bilan shug'ullanuvchi tojiklar bilan o'zbeklar orasida bu narsa kamroq sezilgan holda, pushtunlar, hazoralar, choraymoqlar, balujlar, turkmanlar, qirg'izlar orasida bu milliy-etnik urf-odatlar ko'proq saqlanib qolgan; ko'chmanchi aholining asosiy qismi esa ayni shu millatlarga va qabila guruhlariga mansub kishilardir.

Ularning hayotida Lo'ye Jirg'a eng muhimi hisoblanadi. Chunki ularning yashash tarzi va turmushida Lo'ye Jirg'a keskin burilish yasashi mumkin edi. Afg'oniston davlatchiligiga nazar tashlasak, Lo'ye Jirg'alar qanchalik muhim ahamiyat kasb etishini ko'ramiz.

Loyi jirg'aning chaqirilish tarixini o'rganar ekanmiz uning juda qadimiyligini ko'rishimiz mumkin. XV-XVII asrlarda esa jirg'alar orqali muhim qaror qabul qilish jarayoni ancha ko'payganligini sezish mumkin. Bunda asosan Boburiylar va Safaviylar Afg'on zamini va shaharlari uchun raqobat qilishadi va ushbu holat mustaqil Afg'on davlati tuzulgunga qadar davom etadi. Ammo zamonaviy davrga kelib jirg'aning funksiyasi va ta'sir doirasi kuchayib kelganini va evolutsion jarayonlarda muhim o'zgarishlarga uchraganligini anglash qiyin emas. Bunga birgina misol qilib Muhammad Najibullo tomonidan chaqirilgan Lo'ye Jirg'ani olishimiz mumkin. Najibullo 1987-yilning noyabr oyida jirg'a chaqiradi[4]. Bu vaqtda mamlakatning siyosiy-ijtimoiy holati o'ta og'ir vaziyatda bo'lib, fuqarolar urushi davom etar edi. Bu vaziyatda hukumat jirg'a vositasida vaziyatni yengillashtirishga harakat qiladi. Avvalambor, bu jirg'ada respublikaning nomini Afg'oniston Demokratik Respublikasidan Afg'oniston Respublikasiga o'zgartiriladi.

Jirg'ada barcha partiyalarga mamlakat siyosiy hayotida ishtirok etishga ruxsat beriladi. Mamlakatdagi qarama-qarshiliklarga barham berish uchun hukumatga qarshi bo'lgan barcha muxolifat kuchlar jirg'aga taklif etiladilar. Muxolifat kuchlarning faol harbiy va siyosiy harakatlari tufayli mamlakatda urush davom etar, mamlakat iqtisodiyoti esa achinarli holga kelib qolgan edi. Bu davrda sovet qo'shinlari mamlakatda muxolifat kuchlar bilan jang qilib, kommunistik tuzumni saqlab qolishga intilar edi. Ammo jirg'ada bu vaziyatni keskin o'zgartirish uchun muhim qarorlar

va qonunlar qabul qilinadi. Bunga misol qilib, Afg'onistondan sovet qo'shinlarining olib chiqilishi borasida aniq qarorlar qabul qilinishini, muxolifat vakillari bilan kelishuv siyosati olib borish belgilanishini aytib o'tishimiz mumkin. Shundan so'ng mamlakatning siyosiy vaziyati ancha o'zgardi. Jirg'adan ko'p o'tmay sovet hukumati ham Afg'onistondan sovet qo'shinlarining olib chiqilishi to'g'risidagi yakunlovchi qarorni qabul qildilar.

Hukumatga qarshi bo'lgan ko'pgina siyosiy kuchlar bilan milliy yarashuv amalga oshirildi. Mahalliy aholining ko'pchiligi hukumatni qo'llab-quvvatlay boshladi. Bundan tashqari, jirg'ada mamlakat Konstitutsiyasi ham muhokama etilib, Afg'oniston tarixida yana bir Konstitutsiya qabul qilindi. Ana shunday inqirozli holatda Najibullo tomonidan milliy yarashuv siyosati o'ylab topildi. Bu siyosatni amalga oshirish mushkul edi, chunki Najibullo ham kommunistik tuzum davomchisi bo'lib, AXDP ning yirik vakili hisoblanar edi. Muxolifat kuchlarning asosiy maqsadi mamlakatdan kommunistik hukumatni chetlashtirish va jamiyatda islom rolini oshirishdan iborat edi. Najibullo tomonidan chaqirilgan jirg'ada islom dini jamiyatning asosi deb e'lon qilinadi va muxolifat kuchlarga milliy yarashuv taklif qilinadi. To'g'ri, bu siyosat ijobiy natija bermagan bo'lsada, lekin mamlakatning siyosiy hayoti qisman o'zgaradi.

Ko'rib turganimizdek, jirg'a majlislari, xususan Lo'ye Jirg'alar mamlakatning istimoiy-siyosiy hayotida muhim ahamiyat kasb etib kelgan. Afg'oniston tarixida 1708-yilda Qandahorda xotak qabilasining rahnamosi kalontar (oqsaqol) Mir Vays tomonidan chaqirilgan jirg'a birinchi Lo'ye Jirg'a hisoblanadi. Lo'ye Jirg'ada nosir, tarin, boburiy, kokar, alkozay va boshqa qabilalar ishtirok etishgan. Unda shu paytgacha Afg'onistonda hukmronlik qilib kelayotgan Eron Safaviylari hukmronligiga qarshi Afg'oniston ozodligi va mustaqilligi uchun qo'zg'alon ko'tarishga qaror qilindi. 1709-yilning aprel oyida Qandahorda ko'tarilgan umumxalq qo'zg'aloniga Mir Vays rahbarlik qildi. Qo'zg'alon natijasida safaviylarning Afg'onistondagi hokimi va uning armiyasi yakson etildi. Bu qo'zg'alon natijasida Qandahor mustaqil knyazlik deb e'lon qilindi. Bu knyazlik Afg'oniston mustaqil davlatining shakllanish jarayonlarida ro'y bergan muhim bosqichlardan biri edi.

Ikkinchi Lo'ye Jirg'a 1747-yil oktabr oyida Nodirobod (Qandahor yaqinida) shaharchasidagi Shir Surh mozorida chaqirildi. Unda abdali va gilzoy qabilalarining eng nufuzli qabila boshliqlari, ko'zga ko'ringan ulamolarning vakillari, taniqli xonlar ishtirok etgan. Loyi jirg'ada Afg'oniston shohini saylash masalasi muhokama qilindi. Loyi jirg'ada Jamolxon barakzoy, Muhammadxon populzoy, Musoxon Is'hoqzoy, Nasrulloxon gilzoy kabi yirik qabila boshliqlari yig'ilgan edi. Ularning har biri Afg'oniston podsholigiga davogar bo'lish imkoniyatiga ega edilar. Jirg'ada Axmadxon sadozoy ham ishtirok etdi. Jirg'a sakkiz marta majlis o'tkazdi. Nomzodlar har tomonlama muhokama qilindi. Ammo Afg'oniston podsholigiga kimni saylash masalasida umumiy qarorga kelinmadi.

Lo'ye Jirg'aning to'qqizinchi majlisida ko'zga ko'ringan ulamo shayx Bobo Sobir birinchi marta Axmadxonni shohlik taxtiga saylashni taklif etdi. Uning bu taklifi jirg'a ishtirokchilari tomonidan qo'llab-quvvatlandi. Shundan so'ng Bobo Sobir toj o'rniga bir dasta pishgan bug'doy boshog'idan yasalgan chambarakni Axmadxonning sallasiga o'rnatib qo'ydi. O'sha vaqtdan boshlab Afg'onistonning davlat gerbida bug'doy boshog'ining ramzi bor. Aynan davlatning ramziy belgilari ham Loyi jirg'ada belgilangan[5].

Uchinchi Loyi jirg'a birinchi ingliz-afg'on urushi paytida 1841-yil 23-dekabrda Kobulda chaqirilgan. Jirg'ada Afg'onistonning suvereniteti, hududiy yaxlitligini saqlab qolish, Angliyaga qarshi mamlakat ozodligi uchun urush e'lon qilish va inglizlarni mamlakatdan haydab chiqarish to'g'risida qaror qabul qilindi[6].

To'rtinchi Lo'ye Jirg'a amir Sheralixon hukmronligi davrida hukumatni legitimatsiya – qonunlashtirish maqsadida chaqirilgan. Loyi jirg'ada ikki mingta vakil ishtirok etgan.

Beshinchi Lo'ye Jirg'a 1873-yilda chaqirildi. Jirg'a majlisida Angliyaning amir Sheralixon bilan o'z munosabatlarini yaxshilash, siyosiy masalalar bo'yicha muzokaralar olib borish maqsadida o'z vakilini Qobulga yuborish taklifi muhokama qilindi. Jirg'a ishtirokchilari Angliya vakilining Qobulga kelishiga qarshi bir ovozdan qaror qabul qilishdi. Ayni vaqtda

Angliyaning Eron-Afg'oniston tomonlarining Gilvend suv resurslaridan foydalanish xususida arbitraj xay'atining Seistonda chiqargan qaroriga rozi emasliklarini ham bildirishdi[7].

Oltinchi Lo'ye Jirg'a 1880-yil 20-iyulda Kobuldan 60 km shimolda joylashgan Chorikor rayonida chaqirilgan. Jirg'a majlisida Afg'onistonning ko'zga ko'ringan, salohiyatli qabila boshliqlari qatnashdi. Jirg'a Abdurahmonxonni amir deb e'lon qildi. Shundan so'ng amir Abdurahmon Afg'onistonda markazlashgan mustaqil davlat qurishga erishdi[8].

Yettinchi Lo'ye Jirg'a 1915-yilda Kobulda amir Habibullaxon davrida chaqirildi. Unda birinchi jahon urushida Afg'onistonning betaraflik siyosati rasman e'lon qilindi.

Navbatdagi sakkizinchi Lo'ye Jirg'a 1923-yil 19-aprelda Jalolobodda amir Omonullaxon hukmronligi vaqtida chaqirildi. Unda Afg'oniston tarixida birinchi Konstitutsiya qabul qilindi. Afg'onistonda endi Konstitutsiyaviy manarxiya o'rnatildi.

1924-yil iyul-avgust oylarida Pag'monda to'qqizinchi Lo'ye Jirg'a chaqirildi. Jirg'a majlislarida amir Omonullaxon va uning hukumati bo'lmish "Yosh afg'onlar" tomonidan ilgari surilgan qator va qonun loyihalari muhokama qilindi. Garchi qonun loyihalari ma'qullangan bo'lsa-da, keyinchalik konservativ kuchlar, ulamolarning o'ng qanoti ularga qarshi chiqdi. Jirg'a majlisida amirning "radikal" qarashlari siyosiy tanqidga uchradi. Jirg'a ishtirokchilaridan bir guruhi Omonullaxonning boshqaruv tizimiga ham qarshi chiqdi.

Amir Omonullaxon davrida jirg'alarning ahamiyati yosh afg'onlar tomonidan pasaytirilmoqchi bo'linadi. Amir o'z islohotlarini xalqqa namoyish qilar ekan, u jirg'alarning siyosiy-ijtimoiy rolini kamaytirishni ham ko'zda tutgan edi. Aytib o'tganimizdek, Omonullaxon 1928-yilda jirg'a tashkil etadi. Uning maqsadi hammaga ma'lum edi. O'z islohotlarini ommaga keng tadbqiq etishni ko'zlagan edi. Ammo jirg'ada unga ko'pgina qarama-qarshiliklar kelib chiqadi.

Birinchidan amir islom omilini e'tibordan chetda qoldiradi. Islom an'analari keng tarqalgan va mustahkam o'rtnashib olgan afg'on jamiyati uchun bu qabul qilib bo'lmas holat edi. Tarixga nazar soladigan bo'lsak, har bir tashkil etilgan jirg'ada islom an'analari va shariat alohida o'rin tutgan. Shu sababli jirg'ada noroziliklar kelib chiqadi. Bundan tashqari, oddiy aholining ko'pchiligi islom ruhoniylariga qattiq ishonar edi. Shundan kelib chiqib ular ham Omonullaxonning bu siyosatiga o'z noroziliklarini bildirishlari tabiiy bir hol edi[9].

O'ninchi Loyi jirg'a Afg'onistonda nisbatan tinchlik o'rnatilgan va mamlakat tinch taraqqiyot yo'liga o'tgan vaqtida 1930-yilda chaqirildi. Lo'ye Jirg'a mamlakatda yangi shoh saylash masalasini ko'rib chiqdi. Lo'ye Jirg'a Muhammad Nodirxonning vatan oldidagi xizmatlarini inobatga olib uni shoh deb e'lon qildi.

1931-yilning oktabr oyida jirg'a chaqiriladi. Bu jirg'ada yangi shohning dasturi va Konstitutsiya qabul qilish muhokama etiladi. Majlis natijasida mamlakatning yangi Konstitutsiyasini qabul qilishga qaror qilindi.

1931-yilda Afg'onistonda yangi Konstitutsiya qabul qilindi. Konstitutsiyada ko'rsatilgan barcha qonunlar jirg'ada muhokama etilgan edi. Bunga ko'ra mamlakatda birinchi marta doimiy saylov organi – Xalq kengashi tashkil etildi. Bu organning mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotidagi roli jirg'aning ahamiyatidan ancha past edi. 1931-yilda qabul qilingan Konstitutsiyaga muvofiq podshoh parlamentning quyi palatasi tavsiyasi bilan o'zi tayinlagan Vazirlar Soveti orqali mamlakatni idora etardi. Afg'oniston parlamenti quyi (Xalq Soveti) hamda yuqori palata (Oqsuyaklar kengashi)dan tashkil topgan. Quyi palata mamlakat aholisi tomonidan umumiy, yashirin ovoz berish yo'li bilan 4 yil muddatga saylanardi. Bu Konstitutsiyaning e'tiborga molik tomoni shundaki, bu Konstitutsiyaga ko'ra Lo'ye Jirg'a Parlamentdan ham ustun turishi e'tirof etilgan. Bundan kelib chiqib jirg'aning ahamiyatini yuksak desak bo'ladi. O'tkazilgan bunday jirg'alar tufayli mamlakatning muhim siyosiy va ijtimoiy muammolari hal etildi. Afg'onistonda qabilaviy hayot, urug'-aymoqchilik an'analari jamiyatga chuqur singib ketgan. Shu an'analarda jirg'alarning roli beqiyosdir[10].

Ikkinchi jahon urushi boshlanishi bilan o'nlab davlatlar urush girdobiga tortildi. Ana shunday sharoitda Afg'oniston uchun urushga nisbatan tutadigan siyosatini aniqlab olish muhim ahamiyatga ega edi. Ana shu maqsadda 1941 – yil 5 – noyabrda navbatdagi o'n birinchi Loyi jirg'a chaqirildi. Bu jirg'a urush davrida Afg'onistonning betaraflik siyosatiga

jiddiy rioya qilish haqida qaror qabul qildi. Elchixonaga aloqasi bo'lmagan barcha Germaniya va Italiya fuqarolari Afg'onistondan chiqarib yuborildi. Bu chaqirilgan jirg'aning ahamiyati nafaqat Afg'oniston uchun balki, Yaqin va O'rta Sharq uchun ham katta bo'ldi. Chunki jahon urushi davrida geosiyosiy jihatdan yuksak davlatning qarori har doimgidan ham kerakli edi. Afg'oniston urushga tortilganida jahonda yana bir katta front ochilar edi.

O'n ikkinchi jirg'a 1949-yilda chaqirilgan bo'lib, unda Pokiston – Afg'oniston o'rtasidagi chegara hamda Dyurand bitimini qonunsiz deb e'lon qildi. Chunki hukumat chetdagi pushtunlarga yordam berishga harakat qilgan edi. Ma'lumki, 1947-yida mustaqil Pokiston davlati tashkil etiladi. Endilikda g'arbning ko'pgina davlatlari bu mamlakatni qo'llab-quvvatlay boshlaydi. Shunday sharoitda jirg'a Abdul G'afforxon boshchiligidagi pushtunlarga yordam berishga qaror qiladi. Endilikda Pokiston va Afg'oniston o'rtasidagi munosabatlar yanada og'irlashadi. 1949-yilning avgust oyida sharqiy pushtunlar Pokiston hududidagi Tirax shahrida qabilalararo jirg'a chaqiradi. Bu jirg'ada pushtunlar o'zlarining xalq bayrog'ini qabul qiladi va 31-avgustni milliy bayram deb e'lon qiladi[11].

O'n uchinchi Lo'ye Jirg'a 1955-yil 16-sentabrda chaqirildi. U Afg'oniston hukumatiga o'z armiyasining mudofaa quvvatini mustahkamlash uchun chetdan qurol-aslaha sotib olishga ruxsat berdi. Bu ham mamlakatning kelajagi uchun juda ham muhim bo'lgan qarorlaridan edi. Chunki bu vaqtda mamlakatga harbiy qurollar kerak edi. Butun dunyoda sovuq urush davom etayotgan bunday vaqtda mamlakatni himoya qilish asosiy masalalardan biri edi. Shu sababli jirg'a hukumatga qurol sotib olish uchun ruxsat beradi.

O'n to'rtinchi jirg'a 1955-yil noyabr oyida chaqirildi. Unda Pushtuniston masalasini adolatli hal etish, pushtunlarning mustaqil ravishda o'z taqdirini o'zi belgilash haqidagi talabini qo'llab-quvvatlash hamda Pushtuniston rayonlarini Pokiston hududining bir qismi deb tan olmaslik haqida qaror qabul qilindi[12]. Jirg'a qaroriga asosan Pokiston hukumatidan pushtunlarga o'zini o'zi boshqaradigan muxtoriyat berishni talab qilinadi. Chunki pushtun muammosi mamlakat uchun juda ham muhim edi. Bu davrda Pokiston hukumatini g'arbning ko'pgina davlatlari qo'llab-quvvatlayotgan edi. Bunday sharoitda hukumat Sobiq Ittifoqdan yordam olishga qaror qiladi. Shu yilning dekabr oyida Kobulga SSSR Oliy Soveti Prezidiumi rahbari Nikolay Bulganin va SSSR rahbari Xrushchev rasmiy delegatsiya bilan tashrif buyuradi. Muzokaralar jarayonida pushtun muammosi ham muhokama qilinadi. SSSR hukumati bu masalada Afg'onistonga harbiy yordam ko'rsatishga va'da beradi.

XX asrning 60-yillari boshida Afg'onistonda siyosiy oppozitsiya ancha kuchaydi. Oppozitsiya mamlakatda mo'tadil islohatlar o'tkazish, ijtimoiy munosabatlarni demokratlashtirish, siyosiy tizimni qayta ko'rib chiqishni talab qildi.

1964-yil 9-sentabrda o'n beshinchi Lo'ye Jirg'a chaqirildi. Jirg'a Afg'oniston yangi Konstitutsiyasini qabul qildi. Unda siyosiy partiyalar tuzishning huquqiy asoslari belgilab berildi. Jirg'ada 450 nafar kishi qatnashdi va u o'n kun davom etdi. Shundan so'ng Afg'oniston Xalq Demokratik Partiyasi 1965-yil yanvarda (birinchi ta'asis syezdida) tuzildi. Bu partiya jirg'alarining mamlakatdagi roliga hech qanday salbiy ta'sir etmadi. Ko'rib turibmizki, jirg'alar mamlakatning siyosiy hayotida juda muhim rol o'ynagan[13].

O'n oltinchi Lo'ye Jirg'a 1977-yil 30-yanvarda chaqirilgan. Bu jirg'a Afg'onistonda yangi siyosiy tizimni o'rnatadi.

Jirg'a Afg'oniston Respublikasining yangi Konstitutsiyasini ko'rib chiqish, sobiq monarx Muhammad Zohirshohning amakivachchasi Muhammad Dovudni prezident qilib saylash masalasini muhokama qildi. 14-fevralda esa Muhammad Dovudni prezident qilib tasdiqladi. Mamlakatda bir partiyali parlament tizimi joriy qilindi. Lekin partiya hech qanday amaliy kuchga ega bo'lmaydi. Hukumat Doudning qo'lida to'planadi. Shuning uchun 1977-yilda chaqirilgan jirg'a Afg'oniston tarixida hech qanday siyosiy rolni o'ynamadi. Jirg'a qatnashchilari Muhammad Dovudning gapini ikki qilmaydiganlardan tuzilgan edi. Shundan so'ng bir necha yil davomida Lo'ye Jirg'a chaqirilmaydi. Mamlakatda inqirozlar boshlanadi. 1977-yilda qabul qilingan Konstitutsiya Respublika prezidenti Muhammad Dovudga qonun chiqarish, ijroiya va sud sohalarida juda keng huquqlar berib, parlamentning vakolatini cheklab qo'ydi, shundan keyin

Muhammad Dovudning mamlakatda avtoritar rejim qaror toptirish niyatida ekanligiga hech qanday shubha qolmadi[14].

Xulosa. So'ngi so'z o'rnida aytish mumkinki, jirg'alar faoliyati Afg'oniston davlatchilik masalasining o'rganilishida eng dastlab murojaat etiladigan elementdir. Jirg'alarda qabul qilingan qarorlar o'ta yuqori ta'sirga ega bo'lgan. Eng muhim va dolzarb masalalar aynan Lo'ye Jirg'alarda ko'rib chiqilgan. Zamonaviy Afg'on davlatchilik qoidalarida ham Loyi jirg'a mavjudligini saqlab qolgan. Afg'onistonning 2004-yilda qabul qilingan Konstitutsiyasida Loyi jirg'ning huquqiy maqomi mustahkamlab qo'yildi. Jumladan, Konstitutsiyaning VI bobi (110-115 moddalar)da Butunafg'on Kengashi – Loyi Jirg'a xalqning irodasini aks ettiruvchi eng oliy organ ekanligi, u Afg'oniston Milliy parlamenti – Milliy Kengash a'zolari hamda mahalliy Kengash raislaridan iborat tarkibda chaqirilishi, hukumat a'zolari, Oliy Sud raisi va a'zolari uning ishida ovoz berish berish huquqsiz ishtirok etishlari mumkinligi belg'ilab qo'yildi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “Axbore Mellat”, dariy tilida, 7-son, Kobul, 2013-yil
2. “كابل،”انيس”, 2013-yil, 7-son
3. Loyn, David , Two hundred years of Foreign Engagenment in Afghanistan, London 2009, p.35
4. Muhammad Ibrohim, “Torixe muasseri Afg'oniston”, Kobul, 2010-yil, 445-bet.
5. David Kelman, “History of Middle Asia”, , London, 2009, p.45.
6. Borthorp, Michael, Afghan Wars and the North-West Frontier 1839-1947- years, London, 2002, p.114.
7. Borthorp, Michael, Afghan Wars and the North-West Frontier 1839-1947-years, London, 2002, p.120.
8. Риштия С. К. Афганистан в XIX веке, М, 1958, с.198.
9. Borthorp, Michael , Afghan Wars and the North-West Frontier, 1839-1947, London, 2002, p.179.
10. Giustozzi, Antonio and Christoph Reuter. ‘The Insurgents of the Afghan North’, Afghanistan Analysts Network, London, 2012, p.113.
11. Loyn, David , Two hundred years of Foreign Engagenment in Afghanistan, London , 2009, p.65.
12. Стурейко С. А., Медяник В. И. Афганистан: этнополитический конфликт и проблема перемещённых лиц. Минск, 2009, с.76.
13. Риштия С.К. Афганистан в XX веке, М, 1958, стр.339.
14. Dono Abdurashidxonova, ADR, T, 1985, 25-bet.
15. Коргун В. Г. Россия и Афганистан. Исторические пути формирования образа России в Афганистане. М., 2009, с.37.

САМАРҚАНДДАГИ ЖАДИД ГАЗЕТАСИ “МЕХНАТКАШЛАР ТОВУШИ” НИНГ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРНИ ЁРИТИШДА МАНБАВИЙ АҲАМИЯТИ

*Очилова Гулмира, ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Жадидлар фаолияти деганда кўз олдимизга янги мактаблар, дарсликлар ва қатор сиёсий ислохотлар билан бир қаторда матбуотнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳам келади. Самарқанд жадид матбуотининг юзага келиши XX асрнинг бошиданоқ бошланган. Жадидлар отаси Бехбудий Самарқандда илк жадид журнали “Ойна” га асос солган ва ўзининг кўплаб ғоялари битилган мақолаларни шу журнал саҳифаларида нашр қилиб борган. Бундан ташқари 1913 йил апрель ойида Самарқандда маҳаллий туркий-форсий шевада Махмудхўжа Бехбудий масъул муҳаррирлиги остида “Самарқанд” номи билан газета нашр этилди.

1918 йилги сиёсий ўзгаришлар матбуотнинг умумий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Энди юқоридаги каби газеталарнинг номлари ҳам юзага келган сиёсий тузум

манфаатидан келиб чиқиб ўзгара бошлаган. Шундай газеталардан бири 1918 йил 11 июндан бошлаб “Меҳнаткашлар ўқи” номи билан чиққан Самарқанддаги газета ҳисобланади. Масъул муҳаррирлари Ифбат Хоним (Зоҳида Бурнашева) билан Шокир Мухторий бўлган. 5-сонидан кейин газета номи “Меҳнаткашлар товуши”га айлантирилган. Ҳожи Муин, Саидризо Ализода, Муҳаммаджон Юсуфий, Қори Маҳмуд, Қори Муҳаммадраҳим Тожи, Садриддин Айнийлар газетанинг таржима ва таҳрир ишларида иштирок этишган.

1921 йилга келиб бошқа даврий матбуот нашрларига бўлгани каби “Меҳнаткашлар товуши” га ҳам сиёсий босим кучаяди. Бу ҳақда газета муҳаррири Ҳожи Муин шундай ёзади: “1921 йилнинг ёз бошларида Мурсалимов деган бир ўртоқ Самарқандга келиб, музофот фирқа кўмитаси томонидан у вақтдаги “Меҳнаткашлар товуши” газетасига сиёсий нозир тайин қилинди. ... Лекин Мурсалимов ўртоқ бир оз ишлагандан кейин маҳаллий муҳаррирларни қиса бошлади. Буларнинг мақолалари учун баъзан газетадан ўрин бермай турди.... Ерлик муҳаррирлар ҳар нима ёзсалар, “Сиз хабаргина ёзиб келтиринг, мақолани биз ёзамиз, биз олий таҳсил кўрган одамлармиз”, деб бостирмади”. Мана шу босимлар натижасида газета номи яна ўзгартирилиб, “Камбағаллар товуши”га айлантирилади. 1922 йилдан кейин унинг номи ва мазмун моҳияти бутунлай ўзгариб кетди.

1918-1920 йиллар давомида ҳафтада икки мартадан газетанинг уч мингдан кўпроқ сони босилиб чиққан. Қоғоз ва бошқа зарур анжомларнинг етишмаслиги ва бошқа моддий қийинчиликларга қарамай газета муҳаррирларининг ташаббуси билан унинг доимий чиқиб туриши таъминланди. Булар ҳақида Ҳожи Муин шундай таъкидлайди: “ бу муддат қоғоз қаҳатлиги унча сезилмаса ҳам, лекин қоғоз учун баъзи рус миллатчилари мустамлакачилик йўлини тутар эдилар. Русча газетани доимо қоғоз ва бошқа жихатлардан таъмин этиб келганлари ҳолда мусулмон газетига лозиминча аҳамият бермаслар эди”.

Юқорида “Меҳнаткашлар товуши” газетасининг тарихига назар ташланди. Энди унинг манбавий аҳамияти ҳақида. Газета чиқа бошлаган 1918 йилдан бошлаб унинг саҳифаларига эътибор қаратилса, асосий масалалар сифатида маориф, маданият, ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда ташқи сиёсий жараёнларга оид мақолалар берилганлигини кўриш мумкин.

Газета саҳифаларида кўпроқ маориф, сиёсат соҳаларига оид хабарлар босилиб турсада ижтимоий ҳаётни ёритувчи мақолалар ҳам кўпчиликти ташкил қилган. Улар қуйидаги мавзуларда учрайди: “Тўй ва таъзия тўғрисида”, “Бу кун байрам”, “Оила ва тарбиячилик”, “Ижтимоий ҳолларимиздан”, “Уёзд тўйларини ислоҳи”.

Булар орасида “Ижтимоий ҳолларимиздан” деб номланган мақолада XIX аср охири – XX аср бошида оила масаласи ва хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати ҳақида фикр юритилади. Жумладан унда “оила ислоҳи хотун-қизларни ҳукукина риоя этмак ва эркак-қиз болаларни баробар ўқутмоқ, тарбия этмак ила бошланур. Бизнинг Туркистонда ҳануз оила тарбияси бошланғони йўқ. Бизнинг халқ, эр болаларни ўқутмоқ тўғрисида оз-моз аҳамият бера бошлагон бўлсаларда, лекин қиз болаларни тарбиясини лозим деб билмайлар ва бу йўлда асло ҳаракат этмайлар. Балки хотун-қизларнинг тарбиясини тўрт девор орасида қолиб кўчага чиқмасдан иборат дебгина биларлар” дея билдирилган фикрнинг ўзи ҳам ўз даври мавжуд муаммоларини очиқ кўрсатади.

XX аср бошида матбуот саҳифаларида кўп эътибор қаратилган ижтимоий масалалардан бири тўй, аза маросимлари ва уларни ислоҳ қилиш масаласидир. Газета саҳифаларида бу борада ҳам кўплаб фикрлар билдирилади. Эътиборлиси бундай фикрлар қуруқ гапдан иборат бўлмай бу борада ислоҳот қилишга ҳам қаратилади. “Уёзд тўйларини ислоҳи” мақоласида тўйларни исло қилиш бўйича Самарқандда чиқарилган қарорлар келтириб ўтилади: “1. Хатна тўйинда ҳар ким 2 путғача гуруч дамласун.

2. Никоҳ тўйи учун 3 путғача гуруч дамласин.
3. Фотиҳа тўйи бутун барҳам бўлсун.
4. Отаси қизини 4-5 ой ўз уйиға сақласун.
5. Никоҳ қилинғонда ҳар икки тараф 15 ёшдан оз бўлмасун.
6. 15 ёшдан озлар номзод қилинмасун.
7. Қизнинг маҳри 100 сўмдан 500 сўмғача бўлсун.

8. Қизнинг қалини ва кийими осон равишда бўлсун.

9. Қиз 18 ёшдан ўтмасдан эрга берилмасун. 18 ёшгача эрга берилмаса отаси ва амакилари маъсул бўлурлар.

Ушбу қарорларни ўрунға кетурмаган кишиларни, волус фирқалари ва волус шўролари дафтарға ёзиб бизга маълум этсунлар шул қарорға бўйунсунмагон кишиларға 500 сўмдан 5000 сўмгача жарима солинадир”. Бу мисолан кўриниб турибдики матбуотда ёзилган ишлар фақат куруқ гапдан иборат бўлмай, амалий чоралар кўрилганлигини ҳам билдирган.

Тўй ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар ҳақида мазкур газетада ёзилган йирик мақолалардан бири Ҳожи Муиннинг “Тўй ва аза маросимлари ҳақида. Хатна тўйи. Никоҳ тўйи. Ўлик ва таъзия маросими” номи билан босилган иши ҳисобланади. Унда келтирилган “мана биз Туркистон халқи ҳам илмсизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остида ожиз бўлуб мунинг учун ахлоқи ва моли жиҳатдан ғоят кўб зарарлар кўрмакда бўлгон бир миллатмиз. Бизларни ўзиға асир этиб олгон урфлардан энг кўб зарарли ва ёмонроғи, ҳақиқатан, никоҳ тўйлари билан аза маросимидир. Бизнинг халқ: “мол ва жон кетса кетсин обрўй кетмасун” деб ҳатто ёки никоҳ ва ё аза маросимини ўрунға кетурмак учун, қўлларида бор нарсаларини 1-2 кундан барбод этадилар, қарздор бўладилар. Қарзларини қайтара олмағач охири: “молни одам топар, одамни мол топмас” деб ўз боғ ва ҳовлиларини сотиб қарзлариға берарлар”. Бу каби ўз даври учун долзарб бўлган фикрлар мақолада кўплаб учрайди.

Юқоридаги каби мавзулардан ташқари халқнинг аҳволини кўрсатадиган бир қанча мақолалар ҳам учрайди. Улар шаклан иқтисодий ҳолатни кўрсатса-да, мазмунан аҳолининг ижтимоий ҳолати бўйича маълумот беради. Жумладан, Ҳожи Муиннинг “Фақир халқ ва озуқа” номли мақоласида “халқимизга шуни ҳам билдираимизки: қўлдан иш келмайтурсон бева ва бечораларға шул жамоат дўконларидан (ақчасиз) талон бериладир. Бу тўғрида шундай кишиларнинг тегишли ўрунларға мурожат этиб карточка олмоқлари керакдир” дея берилган маълумотлан 1919 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож халқнинг аҳволини яхшилаш борасида қилинган ишларни натижасини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жадидларнинг ўзлари билан бирга уларнинг мақолалари нашр қилинадиган газета ва журналлар ҳам кўп марта таъкибларға учраган. Номлари совет мафкурасига мослаб ўзгартирилган. Эълон қилиналиган мақолалар ҳам мафкурага мослаштирилган. Газеталарда чиқаётган мақолалари учун кувғинга учраган жадидлар бу газеталарда ўзларининг исмлари билан эмас ҳар хил тахаллуслар, исмларининг бош ҳарфлари билан мақолалар нашр қилган. 1918 йилдан бошлаб 1920 йилгача ҳукумат фармонлари, содир бўлаётган сиёсий ўзгаришлар, маориф ва маданият соҳалари бўйича мақолалар “Меҳнатқашлар товуши” газетасида берилиб борилган. Унинг манбавий аҳамияти мана шу уч йиллик даврда Самарқанд ва унинг атрофидаги ҳудудлардаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётни ёритиши билан муҳимдир.

КАМОЛОТНИНГ БИР ЙЎЛИ - МЕҲР-ШАФҚАТ

Бозорова Рўзигул Шарофовна, Осие халқаро университети Тарих ва филология кафедраси доценти фалсафа фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мақолада тасаввуф фалсафасида меҳр-шавқатнинг моҳияти, жумладан, тасаввуф ва футувват, тариқат ва меҳнат, илоҳий баишорат ва ишорат, зоҳирий ва ботиний илм, комил инсон, зикр, қалб, руҳ, поклик, нафс, ахлоқ шунингдек, яссавийлик, нақибандийлик тариқатларининг хусусиятлари фалсафий дунёқараиш сифатида ҳозирги даврда инсоннинг маънавий-руҳий камолотиға таъсири ҳар томонлама ўрганилган.

Калит сўзлар. Тасаввуф, меҳр-шафқат, мурувват, футувват, қаҳр-газаб, нафрат, жоҳиллик, адолатсизлик, бефарқлик, лоқайдлик.

Абстрактный. В статье раскрывается сущность сострадания в философии суфизма, включая суфизм и футувват, тариқат и труд, божественное пророчество и знамение,

внешнее и внутреннее знание, совершенный человек, зикр, душа, дух, чистота, душа, нравственность, а также поскольку характеристики тариқатов Яссауи и Нақшбанди носят философский характер как мировоззрение, его влияние на духовную и духовную зрелость человека всесторонне изучено в современную эпоху.

Ключевые слова. Суфизм, сострадание, милосердие, футувват, гнев, ненависть, невежество, несправедливость, равнодушие, равнодушие.

Abstract. In the article, the essence of compassion in the philosophy of Sufism, including Sufism and futuvvat, tariqat and work, divine prophecy and sign, external and inner knowledge, perfect man, zikr, soul, spirit, purity, soul, morality, as well as the characteristics of the Yassawi and Naqshbandi tariqats are philosophical. as a worldview, its influence on the spiritual and spiritual maturity of a person has been comprehensively studied in the present era.

Keywords. Sufism, compassion, mercy, futuvvat, wrath, hatred, ignorance, injustice, indifference, indifference.

Тасаввуф таълимотини ўрганиш мамлакатимизда тараққиётнинг асосий бўғини бўлган ёш авлодни ҳалол, пок, руҳий баркамол, маънавий мустаҳкам қилиб тарбиялашда яссавия, кубровия, нақшбандия тариқатларини янада чуқур ўрганиш, уларни ёш авлод онг-у шуурига асл ҳолида етказиб бериш энг долзарб вазифаларимиздан бири эканлигини кўрсатмоқда. Буюк истиклол туфайли Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд сингари буюк мутасаввуфларнинг поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу-инсоф, иймон, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умумбашарий меросларидан халқимиз баҳраманд бўла бошлади.

Миллий маънавиятимиз меъросига бевосита даҳлдор бўлган иймон, эътиқод, диёнат, меҳр-шафқат, поклик, ҳалоллик каби тушунчалар кундалиқ ҳаётимизда кўплаб учраб турадиган инсонийлик сифатларидир. Мустақиллигимиз туфайли бу тушунчалар янада чуқурроқ маъно касб этиб, кенг халқ оммасининг маънавий дунёсини акс эттиришда муҳим аҳамиятга эга. Замонавий фалсафий тилда айтганимизда инсоннинг маънавий қиёфасини тавсифлайдиган фазилатлардан бири меҳр-шафқатдир. Меҳр тушунчаси кенг маъноли бўлиб, у шахснинг ота-онага, Ватанга, фарзандларга, ижтимоий ҳодисаларга бир сўз билан айтганда, инсонни улуғловчи барча нарс-ҳодисаларга нисбатан муҳаббати ва саҳоватининг исботидир.

Меҳр ишқ –муҳаббатнинг теранлашган шакли бўлиб, ҳолис ва таъмасиз, яхши кўриш дегани. Меҳр индивидуаллик хусусиятига эга бўлиб, кишилиқ жамиятининг маънавий тараққиётда шаклланган ахлоқий фазилат ҳамдир. Меҳр ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлиб, кишиларнинг шахсий, оилавий ҳамда этник бирлигини мақсад ва манфаатларни амалга оширишни белгилайдиган феномендир. Тарихий нуқтаи-назардан оладиган бўлсак, меҳрнинг ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланиши қадимги даврларда инсонлар жамоасининг табиат кучларига қарши туришида ижтимоий ҳамкорлик маъносида ишлатилган. Марказий Осиё мутафаккирларидан бўлган Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” номли асарида меҳрни фозил одамларга хос сифат деб тушунган. Абу Райхон Беруний назарида эса, инсоннинг олий фазилати ўзгалар ҳақида ғамхўрлик, айниқса камбағалларга меҳр-муҳаббат кўрсатишда намоён бўлади.

Меҳр шафқат ислом ва тасаввуф фалсафасида улкан бағрикенглик ҳисобланиб, ҳозирги кунда дунёнинг турли халқлари турмуш тарзига ва тафаккурига сингдирилмоқда. Фикримизнинг исботи учун тасаввуф шайдоларидан бўлган ўзбек шеърятининг йирик вакили Ғофур Ғулом ўзининг машҳур бўлган бир кечада ёзилган ва эртаси куни муаллиф радио орқали ўқиганда наинки Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё халқларининг ҳам қалбини ларзага солган “Сен етим эмассан” шеъридан бир парча келтиради.

Чўчима жигарим,

Ўз уйингдасан,

Бу ерда

на ғурбат, на офат, на ғам.

Бунда бор:
харорат, муҳаббат, шафқат
Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам,
Сен етим эмассан,
Ухла жигарим.

Меҳр-шафқатга қарама-қарши бўлган салбий мезонлар қаторига қаҳр-ғазаб, нафрат, жоҳиллик, адолатсизлик, бифарқлик, лоқайдлик каби қусур ва нуксонларни кўрсатиш мумкин. Тасаввуф таълимотида меҳр шафқат тушунчаси универсал табиатга эга бўлиб, у нафақат инсоннинг инсонга, балки табиатга яъни бутун мавжудод, ҳайвонга бўлган муносабатида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун тасаввуфда ҳайвонга нисбатан шафқатсизлик қилган одамда инсонга нисбатан шафқат бўлмайди. Чунки шафқатсизлик маънавий тамойилларнинг бузулиши оқибатида рўй берадиган руҳий ҳолатни англатувчи тушунчадир. Шафқатсизлик аломатларини инсон қалбидан ҳайдаб чиқаришда тасаввуф намоёндалари аввало инсоннинг руҳий покланишини, фарзандлар қалбида меҳр-муҳаббат туйғуларини ўйғотиш ва умуман олганда жамиятни инсонпарварлаштириш орқали амалга оширишни айтиб ўтганлар. Ҳадисларда таъкидланишича, меҳр-шафқатли кишилар энг яхши инсонлардир. Ҳалол йўл билан тўпланган бойликлардан эҳсон қилувчи, ифбатли, “мискин ва бечораларга раҳм-шафқат қиладиган одамларга кўп яхшилик бўлур”.

Юқорида таъкидланганимиздек, меҳр-шафқатнинг олий кўринишларидан бири хайр-эҳсон ва садақа қилишдир. Айниқса, тижоратчи учун ҳар савдодан сўнг садақа қилиш мустаҳаб ҳисобланади. Бу закотдан бошқача садақадир. Бу садақа молни ва савдони кирликлардан поклаш учун берилади. Чунки тижоратчи ўз савдо сотиғини айнан шайтонларга уя бўлган бозорларда олиб боради. Инсон савдода билиб билмай қайсидир сўзида ёлғон гапириб юбориши, ким биландир урушиб дилини оғритиб қўйиши ваҳоказо ҳолатлар учраб туради. Демак, бу ишда нафсни сахийликка ўргатиш, ён-атрофдаги қийналган, фақир қариндош-уруғ ваҳоказоларнинг қўнгилларига қувонч олиб киришдек хайирли мақсадлар ҳам ўз ифодасини топади. Шу ўринда пайғамбаримиз шундай ўғит қилганлар: Эй тожирлар жамоаси! Албатта савдога шайтон ва гуноҳ ҳозир бўлади. Бас, шундай экан савдоингизга садақа аралаштиринг. Ҳадиснинг бошқа бир ривоятида: “Албатта савдога лағв ва қасамхўрлик ҳозир бўлади (аралашади).

Таниқли адабиётшунос олим Хуршид Даврон меҳрнинг ижтимоий моҳияти, унинг инсоннинг маънавий қиёфасидаги ўрни ва роли масаласида ўзининг фикрини қўйидагича баён қилади.

Биринчидан, инсоннинг бир-бирига камарбасталиги, бир-бирини асровчи ва улуғловчи фазилат бу меҳрдир.

Иккинчидан, инсонни ҳар қандай синовдан эсон-омон олиб ўтадиган куч- меҳр муҳаббатдир.

Учинчидан, меҳр инсоннинг юрагидаги нур, бу нур ҳаётимизни, йўлимизни, орзу-мадсадларимизни ёритиб туради.

Тўртинчидан, инсон табиатидаги барча туйғуларда меҳр-муҳаббат акс этади.

Бешинчидан, меҳр-мурувват йўқ жойда ҳаёт бўлмайди.

Олтинчидан, меҳр табиий хислат бўлиб, унинг моҳиятини англаш дунёни англаш орқали содир бўлади.

Еттинчидан, меҳр-мурувват ирсият орқали маълум бўладиган меросдир.

Саккинчидан, меҳр-мурувват инсонийликнинг ва комилликнинг юксак поғонасидир.

Яссавийлик ҳам бошқа тариқат намаёндалари каби фано йўлини, “Ҳаққа восил бўлишни” тарғиб этади. Яссавийнинг ўзи ҳам фано йўлини танлаб ва унга амал қилади ва бунга етишиш учун Муҳаммад Пайғамбар йўлини танлайди. Яссавий Пайғамбаримизнинг “фақирлик фаҳримдир” калималарини ўз ҳаётларига тариқат фаолиятига асос қилиб олади. “Ҳикмат” асарида яссавия таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилик, меҳр-шафқат, камсукумлик ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнат билан кун кечириш, имонли бўлиш каби инсоний фазилатлар ва Аллоҳ таоло висолига етишиши учун инсонни ботинан ва

зохиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний қадриятлар ифода этилган. Илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва морифлик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Золимлик, порахўрлик, мутаассиб, жоҳиллик ва нодонлик қаттиқ қораланган.

Яссавий назарида ҳикмат “илми ладуний”, яъни илми ғайбу ҳақойиқ ва илоҳий сирларни кашф қилиш мазмунига эга. “Девони ҳикмат” номли шеърӣ асарида поклик, тўғрилиқ, камсукумлиқ, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечирӣш, нафсни тийишга интилиш, имонли бўлиш каби асл инсоний фазилатларни куйлаган. Илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Золимлик, тамағирлик, мутаасиблик, жоҳил ва нодонлик қораланган.

Тасаввуф илмининг барча сирларини ўрганган Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳам Аҳмад Яссавийдан кейин Ҳамадонийнинг мансабига ўтириб, кўплаб шогирдлар тарбиялайди, ҳалойиқни Ҳақ йўлига, поклик, тўғрилиқ, ҳалоллик, меҳр-шафқат йўлига даъват этади.

Тасаввуфда ишқ қуроли деганда, фақат, меҳр, севги каби туйғулар эмас, улардан ташқари ирода, сабот, илм, ибодат, оқиллик, ҳоксорлик, сабр, қаноат, ғайрат, камтарлик, адолат, саҳийлик, ҳалимлиқ, мардлик, ҳаё, покизалиқ, ширинсўзлиқ, шафқат, умуман, инсон қалби ва руҳини поклашга хизмат қиладиган, уни Аллоҳга яқинлаштирадиган барча эзгуликлар, покликлар йиғиндиси тушунилади. Ишқнинг жойи кўнгилда, деб таълим беради тасаввуф, кўнгил ишқ туфайли покланади, кўнгил покланса ишқ ўтли, алангали бўлиб илоҳий моҳият касб этади. Кўнгилни поклаш инсондан руҳий- маънавий ислоҳлар талаб қиладиган илмдир.

Баҳовуддин Нақшбанд комил инсон тимсолидир. Баҳовуддин Нақшбанд ҳаётлари давомида муҳтож, ожиз инсонларга ёрдам қўлини чўзган ва буни хуфиёна амалга оширган. Умрининг етти йилида ҳайвонларга қараган етти йил йўлларни тозалаган, етти йил ҳалол луқма учун риёзат чеккан. Умуман у бутун борлиққа шафқат билан, меҳр муносабат билан муносабатда бўлиб, ҳаётида фақат эзгу ишларни амалга оширган. Баҳовуддин Нақшбанд жуда инсонпарвар ва бағрикенг инсон бўлган. У киши шундай деганлар. “То шу ҳирқа (суфийлик кийими) да эканмиз, яъни шу йўлда юрибмиз бировдан ранжимаймиз ва бировни ранжитмаймиз. Баҳовуддин Нақшбанд назарида инсоннинг инсонийлиги фақат яхши кишиларни эмас, харчанд ёмонларни ҳам севиш ва уларнинг ҳурматини ўзаро йўлга қўйишдан иборатдир. Унинг қўйидаги мисраси бунга далилдир.

Яхшиларни жаҳонда барча яхши кўради,

Агар сен ёмонларни ҳам яхши кўрсанг шунда ғалаба қиласан.

Баҳовуддин Нақшбанддан: “Нега сизга хизмат қилувчи қўл, ходим йўк?-деб сўраганларида, у киши- “Хожалиқ бандалиқ билан мос келмайди”, деганлар. Тасаввуф таълимотида меҳр-шафқат солиқнинг инсонларга хайр-эҳсон ва садақа қилиши билан ҳам белгиланади. Инсон нафақат аҳли оиласи ва бошқа яқинларига қилган эҳсони учун савоб олади балки, ўзи учун сарфлаган нарсасига ҳам ажр олади. Баъзилар оиламга бўлсин, бола чақамга бўлсин деб ўзларини бутунлай нутиб қўядилар. Зеро, ҳамма нарсада меъёрни билишнинг фойдаси катта. Аҳли оиласига сарфлаш билан бир қаторда киши ўзига ҳам яхши қараши кераклиги динимизда тарғиб қилинган. Набий (саллолоҳу алайҳи васаллам): “Албатта, Оллоҳ бир бандага бирор неъмат ато этган бўлса, ўша бандасининг устида неъматининг асарини кўришни яъши кўради”, деганлар. Дарҳақиқат, Аллоҳ берган неъматни кибру ҳавога берилмаган ҳолда зоҳир қилувчи ҳам неъмат берувчи Зотга шукронанинг бир кўринишидир.

Тасаввуф аҳли ўз ғояларининг аксарини Қуръони карим ва Ҳадислардан келтириб чиқарадилар. Дарҳақиқат, Қуръонда мол-дунёга меҳр қўйишнинг, шайтоний нафс ва ҳирсу-хавасга берилишнинг ёмонлиги ҳақида оятлар кўп. Бир неча жойларда Тангри таоло ўз бандаларини фоний дунёга алданишдан огоҳлантиради, чунки дунёни севган одам Тангрини нута бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф жумладан, нақшбандия тариқати тасаввуфдаги ҳаддан ташқари ҳолатларни ислоҳга келтириб, риёзат ва покланиш камолотини жисмоний ва ижтимоий ахлоқий эҳтиёжлар билан мувофиқлаштиришга интилиб келди. Моддий дунёга

кескин муқобил туриш ўрнига раҳнамолик ва тарбияни биринчи ўринга қўйди. Ёмонлик ва ёвузликни нафрат ва ўч олиш билан қарши олмай, шафқат ва меҳр орқали уни эзгуликка айлантириш пайида бўлди. Футувват- ўзаро ёрдам мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш фидойилик илмини ўзида мужассамлаштирган мардлик тариқатидир. Масалан, жавонмардлар фазилатларини миллий ахлоқимизнинг асосига айлантиришдир.

Фодаланилган адабиётлар рўйхати

1. Соҳибназар Каримов Тасаввуф фалсафаси. Самарқанд 2021. 232-234 бетлар.
2. Раҳматуллоҳ Сафуддинов “Ҳалол касб фаровонлик омили” -Тошкент:, “Мовароуннаҳр”, 2013.86-87-бетлар.
3. “Меҳр кўзда”, 2005. Сентябрь.
4. Раҳматуллоҳ Сафуддинов “Ҳалол касб фаровонлик омили” -Тошкент:, “Мовароуннаҳр”, 2013.20-бет.

АБДУРАҲИМ ЮСУФЗОДА – БУХОРО РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ЭЛЧИСИ

Махкамов Азизбек, Андижон давлат университети, 1-босқич таянч докторанти

1920 йил 15 сентябрда, Бухоро Халқ Шўро Жумҳурияти ташкил этилган куннинг эртасигаёқ, Бухородаги янги ҳукумат афғон амири Омонуллоҳонга йўллаган телеграммасида ўзаро дипломатик алоқа ўрнатишни таклиф қилган.[3] Таклиф Омонуллоҳон томонидан қабул қилинган. Афғонистон ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий Бухоро ҳукуматига йўллаган хатида Афғонистон ҳеч қачон Бухорои шарифнинг обрў ва истиқлолидан маҳрум бўлишини истамаганлигини, икки ўртада элчиларнинг ўзаро алмашиши билан мамлакатларимиз ўртасида дўстликнинг барпо қилинуви ҳал этилгани, шунга кўра Бухорои шарифга фавқулодда элчилик билан Абдулҳодийхон бошчилигида бир хайъат юборилгани, улар яқин кунларда вазифаларини амалга оширишга тайёрланаётгани, элчихона таъсис этилгунга қадар афғон фуқароларини ҳимоя ва ишларининг ижросида собиқ элчи Абдушуқурхон машғул бўлишини айтади.[1] Амир Омонуллоҳоннинг розилиги билан 1920 йил ноябрда Абдулҳодийхон бошлиқ Ғулом Сиддиқхон, Мирзо Ғулом Ҳайдархон жами 15 кишилик элчилик миссияси Бухоро Республикасига келган. Элчилик миссиясига кенг ваколатлар берилган, Бухородаги вазиятни синчковлик билан ўрганиш вазифалари белгиланган. Афғонистоннинг Бухородаги элчиси Абдулҳодийхон Афғонистондаги машхур шахслардан бири ва амирнинг энг яқин амалдорларидан бўлиб, ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзийнинг “ўнг қўли” ҳисобланган.

БХШЖ Халқ нозирлари кенгаши раиси ва Ташқи ишлар ноziри Файзулла Хўжаев Афғонистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш вазифасига ўша пайтда ер-сув ишлари ноziри лавозимида ишлаётган, бир неча тилларда эркин сўзлаша оладиган, жадидчи, асли андижонлик Абдураҳим Юсуфзода номзодини маъқул кўради. Файзулла Хўжаев Афғонистон ташқи ишлар ноziрига йўллаган телеграммасида икки мамлакат ўртасида дўстлик муносабатини ўрнатиш учун Бухоро ҳукумати мударрис Абдураҳимхон Юсуфзода бошчилигида фавқулодда хайъат юборилганлигини, шу боис собиқ амир Саид Олимхон томонидан Афғонистонга вакил этиб юборилган Қори Ҳабибуллоҳ тўқсобоанинг ваколати тугатилганлиги, унинг томонидан бўладиган ҳар бир мурожаат ва баёнот эътиборсиз эканлигини билдирган.” [6]

1921 йил 19 январда Маҳмуд Тарзий РСФСРнинг Афғонистондаги элчиси Я.З.Суриц орқали Бухоро жумҳурияти ташқи ишлар ноziри Файзулла Хўжаевга жавоб нотасини юборади. Унда Бухоро ташқи ишлар вазири Файзулла Хўжаевнинг 1921 йил 18-январдаги маҳсус мактуби Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинганлиги, дўстлик, ҳурмат, иттифоқ ришталарини мустаҳкамлаш, мударрис Абдураҳим Юсуф бошчилигидаги Муқаддас Бухоро ҳукуматига қарашли Фавқулодда элчихонасининг Қобулга жунатилгани ҳақидаги ҳабар унинг кувончига сабаб бўлганини, афғон ҳукумати

Бухоронинг Афғонистон марказида фавқулдда элчихонаси очилишига розилик берилиши таъкидланган.” [4]

Абдурахим Юсуфзода бошлиқ дипломатик корпус 1921 йил 11 январ Бухоро шахридан Қобулга қараб йўл олган ва 13 кун йўл юриб Ҳирот шахрига кириб келган. Вакилларни 12 минг киши кутиб турган эди. Юсуфзоданинг эслашича[8] улар Бухородан жадидлар келиши ҳақида аввалдан боҳабар бўлган, жадидларнинг ким эканлигини билиш, мусулмон эканликларига ишонч ҳосил қилиш ниятида бўлган. Шу боис исломий билимлар соҳиби Юсуфзода Куръони Каримдан тиловат қилиб, ҳадислардан иқтибослар келтириб, жадидлар ҳам мусулмон эканликларини исботлаб берган. Бухоролик элчилар биргаликда аҳоли билан яқиндан танишиб, жадидлар ким экани, уларнинг асл маслағи, Бухоро халқ шўро жумҳурияти ҳақида кенг маълумотлар берганлар. Қандаҳор шахрида ҳам кенг тарғибот ишлари йўлга қўйилган эди. Юсуфзоданинг эслашича унинг ҳам мударрис, ҳам компартия аъзоси эканлиги қўл келиб бу ердаги аҳолига большевиклар, компартия, халқ инқилоби ва жумҳурияти ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар берган. Бунинг гувоҳи бўлган афғон халқи жадидлар ҳам улар каби мусулмон эканликларига ишонч ҳосил қилган.

1921 йил 8 мартда бухоролик элчилар вакиллиги тантанали равишда Кобул шахрига кириб келган. Амир Омонulloҳон улар учун шаҳар марказидан катта бино ажратган. Юсуфзода Афғонистон ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий билан учрашувда Бухоро давлатининг маҳсус табригини тақдим қилган. 1921 йил 14 март куни Юсуфзода Афғонистон амири Омонulloҳон билан юзма-юз учрашган. Улар Бухоро ҳақида, халқ инқилобининг сабаблари ҳақида суҳбатлашган. Юсуфзода билан ўзаро мулоқотда Омонulloҳон Бухоро республикасига доир бир қанча эътирозларини билдирган.

Бу вақтда Афғонистонда янги ташкил этилган Бухоро жумҳурияти элчихонасидан ташқари собиқ Бухоро амирлиги элчихонаси ҳам ҳанузгача фаолиятда эди. Афғон халқи БХШЖ элчихонасини “большевик” элчихонаси, собиқ амир вакиллигини “эски элчихона” деб биларди. Собиқ амирлик элчихонаси БХШЖ ҳукуматига қарши фаол тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётгани аниқлангандан сўнг А.Юсуфзода зудлик билан ташқи ишлар вазирига нота ёзиб бу элчиликнинг уч кун муддатда тугатилишига эришган. [8]

Айни вақтда, 1921 йил мартга келиб бутун Шарқий Бухоро ҳудудлари собиқ амир Саид Олимхон тарафдорларидан БХШЖ ҳукумати қўлига ўтган, амирнинг ўзи эса қолган 3.000 кишилиқ ҳарбий қўшини билан Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлган. Бу ҳолат РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичерин томонидан эътиборга олиниб, Афғонистондаги вакили Я.В.Сурицга маҳсус телеграмма йўллаган. Унда Г.В.Чичерин Амир Олимхоннинг Афғонистон орқали Ҳиндистон ҳудудига ўтиши мумкинлигидан ҳавфсираб, Юсуфзода бошлиқ Бухоро элчилик миссиясига қўйидагилар зарурлигини айтган: 1) амирнинг ҳарбий отрядини чегара чизиғидан тобора ичкарига суриб ташлаш; 2) ҳарбий отрядни қуролсизлантириш; 3) амир билан яқка шахс сифатида муносабатда бўлиш ва унинг ҳукуматга қайтиш учун янги ҳарбий бўлинмалар тузишига тўсқинлик қилиш. Юқоридагиларнинг барчаси инobatга олиниб, Афғонистон амир аскарларини тўлиқ қуролсизлантириши, 200 нафар қуролли отлик қўшинлар шахсий қўриқчи сифатида қолдирилиши, Афғонистон амирни фақат меҳмон деб билиши таъкидланган. [5]

Юсуфзода элчилик фаолияти давомида Амир Саид Олимхон ҳақида қимматли маълумотлар тақдим этган. У элчилик ҳисоботларида Саид Олимхон Афғонистоннинг Хонобод деган жойида, авваллари Бухорода қандай фароғатда яшаган бўлса, шундайлигича ҳаёт кечираётгани, у ўзига содиқ 100га яқин жангчиси билан бирга эканлиги, лекин Афғонистоннинг ўзида унинг обрўйи аввалгидек эмаслигини таъкидлаб ўтган.

Абдурахим Юсуфзода Кобулдаги дипломатик фаолияти давомида Бухоро республикасининг ҳарбий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш чораларини кўрган. Бунда Афғонистон Бухоронинг асосий иттифоқчиси бўлиши кўзда тутилган. Шу мақсадни кўзлаб, 1921 йили июнда бир неча ойлик музокоралардан сўнг А.Юсуфзода ва Маҳмуд Тарзий бошчилигида бухоро-афғон дўстлик шартномаси ишлаб чиқилади. Буни ҳатто РСФСР ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичерин Советларнинг IX- сьездидаги ҳисоботида алоҳида таъкидлаб ўтган.

Шартнома мазмун жиҳатдан Бухоронинг ҳам Афғонистоннинг ҳам тўлақонли мустақил давлат эканини расман тасдиқлаган эди. Шартнома РСФСРнинг Афғонистондаги янги тайинланган вакили Ф.Ф.Раскольниковнинг кескин танқидига учрайди. Мисол учун, афғон –бухоро шартномасининг 2-бандида Афғонистон ҳам Бухоро ҳам ўз ҳудудларида ҳеч қандай ҳорижий армия сақламаслик кўзда тутилганди. Бу банд ўша пайтда Бухорода бўлиб турган Қизил армия ҳарбий қисмларига қарши қаратилгани аниқ эди. Шунингдек, шартноманинг 3-бандида Карки ва Термиздаги қизил армиянинг ҳарбий қисмлари ортга қайтарилиши зарурлиги, 5-бандга биноан Бухорода жойлашган мусулмонларнинг муҳим диний обидаларини ҳимоя қилиш учун икки тарафдан қўшма комиссия тузилиши, 6-бандга кўра Бухоро инқилобидан зарар кўрган афғон фуқароларига компенсация тўланиши кўзда тутилган эди. Бундан ҳабар топган совет ҳукумати зудлик билан бу шартнома имзоланишига йўл қўймаслик чораларини кўради. РСФСР ҳукумати афғон-бухоро дўстлик шартномасини қайта кўриб чиқишни талаб қилади ва Бухоро ҳукуматида РСФСР манфаатларини кўзда тутувчи бошқа шартномани тақдим қилади. Бу шартномада Юсуфзода томонидан тузилган шартномадан фарқли равишда 2-банд, яъни “ҳорижий кўшинларни олиб чиқиш” банди “икки тараф ўз ҳудудида бир-бирига душманлик кайфиятида бўлган шахс ва ташкилотларни сақламаслик, улар томонидан қурол тарқатилиши ва сақланишига йўл қўймаслик” банди билан алмаштирилади. Шу тариқа совет қизил армиясини Бухорода бўлиши масаласи ижобий ҳал қилинади. Компенсация тўлаш ва ҳарбий қисмларни ортга қайтариш бандлари шартнома матнидан чиқариб ташланади. Совет ҳукумати Бухоро республикасида зудлик билан бошқа бир ваколатли шахс юбориб, айнан РСФСР томонидан маъқулланган шартнома имзоланишини талаб қилади ҳамда А.Юсуфзода шартнома тузиш ишидан бутунлай четлаштирилади.[9] Шунингдек Афғонистон ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзий 1921 йил 18 июнда Абдурахим Юсуфзода билан учрашиб, Совет Россияси Бухоро ва Хива республикаларининг мустақиллигини қўпол бузаётганини билдиради ҳамда бу сиёсатни мусулмонларга қарши қаратилганини таъкидлайди.[9] 1921 йил августда Бухоро ҳукумати РСФСРнинг кучли сиёсий босими остида улар томонидан “тавсия қилинган” афғон-бухоро дўстлик шартномасини имзолашга мажбур бўлади.[10]

Маълумки, 1921-1922 йилларга келиб Шарқий Бухорода истиқлолчилик ҳаракати кучаяди. Туркиянинг собиқ ҳарбий вазири Анвар Пошшо Шарқий Бухоро ва Афғонистон сарҳадларида совет қизил армиясига қарши ҳарбий кўшин тўплаш бошлайди. Совет ҳукумати бу ҳаракатнинг бошқа ҳудудларда ҳам авж олишини тўхтатиш мақсадида Бухоро Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев бошчилигида Шарқий Бухоро ишлари бўйича фавқулодда комиссия тузади. [7] Бундан ҳабар топган Анвар Пошшо Усмонхўжа Пўлатхўжаев орқали совет ҳукуматида ультиматум ҳатини ёзади ва рус кўшинларини бутун Туркистон ҳамда Бухородан олиб чиқилишини талаб қилади. Айни пайтда совет ҳукуматнинг Бухорога бўлган сиёсий тайзика кучайиб республиканинг ички ишларига фаол аралаша бошлайди. Бухоронинг мустақиллиги ҳавф остида қолади. Буни англаган Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1922 йил январда Бухоро ҳарбий ноziри Али Ризо билан биргаликда Бухорони тарк этиб Қобул шаҳрига келади ва Анвар Пошшо бошлиқ истиқлолчилар томонига ўтади.

Совет ҳукумати Бухорода катта обрўга эга бўлган давлат арбоби Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг Афғонистондаги ҳаракатларини диққат билан кузатади ва Қобулдаги РСФСР вакили Ф.И.Раскольников БХСР элчиси Абдурахим Юсуфзодадан Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг нега Бухорони тарк этгани сабабини аниқлашни талаб қилади. Бу масалага А.Юсуфзоданинг жалб қилинишининг сабаби унинг Усмонхўжа Пўлатхўжаев билан Бухородаги инқилобий ҳаракатларда маслакдош ва фикрдош бўлганликларида эди.

А.Юсуфзода Қобулдаги БХШЖ элчихонасининг котиби Мирзо Муҳаммад Шарифхўжани Усмонхўжа Пўлатхўжаев ҳузурига юборади ва унинг қаерда истиқомат қилаётганини аниқлайди. Шарифхўжа берган маълумотларга кўра Усмонхўжа Пўлатхўжаев БХШЖ ҳарбий ишлар ноziри Али Ризо билан биргаликда Бухорони тарк этади, бироқ у Мозори Шарифда қолади, Усмонхўжа Пўлатхўжаев ёлғиз ўзи Қобул шаҳрига йўл олади. Шунингдек у йўлда Ғози Хўжа исмли киши билан суҳбатлашади. Бундан ҳабар топган А.Юсуфзода Ғози Хўжа билан

учрашиб унинг Усмонхўжа Пўлатхўжаев билан бўлган суҳбати тафсилотларини ёзиб олади. Унга кўра дастлаб Анвар Пошшога қўшилган Усмонхўжа Пўлатхўжаев ҳозирда Қобулда ёлғиз истиқомат қилишга мажбур, чунки унинг собиқ сафдошлари Али Ризо ва Дониёр уни қўллаб-қувватламай кўйган эди. Усмонхўжа Пўлатхўжаевни бир тарафдан руслар, иккинчи тарафдан Ҳисор тоғларидаги лақай қабиласи таъқиб қилмоқда эди. 1921 йил мартда Юсуфзода Усмон Хўжа билан юзма-юз учрашишга муваффақ бўлади. Ўзаро суҳбатда Юсуфзоданинг “Сиз нима сабабдан бу ерга қочиб ўтдингиз?” деган саволига Усмонхўжа Пўлатхўжаев русларнинг оддий фуқароларни талон-тарож қилаётганликлари, уларнинг азобланаётгани, “босмачилик”ка қарши кураш баҳонасида аҳолини талаш билан шуғулланганликларини ва бунга ўхшаш бошқа безориликлар кўп бўлганлигини айтади. А.Юсуфзоданинг маълумотларига кўра Усмонхўжани афғон ҳукумати ҳам тинч қўймай, турли ҳужжатларга қўл қўйишга мажбурлайдилар. Бу суҳбатдан сўнг Юсуфзода Бухоро ҳукуматига телеграмма йўллаб Усмонхўжа шаънини ҳимоя қилади ҳамда уни фақатгина бир масалада, яъни, Анвар Пошшо васвасасига берилиб қолганликда айбдор эканлигини ёзади. [12]

А.Юсуфзода Қобулдаги дипломатик фаолияти давомида Усмонхўжа каби Афғонистонга қочиб ўтган бошқа Бухоро фуқароларини ҳам ватанига қайтариш, уларни авф қилишга эришиш билан машғул бўлади. У элчилик фаолиятининг бошидаёқ афғон ҳукумати вакиллари билан музокараларда қочқин фуқароларга нисбатан умумий авф эълон қилинган ҳақида хабар беради. Элчилик фаолиятининг биринчи йилидаёқ Бухорога собиқ амир саройининг қоровулбегиси Бурхонбек Абдурахимов, собиқ Денов вилояти беги Субҳонқулибек Авлиёқулибек ўғли каби 22 нафар фуқаро БХШЖга қайтарилади ва улар авф қилинади.[13] Авф қилинган собиқ амирлик фуқароларидан бири Ҳожи Абдусатторбек иноқ додхоҳ эди. У 1920 йил охирида Амир Олимхоннинг ишонч ёрлигини олиб Қобулга, Омонulloхон хузурига йўл олган. Олимхон Шарқий Бухорода курашни давом эттира олмаслиги маълум бўлгач, Афғонистон ҳукуматидан бошпана сўраган. Музокаралар давомида Афғонистон томони амирдан ҳарбий рутбадаги мулозимларини чиқариб юборишини талаб қилган. Шундан сўнг Абдусатторбек иноқ амирнинг розилигини олиб, элчи Абдурахим Юсуфзода билан Ватанга қайтган. Файзулла Хўжаев унга барча мулкларини қайтариб, Зиёвуддин, Шаҳрисабз худудлари солиқ бошқармасига ишга олган. [13]

Бухоро республикаси Афғонистонда қанчалик мустақил алоқа қилишга уринмасин, бу алоқалар ҳам Москва ҳам РСФСРнинг Қобулдаги ваколатхонаси томонидан назорат қилинарди. Айни вақтда Юсуфзода Бухоронинг ички ишларига нафақат инглизлар, балки совет ҳукуматининг аралашшишга ҳам қарши бўлган. Шунинг учун у РСФСРнинг Қобулдаги элчиси Ф.Ф.Раскольниковга хат йўллаб, Совет ҳукуматининг Шарқий Бухорода истиқлолчиларга нисбатан олиб бораётган сиёсатини кескин қоралайди. Хатда Бухоро республикасида содир бўлаётган тартибсизликларда рус ҳукуматининг ҳам айби борлиги, улар Бухоро ички ишларига кўпол аралашаётгани, бу ҳатти-ҳаракатлар ҳамкорлик ҳақидаги шартномаларга тўғри келмаслигини очиқ-ойдин баён этади.[]

А.Юсуфзода Бухоро ҳукуматига махсус телеграмма билан мурожаат қилиб “босмачилик” аъзолари афғон халқи орасида Самарқандга олиб борувчи темирйўлни, Амударё кўприги ва темирйўлини бузиб юбориш тарғиботини олиб бораётгани, Анвар Пошшо ҳамда Афғонистон ўртасида алоқа тобора мустаҳкамланиб бораётгани, Афғонистонда “босмачилар” учун отлар, кўйлар, олтинлар тўпланаётгани ҳақида хабар беради. []

Юқоридаги мураккаб вазиятда элчи А.Юсуфзода афғон-бухоро муносабатларини яхшилаш йўлида заҳмат чекади. Аммо унинг фақатгина мустақил Бухоро республикаси манфаатлари йўлида хизмат қилиши Афғонистон ҳукуматининг ўзига ҳам РСФСР ҳукуматига ҳам маъқул эмасди. Натижада 1922 йилнинг 11 ва 13 феввалида бўлиб ўтган БХШЖ ҳукумати раҳбарларининг кенгашида А.Юсуфзода ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз, ҳеч қандай сабабсиз Бухорога чақириб олишга қарор қилинади. 1922 йил июнда БХШЖнинг янги элчиси этиб Хошим Шоик Қобулга кириб келган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Афғонистоннинг телеграфи.// Бухоро Ахбори. 1921 йил 13 январ, 19 сон, пайшанба. – 1 бет
2. Борисова И.Д. Правовое обеспечение национальных государственных интересов Советской России и СССР в Центрально-Азиатском и Кавказском регионах в 1917-1929 гг. (историко-правовое исследование) дисс. по теории и истории права и государства; история учений о праве и государстве. Москва. 2011 г. Стр. 258-259
3. Документы внешней политики СССР. - Москва: Государственное издательство политической литературы, 1963. Том седьмой. - С.449-450 .
4. Документы внешней политики СССР. - Москва: Государственное издательство политической литературы, 1963. Том четвертый. - С.713-715; Годовой отчет НКВД IX съезду Советов (1920 - 1921). - Москва. 1921. -С .128
5. Документы внешней политики СССР. Т. III. 1 июля 1920 г.-18 марта 1921 г. — М.: Госполитиздат, 1959. стр. 193.
6. Жавоби телеграф. Бухородан-Қобулға.//Бухоро Ахбори. 1921 йил 13 январ, 19 сон, пайшанба. – 1 бет
7. Қ.Ражабов. Ш.Ҳайитов. Усмон Хўжа (рисола). Тошкент: Abu matbuot-konsalt. 2011. – 16 бет.
8. Р.Т.Шамсутдинов. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар. Тошкент: Шарк. 2001. – 60-61 бетлар..
9. РГАСПИ (РИСТДА) 122-фонд, 2-рўйхат, 67-иш, 105-варок.
- 10.РГАСПИ (РИСТДА) 544-фонд, 3-рўйхат, 76-иш, 95-96 варақлар.
- 11.РГАСПИ (РИСТДА) 544-фонд, 3-рўйхат, 76-иш, 96- варақ.
- 12.Рустам Шамсутдинов. Усмонхўжа ватан хоини эмасди. //Халқ сўзи. 1991 йил 15 октябр. 199-сон. 3-бет
- 13.<https://yuz.uz/uz/news/oz-vatanin-sevgan-aybsiz-aybdorlar-oqlovi->
14. Баҳром Ирзаев. Ҳожи Абдусатторбек Иноқ Додхоҳ. <https://www.facebook.com/bahrom.irzayev/posts/pfbid0WYk9g8KP8FqxmX5ZnAuEuwrwdiWRjKmE7xsgEsNRmqfXMPxvLxvLbLbFnD81pv4Erl>

МИНГТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР ҲАҚИДА

Шахло Хусанова Артиқалиевна. Андижон Давлат Университети таянч докторанти.

Аннотация. Ушбу мақолада антик давр ёдгорлиги Мингтепа шаҳрида (Андижон вилояти Марҳамат тумани) диний эътиқоднинг шаклланиши тўғрисида сўз боради. Мингтепада диний эътиқод турли кўринишларда бўлиб, зардуштийлик билан бирга қўёнга сизиниши ва тотемистик эътиқодни кузатиши мумкин. Мавзунини таҳлил қилишида археологик материаллардан кенг фойдаланилди.

Калит сўзлар: Мингтепа шаҳри, диний эътиқод, зардуштийлик, қўёнга сизиниши, ҳайвонларга эътиқод.

Аннотация. В данной статье рассказывается о формировании религиозной веры в городе Мингтепа (Мархаматский район Андижанской области). Религиозная вера принимает множество форм в Мингтепе, и наряду с зороастризмом можно наблюдать поклонение солнцу и тотемистическую веру. При анализе темы широко использовались археологические материалы.

Ключевые слова: город Мингтепа, религиозное верование, зороастризм, поклонение солнцу, вера в животных.

Abstract. This article talks about the formation of religious faith in the city of Mingtepa (Marhamat district, Andijan region). Religious belief takes many forms in Mingtepa, and sun worship and totemistic

belief can be observed along with Zoroastrianism. Archaeological materials were widely used in the analysis of the topic.

Key words: *Mingtepa city, religious belief, Zoroastrianism, sun worship, belief in animals.*

Мингтепа милоддан аввалги IV- милодий V асрларга оид антик шаҳар қолдиғи бўлиб, бу ернинг аҳолиси ўзига хос диний қарашларга эга бўлган. Бу ҳудуддан топилган моддий ашёлар ўрганилганда зардуштийлик дини урф-одатларига оид маълумотлар олинган. Зардуштийликнинг асосий урф-одатлари дафн маросимлари билан боғлиқ. Зардуштийликда дафн маросими ўзига хос бўлиб, мурда уч кун уйда сақланган. Тўртинчи кун эса мурдани тоғу-тошларга қолдириб, қушлар ва йирткич ҳайвонлар суякларни этидан тозалаш, махсус идишларга солинган.(3:60-6). Тадқиқотларда Фарғона водийси қадимдан “Авесто жамияти” ҳудудига киритилган.(7:50-6) Мингтепа яқинидаги Лўмбитепа ёдгорлигидан топилган ораста бу ҳудудда зардуштийлик динига эътиқод қилганликларини кўрсатади. Ораста пиширилган лойдан ясалган ва овал кўринишида бўлган. Орастда турли тасвирлар чизилган бўлиб, ҳар бир тасвир диний мазмун берган бўлиши мумкин.(9:44-45 б.) Б.Абдулгазиева бу ҳолатни асосан маздапарастлик дафн маросимларида амалга оширилганлиги билан боғлайди.(1:125-6)

Мингтепа яқинида жойлашган булоқлар ҳам зардуштийлик дини билан боғланади. Масалан, А.Аскарров Мингтепа яқинидаги Алитепа ёдгорлигида мавжуд бўлган “Чашмаи Муборак” булоғини эзгулик тангриси-Ахурамазда билан боғлайди. Булоқни оташпараст аждодлар илоҳийлаштириб, атрофида кўним топган бўлиши мумкин деб, таъкидлайди. (4:145-6.)

Мингтепа ҳудуди ва унинг атрофидан топилган мазоркўрғонларда ҳам маҳаллий аҳолининг эътиқодига ва дафн маросимларига оид маълумотлар аниқланган. 1950 йилларда Марҳамат қабристонининг 7 та мазоркўрғони ўрганилганда қабрларда инсонлар ўзига хос оилавий ҳолда кўмилган бўлиб, тош тепаликлардан иборат эканлиги аниқланган. Майитлар 0,6-0,8 метр чуқурликдаги ўра гўрларга кўмилган. Одам суяклари чалқанчасига, боши ғарб томонга қараб ётқизилган.(8: 60-б.) Шунингдек, майитлар ёнига турли сопол буюмлар, тақинчоқлар, тош буюмлар ҳам бирга кўйилган. Қабристонда иккита ҳолатда бош суякларининг тагида тошли текис плитка ётқизилган. Уларнинг оғирлиги 50 килограммгача бўлган. В.И Козенкованинг таъкидлашича, бундай ҳолатда кўмилган қабрлар унинг изланишларида бошқа учрамаган.(8: 60-б.)

Мингтепада Б.Матбобоев раҳбарлигидаги ўзбек-хитой кўшма археологик экспедицияси томонидан 2016-2019 йилларда олиб борилган тадқиқот даврида топилган Мингтепа шаҳар қабристонидан ўндан ортиқ қабрлар қовлаб ўрганилган. Бу қабристондаги қабрларда мингтепаликларнинг ўзига хос дафн маросимлари ҳақида янги маълумотларга эга бўлинди. Битта қабрда ит суяклари ва тишлари (клик) билан сопол идиш топилган. Одамлар билан бирга итларни дафн этилиши зардуштийлар урф-одатларидан ҳисобланган.(13:146-б). Бу қабрларнинг топилиши қадимий Мингтепада аҳоли асосан зардуштийлик динига эътиқод қилганлиги ҳақида кўшимча маълумотлар беради.

Қадимги Фарғона давлати аҳолиси куёш култига, оловга, отга ва аждодлар руҳига ҳам сиғинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Қадимий Мингтепадан топилган археология материаллари ҳам мана шу маълумотларни тасдиқлайди. Мингтепа топилмалари ичида зооморф (ҳайвон) тасвирлари туширилган сопол буюмлари юқоридаги фикрларни асослашга хизмат қилади ва шу ерлик аҳолининг диний қарашларини ўзида ифодалайди. Мингтепа шаҳар харобасидан сопол парчасида тирнаб чизилган от сурати топилган. Отнинг бош ва дум қисми сақланиб қолмаган. Лекин, унинг қолган қисмлари асосида отнинг расми тикланган.(10:11-12-б.) Бундан ташқари от ва куёш култига эътиқод қилиш Мингтепа яқинидан топилган қоятош суратларида ҳам тасвирланган. Қадимда отларга гапира оладиган, уча оладиган, ақлли мавжудот сифатида қараганлар. От билан барча орзулар амалга ошишига ишонганлар. А.Н. Бернштам томонидан ўрганилган Мингтепа яқинида Аравон қоятош суратлари бунга мисол бўла олади. Аравон петроглифида ҳайвонларнинг хулқ-атвори катта маҳорат билан аниқ ифодаланган. Қоятош суратларида ҳаракатдаги инсон тасвирлари мавжуд. Инсон тасвирлари ов қилиш мақсадида эмас, балки бирор диний маросимни бажараётганлигини кўриш мумкин. Бу тасвирларни А.Н.Бернштам куёш култига бўлган эътиқод намунаси бўлиши мумкин, деб таъкидлайди. (5:155-156-б.)

Зардуштийлик динида ҳам дастлабки “Яшт” (гимн)ларда от тотемини куёш худоси Митра билан боғлайдилар.(3:20-б.) Отларнинг суратлари тасвирланган жойлар уларга сиғиниш ва диний маросимларни бажариш объекти бўлган. Бу суратлардаги инсон ҳаракатлари отларни кўпайтиришга бағишланган бўлиши мумкин. Мингтепада отни муқаддаслаштирилганлигини шаҳар яқинидан топилган Отмозор қабристонида ҳам билиш мумкин.

Бундан ташқари 2014-2015 йилларда Мингтепа шаҳридан топилган сопол парчаларида ёлдор бўри (гиена), кабутар, товус, Хумо қуши каби ҳайвонларнинг тасвирланиши(11:51-52 б) мингтепаликларнинг юқоридаги жонзотларга бўлган эътиқодидан дарак беради. Бўри тотемига сиғиниш туркий халқларда қадимдан мавжуд бўлиб, бўри буюк аجدод сифатида улуғланган. Н.Я.Бичуриннинг ёзишича, қадимда туркийлар қабиласи батамом қириб юборилганда, биргина бола омон қолади. Уни урғочи бўри сақлаб қолади ва босқинчилардан ҳимоя қилиш учун тоққа олиб қочиб кетади. Мана шу боладан дунёга келган ўнта фарзанддан туркий уруғлар тарқалган. (6:220-б.)

Мингтепа сопол прачаларидаги тасвирларда кабутар ёки ёввойи ғоз деб тахмин қилинаётган сурат илк ўрт асрлардаги сўғдликлар диний қарашларига ўхшаб кетади. Б.Абдуллаевнинг таъкидлашича, ёввойи ғоз тимсоли Зурвон тимсоли бўлиб, чексиз замон худоси Брахма худоси билан тенглаштирилган. (2:339-б.) Бу эса Мингтепада “ёввойи ғозлар” ҳам эътиқод сифатида чуқур тарихий илдизга эга эканлигини кўрсатади.

Турли жонзотларга эътиқод қилиш, муқаддаслаштириш тотемизмнинг белгилари ҳисобланади. Бу эса Мингтепада тотемистик қарашлар ҳам мавжуд эканлигидан дарак беради. Хулоса қилиш мумкинки, Мингтепада диний дунёқарашлар ҳар хилликдан иборат бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Абдулгазиева Б. Археологические памятники Мархаматского района Андижанской области // ИМКУ. Вып. 26. – Ташкент: 1992. – С. 125.
2. Абдуллаев Б. Керамика как исторический источник // Осие мамлакатлари тамаддуни ва Ипак йўли. Халқаро илмий анжуман.-Самарқанд: 2019. –С.339.
3. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод маросимлари. - Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. –Б. 60.
4. Асқаров А. Мархаматга ташриф ва Эрши мудофааси ҳақида мулоҳазалар // Ўзбекистон археологияси. 2010. №1. –Б.145.
5. Бернштам А.Н. Араванские наскальные изображение и Даванская (Ферганская) столица Эрши // Советская этнография. – Москва: 1948. № 4. - С.155-156
6. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – Москва-Ленинград: АН СССР, 1950. Том I. -С.220.
7. Исомиддинов М., Алохунов А. Фарғона водийси бронза ва темир даврида. - Фарғона: 2021. –Б. 50.
8. Козенкова В.И. Археологические работы в Андижанской области в 1956 г. // КСИИМК. М., 1959. –С.60
9. Матбобоев Б.Х. Оосуарии Ферганы // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.1993.№2. – С.44-45
10. Матбобоев Б.Х. Умматов А. Мингтепадан топилган қадимий ноёб тасвирий санъат асари // Моддий ва маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. - ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи. –Тошкент: 2019. –Б.11-12.
11. Матбобоев Б.Х. Мингтепа: Археологик қазилмалар ва уларнинг таҳлили // Водийнома. №3. – Андижон: 2019. – Б. 51-52.
12. Матбобоев Б.Х., Джу Янгши., Хошимов Х., Мамиров О., Алиохунов А., Ҳакимов А. Мингтепада 2018-2019 йилларда олиб борилган археологик ишлар // Археологические исследования в Узбекистане 2018-2019 года. Вып. 12. – Самарқанд: 2020. – С. 146.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

Ёқубов Фарҳод Каримжон ўғли, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ кичик илмий ходими

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан сўнг кузатилган миграция жараёнлари ҳақида сўз борган. Муаллиф томонидан ташқи миграция жараёнларининг вужудга келиши ва унинг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калим сўзлар: ташқи миграция, репатриация, ишсизлик.

Abstract: This article examines the migration processes observed after Uzbekistan gained independence. In the article, the author examines the emergence of external migration processes and their causes.

Key words: external migration, repatriation, unemployment.

Аннотация: В данной статье рассматриваются миграционные процессы, наблюдавшиеся после обретения Узбекистаном независимости. В статье автор рассматривает возникновение внешних миграционных процессов и их причины.

Ключевые слова: внешняя миграция, репатриация, безработица

Ҳозирги глобаллашув шароитида миграция омили дунёдаги барча мамлакатларни камраб олди. Мамлакатлардаги беқарор вазият, иқтисодий инқироз, турли хил кўринишдаги келишмовчиликлар ва бошқа оқибатлар миграция жараёнларини жадаллик билан ривожланишига олиб келди. Дунёдаги бир гуруҳ демографларнинг башорат қилишича 2050 йилга бориб жаҳондаги мигрантларнинг умумий сони 230 млн кишига етиши ҳамда бу кўрсаткич ер юзидаги умумий аҳолининг 2,6 %ни ташкил қилиши керак эди¹. Бироқ 2020 йилдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, 2020 йилда дунё мамлакатлари бўйлаб 281 миллион мигрантлар фаолият олиб борди. Мазкур кўрсаткич ер юзидаги умумий аҳолининг 3,6%ини ташкил қилди². Улар орасида Ўзбекистон Республикаси фуқоролари ҳам алоҳида ўрин тутди. Собиқ Иттифоқ парчалангандан сўнг, таркибида бўлган барча мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бунинг бир кўриниши сифатида аҳолининг чет эл мамлакатларига чиқиш тартиби соддалаштирилди. Натижада, кўплаб ўзбекистонликлар ишлаш, ўқиш, малака ошириш ва бошқа турли мақсадларда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларига кўчиб ўта бошладилар.

1990 йилларнинг бошларида Ўзбекистон ҳудудидан кўплаб турли хил миллатга мансуб кишилар бошқа мамлакатларга эмиграция қилдилар. Жумладан, руслар, татарлар, чеченлар, ингушлар Россияга, украинлар, қрим татарлар Украинага, немислар Германияга, яхудийлар Исроилга кўчиб ўтдилар. Бунга этник жиҳатдан мансуб бўлган фуқоролар ўз ватанларига кўчиб ўтишга бўлган хошишнинг пайдо бўлиши, Ўзбекистонда кам сонли миллат сифатида яшашдан қочиш каби сабабларни келтириш мумкин³.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг катта улуши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга тўғри келган. Мазкур фаолият билан мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми шуғулланар эди. Бироқ кейинги йилларда Марказий Осиёда сув танқислигининг вужудга келиши, жумладан Орол денгизининг қуриб бориши мамлакат қишлоқ хўжалигига сезиларли даражада таъсирини кўрсатди. Бунинг натижасида мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари ишсиз қолдилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг маълум бир қисмини ташқи

¹ World migration report 2020. International organization for migration (IOM). <http://www.iom.int>.

² McAuliffe, M. and A. Triandafyllidou (eds.), 2021. World Migration Report 2022. International Organization for Migration (IOM), Geneva. P.2.


³ Abashin S. Migration from Central Asia to Russia in the New Model of World Order, Russian Politics & Law, 2014. 52:6, P.9-10.

миграция жараёнларида иштирокини оширган бўлса, бошқа бир қисми эса иш топиш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилоятига кўчиб ўта бошладилар¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари ичида доимий аҳоли ўсиш кўрсаткичи бўйича етакчи мамлакат саналади. XXI асрдан бошлаб Ўзбекистондан хориж мамлакатларига оммавий миграциявий оқимлар ҳаракатлана бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида мамлакатда аҳолини барқарор ўсиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, 2000 йилда мамлакат аҳолиси 527508 нафар кишига кўпайди ҳамда мазкур тенденция 2006 йилгача бўлган давр оралиғида 500 минг нафар кишидан кам бўлмаган миқдорда сақланиб қолди. 2007-2013 йиллар оралиғида эса мамлакатда туғилиш сони ўртача йилига 638371 нафарни ташкил қилди. Кейинги йилларда ҳам аҳоли сони барқарор ўсиб борди ҳамда 2014-2018 йиллар оралиғида ўртача ўсиш кўрсаткичи йилига 732477 нафарни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда эса мазкур кўрсаткич 814960 нафарни, 2020 йилда 841817 нафарни ҳамда мустақил Ўзбекистон тарихидаги энг юқори кўрсаткич 2021 йилда қайд этилиб, 905211 нафарни ташкил қилди. (Қаранг: 1-диаграмма). Ўзбекистонда аҳоли сонининг жадал ўсиб бориши, мамлакатда янги иш ўринларига бўлган талабнинг ошиб боришига олиб келди. Бироқ, Республикада ҳар йили яратилаётган иш ўринлари ҳажми меҳнатга лаёқатли кишилар сонига нисбатан камчиликни ташкил қилмоқда². Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 17 август куни Ўзбекистоннинг тарихида илк мартаба миграция соҳасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу масалага тўхталиб ўтди. Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, ҳар йили мамлакатнинг 600-700 минг аҳолиси меҳнат бозорига кириб келади. Шундан, 500 минг яқин киши мамлакатда яратилган янги иш жойларига жалб қилинса, қолган 200 минг киши эса бевосита миграция жараёнларида иштирок этади³.

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлар сони кўрсаткичи (киши)



Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосда тайёрланди.

Бундан ташқари, 2000 йилга келиб, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий вазият ўзгариб борди. Аввало, мамлакатда СССР даврида жорий қилинган имтиёزلарнинг бекор қилиниши, мустақилликнинг дастлабки йилларида майда турдаги тадбиркорлик фаолиятининг тартибга солиниши ҳамда 2000 йиллардан Россия ва Қозоғистон иқтисодиётининг асоси бўлган

¹ Шеломенцев А, Бедрин Е, Тухтарова Е. Факторы формирования миграционных потоков из Узбекистана в Россию. Журнал. Экономика и Финансы 2018,7 (115).С.43.

² Расулова Д. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. Т. Молия, 2010. Б. 103.

³ Ҳорижда меҳнат қилаётган фуқороларни қўллаб-қувватлаш масалалри муҳокама қилинди. <http://uza.uz/uz/posts/khorizhda-me-nat-ilayetgan-fu-arolarni-llab-uvvatlash-masala-17-08-2020>.

энергия ресурсларининг нархларини ошиши миграция жараёнларга талабни оширди ва бу ўзбекистонликларнинг ташқи миграциявий жараёнларда фаоллашувига олиб келди¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги ташқи миграция жараёнлари асосан икки турга бўлиш мумкин. Биринчи турига 1991 йилдан-2000 йилгача бўлган давр оралиғида мамлакатда олиб борилган ислохотлар натижасида хорижга чиқиш тартиби соддалаштирилиши, аҳолининг турли миллатлардан ташкил топган улуши тарихан ўз ватанларига қайтиб кетиш хохишининг юқорилиги ва бошқа сабаблар ўзбек бўлмаган аҳоли қатламини кўчиб ўтишларига олиб келди. 2000 йилдан бошлаб эса, асосан паст малакали ишчи кучидан ташкил топган миграциявий оқимларнинг ҳажми ўсиб борди. Бунинг асосий сабаби сифатида мазкур даврда меҳнатга лаёқатли кишилар сонининг барқарор ўсиши, сув танқислиги ва бунинг натижасида ишсизлик даражасини ўсиши ҳамда кўшни давлатлар иқтисодиётининг ривожланишини келтириш мумкин.

ТУРКИСТОНДА ҲИНДИСТОНЛИКЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

Р.А. Султанов, Андижон давлат университети тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари музейи” ходими

Аннотация. Қадимдан ўзбек-ҳинд халқлари ўртасидаги ўзаро маданий-маърифий, иқтисодий-сиёсий муносабатлар дўстона руҳда давом этиб келяпти. Бу муносабатлар Чор Россияси мустамлака даври ва Туркистон АССР ташкил топган илк йилларда ҳам ўз аксини топди. Мақолада ҳиндистонликларнинг Туркистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида ўйнаган роли архив ҳужжатлари ва бирламчи манбалар асосида ёритиб берилади.

Калим сўзлар: замбарак, ҳинду, савдо, судхўрлик, тарққийпарвар.

Аннотация. Культурно-образовательные, экономико-политические связи между узбекско-индийскими народами издавна продолжают в дружеском духе. Эти отношения нашли отражение в колониальный период царской России и первые годы образования Туркестанской АССР. В статье на основе архивных документов и первоисточников освещается роль представителей индийских народов в общественно-политической и экономической жизни Туркестана.

Ключевые слова: пушка, индус, торговля, ростовщичество, прогрессивный.

Abstract Cultural-educational, economic-political relations between the Uzbek-Indian peoples have been continuing in a friendly spirit for a long time.. These relations were reflected in the colonial period of Tsarist Russia and the first years of the formation of the Turkestan ASSR. The role of Indians in the socio-political and economic life of Turkestan is highlighted in the article based on archival documents and primary sources.

Key words: cannon, Hindu, trade, usury, progressive.

Қадимдан Марказий Осиёда вужудга келган давлатлар ўз кўшнилари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда мустаҳкам алоқаларга эга бўлган. XIX асрда Ўрта Осиё хонликлари ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар яхши йўлга қўйилган эди. Туркистонга келган ҳинд муҳожирлари орасида савдогарлар, судхўрлар, дехқонлар, хунармандлар билан бирга ҳарбийларларнинг борлиги алоҳида эътиборга моликдир. Инглиз-ҳинд мустамлака армияси сафида хизмат қилган ҳарбийлар Бухоро ва Туркистонда яна ўз ҳарбий карьерасини давом эттириш мақсадида эдилар. Амир Насрулло даврида Бухорода доимий ҳарбий кўшин ташкил этилди. Унда инглиз-ҳинд мустамлака армиясидан келган ҳинд ҳарбий зобитлари Шохруххон ва Носирхонлар ҳамда мустамлака армиянинг бошқа ҳарбий номоёндалари хизмат қилган [1, 2]. Бухоро амирлиги кўшинларига асли ҳиндистонлик бўлган кишиларнинг келиб қўшилиши тўғрисидаги хабарлар Қозоғистон ҳудудида жойлашаган рус истехкомларига доимий тарзда келиб турган. Шулардан биттаси Перовский фортида

¹ Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Социальные, правовые и гендерные аспекты. Сб.ст./ отв.ред.Е.В.Абдуллаев. Ташкент, 2008. С.17.

(ҳозирги Қизил Ўрда) 1863 йил 22 майда юритилган “Ўрта Осиё ҳақидаги ёзувлар” ҳужжатларида учрайди. Гап амир Музаффар қўшинида катта эътиборга эга бўлган Абдагазис хон ҳақида боради. У Бухоро амирлиги қўшинида муносиб ўринга эга бўлган ҳамда ёш ҳарбийларни жанг қилиш санъатини эгаллашга ўргатган[1, 3]

Ҳиндистонда 1858 йилда инглиз-ҳинд армиясида маҳаллий аҳоли қатлампидан аскарликка ёлланган сипоҳийлар қўзғолон кўтаришди. Қўзғолонга сабаб маҳаллий кишиларни диний камситилиши бўлсада аслида бу мустамлака тузумига қарши кураш эди. Қўзғолон мувафакқиятсизликка учрагач инглиз ҳукумати исёнчи сипоҳийларни қаттиқ таъқиб остига олди. Мустамлакачилар қатағонидан омон қолган собиқ ҳинд ҳарбийлари Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигига келиб ҳукумат қўшинларида тегишли мансабларни эгаллаган. Қўқон хонлигида ҳинд ҳарбийлари хизмат қилганлиги тўғрисида XIX асрнинг 50 йилларида келган сибирлик рус сайёҳи Максимов шундай ёзади: “Қўқонда исми Мустафо, ўзи қора, ўрта бўйлик, қорни катта бўлган инглиз замбарак куяди”. Унинг бошқа юртдоши Бачча Ҳинду Қўқон армиясида юзбоши мансабига кўтарилган, Тошкентда замбарак қўшинларида қўмондонлик қилиб, 1865 йилдаги 9 ва 14-16 май жангларида ҳамда генерал Черняев шаҳарни штурм қилган вақтда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди[1, 3].

1866 йил Туркистонга келган рус шарқшуноси П.И.Пашино Тошкент учун кечган жангларда руслар тарафидан қўлга олинган асирлар орасида Бухоро ва Қўқон қўшинининг замбаракчилар бўлимида қўмондонлик қилган ҳинд Матранинг исмини эслаб ўтган [2, 116-117].

Инглиз капиталистлари тарафидан денгиз бандаргоҳларидаги савдо-сотик ишларидан ҳинд савдогарларини деярли тўлиқ сиқиб чиқарилиши ҳиндларнинг диққат-эътиборини Буюк Ипак йўлларида қаратилишига сабаб бўлди. Тарихи Фарғона асарида ажнабий савдогарлар орасида ҳиндлар ҳам эслаб ўтилади [3, 6]. Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Туркистон ва Бухорода кўплаб карвон саройлар мавжуд бўлиб, уларда асосан ҳинд савдогарлари ойлаб, йиллаб яшаганликлари ҳақида маълумотлар учрайди.

Туркистонга келган ҳиндларнинг асосий қисми Шикарпур, Пешавор, Лаҳор, Бомбей шаҳарларидан эди. Аксарият ҳиндистонликлар Ўрта Осиёда тижорий-молиявий ишлар айниқса судхўрлик билан шуғулландилар. Камдан кам ҳолларда дехқончилик ишлари билан банд бўлган [4, 149-150]. Самарқандда ҳинд савдогарлари 6 та карвонсаройда жойлашган бўлиб, улар ипак-шойи газламалар, табиий ранглар ва рус темирини Бухоро орқали Туркистонга олиб келганлар[5, 3]. Бухоро ва Туркистоннинг мусулмон эркаклари бошларида оқ салла ўраб юриши одат бўлган. Бозорларда салла учун фойдаланиладиган оқ мато харидоргир бўлиб, уни ҳинд савдогарлари Панжоб провинциясидан келтирганлар [6, 565].

Туркистонда ҳинд савдогарларининг молиявий айланмаси етарли даражада юқори бўлган. Тошкентдан Қўқонга 1868 йил 9 январ куни ҳинд савдогари Бай Тилла, Хоса ва бошқа савдогарлар умумий қиймати 12800 рубллик чой, рус ва ҳинд молларини олиб келганлар Бундан кўриниб турибдики хорижий савдогарларга яратилган шароит, берилган имконият ва уларнинг хавфсизлигини таъминланганлиги натижасида, ҳинд савдогарлари нафақат Бухоро ва Туркистон савдо алоқаларида, балки унга чегарадош мамлакатлар билан олиб борилган ташқи савдо алоқаларида ҳам фаол иштирок этганлар.

Судхўрлик Қўқон хонлигида яшовчи ҳиндларнинг асосий машғулоти ҳисобланган ва улар маҳаллий савдогарларга ойига 2 ёки 2,5 фоиз бадал ҳисобида, олдиндан тилхат ёздириб олган тарзда, пул қарз берганлар. Хусусан, ҳинд судхўри берган 16 танга (3 руб. 20 коп.) - 20 ҳафтадан сўнг унга 4 танга (80 коп.) даромад келтирган [7, 98-99].

Туркистоннинг бош шаҳри Тошкентда 1894 йилда эски шаҳардаги Чорсу бозори ёнида учта алоҳида саройлардан иборат омборларга эгалик қилган 40 нафар атрофида ҳиндистонлик тожирлар истиқомат қилган. Улар ипак, калава савдоси ҳамда судхўрлик ишлари билан машғул бўлган. Ҳинд судхўрлар ҳеч кимдан қарзи бўлмаган аммо кунлик даромадга эга мижозларга пул берган. Обрўли кишилар бошқа жойдан қарз олиш имконияти борлиги туфайли ҳинд судхўрларига мурожаат этмаган. Қарзлар мижозларга 20 рублдан ошмаган ҳолда 24 ҳафта давомида ҳафтасига бир сўмдан ундириб бориш шарти билан

берилган. Яъни судхўрлар 6 ойда 20 % даромад олишган. Судхўрлар оддий аҳоли қатлами (нонвойлар, темирчилар ва бошқа майда ҳунармандлар) ни тезлик билан қамраб олган. Мисол учун бу ҳафта 400 рублни 20 кишига қарз тариқасида бўлиб берилган бўлса, кейинги ҳафта йиғилган пулдан яна бир қарздор рўйхатдан ўтган. Пул беришда судхўр қарз олувчидан тилхат ёздириб олган. Қарз ҳунармандлар талабига тўлиқ мос келганлиги учун фоизи юқорилиги юзасидан ҳеч ким шикоят қилмаган. Судхўр бошқа шаҳарларга ёки ўз мамлакатига кетиш вақтида қолган қарзлар ҳақидаги маълумотларни карвонсаройда қолаётган ўз ҳамшаҳрига топшириб кетган.

Туркистондаги истиқомат қилган ҳинд савдогарлари пул ишлаб топишда бир-бирларига халақит бермасликлари учун шаҳарларни ўзаро келишган ҳолда бўлишиб олишган. Мисол учун Тошкентда фақат Шикарпурликлар фаолият олиб борган. Бухоро ва Самарқандда Ҳиндистоннинг бошқа жойларидан келган савдогарлар истиқомат қилишган.

Туркистонга келган ҳиндистонликлар ўз оилаларини ватанида қолдириб келишган. Тошкентда яшаган ҳиндистонликлар орасида ўлим ҳолатлари 4-5 йил орасида бир марта кузатилган. Ҳиндлар вафот этган кишининг жасадини ўтда ёққани туфайли маҳаллий аҳолининг салбий қарашига сабаб бўлган. Инсон жасадини ёқиш мусулмон кишилари тарафидан инсонни таҳқирлаш маъносини аңлатгани сабабли маҳаллий аҳоли ҳиндларнинг дафн маросими вақтида турли йўллар орқали халақит беришган. Ҳиндлар маросимни тинч-осуда ўтказиб олиш учун маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилишган. Ҳокимият вакилларининг маросимда иштирок этиши ҳиндавий урф одатларни осойишта ўтишини таъминлаган.

Жиззах йўлида безгак касалига чалиниб, Тошкентга келганидан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмасдан вафот этган ҳинднинг дафн маросимида иштирок этиш имкониятига эга бўлган рус шарқшуноси, генераль-майор Н.С.Лыкошин шундай ҳикоя қилади: - Туркистонга келиб ҳали пул топишга улгурмагани сабаб мархумнинг маросими жуда ғариб ўтди, аммо барча амаллар тўлиқ бажарилди. Тонг сахарда мурданинг юз қисми оқ ипак рўмол билан ўралган, қолган жойлари қизил рангдаги мато билан қафанланган эди. Мурда алоҳида қизил, қора ва оқ рангдаги иплар билан тахтага маҳкамланиб аравага ортилди. Бу аравадан ташқари яна учта ўтин ортилган арава аздор бошларини қуйи солган мархумнинг укаси ва яқинлари кузатуви остида шаҳар ташқарисидаги Қорасарой йўлида жойлашган, одатда ҳиндавийларнинг жасади ёқиладиган Иброҳим ота қишлоғига яқин бўлган жой томон йўл олди. Жасадни дўнгликка қўйиб атрофдаги қорлар устидан мархумни марказга олган ҳолда доира шаклини чизиб чиқишди. Мархумнинг боши устидан қандайдир дуони ўқиб сув тўлдирилган кўзача синдирилди. Кейин ҳиндлар жасадни ёқиш учун тайёргарлик кўра бошлашди. Тўртта узун ходалар устига тахтага маҳкамланган мархум ётқизилди. Ёнбошидан яна иккита ходани ерга қоқиб мустаҳкалашди. Мархумнинг юзига қалин қилиб сариёғ суртилди ва қафан усти бўйлаб бир сиқим буғдой сепилиб, юз қисмига ёнғоқ жойлаштирилди. Сўнгра жасад устига терак ёғочларини тахлаб уюм хосил қилинди, уни усти қамиш билан қопланди. Маросимда иштирок этган ҳиндлар дуолар ўқиб оловни тутатишга киришди. Қуруқ ўтин тез орада аланга олди. Жасадни ёниш даврида ҳиндлар оловдан алоҳида ажралиб чиқадиган тутинни чиқишини кузатиб туришди. Олов жасадни қуйдириши ва ундан қуюқ кулранг тусдаги хос тутун чиқиши лозим эди. Аланга кучайганда мархумнинг укаси олов атрофини уч марта айланиб, унга олти дона тайёрлаб қўйилган ўтинни ташлади. Кейин барча иштирок этаётганлар қатор бўлиб тиз чўқишди ва аланга тарафига қараб дуолар ўқишди. Ҳиндлар қўлларига кичикина новдаларни олган ҳолда доира шаклида ўтирдилар ва ҳар бир ҳинд ўз қаршидаги қор устига юмолоқ шаклини чизди. Қўлларидан новдаларни бир вақтни ўзида доира устига қуйиб яна қўлларига олдилар ва синдириб елкаси устидан аланга тарафига улоқтириб маросим ниҳоясига етказилди. Ҳиндлар маросим ўтгазилган жойни тарк этишидан аввал маҳаллий аҳоли оловни ўчириб қўймаслиги учун шаҳардан қоровул ёллашганди. Жасад уч кун ичида тўлиқ ёниб кул бўлганидан кейин махсус кўзага унинг кули жойлартирилиб Ҳиндистонга юборилган ва Ганг дарёсига сочилган [8, 3].

Бу каби дафн маросимларини ўтказиш амалиёти Туркистоннинг бошқа шаҳарлари қатори Бухорода ҳам ўтказиб келинган. Рус географлари жамияти тарафидан тузилган даврий ҳисобот журналларида ҳинд муҳожирлари яшайдиган шаҳарлар орасида Андижон шаҳри ҳам тез-тез тилга олинган. Ҳинд муҳожирлари Андижон уездида анънавий савдогарлик, судхўрлик ишлари билан шуғулланишган. Улар Синд вилоятининг Шикарпур шаҳридан келган бўлиб, Тошкентдаги ҳиндлар билан яқин алоқада бўлганини исботлайди. Андижон шаҳрига узоқ бўлмаган Олтинкўл туманида “Ҳинду мазор” қабристонни мавжуд. Ҳали бунга тасдиқлайдиган ҳужжат қўлга киритилганига қарамай эҳтимол, бу қабристонни шундай номланишига сабаб ҳиндистонлик бўлган мусулмон муҳожирларни шу жойга дафн этилганлик тахминларини илгари суради.

Ҳиндлар Бухоро ва Туркистонда ибодатхона-мандирларини қуриш учун рухсат ололмаганлар, аммо ўзлари истиқомат қилган қарвонсаройларда ибодат қилиш учун алоҳида ҳоналарга эга бўлганлар. Ибодат қилиш амалларини бажариш учун Ҳиндистондан махсус гурулар чақиртирилган. Гурулар ҳинд жамияти кастачилик тизимида энг юқори ўринда эътироф этилган браҳман табақаси вакили ҳисобланган. Улар Туркистон ва Бухоро ҳукумати расмий ҳужжатларида “пирзода” деб юритилган. Пирзодалар ўзлари билан ҳиндавий муқаддас китоблари ҳамда сиғинадиган объектлари бутларни олиб келишган. Тошкент ҳиндлари жойлашган қарвонсаройда Банорасдан келтирилган ҳинд маъбудаси “Кали” тажассуми акс этган ҳайкал жойлаштирилган [9, 240]. Браҳман кастасига мансуб кишилар ҳар куни эрталаб бошдан-оёқ сув қуйиб чўмилиши одат ҳисобланади. XIX асрнинг 80-йилларида Андижондаги қарвонсаройда Рамсунинг махсус ювиниш ҳонаси бўлган. Баъзи жойларда браҳманлар маҳаллий масканлардаги ариқларда ғусл амалларини бажариш келишган [9, 241].

1897 йили Тошкентда ҳарбий курсантларни ҳиндустани (урду) тилига ўқитиш мақсадида курс ташкил қилинди. Курсда ҳиндустани тилини биладиган маҳаллий миллат вакиллари дарс беришига рухсат берилганди [10, 12-14]. 1897-1898 йиллари маҳаллий ўқитувчилар билан курснинг ҳиндустани тили амалий дарсларини кашмирлик Кабир шах Мустафин олиб борган. У дарс беришда яхши натижаларга эришиб, ўқитиш услуби бошқа ўқитувчилар томонидан юқори баҳоланган. Ҳиндустани тилидан битирув имтиҳонларининг оғзаки шаклини олишда ҳинд ўқитувчилари деярли доим қатнашганлар.

Ҳиндлар Туркистонда савдо-содиқ ва судхўрликдан ташқари маҳаллий капиталистлар билан бирга ишлаб-чиқариш корхоналарини қуришган: Самарқандда чой қадоклаш корхонаси ҳинд савдогарларига тегишли бўлган. Улар ташкил этган корхоналарда 20-30 нафаргача ишчилар ишлаб туришган. 1896 йили ҳиндистонлик тадбиркор Бой Балагуев А.Я.Епифанов компаниясида Наманганнинг Машад қишлоғида пахта тозалаш заводи қурган. Пешаворлик Якуб шайх Нурханов 1907 йили Андижонда пахта тозалаш заводи қурди [9, 243].

1917 йилгача ҳиндлар Туркистонда савдо-сотик, судхўрлик, тадбиркорлик ишларида фаол иштирок этган бўлсада, большевиклар ҳокимиятни эгаллагандан сўнг бу каби фаолият турлари таъқиқлана бошлади. 1918 йил 9 августда Ўрта Осиёда разведка маълумотларини йиғиш мақсадида Андижон шаҳрига келган инглиз полковниги Бейли ҳам ўз хотираларида ҳиндистонликларни тилга олади. Бейли ҳузурда бўлган бир гуруҳ Шикарпурлик ҳинд муҳожирлари большевик ҳукумати тарафидан уларнинг фаолияти таъқибга учрагани ва рубль кескин инфляцияга учраб, пулнинг қиймати кундан-кунга арзонлаб кетаётгани туфайли зудлик билан 2 миллион рублни Ҳиндистонда рупий шаклида олиш имкониятини излаб мурожаат қилишган [11, 17].

1917 йилдан сўнг Туркистонга ҳинд ишбилармонлари ўрнига маърифатпарвар-тараққийпарвар фикрга эга бўлган ҳиндистонликлар кириб кела бошлади. Улар муҳожирликдаги инқилобий кайфиятдаги миллий-озодлик ҳаракатларининг намоёндалари эди.

1917 йилнинг 29 ноябрида Афғонистонда тузилган Ҳиндистон муваққат ҳукумати президенти Маҳендра Пратап Термиздаги рус чегара бригадаси командири орқали Совет Россияси билан боғланишга ҳаракат қилди. У ўз мактубида шундай ёзади: “Мен Ҳиндистон ва инсон ҳақ-ҳуқуқларидан келиб чиқиб, Россияга ёрдам бера оламан. Мен ҳозирги рус

хукумати вакиллари билан учрашишни ўтиниб сўрайман...”. Муваққат ҳукумат президентининг мактуби жавобсиз қолдирилмади. 1918 йил апрель ойида Маҳендра Пратап Тошкентга таклиф қилинди, у ердан Петрограддаги Совет амалдорлари билан учрашувлар ўтказиш учун борди[12, 59].

Муҳожирликда умр кечирган маърифатпарвар-тараққийпарвар профессор Баракатуллоҳ 1919 йили март ойининг илк кунини Тошкентга келди. Тошкентда 1919 йил 5 март кунини “Большевизм маслағи ва шарқ мусулмон халқлари” мавзусида мурожаатнома эълон қилди. 1919 йил 16 март кунини Иштирокиюн газетасининг навбатдаги сонини мурожаатнома босиб чиқарилди. Бир муддат Тошкентда тургач Баракатуллоҳ Москвага кетди. 1919 йил 7 майда Москвада РСФСР халқ комиссарлари совети раиси В.И.Ленин билан учрашган[13, 548]. Учрашувда Баракатуллоҳ Туркистонни чинакам мухториятга эришиши, ТуркМИҚ (ТуркЦИК) руслар билан тенг ҳуқуқда мусулмонларга ҳам тақсимланиши, Турккомиссия аъзоларининг 5 нафари рус ва 5 нафари мусулмонлардан иборат бўлиши, Қўқон мухториятчилари ҳамда босмачиларга авф (амнистия) эълон қилиш йўли билан маҳаллий халқлардаги норозиликни тўлиқ бартараф этиш таклифини киритади. Юқорида келтирилган таклифларни Лениннинг Шарқ халқлари мурожаатномаси шаклида тантанали равишда эълон қилиш йўли билан империалистлар тарафидан маҳаллий аҳолида совет сиёсатига нисбатан ишончсизлик туйғусини экиш уринишларига биратўла абадий зарба берилишини таъкидлаган. Шарқ бўлими мудирини Вознесенский ва Туркистон вакили Собир Юсуповлар музокарада иштирок этган. Ленин Баракатуллоҳдан ўз мулоҳазаларини ёзма равишда беришини сўраган. 1919 йил 9 май кунини Баракатуллоҳ мулоҳазаларини қоғозга тушириб Ленинга тақдим этган”[14, 24-26].

Баракатуллоҳ 1919-20 йиллари Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Тошкентда туриб бутун шарқ халқларига большевиклар мақсад-моҳиятини тушунтиришда, тарғиб қилишда намунавий фаолият олиб боришга ҳаракат қилди. Бироқ Баракатуллоҳ Анвар пошо билан Бухоро халқ совет Республикасига боргандан сўнг “Қатта ўйин” қурбони бўлганини англаб етди.

1920 йил июн ойида Тошкентда Ҳинд инқилобчилари ассоциацияси фаолият олиб борди. Ассоциацияда Абдур Раб Берк бошлиқ бир қатор Ҳинд инқилобчилари инглизларга қарши кураш олиб борган. 1920 йил 1-8 сентябр кунлари Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари съезидида ассоциация вакиллари Фазли Кадрини ва бошқа вакиллар жами 14 киши иштирок этди. 1920 йил 17 октябрда шу ассоциация биносида Ҳиндистон коммунистик партияси тузилди. Унга революционер коммунист М.Н.Рой раислик қилган.

Хуллас, XIX аср иккинчи ярми XX аср биринчи чорагида Ҳинд муҳожирларининг Туркистондаги фаолиятини илмий тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Масаланинг илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши Ўзбекистон тарихининг халқаро муносабатлар тарихини ўрганишда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. Р-2866-фонд, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд.
2. Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году, Путевие заметки 182 стр.
3. Улуғбек Долимов, Нурбой Жабборов, Исҳоқхон тўра Ибрат, Тарихи Фарғона, Тошкент, “Маънавият” 2005 й.
4. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, Санкт-Петербург 1874, 562 стр.
5. Хорошкин А. Народы Средней Азии (историко-этнографические этюды), Туркестанские ведомости, №10, 5-го апреля, 1871 г. 6 стр.
6. А.Борнс. Путешествие в Бухару, Москва 1850 г. 662 стр.
7. Мадрахимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихидан, Тошкент, “Янги нашр” 2014. 180 б.
8. Лыкошин Н.С. Письма из туземного Ташкента, Туркестанские ведомости, № 9, 6 февраля 1894 г. 6 стр.

9. Димитриев Г.Л. Из историй индийских колоний в Средном Азии (вторая половина XIX начало XX века), Страны и народы востока, Изд. Наука, Москва 1972, 530 стр.
10. Русско-индийское отношение в 1900-1917 гг. Сборник архивных документов и материалов. «Восточная литература» РАН. Москва 1999 г. 528 стр.
11. Фредерик Маршман Бейли. Миссия в Ташкент, 2013 г. 236 стр.
12. Жирова Н.С. Сотрудничество индийской националистической партии “Гадар” с коммунистическим интернационалом (1922-1943 гг.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук, Липецк 2018 г. 226 стр.
13. В.И.Ленин/ Полное собрание сочинение, Москва 1969, 580 стр.
14. Р.Т.Шамсутдинов. Ҳинд миллатпарвари профессор Муҳаммад Баракатулло большевикларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсати тўғрисида // Водийнома, №2, 2021, 22-25, (112 б.), Ҳинд миллатпарвари профессор Муҳаммад Баракатулло Большевикларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсати тўғрисида // Водийнома, №1, 2019, 24-29, (108 б.)